

Уз 2  
К 52

МУРНИЈАР  
ЭПОПЕЯСИ

Нурали  
ҚОБҮЛ

Тарихий роман

СУЛТОН

қаршисигадаги

ШАЙТОН XI



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_

--	--

Нурали ҚОБУЛ

**СУЛТОН  
ҚАРШИСИДАГИ  
ШАЙТОН  
ХІ**

*Тарихий роман*



Тошкент  
"IJOD-PRESS"  
2018

УЎК: 94(575.1)

КБК: 84(5Ў)6

Қ 52

Қобул, Нурали

Султон қаршисидаги шайтон: тарихий роман / Н. Қобул.  
– Тошкент : «IJOD-PRESS», 2018. – 416 б.

УЎК: 94(575.1)

КБК: 84(5Ў)6

*Жаҳонгир Амир Темурнинг вориси хоқон Шохруҳ қон тўқмаслигу жон чекмаслик йўлидан бориб, ота салтанатини элда тутиб турмоқ, давлатни бўлмоқ дардига тушганларни йўлга солмоқ учун сабот-ла курашда давом этади.*

*Мамлакатнинг ғарбий чегараларида эса улуғ хоқон қайтишидан сўнг яна ўз ҳокимиятларини тиклаган, Амир Темурдан қочиб юрган жалойирлар ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойир ва қорақўйинли туркманлар давлатининг улуғ амири Қора Юсуф туркман мавқе талашиб омонсиз жангга киришадилар.*

*Бу талотўпда ўз имконини янглиш баҳолаган темурийзода Абу Бакр Мирзо ва амир Қора Юсуф билан бўлган тўқнашувда чодирбанд ота ва ҳукмдор Мироншоҳ Мирзо Темур ўғли шаҳид кетади.*

*“Темурийлар” тарихий эпопеясининг ўн биринчи китобида сиз ана шу жаҳоншумул воқеалар бадиий тафсилотининг иштирокчисига айланасиз.*

ISBN: 978-9943-994-88-1



© «IJOD-PRESS» нашриёти, 2018



## БИРИНЧИ БОБ

*Бобур дарди тахт экан,  
Ёлғизлик ҳам бахт экан.*

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**

Ҳирот қўшини Туркистондан қайтиши билан бир неча бор исён кўтариб жазоланган Сеистон маликларидан элчи келди.

– Хоқони саид зоти олийлари инсонлар сарвари, валийликка муносиб Шайх Зайниддин Хавофийни Сеистон сари юборсалар ва мамлакат раиятининг хунини бағишласалар. Биз эса ўз навбатида бундин сўнг ҳеч қачон оёғимизни итоат ва тобелик узангисидан олмаймиз, деган муждани етказмоққа вакилдурман, – дея сеистонликлар истагини подшоҳга етказди чопар.

Шайх Зайниддинни ҳузурига чорлаган султон бу истакни шайх-ла муҳокама этиб ва уни Сеистон сари йўллади.

– Сеистон аҳлига неки инояту марҳамат лозим бўлса, кўрсатажакмиз. Шу пайтгача биз томондан у ўлка халқига ҳеч бир янглиш хатти-ҳаракат содир этилмади. Исён кўтариб, улус тинчлиги ва мамлакат бирлигини бузмоқчи бўлганлар мавжуд тўраю тузук асосида жазоланганлар. Раиятнинг жону мол омонлиги, бизнинг кафолатимиздир, – дея сўзини Сеистон ҳокимларига етказишни тайинлади хоқон. – Шу билан Сеистон масаласига сўнг нуқтани қўяйлик.

Сеистон олиму уламолари, ақобиру асоғирлари Шайх Зайниддинни иззат-икром билан қарши олдилар. Шайх хоқоннинг самимий истакларини етказди.

– Унда биз сиз Шайх ҳазратлари билан ўқ-ёй ва кафан-

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

лигимизни бўйнимизга солиб, олампаноҳ даргоҳларига бош эгиб борамиз. Ул зоти олий олдиларида айбимиз чексиздир. Гуноҳларимиз устига афв чизиғи тортилишидан умидвормиз, – деди Шоҳ Масъуд.

– Ёнингизга бирор-бир қозини ҳам олингки, давлатпаноҳ ҳузурларида сўзларингизни тасдиқласин, – тавсия қилди Шайх Зайниддин. – Олий Тахт поясига сизларни ўзим элтаман.

Отаси Шоҳ Маҳмуд таълимотига кўра хос совға-саломлар ҳозирлаган Шоҳ Масъуд, Шайх Зайниддин ҳамроҳлигида султон кўринишхонасига кирганида ҳам бўйнида ўқ-ёй ва кафан осиглиқ эди.

– Ҳар икки тараф, билхосса, хоқони саид ҳазратларининг иноятлари ила Сеистон жамоатининг садоқат қадами сабот манзилидан сирғалган экан, иншооллоҳ, давлатпаноҳ ҳазрати олийлари илоҳий тадбиру тақдирга тақлид қилмоқларидин умидвормиз. Оллоҳ бандаларининг гуноҳ ва айбларидан воқиф бўладию, аммо ўз қудрату шавкатининг мукамаллигига қарамай, жазоламоқни кечиктириб, муҳлат беради ва улар тавба эшигидан кирганларида узрларини қабул қилади. Белгилидирким, аҳли Сеистон кўп йиллардан бери султони ғозий хонадонларига нисбатан хизматкорлик тариқаси ва жонсипорлик вазифасини бажо келтирмоқда қусур этмаганлар. Кейинги бир неча йил мобайнида улар куфронини неъматга қандайдир бир қадам қўйган бўлсалар, ўз жазоларини топдилар. Қаҳрнинг аччиқ захрини татиб кўрдилар ва афсус-надомат бармоғини тишладилар. Айни фурсатда хоқони саид ҳазратларининг подшоҳона лутф-марҳаматлари умидида ўқ-ёй ва кафан ушлаб, остоналарига бош уриб келдилар, – дея қироат билан мурожаат қилди Шайх Зайниддин. – Онҳазратнинг

шафқату марҳаматга бўлган туғма мойилликлари а-  
нимни хайрихоҳ, хайрихоҳни дўст этиб келгандир.

– Қавми Сеистонга падари бузруквор ҳазратларининг ҳам алоҳида эътимод ва рағбатлари борлиги маълум эди. Муҳтарам Шайх ҳазратларининг шафоатларини қабул қилдик ва аларнинг гуноҳлари саҳифаси устидан афв чизигини тортдик. Барча мусофирларимизга муносиб шоҳона инъомлар тақдим этилсин! Тус қалъасида ҳибсда ётган Шоҳ Маҳмуднинг ўғли Шоҳ Нусрат озод қилинсин! Ва Сеистон ақобирлари уни қиблагоҳи ҳузурига олиб борсинлар! Инимиз Шоҳ Масъуд эса мулозим ўлароқ Ҳирот саройида қолажаклар! – амр берди подшоҳ.

Субҳи содиқ<sup>1</sup> бўлиб қолган, хоқон бомдод намозини ўқиб бўлиб, мутолаа учун хос хонага туташ кутубхонага ўтган эди.

Даҳлиздан кўрима қоровулининг йўталгани эшитилди. Бирор муҳим хабар бўлганда қоровуллар шу тарзда хоқоннинг хос ётоғига яқинлашардилар. Подшоҳ китобни олганча даҳлизга чиқди.

– Ассалому алайкум! Хоқон зоти олийларини амир Нуширвон Барлос кўринишхонада бекламоқдалар! Муҳим хабар бор экан! – деди найза тутган қоровул.

Хоқон хаёли қочганча кўринишхона томон юрди. Нуширвон Барлоснинг мотамсаро қиёфасидан фожианинг бор бўй-бастини ҳис этса бўлар эди.

– Не гап-сўз? Тинчликми? – ташвишли оҳангда сўради подшоҳ.

– Пирмуҳаммад мирзони ҳам шаҳид этибдилар! – деди амир мунгли овозда.

– Қачон? Нечун? Недан? – ҳайрон бўлиб сўради хоқон.

---

<sup>1</sup>Субҳи содиқ – тонг отгандек бўлиб кўринадиган (субҳи козиб) вақтдан сўнг содир бўладиган ҳақиқий тонг отиш вақти.



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Чопар ярим тунда етиб келган эди. Шу туфайли сизни роҳатсиз этмадик, онҳазрат.

– Бутун девон ишларини топшириб қўйган, табиб шогирдлигидан соҳиб ихтиёр даражасига кўтарган Хожа Хусайн деган нобакор тун қоронғусида чодирига кириб, шаҳидлик шаробини ичирибди.

– Қўрқилган иш бошга келар дегани тўғри! Худди валиаҳд Пирмуҳаммад мирзонинг қатли каби!

– Шундай, онҳазрат! Одатда омад ҳам, омадсизлик ҳам, бахту бахтсизликда бир-бирига ўхшайди. Бу қавми турк деганингиз эсини таниб эл бўлибдики, дуч келган иту битни одам қилиб, унга ишониб, охир-оқибатда шу тўғрилигию ишонувчанлигининг қурбони бўлиб яшай-веради. Ақл бовар қилмайди. Эшитиб, тун бўйи мижжа қоқмадим, – шом туби қоронғи эди амирнинг.

– Қиблагоҳ қайтишларидан кейинги бешинчи амирзоданинг шаҳид этилиши! Бирортаси ўз ажали билан вафот этмади. Уч нафари ўз ўлимини тилаб олди. Иккиси эса фитна ва суиқасднинг қурбони бўлди. Салтанат ва давлатга обрў келтирмайяжак фожиа ва фалокатлар. Даҳшат! Қўнишмоққа тил айланмайди, – асабийлашганча хона узра наридан бери юра бошлади хоқон. Одам танимаслик, дўсту душманни айира билмаслик, тубан ва пасткашларни ўйламай-нетмай юксалтирмоқнинг охир-оқибати шундай тугайди. Бундай хатою янглишликлар ўзимизнинг ҳам бошимиздан кечди. Эҳтиёт бўлмасак, вақтида чорасини кўрмасак эди, тўрт йил мобайнида сотқинлигу суиқасд байроғини кўтариб чиққан икки собиқ вазиримиз ҳам бизни шу кўйга соларди, – мушоҳада этарди хоқон.

– Яқин амирлари мирзони бир неча бор огоҳлантирган, насл-насаби номаълум, бу яҳудийнусха, ҳаммолпутуш табибваччадан эҳтиёт бўл, бошингга бир балони кел-

тирмасин. Қирққача кўса яхши, қирқдан кейин ўлса яхши дегандек, бу калкўсадан инсон зотига яхшилик келмайди, дейишган экан. Отга мингач, отасиниям унутадида, одам боласи. Калкўсаю, кўзининг косаси ташқарига битганлар итга ҳам соя бермайдилар, – ўзича таҳлил қиларди амир. – Уни худони қудасича кўрмайдиган бир разил дегандилар-а! Хушомад сўзлаган тил ялаб-ялаб яра этажагини амирзодаларимиз қачон англаб етадилар, билмадим.

– Тангри «барча яхши амалларингиз мендан. Ёмон ишларингиз ўзингиздан» дегани ҳақ. Узоқни кўра билмаганлар бало-қазоларни сотиб олиб юрадилар. Эндиги ҳар қандай афсусу муҳокамадан фойда йўқ. Не қилмоғимиз керак? – тўхтаб, амакисига тикилди подшоҳ. – Бўлар иш бўлиб, бўёқ хуми синибди. Раббимдан сабр тилаб, ўнгга боқмоғимиз керак. Тақдири илоҳий!

– Лол, кўру карман, онҳазрат! Қотил нобакорнинг атрофидаги одамлар ҳам анча-бунча эмиш. Мирзо Искандар кўл қовуштириб ўтирмай, бирор чорасини кўрган-дир!

– Бу турумга қараб турсак бўлмас. Бугуноқ бешта сараланган юзликни олинг-да, вазиятни ўрганмоқ ва Искандар мирзога дастак бермоқ учун Шероз сари отланг. Йўл-йўлакай бирор янгилик бўлса Ҳиротга чопар жўнатиб туринг.

– Мен ҳам шундай фикрда эдим. Йўлга чиқар олди-дан видолашмоқ учун яна ҳузурингизга келаман.

Ўй ва қайғуга ботган хоқон хона ўртасида, руҳсиз бир алфозда турганча сас-садосиз бош ирғади.

...Амакиси, хоқон Шоҳруҳнинг зар хошияли мактубини олган Пирмуҳаммад мирзо уни ўлиб тавоф қилди-да, боғичларини очди. Ўқиб, юзи ёришди.

– Султон амаким энди буюк бобомиз ўрнида бобо,

## Нурали ҚОБУЛ

---

қиблагоҳимиз ўрнида отадирлар. Барчамиз ул зоти олийнинг дуойи фотиҳалари асосида иш тутиб, салтанат, миллат ва умматнинг борлиги ва бирлигини сақламоғимиз керакдир! – деди қаршисида бир ҳолу аҳволда ўтирган иниси Искандар мирзонинг шахзодаларга хос бўлмаган, оҳори тўкилган кийим-кечагига боқаркан.

– Шоҳ Шужо ҳазратларининг силоҳдори Рамазон оқонинг муҳташам уйлари бўш турибди, дея эшитган эдим! Амирзодамизни шу ерга жойлаштирингиз-да, бир теурий шахзодага неки лозим бўлса, мукамал тарзда муқайё этингиз! – бош вазирига буюрди подшоҳ.

– Қуллуқ, улуғ қардошим! Бошим кўкка етди! Шунча азоб-уқубат, сарсону саргардонликдан сўнг сиз олийжаноб, саховатпеша подшоҳ акам, қондошимнинг меҳру марҳаматига сазовор бўлмоқ илоҳий бир неъматдир. Тангри мулки давлатингизни бундан-да зиёда, яғийларингизни пиёда этсун! – дуо қилди амирзода Искандар.

Пирмуҳаммад укасини кўчага қадар кузатиб чиқди. Қучоқлашиб хайрлашдилар.

Шу тариқа икки қардошнинг Шероздаги меҳр-муҳаббатлашув кунлари бошланди. Ҳар куни кўришиб узоқ суҳбатлашишар, Мусалло боғини кезиб Рукнобод суви бўйида кезишарди.

– Эрта-индин Кермон сари юрамиз. Ўзимиз ҳокимият тепасига қўйган кишиларимиз бизга тутун қайтармоқдалар. Борайлик-чи. Бизни инсону шоҳ каби қаршиласалар хўшу хўш. Ишни савашгача етказмай сулҳ-ла битиражакмиз. Сиз ҳам ўз черигингиз билан сафарга ҳозирлик кўринг, – инисига буюрди подшоҳ.

Кўшин Шероздан чиқиб бир манзил юрди ва Дугоҳа қасабасида тўхтади. Подшоҳ амри билан кичикроқ сой бўйидаги хушманзара майдонга чодир у хаймалар-



ни тикдилар. Аскарлар таҳорату ибодатларини қилиб, емак-ичмак ҳозирлигига киришди.

Соҳиб ихтиёр Хожа Ҳусайн шарбатдор сой бўйидаги кўкрақдор бир тепага подшоҳ чодирини тикдирди. Баковулга ширвоз этидан қайнатма шўрва, каклик гўштидан серзираворли қовурдоқ тайёрлашни буюрди. Авайлаб олиб келишаётган шароблардан бир кўзасини подшоҳ чодирига киритиб қўйди.

Емак суфрасида уч киши ўтирарди. Хожа Ҳусайн подшоҳ чодирига Искандар мирзо билан бирга кириб келди.

– Бошқа амирларимиз қани? Нега уларни чорламадингиз? Бунча емакни ким ейди? – сўради чодир соҳиби Пирмуҳаммад мирзо Хожа Ҳусайндан.

– Ўзимиз суҳбатлашиб, юриш масаласини муҳокама этайлик дедим, султоним. Сўнгра чақир десангиз, чорлагайман, – деди сергак тортиб Хожа Ҳусайн.

Пирмуҳаммад мирзо индамай суфра тўрига бориб ўтирди. Ўнг тарафдан мирзо Искандар, сўл томондан Хожа Ҳусайн жой олдилар.

– Кўзани менга бер, шаробни ўзим қуяман, – деди Хожа Ҳусайн соқийнинг қўлидан кўзани оларкан.

– Олам подшоҳи бўлинг, султоним! Қани шу тилаклар билан олайлик-чи! – қадаҳ сўзи айтди Хожа Ҳусайн мулозим каби этана бўлиб хизмат қиларкан.

– Олам подшоҳлигини қўятулинг. Улуғ бобомиздан қолган икки вилоят тўрт навоҳияни ҳам зўрға эплаб турибмизу! – деди собиқ уқаловчисининг кўнгилни айнитувчи бу каби сийқа сўзларидан безган амирзода унинг гапини кесиб. – Баландпарвоз гап-сўзлардан узоқ турганимиз маъқул! Ҳамду сано фақат ёлғиз раббимизга ярашади.

Ака-ука шаҳзодаларга хизмат қилиб турган Хожа

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Хусайн бугун негадир камроқ ичиб, суфрани тартибга келтирган бўлар, ора-сира ташқарига чиқиб келарди.

– Бугун шаштингиз паст, шаробдор жаноблари. Олишингининг ҳам тайини йўқ, – деди Пирмуҳаммад мирзо унинг хаёли жойида эмаслигини диққатидан қочирмай.

– Биз хизматда, султоним. Сиз олийнажот подшоҳларимиз ҳузурларида орқа-олдимизга қарамай олаверсак бўлмас, – шўрва ичган калдек терга тушиб каловланди Хожа Хусайн.

– Бугун бироз ўзгачароқ кўринасиз-да. Шунга ҳайронман, – деди шаҳзода унинг ортиқча қилиқларига ҳаргалгидек эътибор бермай.

Емақдан сўнг чодир саҳнига чиқиб қардоши билан бироз ҳаво олган Пирмуҳаммад мирзони уйқу элитди.

Қардошлар хайрлашганча чодирларига кириб кетишди. Негадир Хожа Хусайн кўринмади. Ақлига ҳеч бир нарсани келтирмаган Пирмуҳаммад мулозим ҳозирлаган жойга узанди. Ётиши билан кўзи илинди.

Ярим кечада ўн чоғли одам билан шаҳзода чодирига яқинлашган амир ул-умаронинг йўлини ҳеч ким тўсмади.

Тунги қоровуллар ҳам йўқ эди.

– Қурол-яроғсиз! Ичкарига кираверинглар! – буюрди Хожа Хусайн укаси Хожа Али ва юзбоши жияни Жўра Жаллодга.

Ичкаридан қиличнинг сермалган ва шаҳзоданинг инграган саси эшитилди.

Фожиадан хабар топган бир барлосий ясовул югурганча мирзо Искандар чодирига етиб келиб, фалокатни айтди.

– Тезроқ қочинг, амирзодам. Улар сизни ҳам маҳв этмоқ ҳақида кўнишганларини туйдим, – ҳансираб гапирарди ясовул.

– Унда юр сен ҳам биз билан! – дея олди амирзода

ўзи билан бирга ётган навкарини туртиб уйғотар экан. — Қочмоқ керак!

Икки кечаю кундуз ухламай йўл юрган Искандар мирзо ҳолдан тойган бир аҳволда Шерозга етиб келди.

Амирзода Искандар Саодат дарвозасидан кириб, Пирмуҳаммад мирзо Шерозга қойим мақом ўлароқ тайин этган амир Темурхожанинг уйига борди. Фожиани англади.

Амирзодани диққат билан тинглаган Темурхожа унга шубҳа ва гумон ила боқаётгани нигоҳидан сезилиб турарди.

— Мен шаҳардаги бекларимизни чорлайн. Ўтириб маслаҳатлашайлик, амирзодам. Турум оғирга ўхшайдир, — деди қойим мақом бошга тушган фожиадан ташвиш чекиб.

Тўпланган амирлар ҳам шу шубҳада мирзо Искандарга боқишар, яқин кечмишда қардошлар орасида бўлиб ўтган можаролардан барча бирдек юрак олдириб қўйган эди.

Пирмуҳаммаднинг ярим йўлдан Шерозга қайтган юз чоғли лашкари учинчи куни Шерозга етиб келди. Содир бўлган воқеани амирларга айтишди.

Шундан сўнг Темурхожа бошлиқ беклар ва кулу<sup>1</sup>лар амирзода Искандарга байъат келтириб, подшоҳликка кўтардилар.

— Эрта-индин у нобакори қотил Шерозга ҳам етиб келса керак. Шаҳар буржу бораларини тузатиб, лашкару халойиқни ҳимояга ҳозир этмоғимиз керак, — деди мирзо Искандар юз берган фожиадан ҳамон ўзига келмай.

— Қалъа боруларини тузатмоқни мен ўз гарданимга оламан! — деди шаҳар кулуларининг бошлиғи Хожа Алоуддин Муҳаммад.

---

<sup>1</sup>Кулу — маҳалла раиси, хунармандчилик растаси бошлиғи.



Шерозликлар она шаҳарлари ҳимоясига киришдилар.

Мирзо Искандар Дугоҳадан Шерозга етиб келган юзбошидан ўзи Шерозга қочгандан кейинги воқеаларни сўраб-суриштирди.

– Қотил Хожа Ҳусайн подшоҳимизни шаҳид этгач, укаси Хожа Али ва жияни Жўра жаллод билан сизнинг чодирингиз сари йўналган. «Иккисининг ишини бир замонда ҳал этишимиз керак экан. Шошилиб хато қилибмиз» деган у сотқин бебокларига. Амир Абдусамад Сайфиддиндан бошқа барча беклар унга бўйин эгдилар, – сўнги воқеалар тафсилотини мирзога етказди юзбоши.

– Амир Абдусамад қайга кетди?

– Айтишларича, Язд томон йўлга тушган.

– Шаҳид қардошим Кермонга манғлой сифатида юборган тўрт амирдан ҳеч бир хабар туйдингми?

Амирлар Сиддиқ ва Баён, қўмондонлар Тукал ва Абдукаримлар Кермоннинг айрим мавзеларига кириб, исёнчиларни жазолай бошлаганларида подшоҳимизнинг шаҳид этилганлари хабарини туйганлар. Кермон қамалини тўхтатиб, Шероз сари келаётган эмишлар деб эшитдим.

– Бу яхши хабар. Лаънати Ҳусайн бу тўрт нафар энг садоқатли амирларимизнинг кетганидан фойдаланди. Уларни ўзимиздан илгари жўнатиб хато қилган эканмиз. Бироқ уларнинг Шероз сари қайтганларида хайр бордир, – кўнгли хотиржам бўлди мирзонинг.

– Улуғ бобом ҳазратлари Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг икки хатосини бизга ўртак бўлсин учун кўп бора такрорлар эдилар. Бу ибрат намунаси ўлмиш воқеаларни не қадар қулоғимизга қўймасинлар, сабоқ олмаган эканмиз, – дея ўрнидан туриб кетди мирзо Искандар.

Қўлини орқасига қилганча бошини қуйи эгиб эшик-

кача бориб қайтди. Чопар юзбоши кўл қовуштирганча подшоҳнинг оғзига қараб турарди.

– Хоразмшоҳ мўғул элчи ва тужожорларини қиличдан ўтказмоққа амр берган Ўтрор ҳокими Илолчиқ Қипчоқни жазолаб, Чингизхонга ҳамдардлик билдирганида ёвуз мўғул галалари Турон юртини оёқ ости қилмаган бўлур эдилар. Бу султоннинг илк фожиали хатосидир. Иккинчи ва сўнги хатоси шундан иборатким, икки юз мингдан ортиқ қудратли ўрдусини юз мингдан ошиқроқ мўғул кўшинига тўғридан-тўғри қарши қўймай, вилоятлар ҳимояси учун тарқатиб юборганлигидир. Тарих хатоларидан сабоқ олинмас экан, янглиш қадам босиб бугун ва келажакнинг шамшири бўйинингизга тушаверар экан, юзбошибек. Киши ким бўлмасин, хато қилмоқликдин муҳофаза этилмаган экан, – дея бош соллаб чопарга чекинмоққа изн этди подшоҳ.

Шероз лашкарининг қолган-қутганини тўплаган Хожа Хусайн шитоб билан юриб, Саодат майдони дарвозасига етиб келди. Дарвоза қаршисига соябон тикиб, шаҳарнинг тўрт тарафидан ҳужум бошлашни буюрди.

Аскарлари ҳаракатини кузатиб турган Хожа Хусайн Пирмуҳаммад мирзо катлидан сўнг кўлига тушган машхур Бурулни миниб айланганча Мордастон дарвозасига борди. У подшоҳ отини миниб, ўз лашкари ва шаҳар ҳимоячиларига энди иқтидору ҳокимият кимнинг кўлига ўтганлигини намоиш этарди.

Мордастон дарвозасини Кулу Алоуддин Муҳаммаднинг хунармандлари ҳимоя этишарди

– Бу ерда не қилмоқдасан, Алоуддин? Шаҳарни ҳимоя этмоқ сенга қолдимми? Дарвозани оч! – деди Хожа Хусайн баланд овозда.

– Подшоҳлик сен разилга қолгандан сўнг бу иш ҳам бизнинг чекимизга тушди, нобакор! Қандай кўл ур-

## Нурали ҚОБУЛ

---

динг бу қотилликка? Яна шу юз билан келиб шаҳарни олмоқчимисан? Табиб эмас, одам қассоби экансан, Хожа! Эсинг борида этагингни ёпиб қочиб қол! Акс ҳолда ал қасос ул-мин ал-ҳақ! – дарвоза тепасига келиб жавоб қилди Алоуддин Муҳаммад. – Бу қавми арабдан кимсага хайр келмас экан-да!

– Оғзингга қараб гапир, ҳў-ў бешикчи! Подшоҳингнинг орқасидан ўзинг ҳам тобут бешикка тушиб жўнаб қолгинг келмоқда чоғи! Унутма! Шаҳарга қадам босишим билан биринчи бўлиб сени остираман! Дарвозани очасанми, йўқми?

– Икки дунёда ҳам сенинг қотил қадаминг энди бу шаҳарни булғамайди. Сен шарафсизга ҳатто жаллодлар мозорида кўмилмоқ ҳам насиб этмайди! – ҳайқирарди Кулу Муҳаммад. – Англадингми?

– Оббо, масжиднинг деворига пешоб қилган кўппак-ей! Сен билан бугун кечга қолмай гаплашамиз! Дастваб ана шу узун тилингни кесдираман! Сўнгра навбат билан кўзларингни ўйиб, тириклай терингни шилдириб, сомон тикдираман!

– Йўқол, бетавфиқ! Кўрамиз! Давлат кимнинг бошигаю қузғун қайси бир хоиннинг лошига қўнаркан!

Хожа Ҳусайн шаҳд билан оти жilовини Саодат дарвозаси томон буриб, сўкинганча узоқлашди.

Дарвоза ичкарасида турган мирзо Искандар бу айтишувни эшитди. Ўн чоғли қўримаси билан дарвоза зина-поясидан девор устига кўтарилди.

– Муносиб жавоб бердингиз ул муртадга! Ёдингизда турсин! Қотилнинг кўзини, билхосса, ўзим ўйиб оламан! Ўқчиларга сўйланг! Тирандозликни давом эттириб, уларни қалъа деворига йўлатмасинлар! Шаҳид қардошимнинг беклари сўнгига қадар бу жаллоднинг ёнида турмасалар керак!



– Биз ҳам шундай фикрдамиз, мирзом. Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмас деганларидек, қотилу жаллод зотининг ҳам тупроғи бир жойдан олинган бўлади. Кимки унинг сафида турса, қотилликка шерикдир!

Алоуддин Муҳаммадга далда берган амирзода қалъа девори бўйлаб юриб, бошқа дарвозалар томон кетди.

Отишма кун бўйи давом этди.

Қалъа ёйчилари душман аскарлари ва отларини яралар, қарши тараф тирандозлари ўқи беҳуда кетарди.

Алоуддин Муҳаммад дарвоза устига жойнамозини ёзиб, хуфтон намозини ўқиб бўлган эди.

– Сизни дарвоза ўнгида бир киши чақирмоқда! – деди зинапоядан югуриб чиққан ҳимоячилардан бири. – Мени танийдилар. Муҳим гапим бор дейди.

Амирзоданинг бояги сўзини хотирлаган Алоуддин Муҳаммад навкар билан бирга пастга инди.

– Кимсан? Не истайсан? – деди у дарвоза тоқиси ёнига келиб.

– Мен, амир Жунайид тавочиман, Алоуддин! Биз ноилож у қотил билан мурасага бориб турган эдик. Акс ҳолда бизни ҳам ўлдирарди! Черигим билан мирзо Искандар томонга ўтамиз. Дарвозани очинг. Улар кўрмасин дея қоронғу тушгач келдим! Ишоратим билан бутун навкарларим етиб бу тарафга от қўядилар.

– Ёлғон сўйламаяпсизми, амир жаноблари?

– Бир ўзим. Пойи-пиёда келдим. Алдасам ўлдиришинг мумкин. Ўзинг қарор бер ёки амирзодамизни чорла?

– Бор, зудлик билан Искандар мирзони топиб кел! Ўзлари ҳал этсинлар! – навкарга буюрди Муҳаммад Кулу.

Искандар мирзо хавфсизликни ҳисобга олиб, дарвоза тепасига келди. Машъала ёруғида амир Жунайид тавочини таниди. У кўз ёши қилиб турарди.

– Дарвозани очинг! – буюрди мирзо навкарларига.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Амир Жунайид ҳўнграганча келиб мирзони бағрига босди.

– У ҳаромининг ёнида ит ҳам қолмайди. Барча бек ва кўмондонлар сиз тарафда, амирзодам. Иншооллоҳ, ул муртад ҳақ этган жазосини олажак!

Дарвоза устидаги майдончага чиққан амир Жунайид ўзининг ишоратини кутаётган черигига байроқ силкитди. Минг чоғли суворий Мордастон дарвозаси томон от кўйди.

Хожа Ҳусайн укаси Али Ҳусайн ва жияни Жўра жаллод билан кечки емакка ҳозирлик кўриб, гаплашиб туришарди.

– Амир Ҳусайннинг чериги бизни сотиб қарши тарафга ўтиб кетди! – деди от кўйиб келган суворий нафаси бўғзига тиқилиб. – Бошқа амиру мингбошиларнинг ҳам авзойи бузуқ!

Хожа Ҳусайннинг бошидан яҳдек сув қуйилгандек аъзойи бадани музга айланди. Укаси ва жиянининг кўзидаги кўркув-у ўлим шарпасидан юраги орқага тортиб кетди.

– Бу ердан узоқлашайлик, ака! Бу сотқин беклардан бири бизни тутиб бериши мумкин! – деди Али Ҳусайн қошу кўзи пирпираб.

– Тўғри! Вақтида кетиш керак! – уни қувватлади Жўра жаллод.

Уч киши Жаъфаробод йўлига тушди.

Эртаси куни эрталаб Хожа Ҳусайн билан бирга келган барча амирлар ва лашкар қонуний ҳукмдор томон ўтди.

Хожа Ҳусайннинг ёнида туриб унга пишанг берган саккиз киши Саодат дарвозаси майдонида осилиб, саодатсизлик қабристонини сари йўл олдилар.

Амирзода Искандар мирзо Умаршайх ўғли ворислик ҳаққи ҳуқуқига кўра отамерос форс мамлакати тахтига ўтирди.



## Нурали ҚОБУЛ

---

Не иш қилиб қўйганингни, бунинг жазоси қандай бўла- жагини ўйлаб кўрганмидинг? Сол у ҳаромини қамчи би- лан! – навкарига буюрди амир Сиддиқ. – Нега қўлини арқон билан боғладинг. Оёқ-қўлига кишан ур! – жазава- си тутиб кетган эди амирнинг.

– Амир Сиддиқ! Ҳаддингдан ошма! Орқадан лашка- рим келмоқда! Қилган ишингга афсусланиб қоласан! – қўлини навкар қамчисига тутганча амирга мурожаат этарди Хожа Ҳусайн.

Яна уч аскар Али Ҳусайн билан Жўра жаллодни қамчиларди.

– Лашкаринг бўлганда този қувган тулкидай бун- дай пусиб юрмас эдинг! Келса черигингни ҳам сенинг ҳолингга соламан, ярамас! Ҳаммомда одамларнинг оёғини уқалаб, товонини ялаб кун кўриб юрар эдинг! Подшоҳимиз сени шу даражага етказдилар! Бу яхшили- гу мурувватнинг жавоби шу бўлдими? Садағаси кетай пайғамбаримиз ҳазратлари ҳақ эканлар! Сен каби ўзини инсонлар сафига қўшиб, ақл бовар қилмас яхшиликлар қилган кишининг ҳаётига зомин бўлмоқ ҳақиқий зино- дан туғилган ҳаромининг ишидир! Бу ишинг билан етти эмас, етмиш авлодинг номусини гўрга тикдинг, итвачча!

Навкарлар ҳамон уч бандини юзу кўзи демай қамчилашар, улар бошларини қўл ва оёқлари орасига олганча ғужанак бўлиб олишганди.

Амир Сиддиқ навкарларига қараб ўнг қўлини кўтарди. Улар қамчилашдан тўхтадилар.

– Эшит, қоровулбеги! – деди амир уч асирни олиб кел- ган қоровул ўнбошисига. – Бу ҳаромиларга бир қултум сув ҳам, бир бурда экмак ҳам бермайсан! Ҳозир эса бир иш қиласан! Қўйларга эн солишни биласанми?

– Ҳа, амир жаноблари. Отамдан ўрганганман, – жа- воб қилди ўнбоши.

– Отанг қўйларга қандай эн солар эди?

– Ўнг қулоғининг орқасидан, чап қулоғининг учидан кесардилар.

– Ўзинг ҳам кесиб кўрганмисан?

– Кесганман, амирим!

– Жуда яхши. Тажрибанг бор экан. Бу ҳаром ўлажак қўйга эн солиб овора бўлмайсан! Бир йўла чап қулоғини кесиб оласан-да, уни устидаги кафансифат шоҳона тўнига ўраб Шерозга, Искандар мирзо ҳазратларига олиб борасан! Вазифани англадингми?

– Англадим, амир жаноблари!

– Амир Сиддиқ! Ундай қилманг! Неки мол-мулким бўлса бераман! Мени қўйиб юборинг! – ёлворарди Хожа Хусайн.

– Сен қотилнинг молига муҳтож эмасман! Оғзига пайтавасини тиқ! – буюрди амир.

Навкарлар Хожа Алининг шоҳона этикларини ечиб, бир пайтавасини Хожа Хусайннинг оғзига тиқиб, иккинчиси билан боғлади.

– Бу ифлоснинг этигини сен ол! – деди амир этикни ечган навкарга. – Ялангоёқ юришсин! Бу иккисининг кийим-кечагини ҳам ечиб олинглар. Шерозга амирзода Искандар ҳузурларигача мана шундай қип-яланғоч, оёқ яланг элтасиз! Йўл-йўлакай зерикмасликлари учун қамчи билан яхшилаб сийлаб борасизлар.

Икки навкар Хожа Хусайнни юз тубан ётқизиб, босиб турди. Қоровулбеги шартта чап қулоғини тагидан кесиб олди.

– Бироз ҳаром қонини оқизгин-да, сўнгра жун арқонми, пайтаваними куйдириб босгин! – буюрди амир Сиддиқ бироз шаштидан тушиб. – Шунда қон тўхтайтиди!

– Тошингни билиб чиранмайсанми, ярамас! Ҳеч кимни бир хурушга олмай, олдингдан келганни сузадиган,



## Нурали ҚОБУЛ

---

орқадан келганни тепадиган бўлиб қолган эдинг-а! Бу ҳали жазонинг боши! Қолганини Шерозда кўрасан! Бу дунёи кўтир шундай экан! Бировнинг чориғига биров тойиб кетавераркан! Олам шахзодаси, теурийзодаларнинг султони бўлган бир подшоҳ шундай бир пасткаш қотилнинг қўлидан шаҳид кетса-я! – ҳамон алами босилмас эди амирнинг. – Олийнажот мирзо бошига сув ўгириб ичса арзийдиган бир фариштасифат инсону султон эди-я! Эсиз, эсиз! Ақл бовар қилмайди! Ал инсоф ё! Ал инсоф!

Навкарлардан бири сойдан сув олиб чиқиб, юзу кўзи қонга бўялган Хожа Ҳусайнни ётқизганча бошидан қуярди.

Хожа Ҳусайннинг қулоғини чопонига ўраган қорувулбеги икки навкар билан Шероз йўлини тутди.

Амир Сиддиқ тарқалиб кетган черигини тўплаб, уч бандини уч эшакка боғлаганча Шероз томон юришда давом этди.

Хоин Хожа Ҳусайннинг кесилган қулоғи шаҳарда шовшувга сабаб бўлди. Сарой ва Шероз аҳли тўрт тарафга одам юбориб, амир Сиддиқнинг етиб келишини кутарди.

Ниҳоят амир Қаюмарс ва амир Баён Сиддиқбекни Саодат дарвозасига бир фарсаҳ етмасдан кутиб олдилар.

– Уни шундай подшоҳимиз ҳузурига олиб бормаймиз, – деди амир Қаюмарс бир ҳолу аҳволдаги Хожа Ҳусайнга нафрат-ла боқаркан.

– Не қиламиз? – ҳайрон бўлиб сўради амир Сиддиқ.

– Айтинг уни Шайх Саъдий мозори томон ҳайдасинлар. Кўрасиз нима қилишимизни, – деди амир Қаюмарс Сиддиқбекка.

Навкарлар уриб туртганча маҳбусларни Шайх Саъдий мозори томон ҳайдадилар.

– Соқол ва мўйлабларини тарашлаб, аёл кийимини кийдилинг! – буюрди амир Қаюмарс ўз навкарларига.

Аскарлар унинг қонталаш юзини ювиб, тарашладилар. Хонимлар кўйлак ва лозимини кийдириб, давлат кулоҳини қўйиб, ясантирдилар-да, қора ҳўкизга миндирдилар.

– Ана энди саройга, подшоҳимиз Искандар мирзо ҳузурларига ҳайданг! – буюрди амир Қаюмарс.

Ҳўкиз минган сазойини томоша қилиш учун бутун шаҳар кўчага чиққанди. Кимдир унга тухум отса, бошқа биров дорни ишора этиб арқон отар, бошқа биров сўкар яна бир киши бошига ювинди улоқтирарди.

Хоинни сарой ҳовлисига олиб кирдилар. Амирзода амакиси амир Нуширвон Барлос билан уларнинг келишини кўринишхона дарчасидан кузатиб турарди.

Оғир ва ҳорғин қадамлар билан ташқарига чиқди. Қотил ҳамон ҳўкиз устида ўтирарди. Амирзода имоси билан уни ҳўкиздан индириб, подшоҳ қаршисига олиб келдилар.

– Нега биродаримни ўлдирдинг? Бу ишга қандай журъат этдинг? – сўради амирзода мунгли оҳангда.

– Мен унга қасд этган бўлсам оқибати сен учун ёмон бўлиб чиқмаганини кўриб турибман! – жавоб қилди Хожа Ҳусайн нажотталаб нигоҳини амирга тикаркан.

– Сен азалдан ўлик гапли, шарафсиз бир кимса эдинг! Демак, шундай, дайди кўппак каби ўлмоқ пешонангга битилган экан!

Амирзода шундай деб белига осиглиқ ханжари билан унинг ўнг кўзини ўйиб олди.

– Уни ит азобида, чўқмор<sup>1</sup> билан уриб ўлдилинг! Шерикларини ҳам! – буюрди мирзо Искандар.

<sup>1</sup>Чўқмор – тўқмоқ шаклидаги уруш қуроли. Гурзи, шапшар.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Амир Қаюмарс бандиларни сарой ҳовлисида яна Шайх Саъдий мазори томон ҳайдашни амр этди.

Минг бир азобдан сўнг қотилнинг чўқмордан мажақланган бошини кесдилар. Каллани кесган навкар буни не қилайлик дегандай амир Қаюмарсга қаради.

– Бу лаънатуллоҳ бошни Исфаҳонга юбориб, шаҳар майдонига илиб қўйсинлар! Шум танасини эса Шероз бозори ўнгида уч кун осиб қўйгач, ёндирамиз! – сўнг сўзни айтди амир Қаюмарс.

Подшоҳушнинг қатлидан шаҳар аҳли енгил тортгандек эди.

Элинг малак сочидадир, бошинг дор оғочидадир, тонг отар, кун ботар, умр сув каби оқар эди...

### **ИККИНЧИ БОБ**

*Отам Абдулмажид хотунларни сиёсатга аралаштирганликлари учун маҳжуб ўлдилар. Мендан ҳам шу хатони такрорлашни талаб этасизми?*

**Султон АБДУЛҲАМИД**

Подшоҳ амри билан малика Шод Мулк ва канизаклари хоқонга уюштирмақчи бўлган суиқасди ва хиёрати учун дорга осилган собиқ амир ул-умаро Саййидхожанинг хазина ҳисобига ўтказилган уйига жойлаштирилди.

Самарқанд маликасининг яшаш тарзи бошкентдагидек бўлмаса-да, кам эмас, ҳар неки шарт-шароит муҳайё эди.

У интиқлик билан шаҳзодасини кутар, изтироб ва безовталиқдан беихтиёр ҳовлига чиқиб уйга кираверар, назарида унга бирор кори ҳол бўлгандек эди.

Ниҳоят амирзоданинг дарвозадан боғли ҳовлига ки-

риб келганини кўрганда ҳўнграб йиғлаб юборди. Ўзича шаҳзодани дарёга чўктирибми, кечаси чодирда бўғибми ўлдирадилар дея ўйлаганди. Кўнгил душман-да. Худоба шукур уни кўрмоқ яна насиб этди. Амакиси раҳм-шафқат қилибди. Ё Оллоҳ, бундан буён ҳам ўзинг асра! Қасд қилганларни паст қил! Кўз очиб-юмгунча ҳаммаси тескари айланиб кетди. Малику маликаликдан асиру қочоққа айландилар. Бундан буёнги қисмату қадарлари не кечади, бу ёлғиз Оллоҳга маълум. Келганидан бери ҳеч бир малика, на Гавҳаршодбегим, на Милкат оға бўлсин, ҳеч биридан илиқ, самимий муносабат кўрмади. Ҳаммаси номига, ўлганининг кунидан саломлашиб, кўнгил сўраган бўлишди. Хизмат қилаётганлар ҳам уларнинг айғоқчилари бўлса керак.

У шу хаёллар билан эшик томон талпинди.

– Ё, Оллоҳим! Бормисиз, султоним! Жони жаҳоним! Сизга етказган эгамга шукурлар бўлсин! Соғ-омонмисиз? – не деганини билмас, хўжасининг елкасидан қучганча йиғларди малика.

У шунда илк бор шаҳзоданинг кўзида ёш кўрди. Дехли жангида баҳодир унвонини олган шаҳзодаси илгари ҳеч қачон йиғламаган эди.

Улар бир муддат сас-садосиз, мунгли ва армонли нигоҳда бир-бирларига тикилишиб ўтирдилар.

– Йўлчилик оғир кечмадими, султоним? – сўради ниҳоят тилга кириб малика.

– Бир нави, маликам. Бундан буёнги аҳволимиз илгаригиси каби кечмаслиги маълум. Шунга кўра ҳар нарсани юрагингизга олиб, изтироб чекаверманг. Бир бошга бир ўлим. Уни ким, қачон ва қаерда қаршилайди бу яратганга боғлиқ. Амирзодалар Пирмуҳаммад Қобулий ва Пирмуҳаммад Шерозийларнинг аҳмоқона шаҳидликларини кўриб, танадаги жонга ҳам, атро-

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

фингдаги инсон зотига ҳам ишонч қолмади. Жоҳилияту қотилият замони яна келганга ўхшайди. Ҳай майли, бошга тушганни кўз тортадир. Эгасидан тилаймизки, кўрган оғир кунларимиз шу бўлсин, ортда қолсин. Бизга энди тожу тахт ҳам керак эмас. Балки ҳижрат этиб, узоқ бир ўлкаларга кетармиз, – хаёли паришон эди шахзоданинг.

– Ниятни бутун қилинг, султоним! Худодан умидимиз бор! Ҳеч бўлмаганда Оллоҳ раҳмати шаҳид қиблагоҳингиздан қолган бир мамлакат сизга тегар! Имкон қадар бу ердан узоқлашмоғимиз лозим. Не-чундир юрагим безовта. Кимдир бизга қарши нимадир қиладигандек. Емак ичмагимизга-да диққатли бўлмоғимиз керак, шахзодам, – хонада жонсарак юрганча кўнишарди малика.

– Ота мамлақати деган гапингизда жон бор, маликам. Самарқанд мулки Мирзо Улуғбекка берилди. Ҳисори Шодмон вилоятини Муҳаммад Жаҳонгир мирзога бердилар. Қайду мирзога ота мулки Қандаҳор ва Қобул ўлкалари тегди. Балх эса амирзода Иброҳим Султон илкига кечди. Биз ҳам қиблагоҳ раҳматли мулки саналмиш Ироқу Озарбайжон тарафларга кетсак керак, – саси оҳанги тушкун эди шахзоданинг.

– Қайга бўлмасин, кетганимиз маъқул, султоним! Мен фақат бир нарсани, сиз жону жаҳонимнинг азиз жонингизни ўйлайман! Сиз, жаҳон султони шахзодамсиз бу олам куйиб, ёниб, ўт олиб кетсин! – ҳаяжонда эди малика.

– Йўқ, ундай деманг. Оламга ҳам ўт кетмасин. Кимсанинг сочидан бир туки тўкилмасин. Бировларга ўлим тилагунча ўзимизга умр тилайлик. Бундан буёнги ҳаётимиз осон кечмайди, маликам. Ҳар бир сўзни етти эмас, ўн етти ўлчаб гапиринг. Айриятан унутмангким, ҳар тўғри сўз



ҳар ерда сўйланмас. Яна ёдингизда бўлсинким, илгариги каби дунё фақат бизнинг атрофимизда айланмайди. Хатти-ҳаракатда сокин ва совуққон давранинг. Кечирганимиз кўргуликлар бизга ибрат васиқаси ўлмоғи лозим. Яхшиси, ўтиринг. Мен сизга бир битик ўқиб берайин. Бу шеърни буюк қардошим Абу Бакр мирзо раҳматли қиблагоҳни тахтдан индириб, чодирбанд этиб қўйганлиги хабарини туйганимда бита бошлаган эдим. Йўл-йўлакай от устида бекорчиликдан қайта ёзиб келдим. Ўқиб берсам майлими? – илк учрашувдан ҳамон ҳаяжонини боса олмаётган маликани сокинлаштирмоқчи эди шаҳзода.

– Ўқинг! – деди малика амирзоданинг чап элини кафтлари орасига олиб ўпаркан кўзларига маъюс боқиб – Сўзлашингизни бир соғинсам, шеър ўқишингизни юз чандон ўзлаганман. – Яна кўриштирган эгамга шукур!

Шаҳзода қўнига солинган, ёғим бўлиб кетган қорғани олиб текислади-да, ўқимоққа тутинди.

Ё авлоди нобакор,  
Ким кимлигин билмадинг.  
Кишидан қолажак шай,  
Тек номлигин билмадинг.

Тож кийиб йиғласам-да,  
Кўз намлигин билмадинг.  
Алдоқчи сас-садонинг,  
Занг, жомлигин билмадинг.

Ғариб ғурабо дарди,  
Дил камлигин билмадинг.  
Оталик замонларнинг,  
Бир дамлигин билмадинг.

Ҳаводаги ҳаваснинг  
Хўп хомлигин билмадинг.  
Етмиш инсондан бирин,  
Хом, Сомлигин билмадинг.

Қалбда қаср тикламоқ,  
Том комлигин билмадинг.  
Дунёи бевафонинг,  
Бир ёмлигин билмадинг.

Шеър ўқиган шаҳзода ҳам, тинглаган малика ҳам ўйга толганча жимиб қолдилар.

– Жуда мунгли, қайғули экан, – деди Шод Мулк ғамгин оҳангда.

– Ўша бандилик кунларида, ўша изтиробли ўю хаёллар билан жангга кириб шаҳид кетганлар раҳматли қиблагоҳ. Негадир сўнгги кунларда беихтиёр падари бузрукворнинг шаҳидлик фожиаси бот-бот ёдимга тушадиган бўлиб қолди. Негалигига ўзим ҳам ҳайронман.

– Ўлимни ўйламаган мусулмон эмас дейдилар. Бироқ Қуръони карим ҳам ер юзида оёқ босиб юрганлар учун яратилган, султоним. Тушкунликка тушманг ва дўсту душманнинг олдида бошингизу қаддингизни тик тутинг. Сиз ҳеч кимнинг арпасини хом ўрганингиз йўқ. Улуғ бобонгиз, султон соҳибқирон ҳазратларидан қолган бу чек-чегарасиз мамлакат ўз-ўзингиз нари турсин, етти ёт бегоналарга ҳам етиб ортади. Фақат талашиб-тортишиб, қизғаниб жиққамушт бўлаверсалар, амакиваччалар бир-бирларининг кушандасига айланаверадилар. Душманларни суюнтириб, дўстларни куюнтираверадилар, – яна гапни айлантириб эски мавзуга тақади малика.

– Отанг ризо этмай туриб, тавбанг қабул ўлмас се-

нинг. Онанг ризо этмай туриб, ҳақинг ҳалол ўлмас сенинг. деган битикларни энтикиб, оғзимизни тўлдириб ўқиймизу, ота-онамизга одам каби хизмат қилдикми, дея имону виждонимиздан сўраб кўрмаймиз.

Амирзода оғир нафас олганча ўйга толди. Сўник нигоҳи солин қопусига қадалиб қолган эди.

– Бу дунёда икки кишига ёрдам бермоққа ҳожат йўқ экан. Биринчиси отасининг дуосини олган одам бўлиб, ҳеч бир замон, ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож бўлмас экан. У ҳаёт йўлида ҳеч қачон қоқилмай, тўғри йўлдан адашмай, мақсаду муддаосига етар экан. Иккинчиси эса ота қарғишини олган инсонга. Унга қанчалик кўмак этма, насиҳат қилма. бошига неки мусибат тушмасин, бефойда. Ёрдам бериб бўлмас экан. Отамни банди этди, дея иним Абу Бакр мирзони қоралайману ўзим қиблагоҳга не каромат кўрсатдим деб ўйлайман.

– Ота кўнглини оғритган ҳеч бир фарзанд, хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, бири икки бўлиб, ҳаёт боғи кўкармайди. Бечора инингиз амирзода Абу Бакр ҳам жуванмарг кетдилар. Оллоҳ раҳмат этган бўлсин, – шаҳзода фикрини давом эттирди малика.

– Омин! – деди Халил Султон қоғозни қайтариб кўйнига соларкан. – Ўлим билан дардга таъна йўқ, маликам. Унга қай замон, қачон ва қай бир маконда дуч келиши одам боласининг ақлига келмайди. – Бироқ қирқдан ошиб қирчилиб шаҳид кетган қиблагоҳимга бир коса сув узатмоққа ҳам ярамайман маликам. Шундан виждоним қийналади. Изтиробдаман. Кечалари уйқум қочади...

– Кимсан султон соҳибқироннинг фарзанди аржуманди, Ироку Озарбайжон ҳукмдори Мироншоҳ мирзо ҳазрәтлари кимсанинг бир коса сув узатмоғига муҳтож бўлмаганлар, султоним. Ул зоти олийга хизмат қилиб

кўнглини олмоққа интилганлар сочларининг тўкидан кўп бўлгандир.

– Янглиш сўйламоқдасиз, маликам. Қиблагоҳни кўятуринг, улуғ бобом ҳазратлари, Амир Темурдек инсоннинг фарзандлари, биз каби тўрунларининг бир оғиз ширин, меҳр-муҳаббатли сўзига зор эканлиги ва бундан бола каби суюнганларини кўрганман. Бу ёруғ очунда ота-она учун фарзандидан келажак хайрли муждадан буюк саодат йўқдир, Шодия. Ҳар гапни бир гап дея сўйлай-верманг, – норози оҳангда эътироз билдирди шаҳзода.

– Қўйинг, саксонга кирган чоллар каби охирзамон ҳақидаги бундай гапларни! Юринг, яхшиси, мен сизни ҳаммомга элтиб, яхшилаб бир ювинтирайин. Уст-бошингиздан ҳам тер ва эгар-жабдуқнинг иси келмоқда, – дея шаҳзодани қўлидан тортиб турғазди Шод Мулк. – Бу каби гапларни муҳокама этмоққа улгурамиз, жоним. Дийдиё қилмоқ сиздек жаҳон шаҳзодасига ярашмайди.

– Яхши, ясовулбоши Қулмон Қиётга сўйланг. Менга нос олиб келсин. Носим тугабди, – деди амирзода маликага.

– Вой ўлмасам, сиз нос чекмас эдингиз-ку? – ҳайрон бўлди малика.

– Не қадар муддат йўл юрмайлик, подшоҳ амакимиз қароргоҳида ички бўлмади. Ҳеч ким ичмас экан. Ҳамма нос чекаркан. Мен ҳам беихтиёр чека бошладим. Ичкидан яхши экан, – жавоб қилди амирзода.

– Айтдим-а, нафасингиз илгаригиси каби эмас деб, – бурнини жийирди малика. – Бу сассиқ нарсани оғзингизга олмаганингиз маъқул, султоним. Асилзодалар иши эрмас бу тирикчилик.

– Биламан, маликам. Не қилай? Сиқилишдан чекдим-да. Бир зум бўлса-да, изтиробларни унуттиргандек

бўларкан, – тан олди Халил Султон. – Отимиз ғириб кетса ташлаб юбораман. Ички ичайин десам, уялмоқдамен. Сиз ҳам эҳтиёт бўлинг. Амаким бу масалаларда жуда қаттиқ эмишлар.

Шу пайтгача подшолик завқ-шавқини ишқ-муҳаббат кайф-сафоси ила баробар яшаб келган амирзода энди фақат севгилиси қучоғидан орому таскин топар, уззукун уйдан чиқмай китоб ўқир, битик битар ва севгилиси билан овунарди.

Ҳиротга келган кунидан бошлаб унинг бир шаҳзода каби яшамоғи учун подшоҳ амри билан яхшигина маош тайинланди. Негаки эҳтиёж сезсалар, ҳамон муҳайё этиларди.

– Энди маошхўр сифатида хазинадан бериладиган хайри садақа билан кун кечирамизми? – сўради Шод Мулк ошчи хизматкорга тушлик учун хўжаси хуш кўрадиган тўшбарак<sup>1</sup> буюрар экан.

– Шунисига ҳам шукур қилинг, маликам. Ака-ука Худойдоду Оллоҳдод, амир Арғуншоҳу ана у бадбашара соҳиб ихтиёрингизнинг қисмату қадарлари не йўсинда тугаганини эшитгандирсиз? – деди шаҳзода отдан тушсаям эгардан тушмаган маликага қарар экан. – Сизу биз ҳақимизда бўлиб ўтган гап-сўзлардан хабарингиз йўқ, маликам. Аслида иккимизнинг ҳам жонимиз ёнимизга қолган. Улуғ бобом ҳазратлари замоналарида не жазога мустаҳиқ этилганингиз ўзингизга аён. Бир неча амиру қўмондонлар сизни сазойи этиб, ўша жазони қўллашни, мени эса бир юзлик ҳамроҳлигида Маккага элтиб ташлашни талаб этишибди. Подшоҳ амаким рози бўлмабдилар. Раҳматли улуғ бобом ҳазратлари ул сўз-

---

<sup>1</sup>Тўшбарак – Шишбарак, шишлибарак ҳам дейилган. Шиш – эски туркчамизда эт демак. Кейинчалик чучварага айланиб кетган. Асосан қўй тўшидан қилингани учун тўшбарак дейилган.



ни аччиқ устида айтганларини, Амир Темурдек жаҳонгир ҳаётида ҳеч қачон, ҳеч бир ожизани оғиру енгил жазога тортишга амр этмаганини таъкидлабдилар. Ўзини ҳаётга келтирган она зотини жазолаган улус, миллати кечмиши ва келажагини дорга осган бўлади дебдилар. Мен ҳақимда эса султони ғозий бобом тутган йўлни мисол келтирибдилар. Биласиз, ўн мартаба дор оғочи остига элтиб, йигирма карра боши кундага етказилишга ҳақли бўлса-да, улуғ бобом Султон Хусайнни афв этаверганлар. Бироқ у барибир ўз қисматидан қочиб қутула олмади. Яхши одамлар яхши ўлим топадилар. Ёмонлар эса феъл-атвориға яраша шаҳодат шаробини ичажақдир.

– Яна айланиб келиб, шу ўтганлару ўлганлар ҳақида гапирасиз-а, султоним! Ўтган ўтди, кетган кетди. Биз бугун ва келажак ҳақида бош қотирмоғимиз керак, жоним! Бу ерда амакинғиз ҳазратларининг қўлларига қараб ўтираверишимиз ҳам тўғри эмас. Бирор-бир вилоятни олинг-да, бу юраксиқар дамларни тарк этайлик, – одатдагидек эрини йўналтирмоқчи бўларди малика.

– Сизнинг барча гапларингизга қулоқ солавериб, кўчадаги бир дарбадарни бош вазир этдик. Бу болоқдан чиққан битнинг чақувига учиб, кимсан Масти Қаландару ҳофиз Шерозий, бобомнинг дўстлари Турон Баҳодирнинг ўғлию яна не-не одамларни зиндонга ташлатдик. Энди собиқ малика сифатида менга неки истак ва талабингизни айтманг, бефойда. Айни дамда мен ҳам отам Мироншоҳ мирзо каби хонабанд бир амирзодаман. Сўзим беш-ўнта мулозимимга ўтади. Ҳаёт доимо гуллик-гулистонликдан иборат эмаслиғига ҳам кўникмоғимиз керак.

– Буларнинг ҳам ярми гап ташувчи айғоқчи бўлмаса, – шаҳзоданинг гапини бўлди малика.

– Шуларни билар экансиз, орқа-олдингизга қараб

гапиринг, маликам. Буюк бибимиз ва Тўкал хонимларнинг ногаҳоний ўлими. Туман оқани Шайх Нуриддинга, Рухпарвар оқани Ҳамза Сулдусга бериб юборилгани ҳам давлат аркони орасида гап-сўз бўлиб турибди экан. Бу миш-мишлар болаламай, эски яралар газак олмай, Ҳиротдан эсон-омон чиқиб кетишимиз керак. Ҳозир менинг олдимга амакимиз амир Нуширвон Барлос келар экан. Бирор янгилик бўлиб қолса керак. Сиз эса бориб ошчиларга кўз-қулоқ бўлиб, муносиб суфра ҳозирланг, – хонимини ошхона сари йўллади шаҳзода.

Хўжасининг авзойига қараган хоним эгасидан кўрққан мушук каби бўйнини ичига тортганча таъзим бажо этиб, тисланди.

Пешин намозини хоқон билан бирга жомъе масжидада ўқиган амир Нуширвон Барлос сарой ҳовлисида сўнгги таълимотларни олгач, амирзода Халил Султон турган шаҳид амир ул-умаро Саййидхожанинг уйи томон йўл олди.

Амирни кўча эшигида қаршилаган ясовулбоши Қулмон Қиёт уни амирзода ўтирган катта солинга олиб кирди.

– Онҳазратнинг сизга дуою саломлари бор. Барча мулозим ва навкарларингизга муносиб уй-жойлар таъсис этилиб, тегишли маошлар боғланди. Иншооллоҳ, яқин кунларда хоқони саид ҳазратлари сизни отамерос мамлакатингиз Ироқ ва Озарбайжон сари йўлга чиқишингизга оқ фотиҳа берур. Йўл учун лозим бўлган масраф ва қўшин тўпланиши учун амри фармон бердилар. Тангри насиб этса лашкар жамланиши билан фармони олийга имзо чексалар керак.

– Менга қўшин ҳам берадиларми? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода.

– Сизни ул тарафларга юбориш ўрдусиз бўладими,

амирзодам. У томонни Мозандарон дейдилар. Шоҳу гадо ўзини шер чоғлайдиган бир мамлакатдир.

– Қанча кўшин берадилар? – нигоҳида умид учқуни пайдо бўлганди Халил Султоннинг.

– Янглишмасам, бир туман, ўн минг лашкар айирсалар керак. Ҳиротдан икки ёки уч минг черик билан чиқсангиз керак. Қолган лашкар йўл-йўлакай келиб кўшилаверади.

– Оз эмас, – бошини маъноли чайқади амирзода.

– Табиийки, оз эмас, жигарим. Бу ўн минг номдор суворий билан раҳматли қиблагоҳингиз девонига тааллуқли бўлган Ажам Ироқи ва Озарбайжон сари юзланиб, лозим топган ерларни ўз тасарруфингизга киритиб, қайси манзилни қароргоҳ ўлароқ лозим топсангиз, ўша ерда мақом қиласиз. Унутмангки, амирзодам, шаҳзода сифатида ота-бобо тахти мерос қолиши мумкин. Бироқ мулки давлат, тожу салтанат ҳадея этилмайди. Уни курашиб кўлга киритмоқ ва мужодала этибгина тутиб қолмоқ мумкин. Лозим бўлган даражада ҳаракат этмас экансиз, иқтидор пойгасида сиздан ўзган одам мақомингизга соҳиб чиқади.

– Вазифани англадим, Нуширвон аво. Подшоҳ амаким ва сизлар кўрсатган йўлдан бир қадам четга чиқмағайман. Шу пайтгача йўл кўйилган хатолар бундин буён сабоқ бўлғувсидир. Ҳассани бир эмас, бир неча бор йўқотдик, – жавоб қилди амирзода ўйчан оҳангда. – Бироқ шуни айтмоғим жоизки, ҳеч бир жангу жадалга тоқатим қолмаган. Сўғишу савашдан юрагим безиб қолибди.

– Қирчиллаган йигирма олти, тоғни талқон қиладиган бир ёшдасиз, авлодим. Тарки дунёчи кишилар гапини гапирманг. Қисматингизга шаҳзодалик, чекингизга ҳукмдорлик қисмати тушганми, ундан қочиб қуту-

лолмайсиз. Оддий бир фуқаро бўлиб, бирор-бир кўй ёки қасабада умргузаронлик қилинг. Кўрасиз, қочган-писган бирорта отадушман Амир Темурнинг аскар-ри қардошимни ўлдирган эди, дея қасос ўтида худди Султон Жалолоддин Хоразмшоҳдек бўғизлаб кетади. Султон соҳибқирон ҳазратларининг тек ягона шогирди ва халафи амир Боботурқдек бир инсоннинг бошига ўзи вазифага қўйган одамлари, Қўрғонтепа доруғаси Дадақул Дўсан ва қутвол Ашурали Товоқчининг солган кунларни ясовулбошингиз Қулмон Қиётдан сўраб кўринг. Давлату салтанатнинг куч-қудратини ана шунда биласиз, амирзодам. Оёғингиз узангидан узилса, хешу ақрабонгиз ҳам етти ўйлаб салом беради. Биз бундай хору зорликларни отамиз Ҳожи Барлос Кешдан қочиб, бу ўлкаларни макон этган кунларда бошдан кечирганмиз, авлодим. Бу томондаги айрим насл-насабсизлар бизга қараб бўридан този чиқмас, турқдан қози, дея масхара қилишарди. Не кўз билан кўрайликки, шундан кўп ўтмай, Амир Темурнинг Турон ўрдуси Балхга етиб келиб, Хуросон мулкани эгаллай бошлади. Елкамизга офтоб тегиб, бизни оёғининг учи билан кўрсатиб юрганлар келиб пешимизни ўпа бошласа бўладими? Ё тавбангдан кетай, тангрим, дейман. Мана, шунга ҳам қирқ йил бўлди, авлодим. Шундан бери салтанатнинг сеҳрли тулпорини минамиз. Бу тулпорнинг ҳар ким ҳам фарқига боравермайдиган, ўзига тортувчи бир оҳанрабоси, сиру синоати бўлади. Шу оҳанрабони илғай билган ва унга мафтун бўлиб қолмаган кишигина бу тулпор жировини узоқ тута билади, иним, — гапнинг каттасини келтириб оларди амир Нуширвон Барлос. — Имкон бор экан, сиз, олийнажот шаҳзодамга не-не катта тошларга теккан бу сочсиз бошдан кечган, тажрибадан ўтган гапларни айтиб қўймоқ бурчимдир. Ҳеч қачон, ҳеч бир одам бола-

сидан беминнат шафқату марҳамат, яхшилигу садоқат бекламанг. Атрофингизни ўлик кўрса ағламас, тўйни кўрса ўйнамас одамлар ўраб олган. Уларга сизнинг сулола ўлароқ салтанат тепасида туриб даври даврон суришингиз эмас, инқирозингиз керак. Хом сут эмган одам боласининг табиати шундай. У ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг ақл бовар қилмас ғалабаси, юксаклигию муваффақиятини ҳазм эта олмайди. Нафақат ёшу бегона, ҳатто жон жигарларингиз ҳам. Кунни учун кул ташлаган халойиқ деб аталган оломон давлат бошига нодон ва золимнинг эмас, ҳақиқий ақллию дононинг келишидан кўрқади. Боиси доно ва оқил шахс ва ҳукмдор бу эшагу хачир ўғриларининг кимлигини жуда яхши билади. Нодон ва абдол эса ўзига ўхшаган, бир-бирини қоронғида танийдиган кимсанинг тепасида туришини хоҳлайди. Яхши подшоҳларни ҳам улус олдида разил этадиган, элга олабўжи қилиб кўрсатадиган омил уни ўраган еб тўймас, такаббур қавми қариндоши, тубан ва пасткаш амиру вазирларидир. Бу юксак зирвада турмоқнинг бирдан-бир йўли, буюк бобонгиз, султони ғозий ҳазратлари каби куч-қудратли бўлмоқдир. Ва яна шу нарса ёдингизда бўлсинким, авлодим, юксакликка кўтарилган дўст йўқотилган дўст бўлганидек, қуйига тушганнинг ҳам дўсти бўлмайди. Ишонмасанг тушиб кўр, дейди ота-боболаримиз. Оғоч учидан, киши кучидан кўкаради, жигарим. Кучли бўлсангизгина тан олиб, тинглаб ортингиздан эргашадилар. Кучсизлашдингизми, тамом. Аввал кучлига бўйин эгасиз, сўнгра емишига айланасиз. Иқтидору сиёсат ўйинидан рақиблар, айниқса, золим ғаним томонидан четлатилдингизми, даҳо бўлсангиз-да эшак ўғрисига айлантириласиз.

– Қирқ қардош бир ота бўлолмас деганларидек, биз авлодлари саналмиш тахтталаблардан улуғ бобом каби



бир жаҳон султонини бекламоқ ҳам элақда сув ташимоқ каби бир англайишу тирикчилик бўлса керак, амаки. Фикрларингизга батамом қатилурмен, – деди шаҳзода кекса барлосий бекни ҳайкалга айланганча, ҳайрат-латинглар экан.

– Ён-верингизга қараб, олдингизни тозалаб, этагингизни йиғиштириб, ақлисалимлик-ла иш юритмасангиз, фалакнинг гардиши бир кечада янтоқфурушни подшоҳ этиб, подшоҳни янтоқфурушга айлантириб қўяди. Ота кўрган ўқ йўнар, она кўрган тўн бичар дегандек, ўзини султони ғозий авлоди санаган, унинг тўраю тузуги сабоғини олган шаҳзодаларимизнинг ҳеч бўлмаганда бир вилоятни йўнатмоққа ақли-идрок, иқтидору салоҳиятлари етиши керак-ку? Бунинг ўрнига бир-бирлари билан ёвлашиб, қай бир гўрдан насли-насабсизларни топиб ва юксак мақомларга кўтариб, улар элида куллуқланган қўйдек бўғизланиб, жон бермоқдалар. Салтанат иши бу тариқа юрмайди, жигарим. Акс ҳолда сизни қашқирлар галасига тушиб қолган оҳу каби тилка-пора этадилар. Мулки давлат, тахти салтанат, иқтидору ҳукумат, сўнгида сўғишу саваш ишини таваккал, тасодиф ва омадга ишонибу қолдириб бўлмайди. Ҳар бир ишни бошдан охиригача пухта ўйлаб, режалаб, сўнг манзилу ниҳояни кўзга олиб киришмоқ керак. Акс ҳолда кунига эмас, кунда қоқиласиз. Султон соҳибқирони ғозий ана шу усулу услуб, чораю тадбир ила иш юритганлари, энг муҳими, яғийу рақибларига кўра янада ақлисалимлик, бағрикенглик ва тугал ҳисоб-китоб ила иш юритганликларидан жаҳонгирлик мақомига кўтарилганлар. Бу янглиш сувларда янглиш қулоч отмоққа барҳам бергувчи бирдан-бир йўл – барча темурийларнинг ораларидаги энг ёши улуғи ва улуғ бобонгизнинг тек қолган фарзанди хоқони саид Шохруҳ подшоҳ атрофида бирлашмоғидир.



## **Нурали ҚОБУЛ**

---

– Ҳақсиз, амаки, ҳақсиз, – деди Халил Султон ўйга толганча. – Улуғ бобом ҳазратлари қуббат ул-ислом Балхда салтанат тахтига ўтирганларида ҳам бирга эдингизми?

– Ёнларида эдим, авлодим. Мен ҳам отамзамондан қолган бир одамман. Ўшанда Темурбек ўттиз олтига кирган, мендан ўн ёш улуғ эдилар. Эсимни танибманки ўша, дарёдан сув бағишлаган асл жаҳонгир аждодимнинг қиличларини чопдим, узанги йўлдошлик қилдим. Энди эса ул зоти олийнинг фарзанди аржумандлари, хоқони саид Шоҳруҳ подшоҳнинг ит каби садоқатли қулидирмен. Биз шу ҳудудларда ўсиб-улғайдик. Одамлари, ўр-қирини яхши биламиз.

– Маликамиз сизнинг ташрифингизга лаззатли ва тансиқ таомлар ҳозирламоқдалар. Унгача ўша, улуғ бобом ҳазратларининг Турон тахтига ўтиришларини ҳикоя қилиб берсангиз? – рижо этди шаҳзода.

– У замонлар тарихини сўрасангиз, мени тўхтата олмайсиз, жигарим. Кечаю кундуз сўйласам-да бу ҳикоялар адо бўлмайди, – қулайроқ ўтириб олиб ҳангома берарди амир. – Модомики бу ҳақда сўз очар эканмиз, гапни Чиғатойхон авлодларининг авлоду аҳфоди, уларнинг Турон юртидаги подшоҳлигу шахриёрликларидан бошлашга тўғри келади. Туркларнинг барс йилига мувофиқ етти юзу олтмиш бешинчи йилда Амир Темур ва Амир Ҳусайндан Қабоқин мавзесида енгилган Илёсхўжахон ибн Туғлуқ Темурхон Жете томон қочди ва дуғлотлар подшоҳи Қамариддин кўлидан ажал шаробини сипқорди. Уни отаси Туғлуқ Темурхоннинг Олмалиқдаги қабри ёнига кўмадилар. Уларда султонлар дафн этиладиган кўйиндини Олтин дейишади.

– Недан олтин дейишади? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода.

– Аниқ сабабини билмайману, авлодим, бироқ эски замонларда хоқону султонларни ўз бойликлари, олтину жавоҳирлари билан бирга кўмишган. Йиллар ўтгач, дафина изловчилар бу лаҳадларни кавлаб олтинларни қазиб олишган. Бу атама балки шу одатдан қолгандир. Хуллас, гапнинг давомини айтадиган бўлсак, Амир Ҳусайн Илёсхўжахондан сўнг Одил Султонни хон қилиб кўтарди. Ўзи эса Балх ва Бадахшон мамлакатлари тахтада ўтириб, салтанат сурди. Орадан кўп ўтмади. Амир Ҳусайн ўзини янглиш тутган хонни Чашкон дарёсига улоқтиришни буюрди.

Амирнинг ҳикоясини тинглаган шаҳзода беихтиёр кулди.

– Недан кулдингиз, амирзодам? – жиянига қаради барлосий бек.

– Дарёга улоқтирди деганингизга кулгим келди, аво. Хон бўлсаю дарёга улоқтирилса! Ана сизга қисматнинг сўнги манзили, – кулгисига изоҳ берган бўлди амирзода.

– Ўзи тахтга ўтқазиб, хон кўтаргандан сўнг тутун қайтариб, бўйни йўфонлик қилганнинг жазоси шундай бўлади-да. Ўттиз беш йил мобайнида соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдор оқ кигизга ўтқазиб хон кўтарган Суюрғатмишхону Маҳмудхонлар улуғ амирнинг бир сўзларини икки қилмаганлар.

– Гапингизни бўлганим учун узр тилайман, амаки. Ҳикоянгни давом эттиринг. Сўнгра бизнинг улуғ боболаримиз ва буюк қоон Чингизхон аждодлари ўртасида тошга битилган англашма ҳақида ҳам билги берсангиз, – деди шаҳзода кекса бекни завқ-ла тинглар экан.

– Бош устига, олийнажот шаҳзодам. Эсимдан чиқиб кетди. Нима деяётган эдим. Қаричилик, жиян. Қусурга боқмайсиз-да, – жилмайди амир.

– Амир Ҳусайн Одил Султонхонни Чашкон дарёсига улоқтирди деган эдингиз, – яна кулди амирзода.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Ҳа, хуллас Амир Ҳусайн хонни чўктириб ўлдиргач, Чиғатой улусининг ўттиз биринчи хони сифатида куббат ул-ислом, уммул-билод баҳор хуррами Балхда Комилшоҳхон ибн Довурчини хонлик тахти, жонбозлик маснадига ўтказди.

– Бу пайтда улуғ бобом ҳазратлари қайда бўлганлар?

– Ўша дамда Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай ибн Амир Алангиз нўён ибн Амир Эжил нўён ибн Амир Қорачор нўён Барлос Балхнинг шимолидаги яйлоқни лашкаргоҳ этиб турардилар. Эҳ, у замонлар, амир-зодам. Сизга сўйламоқ баробарида ўша ҳис-ҳаяжон, жангу жадалларга қайтгандекман. Амир Темиру Амир Ҳусайн қарама-қаршилиги шу даражага кўтарилганки, бу ташвиш-тахлика, бу хавф-хатар, бу саросимани сўз ила ифодаламоқ мушкулдир. Шунда мен, йигирма олти ёшли бир навкар одамларни илк бор диққат билан кузатиб, инсонларни айира билишни, дўсту душманнинг фарқига боришни ўрганганман. Тўқнашув арафасида бир нарса эътиборимни тортди. Ақлли, сиёсатни англаган бек ва кўмондонлар Амир Темур томонга кеча бошладилар. Чаласавод, мактабу мадраса кўрмаган, сарой таълиму тажрибасидан узоқроқ амиру суворийлар Амир Ҳусайннинг тарафини олдилар. Бу пайтда худо раҳматли отам Ҳожи Барлос ҳаёт эдилар. Қиблагоҳ ҳам юрак ҳовучлаганча бир пайтлар кўмак этолмай ташлаб кетган жиянининг ғалабасини кутар, кечаси билан ибодат қилиб, дуо этиб чиқарди. Отамдан Амир Ҳусайн билан амаким Темурбек ораларидаги фарқни сўрадим.

– Амир Ҳусайн аскар таълимини олган. Унда сарой тарбияси етишмайди. Бундай ҳукмдорларда ақлу мантиқ иккиламчи бўлиб, улар-ла узоққа бориб бўлмайди. Бундайлар бошига тушган ёмон куну фалокатни теваарак-атрофларидагидан кўриб, дўсту душман, хайрихоҳу

нохайрихоҳ, дуч келганни жазолайверади. Ақл-ла иш юритган, ҳис-туйғусига эрк бермаган, шайтоний истакларини жиловлай билган ҳукмдор эса раият, давлати аркон билан муносабатда бундай йўл тутмайди. Бир йигит қирқ йилда дунёга келишини чуқур англаб, ҳар бир инсонга эътибор ила муносабатда бўлиб, қадр-қимматини жойига қўя билади. Амакинг Темурбек шундай марду тўғри одам. Номарднинг ошини егунча марднинг муштини еган маъкул, ўғлим, дедилар. Улуғ бобонгиз шундай одам эдиларки, энг ашаддий ғанимларига ҳам ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлар, инсонлик шарафи ва шаънига тажовуз этмасдилар. Ниҳоят кутилган тўқнашув юз бериб, амир Ҳусайн ибн Қайлон ибн амир Қозағон Кенагаснинг салтанат тулпори қоқилди. Амир Кайхисрав Хатлоний иниси Кайкубоднинг хунини олиб, Ўлжойту Аперди ҳамкорлигида уни қатл этди. Шундан сўнг соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдор Ўктой қоон ибн соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам наслидан бўлган Суюрғатмишхон ибн Донишмандчохонни хонлик тахтига ўтказдилар.

– Узр, аво, яна бир нарсага аниқлик киритсак. Улуғ бобом Суюрғатмишхонни Амир Ҳусайн билан тўқнашув олдидан хон этиб кўтардиларми ёки жангдан сўнг? – сўради амирзода.

– Амир Ҳусайн Комилшоҳни, Амир Темур эса Суюрғатмишхонни жанг олдидан хон эълон этиб, саваш ҳақидаги фармони олийга имзо чекдириб, сўнгра ҳужумни бошлаганлар. Пири устод Мир Саййид Барак ҳазратлари бу хайрли ишга фатво бериб турдилар. Энди мен сизга бошда сўрганингиз буюк қоон Чингизхон ва султон соҳибқирон аждодларининг англашмалари ҳақида сўйлайин. Илк ахдлашув Қочувли Баҳодир билан Қобулхон ораларида воқъе бўлган ва Туминахон

олтамғаси билан безатилган. Иккинчи бор эса буюк қоон Чингизхон билан олийшаън улуғ амир Қорачор нўён ўрталарида тузилгандир. Учинчи шартнома эса Дуво Чечанхон билан бизнинг буюк боболаримиздан Алангиз нўён ораларида имзоланган. Бу англашма ўттиз учинчи хон Султон Маҳмудхондан сўнг ҳаракатдан тўхтади.

– Жуда қимматли билгилар бердингиз, аво. Тангри сиздан рози бўлсин. Улуғ бобомга берилган унвон – соҳибқирон калимаси ҳақида ҳам сиздан маълумот олсам? – сўрмоқда давом этди шаҳзода.

– Муносиб авлодлари ўлароқ сиз, қолаверса, барча амирзодалар улуғ боболари ҳақидаги тарихни яхши билишингиз ва ўзингиздан кейинги авлодларга етказишингиз керақдир, шаҳзодам. Бобонгиз Амир Темур соҳибқирони<sup>1</sup> акбар туғилаётганларида ҳар тўрт мусалласа улуғ юлдузларидан ҳар бир мусалласа ўн икки бор қайтиб қирон қилган экан. Шу сабабдан ҳақимлар улзоти олийни соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар дея атаганлар.

– Менинг ёнимда сиз каби энг яқин, қон-қардош кишиларим бўлмади-да, амаки. Шунинг учун ҳам амир Худойдод каби ғанимларнинг тоши оғир келиб қолди, – деди шаҳзода амирнинг ҳикоясидан таъсирланиб.

– Атрофингизни ўраган одамларда гап кўп, жиян. Бироқ салтанат ишининг аслияти тахтда ўтирган кишининг ўзига боғлиқдир. Тожу тахт дастурхони шундайким, ён-верингиздагилар бу суфрага сиз истаган емакни келтирадилар. Ўзлари таклиф этган таом сизга маъқул келмаса, еб тур-

---

<sup>1</sup>Соҳибқирон – Икки шарофатли сайёра бир-бирига яқинлашган пайтда туғилган одам. Амир Темур икки сайёра, Зухро (Венера) ва Муштарий (Юпитер) сайёралари бир-бирига яқинлашган вақтда туғилган. Бу сўзнинг асл маъноси “бахтиёр подшоҳ”, “қудратли подшоҳ” демақдир.

ган экмаклари ёки бошларидан айрилиб қолишларидан қўрқиб, оғиз очмай юраверадилар. Аксар ҳукмдорларга эса шу керак. Унга ақл бўладиган оқилу доно эмас. Шу пайтгача мен билганим ҳеч бир ҳукмдорнинг закога эҳтиёж сезганини туймадим. Бироз бурун бобонгизнинг пирлари Мир Саид Барака ҳазратлари ҳақида сўзладик. Ўсмаатнинг Боғмозор Барлосида ул зоти олийнинг қардошлари Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари яшар эдилар. Шунин билармидингиз? – амирзодага зимдан боққанча сўради Нуширвон Барлос.

– Эшитгандим. Яқинда вафот этдилар шекилли?

– Ҳа, вафот этдилар. Таъзияга бордингизми? Ёки хасталикларидан бориб кўрдингизми?

– Йўқ. Борганим йўқ, – жавоб қилди шаҳзода шолғомдек қизариб.

– Ҳа, балли, жиян. Ўшандай инсонлар аҳволидан сиз каби ҳукмдор хабар олмаса, ким уларни сўрайди? Дуоғўйлари бўлмиш бу кишимга улуғ бобонгизнинг ўзлари ўша манзилни суюрғол қилиб берганлар. Ота юртда не қадар кўп ишлари бўлмасин, онҳазрат амакингиз ул зоти олийни кўришга бордилар. Қисматни қарангким, бояқиш шу дамда вафот этдилар. Бораркан, Новқа булоғи бўйида тўхтаб, масжид тикламоқ амрини бердилар. Аслида бу ишларни сиз муҳтарам амирзодамиз қилишингиз керак эди. Ичим куйганидан, сизга кирган кичик бир тиканнинг заҳри бизга ҳам таъсир этажанидан бу сўзларни сўйламоқдаман. Хафа бўлманг. Мен бегона эмасмен ва бу танбеҳларни бермоқ уруғимизнинг оқсоқоли ўлароқ вазирамдир.

– Ҳақсиз, муҳтарам амаки. Бизга йўл-йўриқ кўрсатиб, насиҳат этмакликка ердан кўкка қадар ҳақингиз бордир. Ҳеч бир сўзу фикрингизга эътироз билдиражак ҳолим



йўқдир. Шарафли ота авлодимизнинг сиз каби улуг ва дунё кўрган беги суҳбатидин баҳраманд ўлмоқдин чексиз мутлилик туйдим. Тангри сиздан бир эмас, минг карра рози бўлсин! Йўл қўйганим хатолар ва янглиш ҳаракатлар таъзирини едимки, кўзим очиқ эркан, менга сабоқ бўлгувсидир. Бундин сўнг ҳеч бир замон подшоҳ амаким сўзларини икки этмам, – қора терга тушган эди шаҳзода. – Азиз амакимизнинг бизга кўрсатган марҳамату ҳимматлари ҳар қандай тақдирнинг узариндадир.

– Онҳазрат амакинғиз барча гуноҳу хатоларинғиз устига афв чизиғини тортганларким, буни шахсинғизга кўрсатган олий даражадаги эътибордан ҳам кўриб турибсиз, – жиянига далда берди амир. – Хоқони саид ҳазратлари яна бир нарсани сўраб, ўрганишимни тайинлаган эдилар. Шу ҳақда ҳам қўнишиб, турумни ойдинлатмоқ керак бўлиб қолди, жиян, – паст овозда бошини эгганча сўйлади меҳмон.

– Не масала экан? – сергак тортди Халил Султон қошини чимириб.

– Кўксарой хазинасидаги буюк қоон Чингизхоннинг олтин тахти. Уни қидириб ҳеч бир ердан топа олмадилар. Сотилганми ёки ўғирланганми, кимса билмайди.

– Хазинанинг яширин бўлмасида эди. Хазина вазири амир Мубашшир қаерда эканлигини яхши биларди. Вазир Ёмда хоқон ҳазратларини кутиб олишга чиққан эканлар. Мендан ҳеч ким бу ҳақда сўрмаганлиги учун вазиримиз тахтни ва яна у ердаги бобомга оид сандиқларни онҳазрат амакимиз хазиначисига топширган бўлса керак, деб ўйладим. Ўзимнинг Самарқандни қай аҳволда тарк этганимдан хабаринғиз бор. Бобом ҳазратларининг амирзода Улуғбекка ҳадя этган китоб тўла сандиқ ҳам

ўша бўлмада эди, – бу гапдан капалаги учиб кетганди шаҳзоданинг. – Наҳотки ул ашёларни ўғирлаб кетишган бўлса?

– Билмадим, шаҳзодам. Бориб сўзингизни давлат-паноҳимизга айтаман. Не фикрга келадилар ва не қарор берадилар, ўзлари биладилар.

Солиннинг суфра ҳозирланган томонида наридан бери юраётган Шод Мулк тушлик ҳозирлигини ишора этарди.

### **УЧИНЧИ БОБ**

*Ҳазрат Соҳибқирон комкорнинг ши-жоат ва жалодати ҳақида келтирилган хабарлар воқеий ва ҳужжатлар силси-ласи билан пайваста бўлган, ўз кўзи ила кўрган одамларнинг тилидан эши-тиб, таҳрир қилинган ҳикоялардир.*

*Улар Фирдавсий “Шоҳнома”сидек, инсонларни сўз ўйинлари билан маф-тун қилиш учун лоф ва ёлғонлар билан безалган эмас.*

### **Ҳуршоҳ ибн КУБОД**

Мўл қайлали тўшбаракни еб, қайнатма шўрвани ич-ган амир Нуширвон Барлос калта қирқилган соқолини силаганча суфрага дуо этди.

– Илоҳи омин, эсон-омон, бағри бутун, тўрт кўз ту-гал бўлайлик! Шаҳзодамизни ҳар замону маконда йигит пири қўлласин! Турганнинг гуноҳи тўкилсин! – дея ўрни-дан қўзғалди амир.

Шаҳзода амир амакисини навкарлари отини ушлаб турган жойгача кузатиб борди. Илиқ хайрлашдилар.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Ана у масала қўнусида бирор-бир гап бўлса, яна келиб қолишим мумкин, – деди амир отига енгил қамчи ураркан, олтин тахт муаммосини назарда тутиб.

– Ҳар замон беклайман, – жавоб қилди шаҳзода.

Амирзоданинг орқароғида мингбоши Қулмон Қиёт икки навқари билан турарди.

– Не қилдик, мингбошибек? Шу атрофдаги гузару бозорни бир айланиб келмаймизми? – деди шаҳзода ясовулбошига қараб. – Уйда ўтиравериб, юрак сиқилиб кетди. Бироз юрмасак бўлмайди шекилли.

– Бир оғиз сўзлари, шаҳзодам. Жуда яхши бўлур эди. Инсон инсоннинг дардини олади-да, – жавоб қилди Қулмон Қиёт.

Қиш охирлаб, илик узилди пайтлари келиб қолган, кечмишнинг зил-замбил юки, келажакнинг оғир ташвишини орқалаган Ҳиротда ҳаёт қайнар, яратганнинг неки жонзоди бор, иту қушгача ҳаёт ва тирикчилик пешида қўшар, ҳар ким ўз юмуши билан елиб-югурар эди.

– Бу маҳаллада асосан самарқандликлар яшагани учун қаршимиздаги бозор ҳам Самарқанд бозори дейилади, шаҳзодам, – дея йўл бошлаб борарди Қулмон Қиёт.

Дарвозанинг кираверишида бир туркман телпакли киши тери ва телпак сотиб ўтирарди. Териларни томоша қилган амирзода туркман теричини гапга солди.

Кулча юзли, озғин, қўзителиш сотувчи гапга чечан эди.

– Келинлар, биродарлар! Мен савдогар эмасман! Сурув ҳам, қоракўлу сур терилар ҳам ўзимники! Истаган нархимга сотаман! Улуғзот инсонларга совға ҳам қиламан! Бойликнинг орқасидан қувмайман! Бойлик бор жойда тинчлик йўқолади! Қани, келинлар! Қайси тери ёки телпақдан берай? – жағи тинмас эди теричининг.

– Хўш, қандай териларингиз бор? Нархи қанчадан? – сўради амирзода қизиқсиниб.

– Мана бу ёзилган терилар олти хил, биродар. Мана бу антиқа, буниси шерози, ёнидаги сур, униси тиллойи сур, манави эса бўр. Ана у четдагиси қора тери. Ҳаммасининг нархи ўзига яраша. Диноргаям, дирҳамгаям, персу кўппакийга ҳам сотавераман! – бир гапга ўн гап билан жавоб қайтарди телпакчи туркман. – Тўрт тур теридан телпак бор.

– Э, қойил! Туркманнинг сергапини биринчи бор кўришим, – деди Қулмон Қиёт унга қараб.

– Эй аға, уззукун бозорда ўтираверсанг, гунг бўлсанг-да тилга кириб кетасан. Сурувди чағалар боғади. Мен бозорда ўтираман. Молимни сотаман деб шунақа жағ-жағ бўлиб қолдим, гардаш. Ўзи шунақа экан. Одам боласи куни ўтиш учун бозорга, бозорлиги тугагач, мазорга қараб равона бўларкан. Бу ерда ҳамма ўз-ўзи билан овора. Биров билан бировнинг иши йўқ. Ит эгасига боқмайди. Фақат сизлар каби қаршимизга келган муштарий билан гаплашамиз. Харидор бўлмаса ўзимиз билан ўзимиз кўнишамиз. Несини сўрайсиз, аға!

– Хў-ўш, дейлик мана бу тиллойи сур телпакнинг баҳоси қанча? – сўради ясовулбоши.

– Бунинг нархи бир дирҳам<sup>1</sup>, аға. Бўладиган баҳоси. Бир ярим демадим, – телпакни қўлига олиб кўз-кўз қиларди сотувчи. – Асил терини асил устаси тиккан.

– Қиммат, қардош. Бироз туширинг! – савдолашган бўлди ясовулбоши.

– Менга қара, гардашим. Биз довдир туркманлар гилам тўқишу сотишдан бошқасини билмаймиз. Мен билан савдолашиб ўтирма. Хўжанг асилзодаларга ўхшайди. Ақчанг бўлмаса ҳадя қиламан. Кеч ҳам кириб қолди.

---

<sup>1</sup>Дирҳам – Бу пайтда Миср султони халифа ҳисобланган. Мусулмон мамлакатларида олтин танга – динор, кумуш танга – дирҳам, мис танга – перс дейилган.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Чарчаганман. Бошимни қотирма! – гапнинг пўсткалла-сини айтди телпакчи туркман.

– Тамом, оға. Телпакни оламиз, – деди амирзода кийиб кўраркан. – Бир дирҳам бўлса бир дирҳам, – дея телпакни ясовулбошига узатиб ёнчиғига қўл солди. – Ие, ақча олиб чиқмабмиз-ку, мингбоши. Малика кўрсаларинг қовун ҳам ола келингиз дегандилар.

– Қовунга пул топамизу дирҳам ҳеч биримизда йўқ, шаҳзодам, – деди Қулмон Қиёт хижолатли оҳангда.

– Шу телпак сизга совға, қардошим. Топсангиз пулини ташлаб кетарсиз. Топмасангиз бағишладим, – деди сотувчи самимий оҳангда.

– Йўқ, йўқ, пулини тўлаймиз. Навкарлардан бирини ҳамон қароргоҳга юборинг. Ақча олиб келишсин! – буюрди шаҳзода. – Харидимизни бир четга олиб қўйинг. Биз бозор айланиб келамиз, – деди телпакни қайтариб бераркан амирзода.

Улар қовун бозорини кезаркан, уйга кетган навкар етиб келди. Икки дона қовун олиб, яна телпакфуруш томон юрдилар.

– Мана сизга бир эмас, икки дирҳам. Бир дирҳам, телпакнинг пули. Бир дирҳам эса мардлигингиз ҳақи! – деди амирзода ақчани сотувчига узатар экан.

– Айтдим-ку, хўжанг асилзода деб, – Қулмон Қиётга қаради телпакчи. – Яна сен мен билан савдолашасан. Мободо Самарқанд подшоси Халил Султон эмасмисиз, биродар? – содда нигоҳини харидорга қадади туркман.

– Йўқ! Амирзоданинг навкарлариданман, – жавоб қилди Халил Султон киприги қилт этмай.

– Бекорга у подшони сўрмадим-да, навкарбек. Халил Султон бизга жиян бўлади. Шунинг учун сўрадим-да. У кишини шу атрофда яшаётир дейишган эди-да.

– Қандай жиян бўлади? – ҳайрон бўлиб кулимсиради амирзода.

– Халил Султоннинг раҳматли отаси Мироншоҳ подшоҳнинг онаси малика Минглибека бизнинг уруғдан, – гурур-ла гапирарди туркман тужжор.

– Ҳа, шундай денг. Тўғри сўйладингиз. Ҳақиқатан амирзодага тоға уруғ бўлар экансиз. Сизни ҳар қанча ҳурматласак арзир экан, – суҳбатдоши кўнглини кўтарган бўлди шаҳзода.

– Мендан салом сўйлангиз!

– Хўп, албатта саломингизни етказамиз!

– Ёки у зоти олий подшоҳимизга ҳам битта телпак берайми? Ҳадяга! Зотан, икки телпакнинг пулини бердингиз, қардошим! – этана бўларди телпакчи.

– Унда бундай қиламиз. Мен сизга яна уч дирҳам бераман. Мана бу уч дўстимиз учта телпак танлаб олдилар, – деди амирзода ясовулбоши ва икки навкарни кўрсатиб.

– Бажонидил. Қани энди сиздек жўмард харидорлар тез-тез келиб турса! Танланглар, жигарларим! Телпаклар сиздан садақа!

Туркман телпагини қўлтиқлаган шаҳзода ва навкарлар айланиб, бозорчилар учун ошхона вазифасини ўтайдиган тим томон юрдилар.

Олти ёшлар чамасидаги синглиси етаклаган кўр ўспирин кўлида дутор билан айтув айтарди. Унинг соф ва жарангдор овози шу қадар кучли, таъсирчан эдики, кимса ёнидан бепарво ўтиб кета олмас, тақясига бир икки хуруш ташлаб кетарди.

Амирзода навкарлари билан тўхтаганча унинг қалпоғига бир дирҳам кумуш танга ташлади. Ақчанинг фарқига борган қизалоқ уни ола солиб ёнчиғига тикди.



Ҳофиз ўспирин энг юксак пардада кўшиқ айтарди:

Элга ортиқ озор этма,  
Кўнгилдан ҳеч замон кечмас.  
Номуссизликни ор этма,  
Қаҳрингдан жон омон кечмас.

Бошда қилич ўйнар мудом,  
Кун-тун, вақти замон кечмас  
Ҳўлу қуруқ бирдек ёнар,  
Нур йўқ, яхши-ёмон кечмас.

Дил ярасин изи қолар,  
Жароҳати ҳамон кечмас.  
Инсонлик – унутмоқликдир,  
Унутсанг-да, тамом кечмас.

Зару зўринг маромида,  
Отса ўқи камон кечмас.  
Тоғларингда булут ўйнар,  
Сойда сарсон туман кечмас.

Неки нисбий, биткинчидир,  
Ҳақ абадий, макон кечмас.  
Қаландар қочма қадардан,  
Бел кўрмаган, довон кечмас.

– Бу бизнинг Шоҳи Қаландарнинг битигими? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода Қулмон Қиётдан.

– Бу Шоҳи Қаландарнинг шогирди Масти Қаландарнинг шеъридир, шаҳзодам. – Янглишмасам, кўшиқнинг бастаси устод Абдулқодир Мароғийга тегишлидир, – жавоб қилди мингбоши.

## **Султон қаршисидаги шайтон**

– Устоз Мароғий ҳозир Ҳиротда бўлсалар керак. Кўришганимизда ул кишимга Самарқанддан айрилманг деган эдим. Кейин билсам барибир кетиб қолибдилар.

– Билишимча, икки йил чамаси бурун келганлар.

– Салтанат ташвиши, тож-тахт ғавғоси билан бўлиб, олиму битикчиларимизга лозим бўлган диққату эътиборни кўргиза олмадик. Натижада уларнинг бир қисми Самарқандни тарк этдилар. Амирзода Улуғбек яна улар бошини кўшажак, иншооллоҳ. Биз қила олмаган ишни ул инимиз амалга оширгайлар.

– Султон Улуғбекнинг ясовулбошиси Ражаб Турдиқора ила бир неча бор суҳбатда бўлдим. Дунё кезган бир киши экан. Мирзомиз салтанат, тожи тахтдан кўра қалблар қасрининг султонидир, деган гапни айтди.

– Қалб қасрининг султони. Нақадар гўзал ва маъноли бир сўз. Шоирларнинг ҳавойи сатрлари каби эмас, файласуфнинг мантиқли фикри. Амирзодамиз болаликдан китобга ўч, илмга ташна эдилар. Одатда донишманд подшоҳларнинг ҳукмронлик қилмоқликлари оғир кечади. Иқтидору сиёсат, истасангиз-истамасангиз қаттиққўлликни талаб этади. Биз ҳам салтанатни йўнатмоқда бироз шоирлик қилиб қатор хатоларга йўл қўйдиким, охир-оқибат жазосини чеқдик, – бошини қуйи эгганча гапириб борарди амирзода.

– Тақдири илоҳий! Оллоҳдин умид кесилмас, шаҳзодам! Зоти олийларининг отамерос юртларида шаъни шарафли бир истиқбол кутаётганига шубҳамиз йўқдир. Муборак суфрангиздан нону туз еб юрган биз мулозим навкарлар кечаю кундуз дуо этмоқдамиз. Шунчалик ташвиш таҳликалардан соғ-саломат чиққан бошингиз омон бўлсин! – шаҳзоданинг кўнглини кўтармоқчи бўларди ясовулбоши.

– Ақли хаёлга келмас ишлар содир бўлиб, амир Ху-

дойдоднинг элига тушиб қолганимизни қаранг, мингбоши? Ҳали-ҳануз бу ходисанинг қандай рўй берганини ўйлаб, ўйимга етолмайман.

– Лашкар биздан юз буриб қочди, шаҳзодам. Савашмоқни истамадилар. Черик ўзининг икки ўт орасида қолиб кетганини, амир Худойдод кўшинини енгса-да, Ҳирот ўрдусидан мағлуб бўлажагини ҳис этиб, жангга кирмади. Бу ҳолат лашкар руҳиятига қаттиқ таъсир этди.

– Тўғри. Икки ўт орасида қолган эдик, – деди амирзода тушкун оҳангда. – Ҳа, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Хазинанинг тўрдаги махфий бўлмасида буюк қоон Чингизхоннинг олтин тахти ва бир неча сандиқ бор эди. Мен подшоҳ амаким хазинани кўрмоқ учун кирганларида олган бўлсалар керак, дея фикр қилгандим. Маълум бўлишича, бу ашёлар Ҳирот хазинасига келиб тушмаган. Биз Шероз қалъасида хонабандлигимизда Худойдоднинг бек ва мингбошилари аркни босган. Ҳирот чериги шаҳарга киргунга қадар ит эгасига, мушук бекасига қарамас бир вазият ҳукм сурган. Шу талотўпда бу қимматбаҳо молларни улар тинчителишган чоғи? – савол назари билан қаради ясовулга.

– Улар келгунига қадар арк муҳофазаси юкланган амири харос Бешкал Манғит тинчитмаган бўлса агар, шаҳзодам?

– Бу иш унинг қўлидан келиши мумкинми?

– Жуда мумкин-да, шаҳзодам. Ит тумшуғига сув кетганда суза бошлаганидек, у ҳам турумга кўра кўз очиб-юмгунингизгача ўзгарадиганлар тоифасидан. Яна билмадим. Гумон имондан айирар деганларидек, бу ишни тасбид ва ташхис этмоқ керакка ўхшайди.

– Бу кўнуда не маслаҳат бера оласиз?

– Онҳазрат ҳузурларида Бешкал Манғитнинг амакиси Кебек Манғит хизмат этади. Уни яхши танийсиз. Султон

Хусайн билан бўлган қарама-қаршилик пайтида Ҳиротга қочиб келган. Ҳозир амири охурлик лавозими баробарида салтанат тулпорлари беги ҳамдир. Бу биринчи йўлдир. Иккинчиси, агар амир Худойдоднинг одамлари олган бўлса буни ўғли амир Абдумалик билади. Унга одам юбориш керак. Яна бир, сўнги чора борким, бу ўзингиз зиндондан озод этган Аббос Хўжа Модарзот. Ҳеч ким ҳал эта олмайдиган махфий ишларни у битириши, кимсада йўқ билги унда бўлиши мумкин, – фикрини баён этди Қулмон Қиёт. – Онҳазратнинг Эсиргап Найман исмли яна бир пайзали хабарчилари борким, яхши танийман. Уни ҳам ишга солиш мумкин.

– Масала англашилди. Назаримда бу ишда энг ишончли киши ўша – Аббос Хўжадир. У ўз юртидан лашкар тўплаб келаман дея Бобо Тармишдан рухсат сўраб кетганча қайтиб келмади.

– Эшитишимга кўра, у амир Боботуркнинг олдида борган ва Ойқор тоғидан ошиб қандайдир бир қимматбаҳо маъдан конини қазитаётган эмиш.

– Ана одамнинг ишбилармони, мингбоши. Биз эса тап-тайёр тахтимизни эплай олмай бир қари бўрининг кўлига тушиб ўтирибмиз, – деди шаҳзода ясовулини хайронлик-ла тингларкан. – Унда сиз ҳамон саройга боринг-да, амакимиз амир Нуширвон Барлосни топиб, шу гапларни айтинг. Мободо бу ишга ўзингизни жалб этмоқчи бўлсалар, розилик билдиринг. Бу ўғирлигу ҳирсизлик менинг бўйнимда қолиб кетмасин.

– Вазифани тушундим, шаҳзодам, – деди мингбоши таъзим-ла.

– Ҳа, яна бир нарсани сиздан сўрамоқчиман. Боя Найман исмли хабарчи ҳақида гап кетганида, «пайзали» деган иборани ишлатдингиз. Ҳазрати бобом замоналарида амир Отламиш фақир, фақиҳ Масъуд Курдо-

ний каби олтин пайзали айғоқу хабарчилар бўлар ва улардан мамлакатнинг энг чекка бурчакларидан ҳам керакли билгилар олиб туриларди. Биз хуфялар ишни эскиси каби йўлга қўя олмадик. Амиру маъмур, суворийу сипоҳий, барча ишни йиғиштириб, улуғ бобомдан қолган хазинани совуриш билан овора бўлибмиз, ўйлаб қарасам. Атрофимизни эса ўргимчак тўри каби ўрайверганлар. Қаранг, Оллоҳдод билан Арғуншоҳ Дизакда ички ичиб, Худойдод ҳаракатига томошабинлик қилиб ўтираверганлар. У эса бир кечада Ўснат орқали Самарқандга етиб келиб, бизни яксон этмоқда. Қани бу ерда хабарчи, айғоқу узунқулоқлар? Нега бизга бу ҳақда кимса билги ва хабар бермайди? Бундан келиб чиқадики, ҳеч ким бу қўнуда бош қотирмаган.

Қулмон Қиёт, тилга олганингиз энг машҳур узунқулоқлар Куджонийу Отламишдан тортиб, тужжору дарвеш, сайёҳу мешкобчи сифатида одамлар орасида юрган кишилар тўғридан-тўғри улуғ амир ҳазратларининг ўзларига ҳисобот бериб, ўзларидан топшириқ олар эдилар. Сиз бу ишларни гумаж ўлчаб сотмоқдан бошқа нарсага зақоси етмас, давлат ахлоқи ва лаёқати бўлмаган бир кишига топшириб қўйдингиз демоқчи бўлдию, тилини тийди. Усиз ҳам абгор аҳволдаги шаҳзодани аяди.

– Амир Худойдод каби бизга энг кучли ва ҳал қилувчи зарбани берадиган одамларни эмас, теварак-атрофимизда турган эски амиру маъмурларни таъқибу тазйик этиб, хато қилган эканмиз, мингбоши. Яғийни ўз уйимиздан эмас, ташқаридан ахтаришимиз керак экан. Энди заҳн этишимча, юқорида қайд этганимиз хабарчилар иши умуман ташкил этилмаган кўринади. Бирор кишига пайза берилса хабарим бўларди.

– Оч ва номуносиб одамни кутилмаганда юксак лавозимга қўймоқ кўп хатарлидир, шаҳзодам. Бундайларнинг

кўзига мансабу бойликдан бошқа нарса кўринмайди ва амални мол-мулк тўплашнинг асосий воситаси деб билади. Атрофига эса ўзидан беш баттар очкўз ҳамда еб тўймасларни йиғади, – ниҳоят фикрини очиқ айтди Қулмон Қиёт.

– Салтанат тизгинининг бир учини маликамизга бериб ҳам хато қилдик, чамамда. Ким бўлмасин, аёл зоти аёллигига боради. Боя сўйлаганимиз пайзали хабарчилар бизнинг ҳудудларга мўғуллар билан келганми ёки илгаридан ҳам бўлганмикан? Бу ҳақда билгингиз борми? – сўради шаҳзода.

– Эшитишимча, бу тартибда хабарлашмани йўлга қўйганлар чинлилардир. Кечмишдаги оқ ва кўк хунлар давлатида ҳам бўлган экан. Бу сўз ҳам чин тилидан келган бўлиб, ёрлиқ деган маънони англатади. Пайзалар буюк қоон Чингизхон ясасига мувофиқ таъсис этилган бўлиб, олтин, кумуш, чўян, жез ва ёғоч тахтача шаклида бўлган. Бу пайзалар қай бир қимматбаҳо маъдандан ясалганига қараб, мўғул хонлари тайинлаган ноиблар, чопар ва элчиларга нишон, ёрлиқ сифатида берилган. Ноиб ва элчиларга олтин пайза берилган бўлса, чопарга кумуш, халқ орасида юргувчи хабарчи қаландарга жез ёки ёғоч пайза берилган. Бу гувоҳнома асосида улар истаган нарсасини талаб қилмоқ ҳуқуқига эга бўлганлар, шаҳзодам.

– Алп Туркашбек менга бир олтин пайзани кўрсатгандилар. Унинг олд томонида улуғ бобом ҳазратларининг табаррук номлари, гирди бўйлаб эса пайза соҳибининг исми ва ваколоти ёзилган эди. Мўғулларники катта, ёрлиқ шаклида бўлган дейдилар?

– Шундайдир, шаҳзодам. Мўғул хонлари замонида пайзалар йирик шаклда бўлиб, унвон, мукофот, ишонч ёрлиғи ўлароқ берилган ва ошкора олиб юрилган. Турон давлати, султон соҳибқирон даврларига келиб, у танга



шаклини олди ва фақат махфий хабарчиларга бериладиган бўлди. Бу муҳим ашёга эга бўлган кишининг шахсини ҳеч ким билмаган.

– Ичида яйраб яшаганимиз, таҳсил олиб, ўқиб ўрганмоғимиз керак бўлган буюк мадрасаю дорулфунуннинг қадрига етмаганимизни қаранг. Инсон зоти улуғ наҳрлардан узоқлашгандан сўнг унинг қадр-қийматини англаб афсус чекар экан. Ҳаёти давомида кимсани узмаса, ўзи ҳам узилмас экан, Қулман қардошим. Энг муҳими, бундин буён амаким, хоқони саид ҳазратларининг кўзу эътиборларидан тушмоққа сабаб бўлажак ҳеч бир гапсўз, хатти-ҳаракатга йўл қўймаслигимиз ижоб этади. Ҳассамизни бир эмас, бир неча бор йўқотиб бўлдик. Энди бизни ҳеч ким ва ҳеч қачон ҳеч бир замону маконда кечирмаяжак. Замонида анча-бунча янглиш ҳаволарга кирдикда, мингбошибек. Кимнинг ҳақу ноҳақлиги муҳокама этмоқ бизнинг уҳдамизда бўлмаса-да, ҳар замону даври давронда енгилган ҳақсиз топилади. Билмадим, оёғимизни бу балчиқдан қандай суғуриб олиб, тамизлаб, сулола ва салтанатнинг муносиб шоҳсупасига кўтариламиз?

– Ҳавода булут, эски кунларни унут деган нақл бор, шаҳзодам. Умиду ишончимизни қайб этмасдан ўннга боқмоғимиз, ҳар бир ишдан хайр беклаяроқ йўлга чиқдик. Энди эса эгасининг адаштирмаслигини тилаяроқ йўлда давом этмоғимиз мақсадга мувофиқдир, – қўл қовуштирароқ амирзода сўзини қувватлади мингбоши.

– Унда сиз амир Нуширвон Барлос ҳузурларига бориб, баҳс этганимиз масалани англатинг. Қайтгач, менга бу хусусда не қарорга келинганини айтасиз. Раббим ҳар ишнинг сўнгию сўнучини хайрли ёзсин! Ҳар неки қисмат ишидир, – дея қароргоҳ эшиги томон юрди Халил Султон.

Ҳовлига қадам босди-ю, юраги сиқилиб уйга киргиси келмади. Қопу ўнгидаги навкарлар ўтирадиган сўрига оғир чўқди.

Бозор томондан эса ўша қори ҳофизнинг кўшиғи эшитилар, у кўчадан ўтиб борарди:

Тоғда бўрон қутурса,  
Булоқ наҳрин йўқотар.  
Уммон тошиб кўпирса,  
Маллоҳ<sup>1</sup> баҳрин йўқотар.

Ҳақу ҳуқуқинг поймол,  
Ҳаёт сеҳрин йўқотар.  
Қадрсизлик қаърида,  
Инсон меҳрин йўқотар.

Шарафсиз шон кучарса,  
Давлат қадрин йўқотар.  
Ноинсофлар зирвада,  
Улус сабрин йўқотар.

Кушандаси ўнгида,  
Илон захрин йўқотар.  
Жон ҳалқумга келганда,  
Қотил қаҳрин йўқотар.

Золими мутлоқ, бешак,  
Тахту қасрин йўқотар.  
Кўп қарғиши тош тешар,  
Сўнгда қабрин йўқотар.

\* \* \*

Не-не албисалар кўрдим,  
Ичидаким одам йўқ.  
Не-не одамларни кўрдим,  
Эгнида албиса йўқ...

---

<sup>1</sup>Маллоҳ – кемачи, матрос.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

*Ёруғ очунда энг мард ва шарафли одам ҳаёти давомида ҳеч бир киши-ни сотмаган инсондир.*

**Тошоҳур битигидан**

Бош маликаликдан асира малика мақомига тушиб қолган Шод Мулк Ҳиротга келганидан бери не қиларини билмай, боши кундага етган собиқ амир ул-умаро Саййидхожанинг хазина ҳисобига ўтказилган уйида қамалиб қолган, ўзини овутиш учун канизакларга бош бўлиб емак ҳозирлар, турли-туман пишириқлар тайёрлаб, шаҳзоданинг кўнглини олмоқчи бўларди.

Бироқ тўрт йил мобайнида буюк бобосининг Кўктошида ўтириб ўзини ўзгача ҳис этиб қолган Халил Султоннинг кўнглини олиб, таъбини равшан этмоқ бу дунёнинг азобига айланган, ичига чироқ ёқса ёришмасди.

Амирзода емак ва суҳбатлашув солинига кириб келганида малика қора терга тушиб, икки юзи қизарганча қовоқ дўлмани каттакон товоққа қўйиб, лаганини турли кўкатлар билан безарди. Хонадан эт ва пиёзнинг пишгандаги ёқимли қўқиси анқир, солиннинг кунботиш бурчагидаги уйни иситиш учун махсус қурилган ўчоқда арча ўтини ҳид таратиб ёнарди.

Навкарлар олиб келган қовунни хўжаси олдига кесиб қўйган малика таъзим-ла эгилди.

– Бирор истагингиз борми, султоним? – сўради ҳазин ва алловли оҳангда.

– Қуллуқ, маликам. Тангри сиздан рози бўлсин. Бир-икки карч қовун ейман, – жавоб қилди амирзода хорғин овозда.

Хонтахта устига қўйилган, хушбўй ҳид таратаётган қовунни ҳам унутган амирзода боя эшитган икки қўшиқ таъсирида ўйга толган, хотирасида ўрнашиб қолган воқеалар оқими уни бот-бот, бундан сўнг балки кўрмак насиб этмаяжак Самарқандга олиб кетар, у мухташам султонлик, асолатдан иборат фараҳбахш дамлар рўё каби хотирасида жонланарди. Ҳар ошиққа беш кун давр дегани шу экан. Энди кўчага чиқиб дуч келган одамга мен ўша, Туркистону Моворауннаҳр подшоҳи Халил Султонман деса, биров ишонса, биров ишонмайди. Даврон чархи кўз очиб-юмгунча уни шоҳликдан бандиликка, бандилиқдан ҳижрату мусофирчиликка улоқтирди. Бундан сўнг уни не қисмату қадар бекламоқда? Бу ҳақда ўйлагиси ҳам келмайди. Энди ҳеч қачон Самарқанддаги каби салтанату даври даврон сурмайди. Бир вилоятми, навоҳиями, не қадар арса бўлмасин, бир-бирининг қонини ичиб, этини ғажиб ётган амакиваччаларидан ёки Ширвоншоҳу Қора Юсуфдан тортиб олмоғи керак. Ғарбга сал юрса яна бир бободушман султон Аҳмад Жалойир. Ул тиш қоққан қари қашқирлар мамлакатининг бир қаричини ҳам осонликча бериб қўймайди. Улар билан оч бўридек талашиб тортишга тўғри келади. Бу эса қон ва жон демак.

Ойна ёнида курсига оғир чўккан амирзода тош қопламали ҳовли ва ундан наридаги хурмо, жийда, олма ҳамда нок оғочлари экилган, ариқ бўйидаги боққа тикилиб қолганди.

Жийда оғочига қўнган олашақшақ уйга яқин арчага қўнган мусичага хезланиб қувар, у эса шоҳдан шоҳга кочарди.

Бу воқеа яна унинг хотирасига Самарқандда, Боғи Давлатободда бир ёзни ўтказган кунларини солди. Худ-

ди шу каби мевали дарахтлар Давлатобод боғида ҳам ўсар, фақат унда арча оғочи кўпроқ эди.

Айнан шундай, бироқ бундан уч баробар катта тўплан-тилар солинидан бутун боғ, ундаги ҳар бир қуш, майда олмахонларгача кўриниб турарди.

Бинога энг яқин каттакон арчага мусича уя қўйган, ундан йигирма қадам наридаги арчада олашақшақнинг уяси бор эди.

Бўшанг мусичалар хас-хашакни тўкиб-сочиб, бир амаллаб уясини қурган бўлди. Икки дона тухум қўйди. Эрта тонгдан ҳар икки уя соҳиблари боғ айланиб овга чиқишар, олашақшақларнинг икки кўзи эса мусичанинг тухумларида эди. Мусичанинг бири донлашга кетиб, иккинчиси тухумларни қўриқларди.

Шум ва пишиқ олашақшақлар ўзларини узоқ-узоқларга дон излаб кетганга солиб, сас-садосиз мусичаларнинг уясидан олислашини кутарди. Бу алдовга учган бечора мусича эса шоша-пиша питирлаганча ерга тушиб дон ахтара бошлар, шу пайтда тепаларидан ўқдек учиб олашақшақлардан бири пайдо бўларди. Мусичалар жон ҳолатда унга ташланишар, кўзини чўқишга интилишарди.

Охири бўлмади. Олашақшақ қора ниятини амалга оширди. Мусичанинг тухумидан бирини оғзига олди. Иккинчисини ҳам оламан деб тушириб юборди. Кўз очиб юмгунча икки тухумни ҳам симиради.

Шохларда мунғайиб ўтирган мусичалар яна уяларини тузатишга киришдилар.

Бу пайтда олашақшақ бола очган, полапонлари бўйинларини чўзганча, емак талаб қилишар, аҳён-аҳёнда учиб келадиган отаси ёки онаси бўғзидан егулик чиқариб озиқлантирарди.

Ота-онаси каби ҳаракатчан полапонлар тиниб-тинчи

мас, уяларидан бўйинларини чўзиб пастга интилишар, шохларни тишлаб, емак ахтаришарди.

Қора ва малларанг икки ёввойи мушук эса бута орасидан пойлаганча улар ҳаракатини кузатишарди. Олашақшақлардан кўрқадиган мушуклар ўзларини панага олиб юришарди. Мушукларга кўзи тушган олашақшақлар шанғиллашганча дунёни бошларига кўтаришарди.

Игнабарг арчадан кўтарилиб уяга етмоқ мушук учун азоб, бориб турган машаққат эди. Олашақшақлар бунга йўл ҳам қўймасди.

Амирзода солиндами, боғдами қаерда бўлма-син полапонларни кузатар эди. Солинга кириб арчага боққанида полапонлардан бири ерда сакраб юрар, ташвишли онаси уни қўриқлаганча ғув-ғувлар, бироқ қайтариб уяга олиб чиқишнинг иложи йўқ эди.

Боласини турткилаганча бир бутанинг остига олиб бориб ўзича яширган бўлди-да, учиб кетди. Онаси кетиши билан полапон яна бута остидан чиқди. Худди шу пайт малла мушук унга ташланди...

Қардоши пастга тушганидан буён этакка қараб бўйинини чўзаётган иккинчи полапон ҳам қанотини ёзганча ўзини отди.

У полапонни қора мушук кутиб турган эди...

Шағиллаганча етиб келган олашақшақ жуфти мушукка ташланди.

Мушук эса сув қувурига кириб кетди.

Яна тухум қўйган она мусича энди уясидан жилмай, арчадан узоқлашмай уясини кўрирди...

Инсон зоти ҳам шундай. Кучсизлар кучлиларнинг қурбони бўлиб яшайверади. Ўша гап. Ҳаёт фақат гулу гулистонликдан иборат эмас, хаёлидан кечди амирзоданинг.



Боғ узра қоронғулик чўккан, қушлар овози тиниб, итларнинг басма-бас ҳургани эшитиларди.

Хўрсиниқли нафас олган шаҳзода беихтиёр қовунга қўл узатди.

Эрталаб саройдан келган мулозим шаҳзодани хоқони саид ҳазратлари ҳузурларига чорлаётганини айтди.

Ясовулбоши Қулмон Қиёт ва икки навқари билан саройга етиб борганида уни ҳовлига кириш дарвозасида амир Нуширвон Барлос кутиб турарди.

– Кеча ясовулбошингиз билан қўнишдим, амирзодам, – деди Нуширвон Барлос саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашишгач. – Ишлар чигал, онҳазратнинг аччиқлари чикди. Зудлик-ла мирзо Улуғбекка чопар юборишни, амир Боботурк орқали ўша, ҳазрат Соҳибқирон Чечактуда сўроқ қилганлари Аббос Хожа Модарзотни топишни буюрдилар. Мактубни олган чопар эрта сабоҳда йўлга чиқади. Подшоҳ амакингиз бу ҳақда ҳам сўраб қолишлари мумкин. Ҳозир мирзо Искандарнинг элчиси келади. Бу суҳбатда иштирок этиб ўша тарафлар об-ҳавосини билиш учун сизни ҳам чорлашни буюрдилар, – дея шаҳзодани хоқон ҳузурига бошлади амир.

Хоқон жияни билан ўрнидан туриб, кучоқлашиб кўришди.

– Кунлар нечук кечаётир? Зерикиб қолмадингизми? – ҳол сўради подшоҳ.

– Қуллуқ, онҳазрат! Давлати олиялари соясида эмну амният-ла яшамокдамиз. Оллоҳ сиздан сўнгсиз рози бўлсин! – миннатдорчилик билдирди шаҳзода. – Такагоҳимиз онҳазрат остоналаридир. Зоти олийларига мулозим ўлмоқликнинг юксак лутфини туймоқдамиз.

– Неки камчиликлар бўлса барчамизнинг оқсоқолимиз амир Нуширвон Барлос амакингизга айтасиз. Ҳозир эса форсу ироқ мамлакатлари муаммоларни муҳокама

этноғимиз керак. Бунда сизнинг-да иштирокингизни лозим топдик, – дея ўнг томонидан жой кўрсатди подшоҳ. – Мирзо Искандарнинг навқари етиб келган бўлса кирсун! – дея амир Нуширвон Барлосга қаради.

– Шаҳзода Искандар ҳасрат ва муҳаббат-ла салом йўлладилар, – деди тахт пойига келган Ҳурқўжоқ қавчин тобуғ расмини бажо келтираркан амирзода Искандарнинг мактубини узатиб.

– Яна не ҳаводислар келтирдингиз? Сўйлай билурсиз? – навқарга қаради хоқон мактубни диққат-ла ўқиб бўлгач.

– Музаффарийлар сулоласининг Самарқанддан қайтган даъвоғари султон Муътассим исён байроғини кўтарди ва Исфаҳонга ҳужум бошлади. Шаҳар дарвозасига етиб келиши билан айғирини ариқдан сакратиб ўтмоқчи бўлганида вазни оғирлиги туфайли ағдарилиб тушди ва бир суворий қиличидан шаҳидлик мақомига етишди. Малик Фахриддин Натанзий ҳам ҳалок бўлди. Амир Бистом Жогир Рай томон қочди.

– Бу пайтда Исфаҳонда ким турган эди? – сўради хоқон.

– Исфаҳон мирзо Умаршайх ибн мирзо Пирмуҳаммад қароргоҳи эрди, онҳазрат, – жавоб қилди Ҳурқўжоқ қавчин.

– Авлодимиз Искандар мирзонинг қайд этишларига кўра, Форс мамлакатлари ва Ажам Ироқининг аксар ҳудудларида ўз салтанатларини тиклабдилар. Шаҳид қардошлари Пирмуҳаммад мирзо фожиасидин сўнг юз берган бошбошдоқлар бостирилиб, салтанат ва раият иши ўз йўлига тушибди. Биз тарафдан бирорта амирзоданинг Ироқ ҳокимиятини бошқаришга номзод этишни сўрабдилар, – дея амир Нуширвон Барлосга қаради подшоҳ.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Энг муносиб номзод амирзода Бойқародир, давлатпаноҳ, – жавоб қилди бек.

– Маъқул. Мен ҳам шу фикрда эдим. Унда мухтарам устоз Жалолиддин Исҳоқни чорлаб, мирзомиз номларига бир мактуб битайликким, бу номамиз ул кишим учун йўриқнома вазифасини ўтасин.

Қози Жалоллиддин Самарқандий мунший масасига ўтириб қоғоз-қалам олганда хоқон хона бўйлаб юрароқ, мактуб матнини айта бошлади:

– Жаноби ҳақ сизга лутфу марҳамат этмишким, сиз бунинг қадри қийматини билинг, мухтарам амирзодам. Эгаси илмни истаганча истаганга, мулки давлатни эса истаганига беради. Ундан истифода этмоқда қусур этсангиз, ношукурлик қилсангиз, жазоси оғир кечажагини яхши англаяжаксиз, деган умидда ушбу мактубни битмоқни лозим топдик. Кимса амирзодамиз саодати, тахти давлати учун биз каби қайғурмаяжагини ҳам англамоқ закосига соҳибдирсиз. Яздоний лутф ва раббоний фазл бизнинг салафларимизга иноят юзасидан амр ва ман этмоқ ҳамда ҳукм юргизмоқ ҳақ-ҳуқуқини ато этган бу илоҳий марҳамат бугунги ҳалафларга етиб келдиким, бунга шукроналар этажакмиз. Тангри таоло сиз азиз фарзандга Тахтгоҳи Сулаймон алайҳиссалом дея ном олган бир мамлакат бошқаруви калитини топширганидан бағоят мамнунмиз. Бу инояту марҳаматнинг шукрини бажо келтириш керакким, токи бу шукр, сабрқаноат, адлу адолат салтанат пойидорлиги ва мулки давлат давомийлигига сабаб бўлғай. Сизнинг илтимосингизга биноан мирзо Байқарони ул тарафга жўнатмоққа қарор қилдик. Шу пайтгача содир бўлган нохуш воқеа ва фалокатлардан сабоқ чиқарган ҳолда аҳиллик, бирлик ва баробарлик йўлидан юрмоқ керакдир. Негаки аҳдлашилган бўлса, амалга ошмоғи, барча

катта-кичик ишлар ўзаро англашароқ, мувофиқ тарзда юрмоғи миллату уммат равнақининг кафолатидир. Асил авлодимиз мирзо Байқаро ҳам лутф-марҳамат, барчага баробарлик йўлида қатъий турмоғи, ҳар замон маъдуру мазлумлар тарафида бўлмоғи жоиздир. Кўринган кўйга қуловузнинг кераги бўлмаганидек, Оллоҳга ҳамд бўлсинким, фарзанду аржумандимизнинг насиҳатларимизга амал қилажакларига шак-шубҳамиз йўқдир. Бироқ ёшда улуғ, буюк қардош ўлароқ сиз азиз авлодимиз бу сўзларни унинг эсига солиб туришингиз, ул мамлакатлар паст-баланди, эл-улусни билган бир подшоҳ сифатида йўл-йўриқ кўрсатишингиз давлат ишларининг йўлга тушиб кетишида муҳим омил бўлғай. Амирзодамизга бир тавсиямиз борким, сизнинг табиатингиздаги олийжаноблик хислатларига таянароқ бу ҳақда ҳам алоҳида сўйламоғимиз лозимдир. Барча туғишган биродарларингизни ўз меҳр-шафқатингиз ҳимоясида тутингим, қавм-қариндошларни ҳимоя эта билмоқ ва тўғри йўналтира билмоқ, давлат юритуви ҳамда турғунлигида муҳим аҳамиятга эгадир. Халойиқ барча замонларда давлат бошига келган ҳар қандай подшоҳни катта умид, чексиз ишонч, меҳр-муҳаббат-ла қаршилай билар. Ва унутмангим, сиз барчанинг, сизни хуш кўрадигану кўрмайдиган, хайрихоҳу нохайрихоҳ қавму қабилалар инсонлари ҳукмдорисиз. Буларнинг ҳаммаси янги подшоҳ тахтга ўтирганда, бир муддат нохушу номақбул хатти-ҳаракатларини тўхтатиб, умид кўзи ила унга боқадилар. Сиз улар ишончини оқлаб, ҳаётида бирор-бир янгилик яратиб, турмушида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлсангиз, бу севги юксалади, улар меҳрини қозонмоқда давом этасиз. Ҳақиқий улус йўлбошчисига айланасиз. Орзу-умидлари пучга чиқса, бу меҳр-муҳаббат ўз-ўзидан нафратга айлана боради. Бунда эл эътиборидаги улуғ ва ша-

рафли инсонларнинг қадрига ета билиш ҳамда давлату ҳукуматни бошқаришда уларга таянмоқ ғоят муҳимдир. Ақл ақлдан устундир. Оқил ва доно кишиларни ёнингизга олинг. Улар тажрибаси ҳамда кўникмаларидан истифода этмоқда қусурга йўл қўйманг. Буюк бобонгиз ҳазратлари бизга бир нарсани такрор сўйлар эдилар. Шундай калтабин, сичи кир ва такаббур ҳукмдорлар бўлади. Улар улус орасидаги оқил ва эътиборли кишиларни эътиборсизлаштириб, обрў-эътибор қозонмоқчи бўладилар. Билмайдиларким, бу такаббурона, нодонларча хатти-ҳаракатлари билан кўзлари очиқлигидаёқ эътиборларини йўқотадилар. Ҳеч бир ҳукмдор эътиборлиларни эътиборсизлаштириб эътиборга эришмаган. Олтин олтинлигича, жез жезлигича қолажақдир. Бир но-муносиб кимсага не қадар унвону соврин, мансабу мартаба берманг, унинг ҳурмату нуфузи ортиб қолмайди. Қайтамга олтин товоқда эшакка ем бермоқлик воқеаси<sup>1</sup> каби вазият содир бўлади. Бундай ғайри ахлоқий, ғайри миллий ва ғайри давлат ишлари билан аввал ўзингизни, сўнгра салтанатни разил ва барбод этажаксиз. Қиблагоҳ ҳазратлари яна бир нарсани алоҳида таъкидлардилар. Менга илк бор Хуросон мамлакатини топшираётганларида шу сўзларни айтган эдилар. Ҳокимият тепасига эрта келмоқнинг хавф-хатари кўпдир. Ёш ва тажрибасиз ҳукмдор билиб-билмай хатолару эҳтиётсизликларга йўл қўйиши табиийдир. Эрта ёшда иқтидорга эришганидан кибрланиб ўзидан кетиши мумкин. Бошда теварак-атрофидагилар ҳам ёш ҳукмдорга ҳадик ва ишончсизлик ила боқишини ҳам совуққонлик-ла қабул

---

<sup>1</sup>Ибратли бир ривоят. Эшакка олтин товоқда арпа берибдилар. Олтин товоқ йиғлар эмиш. Олтин бўлсаму, менда эшакка ем берсалар деб. Эшак йиғлар эмиш. Эшак бўлсаму, менга олтин товоқда ем берсалар деб.

этмоқ керак бўлади. Ўзини тан олишни истамаганларга кимлигини исбот эта билса, ҳукмронлигининг илк уч йилини балосиз-қазосиз ўтказа олса, у ёғи равон кета билур. Салтанатни мустаҳкамлагувчи тўрт омилни эсдан чиқармангиз. Булар адолат ва шижоат, мурувват ва мардлик, саховату карам ҳамда марҳамату шафқатдир. Салжуқийлар сулоласининг машҳур вазири Низомулмулкнинг дўсти, номдор шайх, олим ва шоир Абдуллоҳ Ансорий ҳазратлари ўзларининг “Тухфат ул-мулук” рисоласида қайд этишларича, тўрт нарса кулфат сабабчиси дир. Жоҳиллар билан суҳбат, нокаслар ила дўстлик, сурбет кимсалар сўзига қулоқ солмоқ ва аёллар гапига амал қилмоқ... Зотан қиблагоҳ ҳазратлари бот-бот таъкид этганлари каби асил инсон хато қилмас, асли ёмон вафо қилмас.

Мактуб матни шу ерга етганда беихтиёр хоқон ва амирзоданинг нигоҳи тўқнашиб кетди. Хоқон кўзларини олиб қочди.

Шаҳзода шўрва ичган калдек қора терга тушган эди.

Фикрини жамлаб, бироз тин олган подшоҳ сўзида давом этди.

– Сўзимизни мухтасар этар эканмиз, давомли равишда биз ила мактуб алмашиб, элчилар орқали вазиятни билдириб туришингиз сизу биз, салтанату мамлакат равнақи учун ғоят фойдалидир. Неки орзу истакларингиз бўлса, ҳар замон бошу кўзимиз устига қаршилаяжакмиз.

Хатни яна бир карра ўқиб чиққан Жалолиддин Исҳоқ кўчириш учун котибга берди.

– Ноғора ва байроқлар таъсис этилиб, амиру маъмурлар тайинланиб, амирзода бошлиқ қофила бир сугун Ироқ дарвозасидан муносиб равишда кузатилсин! Тегишли подшоҳлик ашёлари ва беш минг суворий озуқаси билан ҳамроҳ бўлсин! – амр берди хоқон. – Беш



минг лашкар йўл-йўлакай қўшилади. Бугунлик ишимиз бу қадардир. Эртага Оллоҳнинг изни ила яна бир амирзодамиз Халил Султон Мироншоҳ мирзо ўғилларини Ажам Ироқи ва Озарбайжонга йўлчи этамиз! – дея амир Нуширвон Барлосга қаради хоқон. – Ҳадемай Наврўз ҳам келади. Ташқарида баҳор ҳавоси эсмоқда. Чиқиб бир оз боғ айлансак дегандим, – ўрнидан қўзғалди подшоҳ.

– Модомики, амирзодамиз Халил Султон ҳам йўлга чиқар эканлар, бориб ҳозирликларини кўрсинлар. Не дейсиз, онҳазрат? – фикр билдирди амир Нуширвон Барлос.

– Кўп яхши. Маъкулдир. Истироҳат этиб, йўл тайёргарлигини кўра билурсиз, – амирзодага қаради подшоҳ.

Подшоҳдан янги бир тахт муждасини олган эса-да, Халил Султон навкарлари ҳамроҳлигида қароргоҳига негадир синиқ қалб, узгун бир кайфиятда қайтди. Бу рух ўша, Шероз қалъасида амир Худойдоднинг қўлига асир тушган дақиқадан бери вужудини, ақлини тарк этмайди.

Хоқон Шохруҳ амир Нуширвон Барлос билан гурунглашганча сарой ҳовлисига туташ боғда айланарди.

Ҳавоси бир оз иссиқ ва мўътадил Ҳиротга аллақачон баҳор кириб келган, дов-дарахтлар япроғи нишлаб, ариқ ва уватлар бўйида ҳулволар кўриниб қолган, қарғалар лапанглаганча ҳовур кўтарилаётган далалардан қуртқумурсқа ахтаришарди.

– Амирзодамизни Ироқи ажам ёки Озарбайжон ҳудудига катта лашкар ила жўнатиб, ўзбошимчаю исёнчилар сафини яна биттага орттирмасак бўлгани эди, онҳазрат? – савол назари билан хоқонга қаради амир.

– Бироқ катта охурлардан ем еб, сув ичиб юрган шаҳзодамизни бу ерда ҳам қолдириб бўлмайди, – жавоб қилди подшоҳ бошини маъноли соллаб.

– Тўғри сўйлайдирсиз. Авлодимизга не қадар марҳамат кўрсатмайлик ичи чиқмайдиган кўринади. Бош маликаликка ўрганиб қолган хоними ич-этини еб, ўзини қайга урарини билмай қолган бечора. Ишқилиб, у ўлкаларда ҳам бир ишни икки иш, этикни кавуш қилишмаса бўлгани эди.

– Бу амирзодамизга берилажак сўнгги имконият. Иқтидор демак, қилич бошда демақдир. Табиийки, лашкар ила бориб, ота мулкани қўлга киритмоқ, ўз-ўзидан бўлмас. Мулки давлатга бирор-бир саваш натижасида эришиш мумкин дир. Бироқ ҳамма гап уни қўлда сақлаб қола билмоқда дир.

Сафар ҳозирлигини кўриб бўлган амирзода минг бир ўю хаёл билан хоқон саломхонаси томон келарди. Солинга киришида уни амир Нуширвон Барлос қаршилади.

– Сиз азиз шаҳзодамизни подшоҳ амакингиз бекламоқдалар. Қиблагоҳингиз девонига тааллуқли не қадар ерни тасарруфингизга кирита оласиз, бу ўзингизга боғлиқ. Онҳазрат сизга ўн минг номдор суворий қўшинини бермоқ ниятидалар. Бундан буён ҳеч бир нарсани кўнгилга олмай, ўнгингизга боқинг, – жиянига вазиятни англлатганча насиҳат қилиб келарди амир Нуширвон Барлос.

– Мен қаерда бўлмайин давлатпаноҳимизнинг содиқ куллари, бир мулозимларидирман. Онҳазрат амаким Мозандаронга бориб кўй боқиб, чўпонлик қилишни амр этсалар-да розиман. Ул ҳазратнинг сояи давлатларида эмну омонлиқда яшамоғимизга ишончим томдир амаки, – тили тутилганча жавоб қилди Халил Султон. – Бироқ жангу жадал, сўғишу савашдан юрагим шу қадар безиб қолибдики, буни сиз устоз амакимга ҳам изоҳ эта олмайман.

– Сизу биз, барча темурий ва темурийзодалар сиёсатнинг каттаю хавфли ўйинига кириб қолганмиз, олийнажот амирзодам. Энди бу гирдобдан ўз хоҳишу иста-

гимиз ила чиқиб кета олмаймиз. Ўтган куни сўйлаганим каби ўйиндан чиқишимиз билан ер-ла яксон этадилар. Унгача биз ўзаро тахт талашиб, қирпичоқ бўлиб, ўз-ўзимизни еб битирмасак албатта. Шундай бир туруму шароитда мамлакатимиз, не қадар кенг, мулки давлатимиз қанчалик кўп бўлмасин, чекинажак ер йўқдир. Буни бешиқдаги амирзодадан тахтда ўтирганига қадар чуқур англаб етмас экан, буюк бобонгиз руҳига қарши борган ва юртни яна эски яғийлар элига топширган бўламиз. Табиийки, бу ўлим-қолим кўпкарисида жонни сақлаб қолмоқнинг ўзи ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланади, — ҳамон куйиб-пишиб гапириб борарди амир Барлос.

Улар подшоҳ саломхонасига етиб келишган, амир ул-умаро бошлиқ ўн чоғли беклар хоқоннинг даъватини беклашарди.

Халил Султоннинг аҳволи руҳиясидан хабардор хоқон ҳар ташвишу таҳликага балогардон Нуширвон Барлосни жияни билан гаплашиб, уни сафарга ҳозирлаш вазифасини юклаганди. Бошига тушган кўргиликлардан ўзини йўқотгудек даражада гангиб қолган амирзода икки йўл орасида эди.

Хавф-хатарга тўла сафар ва тахт учун курашни не қадар истамаса-да, доруссалтана Ҳиротда қолиши ҳам мумкин эмасди. Бобо бошкенти Самарқандга сиғмаган шахзода эндиги пойтахтда ҳам ортиқчадек эди.

Бироқ дўсту душман, ҳаётга қасдма-қасд яшамоқ, маълум бир ҳадафга улашмоқ керак эди. Шерозда амир Худойдодга енгилиб банди тушганидан, сўнгра бу ярим асирлик амакиси қароргоҳида давом этганидан бошлаб каттаю кичик, барчанинг унга нисбатан муносабати ўзгарди.

Илгари одамлар унга завқ-шавқ, орзу-умид, меҳр-муҳаббатли ёниқ нигоҳлар-ла боқардилар. Бир оғиз

сўзини эшитмоқ учун бир-бирларини босқилаб у томон талпинишар, маъноли-маъносиз барча сўзини тинглашар ва олқишлашар, айтиб юришар, ўзаро муҳокама этишарди.

Атрофини ўраган бу кишилар хатти-ҳаракатини кузатган, гап-сўзларини тинглаган шахзода бир нарсани пайқаган эди ўшанда. Бўрк кийиб салла ўраган, кулоҳу такаларни бостириб олган бу турли туман одамларнинг кўзларида келажакка қандайдир умид, ишонч, илинж бор эди.

Шероз қалъасида амир Худойдод кўлига асир ўлароқ тушгандан сўнг бундай нигоҳларни учратмади. Бобоси тенги амиру кўмондонлар, асилзодаю саидлар, қозию мударрислар у билан саломлашмоқ учун навбатга тизилишарди. Кўришган дармонда, кўришмаган армонда эди. Уларнинг нажотталаб нигоҳлари, вафою садоқат балққан, байъат келтириб тузган жимжимадор жумлалари...

Бу одамлардан ўттиз чоғлиси атрофида қолди. Унга ҳамду санолар айтиб, оламда ягона адолатли ҳукмдор эканлигини, буюкбобоси тахтига ундан муносиб шахзода йўқлигини бот-бот такрорлаб, номини хутбага кўшиб ўқиган шайхулислому муллалар, қозию қозикалонлар қани? Наҳотки, у бир кунда амир Нуширвон Барлос айтгандек эшак ўғрисига айланган бўлса? Кишилар қисқа муддатда шу қадар тез ўзгаришлари мумкинми? Демак, ҳеч қачон ва ҳеч кимга ишониб бўлмас экан-да.

Кўксаройни ўраган, у билан кўришиш ёки назарига тушиш учун ўзини тўдага урган ожиз, умидвор нигоҳлар эндиликда ночорликдан ўйга толганча унга раҳм-шафқат билан боқадилар. Гўёки шахзоданинг ўзи улар меҳри муруввати, ҳиммату марҳаматига муҳтождек. Уларга куни қолиб абгор бўлгандек.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Бироқ аслан қараганда ҳам шундай. Агар ёнида қолган шу ўттиз чоғли киши ҳам қуённи урса борми, унинг Ҳирот кўчаларида изғиб, айтув айтиб кунини кунлайдиган ўша кўр сўқоқ ашулачисидан фарқи қолмайди.

Бу одамлар Ҳиротга Халил Султонни астойдил суйганликлари учун эмас, амакиси Шоҳруҳ подшоҳ унга бирор-бир вилоятни берса бирор мансабга эришиб, болачақасини боқмоқ учун эргашиб юрибдилар. Қораламоқ ноинсофликдир. Уларни ҳам англамоқ керак. Хуллас, шоҳмисан, гадомисан тушинг ўнганмай ишинг ўнганмас, бошинг айланмай, тошинг айланмас экан. Юксакдагилар ёмон, оғриқли йиқилар экан. Қуйидагилар йиқилса у қадар билинмайди. Тушмоқ ила тушмоқнинг ҳам фарқи бор.

Самарқанд бозорида бир девона “бир йиқилсанг ўнгача, туролмайсан сўнгача” деган гапни такрорлаб юрарди. Бор белгиси ош билан, йўқ белгиси ёш билан дегани ҳам шу бўлса керак-да. Ҳаёт шундай. Тўнкани бир ақлли ёради, бир ақлсиз. Энг муҳими, киши ёмонликни кўнглига мулк қилмаслиги керак. Уни кўнгилга мулк қилдингизми, касофати ўзингизга уради.

Буюк бобоси, олам жаҳонгирига вафо қилмаган бу бевафо дунё ўзига ҳам, подшоҳ амакисига ҳам вафо қилмас. Ҳар кимга бир уй, бир гўр. Эртами кеч борар жой аниқ. Ҳаёт бозор. Биров кеч қайтади, биров эрта. Соғ қўй бир ҳуркканча кар қўй икки ҳуркканидек, одам боласи бу ёруғ очунни яратгану елкасида кўтариб тургандек ўзини ўту чўққа уриб, ўзидан кетиб яшайверади. Қаҳр бўлсин бу беоқибат одамлару бу вафосиз дунёга. Неки хайрли ишга қўл урма, неки савоб юмушга бош қўшма таги тешик бўлиб чиқаверади. Бир кўпга, бир кетга яхшилик қилма, дегани тўғри экан...

Саломхонага киришдаги хонага тўпланган ўн чоғли

бекнинг бир нечасини амакиси унинг узангисида турмоққа амр этса керак. Улар Ҳирот каби иссиқ жойларини совитиб, у билан тақдирнинг номаълум сўқоғида қисмату қадар жилвасини излаб йўлга чиқадилар. Бошкентдан не йўриғу таълимот оладилар, бу ёлғиз эгасига маълум. Ўзининг амиру бекларидан ёнида кимса қолмади. Оллоҳдоду Арғуншоҳ осилибди. Бобо Тармиш ҳовузга чўкиб ҳалок бўлибди. Амир Мубашшир бошлиқ қолган-қутган беклар худди илгариги каби Кўксаройни безаб, амирзода Улуғбекнинг ёнида эканлар. Ёмон кунига яраб ёнида биргина мингбоши Қулман Қиёт қолди. Бу оғир кунларнинг тек малҳами эса севгилиси Шод Мулк. Унинг суйиб эркалашлари, аллаловчи ширин сўзлари олдида бу дунёнинг тавишлари ўтаверсин. Ёруғ очунда ҳақиқий дўстлик эмас, ҳақиқий севги, муҳаббат бор экан.

Эшик оғаси саломхона қописини очиб йиғилганларни подшоҳ ҳузурига таклиф этганида шаҳзоданинг хаёллари тўхтама келди.

Амир Нуширвон Барлос уни чап билагидан тутганча ичкарига биринчи бўлиб кирмоққа ундади. Орқасидан ўзи, сўнгра бошқа амирзода ва беклар кирдилар.

Руҳи тетик Шоҳруҳ султон қошини чимирганча бош ирғаб саломларга алик олар, ўнг қўл ишорати билан уларга ўтирмақ учун жой кўрсатарди.

– Барчангиз хуш келдингиз, сафо келдингиз, – дея мулозимларига назар ташлаганча сўз бошлади подшоҳ нигоҳи ўнгдан биринчи бўлиб ўтирган шаҳзода Халил Султонда тўхтар экан. – Бугунги машваратимизнинг мақсаду мавзуси биттадир. Азиз амирзодамиз Халил Султон авлодимизни собиқан қиблагоҳлари Мироншоҳ мирзонинг девонига тааллуқли бўлган Ажам Ироқи ва Озарбайжонга ҳукмдор ўлароқ тайин этиб, муносиб ра-



вишда кузатмоқдир. Шаҳзодамизнинг ул бобо ва ота мулкларини эгаллаб, эмну амният-ла бошқаришларида васила ўлмоқ биз учун бир шарафдир. Маълумингизким, тожу тахт, мулки давлат олтин товоқда ҳада этилмайди. Бунинг энг жонли ўрнак ва мисоли ҳазрат қиблагоҳимизнинг буюк салтанатни тиклаш йўлида омонсиз мужодалаларидир. Бироқ биз, ношуд авлодлар ана шу олтин лаганда тақдим этилган иқтидору ҳокимиятни ҳам уддалаб, эплаб йўната олмаяпмиз. Бошимиз тожу тахт талашувию, қардош ғавғосидан чиқмаётир. Амирзодалар Пирмуҳаммад Қобулий, Пирмуҳаммад Шерозий, Умар ва Абу Бакрларнинг етук ёшларда фитнаю суиқасд қурбони бўлиб кетишлари ана шу хато ва янглиш ишларнинг оқибатидир. Яратган ҳар неки қисмату қадарни одам зотининг феъл-атвориға яраша беради. Бироқ янглишлик ила янглишликнинг, хато ила хатонинг, жиноят ила жиноятнинг фарқи бордир. Билмай қилинган хатою жиноят бор. Билароқ, англаяроқ қилинадиган хонлигу жиноят бордир. Биринчисини кечириб мумкин. Иккинчисини эса ҳақ ҳам, халқ ҳам кечирмайди. Тахтда, ҳокимият тепасида ўтирган ҳеч бир киши хавфу хатардан холи эмасдур. Боиси дўстдан душман, яхшидан ёмон кўпдир. Ҳатто буюк зафар-ла бирор бир савашда ғалаба қозониб иқтидорға келмоқ ҳам эртанги сокин ва фаровон куннинг кафолати эмасдур. Раият сиздан савашу сўғиш, жангу жадал эмас, ишу ош, эту экмак, чориғу албиса беклайди. Одамлар қай бир замону маконда яшамасин, ерини чоғиб, сурувини боғиб тирикчилигини ўтказишни истайди. Ғалаба учун не қадар чора-тадбир, усулу услуб қўллаб зафарға эришган бўлсангиз, кишиларнинг одам каби яшамоқлари учун ҳам худди шундай, иқтисодларини юксалтиражак илму амалларни улусға тақдим этмоғингиз лозимдир. Мен ўйлайман ва умид

қиламанки, тўрт йил мобайнида буюк боболари бошкентида ўтириб, салтанат тулпорини чопган муҳтарам шаҳзодамиз мулки давлат сурмоқнинг тўраю тузугини ҳеч кимдан кам билмайдилар ва улуғ аждодлар йўлидан бориб, сўрадиклари мамлакат раияту барииятини ризо этадилар.

Ўй сурганча нафас ростлаган подшоҳ сасини юксалган кўйи сўзини мухтасар этди.

– Эрлар юрти, эркинлик юрти, норлар юрти, номардлар юртидир, қардошларим. Аждодларининг кимлигини билмоқ ва унга муносиб бўла билмоқ учун ҳам авлодларда зако даражаси рисоладагидек бўлмоғи керак. Улуғ хоқон ҳазратлари сўйига мансуб бўлмоқ, темурий тожини кийиб юрмоқ, ҳеч қачон ва ҳеч бир макону замонда гуруру сурур обидаси эрмас, улусга, дину диёнатга хизмат этмоқнинг намунаси ўлмоғи лозим ва шартдир.

Сўздан тўхтаб, тин олган хоқон фикрларимга не дейсиз дегандек ўнг томонида ўтирган амирзода Халил Султонга қаради.

– Авваламбор, хоқони саид зоти олийларининг бизга кўрсатган чексиз марҳаматлари олдида таъзим этганча ғоят мутаассирмиз, – дея ўрнидан туриб сўз бошлади амирзода. – Доруссалтана Ҳирот тупроғига қадам босганимиздан бери каминанинг ўзидан, кичик бир қоровулу бекчимиз, навқару мулозимимизга қадар маош тайин этиб, шоҳона бир шарт-шароит яратиб бердилар онҳазрат. Мен ва кишиларим мулозимингиз ўлароқ кечаю кундуз ҳазрати хоқон хизматларидамиз ва ўзимизни зоти олий давлатпаноҳ салтанатлари қасрининг соябонидаги нақш деб билгаймиз. Биз учун салтанат тахти поясига мулозимлик қилмоқ ҳожатлар қибласидир. Хоқони саид ҳазрати олийлари неки мақому хизматни лойиқу муносиб кўрсалар, Оллоҳнинг инояти, пайғамбаримиз

таври, подшоҳимизнинг марҳаматлари ўлароқ қабул этгаймиз! Қаерда бўлмайдик, буюк бобомиз ва подшоҳ амакимизнинг салтанат байроқларини кўтариб, Турон давлати ноғораю меҳтарларини чалдиражакмиз. Арз этамен! – сўзини мухтасар қилиб бош эгди Халил Султон.

– Сиз – азиз қардошимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз чексиздир, шаҳзодам. Кечмишда қолиб кетган яхши-ёмон ишлардан афсус-надомат чекиб, пушаймон бўлмаслик, киши учун омаду иқбол йўлини очади. Ўтмишнинг ёқимсиз хотиротларини унутинг ва ўнгингизга боқинг! Кўнглингизни афву марҳамат, раҳми шафқат туйғуси тарк этмасин! Ҳар бир ишга, ҳар бир инсонга ақлу кўнгил кўзи ила боқинг!

Фармонни эълон қилмоқ учун бир муддат ўйга толган хоқон томоқ қирганча залворли оҳангда сўнг сўзини айтди.

– Турону Хуросон, Эрону Ироқи Араб, Ажам мулкида хоқон сўзимиз шул турур! Олийнажот шаҳзодамиз Халил Султон мирзо Мироншоҳ Кўрагон ўғли ота мулклари саналмиш Озарбайжон ва Ажам Ироқиға юзлансинлар! Лозим топган ўлкаларни ўз тасарруфларига киритмоқлари учун ул кишимга ўн минг номдор суворий ажратилсин! Салтанат асбоблари ҳозир этилиб, Ҳамза қутуқу, Бек Фўлод, Хизр Сипоҳий, Садр Ҳасан ва Хожайлар зиммасига шаҳзодамиз узангиларида бўлмоқ вазифаси юклансин! Қай бир шаҳар ва манзилни бошкенту қароргоҳ ўлароқ танламоқ ҳам амирзодамизнинг хоҳиш ихтиёрларидадир! Шаҳзодамиз имконлари эл бергани қадар ўлкаларни ўз тасарруфларига киритмоқ жидду жаҳдида бўлсинлар!

Амирзода Халил Султон ўрнидан туриб таъзим бажо келтирди.

– Тожу тахт муборак бўлсин!

- Отамерос мулк қутлуғ келсин!
- Мулки давлатингиз боқий бўлсин!
- Ярасун! – овозлар эшитилди солиндан.

Шоҳруҳсултон тахтдан иниб, Халил Султонни кучоқлаб бағрига босганча қутлади.

Наврўзга саккиз кун қолган эди. Кўч-кўронини йиғиштирган Халил Султон қўши ва ўрдуси шаҳарнинг Ироқ давозасидан йўлга чиқди.

Сулаймон тахтидасан ёки тобут аталмиш тахтадасан, тонг отар, кун ботар, умр сувдек оқар эди.

## **БЕШИНЧИ БОБ**

*Сенга чўпонлик буюрилган эди, бироқ бўрининг ишини қилмоқдасан;*

*Улус молини муҳофаза этмоқ амр этилган эди, аммо ўғрилиқ қилмоқдасан;*

*Султонликнинг юксак мартабасига ноил этилган эдинг, лекин шайтоннинг сўзига кирмоқдасан.*

*Мен сенга не маслаҳат берай?*

**Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ҳузурига маслаҳат сўраб келган Султон Кайковусга сўйлаган сўзи.**

Ироқи Ажам ва Озарбайжон ҳукмдори ёрлиғини Шоҳруҳсултон элидан олган шаҳзода Халил Султон Ироқ дарвозасидан чиққанида қаршисида саф тортган суворийлар тик тутган найза учлари ва дубулғалари илк баҳорнинг ёрқин қуёшида ажиб жилваланар, ўнлигу

юзликлар янги подшоҳ ва олий бош кўмондонни қиличу найзаларини ҳаволатганча олқишлар эди. Ноғоралар овозидан еру кўк ларзага келарди.

- Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!
- Оллоҳ бизга ёр бўлғай!
- Пирлар мададкор бўлғай!
- Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!

Асосий сафга яқинлашган шаҳзода отдан тушиб, ўнг кўлини кўксига қўйганча кўшинга ҳурматини билдирди. Амирзоданинг кибор ва мутавозелигидан таъсирланган сафларидан момоқалдироқ каби гудираган садо келарди.

- Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!
- Ўрдумиз ўлсун доим музаффар!

Амир Худойдод қароргоҳидаги асирлигу қочоқлик, амакиси даргоҳига етиб келишу бу ердаги ярим хона бандлик. Кейинги ойлар мобайнида бошидан кечган оғир кунлар олдида илоҳий бир неъмат эди бу кўриниш. Юракни ҳаприқтирувчи бу манзара.

Отини жиловдорига топширган амирзода юз қадамча юриб бир суворий юзлиги билан саломлашиб, от улови, жайбаю<sup>1</sup> қурол-яроғини кўздан кечирди.

Қиш чиққан бўлишига қарамай аскарларнинг кўпчилиги курта жубба<sup>2</sup>, оёқларида қишлик тоштовон чориқ, бошларига тумоғу бўрк кийгандилар. Ем-хашак тақчиллигидан отлар ориқ эди. Бу турумда тўхтаб-тўхтаб, дам олиб юришга тўғри келади хаёлидан кечди Халил Султоннинг.

– Бу ерда қанча лашкар бор? – сўради шаҳзода отига минаркан ёнида турган мингбоши Қулмон Қиётдан.

---

<sup>1</sup>Жайба – аскарнинг шахсий моли ва ўлжаларини солиб юрадиган қоп.

<sup>2</sup>Жубба, Курта жубба – Иссиқ пўстин. Биз куртка дея киядиганимиз кийим ҳам шундан келиб чиққан.

– Уч минг чоғли, шаҳзодам. Йўл-йўлакай яна беш минг лашкар келиб қўшилар экан.

– Черик орасидан икки юзбошини чорланг. Суҳбатлашиб кетамиз, – буюрди Халил Султон мингбошига.

Қулмон Қиёт оти жиловини силтаганча кўзғалаётган саф томон юрди. Кўп ўтмай ўттиз ёшлар чамасидаги икки отлиқ билан қайтди.

– Тароқли юзлигининг юзбошиси Абдурахмон Тароқли! – ўзини танитди отдан сакраб тушган сийраксоқол, паст бўйли, қорачадан келган йигит.

– Сирғали юзлигининг юзбошиси Сирожиддин Сирғали! – деди сарғиш юзли, елкадор, терлаганидан юзу бўйнидан ҳовур кўтарилаётган иккинчи юзбоши.

– Отингизга минингиз, гурунглашиб йўлда давом этгаймиз, – деди шаҳзода юзбошиларга қизиқсиниб боқаркан. – Иккингизнинг ҳам ота исмингиз ажойиб эркан. Тароқли ва сирғали. Бу уруғ отими ёки? – отларига миниб эргашган суворийларга бир-бир боқароқ сўради амирзода.

Кутилмаганда подшоҳ ёнига даъват этилган ва бехос саволдан шошган юзбошилар гапни нимадан бошлашини билмай бир-бирларига қараб қолишди.

– Биродаримиз Сирожиддин уруғ-аймоқ суриштирувни яхши кўрадилар. Менинг бу кўнуда билгим озроқдир, шаҳзодам, – деди амирзоданинг сўл томонида келаётган юзбоши Абдурахмон Тароқли хижолатли оҳангда қизаринқираб.

Шаҳзода қошини чимирганча ўнг тарафидаги юзбоши Сирожиддин Сирғалига қаради.

– Биздаям хат-савод ҳамин қадар, шаҳзодам. Ижозатлари ила оталаримиздан эшитганимизни билганим қадар сўйлайин, – дея сўз бошлади юзбоши отини ниқтаб амирзодага яқинлашар экан. – Зоти олийларига



маълумким, бундан қирқ йил бурун улуғ бобонгиз султои соҳибқирон ҳазратлари Балхда Буюк Турон амири эълон этилади. Мўғул хони Илёсхўжахон Амир соҳибқирон ҳазратларининг Сароймулкхоним Қозағонхон қизининг никоҳларига киритганлигини эшитиб, икки Мўғул сувори юзлигини ҳузурига чорлайди. Бизнинг мўғул хонлари одати бўйича маликалар қай бир кўғулхону бекзодага билхосса, подшоҳларга узатилса, қиз тарафнинг одамларидан бир гуруҳи хон қизи тароғини, иккинчиси эса хон қизи сирғасини (исирғаси) бошқа сеп ва совға-саломлар билан бирга куёв тарафга олиб боради. Менинг отам Сирғали юзликда Самарқандга, улуғ амир ҳузурларига етиб келади. Абдурахмоннинг отаси эса тароқли сепни олиб йўлга чиққан юзликда бўлади. Хоннинг бу илтифоти ва сепчи юзликлар ташрифидан мамнун бўлган улуғ хон ҳазратлари оталаримизга Самарқанд ва Кеш атрофидан унумдор еру яйловларни суюрғол қилиб бердилар. Ерли халқ бизларни тароқли ва сирғаликлар дея бошлагач, уруғимиз шу номда аталиб кетган, шаҳзодам. Бу кўнуда билганларим шудир, – дея қамчи ушлаган ўнг кўлини кўксига қўйиб таъзим қилди юзбоши.

– Кўп ибратли тарихий ҳикоя эркан. Туймагандим. Биз-ла баробар юринг. Суҳбатлашиб вақт кечирмоқ узок йўлнинг тек чорасидир, – деди шаҳзода оти жоловини бўш қўйганча илдамлар экан. – Аскарларнинг қурол-яроғи, емак-ичмаги кўнгилдагидекми?

– Қурол-аслаҳамизда қусур йўқ, шаҳзодам. Фақат ёй ўқимиз камроқ. Чўп тополмай етарли қадар ўқ ҳозирлай олмадик. Бир ҳафтадан бери йўл юриб Ҳиротга етиб келдик. Озуқамиз ва отларимизнинг ем-хашагининг таги кўриниб қолган, – жавоб қилди юзбоши Абдурахмон Тароқли.

– Иншооллоҳ, шитоб-ла юриб, қардошларимиз Рус-

там ва Искандар мирзолар тасарруфларидаги ҳудудларга етиб олсак, мушкулимиз осон кечар, – деди Халил Султон юзбошининг гапидан ўйга толиб беихтиёр мингбоши Қулман Қиётга қарар экан. – Сиз не дейсиз, Қулманбек?

Шаҳзоданинг мингбоши билан суҳбатга киришганини кўрган икки юзбоши отлари жilовини тортиб, орқароққа чекиндилар.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, шаҳзодам. Мен зоти олийларига мудом ўйлаганим, Оллоҳ дилимга солган гапни сўйлаб келганман. Ижозатингиз ила бу кўнуда ҳам ўз фикримни очиқ сўйлашимга ижозат этсангиз? – амирзоданинг самимиятидан мутаассир бўлган эди Қулман Қиёт.

– Сўйланг, сўйланг. Не демак? – қошларини чимирганча мингбошига қаради Халил Султон.

– Назарда тутганингиз икки амакиваччангиз ўзаро англаша олмай тожу тахт, мулки давлат талашиб, қирпичоқ бўлиб ўтиришибди. Бунинг устига кўшин билан бизнинг ташрифимиз. Олқишу қарсақлар ила кутиб олмасалар керак деган андишадаман, шаҳзодам. Қардошларингиз Абу Бакр ва мирзо Умарлар ҳам шу, тахт талашувининг қурбонлари бўлдилар. Ҳар ҳолда қаршилов тантанали кечмаса, улар бизга тожу тахт ҳадя этаман деб ўтирмаган бўлсалар керак. Бунинг учун бирор чора-тадбир ўйлаб ҳаракат этмоққа тўғри келади чоғи, – ётиқ оҳангда тушунчасини баён этди мингбоши.

– Тўғри сўйлайдирсиз. Биз бобом ҳазратлари тахтларини эгалламоқда шундай ҳаракат этган эрдик ва мақсадимизга эришгандик. Шошмасдан, ишни пишитиб, бошкентга улуғ бобом қайтишларидан бир ой сўнг киргандик. Бироқ ҳамма гап тахтни эгаллашда эмас, уни сақлаб қола билмоқда экан, мингбошибек. Шу энг муҳим

иш элимиздан келмади. Охир-оқибатда кечганимиз кунлар бошимизга тушди. Бундан сўнг бизни не ташвишу таҳликалар кутмоқда, буни ёлғиз эгамиз билади, – бирдан руҳи тушиб кетган эди шаҳзоданинг.

– Ўтган ўтди, кетган кетди, амирзодам. Уларни эсламоғу изтироб чекмоқдан фойда йўқдир. Чуқур ўрганилмас ва сабоқ олинмас экан, тарихий хатолар такрорланаверажак, дейдилар. Энг муҳими, бундан сўнг хато қилмасликда. Янглишдикми, қимматга тушади. Зеро бугун бизга ўзини дўсту меҳрибон санаб турган энг яқинларимиз ҳам жуда гуллаб-яшнаб кетишимизни истамайдилар. Уларнинг назарида сиз ўзбошимчалик ила бобо тахтини эгаллаб, кечирилмас хатога йўл қўйгансиз.

– Шод Мулк ҳам шундай деди. Улар сизни суйганларидан эмас, ўзларидан узоқроқда туришингиз ва ўша ёқда бир балога дуч келмоғингиз учун ота мамлакатингизга юбормоқдалар деган фикрда.

– Аввало эгасининг айтгани бўлади, шаҳзодам. Бахтли бўлмас эдим, бахтсизлик ёрдам берди, бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқарибди, деганлари каби вақти замон араваси ғилдирагининг не шаклда айланмоғини боши юмалоқ, бути айри одам боласи фақат тахмин эта билиши мумкин. Ҳақ таоло иноятидин умид кесилмас. Лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди, дейдилар. Ўнгимизга ва узоққа боқмоқ мажбуриятидамиз. Киши ҳар икки ёни ва орқага ўгрилаверса, олдини яхши кўролмайдди, чалғийди. Яхши ният, ярим давлат. Ниятни бутун қилиб, азми қарор-ла илгарига боқмоқ керак, деган фикрдамен. – Оққан дарёлар оқажак, оққан сувлар ўзанини топажак, шаҳзодам.

– Тўғри сўйлайдурсиз, мингбошибек. Сиздан яна бир нарсани сўрмоқчиман. Алаким, амир Нўширвон Барлос малика Шод Мулкнинг мулки давлат ишларига бу қадар

аралаштирма, аёл аралашган ишга шайтон қаришади дедилар. Тилим қисик бўлганлиги учун эътироз билдирмай тингладим. Амир амаким каби барча мени давлат жilовини хотинига бериб қўйган деб ўйлайдими? Фикрингизни тортинмай, истиҳола этмай, очиқ-ойдин сўйлашингиз мумкин? – шаҳзодадан ўлимни бўйнига олган мўъмин-мусулмонга айланиб қолган эди Халил Султон.

Бир зум ўйга толган мингбоши гапни нимадан бошламоқни билмай тараддудланди. Сўзлашувимизни кимса туймаётирми деган ўйда атрофга олазарак назар ташлади.

– Амир жанобларининг гапларида жон борлигини айтмасам, сизга ёлғон сўйлаган бўламан, шаҳзодам. Зотан, сиз олийнажот амирзодам, ўз хато ва янглишликларингиз фарқига бора билажак заодаги бир кишилигу ҳукмдорсиз. Қайд этганингиз каби буюк бобонгиз амир соҳибқирон ҳазратлари каби улуғ жаҳонгир бошкенти тахтига ўтирмақ ва давлату иқтидор тулпорини худди илгаригиси каби бошқариб кета билмоқ осон иш эмасдур. Зоти олийлари бекламаган ҳолда улкан ва сўз-ла ифодалаб бўлмас масъулияту мажбурият остида қолдингиз. Бундай пайтда фақат тўғри қарор қабул қилмоқ табиийки қийиндир. Хато ва камчиликларга йўл қўймасликдан кимса муҳофаза этилмаган. Менимча, энг катта хато бошқарувга маликамизнинг аралашувлари ва Бобо Тармиш каби кишиларга ҳокимият жilовини бериб қўйилганидир. Қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас деганларидек, қулдан чиққан ҳукмдор охир-оқибатда барчани ўзи каби қул қилиб, кечмиши учун қасос олмаса кўнгли тинчимайди.

– Ахир, амир Худойдоду ўз кишиларингни бу каби мансабга қўйсанг, улар Бобо Тармишдан кўра хавфлироқ, тожу тахтга яқинроқ турадилар-да. Мен шуларни на-

зарда тутган эрдим, мингбошибек. Фикрингизда давом этинг. Демак, маликамизга ҳам ортиқча ҳақ-хуқуқ берилган?

– Шундай, шаҳзодам. Ўғли Алоуддин Хоразмшоҳни хароб этган Туркон Хотун каби, маликамизнинг ҳам аралашмаган давлату нодавлат ишлари қолмаган эди. Бозор еридаги арава туроқларию қаландарлар таъяларигача-назоратда тутмоқни истадилар. Бу ишлар малику маликалар шуғулланадиган юмушлар эмасдур. Юксаклар юксакликда турмоқлари керакдир. Майдалашдиларми, ўз эътиборларини йўқотадилар. Валиаҳд Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Пирмуҳаммад Умаршайхларнинг хатолари ҳам Бобо Тармиш каби насли бузуқ ножинсларни яқинига йўлатиб, соҳиб ихтиёр этганлигидир.

– Амир амаким яна бир гапни айтдилар. Буни ҳануз ҳазм этиб, ўйлаб ўйимга етолмаётирман. Малика ҳақида гап кетаркан, сен хотин бўлажак аёлларни никоҳингга кирит. Севгили ёки жория бўладиганларни эмас, дедилар. Ул кишимнинг не демак истаганларини англата билурмисиз? – хижолатдан қизарганча сўради шаҳзода.

Қулман Қиёт яна ноқулай аҳволга тушиб қолган эди. Ҳукмдорларнинг авротлари ҳақида қўнишмоқ теурийлар саройи тартиби бўйича ясоқланган, бу хусусда тилга эрк бериб бўлмас эди.

– Табиийки, бу амир жанобларининг шахсий фикрларидир. Бироқ мен эшитган нақлга кўра хонимлар бир неча тоифага бўлинадилар. Фақат улар ичидан хотин бўла биладиганларини ажратиб, никоҳга киритмоқ керак, деганлари тўғри бўлса керак. Шундай хонимлар борки, уларни севгили ўлароқ тута билурсиз. Шундайлари борки, канизак ёки жория сифатида сақлайсиз. Одобу ахлоқи, насл-насабидан келиб чиқиб булар орасидан маликалар танланади, шаҳзодам. Амир жанобла-

ри сизга шуни ишора этган бўлсалар керак, назаримда, – қора терга тушиб фикрини англади мингбоши. Ишқу муҳаббат билимдонлари минглаб йиллардир бир муаммо устида баҳслашиб, талашиб-тортишадилар. Кишилар ишонганини севадиларми? Ёки севганларига ишонадиларми? Бирлари севганларига ишонадилар десалар, бошқалари ишонганларинигина севадилар дейдилар.

– Унда севгининг кўзи кўр деган нақл нима бўлади, мингбошибек? Менимча, шаҳвоний ҳис-туйғуси миясига уриб кетган эркагу аёл бу ҳақда бош қотириб ўтирмаса керак, – Қулман Қиётнинг сўзини бўлди амирзода.

– Тўғри сўзлайдурсиз, шаҳзодам. Машойихлар донолик бор жойда муҳаббат бўлмайди ҳам дейдилар. Бироқ эркагу аёл, ким бўлмасин, севган одамани ҳаётидаги энг яқин ва садоқатли кишим деб билади. Бу одам унинг барча сир-асрорларидан воқиф. Ҳатто катта-кичик инсоний ожизликларидан ҳам. Шундай киши сотдими, тамом. Унинг ҳаёти барбод бўлади. Шул боис ҳам менинг назаримда бу муносабатда ишонч ўнгга чиқиши керакмикан? – суяб гапирарди мингбоши.

– Бироқ бетакрор гўзалларни кўрганда ўзини томдан ташлаб, тожу тахтни ҳам унутадиган эркак зоти қаршисидаги ҳурлиқонинг ақли заковатию ишончу эътиқодига қараб ўтирмайди, – астойдил суҳбатга киришганди шаҳзода. – Қолаверса, севилган аёллар ўзларини дунёнинг энг гўзал хоними деб биладилар.

– Зоти олийларига сўйлаганим каби асил ҳурлиқою махлиқоларга айнан ўша тожу тахт керак, шаҳзодам. Гўзаллар қаршисидаги кишидан кўра унинг бойлиги ва мавқесини кўпроқ севадилар.

– Фикрингизга эътироз билдиражак ҳолим йўқ, минг-



## Нурали ҚОБУЛ

---

бошибек, – деди шаҳзода бошини маъноли соллаб. – Ашк – кўппаклик ҳам дейдилар.

– Тўғридир, шаҳзодам. Йигитчилик – итчилик деган гап ҳам бор, – кўшимча қилди Қулман Қиёт. – Хотин ёш экан, шаҳвоний ҳирсга берилиб, эркак зоти унинг нуқсонларига кўз юмиб, сабр тоқат этиб яшайди. Умр бир манзилга бориб қолганда эса ҳар икки томоннинг камчиликлари юзага уриб, бир-бирига малол кела бошлайди.

– Хонимлар хусусида бу қадар зукко билгин экансиз. Нечун шу пайтга қадар уйланмадингиз? – ҳайрон бўлиб сўради Халил Султон.

– Таъкидлаганингиз каби уларни жуда яхши билганим учун эвланмоққа кўрқаман, шаҳзодам. Бир-икки нафар жория тутдим. Бироқ ҳеч бири кўнглимга ўтирмади. Яхши, самимий муносабатда бўлдингми, ўзини айрича тутиб, бошинга чиқишга уринади. Шунинг учун ҳали-бери эвланмоқ ниятим йўқ. Бунинг устига бир аскар бўлсам. Ўлиб-нетиб кетсам болаларим етим, хотиним тул қолади.

– Сизга ҳақ бераман. Тўғри сўйламоқдасиз, – деди шаҳзода дами ичига тушиб. – Бир эрмас, кўплаб хатолар қилдик. Энг катта хатойимиз бобом ҳазратларининг ҳарамлари ва узанги йўлдош дўстларига нисбатан қилган янглиш муносабатимиздир. Бу янглишликларни маликага ағдармоқ инсофдан эрмас. Барча қабоҳат мендир. Шод Мулк ҳеч қачон менинг хоҳиш-иродамга қарши бормаган. Унга қаттиқ боғланиб қолганим боис сўзини икки қилмаганмен, – мардона тан олди шаҳзода. – Бутун бошли салтанатнинг инқирозу емирилишини бир музтар, муштипар аёлга ағдармоқ инсофдан эрмас, мингбошибек Фикримга эътирозингиз бўлса сўйлай билурсиз?

– Энг юксақдагилар қуйидаги манзарани ҳақу ҳақсизликларни этакдагилардан кўра аниқроқ илғайдилар.

Пастдаги оми халқ эса кўчада, дуч келгандан эшитган рости ёлғон гапларга ишониб яшайверади, шаҳзодам.

Ўйга толган Халил Султон кўзини юмганча бош ирғади.

Кеч кириб қолган, кўшин Ҳиротдан бир манзил узоқлашган эди. Юртчилар истироҳат учун жой ҳозирлашга киришган, ҳориган суворийлар емак-ичмак ва бир амаллаб тунни ўтказмоқ талошига тушган эди.

Халил Султон юртчиларнинг чодир тикишини кузатганча наридан бери юрар, тиниқ баҳор осмонини қирмизи ранга бўяган ҳорғин қуёш пастқам тоғлар ортига ботиб борарди.

– Форс диёридан, Искандар мирзо ҳузурларидан келаётган, амирзоданинг хос навкарлари Ҳурқўжоқ қавчин ва амирзодайи шаҳид амакинғиз Умаршайх Мирзонинг дўстлари битикчи Махдум Туркмоний, зоти олийларига салом бериб, зиёрат этмоқ ниятида изнингизни бекламоқдалар, – деди қоровул юзлигининг беги Абдурахмон Тароқли ўттиз қадамча нарида отдан тушиб шаҳзодага яқинлашаркан.

– Улар қайга бормоқда эканлар? – сўради Халил Султон кутилмаган таклифдан сергак тортиб.

– Ҳурқўжоқ қавчин Форс мамлакати аҳволини изоҳ этмоқ ва Искандар мирзонинг совға-саломларини олий арзга етказмоқ учун Ҳиротга, Шоҳруҳ подшоҳ ҳазратлари ҳузурига бормоқда экан. – Битикчи Махдум Туркмоний эса ул тарафдаги нотинчликлардан безиб, хоқони саид ҳазратлари давлатлари соясидан баҳраманд бўлмоқ ниятида шекилли, амирзодам. Яна Оллоҳ билгувчидир.

– Ул тарафлар нотинч эканми? – сўради шаҳзода суҳбатлашмоқ учун янги кўноқлар келганидан ризо оҳангда.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Билмадим, битикчи шундай дедилар, шаҳзодам, – жавоб қилди юзбоши.

– Маъкул, яхши. Ҳамон келсинлар. Мусофирларимиз шарафига бир зиёфат тартиб этмоқ лозимдир, мингбошибек, – бош ясовул Қулман Қиётга қаради шаҳзода. – Каттароқ чодир тиксинлар ва етарли миқдорда емак-ичмак ҳозирласинлар!

– Амри фармон шаҳзодамизнингдир! – дея тисланди Қулман Қиёт.

Ҳурқўжоқ қавчин ва Маҳдум Туркмоний амир соҳибқирон тахтининг соҳиби саналган амирзода қаршисида тиз чўкиб, тобуғ расмини бажо келтирдилар.

Қўноқларни тик қаршилаган шаҳзода чодирлар тиклашиб, зиёфат неъматлари ҳозир бўлгунга қадар улар билан наридан бери юрганча оёқ усти суҳбатлашди.

– Иншооллоҳ, қардошимиз Искандар мирзонинг сиҳат-саломатликлари жойида, мулки давлатлари омонликдадир? – сўради Халил Султон Ҳурқўжоқ қавчинга қараб.

– Мирзомизнинг сиз зоти олийларининг Ҳиротда эканлигингиздан хабарлари бордир ва дуойи саломларини етказмоқни сўрадилар, – жавоб қилди пачоқ бурун, кўккўз Ҳурқўжоқ қавчин.

– Оллоҳ сўрасин ва ул қардошимиздан рози бўлсин. Бизга етган гап-сўзларга кўра улуғ бобомизнинг эски рақиблари Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуф Туркманларнинг иши юришиб, салтанат тулпорлари чопмоқда эркан. Бу хусусларда билгиларингиз борми?

– Мен Султон Аҳмад Жалойир ҳазрати олийларининг сўнгги ҳаракатлари ҳақида озми-кўпми эшитдим. Дўстимиз Маҳдум Туркмоний эса Қора Юсуф қароргоҳида бўлганлар. Иккимиз биргалашиб, саволингизни жавоблантира билурмиз, шаҳзодам.

– Кўп яхши. Унда ўтирароқ суҳбатда давом этайлик, – дея қўноқларни чодирга даъват этди мирзо.

Меҳмонлар чодирга кириб, ҳар ким ўз ерига ўтиргач, Хурқўжоқ қавчин шаҳзода саволини жавоблантирмоққа киришди.

– Султон Аҳмад Жалойир кечган йили Хузистон вилоятини қўлга киритди, шаҳзодам. Бошкент Шустарга Мақсуд найзадорни ҳоким ўлароқ тайинлаб, ўзи доруссалтана Боғдодга қайтган. Қиш сўнгида хасталангач, табиблари яйлоқ ҳавосини тавсия этадилар. Шайхулмашойих Увайс Қараний руҳи поклари қўним топган зиёратгоҳга етиб келишлари билан мижозида саломатлик қарор топади. Султоннинг сиҳати тикланганини кўрган беклари уни Султонияга юришга ташвиқ этадилар. Бистом Жогир Исфаҳонда. Шаҳарда унинг ўғли бир минглик черик билан полиз қўриқчиси каби ўтирибди. Зоти олийларининг пойи қадамлари овозасини туйиши билан қочмоқлик куйини чалади дея султонни икно этади Хуррамшоҳ Даргузиний. Беклари сўзига кирган султон қўшин жловини Ҳамадон сари буришга амр беради. Ҳамадонга етгач маълум бўладики, амир Бистом Исфаҳондан шикастеб қайтган ва ўн беш нафар навқари билан Султония қалъасида абгор бир аҳволда турибди. Султон Аҳмад Жалойир ўрдусининг Султония томон юрганлигини эшитароқ қалъага иниси Маъсумни қолдириб, ўзи Ардабил томон юзланган. Султония қўриғига саропарда тиккан Султон Аҳмад Жалойир вазиятни ўрганиб, шунга кўра иш тутишни режалаштиради. Бу муддатда атроф ўлкаларнинг ҳокимлари, билхосса, Қазвинни зўрлик ила эгаллаб олган Саййид Абдураззоқ султон ҳузурига келишиб, муносиб тақдир этиладилар. Султон Аҳмад Маъсумга элчи юбориб, ишни сулҳу амният ила битирмоқни таклиф этади. Бироқ Маъсум султоннинг элчисига рад

## Нурали ҚОБУЛ

---

жавоб беради. Бағдоддан келган нохуш хабар Султон Аҳмад Жалойирнинг Султонияни забт этмоқ режасини бузади. Султоннинг никоҳсиз жориясидан туғилган Увайс деган ўғлини бир тўда муфсидлар Шуайб ва Насиб исмли кишилар бошчилигида йўлдан уриб, отаси тахтини эгаллашга ундайдилар. Бир ҳафтада Бағдодга етиб келган султон ўғли Увайс ва унинг қўлтиғига сув пуркаганларни зиндонга ташлатиб, исённи бостиради. Султон Аҳмад Жалойир ҳазратлари ҳақидаги сўнг билгилар шулардан иборатдир, шаҳзодам. Арз этамен, – дея сўзини мухтасар қилди Ҳурқўжоқ қавчин.

– Батафсил берган маълумотингиз учун ташаккур, Ҳурқўжоқбек. Ҳирот саройида Султон Аҳмад Жалойир билан амир Қора Юсуф ўртасида қандайдир яйлов хусусида англашилмовчилик юз берган дея туйгандик. Бу ҳақда сизнинг эшитганингиз борми? – Маҳдум Туркмонийга қаради шаҳзода.

– Улуғ хоқон ҳазратлари Оллоҳ раҳматига қовушганларидан сўнг ҳар иккиси ўзини қафасдан чиққан қуш каби ҳис этиб, еру мулк, қалъаю шаҳарларни эгаллаш дардига тушдилар, олийнажот шаҳзодам. Ироқу Ажам, Форсу Озарбайжонда том Сулаймон ўлди, девлар қутулди, ҳавоси ҳукмрон. Темурийлар салтанатининг эски яғийлари ўзларини катта ўлжага қўнган бургут каби ҳис этмоқдалар. Қора Юсуф билан бўлган жангда Мироншоҳ мирзонинг шаҳид кетишлари бу ҳудудлардаги энг буюк орқатоғнинг қулаши бўлди. Хабарингиз борми, йўқми амирзодаи шаҳид Умаршайх мирзо қайтишларидан сўнг Мироншоҳ мирзонинг хизматларига кирган эрдим. Мироншоҳ Кўрагонни ҳам Оллоҳ ҳузурига чорлагач, кўчада қолдим. Энди Шохруҳ султон ҳазратлари паноҳларига сиғиниб бормоқдаман.

– Истасангиз бизнинг хизматимизда қолишингиз мумкин, – деди амирзода битикчининг кўнгли учун назока-тан.

– Оллоҳ рози бўлсин сиздан, шаҳзодам. Ният қилиб хоқони саид номларини тилга олдим ва қўлимдаги йўлхатда ҳам подшоҳ саройларига бораётганим битилган. Йигит сўзидан, арслон изидан нақлига амал қилиб, султон саройига борайин. Сўнгра Самарқанди фирдавсмонанд ва Бухоройи шарифни ҳам зиёрат этмоқ ниятдаман. Султон соҳибқирон ҳақларига сўнг манзиллари қошида бир кўшҳовуч дуойи фотиҳа ўқимоқни дилга тукканман. Илтифотингиздан бошим кўкка етди, – шаҳзода таклифидан мамнун эди Маҳдум Туркмоний.

– Оллоҳ йўлингизни берсин. Суҳбатимизда давом этайлик, – деди шаҳзода мусофирларни суфрага даъват этаркан.

– Зоти олийлари мендан Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуф Туркман ўрталаридаги ихтилофни сўрадилар. Ўтган йилнинг сўнгида Султон Аҳмад амир Қора Юсуфдан Хамадон ўлкасини яйлов қилмоқ учун беришни сўрайди. Кундани бир ақлли, бир тентак ёрганидек, бизди қавми туркманни кўнгли бир оз торроқ келади, шаҳзодам. Амир Юсуф султоннинг илтимосига илтифот қилмай, одамани ноумид қайтаради. Шу тариқа улар орасидаги сичқон-мушук ўйини давом этмоқда, – дея Халил Султоннинг сўровига жавоб берди Маҳдум Туркмоний.

– Энди суҳбатимизга бир оз ора бериб емаклардан тановул этсак. Сўнгра малол келмаса битикларингиздан эшитсак, – деди Халил Султон соқийга май қуйишни ишорат этаркан.

Икки кесе шаробни сипқориб қавурдоқдан еган Турк-



## Нурали ҚОБУЛ

---

моний ёнчиғидан қоғозларини чиқариб шаҳзодадан битик ўқимоққа изн бекларди.

– Қорин тўйди, қайғу кетди. Энди шеър тинглай билурмиз, – деди шаҳзода очиқ чехрада.

– Мен бутун дунё халқлари, ўзимизнинг турку мўғул, арабу форс уруғ-аймоқларимизнинг феъл-атвори, туриш-турмушидан келиб чиқиб, бир қасида ёздим, шаҳзодам. Даврамизда тилга олганим элу элатларнинг вакиллари бўлишлари мумкин. Ўйлайманки менинг танқидий фикрларимни тўғри тушунадилар. Зотан кучли ва мард элу элат ўз нуқсонларини кўриб, билиб ундан хулоса чиқарароқ ўз келажаги томон юради. Аҳмоқ ўзини овулар, қўлтиғини совулар қабилида иш тутиб, нуқсонини хаспўшлаган қавмлар эрса итнинг кейинги оёғи бўлиб қолаверадилар, – битигига изоҳ берди Махдум Туркмоний.

– Ўқинг, ўқинг! Юзимиз қийшиқ бўлса ойнадан ўпкаламаймиз! – деди бир оз ички ичиб икки юзи қизарган шаҳзода мамнун оҳангда.

Томоғини қирган Туркмоний қўлидаги қоғозга қараб қўйиб битигини ўқимоққа тутинди:

Туркингмано, туркингман,  
Бошингдаги бўркингман.  
Тоғда ўсган зиркингмано,  
Шонинг, қонинг, кўркингман.

Шоҳ бўлса-да боштурким,  
Олдириб юрар бўркин.  
Турк атани баласи,  
Ичида бор оласи.

Даҳо санар чин ўзин,  
Кимсага бермас сўзин.

Йўқ дедими, иш битмас,  
Оҳинг худога етмас.

Пахмоқ соқолли сақлаб,  
Юрар кетига қараб.  
Иш битирар ортингда,  
Ора қўйиб хотинди.

Ўзи қочар ўрмонга,  
Дум туттирмай дўрмонга.  
Ўрис терисин йиқар,  
Тагидан бир турк чиқар.

Юнон юрар юкуниб,  
Асов отдай тепиниб.  
Кечмишига маҳлиё,  
Лотиндаин тўкилиб.

Фалсафанинг пирлари,  
Румлар урфон сурлари.  
Дордан қочар армани,  
Мудом тўла кармани.  
Ёлғонни ёғдай сурар,  
Аждодидан дам урар.  
Қора танли қитъада,  
Ҳеч битмади бидъат-а.

Олисдадир британ,  
Уммон узра тирик тан.  
Асли бобоси ингуш,  
Ўзини атар инглиз.

Олмон ўзин овутар,  
Қўлтиғини совутар.

Ҳақчидир қавми фаранг,  
Ҳар ишни қилар таранг.

Пуштуну тоғчи афғон,  
Бор жойда бордир ғавғо.  
Жаҳлга минмасин ҳеч,  
Тоғидан инмасин ҳеч.

Дордан қочган пирсиён,  
Ўзини урар ҳар ён.  
Минг айланиб ўргилар,  
Сўнгра ишинг битирар.

Озарий олиб қочар,  
Ваъдани қоп-қоп сочар.  
Тозик ичи тор бўлар,  
Турқда номус ор бўлар.  
Тинмай нутқ отару,  
Бироқ китоб ўқимас.  
Ютажагин билмаса,  
Бекорига чўқимас.  
Ҳечам молга тўймайди,  
Ёмонлигин қўймайди.  
Бисёр иккиюзлидир,  
Шақари ҳам тузлидир.

Арабда бор бир олғи,  
Ришватга бошқоронғи.  
Кўрдинг-ку келар араб,  
Билгинки ишинг хароб.

Мағрур кезади хўжа,  
Узат, бўлса ҳам жўжа.

Қондан дам урар саид,  
Ҳар куни беклар ҳайит.

Тахтидан тушмас шариф,  
Бошқалар гўё ҳариф.  
Мўғулди қаттиқ қаҳри,  
Улусга тўкар заҳрин.  
Икки дарёни кечар,  
Аҳдига кафан бичар.

Ўтни ёмони анғит,  
Одам ёмони манғит.

Ўздан ўзгани билмас,  
Не берсанг кўнгли тўлмас.  
Жухудпутушдир барлос,  
Дарди тухфадир, холос.

Даъвоси денгиз, кўлча,  
Оғзингга арқон ўлчар.

Ўзбак ўзиям бўлмас,  
Ўзганиям бўлдирмас.  
Бошда бир-бирин дейди,  
Сўнгра бир-бирин ейди.

Найман билсанг наймандир,  
Ипни узса ҳайвондир.

Дала-дашт тўла қипчоқ,  
Ака-ука қирпичоқ.

Қарлуқ ётар писиниб,  
Хотинига исиниб.

Ўзидан кетар қавчин,  
Еб турмаса бир қамчи.

Осмонда юлдуз купдир,  
Қирларда қирғиз кўпдир.  
Асил турк эрур қирғиз,  
Қирда яшаган ўғуз,  
Ёнида қирқ менен жуз.  
Дерлар уни оққалпоқ,  
Тил узун, бурун ялпоқ.

Қайдаким кўшар татар,  
Ортидан келар хатар.  
Сўзин шартта айтади,  
Сўнгра етти қайтади.

Уйғур хутба ўқийди,  
Минг бир фитна тўқийди.  
Иши гапда ўзишдир,  
Сўнгра лағмон чўзишдир.

Кезар қавми мўлтони,  
Девонадир султони.  
Ҳорғин мунғаяр ҳунди,  
Аҳволи синиқ мўнди.

Жалойир жон жигарим,  
Билмас ўздан дигарин.  
Салжуқ, қайи, усмонли,  
Ер бўлса-да осмонли.  
Турку туркмандир сўйи,  
Бир-бирин емоқ ўйи.

Қўнғирота, қўнғирот,  
Эшагингни ҳангират.  
Бир ёнга қизингни орт,  
Бир ёнга тузингни орт.

Сарсон-саргардон қазақ,  
Журган жолидир азап.  
Асли ўзидир қочоқ,  
Доимо иши пачоқ.

Арғин келар ариллаб,  
Тоғ сойидек шариллаб.  
Тархон солиқ тўламас,  
Кимсага бўй бўламас.

Гап бермас қавми қангли,  
Дер, барчадин мен онгли.  
Қиз берар бегонага,  
Қаландар, девонага.

Олчин олиб қочади,  
Сўз уруғин сочади.  
Саройда тил бир қарич,  
Додлар кетса бир хуруш.

Қитай асли киданлар,  
Кўрди анча ситамлар.  
Қорахитой бобоси,  
Улус чекди яғмосин.

Мўғул-ла жиян тоғай,  
Узанги йўлдош нўғай.



Туркнинг сўйидан бошқирд,  
Балки аслида бўзқурт.

Ёқут, олтой аждодим,  
Саха, тунгус авлодим.  
Курддан чиқса-да пошшо,  
Чўпонлик унга ошно.

Султон бошли кенагас,  
Паст кетмагайдир абас.  
Княз асли кенагас,  
Ишсиз қолса – энага.

Кўпқари чопар солин,  
Уймас тегмаса солим.  
Байталини қамчилар,  
Эримасанг чимчилар.

Сулдус юрар сўлжайиб,  
Ҳар ярга<sup>1</sup>дан ўлжа еб,  
Қитай, қипчақди тарат,  
Мингман жузга баракат.

Айғирдек кўшар арлот,  
Унга бас келар барлос.  
Кўзингни оч қатағон,  
Бир кун бўлма қатағон.

Тоғ ораси қурама,  
Бўлар гапни ўрама.

---

<sup>1</sup>Ярга – (ёки жарга) – ов ҳайвонларини маълум ерга, ер ёки маи донга қувиб чиқармоқ учун лашкар томонидан тузилган саф, доира. Мутлақ саф, доира маъносида ҳам қўлланилади.

Маъруза айтар эшон,  
Хоҳ ишонма, хоҳ ишон.  
Ҳечам одам танламас,  
Мурид йўқлаб турса бас.

Ажар, абхаз пас келмас,  
Арманига бас келмас.

Черкасдир қарапапах,  
Туронда қорақалпоқ.  
Ўйин тушар қозикдай,  
Оладиган тозидай.

Менким Маҳдум Туркмоний,  
Аждодларим урфали.  
Асли наслим Турондан,  
Қочиб келдим Эрондан.

Жоҳиллик унган жойда,  
Оқилга кун йўқ экан.  
Қарға қағ этган сойда,  
Қумрига ун йўқ экан.  
Дея сўзим битирай,  
Сизга таъзим келтирай.

Маҳдум Туркмоний ўрнидан туриб, шаҳзода ва давра иштирокчиларига таъзим бажо келтирди.

Чодирбазм иштирокчилари уни олқишладилар.

– Офарин! Офарин, устоз Туркмоний! Уруғ-аймоқларга бу қадар аниқ-тиниқ ва адолатли баҳо берилган битикни туймаган эдим! Тасанно! – деди шеърни яхши англайдиган ва ўзи ҳам битик битадиган амирзода Халил Султон. – Бу қасидани бир ўқишу эшитишда англаб ҳазм

қилиб бўлмас. Уни ҳамон котибларимиз кўчиртирсинлар-да, шеъриятни англаган амиру маъмурларимизга тарқатсинлар, – Туркмонийнинг битиги маъқул бўлган эди амирзодага.

– Зоти олийларини ҳам кўп зукко ва нозиктаъб шоиру шоҳ дея эшитганимиз бор, шаҳзодам. Агар лозим топсалар ва малол келмаса битикларингиздан ўқиб берсангиз? – дея Халил Султонга мурожаат этди тик турганча қўлини кўксига қўйиб Маҳдум Туркмоний.

Таклиф ёқиб тушган шаҳзода яйраб кетди. Шеър ўқимаганига ҳам анча бўлган эди. Ҳиротда подшоҳ амалкисидан тортиниб тузук-қуруқ ички ҳам ича олмаганди. Даврадошлари суҳбатини тинглаганча чоғирни майдалаётган Самарқанднинг собиқ султони кенг яйловда тикилган шоҳона чодирода худди бобо бошкентдагидек эркин, яккаҳоким, сўзи сўз, ҳеч кимга тобе эмасди.

Бир зум ўйга толиб, фикрини жамлаган шаҳзода йиғига ўхшаш сасда шеър ўқий бошлади:

Бир ғарибни кўрсам гар қоматим букиладир,  
Улус ғамидин юрак чокидан сўкиладир.  
Қотилдан даҳо ясаб, чўпчаклар тўкиладир,  
Дину иймонсиз элда, меҳроблар йиқиладир.

Бойким бойга томадир, фақирлар сиқиладир,  
Падаркушлар номига хутбалар ўқиладир.  
Мардлар бўйнига тавқи, лаънатлар тақиладир,  
Золимни золим десанг, гуноҳи тўкиладир.

Ожизларким бирлашиб, камонларин ўқлайдилар,  
Ботир номардга чиқар, олчоқларни тиклайдилар.  
Пасткашликнинг ёнига, тубанликни эклайдилар,  
Ямонлар ямон кунга, яроғини сақлайдилар.

Виждонсиз теграсига виждонсизни тўплайдир,  
Қаланғи-қасанғини атрофида кўплайдир.  
Сотқин, ватанфурушни қаро тунда кўқлайдир,  
Мошовага жаз ҳам йўқ, бойким бойни йўқлайдир.

Ер бўлиб яшадингми, тоғларни унутасан,  
Масканинг чўлу саҳро, боғларни унутасан.  
Ўтган кун, чориқ кийган, чоғларни унутасан,  
Даҳолик даъвосида соғларни унутасан.

– Ташаккурлар, шаҳзодам! Биз ҳам юрган эканмизда, шоирман дея чориғимизни судраб! Шеър ёзмоқ мана бундай бўлибди-да! Фақат кўнгиллар шоҳи бўла билган кишигина бундай оташнафас сатрлар-ла битик битмоғи мумкиндир, – шаҳзоданинг шеърідан ҳаяжонга тушган эди Туркмоний. – Ижозатингиз ила шеърларингизни кўчириб олсам.

– Тамом. Котибларимиз кўчириб берадилар. Менинг ҳам сиз азиз устозга бир ҳадям борким, уни сиз каби шеър мусиқа, адабиёту санъатни англагувчи бобоқадрдон бир зотга топширмақдан ғурурланиб, шараф туядурман.

Шаҳзода шундай деб мулозимга ишорат этди. Хос хизматчи чодир тўрида турган чоғроқ сандиқчани келтирди. Халил Султон сандиқчадан қалин ва катта бир китобни олди.

– Ушбу бебаҳо китоб, устоз Хўжа Абдулқодир Мароғийнинг “Миатайн” номли мусиқа назариясига оид асаридир. Ушбу китобни ўқиган шоирнинг шеъри ўз-ўзидан мусиқага тушаверади. Шеърда мантиғу мусиқийлик, насрода назмий оҳанг бўлмаса у қуруқ чиқади деб ўйлайман, устоз.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Оллоҳ рози бўлсин сиздан, олийнасаб шаҳзодам! Умид ҳам шунчалик! Бул ҳурмат-иззатингиздан бошим кўкларга етди ва самоларга етган бошим ҳар замон ҳузурингизда ерга етгунга қадар таъзимдадир! – шаҳзоданинг илтифотидан кўкси тоғ каби кўтарилган эди Туркмонийнинг. – Бул лутфи марҳаматингизни муҳаббату ҳасрат-ла эслаб юргайман!

Ҳангамани қуюқ қилган меҳмону мезбонлар ҳаво олмоқ ва оёқларини ёзмоқ учун чодир саҳнига чиқдилар.

– Хўш, қадрли қавчин қавмининг хос навқари Ҳурқўжоқбек. Қани сўйланг-чи, устоз Туркмоний қав-мингиз ҳақида не дея ёзмишлар, – кулимсираб сўради амирзода бир оз фозила ички ичганидан оёғи чалкашиб кетаётган Ҳурқўжоқ қавчиндан.

– Шайир ака бизди баплабти, шаҳзодам. Жида тапиб айтибди-да. Сўзи эсимда жўғу қамчи жеб турмаса журмайди деди-ёв, – жавоб қилди Искандар мирзонинг элчиси тили зўрға айланиб.

– Менинг эсимда қолди. Еб турмаса бир қамчи, ўзидан кетар қавчин.

– Ҳа-ҳа, шундай, шаҳзодам! Бир қамчи жеб турмаса бомайди, деди-яв шайирбек бовуримиз, – довдираб қолганди Ҳурқўжоқ қавчин.

– Боя келганингизда биз ила расмий, Туркистон туркчасида кўнишган эдингиз. Энди эса дашти қипчоқ лаҳжасида гапирмоқдасиз? – ҳайрон бўлиб сўради Халил Султон.

– Адам баласи жилагану кулганда, ишки ичиб, қанимлар менен суйлашганда балалиқда ўрганган тилида гапирар экан-да, шаҳзодам. Бир қошиқ қанимдан кешинг! Бизди чўнг кўнақ этдингиз! Аллаҳ кўнглингизга кора берсин! – этана бўлиб дуо қиларди кўноқ. – Раббим назардан сақласин!

Мусофир ва мезбонлар чодирларига тарқалди.

Чодир саҳнида шаҳзоданинг ёлғиз ўзи қолди.

Эрта баҳор кирган бўлса-да, дашт тарафдан совуқ шамол эсар, шимол томондаги қор қоплаган тоғ этакларида чўпон гулханлари милтиллай бошлаганди.

Шаҳзода Халил Султон ваъда этилган, бироқ қон тўкибу жон чекиб қўлга киритиши керак бўлган тож-тахтга борадиган йўлнинг бошида сархуш, совқотганча ёлғиз турарди...

## ОЛТИНЧИ БОБ

*Қимматинг – қимматинг қадардир.  
Отасўзи*

Севгилиси ортидан келиб чап елкасига юзини, ўнг елкасига қўлини қўйганда амирзоданинг хаёллари тўхтамага келди.

– Жоним, жаҳоним, шаҳзодам! Мутлилигимнинг оти, ҳаётимнинг тотти! – деди у сўз ила ифодалаб бўлмас ёқимли ва аллаловчи овозда. – Ёлғиз турганингизни кўриб, ёнингизга келдим. Хаёлларингизни бўлмадимми, жоним?

– Йўқ, маликам. Хўп замонида келдингиз. Зотан, ўзим чодирингизга бормоқчи эдим, – жавоб қилди шаҳзода хонимидан таралаётган хушбуй қўқидан маст бўлиб кучаркан.

– Ниҳоят озодликка чиқдиг-а, султоним! – деди Шод Мулк ҳамон шаҳзоданинг елкасидан кучганча.

– Озодликми бу ёки қашқирлар галаларига қарши таллашиб-тортишиб ўлжамизни топиб ейишми, англамай қолдим. Қўшиннинг қўмондони бир кўринишда менман.



## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Бироқ бутун бошли ўрдунинг олий бош кўмондони амаким ҳазратлари. Бу черик менинг айтганимни қилиб, сўзимга юрармикан? Шундан тараддуддаман. Йўлга чиқдигу не қиларимни, қайга бораримни билмасмен, маликам, – ўксик ва тушкун оҳангда кўнишарди шаҳзода. – Назаримда ҳаҷиру эшак миниб қилич сермаётган суворийга ўхшаймиз. Билмадим, охир-оқибат не сўнуч ила тугар экан?

– Сиз олийнажот султонимнинг буюк бобонгиз тахтларига соҳиб чиқишингиз ва Кўктошда тўрт йил ўтиришингизни амакингиздан тортиб бешиқдаги темурийзодагача кечирмайди. Илон билан ётсанг, унинг чақиши мумкинлигини ҳам кўзга оласан дер эди Биби Чаманно. Биз илонлар орасида қолиб кетдик. Улар эртами кечми бизни заҳарлашга уринадилар. Шунинг учун имкон қадар бу юртлардан узоқроққа кетмоғимиз керак, – овозидаги бахтиёрлик жаранги ташвиш оҳанги билан алмашганди маликанинг. – Буларнинг ҳеч биридан, ҳатто кўришажак амакиваччаларингиздан ҳам хайру хайриятлиғ кутиб бўлмас.

– Мингбоши Қулман Қиёт ҳам шундай деди. Ҳеч бир хешу ақрабомизнинг бизга кўзи учиб турмаган бўлса керак, – оҳиста юрганча чодирини томон қайтди Халил Султон. – У томон борсам бўри, бу томон борсам бўри, бор экан пешонамнинг шўри, бўлиб чиқмаса деган ташвишдамен, маликам. Кўлнинг қамишини кўрмаган қизғанганидек, шундай чексиз мамлакатнинг бир вилоятини ҳам биздан қизғанадилар чоғи.

– Узоқ юртларга бош олиб кетсак-чи? Оламини титратган шундай улуғ бобонгиз ҳам кўз очиб-юмгунча бутун бошли салтанатини топшириб кетдилар-ку! Бу мулки давлат, бу тожу тахт уларга ҳам абадий қолмас! Чархи даврон дўниб, қошиқ айланиб яна бизга келиб қолар!

Оллоҳдан умид кесилмас, султоним! Сиз буюк бобонгизнинг тахтларига муносиб ворис эканлигингизни кўрсатиб, исботладингиз.

Улар шаҳзоданинг чодирини ёнида турганча суҳбатлашардилар.

– Менинг чодиримда сандал бор. Ҳаво совуқ. Юринг, шамоллаб қолманг, – дея шаҳзодани чодирига таклиф этди малика. – Қаранг, атрофни қуюқ туман босмоқда. Эртага кун илиқроқ бўлади. Бир ярим кўним йўл юрсак бўлади, – тезроқ манзилга етиб, шаҳзоданинг тахтга ўтиришини истарди Шод Мулк.

– Ўйламоғу сўйламоқ не қадар бефойда бўлса-да, бошимиздан кечган сўнг тўрт йил воқеалари айланиб-ўргилиб ақлимга келаверади, маликам, – деди шаҳзода сандалнинг тўр томонига ўтириб, йўрганни белига қадар тортар экан. – Бизнинг барча ишларимиз шарият қонунқоидаларига уйғун, буюк бобомиз тўраю тузукларига биноан амалга оширилган эди. Мен бобом ҳазратларининг қайтишларидан сўнг бир ойдан кейин Самарқанд тахтига ўтирдим. Бу ишда ҳал қилувчи овоз ва ҳуқуққа соҳиб бўлган шайхулислом ҳазратлари ҳам амаким Шохруҳмирзо ёки сўзда валиаҳд эълон этилган Пирмуҳаммад мирзони эмас, мени қўллаб-қувватладилар. Биласиз, ислом ўлкаларида шайхулисломдан ошириб кимса сўз сўйлай олмаяжак.

– Ҳаммаси ҳасад, кўролмаслигу фиску фасод, жоним. Улар бобонгиздан қолган холдор кўкиш бурул тулпор устида қуёшдай ярқираб, жаҳон султони бўлиб туришингизни яқину узоқ, ёту бегона, итдан тараган барча пасткашлар ҳазм эта олмадилар. Ёш, кўлидан ҳеч бир иш келмайди, деб ўйладилар. Охир-оқибатда бирлашиб, жойимизни солдилар. Уларга ҳам парвардигорнинг бир

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

айтгани бордир. Сўнгида ўша шайхулисом деганингиз ҳам сотиб, амакингиз томонга ўтиб кетди-ку? Бизнинг унинг оиласи, авлодларига қилган яхшиликларимиз, берган мол-мулкимизни чек-чегараси йўқ эди. Улар ҳам сувнинг оқишига қараб, ўзгариб кетаверадилар. Қўйинг, гапирманг ўшаларни. Коса лаби каж келса сотадилар. Она қорнидан тушганингадәқ қулоғинга азон айтиб, эсингни танигандан бошлаб руҳингни кишанлайдиган, ҳар қадамингни ўлчайдиган бу ниқобли тақводорлардан жанозангни ўқитиб қутулсан.

– Шайхулисом Абдулаввал ҳазратлари ундай киши эрмаслар. Ул зоти олийнинг кимнинг авлодлари эканликларини биласизми? – маликанинг шаддот хонимлар каби юритган фикри маъқул келмади амирзодага. – Айтганимиз айтган, деганимиз деган экан, аҳмоқона гапларимизни ҳам тинглаб, қўлтиғимизга сув пуркаб, кўтар-кўтар қилиб юрган одамлар энди бизга бошқача кўз билан қарайди. Бундин сўнг ҳар бир сўзимизни ўйлаб, тарозига тортиб гапиришимиз керак, маликам.

– Биладан ўша шайхулисомингизни, султоним. Улуғ бобонгиз ҳазратлари замоналарида шайхулисомлик қилган Абдул Маликнинг ўғлими, жияними дейдилар, – одатдагидек тилдан тоймас эди Шод Мулк.

– Сўзларимни диққат билан тингланг, маликам. Сиз ишқу муҳаббат, давлату салтанат ишлари билан қаттиқ машғул бўлиб, ўқимоқ, ўз устингизда ишламоққа вақту замонингиз бўлмаган. Ҳалиям имкони бўлса, Шероз ёки Табриздаги бирорта хонимлар мадрасасида таҳсил олсангиз яхши бўлар эди. Самарқандда шундай мадраса бор эди. Бош маликаликдан бўшаб, истифода этмадингиз. Боиси ёшсиз. Эрта билим ўрганмоқнинг фойдаси кўпдир. Ижозатингиз билан сиз гўзал маликамга баҳс

этдигимиз кўнуларда бир оз билги берайин. Малика, улуснинг кўзи очиқ бир муслимаси сифатида бу нарсаларни билишингиз керакким, раиятдаги турли тоифа, омию уламо билан кўнишиб суҳбатлашганингизда сўзлаяжак ҳар бир гапингизга диққат этмоғингиз лозим бўлади. Зотан, сиз бу ҳудудларда илгари ҳам яшагансиз. Бу юртларнинг одамларини озми-кўпми биласиз, – мулоҳазакор оҳангда гапирарди шаҳзода.

– Бу қавмларни жуда яхши биламан, султоним. Эл орасида раҳматли Жоку Барлоснинг тилдан-тилга ўтиб юрган бир гапини кўп такрорлайдилар.

– Ҳа, Жоку Барлос тағойимиз Ҳирот Турон давлати тасарруфига илк кирганда ҳокимлик қилганлар. Не деган эканлар ул кишим? – қизиқсиниб сўради Халил Султон.

– Бу қавмлар билан душман бўлмоқ жуда хавфлидир. Баробар яшамоқнинг бошқа йўли йўқ экан, дўст бўлмоқ ундан-да хатарлидир, демишлар.

– Жуда чуқур, кишини ўйлатадиган гап экан, – деди шаҳзода фикрламоқ бобида ўзи билан баҳслашаётган маликага қошини чимириб боқаркан. – Сизда ҳам кўп гап бор, севгим. Ҳеч кимга мирламайсиз.

– Биз ҳам кўй кўрмасак-да, қий кўрганмиз, султоним, жоним! Мирлаб, мирлаб мана шу дашту далаларга келиб ўтирибмиз! Чекинажак жой қолмади. Энди журъату жасорат-ла ота мулкингизни эгаллаб, кучингизни кўрсатишингиз керак. Аксинча, батамом ўйиндан чиқиб кетамиз ёким бизни маҳв этадилар.

– Ниятни яхши қилинг. Оллоҳ ҳар неники инсоннинг кўнглига кўра беради. Бизнинг кимсага хусуматимизу кимсанинг мулки давлатида кўзимиз йўқдир. Сўғишу савашсиз ҳам ул тарафларда бирор ота вилоятини биз-

га беришар. Улуғ бобом ҳазратларидан қолган шундай ўрду ва хазина билан тўрт йил тирлашиб нимага эришдикки, энди бизни не манзилу унвон беклаяжак? Кичик бир хато ҳам биз учун қимматга тушиши, салтанатимиз чироғини сўндириши мумкин, маликам. Акс ҳолда хоқони саид амакимизнинг ҳам бизга кучлари етмас эди. Энди эса барчалари бир бўлиб бизнинг қоқилишимизни, хато қилишимизни кутадилар. Биз хато қилдик.

– Қандай хато, султоним? Нимани назарда тутмоқдасиз? – ҳайрон бўлиб сўради Шод Мулк.

– Биров билиб, биров билмади. Биз Шероз қалъасида пистирмага дуч келиб, Худойдоднинг кўлига тушиб қолдик. Шу нарса қисмату қадаримиз, тожу тахтимиз тақдирини ҳал этди-қўйди. Подшоҳнинг ғаними кўлига банди ўлароқ тушиши, лашкарнинг руҳиятига ёмон таъсир этар экан. Бизни қалъанинг ички хонасида ярим кунча сақладилар. Шу муддатда улар мени ўлди-га чиқаришган. Бунини туйган ўрду айиқ қувган подадек тирақайлаб қочган. Шу тариқа мулки давлатимизнинг қуёши ботди. Энди бу қуёш қайда ва қай тарзда чиқади бунини ёлғиз эгаси билади. Не иложимиз бор. Ният хайр, оқибати хайрдир дея сабр этамиз!

Шаҳзоданинг мунгли ҳикоясидан таъсирланган малика ёш ўрмалаган ёноқларини артди.

Шаҳзода Халил Султон ҳам йиғлар, бироқ унинг кўз ёши юракка оқарди.

Суҳбатдошлар сассиз-садосиз жим қолдилар.

– Хў-ўш, мен сизга шайхулисом Хожа Абдулаввалнинг ўзлари ва аждодлари ҳақида сўзлаб бермоқчи эдим, – деди анчадан сўнг амирзода бошланган суҳбат мавзусига қайтиб.

– Сўйланг, султоним! – деди малика бўғиқ овозда.

– Жон қулоғим ила тинглаяжакман. Менинг телба-тескари сўзларимга эътибор берманг. Сиз олийнажот халоскоримни кўрганда ҳамма нарсани унутаман. Қусурга боқманг!

– Астағфируллоҳ! Ҳақми-ноҳақми ҳар замон ўз сўзингизу фикрингизни баён эта билурсиз. Менинг ягона орзу-тилагим сиз бенуқсон, фариштасифат маликамнинг юзингизу қалбингиз, қадди-қоматингиз каби фикру зикрингиз ҳам мукаммал бўлмоғини истаганимдир. Кўча-кўйдаги кишилар ақлига келганларини қилиб, оғзига келганини сўйлашлари мумкин. Бироқ биз ҳар бир сўзу ҳаракатимизда эҳтиёт бўлмоғимиз, ҳар қандай хому янглиш жумламиз раият томонидан ўзгача талқин этилиши ва янглиш англашилишини кўзда тутишимиз керак. Сиз-да қусурга боқманг. Яна мавзудан чалғиб кетдим, – малика қуйиб узатган шарбатдан ичиб сўзламоқда давом этди шаҳзода. – Хуллас, Хожа Абдулаввал ҳазратлари “Соҳиби Ҳидоя”нинг муаллифи Бурхониддин Марғинович авлодларидан бўлиб, наслари Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васалламга етиб боради. Марғинович ҳазратларининг насаблари шул тариқададир: Бурхониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжамил ибн Халил ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Абдурахим ибн Умар ибн Омир Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн Амир ал-мўъминин Абу Бакр Сиддиқ соҳиби Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам. Араблар исломни ёймоқ мақсадида юртимизга келишгач, Абу Бакр Сиддиқнинг авлодлари Фарғона ўлкасига, билхосса, Марғионга ерлашадилар. Ва улардан етишган аксар уламолар Самарқандга келиб хизмат қилганлар. Буларнинг энг машҳури Аш-Шариф Ҳамза ибн Али ибн ал-Муҳсин ибн Муҳаммад ибн Жаъфар



## Нурали ҚОБУЛ

---

ибн Мусо ал-Хайламий бўлиб, Фарғонанинг Хайлам шахридандир. Фозил фикҳлардан саналмиш бу улуғ зот ҳам Самарқанддаги Жокардиза қўйиндисидан сўнг қўним топганлар.

– Биз ул қабристонга Марғиноний ва Соғаржий ҳазратлари зиёратларига борган эрдик. Қабристон уйимизга ҳам яқин эди, – шахзодани диққат билан тингларди малика.

– Мен ҳам бир неча бор тупроқларини зиёрат этиб, Қуръон тиловат қилдим. Ул муборак зотнинг Жалолиддин Муҳаммад, Низомиддин Умар ва Имомиддин Абу Бакр исмли ўғиллари ҳам навбат билан Самарқандда шайхулисломлик қилганлар. Бобом ҳазратлари замоналари ва ундан олдинги даврларда ҳам Самарқандда Марғиноний ҳазратларининг учинчи фарзандлари Имомиддин авлодлари шайхулисломлик қилганлар. Баҳс этганимиз шайхулислом Абдулаввал ана шу сулоланинг вакилидир. Ул кишим бош ғанимимиз амир Худойдодни ҳам шаҳарга киритмай турганлар.

– Шундай дейсизу, амакингишни Жомда дуою пешкашлар билан қарши олди ўша шайхулисломингиз!

– Бу ҳолга табиий қарамоқ лозимдир, муҳтарама маликам. Амаким Шохруҳмирзо султон соҳибқирон бобомизнинг ўғиллари сифатида Кўксаройу Кўктошга менга нисбатан бир неча қадам яқин турадилар. Бу ўринда улардан хафа бўлмоқ ножоиздир.

– Ким бўлмасин, мен бу диндорларингизнинг ҳеч бирига ишонмайман. Худою пайғамбарнинг номини сотиб кун кўришади. Меҳнат қилмайдилар. Сувнинг оқишига қараб, кучли, қўли устун томонга оғиб кетаверадилар. Ғолиб томон эришган ғалабани ўзларининг дуои фотиҳаларига боғлайдилар. Дуои фотиҳа билан юртлар

забт этилганда эди, араб деганингиз бир томчи қон тўймай оламни оларди. Қўшин деган дов-даскага эҳтиёж қолмаган бўлар эди.

Маликадан бу каби жиддий фикрни кутмаган шаҳзода не дафъи жавоб қайтаришни билмай, ўйланиб қолди.

– Бундай тушунчаларингизни мендан ўзга кимсага сўйламанг, маликам. Айниқса, хоқони саид амакимнинг қулоқларига бу каби гап-сўзлар етиб бормаслиги жоиз. Усиз ҳам турумимиз ўзингизга аён, – паст ва тушкун оҳангда қўнишарди амирзода.

– Сиздан бошқа кимга ҳам айтардим, жоним! Сўнг дамда бизни барча сотди. Ҳатто тансоқчиларимиз ҳам! Дардимизни кимга ҳам айтардигу, бизни ким ҳам тингларди? Ёлғиз Оллоҳдан бошқа дўстимиз қолмади! – ҳануз ўзига келмаганди Шод Мулк. – Ҳеч бирига ишонманг. Қўримаю ошчиларимиз, ясовулу қоровулимиз, атрофимизни ўраган барча нонхўрақлар саройдан тайинланган. Бизни бўғибми, сувга чўктирибми, заҳарлаб ўлдиришадими, билиб бўлмади. Совуқ сувни ҳам пуфлаб ичмоққа тўғри келади, султоним, – ичидагини тўкиб солди малика.

– Амаким дину диёнатли, худодан қўрқадиган тақводор бир кишилиқдир. Ҳеч қачон бу каби ишларга амр бермайдилар. Оғзим бор дея ҳар нарсани бир нарса дея сўйлайверманг дедим-ку! – Шод Мулкнинг сўзини бўлди Халил Султон. – Оталаримиз сусган хотун, битган хотун, кўп ва кераксиз қўнишган хотун кераксиз хотун деган гап бор...

– Ҳақманми, ноҳақманми худо тилимга солган гапни айтдим! Тилим қурсин! Кўнгилга келган тилга келар экан-да! Нега шундай дедим-а?

– Ўзингизни босинг, жоним! Ҳаяжонланманг! Биз

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

оғир йўлчилик ва қисмату қадар олдида турибмиз! Қаршимиздаги манзил не қадар хатарли бўлса, орқага қайтмоққа-да йўл йўқ. Биз сокин бир шаҳарда, ҳеч кимга нисбатан мулки давлат, тожу тахт даъвосида бўлмай, осуда ҳаёт кечирмоғимиз керак. Акс ҳолда қардошларим Абу Бакр ва Умар мирзоларнинг қисматлари бошимизга тушади. Сиз ҳам ўзингизни Самарқанддаги каби тутманг, маликам. Ундай кунлар энди етти ухлаб тушимизга ҳам кирмагай. Дуч келган ўру қирда султон Жалолиддин каби пичоқлаб кетишлари ҳеч гап эмас. Шу боис ҳар кас ила яхши қўнишиб, илиқ муносабатда бўлишимиз лозим, – босиқ оҳангда гапирарди шаҳзода.

– Англадим, султоним. Кўнглингиз тўқ бўлсин. Ҳар бир сўзингизу амрингизни ҳарфиян ерига келтиражаман. Ичим тўлиб кетганидан сиз жону жаҳонимга ёрилдим. Кимга ҳам оғиз очар эдим, – саси йиғи каби чиқарди маликанинг. – Уйқумда ҳаловат йўқ, тушларим безовта.

– Ҳар ишда бир хайр бордир, маликам. Меҳнатини берган тангри роҳатини ҳам берар. Яратганнинг марҳаматидан умидимизни узмагаймиз. Иншооллоҳ, бу тупроқларни юрт тутиб, мулки давлатимизни тиклаб кетармиз.

Халил Султон маликанинг сандалли чодирда ётиб қолди.

Бомдод намозидан сўнг чодир саҳнига чиққанида уни Ҳурқўжоқ қавчин билан Маҳдум Туркмоний кутиб туришарди.

Хос мулозим сабоҳ емаги ҳозирлигини айтди.

– Тўрт нафар ҳурматли бекларимизни ҳам нонуштага таклиф этинг. Улар етиб келгунларига қадар биз суҳбатлашиб турамиз, – буюрди шаҳзода яқинида турган мингбоши Қулман Қиётга.

– Кеча бир нарсани сизлардан сўрамоқни унутибман, – деди шаҳзода Ҳурқўжоқ қавчин ва Маҳдум Туркмонийга қараб. – Рофизийлар не демак ва улар бу ўлкаларда борми?

Қўноқлар бир-бирларига қараб қолдилар.

– Билганим қадар мен жавоб берсам, – деди Маҳдум Туркмоний сўз олиб. – Рофиз сўзи араб тилида тарк этиш, рад этиш, ҳатто маслагидан қайтиш маъносини ҳам англатади, шаҳзодам. Абу Бакр ва Умарнинг халифалик ҳуқуқини рад этганликлари учун уларни шу номда атаганлар. Булар орасида Муҳаммад пайғамбар қолиб, ҳазрат Алини илоҳийлаштирувчилар ҳам бордир.

– Демак, шиалар дегани шуларми?

– Шундайдир, шаҳзодам.

– Уларга қандай муносабатда бўлмоқ керак?

– Ўз мазҳабларида ибодатларини қилаверадилар. Тариқату шариатларига аралашмоққа лузум йўқдир, шаҳзодам.

– Англашилди. Демак, алавий деганлари ҳам шулар?

– Йўқ, шаҳзодам. Алавийлар Шом ва Курдистон тарафларда яшайдилар. Уларни нусайрийлар ҳам дейдилар. Шиалиқдаги бир тариқат бўлиб, бу оқимга Ибн Нусайр асос солган. Уларнинг ақидаси шиаларнинг биринчи имоми халифа Алини илоҳийлаштирмоқдир. Алавий сўзининг маъноси ҳам шундан келиб чиқади. Улар ҳатто Алида худонинг ўзи мужассам деган иддаони ҳам қилдилар. Маросимларида қадимий эътиқодлар ва насроний динининг таъсири бор. Насронийликдаги муқаддас учлик каби нусайрийликда ҳам Муҳаммад, Али ва Салмон ал-Форисийга худонинг уч хил намоён бўлиши дея эътиқод қиладилар. Қуёш, ой ва ёритқичларга сиғинадилар. Жоннинг кўчиб юришига ишонадилар.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Ҳукмрон сунний мазҳаб арбоблари ва халифалар томонидан таъқиб этилганлари боис эътиқодларини сир тутадилар. Маросиму ибодатларини кечалари, махфий равишда адо этадилар. Намоз, рўза каби диний маросимлар, масжидлари ҳам йўқ.

– Юрган эдим Ойқортоғда қимиз ичиб, нега келдим Сарбозорга кетим қичиб дегандек, юртдан узоқлашгач, бу каби турли мазҳабу тариқатларга дуч келаверамиз шекилли, – ҳайрон бўлганча Туркмонийни тинглар эди амирзода.

– Бу томонларда насронийлару оташпараствлар ва уларнинг ибодатхоналар ҳам бордир, шаҳзодам. Улуғ бобонгиз хоқони акрам замоналарида ҳам буларнинг диний эътиқодларига тазйиқ ўтказилмаган. Ҳақ-ҳуқуқлари тан олинган.

– Афсуски, ҳеч биримиз бобом ҳазратлари каби бўла олмаймиз. Биров шоҳу, бироқ шоҳлик боши йўқ. Бошқа киши эса юпун бир донишманду хоқон закосига эга. Биз кўриб туриб кўрмайдиганлар, ҳали-бери буюк бобом ҳазратларини англаб етмасак керак...

Шаҳзода сўзини тугатар-тугатмас чодир саҳнига амирлар Бек Фулод, Хизр Сипоҳий, Садр Ҳасан ва Ҳамза қатуқулар етиб келишди.

Халил Султон беклар ва кўноқларни чодирга даъват этди.

Емақдан сўнгра яна чодир саҳнига чиқдилар. Халил Султон Ҳурқўжоқ қавчинни Ҳиротга йўлчи этиб, Махдум Туркмонийни яна бир оз суҳбатлашмоқ учун қолишини сўради. Бекларга йўлга чиқмоқ амри берилди.

– Сиз ўзингиз қайси мазҳабу тариқатдасиз? – сўради шаҳзода суҳбати ёққан Туркмоний билан яккама-якка қолгач.

– Биз туркманлар у қадар динга боғлиқ қавм эмасмиз, шаҳзодам. Битикларимни эркин, ҳеч бир дину мазҳабга боғламай ёзаман. Бирор-бир динга боғланиб битик битдингизми, ўз сўзингизни истаганингиз каби айта олмайсиз. Ўша диннинг ўзанига тушмоқ мажбуриятида қоласиз. Асл дунёвий адабиёт бошқа, диний адабиёт бошқа деб ўйлайман. Чувалашган салласига чалишган бу диндорларимизга у қадар эътимодим ҳам йўқдир, – фикрини очиқ сўйлади Туркмоний.

– Унда Ҳиротга боргач, подшоҳ амаким ҳузурларида бўлажак суҳбатда эҳтиётли кўнишмоғингизга тўғри келади, устоз. Хоқони саид ҳазратлари дини мубини исломга ғоят боғлиқ, тақводор бир кишилиқдир, – Туркмонийни огоҳлантиришни лозим топди Халил Султон.

– Биладан, шаҳзодам. Улуғ бобонгиз султон соҳибқирон ҳазратларининг суҳбатларида ҳам бўлган мен бечора битикчининг кечмаган дарёси, кезмаган саҳроси қолмаган. Ислом дини таълимоту аҳкомларини бир олим қадар биладан. Шохруҳподшоҳ ҳазратлари билан ҳам кўнишажак кўнумиз, баҳс этажак мавзуларимиз бордир.

– Унда сизга оқ йўл тилаб, биз Ҳарируд водийси томон юрамиз. Амаким ҳазратларига менинг дуои саломларимни еткуринг, – деди шаҳзода самимий оҳангда.

– Ҳарируд водийсининг улуғ бобонгиз зоти олийлари учун ғоят қадрли эканлигини ҳам билсангиз керак, шаҳзодам?

– Бу овада бобом ҳазратларининг учинчи пирлари шайхулислом Зайниддин Тайбодий ҳазратлари яшаган ва бобом мудом ул зоти олийни зиёрат этиб, дуои фотиҳаларини олиб турганлар дея эшитганим бор, – жавоб қилди амирзода.

– Айнан шундайдир, шаҳзодам. Улуғ бобонгиз Балх-



да, Турон салтанати тахтига ўтирганларининг ўн иккинчи йилида Тайбодий ҳазратлари билан учрашадилар. Ўшанда пирлари улуғ хоқонга “Куч – адолатдадир” жумласи битилган узук ҳадя этадилар ва бу битик мулки давлатнинг тамали ва шиорига айланади. Адолат эса давлат ақли улус виждони ила бирлашган мамлакатда қарор топади. Бу сўз, сиз, олийнажот шаҳзодамизга ҳам ёру йўлдош бўлсин. Худонинг олдидан ялангоёқ қочган бу бебош ва жоҳил қавмларга подшоҳлик қилиш ҳам фойдасиз дунёнинг бориб турган азобидир. Тун қоронғусида емак еган бу қавмларнинг аждоду авлоди ҳирсиздир, шаҳзодам. Зийраклигу ҳушёрликни йўқотган дақиқаю сониянгиздаёқ суробингизни тўғрилайдилар...

– Қоронғуда емак еганлар деган нақлингизни тушунмадим, устоз? Бир оз англатармисиз? – кутилмаганда чуқурлашган суҳбатдан таъсирланган эди шаҳзода.

– Элимиз орасида қоронғуда емак еганнинг боласи ўғри бўлади деган гап бор. Боиси, ўғри қоронғуда бирор нарсани ўғирлайди-да, кун ёришгач, уни ҳеч ким кўрмайсин дея кечаси билан еб битиради. Инсоният ҳали-бери тўғри йўлга туша олмаяжак бу жоҳилият замонасида ҳар бир оғочнинг меваси ўз остига тушади. Олманики шафтолининг тагига тушмайди. От боласи от бўлур, ёт боласи ёт бўлур, ит боласи ит бўлур, бит боласи бит бўлур, кет боласи кет бўлур деганлари ҳақдир. Ҳеч қачон кишилардан уларда мавжуд бўлмаган юксак фазилату олийжанобликни бекламанг, шаҳзодам. Атрофингиздагилар, эл-улусга меҳр-шафқатли бўлингу қиличингизни қўлдан қўйманг. Тупурганингиз юзга боқманг, боқажагингиз юзга тупурманг...

Маҳдум Туркмоний гапдан тўхтаб, беғубор нигоҳини амирзодага қадади. Аҳволи руҳияти паришон, ҳукмдорликка ҳам қизиқишини йўқотгандек кўринадиган ёш темурийзоданинг ўй босган, ҳорғин қиёфасидан тарад-

дудга тушган эди.

– Ҳиротдан сўнг Самарқандга, ундан пири Туркистоний Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари ҳузурларига бораман. Ул зоти олийнинг икки сатрларини сиз азиз шаҳзодамга хотирлатмоқни лозим топдим. Ҳазратнинг бул битикларини жуда озчилик шогирдлари биладилар ва сиз оёқ босажак юртларда сўйламайдилар.

Халил Султон сергак тортганча босиқ оҳангда кўнишаётган Туркмонийнинг калта қирқилган соқолли юзи ва закий кўзларига боқди.

– Туркийдадир имоним, форсийдадир гумоним дейдилар пири Туркистоний ҳазратлари. Бу одамларни қилич кучию ошпоғига эту экмак ташламоқ ила ушлаб турмоқ мумкин, шаҳзодам. Бошларига қиличу гурзи тушишини ҳис этмаган, суфрасида экмак кўрмаганлари онда дину имонидан, машрабу матлабларидан тонадилар. Арманийлар мусулмонлар устидан кулиб, ун бор, дин бор, ун йўқ, дин йўқ дея масхара қиладилар. Бу нақл одамларнинг бир парча нон учун бир диндан бошқасига ўтиши ҳолатларидан келиб чиққандир.

– Ҳазрат Яссавийнинг шундай сатрлари борми? Туймаган эканман, – деди Халил Султон Туркмонийнинг сўзларидан таъсирланиб.

– Мен ҳам билмас эдим, шаҳзодам. Бир суҳбатимизда буюк бобонгиз ҳазратлари айтган эдилар. Шунда менга бир неча шеърий битикларини ҳам ўқиб берган эдилар. Сизнинг элингиз узун. Буюк бобонгизга боғлиқ ҳар неки битикларни тўплаб, кўчиртирмоқ ишига бош бўлинг. Ул киши ила боғлиқ битигу ҳужжатлар Самарқанднинг нонини еб, мадрасасида ўқиб сонга кирган, бугун эса оғзини тўлдириб Амир Темурни ёмонлаб юрган Ибн Арабшоҳ каби нонкўр, отадушманларнинг кўлига тушиб қолмасин. Шуни ёдда тутингим, азиз шаҳзодам,

қавми арабу форсий биз ҳақимизда ҳеч қачон яхши гапни айтмайди. Боиси, эсларини таниганларидан бери Бағдод ёки Қоҳирада қай бир халифа ўтирмасин, уларни бизнинг ота-боболаримиз йўнатиб келганлар. Улар ҳеч қачон буни ҳазм этиб, кўника олмайдилар. Модомики, бу мамлакатларда тахту салтанат даъвосида от сурар экансиз, мулки давлат тарозиси тошини шунга кўра қўймоғингизга тўғри келади. Қардошларингиз мирзо Умар ва Абу Бакр мирзолар ана шу хоинлигу отадушманликнинг қурбони бўлдилар. Жаҳон шаҳзодаси Пирмуҳаммад мирзо ҳам шайтонлар фитнаси шаҳидига айланди. Билмаган, танимаган шайтонларни ёнларига йўлатиб, чексиз ҳокимиятни бериб қўйиб, фалокату фожиага йўлиқдилар. Хом сут эмган одам боласида билмаган шайтондан билган шайтонинг афзал деган тусунча бўлади. Хожа Ҳусайну Пир Али Тоз каби ниқобли шайтонлар икки шаҳзодани бошига билган шайтонидан кўра кўпроқ балою қазо келтиришини ўйлаб, кўниккан шайтонига кўниб яшайдилар.

– Донолар олдида тилингни тий, авлиёлар олдида дилингни тий деган нақлга амал қилиб, биз ила бир неча кун баробар бўлишингизни рижо этсам малол келмасми, устоз. Сўнгра сизни муносиб равишда Ҳиротга йўлчи этардик. Сиз-ла бир муддат мулоқотда бўлиб, суҳбатингизни олсам дегандим, – Туркмонийнинг теран фикрлари таъсир этган эди Халил Султонга. – Сиз каби кенг мушоҳадали суҳбатдошни қумсаб қолган эканман. Бор устозу мударрисларим Самарқандда қолдилар.

– Мен эрки ўз қўлида бўлган бир битикчиман, шаҳзодам. Ишим кезмоқ, мамлакатлар тарихини ўрганмоқ ва битик битмоқдир. Ҳиротга бир ҳафта сўнг борсам ҳам бўлади. Айриятан, сиздек оқ кўнгилли шаҳзоданинг ўз давраларига лойиқ кўрганликларидан шараф туйдим, – жавоб қилди Туркмоний таъзим бажо этаркан.

– Устоз Туркмонийга асл от, муносиб кийим-кечак, чодир ва маош ажратилсинким, ул киши бир муддат ёнимизда қоладилар! – буюрди амирзода орқасида турган мингбоши Қулман Қиётга.

– Амри фармон шахзодамизнингдир! – дея тисланган ясовулбоши хазина амири ўтирган чодир томон йўналди.

Ўрду оғир юк ортилган туя каби ҳорғин силкиниб қўзгалди.

### **ЕТТИНЧИ БОБ**

*Элдан вафо, заҳардан шифо беклама.  
Отасўзи*

Ясовулбоши келтирган отга минган маҳдум Туркмоний ҳангомалашганча Ҳалил Султон билан ёнма-ён кетарди.

Ўрду нағорачи ва карнайчилари байроқдор бошчилигида сўл тарафда боришар, маҳдум Туркмоний совуқ баҳор шамолида ҳилпираётган, суворий отининг эгарига қадалган байроққа тикилиб қолганди.

– Буюк бобонгиз, улуғ хоқон ҳазратлари улусимизнинг кечмиш тарихини жуда яхши билар эдилар. Бу ҳақда Қорабоғда бир ҳафта ётиб, отамлашиб суҳбатлашганмиз. Бунинг энг биринчи исботи давлатларига байроқ танлашда кўринади, шахзодам. Эски ўғуз туркларимиз саваш замонида қизил рангли байроқ, тинчлик замонида эса мовий ранг байроқ қўллаганлар. Султон соҳибқирон ҳазратлари ўша мовий рангни салтанатлари байроғи ўлароқ эълон этганлар. Қизил, оқ, мовий ва камалакранг атлас, адрас ва шойиларни карвонбошиларнинг елкаларига ташлаб қўйганлар. Ана шу ранг-

ларга қараб улар бир-бирларини таниганлар ва ҳимоя этганлар. Ўғузлар, турклар ҳамда туркманлар ана шу белги воситасида бирлашиб, умумий яғийларга қарши курашганлар.

– Бу ранглар маълум бир маънони англатганми? – сўради амирзода.

– Англатган, шаҳзодам. Оқ ранг турк ирқининг асил ва тамизлигини, сариқ, буғдойранг ризқ-рўз бутунлиги, дон-дунни англатган.

– Не қадар буюк тарихимиз бор. Бироқ уни яхши ўрганиб хулоса чиқармаймиз. Ҳамма ўзининг кунлик ташвиши, биз каби тахтсеварлар эса мулки-давлат ташвиши билан оворамиз, устоз.

– Шундай, олийнажот шаҳзодам. Ўша шаҳид ота-боболаримиз туфайли биз бу тупроқларни ватан этдик. Ул инсонларни ёд этмоқ эрса бизнинг инсоний ва ватаний вазифамиздир. Шаҳидлар эса унутилганда ўладилар. Зотан сўйлаганингиз каби тарих ёрғуламоқ ва ёрғуланмоқ учун эрмас, дарс олмоқ учун тарихдир. Салтанатлар не қадар буюк ва қудратли бўлсалар, элу элатлар шу қадар тинч-тотув, сўғишу савашсиз яшайдилар. Ҳар бир бўлук ва қасаба ўзини давлат эълон этса, бошлари еру мулк даъвою ғавғосидан чиқмайди. Бироқ элдан вафо, заҳардан шифо беклама деган нақл ҳам борки, шаҳзодам, буни ҳам ҳисобга олмоққа тўғри келади.

– Тўхтанг, тўхтанг! Не дедингиз? Шу сўзингизни такрорлай билурмисиз? – Туркмонийнинг гапини бўлди шаҳзода.

– Элдан вафо, заҳардан шифо беклама дейдилар, шаҳзодам, – гапини такрор сўйлади Туркмоний.

– Ғоят даҳшатли сўз экан-ку, устоз! – ҳайратдан кўз-

лари катта-катта бўлиб кетди амирзоданинг. – Мен бу аянчли ҳақиқатни ўз бошимдан кечирдим. Султон соҳибқирон бобом ҳазратларининг ярим аср йиққан хазинасини олган амиру маъмур, суворийу сипоҳий, омию олим мени арзимас сариқ кўппакийга сотди, устоз, – овози товланиб кетди Халил Султоннинг.

– Тўғри сўйлайдирсиз, шаҳзодам. Бир аҳмоқ қудуққа ташлаган тошни юз ақлли ололмайди. Хатойингиз шундан иборатким, шаҳзодам сиз тегрангизга қудуқни тозалаб, ундан тамиз сув тортиб олувчиларни эмас, унга тош ташлаб кўзини беркитувчи кимсаларни тўплагансиз. Тош ташловчи аҳмоқ битта эмас, бир нечта бўлган. Шунинг учун ҳам сиз улар ҳосил қилган чоҳдан чиқа олмагансиз. Ёки гапим нотўғрими?

– Тўғри сўйламоқдасиз, устоз. Сизга эътироз билдиражак ҳолим йўқ, – тан олди амирзода. – Атрофимдаги паст ва шарафсизлар туфайли шу кунларга қолдик.

– Бироқ тушкунликка тушманг, шаҳзодам. Ҳали-ҳануз буюк бир келажак олдидасиз. Бу ёғи сизнинг жидду-жаҳдингиз, саъйи ҳаракатингизга боғлиқдир. Номардники ўзидан, хоинники кўзидан чиқади деганларидек, шахсингизда авлиёю пайғамбар хислатлари бўлса-да, тегрангизни номарду сотқинлар ўраса тамом. Бу гирдоб охир-оқибат тортиб кетади кишини. Буюк ҳадафу олис йўлчиликда сизга энг муҳим қўлланма улуғ бобонгиз ҳазратларининг тузугу илму амалларидир. Энг муҳими, теурийзодалар орасидаги оғзибирлик ва ўзаро англаша билмоқликдир.

– Маълумингизким, улуғ бобом ҳазратлари ҳақларида турли ҳикоя ва ривоятлар юради. Бир суҳбатда амир Шайх Нуриддин ўттиз беш йиллик ҳукмронликлари, яъни Самарқанд тахтига ўтирганларидан сўнг султон



соҳибқирон ҳазратларига икки киши чап берди. Уларнинг бири Дашти Қипчоқ амир ул-умароси Идику Манғит, иккинчиси Миср бош қозиси Валиуддин Абдурахмон ибн Халдун Моликий дедилар. Сиздан олганим билгиларга кўра бобом ҳазратларининг бу икки киши билан бўлган муносабату мулоқотларидан ҳам хабардор кўринасиз? – навбатдаги саволни берди амирзода.

– Баҳс этганингиз кишилар, амир ул-умаро Идику Манғит ҳам, қозилар қозиси ибн Халдун Моликийлар ҳам айни замонда ҳаётдирлар, шаҳзодам. Ибн Халдун Миср салтанатида бош қозилик мақомида муқимдир. Сўйлаганингиз ҳар икки воқеа ҳам аслида бир оз ўзгачароқдир. У пайтда улуғ хоқон ҳазратларига ер юзида оёқ босиб юрган ҳеч бир тирик жон чап бериб кета олмаган. Бундай гарданкашлардан иккитаси, Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуф қорақўйинлиларнинг ўша пайтдаги турумлари жумлага, билхосса, зоти олийларига аниқтиник маълумдир. Воқеалар сирасига кўра сўзни амир Идику Манғитдан бошласак. Тўхтамишхон синдирилиб, Қириму Қоффа сари қочиб кетгунига қадар, амир Идику ва Тўхтамишдан сўнг Дашти Қипчоқ тахтига ўтириши мўлжалланган Темур Қутлуғ Ўрусхон ўғли бир неча йил Сиғноқу Туркистон теграсида ўлжа пойлаган арслондек ишқирибу пишқириб ётадилар. Улуғ хоқон ҳазратлари кун кўриб, тирикчиликлари ўтиши учун бу ҳудудларни улар ихтиёрига топшириб қўйганлар. Божу хирож, олиқсолиқ тўлашмас, бунинг устига давлат хазинасидан истифода этганлар. Тўхтамишхоннинг салтанат карвони Сарой Ботию Сарой Берканинг тожу тахт манзилидан дўнмас бўлиб кетгач, Олтин Ўрда осмонида амир Идику ва Темур Қутлуғларнинг юлдузлари порлади, шаҳзодам. Темур Қутлуғхон ва Идику Манғитнинг бутун уруғ-аймоғи,



хешу акраболари бу тантанали ва қутлуғ даму дақиқани тўрт кўз ила беклардилар. Улар қўриқчисиз қолган хирмонга ёпирилган қушлар галаси каби Дашти Қипчоқ мулки давлати, тожу тахтига тармашдилар.

– Бобом ҳазратлари Тўхтамишхонга қарши савашнинг сўнгига қадар амир Идику ва чингизий ўғлонларни ёнларида олиб юрганларми? – сўради Халил Султон Туркмонийнинг ҳикоясини диққат-ла тингларкан.

– Тўғридир, олийнажот шаҳзодам. Улар ўз мингликлари билан Турон ўрдуси сафида бўлганлар. Амир соҳибқирон ҳазратлари қаршисида тиз чўккан Темур Қутлуғ, Кунча ўғлон ҳамда амир Идикулар Дашти Қипчоқ бошкентига бориб тожу тахтни эгаллаш ниятлари йўқлигини, бу ҳудудларнинг ҳам Турон давлатининг бир парчаси эканлигини айтиб, давлатдорлик ишига рағбатлари йўқлигини кўрсатгандек бўладилар. Ниятларини очиқ сўйламоқдан чўчийдилар. Улуғ хоқонга олий ишоратлари жорий бўлса ўз овулларига бориб, ҳараму мол-мулкларини кўчириб келишга изн бермоқликни сўрайдилар. Султон соҳибқирон улар рижосини инобатга олиб, ҳукмнома ва ёрлиғлар ёзишга амр этадилар. Бу йўлхату фармойишга кўра ҳеч кимнинг ушбу кишилар хонадонлари ва элларига дахл қилмаслиги амр этилади. Улар тезликда аҳли аёллари ва уруғ-аймоқлари билан қайтиб келиб, янада кўпроқ илтифотларга сазовор бўлишларига қарор қилинади. Булардан улуғ хоқон ҳазратларининг шарафли суҳбатларига кўп бора мушарраф бўлган, сафар ва кўнимларда эҳсону совринларига сазовор бўлган, нарду шатранж ўйинларида кўп кунларни бирга ўтказган, ўз эл-улусида тархонлик ҳукмини олган Кунча ўғлон қайтиб келади, холос. Кунча ўғлон улуғ амир ҳузурларига қайтганининг бешинчи

## Нурали ҚОБУЛ

---

кунда Темур Қутлуғ ўғлоннинг Дашти Қипчоқ тахтига ўтирганлиги хабарини олади.

– Айтишларича, буюк бобом ҳазратлари Олтин Ўрда тахтини Кунча ўғлонга бермоқчи бўлган дейдилар. Бу гап тўғрими ёки?..

– Ожиз фикримча, бобонгиз ўғлонлардан ҳеч бирига бу ҳақда очиқ-ойдин сўйламаган дейишади. Менимча, улуғ хоқон вазиятга кўра иккисидан бирини танламоқ ниятида бўлганлар. Буни пайқаган ақлли ва тажрибали амир Идику ўзи танлаган хонзодани тахтга ўтқазмоқ учун отини қамчилаган. Ким хонлик тахтига ўтирмасин, ҳукумат манғитларда, амир ул-умаролик худди отаси амир Балтичоқ каби ўз қўлида бўлажагига қатъий ишонган амир Идику учун ақлли Кунча ўғлондан кўра етовга ўрганган Темур Қутлуғ маъқул кўринган. Бу ерда ишлар тескари кетган. Одатда хонлар ақлли амир ул-умароларни хуш кўрмайдилар. Бунда хонни амир Идику танлаган.

– Сўнгра Кунча ўғлонни ҳам бир кечада қочиб кетган дейдилар?

– Тўғридир, шаҳзодам. Кунча ўғлон улуғ хоқон қароргоҳларига тахт илинжида қайтиб келган. У ўзи каби Темур Қутлуғ ва амир Идикуни ҳам хоқон ҳузурига қайтиб келади. Сўнги машварату маслаҳатда хону амир ул-умаро масаласи ҳал бўлади деган умидда қайтган. Акс ҳолда у ҳам бирор-бир овулу қасабада ўз чодирдавлатини эълон қилиши мумкин эди. Қайд этганингиз каби Кунча ўғлон тун кечаси ясовулу қоровуллар кўзини шамғалат қилиб қочади.

– Бобом ҳазратлари бу воқеаларга қандай муносабат билдирдилар? – сўрамоқда давом этди амирзода.

– Зотан, амир соҳибқирон зоти олийлари уларни

муносиб равишда Дашти Қипчоқ сари йўлчи этмоқ ни-  
ятида бўлганлар. Улар қайтиб келгач, қўлга тушган  
ғаниматлардан берамиз дея уюр-уюр от, сурув-сурув  
қўю эчкиларни, тахлам-тахлам матоларни ажратиб  
қўйганлар. Менимча, амир Идику Дашту Қипчоқ тахти-  
га Тўхтамишхон ёки Ўрусхон авлодларидан бирини  
ўтқазиб қўйишларидан чўчиб байталини қамчилаган  
ва сиёсий нуқтаи назардан тўғри қилган. Тахту салта-  
нат пойгасида отни қамчилаб манзилга тез етиб борган  
киши мақсаду муддаога эришади. Кечиккан киши ҳар  
нарсадан қуруқ қолади.

– Бу иш бошимиздан кечди, устоз. Биз ҳам отимиз  
жиловини қўйганча улуғ бобомиз тахту салтанатига  
эришдик. Бироқ мулки давлатга эришмоқ бошқа экан,  
уни қўлда тута билмоқ бошқа экан, – деди шаҳзода  
суҳбатдошининг маъноли гапларидан қора терга тушиб,  
тушкун ва ҳирқироқ овозда. – Бизнинг бошимизга туш-  
ган кунлар ва салтанат сурмоқ тарихимизни эшитган-  
дирсиз?

– Эшитдим, шаҳзодам. Вақти-вақти билан раҳматли  
қиблагоҳингиз Мироншоҳ Кўрагон подшоҳ ҳазратлари  
оту одам юбориб, суҳбатларига чорлаб турардилар...

– Падари бузруквор ҳазратлари билан ҳам суҳбат-  
лашганмисиз? – ҳайрон бўлиб сўради шаҳзода оти жи-  
ловини тортиб тўхтатар экан.

– Кўп бора гурунглашганман, улуғзот шаҳзодам. Зо-  
тан, буюк бобонгиз ҳузурларида суҳбатларининг кўп  
бора гувоҳи бўлганимни айтдим.

– Сиз каби бобо ва отақадрдон ёнларида отда  
эмас, пиёда юришим керак экан, – деди Халил Сул-  
тон кўзи ёшовлаб. – Мен қиблагоҳимни уч бора кўриб  
суҳбатлашганман. Сўнг ўн йилда ҳечам учрашмоқнинг

имкони бўлмади. Шу қадар афсусу армондаманки, буни сўз ила ифодаламоғим мушкулдир. Узр, устоз. Ҳикоянгизни бўлдим. Сўзингизда давом этинг, – дея оти жilовини силкиб йўлда давом этди Халил Султон.

– Амир Идику ҳақидаги саволингизни сўнгига қадар жавоблантирайин, шаҳзодам. Агар изн берсангиз, сиз олийнажот амирзодам ҳақидаги фикримни сўнгра сўйляяжакман.

– Мамнун бўлар эдим, – деди Халил Султон сергак тортиб.

– Улуғ амирнинг сўз ва вафо инсони эканлигини билган амир Идику вазиятни юмшатмоқ, султон соҳибқирон кўнглини эритмоқ учун узрхоҳлик билан совға-саломлар-ла мактуб битиб, элчи юборади. Хотирам алдамаса мактубининг маъноси шундай турур: “Эй мавлоно, улуғ амир ҳазратлари! Кечаги гап бугунга тўғри келмас деганларидек юртимизга келгач, вазиятнинг оғирлиги, боши эзилмаган отадушманим Тўхтамиш хавфи ҳали-ҳануз мавжуд эканлиги маълум бўлди. Биласизким, у менинг отам, Ўрусхоннинг амир ул-умароси амир Балтичоқни қатл этгандир. Мен сиз олий зот хоқон ҳазратлари ёнларида туриб, унга қарши курашдим ва Жўчихону Ботухон тахтидан ўзининг улоқтирилишига шоҳид бўлдим. Тангрининг инояти билан фақат сиз каби улуғ бир жаҳонгирнинг элидан келажак иш эди. Бу чексиз ҳиммату марҳаматингиз олдида барчамизнинг бўйнимиз қилдан-да инжадир. Ва не қадар хизмат этсак-да, оздир. Отадушман Тўхтамиш фалокат дарасига улоқтирган бу қонли қирғин матосини мени тўқиган дея захн этади. Шул боис биз ота маконларимизга етишиб, яшамоққа қарор бердик. Зоти олийларининг ҳимматли раъйлари ҳамма нарсадан юксакким, унга амал қилмоқ куллари учун энг аъло ишдир.

– Амир Идику силлиқ сиёсат юритиб улуғ бобом элларидан сирғалиб чиқиб кетган экан-да?

– Айнан шундайдир, шаҳзодам. Бобонгиз ҳазратлари уларни ўз ҳолига қолдириб, Самарқандга қайтдилар. Улар орасида бўлиб ўтган сўнг мулоқот шундан иборатдир. Бироқ унинг элчилари божу хирож, совғасаломларни мудом бошкентга етказиб турганлар. Энди ижозатлари ила боя сўз берганим, зоти олийларининг Самарқанд салтанати хусусидаги фикримни сўйласам.

– Сўйланг, устоз, сўйланг, – деди шаҳзода оти жловини силкиб суҳбатдошига янада яқинлашар экан.

– Ҳиммати баланд, марҳамати юксак инсонларнинг ғам-қайғуси кўп бўлади, шаҳзодам. Буни яхши билган султон Маҳмуд Ғазнавий жони узилгунга қадар олтину жавоҳир тўла хазинасидан бирор-бир хурушни ҳам ортиқча сарфлаб, ҳеч кимга бермаган. Сиз эса султон ишининг тескарисини қилгансиз. Салтанат хазинасининг таги кўриниб қолганлигини билган суворийу сипоҳий, амиру маъмур, табиийки, ўзини ўзгача тута бошлайди. Боиси, у оладиганини олиб бўлган. Энди сиз уларга ҳеч нима беролмайсиз. Уларга оқизиб эмас, томизиб турмоқ керак эди. Бобонгиз ҳазратларидан қолган хазинанинг камида учдан иккисини асрашингиз лозим эди. Ҳар қандай ҳукмдор давлат тепасида фақат мол-мулк билан туриши ва тожу тахтини асраши мумкин. Хазинангиз бўшаб қолганини кўргач, ҳатто маликалару авлодларингизнинг-да сизга бўлган муносабати ўзгаради. Орқангизда нон еб, кун кўриб юрганларни эса қўяверинг. Ғанимларингиз ана шу фурсатни беклаганлар. Сизнинг суворийу сипоҳийга маошу улуфа тўлаб, ўзларига қарши савашга йўллай олмаслигингизни билганларидан сўнг ҳужуму атакага ўтганлар. Илгаригиси каби манфаатдор бўлмаслигига ақли етган амиру маъмурин-

гиз ҳам пайт пойламоққа тушган. Мулки давлатингиз жойида бўлганидагина қиличу қушамингиз ўткиру кескир бўлади. Фикри ожизимда қусур бўлса сўйлай билурсиз? Қимматинг – ҳимматинг қадардир, дейдилар. Бироқ бу ҳиммату марҳаматни ҳам ўз қадри қимматини билганга қилиш керақдир, азиз шаҳзодам.

Туркмонийнинг сўзларидан лол қолган Халил Султоннинг тилига калима келмади. Ўйга толганча бошини маъноли соллаб суҳбатдошининг сўзларини маъқуллади.

Кўшин навбатдаги тунаш манзилига яқинлашган эди. Юртчи ва фаррошлар шаҳзода чодирини учун жой танлашга киришган, ўнликлар бир-биридан айрилганча чодирларини тикламоқ учун тарқалишарди.

– Қаршимиздан усмонли султонининг хоқони саид ҳазратлари ҳузурларига бораётган элчиси амир Темуртош келаётган эмиш. Сиз ила кўришиб, суҳбатлашмоқ истакларини билдирибдилар, – деди юзликларни айланиб келган Қулмон Қиёт. – Сизни шахсан танир эканлар.

– Кўп яхши-да. Бу йўлчилик биз учун қутлуғ келди. Устоз Туркмоний каби бир алломаи жаҳон ила суҳбатлашмоқ шарафига ноил бўлдик. Амир Темуртошни мен ҳам яхши биламан. Амир Шайх Рамазон ила бир муддат бобом ҳазратларининг кўноқлари бўлгандилар. Кониғилдаги тўй маросимларида суҳбатлашган эдик. Ҳамон таълимот беринг! Мусофиримиз шарафига улкан чодир тикилиб, зиёфат тартиб этилсун! – амр берди Халил Султон. – Ва меҳмонларимиз учун муносиб ҳадялар ҳам ҳозирласунлар!

Кўчма масжид минорасидан муаззиннинг шом намозига чорлаган азони эшитилди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

*Буюк Темурнинг узангисини тутиб туриб, отига минишига кўмаклашсам, ўзимни бахтиёр ҳис этардим. Турк дунёсида Темурдан буюк инсон йўқдир.*

**ОТАТУРК**

Намозда Туркмоний имом ўтди. Амирзода меҳмон билан яна юртчилар ўрнатган чодир ўнгидаги саҳнга келдилар.

– Ҳиротга бориб хоқони саид амакимиз саройларида хизмат қиласизми, устоз? – сўради шаҳзода диний ва дунёвий илмларда ҳам билимдонлиги сезилиб турган Туркмонийдан.

– Мен раҳматли амакингиз амирзодаи шаҳид Умаршайх мирзо ҳазратлари ила дўст эдим, шаҳзодам. Ўзлигини таниган шахсиятлар, олиму уламолар парвона каби ўзларини саройу қасрларга уравермайдилар. Ҳукмдорлар муруввати, ҳиммату марҳаматига сазовор ўлмак умидида улардан иликли суяк бекламай, орадаги ахлоқу одоб девори, мавқе ва мартаба масофасини сақлайдилар. Бир оз узлатга чекиниб, ўзлари суйган ва лаззат туяжак иш ила машғул бўладилар. Подшоҳлар ила муносабатга киришсалар-да, ғурур ва шарафларини сақлаган ҳолда давранадилар. Ҳукмдорлардан ҳар замон ҳам адли адолат, ҳақу ҳақиқатни беклаб бўлмайдди. Улар мудом яхшилик ва ёмонлик сувлари қоришган наҳру баҳрларда сузадилар. Нафу зарарни чуқур айириб ўтирмай, ҳиссий ва кайфий туйғулар ила амри фармон бераверадилар. Баъзан ҳақиқий гуноҳкор ва жинойтчиларни жазоламай уларга ҳиммату марҳамат кўрсатади-



лар. Асил инсонлар қолиб, хоину мунофиқларга илтифот этадилар. Боиси, одилу оқил, имони басаломат шахсиятлар ҳукмдорларнинг жабру зулм акс этган амрларини ерига келтирмоқдан бош тортадилар. Сотқину асил мунофиқлар эса подшоҳ зотидан худди ана шундай разил буйруқлар беклайдилар ва унинг бу хоҳиш-истагини амалга оширганликлари учун рағбатлантириладилар. Бундай пасткаш, тубан кимсаларнинг ҳаётлари, тирикчилик манбаи ана шундай, жаллодона ишларни амалга оширмоқ устига қурилган бўлади.

– Бу фикрингиз одилу золим барча ҳукмдорларга тегишлими? – ҳайронлик-ла суҳбатдоши гапини бўлди шаҳзода.

– Ҳаммасига тегишли, амирзодам. Шунинг унутманг-ким, бу жоҳилият замонасида юзда-юз одилу адолатли ҳукмдор – анқонинг уруғидир. Жамоа комиллигу фозиллик сари одимламас экан, ундан том маънода оқилу доно ҳукмдорлар етишиб чиқмоғига кўз тикиб бўлмайди. Кўр жамоанинг подшоҳи кўр, ғўр жамоаники ғўр, ўр жамоаники ўру ўжар бўлади. Ўрлигу ўжарлик – жоҳиллигу нодонликнинг онасидир. Буни еринг қай ранг бўлса, илдининг шул ранг дейдилар. Ҳар қандай подшоҳ руҳиятида манманлик ва шуҳратпарастлик етарли қадар томир отган бўлади. Улар табиати сув билан ўт устида кезиб юради. Кўп мамлакатларда юксак ҳурмат, обрў-эътиборга сазовор улуғ шахсиятларнинг хоин ва ватансотарларга бериладиган жазоларга тортилиб, мол-мулки мусодара этилиб, юртдан бадарға бўлганларини кўрдим. Ғазаб ва меҳрибонлик ҳар доим калому фикрда зоҳир бўлади. Подшоҳлар қулоғи мудом ёқимли, юмшоқ, майин ва гўзал сўзларни эшитмоқни истайди. Бир мўғул хонига севимли оти нобуд бўлганлигини бир ҳафта да-

вомида айта олмаганлар. Боиси, сўйласа боши кетади. Бизнинг саҳройи ҳукмдорларимиз шундай, шаҳзодам. Улар учун инсон қадр-қиймати тўрт оёқли бир жонивор-чалик ҳам эмас. Бундай нохуш ҳолатларни кўравериб, саройлардан узоқроқ турмоқни таржиҳ этамен. Очиқ ва танқидий фикрларим учун қусурга боқманг. Бўлганим каби кўринган бир кишиман. Подшоҳлар ила яқиндан тиллашгандан кўра, олисдан кишнашган маъқулдир. Улус бошига эса ўзи муносиб бўлган ҳукмдор келиб-кетаверади. Унинг келиб-кетиши атрофини ўраб тахтга ўтқазган беш-ўн нафар манфаат қулларини қизиқтириб, иштаҳасини карнай қилади. Оми халққа эса барибир. Ким келиб, ким кетаётганининг фарқига ҳам бормайди. Унинг дарди кўмочу кавушдадир.

Гапини якунлаган меҳмон фикрларим билан шаҳзодани шошириб қўймадимми дегандек, қўл қовуш-тирганча суҳбатдошининг қош-қовоғига қаради.

– Ғоят теран ва мушоҳада этилгувчи тушунчалар, устоз. Боя, оти учун мулозимларини ўлимга ҳукм этмоқчи бўлган хон ҳақида ҳикоя эта билурмисиз? Унинг кимлиги сизга маълумми? – сўради шаҳзода.

– Маълумдир, олийнажот амирзодам. Ижозатингиз ила сўйлай билурман.

– Сўйланг, сўйланг, – деди Халил Султон суҳбатдошидан мамнун оҳангда.

– Бу воқеа Султон Муҳаммад Ўзбакхон хондан сўнг ота тахтига ўтирган Жонибекхон даврида бўлиб ўтгандир, азиз шаҳзодам. Жонибекхоннинг Суқсур номли тозисифат оти бўлган. Отларга ўлат келади ва бу хушқомату карамли жонивор ҳам озиб, ҳолдан тойиб, узала тушиб ётиб қолади. Амири охур эса ҳар куни салтанат отларидан “фалон-тугун отлар ўлди” дея хонга

хабар берар экан. Суқсурнинг хасталигидан хабар топган Жонибекхон хотирини кудурат босиб, қаҳри кўзиб, “Суқсурни ўлди дея хабар етказган кимсанинг танасини икки нимта қилгум!” дея ҳайқиради. Ниҳоят кўрқилган фожиа юз беради. Суқсур жон таслим қилган ва нариги дунё яйлови томон йўл олган эди. Амири охурнинг шом туби қоронғу бўлади. Кириб бу фалокатни хонга айтса, руҳи Суқсур ортидан адам саҳроси томон равона бўлгуси аниқлигини билиб, ўйлай-ўйлай хон суҳбатларининг гултожи, донишманд амир Тафтазоний ҳузурига боради. Воқеа тафсилотини баён этади. Хонга саломга кирган амир ўз ўрнига ўтиради. “Суқсурдан не муждалар? Хабар олиб турибсизларми?” Хоннинг илк сўрови шу бўлади. Ўрнидан туриб тиз чўккан амир хонга мурожаат этади: “Улуғ хон ҳазратлари! Умрингиз боқий, тахти давлатингиз абадий бўлғай. Иттифоқо, ахтахона дарвозаси олдидан ўтар эканман, беихтиёр юлдузмисол Суқсурингизга кўзим тушди. Жонивор ажойиб одат пайдо ва ғаройиб йўл ихтиро этибди. Ем-хашак емайди. Сув ичмайди. Ухлаб, ҳаракатсиз ётади. Нафас ҳам олмайди! Ҳайрон бўлдим!” Энсаси қотган подшоҳ кулиб дебди: “Эй ақлли амир! Нелар демоқдасан? Гапинга қараганда Суқсур ўлибди-да!” Амир яна таъзим бажо келтириб: “Сиз зоти олийлари бу мудҳиш хабарни айтиш йўлини таҳдид ва кўрқитиш тўсиғи ила боғлаб қўйган эдингиз. Илло, алҳамдуки оқибатда ўзингиз шу маънидан хабар бердингиз ва ўша сўзни тилга олдингиз. Бу мушкулотни мулозимларингиз узаридан кўтардингиз! Оллоҳ зоти олийларидан минг карра рози бўлсин!” Амирнинг тадбири ва зарофатидан мамнун бўлган Жонибекхон узоқ кулиб дебди: “Суқсурни кафанлаб қабрга қўйинглар! Таъзия оши беринглар!” Сиёсат де-

гани мана шудир, улуғзот шаҳзодам. Ҳар қандай олий даражадаги тўғри, ҳақ гапни ҳам ҳар ерда ва ҳар кимга айтиб бўлмайди. Айниқса, бу тўғри сўз ва адолатли фикрни тингламоқ ва амал қилмоққа подшоҳу унинг атрофидагилар тайёр эмас экан. Ҳукмдорлар нодон ва ёлғончиларнинг олди-қочди гап-сўзларига эътибор бермайдилар. Аксинча, бундайларнинг ўргимчак каби атрофини ўраб, ғимирлашларига қўйиб беради. Бу нодонлик денгизи ва куни учун кул ташлаган оломон уммонида ўзини оқилу доно санайди. Роҳатланади. У бу номукамал яратилганни уриб-тергаб, осибу бошини кундага етказиб яшамоқдан лаззат туяди ва буни ҳукмдорлик қоидаси дея талқин этади. Унинг учун энг хавфли одамлар – жиддий, эл эътиборини қозонган, адли-адолатли, мукамаллик сари интилган бутун шахсиятлардир. Сабоби, бу кишилар ҳукмдорнинг элию виждони не қадар қонлигини барчадан кўра аниқ-тиниқ тасаввур этадилар ҳамда ҳеч қачон кечирмайдилар. Келажак авлодлар ҳам бу золимларнинг ким эканлигидан айнан ана шу шахсларнинг битиклари орқали хабар топадилар, – дея сўзини якунлади. Туркмоний қошларини чимирганча фикрини англатаркан. – Ҳаётни унвону рутба, мулки бойлик дея англаувчилар эса ваҳимаю васваса билан бошларини саройлар остонасига ураверадилар. Шундай хону хоқонлар борки, шаҳзодам, улар элидан унвону соврин олмоқ шарафдир. Шундайлари борки, алар марҳаматига сазовор бўлмоқ буюк ҳақоратдир ва ҳаромдир.

– Жуда оғир сўзлар сўйладингиз, устоз, – деди Халил Султон ўйга толганча фикрларини бу қадар очик ифода этгувчи Туркмонийга синчковлик-ла боқаркан.

– Ҳақу ҳақиқат, адлу адолат оташи кишини ёмон куйдиради, шаҳзодам. Унга тоб бермоқ учун киши кўкайида

ҳам ана шундай бир адолат ва олижаноблик қуёши бўлиши керак. Ана шу икки нурнинг туташган жойида буюк бобонгиз каби улуғ шахсиятлар етишиб чиқади. Куни учун кул ташлагувчи, бир парча эрмак пешида қўшгувчи ўлим бандалари бу ҳақда ўйлаб ўтирмайдилар. Мен сиз олийнажот амирзодам ила кўришмоқни бобо тахтига соҳиб чиққанингиздан бери ният қилган эдим. Кўктошда ўтирганингизда дийдорлашмоқ насиб этмади. Хуросоннинг бир даштида отамлашмоқдамиз. Модомики, бугун эрта видолашиб айрилар эканмиз, неники истасангиз сўранг. Мен сайёҳ тарихчи ва битикчи зоти олийларига кўра анча-бунча кўйлакни кўп йиртганман. Ва унутманг-ким, туркнинг туркдан ўзга дўсти йўқдир. Кучлиларни севмайдилар. Қўрққанларидан, ўлганларининг кунидан қош қайирмай сўзларига кирадилар. Кимга ният, кимга қисмат дегандек, сиз ҳам тақдир тақозоси ила ота яғий ўлкаларга қадам босмоқдасиз. Бир эмас, ўн карра диққатли ва эҳтиёт бўлмоғингиз ижоб этади.

– Бошим қотиб қолди, устоз. Илгариги бек ва кўмондонларим пароканда бўлиб кетдилар. Подшоҳ амакимиз қўшин бериб, Ироқи Ажам ва Озарбайжон сари йўлладилар. Самарқандда қолмоғим не қадар мумкин бўлмаганидек, доруссалтана Ҳиротда ҳам қола билмаслигим кундай равшан эрди. Саройдаги амиру маъмур, ҳар кас менга шубҳа ва гумон-ла боқарди, – ичини ёрди шаҳзода.

– Бу табиий ҳолдир, амирзодам. Амакингиз турар экан, сизнинг бобо тахтига ўтиришингизни кўпчилик ҳазм эта олмади. Бунинг устига валиаҳд Пирмуҳаммад муаммоси. Бундай қалтис, бугундан эртага не кори ҳол юз бериши номаълум вазиятларда жуда камдан-кам кишиларгина тез ва тўғри қарор қабул эта билмадилар. Давлат зақосию салтанат англайиши дегани ҳам шудир асли-

да. Ўн минг, балки юз мингдан бир одам бунинг фарқига борар балким. Амакингиз, хоқони саид ҳазратлари сизга кўра бу тожу тахтга бир неча қадам яқин эрдилар ва сизнинг тўрт йил бурунги иқтидор мужодалангизни ҳазм этиб, кечира олмайдилар. Унутмангким, шаҳзодам, хавфу хатар, тожу тахтлар-ла баробар юради. Ота-боболардан қолган ўша эски гап. Давлат бошга ёки қузғун лошга қўнади. Сутдан оғзи куйган қатиқни-да пуфлаб ичади. Улуғ бобонгиз ҳазратлари билан бу ҳудудларни не қадар кезган, жангу жадалларда иштирок этган бўлманг, синалмаган сувларда сузиб қулоч отмоққа тўғри келади, шаҳзодам. Бу қавмлардан ҳеч қачон асл дўстлик, сидқидил садоқат бекламанг. Булар бошда бирлашиб яғий билан, кейин ўртадаги бетарафлар, сўнгида ўз-ўзи билан савашади.

– Хуллас, бир манзилга етиб, не тарзда сиёсат юргизмоғимизни тавсия этасиз, устоз. Мен сизнинг самимиятингизга инонурмен ва маслаҳатларингизга юзда-юз амал қилурмен, – ўйчан нигоҳ-ла суҳботдошига боқди Халил Султон.

– Ётники ёндан, ўзники жондан дегандек аввал бошда ўз қондошларингиздан эҳтиёт бўласиз, шаҳзодам. Душмандан бир, дўстдан минг ҳазар этмоққа тўғри келадир. Бобо душманларингиз Қора Юсуф ва султон Аҳмад Жалойир ҳамда унинг авлодлари билан самимий, дўстона муносабат ўрнатмоқ жаддида бўлинг. Эски гина-қудуратларини унутинг. Зеро, уларнинг ҳам ёши бир жойга бориб қолган. Сиз каби бобо тахтида тўрт йил ўтирган номдор темурийзода билан тўқнашмоққа иштиёқманд эмаслар. Яна шуни диққатга олишингиз жоиз бўладики, бўркни буроқиб, бўридан берида туролмайсиз. Бу қари бўрилар султон соҳибқирон ҳазратларидан сўнг бош кўтариб, ўзларига келиб, эркин нафас олиб қолдилар.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Сиз Самарқанддаги қордан қутулиб, Эрондаги бўронга бормоқдасиз, шаҳзодам. Итлар ойдинда қутуради. Бўрилар эса бўронда. Бу бўрилар қариса ҳам бир кўйни эмас, бир отарни олади. Шул боис хешу ақрабо, ёту бегона, кимса ила яғийлик мақомида турманг. Бобо тахтига ўтирганингиздан сўнг номингиз, шону шуҳратингиз Чину Миср, Ҳинду Сақлабга қадар етиб борди. Шуҳрат эса офатдир. Ёту яқин, барча бирдек сиздан чўчийди, ҳайиқади. Бунинг устига бораётган ўлкаларингиз давомли равишда таланиб, хароби чиққан бир аҳволдадир. Таланган элдан эса тариқ олинмас, шаҳзодам.

– Ғоят қимматли маслаҳатларингиз учун ташаккур, устоз. Жон қулоғим ила тингладим. Ўғитларингизга эҳтиёж туйсам, ҳузурингизга одам юборурман, – деди ўзлари томон келаётган усмонли элчиларига кўзи тушгач суҳбатдан тўхтаб амирзода. – Гурунгимизни кўноқларимиз ила баробар давом эттиргаймиз. – Буюк бобом раҳматли бир бўри ўлгани билан сурув омон яшамас, деган ота сўзини кўп такрорлардилар.

Амир Темуртош шаҳзода томон бола каби ҳўнграб йиғлаб келарди.

– Шундай улуғ инсон ва дўстдан айрилдик-а, шаҳзодам! Бундай жудоликларда еру кўк ҳам йиғлагай! – дея кўзда ёш ила Халил Султонни бағрига босди усмонли амири Темуртош.

– Хуш келдингиз, сафо келдингиз! Сиз каби бобо қадрдон улуғ зотни қаршиламоқ биз учун ҳам буюк бир шарафдир! – дея мусофирни илиқ қаршилади шаҳзода.

– Ҳаёт шу экан-да, шаҳзодам. Бу бевафо дунё ҳеч биримизга вафо қилмас. Улуғ хоқон ҳазратлари тамоми турк улусининг шаъни шарафи, шавкату ифтихори эрдилар. Ҳаёт, умр дегани шу экан. Йиғлаганнинг мул-



ки, кулганга мол ўлмас эркан. Дунёни суяб турган эрсангиз-да охири бир кун омонатни эгасига топширасиз. Улуғ хоқон ҳазратларини яратган ғани-ғани раҳмат этсин! Сизга ўзим ила келаётган мана бу шаҳзодани танитайин, – дея Халил Султон билан самимий кўришиб сўрашган қирқ ёшлар чамасидаги оқ сариқдан келган, қирғий боқишли паҳлавон келбат кишига қаради амир Темуртош. – Бу авлодимиз қора турклар султонлигининг илк хоқони Эретнабек авлодларидан Эровул Эретнадирлар.

– Анқара савашада Турон ўрдуси томонга кечган қора туркларимиз подшоҳлари денг, – меҳмонга қизиқсиниб боқди шаҳзода.

– Айнан шундайдир, шаҳзодам. Темурийзода авлодларимиз ила танишмоққа орзуманд эканлар. Менинг Туркистон сари йўлга чиққанимни туйиб, йўлда қаршиладилар. Ва баробар сафарни давом эттириб, остоналарига етишмоқ шарафига ноил ўлдук, – дея назокат-ла таъзим этди усмонли элчиси.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Биз сиз каби улуғ бобоқадрдон ва бободўсти инсонни кўрмақдин шараф туйдик. Шаҳзода Эретнабек ҳам хуш келибдилар. Қоратурк улусининг бизга кўрсатган сидқу садоқати, ҳал қилувчи онлардаги қатъий қарорини юксак қадрлаймиз. Бироқ уларни Туркистонга кўчириш фармони янглиш бўлган экан. Кўп азоб-уқубат чекдилар. Улардан аксар от-уловли, ўзига тўқлари Хоразм орқали юртларига қайтганлар. Қардошларимиз Сивос яйловларига қайтиб боргандирлар? – сўради Халил Султон кўноқларни суфра ҳозирланган хос чодирга бошларкан. – Суҳбатимизни ошлоқ атрофида давом эттирамиз.

Мусофирларни тўрга таклиф этган шаҳзоданинг ўзи кўйироққа ўтирди. Бу мутавозе муносабатдан мутаассиб

бўлган меҳмонлар қозон патиру қотирма, товоқларга терилган ҳусайну узуму анор ва олма, қовун-тарвуз сўйиб, коса қилиб қўйилган дастурхонга қўл узатдилар. Сўнгра қайнатилган оту бузоқ эти ва шўрваси келтирилди. Соқийлар мешлардан шубат ва айрон қуйишарди.

– Емак еб қорнимиз тўйгандай ва қайғумиз кетгандай бўлди. Энди бемалол тановул этиб, суҳбатлаша билурмиз, – деди шаҳзода шубат тўла тол косани қўлига оларкан. – Қора туркларнинг усмонли тупроқларидан Туркистонга кўчирилиши ва уларнинг яна ўз юртларига қайтишларини муҳокама этаётгандик, – шаҳзода Эретнага юзланди Халил Султон.

– Мендан уларнинг Сивосга етиб борганликларини сўрадингиз, шаҳзодам. Янглишмасам, уч юз оила етиб борган. Бироқ улар мамлакатнинг Эрон билан чегарадош ҳудудларида яшаб, усмонли тахтини ким эгаллаб, иқтидор кимнинг элига кечажагини бекламоқдалар. Туркистондан ул тарафга дўниш давом этмоқда. Яна қанча хонадон қайтади, қанчаси қайтмайди, буни худо билади, шаҳзодам, – Халил Султоннинг саволини жавоблантирди Эровул Эретна.

– Бу иш бошда янглиш бўлган. Амир Боботурқдан бошқа ҳеч ким қоратуркларнинг Туркистонга кўчирилиши хато эканлигини улуғ бобом ҳазратларига айта олмаган. Йўлда ҳам уларнинг бир қисми ҳалок бўлган. Юртларига қайтишлари муносабати билан бу фожиа қайта такрорланди.

Амирзода Халил Султон ҳеч ким сўйлай олмайдиган, улуғ хоқоннинг бир оғиз гапи билан амалга ошиб кетган қоратурклар фожиаси тўғрисидаги ҳақ гапни айтган эди.

Шаҳзодадан бу фикрни кутмаган қўноқлар не деяжакларини билмай сукутга толгандилар. Бу жимликни яна амирзоданинг ўзи бузди.

– Эретнабек ҳақида буюк бибимиз бизга эртак айтиб берардилар. Эртакнинг тўрт қатори ёдимда қолган. Айтайин-чи, хатоси бўлса тўғрилайсиз, – деди Халил Султон Эретнага қараб. – Эретначўкки уйдаи, олмос қилич белдами, қарағай найза қўлдами!

Шу ер юзи ер майдони,  
Кўнгил севмас ҳар майдонни.  
Юраксизга йўрган тўшак,  
Эр йигитга бер майдонни.

– Тўғри айтдингиз, – деди шаҳзода Эровул амирзоданинг ўз буюк бобоси ҳақидаги бу айтувни билганидан ҳайратланиб.

– Исм ва ота отларингиз ҳам ғоят гўзал ва эски туркчамизда Эровул Эретна. Биз каби арабу форслар таъсирига берилиб кетмагансиз. Лutfан Эровул сўзининг маъносини англатасизми?

– Бизда эровул деб кўшиндан олдин бориб, кўноқ учун жой ҳозирлагувчи кишига айтилади, улуғ шаҳзодам. Эровуллар илғор вазифасини ҳам бажарадилар. Бир сўз ила айтганда лашкарнинг олдинги қисмларидан-да илгари боргувчи суворийлардир.

– Бизда ҳам бу атама ишлатилади. Юртчи, юртовул ҳам деймиз. Қаранг-а, не қадар бир-биримиздан узоқдамизу, бироқ бир тилда кўнишамиз. Янглишмасам, Эретнабек Халокухоннинг Анатолиядаги бош ноиби бўлган ва сўнгра ўзининг мустақил беклигини ташкил этган. Агар билсангиз шу ҳақда ҳам бир оз билги берсангиз? – деди шаҳзода мусофирларга бир-бир боқиб.

– Шаҳзодамиз Эровулбей ота тарихларининг чўх ийи билимдонидирлар. Ишончим комилки, қардошимиз бу

кўнуда мендан кўра кўпроқ билгиларга соҳибдирлар, – саволни Эретнага узатди амир Темуртош.

– Буюк бобомиз Эретна ўн йил чамаси Халокуйларнинг бош ноибни ўлароқ хизмат этадилар. Халокухон салтанатида бошланган тўс-тўполонлар оқибатида бобомиз уларга бўйсунмоқдан бош тортадилар. Беш йил чамаси мустақил ҳукмронлик қилгач, яна беш йил Миср мамлукларига итоат этмоққа мажбур бўладилар. Қайтадан мустақилликка эришгач, ўзларини султон, Сивосни бошкент эълон этадилар. Сўнгра пойтахт Қайсари шаҳрига кўчирилади. Улуғ бобомиз ўз султонликлари мавқеини мустаҳкамламоқ учун синглисини кўшни Чўпонийлар бегининг ўғли амир Темуртошга беради. Аммаси эса кармонийлар бегининг маликаси бўлгандир. Озарбайжонда мўғулларнинг ноибни бўлган жияни, Темуртошнинг ўғли Шайх Ҳасан, тоғасига бўйсуннишни таклиф этади. Яқин ақрабосидан бундай муносабатни кутмаган султон Эретна рози бўлмайди. Шайх Ҳасан ўзи кўмак этиб тахтга ўтқазган элхоний Сулаймон билан бирлашиб тоғасига қарши савашга киради. Тарафлар Сивас ва Арзинжон оралиғидаги Қаранбуюк манзилида юзма-юз келадилар. Милодий минг уч юз қирқ учинчи йили бўлган бу жангда султон Эретна ғолиб келади. Бу зафар афсонавий бобомизга буюк обрў-эътибор келтиради. Хоқон Эретна Марказий Анадолининг ҳукмдорига айланади. Бу пайтда Эретна беклиги таркибига Анқара, Қиршаҳар, Навшаҳар, Йўзгат, Тўқат, Чўрум, Амосия, Ниде, Қайсари, Сивас, Арзинжон, Арзирум, Самсун ва Кумушхона шаҳарлари караган. Бобомиз Қаранбуюк зафаридан ўн йил сўнгра ҳақнинг раҳматига қовушадилар. Султоннинг васиятига кўра тахтга кичик ўғли Муҳаммад Ғиёсиддин ўтиради. Бундан норози бўлган катта шаҳзода Жаъфар

Эретна қардошига қарши кураш бошлайди. Бироқ енгилиб, Қоҳирага қочади...

– Боя бир отасўзини айтган эдингиз, устоз, – шаҳзоданинг сўзини бўлиб, Туркмонийга қаради Халил Султон.

– Қай бир сўз экан, олийнажот шаҳзодам. Ёш улғайгани сари мия ҳам бир оз суюлиб, хотирада заифлашади, – кибор эди Махдум Туркмоний.

– Зотан, ҳар гапингизнинг иккитасидан бири отасўзию мақол бўлганидан сўнг, табиийки, эслай олмайсиз, – деди кулиб шаҳзода.

– Лутфан хотирлата билурсиз. Қусурга боқманг, – самимий жилмайди Туркмоний.

– Туркнинг турқдан ўзга дўсти йўқ, деган эдингиз.

– Дегандим, шаҳзодам. Не демагингизни англадим. Туркнинг энг катта душмани ҳам турк демоқчисиз.

– Ва бу ҳолатга сиқ-сиқ дуч келамиз. Арабу мўғул топишар, туркка бало ёпишар дегандек, усиз ҳам бизнинг нохайрихоҳу яғийимиз етарли қадардир. Шунга қарамай бир-биримизни емасак туролмаймиз. Буюк тажрибангиз ва законгиз ила буни қандай изоҳ этасиз?

– Қандай изоҳ этсам экан, шаҳзодам, – ўйга толди Туркмоний. – Аймоғи турку туркман бор экан, содда ва сижоқ қонлидир. Мулки давлат элимизга кириб, тахтга ўтирдикми, тамом. Ўзимиздан кетамиз. Оёғимиз ердан узилади. Ҳатто ота-онамизни ҳам танимай қоламиз. Онасини севмагани боласи ҳам севмайди дегандек, авлодимиз ҳам ўзимизга ўхшаб етишади. Беихтиёр экан ҳосилимизни ўрмоққа тўғри келади. Бу феъли атвор, қайноқ турк қонининг вужудда тек турмаслигига энг равшан мисол хоқон Темуру Султон Йилдирим Боязид тўқнашувидир. Аврат ортидан юз берган бу савашда Турон ўрдуси ғалаба қозонди. Бироқ ақчанинг иккинчи то-

монига қарасангиз аслида ҳеч ким зафарга эришмаган. Усмонли салтанати парокандаликка юз тутди. Султон соҳибқирон ҳазратлари Турон мулки сари юзланишлари билан фатҳ этилган ўлкалар бошбошдоқликка юз тутдилар. У тарафларда не воқеа ва ҳодисалар юз бераётгани ҳақида мухтарам амиримиз Темуртош жаноблари сўзларлар балки. Турк туркни эмас, ҳатто қардош қардошнинг хунига зомин бўлмоқда дея эшитдик, — шаҳзоданинг сўровини жавоблантирган бўлди Махдум Туркмоний сўз навбати сизга дегандек амир Темуртошга боқаркан.

— Биз ҳам усмонўғилларининг иқтидор саваши ҳақида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гап-сўзларни туйдик. Бироқ кейинги икки йилда юз берган воқеалардан хабаримиз йўқ. Устоз амир жаноблари сафар мақсадларини билдирган ҳолда у тупроқлардаги сўнги ҳодисалар тафсилотини ҳам сўйлаяжаклар деган умиддамиз, — амир Темуртошга қаради Халил Султон.

— Амри фармон, олийнажот шаҳзодамизнингдир, — дея томоғини қирганча сўз бошлади усмонли беги қулайроқ ўтириб оларкан. — Бироқ зоти олийлари, мухтарам шаҳзодамиздан сўраган Эретна бейлигининг тарихини сўнгига қадар сўйламоғимиз керак. Ундан кейин мен сафаримиз муддаоси ва султон Йилдирим Боязид тахти учун усмонли шаҳзодалари ўртасидаги ғавғога ўтганим маъқулмикан? — бир Халил Султон, бир шаҳзода Эровулга қаради амир.

— Бу тарих хусусида ҳеч биримиз сиз каби билгига эга эмасмиз, устоз. Яхшиси, уни сиз ҳикоя қилиб берсангиз? — дея амирдан рижо этди шаҳзода Эретна.

— Бош устига, азиз шаҳзодам. Билганим қадар сўйлайин. Эксик жойи бўлса тўлдирарсиз. Қайд этганингиз каби тахтга ўтирган ва вояга етмаган Муҳаммадбей

Эретна ўрнига давлатни вазир Алишоҳ йўнатади. Бутун ҳокимиятга эга чиққан Алишоҳ исён кўтармоқча бориб етади. Мамлуклардан кўмак сўраган Муҳаммадбей ғалаённи бостиради. Алишоҳ жангда ўлдирилади. Бироқ бу воқеадан икки йил сўнгра Амосия амири Шодкелди пошшонинг фитнаси билан Муҳаммадбей Қайсариди ўлдирилиб, мурғак ўғли Аълоиддин Али тахтга ўтказилади.

– Анқара жангида Эретнабейнинг бир яқин қариндоши қоратурклар кўшинига бошчилик қилган эди. Бобом ҳазратлари у кишини кўп ҳурмат этардилар, исмларини унутдим. Ким эди у шаҳзода? – сўради Халил Султон.

– Баҳс этдигингиз киши Эретнабейнинг кичик қардоши Бароқбейнинг ўғли Мутаҳҳарбей эди, шаҳзодам. У кишим ўттиз йил мобайнида Арзинжонда ҳукмронлик қилдилар ва улуғ бобонгиз ҳазратлари ҳимоясида бўлдилар.

– Аълоиддин Алибейнинг қисмати не кечди?

– Ёш ҳукмдор қаҳрамон ўғиллари тазйиқига бардош беролмай Сивасга чекинди. Қаҳрамон ўғиллари Ниде, Оқсарой сўнгида Қайсарини ҳам эгаллайдилар. Аълоиддин Али қози Бурҳониддинни вазир этиб тайинлаган. Йигирма беш йил ҳукмдорлик қилгач, Қозиободда ўлатдан вафот этади, ота тахтига етти яшар ўғли Муҳаммад ўтиради. Бироқ кўп ўтмай Қози Бурҳониддин уни четлатиб, ўзини султон эълон этади. Қози Бурҳониддиннинг ўғли бекликни минг уч юз тўқсон саккизинчи йил, султон Йилдирим Боязид босиб олганига қадар бошқаради, шаҳзодам.

– Демак, Эретнабейнинг қора турклар эли эски, ота улус турк уруғи ҳисобланадими, устоз? – Махдум Туркмонийга қаради Халил Султон.



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Айнан шундайдир, шахзодам. Бу уруғни барча турк уруғ-аймоқлари ота уруғ, бош бўғин дея биладилар, – жавоб қилди Туркмоний.

– Ажойиб бир тарих ҳақида ғоят мароқли суҳбат бўлди. Барчангизга ўзимнинг чексиз шукроналаримни билдираман. Ана энди устоз амир жанобларидан усмонли тупроқларидаги сўнги янгиликларни эшитамиз? – дея амир Темуртошга қаради шахзода.

– Шу ўринда бир нарсани қайд этмоқ жоиздир, шахзодам, – сўз олди шахзода Эретна. – Ёшуллиларимизнинг ҳикояларига қараганда Турон юртига босиб келган Чингизхон қўшинида деярли барча турк ва мўғул аймақларидан юзлигу мингликлар бўлган. Бироқ қора турклар билан қирғизлар бу қўшин сафидан жой олмаганлар. Ота юртимизга босқинчи сифатида бормаймиз дея бош тортганлар. Қирғизлар Чингизхон билан мулоқотдан қочиб шимол томон қочганлар. Буюк қооннинг туркларни, ота уруғи саналмиш элни жазолашга қўли бормаган. Бироқ боболарига бўйин товлаганини яхши билган Халокухон уларни алдаб-сулдаб Эронни забт этмоққа кўндирган.

– Бу ҳам ғоят қимматли маълумотдир, шахзодам. Оллоҳ сиздан рози бўлсин! – миннатдорчилик билдирди Халил Султон.

– Яна бир қўшимча. Ота-боболаримиз, яъни турклар ила қирғизлар бир-бирларига отадош ва хундош дея мурожаат этган эрмишлар, – яна сўзида давом этди Эретна.

– Отадош атамасининг маъноси маълумдир. Хундош калимасини не маънода қўлланмишлар?

– Турклар ва қирғизлар мудом бир-бирларини ҳимоя этмишлар. Бирор-бир қирғизни бошқа бир қавм вакили

ўлдирса, турклар бориб унинг хунини олмишлар. Ёки аксинча, туркнинг хунини қирғизлар талаб этмишлар. Шу туфайли улар бир-бирларини хундош атамишлардир, муҳтарам шаҳзодам.

– Англашилди ва бу тарихий ҳақиқатни-да ўрганмиш бўлдик. Демак, туркимсано туркимсан, бошимдаги бўркимсан деган эски айтув ҳам шундан келади.

– Тўғридир, шаҳзодам. Ота улус туркимсан дея ҳам бошланади бу айтув. Яъни уруғнинг бош, ота миллат эканлигига ишоратдир. Катта отангиз, улуғ хоқон ҳазрати олийларининг ҳам бу кўнуда бир фикрларини эшитган эрдик. Ёдингизда бўлса сўйласангиз мамнун қолардик? – рижо этди кўноқ шаҳзода.

– Ҳа, буюк бобомиз ҳазратларининг кўшин қаршисида сарой аҳлига, ҳузурларига келган хорижий мусофирларга мурожаат этароқ сўйлайдиган бир сўзларини барчамиз ёддан билурмиз ва амал қилурмиз.

Халил Султон бир зум фикрини жамламоқ учун тин олди. Ҳаяжондан саси титраганча бобосининг маълум ва машҳур сўзини такрорлади.

– Бизким, малик ул-Турон, амири Туркистонмиз! Бизким, миллатларнинг энг қадими ва улуғи, туркнинг бош бўғинидирмиз!

– Мошоллоҳ! – деди амир Темиртош йиғига ўхшаган ҳасратли оҳангда. – Не қадар киши юрагининг туб-тубларига етиб боргувчи асл миллий ва ватаний сўзлар. Бундай буюк маъною масъулиятни орқалаган, авлодлар йўлини ёритгувчи ва кўзини очгувчи фикрини сўйламак учун ҳам улуғ хоқон Амир Темур бўлиб туғилмоқ керакдир! – овози товланиб кетди амир Темуртошнинг.

– Мошоллоҳ!

– Амакимиз Мутаххарбей Эретна бошлиқ турк ўрду-

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

си шу сўз учун усмонли қўшини сафларини тарк этиб, Турон ўрдуси томонга ўтгандир, шаҳзодам. Усмонлилар туркманнинг қайи бўйи ўлароқ ўзларини Амир Темур каби турк сўйи атамай, Усмонли дея қарайдилар. Бу қараш турк элу элатларини бирлаштирмоққа хизмат этмайди деган андишаданми, – фикрини баён этди Эретна шаҳзадаси. – Ҳатто уларда бизга нисбатан қора турклар дея паст назар билан қараш кайфияти ҳам йўқ эмас.

Халил Султон бу тушунчага не дейсиз дегандек амир Темуртошга қаради.

– Муҳтарам қардошимиз Эровулбек ҳақни сўйлади-лар. Жуда кўп турк уруғлари каби қайи туркманлари ҳам ота юртларидан узоқлашганлари сари арабларга яқинлашиб, янада исломлашиб, илдизларидан чекинишлар юз бергандир. Бу давлатнинг қурувчиси, Усмон ғозийнинг қайнотаси Шайх Эдиболи ҳазратлари таъсирида диний эътиқод ўнгга ўтиб, миллат англайиши ортда қолгандек бўлиши мумкин. Бунинг бирдан-бир сабаби қўшинларнинг дини ислом байроғи остида савашиб жиҳод қилишлари билан боғлиқдир. Зотан, ўқув-ёзуви йўқ жоҳил аскарни фақат шу эътиқод-ла савашга солмоқ мумкин-дир, шаҳзодам. Барча мусулмон ҳукмдорлари шундай қиладилар ва буни тўғри англамоқ керақдир.

Ўйга толган Халил Султон маъноли бош соллади.

Қизғин суҳбатдан ҳаяжонланган мезбону кўноқлар айрон ичиб, бир муддат тин олдилар.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Таланган ердан тариқ олма...*

– Энди сиздан эшитамиз, устоз! Усмонли шаҳзодаларининг кайфи ҳоллари нечукдир? Хотирамда бўлса, Султон Йилдирим Боязиднинг беш ўғлидан тўрт нафари буюк бобом ҳазратларидан ўз вилоятларида ҳукмронликни давом эттирмақликка ёрлик, мурассаъ ва тож олган эдилар. Бу тўрт шаҳзода ўз тахтларида муқимдирлар, иншооллоҳ! – амир Темуртошга боқди Халил Султон.

– Улуғ хоқон ҳазратлари сўйлаганингиз каби тўрт шаҳзода: Сулаймон, Исо, Мусо ва Меҳмед Чалабийларга подшоҳлик нишони берган эдилар. Бешинчи шаҳзода эса Константинополисда Рум императори Мануэл Полиологнинг элидадир. Акаси амир Сулаймон кўмак эвазига кафил сифатида уни румларга топширган.

– Улар ҳам худди биз темурийзодалар каби ота тахти учун қирпичоқ бўлиб сўғишу саваш кўпкарисини чопмоқдалар, дея эшитдик. Шу гаплар тўғрими ва сиз амакимиз хоқони саид саройларига қай бир шаҳзоданинг элчиси ўлароқ келмоқдасиз?

– Бизда турум чўх қоришиқдир, шаҳзодам. Шоҳруҳ-султон зоти олийлари, жумладан, сиз азиз амирзодамга ҳам кимнинг номидан сўз сўйламоққа ҳайронман. Мен усмонли давлатининг бошкенти бўлмиш Эдирне шаҳрида, отаси Султон Йилдирим Боязиднинг тахтида ўтирган шаҳзода Сулаймоннинг амри билан йўлга чиқдим. Тўжжорлар ва умрага боровчилардан Турон мулкида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан узук-юлуқ бўлса-да, хабарлар олиб турардик.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Энг муҳими, мен ҳузурларида бўлиб, ваколатлари ила йўлга чиққанам амир Сулаймон ва амир Меҳмед Чалабийлар ҳали-ҳануз Турон давлатига тобе эканликларини таъкидладилар ҳамда султон соҳибқирон Амир Темур уларга берган ёрлик кучда эканлигини қайд этдилар. Ҳар икки амирда имкон қадар маблағ ва совғасаломлар кўндардиларким, бу нарса уларнинг самимияту садоқатларидан далолатдир. Иншооллоҳ, насиб этса мен бу омонатларни Ҳирот саройига элтиб, хоқони саид ҳазрати олийлари хазиналарига топширажакман. Усмонли салтанатидаги вазиятга келсак, аҳвол оғирдир, олийнажот шаҳзодам. Амир Сулаймон усмонлининг эски пойтахти Эдирнени эгаллаб Рум эли, яъни Константинополис қаршисидаги усмонли тупроқларининг ҳукмдоридир. Меҳмед Чалабий эса пойтахт Бурса шаҳрида туриб, мамлакатнинг Анадўли тарафини ўз тасарруфида сақламоқда. Бу рақобату душманлик иккисидан бирининг синишига қадар давом этса керак.

– Раҳматли султон Йилдирим Боязиднинг бошқа ўғиллари ҳам бор эди-ку? Улардан бирини ўлдирилди деб эшитдик? – сўради Халил Султон.

– Тахт учун мужодала тўрт энг буюк шаҳзода – Сулаймон, иккинчиси Мусо, учинчиси Исо ҳамда тўртинчиси Меҳмед ораларида кетди. Бешинчи кенжа шаҳзодани амир Сулаймон гаров сифатида Византия императори Мануэл Иккинчи қўлига топширганлигини айтдим. Императорнинг саройида яна бир синглиси ҳам асирликда.

– Демак, амир Сулаймон салтанат тахтини эгаллаш ва ўз қардошларини маҳв этмоқ учун отадушмани саналмиш император билан келишиб, англашмага борган, шундайми? – масалага аниқлик киритиб сўради амирзода.

– Айнан шундайдир, шаҳзодам. Қай бир улусу мамлакатда тожу тахт ғавғоси кетаркан, шоҳми-гадоми инсон жонининг сариқ чақалик қиймати қолмас экан. Қайд этганим каби амир Сулаймон император билан қардошларига қарши иттифоққа киришса, қолган укалари сербу венгер, валаху сақлаб қироллари билан тил бириктиришга ҳаракат этмоқдалар. Амир Сулаймон кўмаги эвазига Фессалоники ва Фракиядаги бир пайтлар эгаллаган шаҳарларни Византияга қайтариб берди ва инилари томонидан идора этилаётган Византиянинг Анадўлидаги собиқ мулкларини ҳам қайтармоққа сўз берган. Орадаги ишончни мустаҳкамламоқ учун император Мануэл Иккинчи ҳатто амир Сулаймонга жиянини хотинликка ҳам берди.

– Султон Йилдирим Боязид ҳам серб қироли Лазарнинг Оливериа исмли қизини никоҳига киритган эди. Амир Сулаймон ҳам юнон маликасини тани маҳрамликка олибди. Бу маликалар султонлар ҳарамига киргач, динларини ўзгартириб, исломга кирдиларми ёки ўз эътиқодларида собит қоладиларми?

– Бу мавзуда сўз кетаркан, усмонли давлатидаги бир муҳим эътиқод ҳақида сўйламоғим лозим бўлади, шаҳзодам. Бу давлату мамлакат тўрт тарафдан ҳақу ҳақсизлик, адли адолатсизликдан қочганларнинг юртидир.

– Ғалати-ку! Англамадим, устоз! Батафсилроқ тушунтира биласизми? – ҳайрон бўлганча амир Темуртошга тикилди Халил Султон.

– Маълумингизким, шаҳзодам, Султон Санжар тамалини қўйган салжукли давлати ўз замонасида ҳақу ҳақиқатнинг рамзи саналган. Барча дину мазҳаб, ирқу тариқатларга тенг кўз ила боқилган. Усмонли ана шу салтанатнинг бир беклиги бўлган. Ўша салжуқлардан

қолган хуш кўришлик, дину миллат айирмаслик анъанаси бугунги усмонлиларда ҳам сақланган. Шу туфайли мўғуллардан қочган зардуштию армани борми ёки шаману насронийми, Византия императори зулмидан қочган яҳудий, католику ортодокслар борми усмонли султонлари саройига оқиб келаверадилар. Уларнинг кучли томони, бошқа бейликларни қисқа фурсатда ўзларига қаратиб олганларининг боиси ҳам шундадир. Бу одамлар ўзлари билан бирга ҳарбий санъату иқтисодда янгиликлар олиб келадилар. Усмонли султонлари бу қавму қабилаларга яхши муносабатда бўладилар. Дину диёнат эркинлиги берадилар. Маликаларининг насроний бўлиши эса уларни салтанатга янада боғланиб, садоқат ила хизмат этмоқликларининг кафолатидир.

– Бу ўрганилажак бир ибратли тадбир экан, устоз. Барча инсонлар яратганнинг бандаларидир. Уларнинг дину диёнати, ирқу миллатига қараб айирмоққа мен ҳам қаршиман. Бизнинг Самарқанд ҳам шундай, бағрикенг бир шаҳардир. Унда сиз яҳудийдан ҳиндигача бўлган дунёнинг элу элатларини учратасиз, – амирнинг фикрини қувватлади Халил Султон.

– Бу масаланинг бошқа бир томони ҳам бордир, шаҳзодам. Сўйлаганимиз қавмлар у ёки бу салтанатда озчилик бўлсалар бўйнилларини ичига тортиб, елкаларини қисиб юрадилар. Сал кўпайишдиларми, мулки давлатингизга шерик бўлмоқ истайдилар. Бир пайтлар Қоҳирага борган асир ва қул мамлуклар бугунги кунда Миср султонларига айланганлари каби.

– Тўғри, – маъқуллади шаҳзода. – Бу қавмларнинг жilовини элда тутмасангиз, Самарқанддан қочган ироқликлару қора татар қардошларимиз каби сизни доғда қолдириб кетишлари мумкин. Одам зоти феъл-атворан ғалати, англаб бўлмас экан, устоз, – дардини



ёрарди Халил Султон амир Темуртошга. – Берсанг, кам берди, бермасанг бермади дея ёмонотлиққа чиқаради. Бу инсонлар, бу навкару суворийга буюк бобом ярим аср мобайнида тўплаган Турон давлати хазинасини бахшида этдим. Бироқ бу жоҳил ва дордан қочган одамлар мени абгор этиб, пистирмада турган душманам илкига топшириб қочди. Ана сизга ҳиммату марҳаматга муносиб жавоб, нону туз ҳақи! Буюк Турон давлатининг битта Туркистону Мовароуннаҳр вилоятида раиятни ризо этиб, эплай олмадикки, улуғ бобом ҳазратлари бу чекчегарасиз мулку мамлакатларни қандай бошқарганлар, инсоннинг ақли етмайди. Энг даҳшатлиси, ёт бир сотса, ўзимизники икки сотади.

– Инсон табиати шундай, шаҳзодам. Бундан афсусланиб, изтироб чекманг. Ҳар бир инсон, шоҳу гадой, ким бўлмасин, бошига иш тушганида бу ёруғ дунёда ҳақсизлигу адолатсизликка дуч келган ягона одам ўзи деб ўйлайди. Бироқ бу олам деганингизнинг ўзи ҳақсизлигу адолатсизликнинг устига қурилганини, куну учун кул ташлагувчи бу яратиларнинг мукаммалиятни муқаддас тоғига ҳали-бери яқинлаша олмасликларини англаб, тасаввур эта бошласангиз кишининг яшагиси келмай қолади. Бироқ яшамоқ, кун кўрмоқ, юзингизга боқиб турган оқу қора кўзларни боқиш, бошини иккита қилиш, йўлга солиш керак. Шу ишни ҳам ўлиб-тирилиб қиласиз. Авлодларингизни одам қиламан дея ўзингиз одамгарчиликдан чиқшингизга бир баҳя қолади. Шундай даму дақиқаларда киши ақлига ҳазрат Алининг "оиласи йўқ одам бахтлидир" деган гапи келади. Баҳс этганингиз меҳри оқибатни оилангизданки кўра олмайсизу ҳалиям ёту бегонага худо инсофу тўзим берсин, – шаҳзоданинг фикрига изоҳ берган бўлди амир Темуртош.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Ҳазрат Али разиаллоҳу анҳунинг сўйлаганингиз каби фикрларини мударрисимиз айтар эдилар. Уларни сиз улуғ устоздан яна бир бор эшитсак билим ва кўникмаларимиз янгиланиб, сайқал топармиди? – Те-муртошга мурожаат этди Халил Султон. – Билхосса, ул ҳазратнинг ҳукмдорлар ҳақидаги фикрларини сўйлармисиз?

– Бош устига, шаҳзодам. Ким бўлмасин, шоҳми, гадоми нокасга вафо ҳаромдир дейдилар, ул зоти олий. Подшоҳларнинг емаги лабни куйдиради. Илмнинг мартабаси барча мартабалардан улуғдир. Кишиларни ўз меъёрида қадрла. Оми кишининг зоҳидлиги – гумроҳликдир. Кўп ибодатдан оз маърифат яхши. Кишиларнинг ёмонроғи халқдан ўзини олиб қочувчидир. Кишининг фазилати билан фахрланиши – асл зоти билан фахрланишидан авлодир. Илмли шоҳга заво-л йўқдир. Шуҳратталаблик тўнига бурканиш аҳмоқликдир. Шоҳларнинг зулми раиятнинг лоқайдлигидан авлодир. Ўз ўрнида қилинмаган яхшилик – зулм билан баробардир дейдилар, ҳазрат Али шери даргоҳ.

– Нақадар маъноли ва теран фикрлар, устоз. Шундай инсонни ҳам ўлдиришган-а?

– Пайғамбаримиз ҳазратларидан сўнг тўрт чориёр дея атаганимиз халифалардан фақат Абу Бакр разиаллоҳу анҳу ўз ажаллари билан вафот этганлар. Қолганлари ҳокимият талашувида ўлдирилган.

– Хўжалар дея аталувчи кишилар шу тўрт халифамизнинг авлодларими, устоз?

– Хўжа сўзи форс тилида хўжайин, эга, соҳиб маъносини англатади, шаҳзодам. Биз бу хусусда икки манбага таянамиз. Илкида бу тўрт халифадан тарқалган авлодлар хўжалар дейилади. Ҳазрат Алининг Биби Фотимадан тараган авлодлари эса саййидлар дейилган. Кейин-

чалик пайғамбаримизнинг амакилари, Самарқанддаги Шоҳи зинда қабристонидан қўним топган Қусам ибн Аббос каби саркардалар авлодлари ҳам хўжалар дея аталгандир.

– Англадик, устоз. Фикрларимизни теранлаштириб, онгимизни очгувчи бу бетакрор суҳбатларингиз учун не қадар ташаккур этсак-да оз. Оллоҳ сиздан рози бўлсин, – миннатдорчилик билдирди Халил Султон.

– Сиз зоти олийларини-да яратган эгам лутфу марҳаматидан дариф тутмасин, шаҳзодам! Суҳбатимиз асносида шу нарса маълум бўлдики, сиз тоза насли ва аслии шаҳзодамизнинг барча илмлардан етарли қадар билгингиз бор экан. Бу нарса бир подшоҳ, ҳукмдор учун ғоят муҳимдир. Юқорида илмли шоҳга завол йўқдир деган ҳадисни тилга олдик. Ислом оламида Бухоро қуббат ул-ислом деган нақл юради. Эътибор берсак, ислом оламининг энг буюк олиму шахсиятлари бу дин илдиз отган тупроқлардан эмас, Туркистон юртидан етишиб чиққан ва чиқмоқдадир. Мендаги билгиларга кўра Қутайба Бухорони олгач, уни араб қабилаларига тақсимлаб берган. Ҳозир бу шаҳарда яшовчи аҳолининг аксари ўша арабларнинг авлодларидир. Хоқон Арслонхондан сўнг турклар парокандаликка учраб, атроф вилоятларга тарқаб кетган дейдилар. Шу билгилар тўғрими, шаҳзодам? Мен сиздан ана шулар ҳақида сўрамоқчи эрдим.

– Саволингиз маъносини англадим, устоз. Тилга олганингиз Қутайба ибн Муслим тўртинчи бор ҳужум қилганида Бухорони фатҳ этади ва шаҳарликлар билан англашароқ сулҳ имзолайди. Бу шартномага кўра Бухоро халқи ҳар йили халифага икки юз минг дирҳам, Хуросон амирига ўн минг дирҳам тўлаб, уйлари ҳамда ерларининг тенг ярмини араблар ва улар билан бирга Эрондан келган мусулмонликни қабул қилган форслар-

га бериш мажбуриятини зиммаларига оладилар. Шаҳар атрофида яшовчи Бухоро турклари арабларнинг отларини ем-хашак билан таъминлаш, ўзлари учун ўтин ва бошқа турли хил ашёларни етказиб бермоққа мажбур этиладилар. Ўша пайтда Бухоро шаҳристонининг етти-та дарвозаси бўлган. Биринчи дарвоза Бозор дарвозаси дейилган ва бу дарвоза шаҳарга энг яқини бўлган. Ҳозир бу дарвозани Атторлар дарвозаси дейдилар. Қутайба ўзича шаҳарни тақсимлайди. Атторлар дарвозаси киришидан бошлаб Ҳисор дарвозаси, ундан токи Нун дарвозасигача арабларнинг рабиъа ва музар қабилаларига, қолган қисмини эса яманлик қавмларга бўлиб беради. Шаҳар кираверишининг сўл томонидаги кўчани бебоклар, яъни бўйсунмаслар кўчаси деб аташган ва араблар улардан азроилдан кўрққандек чўчиганлар. Бу кўча ортида оташпарастлар ибодатхонаси бўлган. Ҳозир бу ибодатхона ўрнида Ҳанзала авлоди масжиди бор. Ҳанзала қабиласи ҳам шу масжид атрофидаги маҳаллаларни эгаллаган. Шаҳар дарвозасидан киришдаги ўнг тарафдаги кўча эса Вазир ибн Айюб ибн Ҳассон кўчаси дея аталади. Бу кўчани қаср кўчаси ҳам дейдилар. Вазир ибн Айюб Қутайбанинг лашкарбошиларидан бири бўлган. Бухоро ислом дини тартиблари бўйича яшай бошлаши билан Қутайба ибн Муслим томонидан шу киши шаҳарнинг илк амири этиб тайинланган. Бухоро амirlари ана шу Кох, яъни Қаср кўчасида яшаганлар. Шу кўчадаги қасрдан туриб шаҳарни бошқарганлар, устоз, – амир Темуртошнинг саволига жавоб берди шаҳзода.

– Арабларга қадар Бухоро Фарбий Турк хоқонлигининг бошкенти бўлган. Бу ерда яшаган туркларимизнинг аҳволи не кечган? – яна сўради амир.

– Арабларга қарши курашда бир қисми ҳалок бўлган. Бир қисми юртни тарк этиб чину мўғул тарафга қараб

кетган. Шаҳар атрофидаги оми халқ араблар билан англашмоқ мажбуриятида қолган ва шу тариқа шаҳар араблаштирилган. Бу арабларнинг аксар қисми Эрон орқали келар эканлар, бир нечтадан форсий асиру қулларга уйланиб, уларни Бухоро ва Самарқандга олиб келганлар. Туғилган болалар, табиийки, она тиллари форсийда гаплашганлар. Вақти замонлар кечиб, араблар ҳам она тилларини унутиб, хонимлари тилларида кўниша бошлаганлар. Бу қабилалар ичида арабларнинг машҳур сахий шахсияти Ҳотами Той мансуб бўлган тойи қабиласи ҳам бўлган. Эрону Ажамда арабларни тойилар деб ҳам атаганлар. Замонлар кечиши билан бу сўз тозик атамасига айланган. Форс тили саройу шеърият, араб тили илму фан тили сифатида қўлланила бошланган. Бу анъана ҳали-ҳануз давом этмоқдадир.

– Биз бугун бир-биримизни англаяроқ сўзлашаётганимиз Юсуф Хос Ҳожибнинг Боғдод халифаларига сабоқ бермоқ учун ёзган “Девону луғатит турк” асарининг қисмати не бўлган?

– Ота ва она тилимиз кўриб турганингиз каби урду, аскару суворий тили бўлиб қолди, устоз. Амир Боботурк тилимизни саройу фан тили ўлароқ қўллаш борасида саъйи ҳаракатлар этди. Бироқ бундан бир натижа чиқмади. Буюк тадбирларни амалга оширмоқ учун энг юқори ва қуйи баробар ҳозир бўлмас экан, ҳар қандай улуғ ва савобли ишларни ҳаётга кечирмоқ мумкин бўлмас экан.

– Улуғ турк хоқони, жаҳонгир Амир Темур саройида туркча кўнишилса-да, ёзишмалар форс тилида олиб борилгани табиий. Сабаби, бу мамлакатга қаровчи кўплаб форс тилли вилоятлар мавжуд. Мактубу битикларда турк тили ҳам қўлланиладими?

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Қўлланилади, устоз. Бир йил бурун биз Чин ҳукмдорига хос мактуб, карвон ва элчилар учун йўлхатлар ёздик. Битикларни уч: чин, мўғул ва турк тилида ёздик.

– Мухтасар жавобларингиз учун Оллоҳ сиздан рози бўлсин, олийнажот шаҳзодам. Унутмангким, сизга душман бўлган ҳеч қачон бизга дўст бўлолмас. Мен бандаи ожизни сиз улуғ аждод вакиллари сари йўллаган ҳар икки усмонли ҳукмдори ҳам буни хос ва айриятан таъкидладилар. Сизу биз мансуб бўлганимиз азизу асил турк миллати дунё тургунча туражақдир, иншооллоҳ. Наққораларингизу карнайларни залвор-ла чалдиринг. Бу қудратли сасу садолар яғий юрагига қўрқув солсин! Дўстлар қалбини жунбушга келтирсин! – чин дилдан қўнишарди амир. – Боболаримиздан дўстлик ғавғодан сўнг бошланади деган ибратли сўз қолгандир. Бекланмаган бир ҳолда бошланган Анқара ғавғосидан сўнг барчамизнинг кўзимиз ярқ этиб очилди. Тўғри деб билган янглишларимизни бор бўй-басти ила кўрдик ва билдик. Хатоликнинг қай манзилидан дўнилса-да кордир, шаҳзодам. Донолар хатолардан тўғри хулоса чиқара билмоқ закосига соҳиб бўладилар. Нодонларга эса не қадар танбеҳ бериб сўйламанг ва йўналтирманг бекфойдадир. Ўзлари ўйлаган ва кўзлаган янглиш мақсаду манзилдан қайтмайдилар. Ожиз ақлим, бошдан кечган тажрибамдан шуни англадимки, кўзи очиқ киши бўлса-да, одам боласи олтмишдан сўнг янглиш яшаганини англаб етар экан. Унгача нуқсону хатоларидан ҳам қаҳрамонлик ясаб, ўз-ўзини алдаб яшаркан...

– Сиздан-да тангри рози бўлсин, устоз. Икки буюк бобомиз фотиҳ Темур ва Султон Йилдирим Боязид орала-рида бўлиб ўтган муносабатлар бизларга сабоқ бўлмоғи лозимдир. Кўриб туриб шоҳиди бўлганимиз каби бу чек-чегарасиз мамлакат, бу тожу тахт, мулку салта-

нат ҳар иккисидан-да қолди. Бироқ биз кўзи юмуқлар кечаю кундуз демай бу тупроқлар учун талашиб-тортишамиз. Аслида ишимиз устимизга тортилажак тўрт кетмон тупроқ ила битади. Бироқ буни очик бўлса-да кўрмаган, сўнгида қайтиб очилмаяжак кўзлар сўнг бор юмилгунига қадар кўрмаймиз, ҳис этмаймиз. Кўзимиз юмуқлигича кетамиз. Боиси, мен фикрларимда юздаюз ҳақ эмасдирман, устоз. Эксикликларим бўлса сўйлай билурсиз. Биз буюк бобомиз ҳазратларининг сояи давлатлари, шон-шуҳратлари кўланкасида бир оз эмас, анча ўзимиздан кетиб ўсиб-улғайган эканмиз. Фақиру фуқаро, ғарибу ғурабо каби тирноғимиз ила ер тирма-лаб, тишимиз ила арқон ечиб заҳмат чекмаганмиз. Шул боис осонликча эришганимиз мулку давлатнинг қадри қимматига етиб, элда тутиб туролмадик. Улус ишончини оқлай билмадик. Бу хатолиғу янглишликларимизнинг жазоси ўлароқ иқтидор йўлчилигига чиқдик. Сургунсифат бу сафаримиз не сўнуч-ла ниҳоясига етади, буни ёлғиз яратган билур, – ичи тўлиб кетган эди Самарқанд собиқ султонининг.

– Яхши ният, ярим давлат, улуғ шаҳзодам. Ниятни бутун қилинг ва Оллоҳнинг ҳиммату марҳаматидан умидвор бўлинг! Турон давлату миллатнинг бир фарди сифатида амиру маъмур, ким бўлмайлик, улусимиз шаън-шавкати кўкларга кўтарган сиз асил авлод, теурий султонларнинг ёнингиздамиз. Сизлар учун жонимизни фидо этмоққа-да ҳозирмиз! – ҳаяжон-ла садоқатини изҳор этарди амир. – Биз ҳар замон султон соҳибқирон ва сиз олийнажот теурийлар афвига сиғиниб яшагандирмиз!

– Қуллуқ, устоз, қуллуқ. Умид ҳам шунчалиқдир. Зотан, суҳбатимиз бошида ҳақ сўзни сўзладингиз. Туркнинг турқдан ўзга дўсти йўқдир. Фақат буни англаб етмоқ,



дўсту душманнинг фарқига бормоқ учун ҳам теран зако, ватаний ва миллий ахлоқ, адли адолатни тушуниб етувчи чуқур идрок керак бўларкан. Хом сут эмган бандаси эса бир кун, бир ой ёки бир йилда бу матлабу машрабга эриша билмас экан, устоз, – кўзлари жикқа ёшга тўлди шахзоданинг.

Чодирга мунгли сукунат чўқди. Ташқаридан қоровул қисмларининг шовури, отларнинг кишнагани эшитилар, амирзоданинг бекланмаган фикрлари ва ҳаёт фалсафасидан ҳайратга тушган амир Темуртош кўлрўмоли билан пешона ва бўйин терини артарди.

Ҳорғин йўловчилар эснашиб хайрлашганча чодирларига тарқалдилар.

Кўноқларини ташқарига кузатиб чиққан шахзоданинг кўзи қаршисидаги чодир қопусида ўзига термулиб турган малика Шод Мулка тушди.

Тож-тахт деган ўйиндасан ё махлиқо қўйнидасан, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

### ЎНИНЧИ БОБ

*Дўстсиз бошим – тузсиз ошим.*  
**Отасўзи**

Яна малика чодирда тунаган шахзода одатдагидан кечроқ уйғонди. Шод Мулк эса сабоҳ нонуштасини ҳозирлаганча чодирнинг емак бўлмасида севгилисини бекларди.

– Ҳар кимнинг ўз дарди бор, кўр қизнинг зўр дарди бор дегандек, дуч келган мусофиру йўловчига кўнглингизни очаверманг, шахзодам, – деди малика Халил Султон хонтахта тўрига ўтиргач.

– Суҳбатимизга ўзингиз қулоқ тутдингизми ёки канизакларингиз? – ҳайрон бўлиб сўради шахзода.

– Бунинг аҳамияти йўқдир, жоним. Қайда бўлмангиз сиз азиз жони жаҳоним аввало Оллоҳ паноҳида, сўнгра менинг меҳр-муҳаббатиму кўзим қароғидасиз.

– Сиз гўзал ва ақлли маликамнинг менга бўлган севги-ларию диққат-эътиборларини юксак қадрлайман ҳамда шундай самимияту садоқат ила жавоб бергумдир. Бироқ илгари ҳам неча бор огоҳлантирганим каби менинг вазирлару амирлар билан, давлат ишларига боғлиқ мусофирлар-ла хос суҳбатларимга қулоқ тутишингиз одобдан эмас. Мен учун бунинг ҳеч бир эътироз билдиргулик томони йўқдур. Бироқ ушбу ҳаракатингизни сарой аҳли ва мулозимлар янглиш англаб, нотўғри талқин этадилар.

– Бўлди, жоним. Бир оғиз сўзингиз, – жавоб қилди малика кўзи тишларини ярқиратиб жилмаяркан.

– Хўп дейсизу, билганингиздан қолмайсиз. Ҳамма нарсага ақлингиз етиб туриб қиласиз, – маликанинг ҳаракатидан норози эди шаҳзода.

– Бизда шу қадар нуқсону камчиликлар кўп бўлганлиги учун ҳам аёл бўлиб яралганмиз, жоним. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз ҳазратлари биз ожизаю асираларни сиз қудратли эркакларга топшириб кетганлар. Биз бечоралар сизларни доимо бир қошиқ қонимиздан кечасизлар деган ўйу умидда ҳаракат этамиз, – одатдагидек сўз савашаида паст кетмас эди Шод Мулк.

– Афву кечирмоқ, инсоний муносабатлар, гуноҳу жинойтлар хусусидадир. Давлат иши эса ҳар қандай шахсий туйғу ва давранишлардан устундир, маликам. Инсоний туйғуларга эрк бериб, уни мулки салтанат ишига қориштирдингизми, тамом. Улус бунини тўғри қабул қилмайди, – маликага танбеҳ берарди Халил Султон. – Ҳар бир ишнинг йўлу йўнтами бордир.

– Англадим, жоним! Сиз тек ягона севгилимнинг икки

дудоғингиз орасидан чиққан ҳар бир сўз мен учун тўраю тузук ўрнидадир! – шаҳзоданинг ўнг қўлини икки кафти орасига олиб ўпди малика.

– Сиз нозли-ниёзли маликам ила бирга бўлсам, бу дунёни унутаман. Ишқилиб, жоним-жоним дея жоним-ни олмасангиз бўлгани. Юзи гўзалга қирқ кунда тўясан, хуйи гўзалга қирқ йилда ҳам тўймайсан дейдилар. Билмадим, ҳар иккиси гўзалга тўймоқ учун неча юз йил яшамоқ керақдир?

– Ашқда ғурур ўлмас, олийнажот шаҳзодам! Мен сиз султонимнинг маликангиз ўлмоқ баробарида, асирангиз, чўрингиздирман! – ҳамон севгилисининг қўлини қўйиб юбормасди малика.

– Ашқ – кўппакликдир. Ишқ бор жойда ақл ишламас ҳам дейдилар. Сўйланг, чодирларни йиғиштиришсин. Йўлга чиқамиз. Мен усмонли амирлари билан бир оз суҳбатлашиб, уларни Ҳиротга кузатмоғим керак. Сизлар йўлда давом этингиз. Ортингиздан етиб бораман, – буюрди шаҳзода ғамгин табассум-ла маликага боқаркан. – Сиз инсон наслидан эмассиз!

– Кимман, султоним?

– Фариштасиз, малаксиз!

– Сиз эса султонлар султонисиз. Энг аввало менинг қалб қасримнинг султонисиз! – ҳаяжондан юзлари ёнарди маликанинг.

– Бўйдоқлик – султонликдир дейдилар, маликам. Аслида мен султон эмас, сизнинг асирингизман, – жавоб қилди шаҳзода.

– Бу нақл ким учун айтилган, билмайман. Бироқ сиз каби сон-саноксиз маликаю канизак, тамғаю жорияга соҳиблар, султонларнинг султонидир, – бўш келмасди малика.

– Биласиз, бизда ул султонлар каби айш-ишрат ҳаёти

йўқдир. Фариштамизнинг севги тўрларига илиниб, меҳри муҳаббатларига боғланиб қолганмиз.

– Биз, сиз олийнажот шаҳзодамизни ана шу, авлиёлик сифатларингиз учун ўзимизни фидо этганмиз!

– Тавба! Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди шаҳзода бошини қуйи эганча эшик томон юраркан. – Ҳаёт деган қаср шундай қурилган, маликам. Бу ёруғ дунёда ҳеч ким сўнгсиз, тугал бахтли бўла олмас экан. Оллоҳдан сўранг, маликам, шу саодатли кунларимизни ҳам кўп кўрмасин!

Шаҳзода овози оҳангидаги титроқдан маликанинг юраги алланечук бўлиб кетди. Шовдорда, оқибатда Оллоҳнинг лаънатига дучор бўлган Худойдод қўлига тушганда ҳам бундай аҳволи руҳияда эмас эди, хаёлидан ўтди. Ишқ-муҳаббат оташи не чоғлик юксак бўлса, у ўт олган юракларни шу қадар ёқиб, куйдириб кул қилади дер эди устози, севги саҳросининг ташна маликаси Биби Чаманно.

Халил Султон чодир саҳнига чиққанида Туркмоний, амир Темуртош, Эровул Эретна ва Қулмон Қиётлар гурунглашиб туришарди.

– Қўшинга юрмоқ амрини бердик. Сиз азиз қўноқларимиз ила бир оз гурунглашамиз, – деди шаҳзода мусофирларни ўзининг ҳали йиғиштирилмаган чодирига даъват этаркан. – Сабоҳ нонуштасини қилдингизми?

– Қилдик, шаҳзодам, – деди амир Темуртош қўноқлар номидан.

– Тун суҳбатимиз сўнгига етмай қолганди. Лутфан менга усмонли тупроқларидаги айни вазиятни англатсангиз? – дея амирга мурожаат этди Халил Султон улар чодирга кириб ўтиришгач. – Сизнингча, бу қардошларнинг тахт учун савашида охир-оқибат кимнинг қўли баланд

## Нурали ҚОБУЛ

---

келади. Мободо муносабат ўрнатиш керак бўлиб қолса, биз ким ила мулоқотга киришмоғимиз керак бўлади?

– Сизнинг синирларингизга яқин бўлган шахзода Меҳмед Чалабийдир. Ҳозирча қолган барча тахт даъвогарлари ундан нарида, ғарб томондалар. Меҳмед Чалабийни босиб ўтиб, бу томонларга элчи ҳам жўната олмасалар керак. Мантиққа таянган тажрибам шуни кўрсатмоқдаки, тожу тахти Меҳмед Чалабийга насиб этадиган кўринади, шахзодам. Ўттиз йилдирки, шу салтанатга хизмат қиламан. Шаҳид султон Мурод Худовандигар ва раҳматли султон Йилдирим Боязидлар ҳам ҳеч бир замон камина қулингизни ўзларидан узоқлатмадилар. Султон Мурод маслаҳат сўрар ва тавсияларингизга амал қилар эди. раҳматли. Султон Йилдирим Боязид эса маслаҳат сўрасалар-да, сўнг қарор бераркан, ўз билганларидан қолмасдилар. Ана шу, охиригача пухта ўйланмаган, давлат одобу ахлоқига амал қилиниб сўйланмаган сўз ва орқа-олдига қараб берилмаган қарор туфайли Анқара тўқнашуви юзага келди ва усмонли турклар давлати парокандаликка юз тутди. Эллик йилдирки шу халқнинг хаамирию чомури (лойи демак) ила биргаман. Қўнишмаган кишим, кезмаган ўлкам қолмаган. Элчи ўлароқ келганим мулки мамлакатда ит эгасини, мушук бекасини танимас бир турум ҳукм сурмоқда. Тўрт шахзода тожу тахт дардида юртни вайрон миллатни сарсон этмоқда. Эл-улус, ғарибу ғурабо эса бир парча элмагу, кечаси тош ёстиққа бош қўйиб бўлса-да чодирининг бурчагида тинчгина ухлаш орзусида. Бироқ бу осойишталигу хотиржамликдан дарак йўқ. Ҳеч бир шахзода ёши улуг қардошим тахтга чиқсин, мен енида туриб унга дастак бўлайин демайди. Эшак эшакдан қолса қулогини кесибди деганидек, бир-бирларини

на қардош, на инсон ўрнида кўрадилар. Миллат эса тек сас ва тек нафас бўлиб бир подшоҳга бўйсуниб, эмну амният-ла яшамоқ истаиди. Бугунини ўйлаганлар эртасини йўқотади, амирзодам. Одам боласи не мавқею рутбада бўлмасин, малакда дейил, махлуқда дейил. Кишиларнинг фожиалари шундан иборатким, улар ўзларидан малак ясамоққа уриниб, жондор қиёфасига кириб қолганликларини пайқамайдилар. Биласизки, юқорида тилга олганим султон Мурод Худовандигар Косова савашаида самимияти боис шаҳид кетди. Ўлим тўшагида экан, ўғли шаҳзода Йилдирим Боязидга шундай васият қилди. Валиаҳд ўғлим, салтанатим таянчи, кўзимнинг нури, сулоламнинг ғурури! Шу сўзимни унутма ва ҳар замон ёдингда тут! Салтанат – роҳат эмасдир, ўғлим! Уни роҳат-фароғат дея ҳаракат этиб, диққату эътибор, огоҳлигу ҳушёрликни йўқотган дамнингдан бошлаб, мулку давлатингдан путур кета бошлайди. Салтанат сурмоқда сергакликни қайб этдингми, ота-боболар машғул бўлиб келган тирикчиликлар ила урашмоғингга тўғри келади. Мен ҳам сизга шуни таъкидлайман, шаҳзодам. Ҳокимияту иқтидорда дўстлигу шериклик бўлмайди ва мулку давлат кимса ила пойлашилмайди. Пойлашдингизми, ўзларини сиздан кам чоғламай қўядилар. Ҳақ-ҳуқуқни ҳам уларнинг бўғзиларига сиққани қадар беринг. Кўп берсангиз бўғиладилар. Оз берсангиз ташланадилар. Ва ҳеч қачон улусдан ортиқ ютилган луқма танага татимас, йиғилган мулки давлат буюрмагай. Ота-боболаримиз таълим берганлари каби замонанинг зайлига, оту эшакнинг айилига боқиб, буюк ишларда хатоликка йўл қўймаслик лозим.

Амирнинг маъноли фикрларидан таъсирланган Халил Султон ўйга чўмганча суҳбатдошига тикилиб қолди.

– Энг улуғ шаҳзода амир Сулаймон дастлаб ўз

қардошини ўлдиртирган. Шундан сўнг қолган укалари унга қарши тиш қайраб, савашга кирган дейдилар. Шу тўғрими, устоз? – сўради анчадан сўнг паст овозда амирзода.

– Тўғридир, олийнажот шаҳзодам. Амир Сулаймон ва иниси шаҳзода Исо орасида уч бора шиддатли, мурасасиз қонли жанг бўлиб ўтди. Ҳатто етти ёт бегона яғийлар ҳам бир-бирларига қарши бундай аёвсиз савашмайдилар. Биринчи енилгидан сўнг Исо Константинополисга қочиб кириб, энг катта душман, император Мануэлдан бошпана сўради. Шаҳар ва унинг атрофида ўн минглик қўшин йиғиб яна савашга кирди. Бироқ яна енгилди. Сарухон ва Ментеше бейларидан қувват олиб, учинчи бор акасига ҳужум этди. Унинг бу ҳаракати ҳам самарасиз кетди ва асир тушди. Амир Сулаймон қардошини бўғдириб ўлдирди. Тож кийиб тахтда ўтирмақ илону чаён билан бирга ётмоқдир, шаҳзодам. Илон билан бирга ётмоқ эса унинг чақмоғини кўзга олмоқ демакдир. У сўнгида чақиши мумкин. Бу хавф-хатардан узоқ турмоқ ва қутулмоқнинг тек йўли уни ўз вақтида бартарф этмоқдир. Мулку давлат, тахту салтанатнинг даъвосию ғавғоси шундай, ё ердан, ёки нордан воз кечажаксиз.

– Иккинчи шаҳзода Исонинг маҳв этилишидан сўнги турум қандай? Бу қардошқушлик давом этадими? – яна сўради амирзода.

– Амир Исо ўлимидан сўнг Сулаймон бошқа қардоши Мусони Константинополис яқинида мағлуб этди. Акаси Сулаймон билан тўқнашувда ғалабага кўзи етмаган шаҳзода Мусо бошқа, тарғибот йўлига ўтди. Сулаймонни насронийларга сотилган дея эълон этиб, унинг Византия билан яқинлашувини хоинлик дея қоралай бошлади ва унга эргашганларни дини исломни ҳимоя этиш учун ўзига қўшилишларига чақирди. Мусонинг пух-



та ўйлаган бу ташвиқот иши ўз мевасини берди. Сулаймоннинг суворийу сипоҳийлари ўнлик-ўнлик, юзлик-юзлик бўлиб шаҳзода Мусо тарафга ўтавердилар. Мен бу гапларни йўлда, сизлар томон келар эканман, ортимдан етиб келган чопар орқали эшитдим. Шаҳзодаи шаҳид Сулаймон Константинополисга қочар чоғида ўлдирилибди, шаҳзодам. Чопарнинг айтишига кўра, амир Мусо бошкент Эдирнедаги ота саройини эгаллаб, унинг тахтада ўтирган эмиш. Эдирнедан Шерозга етиб келгунимга қадар мени Ҳироту Самарқандга элчию йўлчи этган султон Йилдирим Боязиднинг бош вориси валиаҳди шаҳодат шаробини тотиб ўтирибди. Қайтиб боргунимга қадар не кору ҳол, фитнаю фожиалар юз беради, бу ёлғиз тангрига маълумдир. Модомики, барча шаҳзода усмон ўғиллари Турон хоқони Амир Темурнинг элидан нишону туғ олган эканлар, бўлиб ўтган воқеаларни сиз ва Шоҳруҳсултон ҳазрати олийларига етказмоқ менинг бурчимдир. Сиз, олийнасаб шаҳзодамга сўйлаяжак сўзим ва етказажак билгиларим шундан иборатдир.

– Уларнинг фожиаси ҳам худди бизники каби экан, устоз Темуртош, – деди шаҳзода суҳбатдошига ҳорғин боқаркан. – Уларда тахт талашуви ғавғосида икки қардош шаҳид бўлибди. Бизда эса шу кунгача тўрт нафар темурийзоданинг боши кетди. Барчаларини Оллоҳ раҳмат айлаган бўлсин. Улуғ бобом ҳазратларининг содиқ дўсти ўлароқ, бизга не ўгиту маслаҳатлар бера-сиз, устоз? Сиз азиз инсоннинг ҳар бир сўзингиз мен учун буюк бобом зоти олийларининг насиҳатлари каби-дур, – мунг чўккан нигоҳини усмонли амирга тикди Халил Султон. – Барчангиз бир келдингизу пир каби келдингиз.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Буюк бобонгиз ҳазратлари ақли идрок, тадбиру такбирда қўлу бўй ет-

## Нурали ҚОБУЛ

---

мас бетакрор бир ҳукмдор ва шахсият эрдилар. Ул зоти олий чексиз бир баҳри уммон бўлсалар, биз шунчаки бир кўлмиз, шаҳзодам. Бизда сўрунларни тўрунларга буроқманг, деган ота сўзи бордир. Тўрун эски туркчамизда набира демак. Бу дегани аждодлар муаммою можароларни авлодларга қолдириб кетмасликлари керак деганидир. Бироқ бунинг иложи йўқдир. Ота-боболари чўзилмагану ҳал этилмаган ишларни қолдириб кетмасалар-да, ўзларини улардан ақллию доно санаган авлодлар қардошлари нари турсин, тезаклари ила тевалашиб, ўзларига тоғ каби ўтиб бўлмас, саҳро каби кечиб бўлмас муаммолар орттириб юрадилар. Усиз ҳам мулки давлат, тахту салтанатнинг азалий ва кунлик ташвишларини ҳал этишу унга бас келмоқнинг ўзи буюк ақлзаковат, куч-қудрат талаб этишини чуқур англаб етмайдилар. Оний ва ҳиссий ҳою ҳаваслар ва мулку мансаб ҳавосига берилиб, устма-уст янглишадилар. Раиятга озор берадилар. Билмайдиларки, уммату миллатга берилган бир озор минг бўлиб қайтади. Зотан, инсонларга сиз бирни берсангиз, у минг бўлиб қайтиши ошиёндир. Сиз, азиз шаҳзодам, буюк бир йўлчилик устида турибсиз. Тангри сизга улуғ бобонгизнинг қутлуғ ва шонли йўлини берсин! Унутмангким, энг қоронғу кечалар ҳам битиб, қуёш сўзсиз чиқажакдир. Қайда бўлмайлик, сизнинг ёнингиздамиз. Сизга душман бўлган, бизга дўст ўла билмас! Ўнгингизга умиду ишонч-ла боқинг, шаҳзодам! Кечмишнинг қули бўлган келажакнинг афандиси бўла олмайди...

Амир Темуртошни диққат билан тинглаган Халил Султон ҳаяжонланиб кўзи жиққа ёшга тўлганча уни кучоқлади. Сўнгра Махдум Туркмоний ва Эровул Эретнани бағрига босиб хайрлашди.

Шаҳзоданинг амри билан Қулмон Қиёт кўноқларга биттадан от ва саруполар келтирди.

Ҳар уч ҳурматли мусофир ҳам кўзларида ёш ила амирзода билан видолашдилар.

Мусофирлар йўлга тушдилар. Халил Султон улар узоқлашиб, қора нуқтага айлангунга қадар орқаларидан тикилиб қараб қолди.

Назарида бобоси билан неча марталаб ўтган бу йўлдан энди қайтмайдигандек, энг машаққатли ва саодатли кунлари кечган она Самарқандни қайтиб кўрмайдигандек эди...

Малакким қўйнингдадир, дор ипи бўйнингдадир, лабинг ёр дудоғиндадир, бошинг дор сиртмоғиндадир, тонг отар, ой ботар, умр сувдек оқар эди...

### **ЎН БИРИНЧИ БОБ**

*Йиғлаганнинг моли кулганга мулк бўлмас.  
Отасўзи*

Бир йилдан бери улуғ бобоси мулки, Туркистонун Мовароуннаҳрни оталиғи амир Шоҳмалик ила тартибга келтириб, раият ҳаётини изга солмоққа интилаётган мирзо Улуғбек Боғи Дилкушодан эндигина Кўксаройга етиб келган эди.

Баҳорнинг нақ ўртаси, кунлар исиб қизни эмас-да келинни кўклам қуёшига ишга буюрадиган, қизғалдоқ қуёши қиздирган дамлар эди. Мўътадил шаҳар ҳавоси туш пайти бир қизиб номозшомга яқин яна салқин тортарди. Енгил, ёзлик кийимдаги одамлар кўчаларни тўлдирганча тирикчилик ташвишида елиб-югуришарди.

Сарой ҳовлисида Самарқанд ҳукмдорини оталиғи амир Шоҳмалик тоқатсизланиб кутарди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Ваалайкум ассалом, – деди амир Шоҳмалик одатдагидек шогирди билан қучоқлашиб кўришар экан.

– Бир оз тараддудли кўринасиз, устоз? – амирнинг безовта кўзларига қаради мирзо.

– Кўнглига келган иш юз бермай қолмас деганларидек, беклаганимиз хавф-хатар бўрони кўзғалганга ўхшайди, амирзодам, – деди Шоҳмалик шогирдини садақайрағоч соясидаги сўри томон етаклар экан. – Устоз хоин ва эски душманимиз Шайх Нуриддин Самарқандни эгалламоқ ниятидан воз кечмаганга ўхшайди.

– Не хабар келди, устоз? Биз томон юриш бошлабдими? – нохуш муждадан шошиб қолди амирзода.

– Қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазратлари ҳузурида эгасидан суюқ умидвор бойтеват каби думини ликилла-тиб, садоқат изҳор этган эди. Энди эса кўшини билан биз томон юрган эмиш.

– Унда не чора-тадбир кўрмоғимиз керак, устоз? Падари бузруквор ҳазратларига хабар берасизми ёки...

– Хоқони саид зоти олийларига чопар йўллаймиз. Унинг қаршисига менинг ўзим чиқаман. Зотан, бу қари қашқирнинг нишони ҳам мендирман. Мени сизнинг оталиғингиз эканлигимни, салтанатдаги бугунги кундаги мавқеимни ҳазм эта олмаётир. Мени йўлдан олиб ташлаб, сиз амирзодамга устозлик қилмоқ ниятида эрмиш. Унинг ҳисоб-китоби мен билан.

– Бунга кимса изн бермаски!

– Бироқ ақли ноқис ёки мияси айниган одам бу ҳақда бош қотириб ўтирмайди, авлодим.

– Мен ҳар замон сизнинг ёнингиздаман, устоз. Хавфни бартараф этмоқ учун неки тадбир лозим бўлса сўйлангиз. Сизнинг йўлбошчилигингизда баробар ҳаракат этурмиз. Ҳиротга йўлга чиқар чоғларида қиблагоҳ ҳам ундан эҳтиёт бўлишимизни тайинлагандилар.

– Хоқони саид ҳазратлари буни менга ҳам айтган эдилар. Унинг қўшинида бизнинг айғоқ ва узунқулоқларимиз бор. Кечаси улардан бири қочиб келиб бор гапни сўйлади. Бутун ёсоқийлари ва ҳашамлари билан Самарқандни ўраб олиб, сиздан мени талаб қилмоқчи эмиш.

– Тавба! Тавба! – деди бу гапдан қаҳри кўзиб ўрнидан туриб кетган мирзо Улуғбек садақайрағоч соясида наридан бери юрар экан. – Наҳотки, улуғ бобомдек инсоннинг сўнгги амир ул-умароси саналмиш шундай тажриба ва кўникма соҳиби бўлган бир киши ўйламай-нетмай бу ишга жаръат этса?

– Қуруқ тажриба ва кўникма билан киши ҳеч бир ерга бора олмайди, амирзодам. Давлату ҳукумат, иқтидорни элда тутиб, раиятни бошқармоқ учун, аввало, кишида давлат закосу тажрибаси, асл инсонийлик истеъдоди ва ҳукмдорлик салоҳияти бўлмоғи керак. Шундай кишилар борки, улар зиммасига масъулиятни юклаб, бирор-бир ўлкага ҳоким этиб тайинлаш мумкин. Бироқ шундайлар борким, уларда фақат ижро эта билмоқ, шотирлик қобилияти мавжуд. Бундайлар йўлбошчи сифатида давлату мамлакатни бошқара олмайдилар. Яхшию ёмон ҳукмдорнинг қўл остида вазиру нозир, амиру маъмур ўлароқ ишлай биладилар. Амир Шайх Нуриддин ҳам ана шундайлар хилидандир. Султон соҳибқирон ҳазратларининг сояи давлатларида оғзининг ели билан бир вилоят беклигини эплайдиган кишилиқдир. Шерлар ўрмонни тарк этса бўрию тулкилар ўзини унинг ўрнида кўра бошлайдилар. Буюк бобонинг тузу хотираси урган Халил Султон билан бошкентни алғов-далғов этган, жориядан чиққан ана шу малика Туман оқони унга хотинликка бергач, ўзини тамоман бошқача ҳис эта бошлади.

– Ораларингиздаги бу яғийликка айланган рақобат

недан ва не замондан бошланган, устоз? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода.

– Иккимиз ҳам Турон султони улуғ хоқон ҳазратлари хизматларига кириб, салтанат вазири рутбасига эришганимиздан сўнг бошлангандир, шаҳзодам. Вазирнинг душмани вазир, разилнинг душмани разил бўлади. Орамизда на оту аврот, на олди-берди масаласи бор. Улусимизга хос бўлган хасталиқдан биз ҳам бенаиб қолмаганмиз. Сендан мен камми деган аҳмоқона калла талашув. У ўзини салтанатда султони акрам ҳазратларидан кейинги иккинчи одам санаб, ҳар кимга ҳукмини ўтказар эди. Одамларимизни биласиз. Бобо Тармишга ўхшаган бир эшагу хачир бозорининг даллоли ҳам бош вазир бўлиб қолса бас. Унга шайхулисломга таъзим қилгандек патаги пайтава бўлаверадилар. Шайх Нуриддин мendan ҳам шуни кутди. Бироқ бу иш менинг элимдан келмади. Мен султон соҳибқирон ҳазратларидан ўн ёш кичикман. У эса йигирма ёш кичикдир. Улуғ хоқонга ўғил, менга эса қардошдек эди. Мен ота-онам, устозларим ва ҳақиқий донишманд инсонлар ҳузурида бош эгаман. Агар Шайх Нуриддин менга бирор нимани ўргата билажак олим бўлганида эди, сўзсиз, ҳатто ёш бўлса-да, қаршисида таъзим этардим. Бошлар ҳақиқий мутафаккиру муносиблар ҳузурида эгилиши лозимдир, шаҳзодам. Шайх Нуриддин каби тўққиз дарадан сув келтириб ёлғон сўзловчи, улуғ хоқон тузларини еб, тузлуқларига тупурувчилар ўнгида эмас. Буюк бобонгиз уни фарзанди каби тарбиялаб, шу мақомга етказган эдилар. Бетини тўнғизнинг терисидек қалин қилиб, ота ўрнидаги инсоннинг завжасига уйланиб, афв этилмас хатога йўл қўйди.

– Англадим, устоз, – деди амирзода мустақил ҳукм-

ронлиги даврида илк бор қўшинининг савашга киражаги масъулиятдан ўйга толиб. – Сўйланг, устоз? Не чора-тадбир кўрмоғимиз жоиз? Боя шерлар ва тулкилар тўғрисида сўйладингиз. Улар ўзларини шер санайдилар назаримда. Модомики, ўзини шер санаганлар бирлашар экан, эрлар ҳам бирлашмоғи керақдир, деган фикрдамен.

– Таклифу қарорим шундай, олийнасаб шаҳзодам. Сўйлаганим каби Шайх Нуриддин менинг қон душманим. Мен уни бартараф этмасам, охири бир кун у менинг жойимни солади. Унинг қаршисига ўрдумиз билан ўзим чиқаман. Ўлсак шаҳид, енгсак ғозийдирмиз.

– Мен ҳам сиз билан бирга бораман, устоз! – деди амирзода оталиғининг фикрларидан тўлқинланиб.

– Сиз Кўксаройда қолмоғингиз лозимдир. Бунинг эса икки сабаби бор. Биринчидан, шаҳар арки ва дарвозаларини кимсага ишониб қолдириб кетиб бўлмайди. Арғуншоҳу Хожа Юсуфлар бошимизга солган ўша оғир кунларнинг тақрорланишини истамайман. Иккинчидан, ёшсиз. Қўшинга бош бўлиб жангга киришингизга ҳали бир-икки қовун пишиғи бордир. Бу қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазратларининг ҳам таълимотларидир. Ул зоти олийнинг амрларига уймоқ ҳар иккимиз учун шартдир. Ўйлайманки, мени англаб, тўғри тушунасиз, – мулоҳазакор оҳангда қўнишарди амир Шоҳмалик.

– Ҳар бир қарору йўриғингиз бошиму кўзим устигадир, устоз. Не десангиз ҳарфиян амал қилажакман. Ва шуни ҳисобга олмоғингизни рижо этаманки, чопарлар воситасида алоқани боғлаб турайликким, мадад лозим бўлганида арқдаги лашкар билан ҳамон кўмакка етиб бораман. Хабар қалъалари воситасида гулханлар ёқиб, вазиятни менга билдириб турсангиз. Ўзим эса арк усти-



га қароргоҳ тикиб турумни назорат этаман ва жангнинг боришини таъқиб этаман, – ўз қарашини баён этди мирзо Улуғбек.

– Кўп ақлли ва пухта ўйланган фикру тадбир, шаҳзодам. Розимен ва маъқул тадбирларни сўйладингиз. Иншооллоҳ, ният хайр, оқибат хайрдир. Бизга дўстлик кўрсатган икки мисли дўстлик, яғийлик қилган ҳам икки мисли яғийлик кўражақдир. Биз уни шаҳарга яқинлашмасидан қарши олишимиз керак. Бебок суворийлари кўйу қасабаларимизга оралаб халқни талаб, йўлдан урмаслиги лозим. Дуода бўлинг, шаҳзодам. Аҳмоқ аҳмоқни топар, ит ҳам пахмоқни қопар дегандек, жуда кўп нодонлар бирлашган кўринади. Бироқ уларни аҳмоқ деб бўлмайди. Мен ул нобакорга қарши жиҳодга кетдим.

– Оллоҳ юзингизу йўлингизни очиқ этсун, устоз! – дуо қилди амирзода. – Омин!

Амир Шоҳмалик сўзини тугатиб, сарой дарвозаси томон юрди. Амирзода оталиғини кузатиб чиқди. Амирни кутиб турган эллик чоғли суворий Қорадарё томон жилловни бурди.

Самарқанд чериги Қизилработга етганда душманнинг қораси кўринди.

– Суворийу сипоҳийга еткуринг! Шу манзилда қароргоҳ қурамиз! Лашкар бир фарсах масофага узаниб чодир хаймасини тиксун! Самарқанд томонга бирорта навкар нари турсин, ит ҳам ўтказилмасин. Хурқадоқ! Сен Шайх дўстимизнинг қаерда ва кимлар билан турганлигини ва режаси хусусида билги олмоққа кириш. Унинг черигида қавми қариндоши бор кишиларимизни биздан қочгандек қилиб қарши тарафга жўнат. Битта-яримта яғий лашкарини қўлга тушириш чора-тадбирини кўр, – ясовулбошисига амр берди Шоҳмалик.

– Амрларингизни ерига келтирмоқнинг жидду жаҳдида бўлурман, давлатпаноҳим, – дея қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди девсифат, қораширғайдан келган, ҳар панжаси паншаха каби елкадор Ҳурқадоқ ясовул.

– Эски дўстимиз, сенинг эски давлатпаноҳинг Шайхбек зоти олийларининг ҳузурларига балким ўзинг бориб келарсан? – ясовулбошисига имоли гап қилди амир Шоҳмалик уни ёнига чорлаб шивирлаган овозда.

– Бор десангиз бораман, улуғ амирим. Хизматларимни унутмагандир. Ўша дамларни юз-хотир қилиб, самимий кўнишар балки. Ахир, амир ул-умароликларида ясовулу кўрималарининг бошлиғи эдим. Азиз жонларини ўз жонимиз каби асраб юрардик, – амирнинг мақсадини англагандай бўлди зимдан иш битиришнинг пири саналмиш Ҳурқадоқ ясовул.

– Пайтида унинг жонини жуда қаттиқ кўриқлаган экансан-да, Ҳурқадоқ! Бундайроқ ҳимоя этганинда у бизга қарши қилич ўқталиб келмаган бўлармиди?

– Жонни берган худо уни ўз вақтида олишни ҳам билади, давлатпаноҳим! Оёғининг орасидан шамол ўтиб турган, ўзидан кетиб юрган бу аҳмоғу нодон яратик поча қоқишга ҳам улгурмай қолади. Тўрт чўпли тахт ҳам насиб этмай қолиши мумкин! – сувнинг қай томон оқаётганини фаҳмлагандек эди Ҳурқадоқ.

– Хуллас, ўзидан кетган устозинг билан ўзинг гаплашмоғингга тўғри келадими дейман, қардошим, – ҳамон ясовулбошини ўйлаган режасига ҳозирлаб оғзидан гап оларди амир Шоҳмалик.

– Ер айирган мой ер, эл айирган лой ер, давлатпаноҳим! У қардошларимиз Туркистонун Саврон, Сайрам, Сигноқу Ўтрор элини биздан айириб, улар қўлига қурол бериб, биз томон етаклаб келибдими, парвардигорнинг амрию изни билан лой еб, ер тишлагай!

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Шу лойни омию хос, суворию сипоҳий эрмас, ёлғиз ўзи тишлагани маъқулмиди, Ҳурқадоқ? Юрт қон кўлига айланмай, қирғин-барот жанг юз бермай, иш хамирдан қил суғургандай ҳал бўлармиди?

– Бу Оллоҳнинг иродаси ва давлатпаноҳимнинг хоҳишу истакларига боғлиқдир, – дея яна ўнг кўлини кўксига қўйиб таъзим қилди ясовул. – Бунинг учун мусоид замону макон лозимдир, олампаноҳим!

– Бироқ амир Шайх Нуриддин некўз Туркистоннинг Идику Манғитидир, Ҳурқадоқ қардошим. Осонликча гапга учиб, жон берадиганлар хилидан эмас. Тадбиримизни пухта ишлаб чиқмасак, доғда қолишимиз ҳеч гап эмас.

– Фикрингизга қатилурман, давлатпаноҳим! Унинг кўшинини ҳам бизникидан кўра кўп дейдилар. Тадбирни ҳам шунга кўра кўрмоқ керакми дейман?..

– Буни менга сўйладинг, лашкар туймасин, – овозини пастлатди амир. – Сен фикр этганимиз режанинг пешида бўл. Биз амир Вафодор билан саваш усули услуги бобида кенгашиб оламиз. Орамиздаги гап шу ерда қолади. Туя кўрдингми, Ҳурқадоқ?

– Йўқ, давлатпаноҳим!

– Думини-чи?

– Думиниям кўрмадим, давлатпаноҳим!

– Кў-ўп яхши, унда ишга кириш ва мендан узоқлашма!

Кўшқўллаб таъзим бажо келтирган Ҳурқадоқ ўзига тегишли черик турган томон йўналди. Амир Шоҳмалик кўшиннинг кўл қисмига кўмондонлик қилишни бўйнига олган амир Вафодор томон юрди.

Шоҳруҳсултон ўғли мирзо Улуғбекни ноиб ўлароқ тайинлаб, Туркистонун Мовароуннаҳр подшоҳи эълон этган бўлса-да, давлат тулпорининг жилови унинг отабеги амир Шоҳмаликнинг кўлида эди. Мулки давлат,

иқтидору ҳокимият кимнинг элида бўлса, хом сут эмган инсон болалари шунинг атрофида ўралашиб, каттаю кичик ундан ҳиммату марҳамат, мансабу мартаба беклайди. Султон таниган ит суяксиз қолмас дегандек, ҳеч бўлмаганда унинг-ла саломлашиб, икки оғиз қўнишиб зиғир гули каби эътибор, меҳр-шафқатли бир нигоҳ истайдилар. Одам боласи шундай. Шоҳу гадо, ким бўлмасин, кўнглида бир арслон, қалбида орзу этгани бир инсон яшайди. Шоҳ кўнглида қачон бўлгай гадолардан хабар дегандек, девоною дарвешнинг дилида ҳам бир султонлик, бир шаҳаншоҳлик тахти яшайди.

– Бу кечани тўрт тарафга посбонлар қўйиб ўтказамиз, улуғ амир жаноблари, – деди амир Шоҳмаликни от устида қаршилаган эроний қиёфали, сабзибурун, сарғишдан келган эшаккўз амир Вафодор.

Эшаккўз одамлар содда, овсар ва бефаросатроқ бўлади, хаёлидан кечди амирнинг.

– Яғий лашкарининг кўплиги аниқми, амир? – яқин келиб сўради амир Шоҳмалик Вафодордан.

– Шундайга ўхшайди, улуғ бек жаноблари.

– Тангри ҳақ ва марднинг ёнидадир, Вафодорбек қардошим. У бу ерларга оч бўридек қандай ўлжа пойлаб келган бўлса, тўқай тулкисидек шундай думини қисиб қочади. Мана кўрасиз.

– Мен ҳам шундай фикрдамен, бек жаноблари. Амр бердим. Тонг ёришар-ёришмас яғий устига ташланамиз.

– Маъқулдир. Унда ўтириб бир оз маслаҳатлашиб, емак ейлик. Улар турган мавзе паст-баланд тепаликлардан иборат экан. Пихини ёрган амир жанг учун атайлаб шундай жойни танлаган. Бу туруму манзарада ғаним ўрдусининг сон-саногини чамалаб бўлмайди, – деди амир Вафодорнинг олдига тушиб юртчилар тиклаган омонат чодир томон юраркан амир Шоҳмалик.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

– Паст-баланд тепаликлар бўлса-да, рақиб дашт, яъни текислик томондан келмоқда. Бизнинг ортимизда эса адир ва тоғ бор. Жанг манзарасини кузатиб, ўнлик ва юзликлар ҳаракатини аниқ кўриб, йўналтиришимиз мумкин. Энг муҳими, илк зарбада душман кучини пароканда этмоғимиз керак. Шундан сўнг у қайта тўпланиб ўзига келолмаслиги учун иккинчи ҳамлани қиламиз! – ўз режасини баён этди амир Вафодор.

– Тўғри ўйлабсиз, Вафодорбек. Хужумни биз бошламоғимиз лозим. Душманнинг тааррузга кечмоғини кутмаслигимиз лозим. Бу лашкарга ҳам руҳий қувват беради, – суҳбатдоши режасини маъқуллади амир чодир тўрига оғир чўқаркан.

Ҳорғин узанган амир димоғига қовурилган қўй этининг ҳиди урилди.

### **ЎН ИККИНЧИ БОБ**

*Аҳмоқ аҳмоқни топар,  
Ит ҳам пахмоқни қопар.*

Кўкламнинг иккинчи ойи ҳам тугаб, кунлар исий бошлаган, суворийу сипоҳий қишки жуббаларини хуржунларига тиқиб, ёзги яқтакка ўтган, тоштовонларини чориққа алмаштиришарди.

Чориғи йўқлар этиқдўзлар бўлинмаси ўнгида тизилишиб, оёқ ўлчовларини олдиришар, талашиб-тортишиб тери танлашади.

Қишки ем-хашак тақчиллигидан аранг баҳорга етган отлар ҳар фурсатни ғанимат билиб, юганларини чайнаганча ўзини оёқости бўлган бўзаламга уради.

Тонг ҳали ёришмаган, ибодат учун уйғонган аскарлар таҳорат олиб намоз тараддудига киришган эдилар.

Қоровул ва посбонлар қарши тарафда ҳаракатлилиқ бошлангани хабарини илатдилар.

– Лашкарга еткуринг! Таҳорату ибодатни тўхтатсин! Энг буюк ибодат жиҳоддир! Яғий ҳужумга ўтганга ўхшайди! – деди аранг ёстикдан бош кўтариб кўзини йириб-йиртганча атрофга боққан амир Шоҳмалик. – Улар биздан эрта ҳаракатга кечдилар. Амир Вафодор қани? Унинг қўли ғаним устига биринчи бўлиб от сурсин! – қоронғуда баланд овозда буйруқ берарди амир Шоҳмалик.

– Амир Вафодор чериги бошида! Сиздан амр бекламоқда! – деди ён чодирдан чиқиб келган ясовулбоши Ҳурқадок.

– Тезда амримизни унга етказ-да, ёнимга қайт! – Ҳурқадокни Вафодорнинг қўл қисмига юборди амир.

Қуёш Туркистон тизмалари ортидан бош кўтариши билан жанг майдони аниқ-тиниқ кўриниб, қаршидаги манзара ойдинлашди. Яғий черигининг ростланган сафлари бир фарсахга узанган, Қизилработ даштини мўри-малахдай лашкар қоплаган, тепаликлар ортидаги бўлинмалар кўзга ташланмасди.

– Уларнинг бор қўшини бир сафга тизилиб, бутун майдон бўйлаб ҳужумга ўтадиганга ўхшайди, – деди амир Вафодор яғий черигининг кўплиги ва салобатидан ранги қути ўчиб. – Тепаликлар ортида ҳам анча-бунча черик борга ўхшайди.

– Ўртасидан ёриб кириб, иккига бўлиб ташласакми-кан? Фикр билдирди амир Шоҳмалик.

– Билмадим, улуғ амирим. Бошим қотди. Қуршовга тушиб қоламизми деган андишадаман. Ўраб олсалар қочмоқ нари турсин, чекинишга ҳам жой қолмайдими дейман-да?

– Бу гапда ҳам жон бор...

## Нурали ҚОБУЛ

---

Амир Шоҳмаликнинг сўзи тугамай Шайх Нуриддин қўшинининг ўнг ва чап қанотлари суворийлари бирлашиб от қўйди. Қўшилиб кучайган соғ ва сўл қанот қисмлари ўзларининг қул-марказ лашкари томон чекина бошлади.

– Яғийнинг соғ ва сўл қаноти кўринмай қолди. Қочдимикан? – деди амир Шоҳмаликнинг олдига от қўйиб келган Хурқадоқ.

– Балки кўзимизни шамғалат қилиб, пистирмага ўтишаётгандир, – жавоб қилди амир Шоҳмалик қарши тараф ҳаракатини кўздан қочирар экан.

– Бу тепаликлар бизни чалғитди, улуғ амирим. Суворийларимиз қай томонга от суришни билмаётирлар! Хужумга киришган суворий бўлинмалари ҳар сойлигу дарада қуршовга тушиб қолаётир экан!

– Амрни барча бўлинмаларга еткуринг! Бутун лашкар марказ-қулга тўплансин ва бирданига хужумга ўтамиз! – буюрди амир Шоҳмалик қўшиннинг парокандаликка учрашидан хавфсираб.

Халил Султон ҳам амир Худойдодга шу тариқа мазғлуб бўлган эди, хаёлидан кечди ўйга толган амирнинг.

Бирлашиб хужумга ўтган Шайх Нуриддин қўшини Самарқанд черигининг илғорига шикаст етказди. Буни кўрган марказ қисми суворийлари беихтиёр отлари жоловини тортди.

– Амир Вафодор қўлга тушди ва чериги чекинмоқда! – деди жангдан аранг қочиб чиқиб келган, афт башараси, кийим-кечаги қонга беланган суворий.

– Нима қиламиз? – Хурқадоққа қаради амир Шоҳмалик.

– Эсинг борида, этакни ёпиб, чекинайлик, амирим! Мирзо Улуғбек ва Ҳирот қўшини етиб келгунга қадар савашиб, қўшинни тўкиб қўймайлик!



– Лашкар бошлиқларига хабар етказ! Қоратепа томон чекинсинлар! – йиғига ўхшаган овозда буйруқ берди Шоҳмалик. – Қўмондонларга айт, бутун қўшин Самарқанднинг кун ботишида тўпланади.

– Сен амирзода Улуғбек ҳузурларига уч! Содир бўлган вазиятни англат! Бу гал омад бизга кулиб боқмаганини сўйла! Бироқ мен енгилган қўшин билан Амир Темур бошкентига қочиб крмайман! Ўрдумиз билан Алоқасроқ<sup>1</sup> тоғида бўлиб, янги савашга ҳозирлик кўрамыз! Улуғбек мирзо қиблагоҳлари, хоқони саид ҳазратлари билан боғланиб турумни англатсинлар! Ўзлари ҳам чериклари билан Ҳирот ўрдуси томон юрсинлар ва эҳтиёт бўлсинлар! Шайх Нуриддин мирзога ёмонликни раво кўрмасанда унинг қўл остидаги бобо душманлари бирор-бир шикаст етказишлари мумкин. Иншооллоҳ, биз шаҳарга душманни тиз чўктириб қолиб ўлароқ, киражакмиз! – Ҳурқадокқа сўнги таълимотни берди амир Шоҳмалик.

Ҳурқадок етиб келганида амирзода Улуғбек арkning Шайхзода дарвозаси устида шайхулисом Хожа Абдулаввал бошчилигидаги қози ва уламолар билан маслаҳатлашиб турарди.

– Демак, турум тасаввур этганимиздан кўра оғирга ўхшайди, амирзодам! Сиз фурсатни бой бермай Ҳирот йўлига тушинг ва қиблагоҳингиз ҳузурларига етишиб, мавжуд вазиятни англатинг! Биз барча дарвозаларни беркитиб, ҳимояда муқим турамыз, – деди шайхулисом Хожа Абдулаввал. – Мен қози Салоҳиддин қардошим ила маҳалладошларим ва шогирдларимни ёнимга олиб, Оҳанин дарвозасида турамыз!

– Менинг уйим ва маҳаллам Оҳанин дарвозасига яқин.

---

<sup>1</sup>Туркистон тизма тоғларининг ҳозирда Омонқўтон довони дея аталадиган қисми ўша пайтда шундай дейилган.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Биз шу дарвозага посбонлик қиламиз! – деди Хожа Исо-миддин. – Биродарларимиз мавлоно Қутбуддин, Амираки Донишманд ва Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийлар ҳам шаҳарнинг бошқа дарвозалари ҳимоясида муқим турадилар!

Самарқанд ақобирлари билан хайрлашган амирзода Улуғбек дарвоза минораси зиналаридан тушиб отига минди.

Амирзодани кузатиш учун пастга тушган уламоларнинг нигоҳидаги ташвишу таҳлика унга беш йил бурунги қишда, буюк бибиси билан бобо бошкентига кира олмай шаҳар ташқарисида, Алиобод боғида совуқдан дийдираб ўтказган тунни хотирлатди. Ва бобосининг ўзига қолдирган олтин сандиқдаги китобларда ўқиган бир жумла ёдига тушди. Сабоқ олинмаган тарихий фожиалар мутлоқ такрорлангай...

Ўша, буюк бобоси ҳақнинг раҳматига қовушган қаҳратондаги азоб-уқубатли кунларда отабеги амир Шохмалик ва амир ул-умаро Шайх Нуриддин ёнида, ишбоши эдилар. Демак, ўша оғир, машаққатли кунлардан хулоса чиқармаганлар. Улар орасидаги мухолифат илк бор Дабусия қалъасида тунаб қолган кечаси юзага урган, бобосининг бу икки буюк амири сану манга борган эдилар. Бугунга келиб бу тирлашув саваш майдонига кўчди. Қон тўкилди, жон чекилди. Энди ҳеч бир тараф чекинмайди. Токи бири шаҳид этилгунга қадар.

Амир Шайх Нуриддин ўша – Дабусиядаги тортишувдан сўнг ўзини бошқача тута бошлади. Сўнгра юртига бориб келмоқни баҳона қилиб, айрилиб кетди. Қиблагоҳи Худойдод Ҳусайнийни бартараф этмоқ учун Самарқандга келганида кўрсатган мулозамати ҳам шунчаки хўжакўрсинга экани маълум бўлиб қолди. Қулай фурсатни беклаган кўринади.

Амирзода шаҳар ҳимояси учун қолмоқчи эди. Бироқ отабеги ва акобирлар зудлик-ла йўлга чиқиб, қиблагоҳи ҳузурига етишиш, вазиятни тўла-тўқис англатиш, юз беражак катта қирғинбарот ва талон-тарожнинг олдини олишни рижо этдилар.

Бунинг бирдан бир йўли хоқони саид ва Хуросон ўрдусининг Самарқандга келиши эди. Амир Шайх Нуриддин амир Худойдоддан икки мисли пухта ва пишиқ, қўшини ҳам икки баробар кўп, сув кўрмасдан этик ечмайдиган тадбирли бир бек. Унинг хатти-ҳаракатига беписандлик билан қараб ва ёндашиб бўлмайди. Нияти Шоҳруҳсултон етиб келгунга қадар қон душмани амир Шоҳмаликнинг ишини битириб, Самарқандни эгаллаш. Падари бузруквори етиб келмаса, унга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Буни билган Шайх Нуриддиннинг суворийу сипоҳийлари Зарафшону Қорадарёнинг сувини шопириб, Конирилнинг тупроғини чангитиб, от ўйнатмоқдалар.

Унинг ёнида Ҳамза Сулдуз, амир Худойдоднинг ўғли амир Абдухолик, Рустам Тағой Буқо ва чиғатойи Чингиз ўғлонлар бор. Негадир темурийларга ақрабо бўлган амир Мубашшир ҳам унинг тарафида эмиш.

Оғир ўю хаёллар оғушида отини йўрттирганча Дабусия йўлидан бораётган амирзоданинг ўнг томонида ясовулбоши Ражаб Турдиқора, сўл тарафида эндигина унинг хизматига кирган Бобоҳусайн оти жilовини силтаб келарди.

– Хўш, иним Бобоҳусайн, – деди амирзода ёш мулозим томон ўгирилиб. – Сарой ва салтанат иши шундай бўлади. Кечаю кундуз от суриб, юрту миллат манфаатини ҳимоя этмоққа тўғри келади. Сенга оғирлик қилмайдими? – сўради оғир фикр-ўйларни унутмоқ, ўзини чалғитмоқ учун йўлдошини суҳбатга тортиб.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Қиблагоҳ мени сиз улуғ қардошим учун сипар бўласан дея юбордилар. Сиз қайда бўлсангиз, мен шу ердирман! – жавоб қилди Бобоҳусайн.

– Сени Бобоҳусайн Боботурк дея чақирамизми ёки ўзингга бошқа бир тахаллус топдингми?

– Волидам икки гапнинг бирида “Оҳ Туркистон, воҳ Туркистон!” дер эдилар. Мени ҳам Бобоҳусайн Туркистоний дея чақирардилар. Буни падари бузрукворга сўйлагандим, унда сенинг ота исминг Туркистоний бўла қолсин дедилар.

– Устоз Боботурк тўғри сўйлабдилар. Зотан, Боботурк исмини қиблагоҳингиздан бўлак кимсанинг ташимоғи ҳам осон эрмас! Волидангиз Салима Султон бегим эса маликаларнинг фариштасидир! Демак, бугундан бошлаб сенинг отинг Бобоҳусайн Туркистонийдир! Ва унутмаким, ота тупроқ, она ватанимиз Туркистоннинг номини кўтариб юрмоқ ҳам чексиз бир масъулият ва буюк шарафдир!

– Англадим, улуғ амирзодам! – дея от устида таъзим қилди Бобоҳусайн Туркистоний.

– Энди мухтарам биродаримиз, юрагимиз сиқилган дамларда кўнглимизга таскин бериб овутадиган ясовулбегимиздан бирор-бир мароқли ҳангома эшитсак. Шунда йўлнинг танобини тортиб, манзилимиз яқинлашади, – деди амирзода ўнг томонида келаётган Ражаб Турдиқорага қараб.

– Бир оғиз сўзлари, олийнасаб амирзодам, – дея отини қичаб яқинлашди ясовулбоши. – Кеча амир Шоҳмалиқдан хабар беклаб, арк девори устида юрар эканмиз, шайхулислом Хожа Абдулаввал ҳазратларидан бир оятнинг изоҳини сўрадим.

– Қайси оятнинг? – сўради амирзода қизиқиб.

– Вало йиғтаб баъзукум баъзан аюҳиббу аҳадкум ан яъкула лаҳма ахийи майтан оятини<sup>1</sup>, амирзодам.

– Хўш-хўш. Шайхулислом ҳазратлари қандай изоҳладилар?

– Биласиз бу оятнинг таржимаси бизнинг туркийда шундайдир. “(Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилманглар ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг этини ейишни хоҳлайдими!” Шайхулислом ҳазратлари бу оятга боғлиқ бир ривоятни сўйладилар. Ушбу оятга амал қилган подшоҳлар етти тоифага ўз хизматлари учун йўл бермасликлари керақдир. Мен сизга ана шу етти тоифанинг тўрттасини айтаман дедилар.

Отига ўнг бўрваги билан ўтириб ясовулга қараб олган амирзода Улуғбек уни завқ билан тингларди.

– Демак, биринчиси, ҳасад қилувчиларга, чунки ҳасад шундай заҳардирки, ҳеч дори билан даволаб бўлмас, ҳасадчининг ранжи ҳеч бир даво билан шифо топмас экан. Ҳасад балоси сон-саноксиз фасодлар пайдо қилади. Боиси ҳасад сийрати бағоят ифлос эркан. Хабис-ифлоснинг таъби хаёлоти халойиқ зотларига беҳад таъсир қилади ва бу сабабдан ҳақ таоло буюрадики: “Ва мин шарри ҳосидин иза ҳасад” (“Фалақ” сураси, 5-оят) (яъни, “Ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан”). Ҳадисда ёзилишича, ҳасад гўёки ўт ўтинни куйдиргандек баданнинг яхши ишини куйдиради. Дарвоқе, ҳасад ҳамма сифатларнинг ҳақирроғи ва барча хислатларнинг хорроғидир. Ҳасад асли ҳиммат пастлиги, таъб хасислигидан вужудга келади. Булар жаҳолат натижаларидир ва бу жиҳатданки, ҳасад сифати ақл нуқсонига равшан далилдир. Бундай ҳасадчи ҳар соатда минг ғам

<sup>1</sup>“Хужурот” сураси, 12-оят.

ва ғуссанинг заҳарли шарбатини ичади. Ҳар ерда у ишрат қадамини ерга қўйса, бу ҳасрат қўлини бошига уради. Машҳур масалда айтилганидек, “Кафо лил-ҳосиди ҳасадуху”, яъни “ҳасад қилувчига унинг ҳасади кифоя қилади”. Яъни қалбидаги ҳасад уни еб битирар экан, олийнажот амирзодам.

– Демак, бу биринчи тоифа. Энди иккинчи тоифа кишилар ҳақида сўйлай билурсиз? – деди амирзода дона-дона сўзлаётган ясовулни мароқ-ла тинглар экан.

– Ҳукмдорлар хизматларига нолайиқ тоифаларнинг иккинчи қисми бахил ва ҳасислар экан, шаҳзодам. Чунки бахил, халойиқ рад этгани ва улус душманидир. Саховат айбларни яширса, унинг акси, бахиллик ҳунарларни ёпгувчидир. Тоифанинг учинчиси разил ва пасткашлар экан. Подшоҳлар ҳиммат аҳлидандирлар ва аҳли ҳимматга разил ва пасткаш мулозимат муносиб эрмасдир. Пасткаш, бахил ва ҳасисдан ҳам ёмон экан. Боиси бахилдан инсон зотига хайр келмас, баҳра етмас экан. Молидан фақат ўзи наф кўради. Ҳасис шундайки, на ўзи ейди, на кишига карам қилади. Пасткаш шуки, емайди ва кимсага-да бермайди. У яна кишини бошқа бир кишига карам қилмоққа ҳам қўймайди. Марҳаматли ва саховатли бир подшоҳ бор экан, шаҳзодам. Яқинларидан бирига “Юз минг дирҳамни бир кишига бермоққа ният этдим, не дейсан?” дея сўрабди. “Бу қадар миқдордаги пулни бир кишига бериб бўлмас. Яхшиси, уни юз кишига бергин” дея маслаҳат берибди яқини. “Ўша кишига ярмини берсам-чи?” дея яна сўрабди подшоҳ. “Жуда кўп” дебди ақрабоси. “Учдан бирини берсам-чи?” “Ҳануз кўпдир, подшоҳим?” “Тўртдан бирини ҳадя этсам-чи?” “Барибир кўплик қилади” дея жавоб берибди у киши ва ниҳоят не қадар кўп бўлмасин бошда ният қилганингиз дирҳамнинг ўндан бирини ҳадя қилсангиз

бўлади дебди истар-истамай. Ниҳоят подшоҳ ёрилибди. “Эй бедавлат, мен бу маблағни сенга бераман дея ният қилган эдим. Ҳам ўзингни ундан маҳрум этдинг ҳамда мени хайри саховат қилмоқдан маҳрум қилдинг. Буни туйган подшоҳнинг яқини афсусу надомат ўтида қоврилиб, ер-ла баробар бўлиб узр тилабди. “Мен хато қилдим, подшоҳим, сиз ўз караму марҳаматингиздан воз кечманг!” дебди аранг тили айланиб. “Сен пасткаш, азобу уқубатга муносиб, ҳадяга нолойиқ кишисан. Сенинг бу ноинсоний хислатинг ўзингга-да, менга-да зиён-дир. Менинг зиёним шундан иборатким, агар шу миқдор молни бир кишига берсам эди, хайри саховат, ҳиммату марҳаматда беназир бўлардим. Даври давроним сўнгига қадар карам ва мурувватим овозаси боқий қоларди. Ўзингга зиёнинг шулким, кўп моли мулқдан маҳрум бўлдинг. Энди бор, ўша юз минг дирҳамни олгин-да, бундан кейин мажлисимда бу каби пасткашлик қилмагин дебди подшоҳ.

– О-о, нақадар ибратли ҳикоят. Улуғ мутаффақир Бурҳониддин Марғинонийнинг сулоламизга сидку садоқат ила хизмат қилиб келган авлодларининг вакили саналмиш Хожа Комилиддин Абдулаввал ҳазратлари дину диёнат, адли адолатда беназирдирлар. Шунинг учун ҳам мен Самарқанднинг қисмату қадарини ул улуғ ва шарафли зотга топшириб чиқдим! – деди ҳаяжонли оҳангда мирзо Улуғбек.

– Ижозатингиз ила сўнги, тўртинчи тоифа ҳақида сўйласам, амирзодам, – деди ясовулбоши ривояти мирзога ёққанидан мамнун бўлиб.

– Сўйлай билурсиз.

– Ҳамоатнинг тўртинчиси ғийбатчилар экан, улуғ мирзом. Улар шундай феъл-атворга соҳиб эканлар-



## **Нурали ҚОБУЛ**

---

ким, суҳбатда бирор-бир кишининг номи тилга олинса, фақат унинг ёмонлигидан, салбий хислатларидан сўз айтилмоғини истар эканлар. Дейлик сўзланган бундай гаплар рост бўлса-да, ғийбат ҳисобланар экан. Ёлғон бўлса агар, тухмату бўҳтон саналаркан. Ғийбатнинг азоби қиёмат куни зино азобидан-да оғир экан. Оят мазмуни ғийбатчиларга таҳдид ниҳоятидир ва бундан келиб чиқадиким, ғийбат қилувчилар мурдор ва ўлакса егувчи қуртлардир ва ҳар бир кишидаким одамийлик ҳисси, инсонлик шарафи бўлса мурдор этидан парҳез қилар экан, амирзодам.

– Иншооллоҳ, бошкентга қайтгач, шайхулислом ҳазратлари ила бу каби бетакрор суҳбатларни давом эттиргаймиз, – деди амирзода Улуғбек Дабусия қалъасининг ботаётган баҳор қуёши нурида товланаётган деворларига боқаркан.

Ихчам черик дарё соҳилига етиб келган, суворийлар тунаш тараддудига тушган эдилар.

Кўклам ёмғиридан тўлиб-тошиб, қирғоқларни емириб, илгарилаётган дарё мамлакатдаги алғов-далғов кунларни акс эттиргандек лойқаланиб оқарди.

Бундан беш йил бурун келиб тунаган хонага кирган амирзода яна ўша дарича ёнига келиб, буралиб оқаётган дарёга қаради.

Қулоғига қалъа дарвозаси ўнгида тиланчилик қилиб ўтирган девонанинг айтуви эшитилди:

Дунёни сотиб олганинг,  
Савдосига арзимас.  
Дунёни босиб олганинг,  
Ғавғосига арзимас.

## **ЎН УЧИНЧИ БОБ**

*Уларга хонлик, бизга эса Ватан керак.  
Амир ТЕМУР*

Эски рақиби амир Шоҳмаликни Алоқарсоқ тоғлари томон тириқтириб қувган амир Шайх Нуриддин ғалаба суруридан сармаст эди. Навкарлари амирнинг қочганлиги, мирзо Улуғбекнинг Самарқандни тарк этганлигини айтишгач, кайфияти янада кўтарилди. Ишлар битиб, масала ҳал бўлганини англади. Амиру мулозимларини от устида тўплаб, сўнгги кўрсатмаларни берди.

– Қози аскар Муҳаммад ал-Бақро! – Ал-араб тахаллусли аскар қозилиги вазифасидаги кишини ёнига чорлади Шайх Нуриддин. – Яқинроқ келинг! Вазият ва ғалабани кўриб турибсиз! Эшитишимизча, амирзода Улуғбек шаҳар арки ҳимоясини шайхулислом Хожа Абдулаввал ҳазратларига омонат этиб кетган! Сиз ҳозироқ черигингиз билан Самарқанд сари отланиб, шайхулислом ва бошқа акобиру асилзодалар ила учрашинг! Бошкентни бизга топширсинлар! Шаҳар сокинлари, олий қозидан тортиб ҳаммолга қадар кимсанинг сочидан бир туки тўкилмаслигини айтинг ва кафолатини беринг! Саид авлоди ўлароқ ўртада турганлигингизни ва мамлакатдаги сулҳу амниятга балогардон эканлигингизни таъкидланг! Ҳеч бир қозию қуззот, дину диёнат маъмури вазифасидан озод этилмагай! Биз уларга бутун ҳокимиятни элда тутган, ҳатто Улуғбек мирзонинг ҳам ҳаракатларини чеклашгача бориб етган, дордан қочган амир Шоҳмаликдан-да кўпроқ ҳақ-ҳуқуқ таниймиз! Бўғзиларига сиққанчалик эрку озодлик бергаймиз! Дарвозалар калитларини бизга топшириб, ўз ишларида

## Нурали ҚОБУЛ

---

давом этсинлар! Оллоҳ йўлингизни берсин! Бир юзлик йўлдошлигида Самарқанд йўлини тутинг! – қози аскарни шаҳар сари йўллади амир Шайх Нуриддин. – Ҳумоюн ўрдумиз бошкентни шимол томонидан ўраб яқинлаша бошласин! Шаҳарга амиру мулозимлар билан бир неча юзлик киради! Қолган сипоҳийу суворий Конигул ўлани ва Қизилработ дашти жанубида олий фармонни беклайди! Ҳеч бир кимсага озор берилмасин ва мулкига зиёну заҳмат етказилмасин! Қурут сўриб кунни ўтказингки, бироқ миллатнинг бир сиқим унига эл узатманг! – сўнгиде лашкарга мурожаат этди Шайх Нуриддин от устида баланд овозда.

Суворий юзлиги билан қўшиндан ажралиб чиққан Муҳаммад ал Бақро Самарқанд сари жўнади ва икки намоз орасида Оҳанин дарвозасига етиб келди.

Арkning икки арава сиғадиган йўлаги ва дарвоза устидаги майдончада кимса кўринмасди. Дарвоза тепасида дубулға кийиб, юзини боғлаган икки найзали пиёда аскар турарди.

– Мен Қизилработ тўқнашувида амир Шоҳмаликни тиз чўктириб Мовароуннаҳр вилоятини қўлга киритган Турон амир ул-умароси Шайх Нуриддин ҳазрати олийларининг вакили, қози аскар Муҳаммад ал-Бақродурмен! Шаҳарга кириб арқда қолган маъмуру акобирлар билан сарой ва хазинани қабул қилиб олмоқ масаласини қўнишмоғимиз керак! Шунинг учун дарвозани очишингизни талаб этаман! – деди ал-Бақро от устида юксак сас-ла.

Баҳайбат арабнинг залворли овози дарвоза ва арк деворларида акс-садо бериб янгради.

– Биз дарвозани фақат хоқони саид Шоҳруҳ подшоҳ ва унинг ноиблари, амирзода Улуғбекнинг амри фармонлари

билан очамиз ва беркитамиз! Бошқа ҳеч бир кимсага очмоқ амрини олмаганмиз! – деди посбонлардан бири ҳайқириб.

– Бу сўзинг учун эртага жавоб беришингни биласанми? – яна бақирди ал-Бақро.

– Кимга жавоб беришимни биламан! – яна жавоб қилди дарвозабон. – Менинг ўрнимда сиз бўлганингизда ҳам шу жавобни берардингиз! Менга дўқ урманг! Тагин қози эмиш!

– Бир қарич тилингга эрк берган ақлли калланг сапчадек узилишини ҳам билсанг керак! – янада юксак сасда ҳайқирди қози аскар.

– Кимнинг калласи олдин, кимники кейин кетади, уни яратган тангри билади! Худонинг номидан сўйлама, нокас!

– Унда Хожа Абдулаввал ёки олий қози Салоҳиддинни чорла!

– Бунга ваколатимиз йўқ! Ўзлари арк девори устида айланиб юрибдилар! Келиб қолсалар кўнишмоғингиз мумкин! Ёки арк девори бўйлаб айланинг! Қаршингиздан чиқиб қоларлар!

Дарвозабонлар билан баҳслашмоқ ва шаҳар мутасаддиларини ахтармоқ фойдасизлигини англаган ал-Бақро оти жilовини ортга бурди.

Қароргоҳга қайтиб келиб, турумни амир Шайх Нуриддинга билдирди.

– Унда шундай қарорга келамиз, – деди амир Шайх Нуриддин атрофини ўраб турган бек ва лашкар бошлиқларига бир-бир боқаркан. – Сиз, амир Рустам Тоғай Буқо! Ҳамон ўз черигингиз билан Бухоро томон юринг ва шаҳарни забт этинг! Қаршилиқ кўрсатганларни жазоланг! Кўрсатмаганларга тегманг! Шаҳар аркини эгаллаб, биздан навбатдаги фармонни бекланг! Сиз,

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

қардошим Чингиз ўғлон! Зудлик билан Кеш сари юринг! Оқсаройдан қароргоҳ ўлароқ фойдаланиб, атроф-худудлар назоратини тасарруфда сақланг ва тоғдаги асосий душманимиз амир Шоҳмаликдан кўз-қулоқ бўлинг! Ул шайтоннинг устози сувилон каби қўлимиздан сирғалиб чиқиб кетди! Кўрамиз, қай манзилгача ўрма-лаб борар экан. Биз эса Самарқанд сари юрамиз! – дея икки амирни Кеш ва Бухоро забти учун йўллади Шайх Нуриддин. – Бугун кечаси истироҳат этингиз! Лашкар толиқди. Оллоҳнинг изни ила бомдод номозидан сўнг йўлга чиқамиз.

Тонг сабоҳда Шайх Нуриддин амиру қўмондонлари қуршовида ғолибона, тантанали равишда шаҳар арки томон юрди. Ал-Бақро йўлдошлигида ўша – Оҳанин дарвозасига етиб келди.

Не қадар бақириб-чақиришмасин дарвоза устидаги кузатув майдончасида кимсанинг қораси кўринмади.

Посбонлар беҳуда мулоқоту асаббузарликдан қочиб девор паналаб ётиб олишган, диққат ила пастдаги гап-сўзларни тинглашарди.

Шайх Нуриддин оти жilовини бир пайтлар, қаҳратонда мирзо Улуғбеку бугунги қон душмани амир Шоҳмалик билан бирга кира олмаган шайхзода дарвозаси томон бурди.

Дарвоза ҳимояси Хожа Исомиддин билан шайхзода Соғаржийга топширилган эди.

Ҳимоядаги ўн чоғли мадраса талабаси тиш-тирноғигача қуролланган отлиқ жангчиларга қизиқсиниб боқишарди.

– Дарвоза ҳимояси кимга топширилган бўлса шу кишини чақиринг! Мен амир Шайх Нуриддинман! – пастдан туриб ҳайқирди бек.

– Улар Шоҳруҳсултон ҳузурларидан келган вакил би-

лан машварат ўтказмоқдалар! Биз эса толиби илмлармиз! Салтанату ҳукумат ишидан хабаримиз йўқ! Бизга ҳукми ўтажак подшоҳ мирзо Шоҳруҳдир! Подшоҳ ноиби мирзо Улуғбек қиблагоҳлари ҳазратларини қаршиламоқ учун шаҳардан чиқдилар! Шоҳруҳ подшоҳ ёхуд Улуғбек мирзодан ижозат бўлмас экан, кимса дарвозани очмагай! – жавоб қилди талабалардан бири.

– Демак, ҳар қандай хатти-ҳаракат бефойда. Муросою мадора билан шаҳарга кириб бўлмайди. Не қилсак экан? – сўради Шайх Нуриддин ёнида турган ал-Бақродан.

– Туйдингизми? Шоҳруҳдан чопар келди, амирзода отасини кутиб олгани кетди деди. Демак, хоқон ҳам йўлга чиққан. Қаршимизда Шоҳмалик. Ортимизда Хуросон кўшини. Ҳисоб-китобни аниқ олиб, тез ва тадбирли ҳаракат этмоққа тўғри келади, улуғ амир ҳазратлари. Бунинг устига шаҳар халқи ҳам бизга хайрихоҳ эмас. Эсининг борида этакни ёпиб, бу манзилдан узоқлашишимиз ижоб этади чамамда, – фикрини баён этди қози аскар.

– Ал-Бақро жаноблари тўғри сўйлайдилар!

– Бу ерда туришимиз хатарли!

– Қулай бир мавзегга чекинмоғимиз маъқулмикан! – Ал-Бақронинг сўзини қувватлади амир Шайх Ҳасан.

– Унда шундай қарорга келамиз, биродарлар! Ҳақиқатан ҳам шаҳар арки атрофида айланиб юришимизда маъно йўқдур! Бирорта дарвозани бузиб аркка киришимиз-да бизга обрў ва фойда келтирмайди! Бунинг устига шаҳар ҳимоясини саидлару уламоларга топшириб кетишибди! Бу инсонларнинг бурнини қонатиб бўлмас! Амир Шайх Ҳасан! – ўз амакиваччасини ёнига чорлади Шайх Нуриддин. – Сен ортга қайт ва Керкин Ҳисорини муҳосара эт ва қароргоҳ тут! Биз ҳам ортингдан етиб борамиз! – сўнг қарорга келди амир.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Ўтрор қўшини ортга қайтди. Амир Шайх Ҳасаннинг чериги асосий қўшиндан айрилиб чиқиб, илғор ўлароқ Керкин ҳисори томон жўнади.

Шоҳруҳсултон амир Шайх Нуриддин фитнаси ва исёни ҳақида зулҳижжа ойининг охирида хабар топди. Бош хабарчи Эсиргап Найман бу пайтда Термизда эди. Ярим кечаси эшигини қоқиб келган Эртўғрул Туроннинг Ўтрор ўрдусидаги навқари фитна ҳақидаги хабарни етказди. Эсиргап Найман навқарга отини алмаштириб, тўхтамаздан Ҳиротга йўлга тушишини тайинлади. Ўзи эса бир кишисини амир Шоҳмаликнинг, бирини эса амирзода Улуғбекнинг ҳузурига йўллади.

Хоқон Шоҳруҳ фурсатни қайб этмасдан амирларини олий машваратга чорлади. Бу орада амирзода Улуғбек юборган чопар ҳам етиб келиб, сўнги воқеалар тафсилотини баён этди.

– Мен бир нарсани англамадим, хоқони саид ҳазрати олийлари? Нечун амир Шоҳмалик Самарқанд ҳимоясида муқим турмай, Қоратепа томон кетган? Амирзода Улуғбек ҳам шаҳарни ташлаб чиққанлар! Отабеги ва шаҳзодамизнинг қарорлари янглиш эмасмикан? – ўз фикрини билдирди амир Муҳаммад Сўфи тархон. – Шаҳар Шайх Нуриддинга ош каби товоқда тақдим этилмаганми?

– Мен ҳам сизлар билган ва эшитган билгиларга соҳибман, амир жаноблари. Бу қарорларнинг не қадар тўғри ёхуд янглишлигини ва бундан буёнги ҳаракату муддаони муҳокама этмоқ учун ушбу машваратга тўпландик. Бу хусусда ҳар бир амир ўз фикру мулоҳазасини очиқ-ойдин айтиши мумкин, – кутилмаган нохуш хабардан юзларида ташвиш аломати зоҳир бўлган амирларига бир-бир боқароқ деди подшоҳ.

– Амир Шоҳмалик енгилган бўлса-да, худонинг ол-



дидан олти, пайғамбарнинг ҳузуридан ялангоёқ етти карра қочган амир Шайх Нуриддиндан ақлли ва тадбирлидир, – одатдагидек гаплари кескир эди амир Нуширвон Барлоснинг. – Агар амир Шоҳмаликнинг қўшини Самарқандга кирса, сўзсиз уни узил-кесил тор-мор этмоқ учун Шайх Нуриддин ҳам шаҳарга бостириб кирарди. Улуғбек мирзо ҳам шаҳарни олиму мударрисларга омонат этиб, тўғри қилганлар. Амир Шайх Нуриддин талабаю номозхонлар билан савашга кирмайди-ку!

– Тўғри! – деди амир Мизроб баҳодир Нуширвон Барлоснинг фикрини маъқуллаб. – Амир Шоҳмалик қўшинини Қоратепада тўплаб қасос ўтида ёниб турар экан, Шайх Нуриддин Самарқандга киришга журъат этмайди. Шаҳар аҳли ва Шоҳмалик чериги ўртасида қолиб оғир аҳволга тушишини билган. Бунинг ўрнига Кеш ва Бухорони эгаллашга қарор қилган. Биз зудлик ила ота юрт сари йўлга тушмас эканмиз, вазият чигаллашиши мумкин.

– Кимда не фикр бор? – яна амирларига мурожаат этди подшоҳ.

– Отланиш керак, онҳазрат! Не қадар тез йўлга чиқсак, шу қадар маъқулдир, – деди амир Нуширвон Барлос.

– Ҳамон йўлга чиқа олмаймиз. Ҳозирлик учун камида ҳафта-ўн кун кетади, амир жаноблари. Шошиб-пишиб йўлга чиқиб, амир Шоҳмаликнинг турумига тушиб ўтирмайлик, – деди эътироз билдириб амир Тукал Барлос. – Шайх Нуриддин амир Худойдодга қараганда янада кўпроқ илоннинг ёғини ялаган. Унинг султон соҳибқирон салтанатининг сўнгги амир ул-умароси эканлигини, номардликда унга тенг келадиган одам ҳам камлигини унутманг. У табиатан сувлар келмасидан бурун дамбалар қуриб, ҳозирлигини кўриб юрадиган одам. У ёқда кичик қардоши, Туркистон ҳокими Бердибек. Амир Ху-

дойдоднинг ўғли Фарғона ҳокими Абдумалик ҳам уни астойдил қўллаб-қувватласа керак.

– Тўғри! – амир Тукал Барлоснинг сўзини маъқуллади амир Ажабшер. – аслида ўтган йил борганимиздаёқ Шайх Нуриддин ишини битириб келмоқ керак эди. У одатдаги тилёғламалигини қилиб, олампаноҳ хоқонимиз кўнгилларини олиб, барчамизни чалғитди. Худойдод устидан қозонилган қонсизу жонсиз ғалабанинг сурурига берилиб, унга ҳеч ким эътибор бермади. Амининг охири бир куни исён кўтариши бошдан белгили эди. Буни барчамиз билар эдигу, инсофга келиб қолар дея фикр этардик. Сўнг қарору фармон хоқони саид ҳазратларинингдир.

– Унда қароримиз шундай, – деди подшоҳ фармон матнини ёзмоқчун бахшига кўрсаткич бармоғи ила имо этаркан. Хуросон ўрдуси икки ҳафтадан сўнг, муҳаррамнинг ўн тўртида (19 май 1410 йил) йўлга чиқсин! Ҳумоюн ўрдумиз, номдор бек ва баҳодирларимиз амир Ёдгоршоҳ арлот, амир Тукал Барлос, амир Мизроб баҳодир, амир Нуширвон Барлос, амир Муҳаммад сўфи, амир Юсуф-хожа ибн Шайх Али Баҳодир ва амир Ажабшерларнинг туманларидан ташкил топажақдир! Шавкатли бекларимиз амир Ҳусайн ибн Сўфи тархон, амир Илёсхўжа, амир Муҳаммадбек ва амир Муҳаммадхожалар Қумис ва Мозандарон вилояти чегаралари хавфсизлигини сақлашга номзод этиладилар. Авлодимиз Муиззуддин мирзо Бойсунғур бошкент Ҳиротда бизнинг қойим мақомимиз ўлароқ салтанат девонини бошқарадилар.

Хуросон қўшини Марвга етганида шайхулисом Хожа Абдулаввал бошчилигидаги Самарқанд ақобирларининг мактуби хоқони саид қўлига етди. Уламолар подшоҳга бошкентда бўлиб ўтган воқеалар тафсилотини батафсил битгандилар.

Олий ўрду Чечактуга етиб, қароргоҳ тикканди. Ниҳоят, амир Шоҳмаликнинг навкари Бой Бахший подшоҳнинг палосини ўпмоққа эришди.

– Саодатли амирзода Улуғбек чериги билан Келифул мавзесида, сув яқосида ўлтирибди. Амир Шоҳмалик амир Нуширвон билан Самарқанд сари йўлга чиқдилар. Барчалари сиз зоти олийларини тўрт кўз ила бекламоқдалар, – дея амир Шоҳмаликнинг муждасини етказди Бой Бахший.

Қўшин Қубула мавзесига етганида илғор сифатида юриб Термиз йўлидан кетаётган амир Мизробдан чопар келди.

– Амир Мизроб жаноблари амир Шайх Нуриддиннинг Термиз томон келаётгани хабарини зоти олийларига етказмоқни буюрдилар! – деди ҳорғин қиёфали навкар.

– Биз Самарқандга Марв йўли орқали юрдик. У эса Термиз томон йўналган. Демак, бу ерда яна бошқа бир ўйин бор, – деди Шоҳруҳ қаршисида ўтирган амир Нуширвон Барлосга.

– У устоз тулки бекорга Термиз томон юрмаган. Ўзича Самарқандни кафтимда деб ўйламоқда. Термиз Ҳисори Шодмонга яқин. Балки Самарқанд тахтига ўтқазиш учун шаҳзода қидириб, йўлга чиққандир. Ҳисори Шодмонда эса зоти олийлар ул вилоятни берган Муҳаммад Жаҳонгир ибн Муҳаммад Султон бор.

– Гапингизда жон бор, амаки, – деди Шоҳруҳ доимо тахминлари тўғри чиқадиган Нуширвон Барлоснинг кўзига қараб. – Амир яна бир фитна режасини пиштаётган бўлса ажаб эрмас. Юришни тезлатмоғимиз керак.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

*Кимки золимга кўмак берса, Оллоҳ унинг устига ўша золимни ҳукмрон қилиб қўяди.*

Қуръони каримдан

Термиз йўлининг Ҳисори Шодмон вилоятига айриландиган муюлишидаги тепаликка султон соҳибқирон Амир Темурдан қолган шоҳона саропардани тиккан амир Шайх Нуриддиннинг Шоҳмаликни енггандаги кайфиятидан асар ҳам қолмаган, тажанг ҳолда қўлини орқасига қилганча саропарданинг у бошидан бу бошига бориб келарди.

– Хуллас, Худойдод Ҳусайнийнинг ўғли амир Абдумалик қўшини билан сафимиздан айрилиб, вилоятига қараб кетди дегин, – деди бу хабарни етказиб келган амакиваччаси Шайх Ҳасанга.

– Ҳа, улуғ амир жаноблари. Қочди! – деди Шайх Ҳасан ранги қути ўчиб.

– Ит боласи ит бўлур, бит боласи бит бўлур дегани шу экан-да. Сезгандим. Оёқ олиши чатоқроқ эди у ҳаромининг. Энди нима қиламиз? Унинг қочгани, қўшинимиз сони ярмига камайди дегани.

– Энг ёмони, Абдумаликнинг хоинлиги бошқаларга таъсир этадими дейман, – гап қўшди Шайх Ҳасан. – Хуросон қўшини Жайхундан ўтибди деган хабардан сўнг пайтавасига қурт тушган эди. Кеча кечаси жуфтакни ростлаган.

– Отам ва амаким учун ўч оламан деган эди, қасамхўр. Ота душманларининг номини эшитиши билан қочмоқ куйини чалган. Буларнинг барчаси шундай. Ишинг юри-

шиб турса, оёғингни ўпади. Коса лаби каж келса, кўппакийга сотади. Отангни куни бошинга тушгур сотқин!

Ўйга толган Шайх Нуриддин яна бир бор саропарда этагига бориб келди.

– Энди бир иш қиласан, Шайх! – деди жияниниг кўзига тикилиб. – Саропарда саҳнига чиқиб асир олганимиз амир Вафодорнинг қатл этилишини эълон қил ва сипоҳийлар машқ қилаётган майдонга элтиб, бошини танасидан жудо эт!

– Керакмикан шу қатл, амаки? – ҳайрон бўлиб сўради Шайх Ҳасан. – Усиз ҳам...

– Керак! Гапни чўзма! Уларнинг ўтакасани ёриб, юрагига ғулғула солиш учун керак! Эртага орамизда айғоқчи каби юрган, уларга ақрабо бўлмиш амир Мубашширни ҳам дорга осаман! Сен менинг амри фармонимни муҳокама этма! Қош қайирмай бажар! Англадингми?

– Англадим, амаки!

– Унда ҳамон бажар! – деди Шайх Нуриддин терс бурилганча саропарда тўрига қараб юраркан.

Шайх Ҳасан чиқиб кетиши билан саропардага Ҳамза Сулдуз, амир Мубашшир ва Жунайд Баён кириб келишди.

– Бир муҳим масала хусусида фикрлашиб олишимиз керак, муҳтарам амирлар, – деди Шайх Нуриддин бош вазирлик давридан қолган ва аравага ортиб олиб юрадиган олтин зарҳалли тахтига ўтираркан. – Худойдод Ҳусайнийнинг ўғли кўшини билан қочиб кетганлигини эшитган чиқарсиз. Умид қиламизки бундан буён орамиздан ул каби хоинлар чиқмас, – дея амирларнинг авзойига сер солди.

– Иншооллоҳ! – деди беклар номидан амир Мубашшир.

– Мен сиз ҳурматли узанги йўлдош дўстларимга шу

пайтгача ҳеч кимга айтмаганим, ҳақ раҳматига қовушган хоқони акрам султон соҳибқирон муаззам иккимиз орамизда бўлиб ўтган бир аҳдлашувни ифшо этмоқчиман. Шунда менинг сизларни ёнимга олиб, бу жангу жадал йўлига кирганлигим боисини янада аниқ ва равшанроқ англагайсизлар. Боиси, бу гапни ошкор этмоққа энди вазият етилди. Шу пайтга қадар сўйласам, ҳар ким ҳар хил тушуниши ва талқин қилиши ўйин бузилиши мумкин эди.

Не гап-сўзлигига ҳайрон бўлган беклар бир-бирларига қараганча амирнинг оғзига термулдилар.

– Бу васиятни амалга оширмақ менинг инсонлик ва Турон давлати ва салтанатининг сўнгги амир ул-умароси сифатидаги бурчимдир. Маълумингизким, улуғ хоқон ҳазратлари замоналарида илк эълон этилган валиаҳд Муҳаммад Султон эдилар. Улуғ хоқон ҳазратлари менга бир неча бор такрорладиларким, вақти замони етиб, менинг тахтимга Муҳаммад Жаҳонгир Муҳаммад Султон ўтиражақдир. Мен султон соҳибқирон ҳазратлари имо-ишораларини англадим ва кўзим очиқ экан, бу васиятни амалга оширмаққа сўз бердим. Мана, даму дақиқаси етиб, омонат васиятни сиз муҳтарам бекларимизга етказмоқдаман. Султон соҳибқирон ҳазратларининг васияту хотиралари мен каби сизлар учун ҳам ғоят азизу қадрли эканлигини биламан. Шундай экан, сўзларимга қулоқ тутиб, шаҳзодамиз Муҳаммад Жаҳонгирни бобо тахтига ўтказишдек савобли ишга бош кўшишингизни рижо этаман.

– Бу хусусда биздан не кўмак лозим, улуғ амир жаноблари? – ҳайрон бўлиб сўради Ҳамза Сулдуз амирга эътироз билдириш бефойдалигини англаб.

– Модомики, сиз бу ишга қарор берган экансиз, ёнингизда турмоқ мажбуриятидамиз. Самарқандга киргач,

ким бўлмасин, бирорта шаҳзодани Кўктошга ўтқазиб керак, – Шайх Нуриддин фикрини қувватлаган бўлди амир Жунайд Баён.

Орага ноқулай бир жимлик чўқди. Амир Мубашшир не деярини билмай каловланди.

– Бу ғоят таҳликали бир ишми дейман-да, амир жаноблари. Амакиси Шоҳруҳ унга Ҳисори Шодмондек жаннатмакон бир мамлакат подшоҳлигини бериб қўйган бўлса. Кўнармикан? Кўнса-да, бу ишни шунчаки хаширдан қил суғургандек осонликча амалга оширмақ мушкулдир, деган ўйдаман, – тараддудини очиқ сўйлади амир Мубашшир.

– Мен бежизга сиз уч амирни саропардамга чорламадим. Боиси, учовингиз ҳам раҳматли валиаҳд Муҳаммад султоннинг ёнида юрган навкарлари, узанги йўлдоши бўлгансизлар. Мен Самарқандда қолмоқчи эмасмен. Шаҳзодани бобо тахтига ўтқазиб, ўз вилоятимга қайтаман. Сизлар эса унинг улуғ ва мўътабар беклари сифатида давлатни сўрайсизлар. Ўйлаб кўринг. Бундай қулай фурсат ҳар куни ҳам туғилавермайди. Амирзода Улуғбекка ўхшаб бир қирриғ бекнинг оғзига қараб, мамлакатни бошқариш мумкин эмас. Қолаверса, мирзо кутубхонадан чиқмай, китобдан бош кўтармас экан. Бу аҳволда салтанат иши қандай кетади, бу ҳам яратганга маълум. Зимдан иш битириб, ҳокимиятни қўлга киритиш ниятида юрган дажжол Шоҳмаликка эса худди шундай, ҳеч нарсага даъвоси йўқ, тожи тахт ташвишидан узоқроқ бир амирзода керак. Турон давлати салтанати, Амир Темур ҳазратлари доимо қайд этиб келганларидек номига унинг тепасида турганники эрмас, бошқара билганникидир. Менинг, сизнинг ва ёнимизда иқтидор даъвосида юрган барча бек ва қўмондонларимиз бу давлату мамлакат учун ҳеч бир амирзодадан кам хиз-



мат қилмаган. Улар тайёр ошга баковул бўлсалар, биз қон кечибу жон чекиб, уни ҳимоя этганмиз. Шундай экан, ҳозироқ Ҳисори Шодмонга жўнангизу мирзо Муҳаммад Жаҳонгирни бу ерга олиб келингиз. Менинг фикрим, бобосининг васияти ва мавжуд турумни ётиғи билан унга англатингиз. Биз эса Термиз томонга юрамиз ва сизларни ўша ерда кутаман.

Бу ишнинг амалга ошишига ишониб ишонмаган уч амир амир Шайх Нуриддин билан ёвлашмаслик учун Ҳисори Шодмон йўлига тушдилар.

Бўлиб ўтган жанг, амир Шоҳмаликнинг мағлубияти, мирзо Улуғбекнинг Самарқандни тарк этиши ҳамда уч бекнинг иқносига таяна олмаган ўн беш ёшли Муҳаммад Жаҳонгир боши қотганча бекларга эргашиб, амир Шайх Нуриддиннинг саропардасига келди.

– Биз бу мулки давлат, иқтидору мамлакатни, сиз, олийнасаб шаҳзодамиз учун олдик. Зотан, улуғ бобонгиз, амир соҳибқирон ҳазратлари ўз тахтларини илк валиаҳд мирзо Муҳаммад Султоннинг фарзанди ўлароқ сизга васият қилган эдилар, – деди амир Шайх Нуриддин мирзо Муҳаммад Жаҳонгирни қучоқ очиб кутиб оларкан ёнида ҳозирланган тахтга ўтқазиб. – Сиз азиз ва асил шаҳзодамизнинг барча амирзодалардан ортиқ жиҳатингиз борким, илк валиаҳднинг бош фарзанди-сиз. Бобо тахтига барча темурийзодалардан энг юксак ҳақу ҳуқуққа соҳиб кишилиқ – сизсиз. Шунинг учун ҳеч бир андишага борманг ва хаёлингизни бўлманг. Қолган амаки ва амакиваччаларингизга бобонгиздан қолган Эрону Хуросон, Ироқу Ажам, Озарбайжон тупроқлари етиб ортади. Жумла жаҳон кўриб турибдики, улар бу мулки мамлакатларни эплай олмай, қирпичоқ бўлиб, шармандаи шармисор аҳволдалар. Шу кунгача салтанат ғавғоси йўлида неча тахтталаб темурийзода шаҳиду

қурбон бўлганини кўриб турибсиз. Уларнинг аксари ис-ёнчилару бобо душманларига қарши курашмоқ нари турсин, чоғир жангида ҳалок бўлдилар. Тўрт йил Кўктошга кетини ишқаган, нонни нанна деб юрган бир авлодимизнинг аҳволи ҳам барчага маълум. Бу мавқе ва тахт талоши кўлида чўкиб хароб бўлажак янги номзодлар ҳам пишиб етилмоқда. Бизни ана шу улуғ бобонгиз қону жон, имону виждонини тикароқ тиклаган мамлака-ту салтанатни сақлаб қолмоқ қайғуси бу ишга ундади ва ҳузуримизга даъват этдик. Сиз азиз шаҳзодамизнинг бобонгиз тахтига муносиб ва ҳақли ворису валиаҳд эканлигингиз бундан беш йил бурун ўз исботини топган, Кўктошга эга чиққан амирзода Халил Султон ҳам султон соҳибқироннинг асил вориси ўлароқ сизни эълон этиб, тахтга ўтқазган эди. У пайтда номига ҳукмдор дея тахтга ўтқазган бўлсалар, энди ҳақиқий подшоҳ каби Кўктошга ўтирасиз! Кимсадан андиша этманг! Ҳеч қачон ва ҳеч бир замонда тожу тахт, мулки давлат ҳадя этилмаган. Жангу жадалларда савашиб, майдонларда мардларча курашиб қўлга киритилган! – сўзлари дадил, фикрлари салмоқли, гап оҳанги ишончли эди амирнинг.

– Бизни Ҳисори Шодмонга тайин этган подшоҳ ама-кимиз билан муносабатларимиз қандай кечади? Ул зоти олий биздан хафа бўлмасмиканлар? – ночор нигоҳини ёлиб, инончли сасда қўнишаётган Шайх Нуриддинга тикди шаҳзода.

– Подшоҳ амакингиз ила биз қўнишажакмиз. Бундан хавотир олманг! – деди амир бу масалани муҳокама этишни истамай. – Амакингиз атрофини ўраган ёввойи афғонлару сотқин тозикларини эпласа ҳам катта гап. Бугундан эртага ким бору ким йўқ! Бу тожу тахт, бу мул-ки давлат югурганники эмас, буюрганникидир, авлодим! Шунга қараб ҳаракат этинг ва сизни бу ерга олиб кел-

ган, қиблагоҳингизнинг қиличини чопган мана бу уч улуг амир сўйлаган сўздан ва кўрсатган йўлдан чиқманг! Ана шунда омаду иқбол қуёши сизга кулиб боқажак!

Кимсадан бу қадар маъноли ва ўзини иқно этгувчи фикрларни эшитмаган шаҳзода тажрибали амирнинг сеҳрли сўзлари олдида лолу ҳайрон жалангларди.

Амирлар Ҳамза Сулдуз билан Жунайд Баён Шайх Нуриддиннинг сўзларини маъқуллаб бош ирғаб туришар, фақат бу фитна хайр ила тугамаслигига ақли етган амир Мубашширгина не деярини билмай белбоғи билан терлаган бўйни ва юзини артар эди.

Шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгирнинг амир қароргоҳига етиб келганлигининг тўртинчи куни эди. Шайх Нуриддин бошлиқ беклар Самарқандга кирилгач, салтанат девонини тартибга келтирмоқ, қай амирга қай бир вазирликни бермоқ хусусида режа тузиб, кечки базми жамшидни қуюқ қилиб ўтиришарди.

Қоровул ва узунқулоқларни назорат этгувчи амир Шайх Ҳасан оҳиста тўрга ўтиб, амакиси Шайх Нуриддиннинг қулоғига шивирлаб нимадир деди.

Амирнинг ичкидан нақш олма каби қизариб турган юзи оқариб, сархуш кўзлари сергак тортди.

– Қизилработда қизил қонига бўялган амир Шоҳмалик Самарқандга кирибди. Хуросон қўшини эса Омуйя сувидан ўтибди, – деди у овозидаги тантанаворликдан асар ҳам қолмай ўйга толганча.

Саропардада ёқимсиз сукунат ҳукм сурарди.

– Зотан, бу каби гап-сўзлар қулоғимизга чалиниб турмоғи табиийдир. Тилга олганимиз ҳар икки тараф ҳам воқеа ва ҳодисаларга томошабин бўлиб турмайдилар. Бироқ Шоҳруҳ мирзо ҳам энди ўттиз ёшдан ошган, ҳукмдор сифатида оёқларида мустаҳкам тура оладиган бир подшоҳ эмасдир. Биз бу салтанатни бобоси билан

тиклаганимизда канизак волидасининг хаёлларида юрган бир орзу эдилар. Биз билан қарама-қарши келиб, аҳмоқ Шоҳмалик каби майдонга тушмасалар керак деган ўю фикрдаман. Мабодо Оллоҳ бизни ёлғончи қилиб, савашмоқ ниятида эрсалар, буни ҳам эгамизнинг амри, пайғамбаримизнинг таври дея қабул этиб, қилични қиндан чиқаргаймиз! Бизни Худойод Хусайнию Халил Султондек бир томчи қон тўкмай таслим бўлади дея ўйлаётган эрсалар янглишадилар. Сўғишу саваш, сулҳу омонлик тоши тарозисини шунга қараб қўймоққа ҳозир бўлингиз! – овозини баландлатиб саропардани тўлдириб ўтирган бекларига нигоҳини югуртирди амир. – Биз худодан бошқа ҳеч кимдан кўрқмаймиз! Чиғатой авлодлари давридаги оғзи қийшиқ бўлса-да улусга ҳукм юритиб келган хонлар даври ўтди. Халил Султон зиндонининг тупроғини ялаган ҳофизимиз Шерозийнинг айтувидек, Чарх авзой бу дам аввалгиларга ўхшамас, Котибу даври рақам, аввалгиларга ўхшамас...

Ҳофиз Шерозий ҳам уч кундан бери Шайх Нуриддин саропардасида айтув айтиб, меҳмону мезбонларга хизмат қилар, зиёфат сўнгида мўл-кўл ички ичиб, бир оз наша отиб тезагини аталаб қолар эди. Темурийларни хуш кўрмайдиган шоир Абу Анғит Алқуҳулий ҳам Термизга етиб келган, амирни Туркистоннинг янги Амир Темури дея эълон этиб, унга атаб “Замону маконларнинг улуғ Шайхи” отли қасида битарди.

Амир Шайх Нуриддиннинг Шоҳмалигу мирзо Улуғбекни бир ҳамла билан Самарқанддан ҳуркитиб юборганини шаҳарликлар аниқ кўрмаган бўлса-да, бу воқеа атроф музофотларда шов-шувга сабаб бўлган, янги ҳукумат бир йилга етар-етмас Халил Султон каби бошкентни тарк этганди.

Амир Темур салтанатининг сўнги бош вазири амир

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Шайх Нуриддин энди ҳукуматни ҳеч кимга бериб қўймайди деган гап тарқалгач, амирнинг ўзи Шоҳруҳ мирзо қўшинини Омуя суви бўйида қаршилаб суробини тўғриламоқ учун Термизга кетган дея гапиришарди.

Нохуш хабар устма-уст келмаганида ички ва зиёфат давом этар, ҳофиз Шерозий даврани янада обод қилар эди.

Саропардадаги шодон иқлим ўзгарган, савлат тўкиб ўтирган кекса беклардан тортиб, ички ичмай амирнинг оғзига тикилиб турган шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгиргача, барчанинг нигоҳида яқинлашаётган хавф-хатарнинг шарпасини сезиш мумкин эди.

– Ҳозир емаклар келтирилсин! Зиёфатимизга якун ясаб, йўл тадоригини кўрамиз! Иншооллоҳ, биз олийнасаб шаҳзодамиз билан эртага эрталаб Самарқанд йўлига тушамиз! Баҳодир бегимиз, Абдулкаримбек! Сиз мендан илгариги ҳалафим, Турон салтанатининг амир ул-умароси амир Хожи Сайфиддиннинг асл авлоди бу мулки давлатни тиклаган шахслардан бирининг муносиб фарзандисиз! Иншооллоҳ, ниятларимиз йўлдош бўлса сизни-да ота мақомингиз беклагай! Оққан дарёлар такрор оққай! Улуғ боболарининг муборак исми шарифларини ташиган хонзодамиз Чингиз ўғлон билан биргаликда Термизда қолиб, амир Мизробнинг ишини ҳал этасизлар! Амир Султон Боязид эса Келиф томон юриб, Мирзо Улуғбекнинг отасига қўшилмоқ ва Самарқандга юрмоқ йўлини тўсадилар! Оллоҳ барчангизнинг ёру ёрдамчингиз бўлсин!

Амир не қадар баланд ва ишончли руҳда нутқ ирод этмоққа уринмасин сасидаги товланишнинг таъсири, нигоҳидаги ташвиш нуқси ўтирганларга ўтиб улгурган эди.

Шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгирни ёнига олган амир Шайх Нуриддин беклари қуршовида Термиздан чиқди. Жадал юриб, тўрт кун деганда Бухоро йўли билан Кони-гил ўланига етиб келди. Қўшинни Кони-гилда қолдириб, ўзи Дилкушо боғига келиб жойлашди. Ҳамроҳи шаҳзодага дастлаб Боғишимолга ерлашишни маслаҳат берди-да, сўнгра фикридан қайтди. Қочиб-нетиб кетмасин, дея ёнида олиб қолди.

Эртаси куни Темур Давлат тавочини амир Шоҳмалик билан мунозара юритмоқ учун шаҳар аркига юборди. Темур Давлат тавочи Шайхзода дарвозаси этагида амир Шоҳмаликни беклаб узоқ турмади.

– Амир жаноблари билан орамизда ҳеч бир гап-сўз ўтмаган, олажак-беражагимиз ҳам йўқ эди. Недан бирдан тўнларини тескари кийиб, бизга хезланиб қолдилар, ҳайронман, – деди дарвоза тепасига келган амир Шоҳмалик самимий оҳангда.

– Биз ҳам ҳайронмиз, амир жаноблари. Икки улуғ амир ҳазратлари келишингиз-да, бу оворайи сарсонликка чек қўяйлик! – деди тавочи амирнинг мулоҳазакор гап оҳангидан умидвор бўлиб.

– Биз бундан беш йил бурун, амир соҳибқирон наъшларини Ўтрордан бошкентга келтирганимизда иккимизни ҳам шаҳарга киритмаган эдилар. Ўша аянчли қаҳратон кунларни эслаб изтироб чекдим. Бу юрт, бу мамлакат, бу шаҳар барчамизга етиб ортади. Не учун савашиб қон тўкмоқдамиз, дея ўйлаб ўйимга ета олмадим, биродар. Бориб амир жанобларига айт. Беклари билан келиб мусофиримиз бўлсинлар. Уйимизнинг тўри, қалбимизнинг кўрида ерлари бор. Зотан, қирқ йилдирки ёру биродар, узанги йўлдошмиз. Ўртамизда талашажак ва бўлишажак ҳеч нима йўқдир. Сўзларимни жумла-

## Нурали ҚОБУЛ

---

ма-жумла амир жанобларига еткуринг! Биз савашмоқ ниятида эмасмиз! Бунинг устига неча кунлик умримиз қолди, буни худо билади!

– Тушундим, амир жаноблари! Сўзларингизни бориб, улуғ амиримизга айтаман! – бақирди тавочи.

– Хайрли хабарлар билан келарсиз, иншооллоҳ! – қўл силкиб хайрлашди амир Шоҳмалик.

Темур Давлат тавочи қўрима юзлиги билан Дилкушо боғи томон юрди.

Амир Шоҳмаликнинг сўзларини шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгирни ёнига олганча боғ кезаётган Шайх Нуриддинга етказди.

– Сиз уни билмайсиз, тавочибек. Жоним, жоним дея жонингизни олувчилар хилидан, амир жаноблари. Сизни ўлдирсалар ҳам бу ишни табассум-ла, киприклари қилт этмай амалга оширадилар. Ўзи сўйлагани каби қирқ йилдан бери биламан у қирриғни, – деди бошини сермаганча бир шаҳзодага, бир тавочига қараб. – Ўғри билан ғарнинг тавбаси бўлмайди дегандек, бу амирнинг ҳам тайину тавбаси йўқ. Эрталаб бир, пешинда иккинчи, шомда учинчи гапни айтиб тураверади. Нега десангиз, сиёсатнинг таомили шундай дея иккиюзламачилик қилади. Ҳатто бу ифлос мени Амир Темурнинг укаси Бердибекни уйда заҳарлаб ўлдирган деган гап ҳам чиқарган.

– Унга не жавоб берайлик, амир жаноблари? – сўради Темур Давлат Шайх Нуриддиннинг жавобидан энсаси қотиб.

– Конирилга хабар етказинг! Қўшин шаҳарга ҳужум бошласин! Ўзингиз ҳам шу сафга қўшилинг! Шаҳарни топшириш таклифи билан келмасалар, кимса ила мулоқотга киришманг.



– Фармон улуғ амир ҳазратларинингдир! Амрлари мутлоқ ерига келтиражакдир! – дея тисланди Темур Давлат тавочи ҳайрон бўлиб.

Амир Шайх Нуриддин қўшини уч кун мобайнида Самарқанд аркини қуршаб, шаҳар ҳимоячиларини ўққа тутди. Арк девори устига чиққан аскар ва минглаб талаба, шаҳар ҳимоячилари суворийларни тошбўронга тутдилар. Ёйандозларнинг аниқ мўлжалидан яраланган суворийлар отлари жilовини буриб, дуч келган томонга қоча бошлади.

– Навкарларинг билан дарвозадан чиқиб, қон душманимизнинг бирорта амиру қўмондонини қўлга тушира оласанми? – сўради амир Шоҳмалик ёнида турган Ҳурқадоқдан.

– Бир уриниб кўраман, амирим. Қўлга олмоқнинг иложи бўлмаса, бошини келтирсам ҳам бўладими? – сўради бу каби ишларга устаси фаранг ясовулбоши.

Амир маъқуллаган маънода бош ирғади.

Икки юзлик суворийни сафга тизган Ҳурқадоқ Оҳанин дарвозасидан кўриниб турган боғдаги эллик чоғли навкар тўдаси томон от қўйди.

Ҳурқадоқ узоқдан амир Шоҳмалик билан музокара қилиб кетган Темур Давлат тавочини таниди. Бироқ тавочи оқ байроқ кўтариб таслим бўлиш ўрнига савашмоқни таржиҳ этди.

Ўқ каби учиб борган суворийлардан бири энди отга миниб қиличига қўл узатган тавочини бўйнига шамшир солди. Унинг навкарлари тум-тарақай қочди.

– Бошини кесиб, хуржунга сол! Ортга қайтамиз! – суворийларига ҳайқирди Ҳурқадоқ.

Кўз очиб-юмгунча амир юклаган вазифани бажарган Ҳурқадоқ бошлиқ суворийлар яна ўша тезликда дарво-

задан қайтиб кирдилар. Саф тегиштирган саккиз нафар суворий ҳам улар билан шаҳарга кирди.

Амир Шоҳмалик юз берган воқеани Оҳанин дарвозаси устидаги майдончадан кузатиб турарди. Ҳурқадоқ ўзлари тарафга ўтган навкарлар ўнбошисини амирнинг олдига эргаштириб чиқди.

– Шайх Нуриддиннинг амрига кўра Шовдор ноҳиясини забт қилмоққа бораётган эдик, – деди ўнбоши. – Бир қошиқ қонимиздан кечинг, улуғ амир ҳазратлари. Сиз ва амирзода Улуғбекка қарши қилич кўтармоқ ҳеч биримизнинг тушимизгада кирмагани. Сўзимизга кимса қулоқ солмас бир нотавон навкар бўлсак. Улар сафида бизга ўхшаган, жанг қилишни истамаган минглаб суворий сипоҳийлар бор. Эътибор берган бўлсангиз, ҳеч ким жон жаҳди билан савашмаётир, – суворийлар дардини сўйлади навкар.

– Қайси уруғнинг навкарисан? – сўради амир.

– Олтитамиз солин юзлигидан. Иккитаси сарой уруғидан.

– Буларни солин юзлиги юзбошиси Бўзўғлон солинга топшир, Ҳурқадоқ! – буюрди амир.

– Каллани нима қилай?

– Кимники экан?

– Сиз билан келиб қўнишиб кетган Темур Давлат тавочиники экан, амирим.

– Яхши иш бўлмабди, Ҳурқадоқ. У ҳам саваш тарафдори эмас эди.

– Ўзи шунақа бўлади, амирим. Жангу жадалда дордан қочганлар қутулиб, содда ва дўлворлар ўққа учади!

– Унда каллани бир эпчил суворийга бер. Хуросон қўшини истиқболи томон юриб, Шоҳруҳ подшоҳнинг оёғи остига ташласин!

Хурқадоқ асир аскарни эргаштирганча пастга тушиб кетди.

Амир Шоҳмалик юборган суворий Қовту манзилида Шоҳруҳмирзо қароргоҳига етишди.

Амирзода Улуғбекни Жайхунга йўлатмай, Самарқанд томон қайтишига ҳам тўсқинлик қилиб турган Султон Боязид Хуросон ўрдусининг дарагини эшитиши билан чодир қозон-товоғини ташлаб қочди.

Қуршовга тушиб қолган амирзода Улуғбек халоскор қиблагоҳи қўлини ўпишга эришди.

Хуросон ва Самарқанд черигининг бирлашгани ҳамда Султон Боязиднинг қочиш куйини чалганидан хабар топган, зиммасига Термизни ушлаб туриш вазифаси юкланган Чингиз ўғлон билан Абдулкарим Сайфиддин ҳам зудлик-ла шаҳарни тарк этдилар.

### **ЎН БЕШИНЧИ БОБ**

*Маълоим кўрдинг найлар,  
Найларса гўзал айлар.*

**Айтув**

Олий фармонга мувофиқ сафар ойининг ўн еттинчи, муборак жума куни ҳумоюн Хуросон лашкари Жайхуннинг ҳар икки соҳилини ларзага келтирди.

Жума намозини ғарбий қирғоқда қилган лашкар такбиру дуолар, олқишу айтувлар билан эҳтиёткорлик-ла саратон кириши билан тўлиб-тошиб оқадиган Жайхун сувидан ўтарди.

Суворийлар жангга даъват айтувини айтардилар:

Шу ер юзи эр майдони,  
Кўнгил суймас ҳар майдонни!

Юраксизга йўрган тўшак,  
Эр йигитга бер майдонни!

Шайх Нуриддин кучларини суриб чиқарган амир Мизробнинг чериги ҳам Термиз кечигидан ўтиб, олий ўрдуга кўшилди.

– Биз катта кўшин билан тез юра олмасмиз! Сиз эса илғор сифатида илгарилаб, Кешни яғий элидан халос этинг! Йўл-йўлакай бизга мавжуд турум ҳақида чопар юбориб, билги бериб туринг! – буюрди Шохруҳ мирзо амирзода Улуғбек ва амир Мизробларни Кеш томон йўллар экан.

– Самарқанд биз учун дамланган бир ошдур. Уни истаган пайтда сузиб ейишимиз мумкин. Фақат эрта кунда раиятимиз саналажак улусга озор бермаслик учун шаҳарга босқин уюштираётимиз. Биз учун асосий хавф дарёнинг нариги томонидан келмоқда! Зудлик-ла уни бартараф этишимиз керак! – деди амирларини машварат учун тўплаган Шайх Нуриддин.

– Тўғридир! Биз асосий кучнинг йўлини тўсишимиз лозим! – амир фикрини қувватлади Ҳамза Сулдуз.

Амир Шайх Нуриддиннинг нигоҳи амир Мубашширга қадалиб қолган эди. Шайх Нуриддиннинг гапига кулоқ тутмаган амир Мубашшир Худойдод Ҳусайнийнинг иккинчи ўғлига ниманидир куйиб-пишиб англатарди.

Шайх Нуриддин имо билан ёнига Шайх Ҳасанни чақирди.

– Ана у сотқинни таъқиб эт. Худойдоднинг иккинчи ўғли Абдулбоқийни ҳам йўлдан урмоқда. Биринчи ўғли ҳам шу ҳаромининг маслаҳати билан ўрдудан айрилган экан. Худойдодвачча билан кўнуш. Гумон имондан айирмасин. Ҳақиқатан ҳам кўнглида бизга нисбатан ғайирлик бўлса, лашкар кўз ўнгида қатлга етказ! – шивирлади

амакиваччасига. – Олдинги бир машваратда ухлаб ўтирган эди. Ёши улуғлигини ҳисобга олиб, кўриб-кўрмаганликка солгандим.

Шайх Ҳасан бошини ирғаганча чекинди. Шайх Нуриддин босиқ оҳангда сўзида давом этди:

– Қўшин сафар ҳозирлигини кўрсин! Яғийни юриб борганимиз қадар масофада, дуч келган жойда қарши оламиз! Не дейсиз? – бекларига кўз югуртирди амир.

– Рақибни дуч келган жойда қарши олишимиз мумкин. Бироқ дуч келган ерда савашиб бўлмаслиги мумкин, улуғ амир жаноблари! – деди амир Бойду сўз олиб. – Менимча, илғор ва қоровул қисмини жўнатиб, ўзимиз учун савашмоқ қулай бўлган бир манзилда қаршиламоқ керак деган фикрдаман.

– Маъқул, қардошим Бойдубек. Айнан шундай қилажакмиз! Илғор ўлароқ сизни йўллаймиз ва саваш майдонини ўзингиз белгилайсиз! – бекнинг оғзидан чиққан гапини ёқасига тармаштирди Шайх Нуриддин.

– Шундай экан-да, амир жаноблари. Итни ўлдирганга судратишингизни билардим, – деди амир Бойду зўраки кулиб.

– Ташаббус кўрсатганлар ўйлаган ишларини барчадан яхши бажарадилар. Бу оддий ва синалган ҳақиқатдир. Сиз баҳодир дўстимизнинг ҳар қандай мушкул вазифани шараф-ла уддалашингизга шак-шубҳамиз йўқдир, – бекнинг қўлтиғига сув пуркади амир.

Амир Бойду таъзим-ла вазифани қабул этганини билдирди.

– Унда ҳамон йўлга чиқа билурсиз! – буюрди Шайх Нуриддин.

Ўтрор ўрдуси Самарқанддан бир фарсаҳ ҳам узоқлашмаган эди. Орқадаги черик қоровулидан от чоптирганча етиб келган навкар Самарқанддан чиққан фил-

ларга минган отлиқ ва пиёда аскарлар, уларга қўшилган шаҳар аҳолиси қурол-яроғларини кўтарганча савашмоқ учун орқаларидан қувиб келаётганини айтди.

Ҳамза Сулдузни вазиятни ўрганиш учун юборган амир Шайх Нуриддин қўшинни жангга ҳозирлик кўришга буюрди.

– Қоровулбеги тўғри сўйламиш. Шаҳарга қочиб кирган Шоҳмалик бутун чериги ва талабаларни тўплаб, Темурдан қолган филларни олдига солиб, биз билан савашмоқ ниятда шаҳардан чиқибди, – деди от чоптирганча қайтиб келган амир Ҳамза Сулдуз.

– Салласи чуваланган толиблар билан бизга қарши савашар эканми, у устоз сўфи! – тишини ғичирлатди амир Шайх Нуриддин. – Уни қўлга тушириб, терисини шиладиган фурсат келибди. Итнинг ўлгиси келса мачитнинг деворига пешоб қилар экан. Собиқ дўстимизни ўзингиз бартараф этинг, Ҳамзабек. Шундай амр берингки, тириклай қўлга туширмасинлар. Асир тушса қўйиб юборишга тўғри келади. Жанг давомида ишини битирмоқ лозим. Улар саккизта мўлтонию тозик билан ҳеч нима қилолмайдилар.

Амир Ҳамза Сулдуз чериги билан ортга қайтди. Энг яқин тепаликка от чоптириб чиққан амир Шайх Нуриддин ўнг қўлини силкиб, бутун қўшинни ортга ўгирилиб ҳужумга ўтишга даъват этди.

– Машъала ёқиб, филларнинг бошига отсинлар! Худди Деҳли фатҳидаги каби ўз аскарларини босиб-янчиб, орқага қараб қочади! – буюрди Шайх Нуриддин ёнида турган Абдулбоқи Худойдодга. – Сен-да амир Шоҳмаликни бартараф этмоқ жаддида бўл! Унинг иши ҳал этилса бас! Саваш ҳам барҳам топади! Шаҳар ҳам қўлга киради! – устма-уст амр берарди Шайх Нуриддин.

– Унинг калласини худди ўзи олдирган Темур Давлат тавочиники каби хуржунда келтиринг!

Орадан бир коса қимиз ичгулик фурсат кечмади. От қўйганча яна амир Ҳамза Сулдуз етиб келди.

– Валий бўлиб кетинг-е! – деди Шайх Нуриддиннинг яқинига етиб оти жоловини тортган Ҳамза Сулдуз.

– Не хушхабар? Не ҳаводислар? Зафар хабарими? – шошиб сўради Шайх Нуриддин.

– Айтганингиздек Шоҳмалик мўлтониларининг аксари савашмай тарқалиб кетди! От-улов, молу аслаҳалари лашкаримиз қўлига тушди! Бемалол от ўйнатиб, рақсга тушиб Самарқандга кириб борсак бўлади! – нафаси бўғзига тиқилиб сўзларди Ҳамза Сулдуз.

– У қирриғнинг қўлидан келадиган иш ҳам зотан шу эди! Ҳирот қўшинини қаршиламоқ учун юрганимизни билиб, ўзини бизни қувиб юборгандек кўрсатмоқчи бўлган, у масхарабоз. Ўйинчиларнинг қисмати мана шундай масхарабозлик-ла тугайди. Биз Самарқандга қаршимиздаги довонни ошгандан сўнг ҳеч қачон чиқмаяжак бўлиб кирамиз, амир жаноблари. У яна қочиб қолдимиз? Тутишолмадимиз?

– Не қадар қидирмайлик, одамлари орасига киши юбормайлик топишолмади! Кимса уни кўрдим демади!

– Азалдан у шунақа. Сувни лойқалатиб балиқ овлайди ва бировларнинг эли билан оташ тутайди. Энди бизга қарши ўлиб-тирилиб курашади. Ярадор илон соғидан кўра хавфлидир. Унинг орқасидан одам қўйинг. Ўзини биздан қочиб, улар тарафга ўтган қилиб кўрсатсин ва ишончига кириб ишини битирсин! – Шоҳмаликнинг қутулиб кетганини ҳазм эта олмасди амир.

– У туллакни чалғитиш қийин кечар-ов, бироқ уриниб кўраман, амир жаноблари, – жавоб қилди Ҳамза Сулдуз.



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Амирларимизга еткурсинлар! Қўлга тушган ўлжалар адолат-ла тақсимлансин! – Биз бу фатҳу зафар руҳи билан Ҳирот черигини ҳам кунпаякун қиламиз!

– Иншооллоҳ! – деди Ҳамза Сулдуз оти жilовини буриб, ортга қайтаркан.

– Ғоят эҳтиёт бўлинг, амирим! У ҳар қандай қотиллигу ноқонуний ишга қонуний қолип ясайдиган уста ҳийлагардир! Диққатли давранмасангиз, тузоққа ўзингиз тушиб қолишингиз мумкин! – амирнинг ортидан бақирди Шайх Нуриддин.

– Бир қари тулкига бас келармиз! – оти жilовини тортиб жавоб қилди амир Ҳамза Сулдуз.

Амир Шоҳмалик ва Самарқанд чериги устидан қозонилган ғалаба амир Нуриддин шухрату довруғини ота юрти Сайрамдан оша Дашти Қипчоққа қадар етказган эди. Амир жўнатган чопарлар равоту ёмларни ортда қолдириб, Самарқанд фатҳи ва амир Шайх Нуриддиннинг ғалабаси хабарини кўй ва касабаларга етказар, айрим масжидларда унинг номига хутба ўқимоқ ҳақида баҳсу мунозаралар бошланган эди.

Самарқанд акобиру аслзодалари орасида амир Шоҳмалик шахсига нисбатан ишончсизлик оҳангидаги гап-сўзлар болалаган, отабегининг устма-уст икки бор мағлубиятга учраши раиятни ўйлантириб қўйганди.

Қон душманидан кетма-кет енгилган, бунинг устига раият эътимодини йўқотиш хавфи қаршисида турган амир Шоҳмаликнинг алами олти, қадами етти эди.

Шаҳар аҳолисининг кайфияти ва вазиятнинг ўз фойдасига ишламаётганини англаган амир далли-ғулли Ҳурқадоққа таълимот берди:

– Ҳозироқ Шайхулисом Хожа Абдулаввал ва олий қози Салоҳиддин ҳазратлар бошлиқ барча уламоларни Шайхзода дарвозаси майдонига чорла. Йўлга чиқиб

Шоҳруҳмирзо ҳазратларини кутиб оламиз. Барчалари отланиб келсинлар! Улови йўқларга от берамиз! Англадингми?

– Англадим, улуғ амир жаноблари. Бироқ хоқони саид зоти олийларини кутиб олмоқ учун шу қадар кишини элтишимиз шартми? – ҳайрон бўлди Ҳурқадоқ.

– Сен турку туркманни туртиб, Қозонхоннинг тўққиз пулидек қилиб тушунтиришим шартми? Икки енилгидан сўнг бу арбобларнинг ҳам бизга бўлган ишончидан путур кетганга ўхшайди. Халқнинг бошини қотираётганлар ҳам шулар! Хоқони саид баҳонасида уларни шаҳардан олиб чиқиб кетамиз! Одамларнинг ҳам қулоғи тинчиб, ўз иши билан машғул бўлади. Тушундингми?

– Тушундим, улуғ амирим. Кечиринг мен галварсни!

– Афв эшигимнинг табақалари сен каби ўзимизнинг галварслар учун ҳар замону маконда очикдир, Ҳурқадоқ! Қолаверса, сенга ўзим каби инонурман! – ясовулга далда берди амир.

– Тангрим сиз пушти паноҳимизни бошимиздан эксик этмасин! – дуо қилди Ҳурқадоқ. – Биз шаҳардан чиқиб кетсак, уни аблах Шайх Нуриддин эгалламайдими?

– Унинг хум калласи Ҳирот қўшини билан банд. Самарқандни товадаги кабоб дея заҳн этиб, қайрилиб қарамаса керак. Бунинг устига амир Аҳмад Мирак ўз қўшини билан бизга кўмакка етиб келмоқда. Бизнинг ва-зифамиз арқонни узун ташлаб, ишни битирмоқ. Ва охир-оқибатда бу илгакли арқон-ла ана у ҳаромини тузоққа туширмоқдир. Энди саволу сўроқни кўпайтирмай, ишга кириш. Ҳеч бир буюк ишда кечикмаслик керак.

Амир Шоҳмаликнинг қолган-қутган чериги Бухоро йўлида амир Аҳмад Миракнинг беш юз суворийли лашкари билан бирлашиб, Ҳирот қўшини қароргоҳини кўзлаб

## Нурали ҚОБУЛ

---

йўлда давом этди ва Улуғ майдоннинг кун чиқишида Шоҳруҳ подшоҳ палосини ўпишга муяссар бўлдилар.

Улуғ майдонга яқинлашишлари билан қавчин юзликларини тўплаган мирзо Улуғбек қиблагоҳи қароргоҳига етишди.

Қизилрабат ва Ём суви орасини тўлдирган Шайх Нуриддин қўшини учинчи, асосий ғалабага ҳозирлик кўрар, сўнгги жангда қўлга тушган ғаниматларни бўлиб олган суворийу сипоҳийларнинг кайфи чоғ, от устида юрганча ўнг ва сўл қанот, қалб ва жанохларни ростлаш амрини бераётган бекларнинг дами баланд эди.

Икки тараф ҳам ҳужумга шошилмас, ўзларича сулҳ таклифини беклаганча, тўқнашувга астойдил ҳозирлик кўришарди.

– Сўнгги жанг юз берадиганга ўхшайди, амирлар! – деди Шайх Нуриддин Ём сувининг энг юксак тепалигига кўтарилгач ортидан эргашиб чиққан бекларига. – Улардан сулҳу яраш таклифи келмайдиганга ўхшайди.

– Биздан кутмоқдалар, – деди амирга энг яқин турган Абдулбоқий Худойдод.

– Таклифни уларга хуржунга солинган бош шаклида юборамиз! – деди амир Шайх Нуриддин қош-қовоғига қараб турган Шайх Ҳасанни имлаб ёнига чақираркан.

– Ана у хоиннинг туруми қалай? Қариндошининг қўшини яқинлашиши билан авзойи ўзгариб қолгандир? – деди Шайх Нуриддин амир Мубашширни назарда тутиб.

– Сездирмасликка ҳаракат этмоқда. Бироқ Ҳирот қўшини яқинлашиши билан худди амир Худойдод Ҳусайнийни сотгандек бизни сотиб кетиши тайин, – жавоб қилди амир Шайх Ҳасан.

– Унда қисматини қадари қўлига топшир! Сой тарафга элтиб жойини солсинлар!

Амир Шайх Нуриддин сўзини тугатар-тугатмас этакдан суворийларнинг урҳо-ури эшитилди.

Ҳирот қўшини ҳужумга ўтган эди. Ём сувини ёқалаган ўрду ҳам ҳаракатланди.

Қирғин барот жанги бошланди.

Бир-бирлари учун асроилга айланган жоҳил одамлар қаршисидаги кишини ўлдирса бу ёруғ олам, ўлжага тушажак от-улов, молу мулк абадул абад ўзига қоладигандек, ҳеч қачон ўлмайдигандек қилич сермаб от чопар, қон тўкиб, жон чекарди.

Шайх Нуриддин ўрдусида қалбида ота душманларига нисбатан қасос ўти ёнган амир Худойдод Ҳусайний ўғлининг чериги астойдил савашарди.

Оллоҳдод Ҳусайний ва амир Бойду Шайх Нуриддин қўшинининг чап қанотини ташкил этарди. Бу икки черикка қарши қўйилган Ҳирот чериги ўнг қанотнинг қанбули, амир Аҳмад Миракнинг бўлинмаси улар сафларини ёриб кириб, чекинтирди. Амир Бойдуни отдан тушириб, асир олдилар.

Мирзо Улуғбек тартиб берган қавчин бўлинмаси Аҳмад Миракка дастак бериб, шижоату жасорат-ла жанг қиларди. Ҳирот қўшинининг қўл ва қалб қисми суворийлари ҳал қилувчи ҳамлага ўтганда қарши тараф лашкари парокандаликка юз тутди. Қўшин орасидан суворийу сипоҳийларнинг ҳайқириқлари эшитиларди.

– Биз амир соҳибқироннинг фарзандларига қарши қилич кўтармаймиз!

– Амир Шайх Нуриддинни Темур тузи кўр қилади!

– Бизнинг подшоҳимиз ҳоқони саид Шоҳруҳ!

– Бу мамлакат қачон ўзининг эски, тинч ва осойишта кунларига қайтади!

Бу чақириқлар қулоғига чалинган Шоҳруҳмирзо оти

## Нурали ҚОБУЛ

---

жиловини ўша томон бурди. Амир Шоҳмалик отини қичаб келиб унинг жиловини орқага тортди.

– Эҳтиёт бўлинг, онҳазрат! Уларнинг барчаси ҳам бизга хайрихоҳ эмас! Кутилмаган бир бурчакдан ўқ узишлари мумкин! Шайх Нуриддиннинг иши битди! Бир юмушимиз қолди! Уни ўлик ёки тирик тутмоқ!

– Амирни таъқиб этишмасин! Боши оққан томонга кетсин! – деди Шоҳруҳ отасининг собиқ дўстига раҳми келиб.

– У сиз – раҳми шафқатли инсон ва подшоҳ ўйлаган киши эрмасдир! Оёғи ерни босаркан, бошини олиб ҳеч қаёққа кетмайди! Юрти Сайрамга бориб, янги фитна ошини пиширади!

– Унда шунга кўра чора кўрмоғимизга тўғри келади, – деди Шоҳруҳ улар олий қароргоҳга қайтиб келишар экан, отдан тушиб. – Ҳозир биринчи галда айбдорларни жазолаб, гуноҳсизларни афв этмоғимиз ҳамда фурсат қайб этмасдан Самарқандга киришимиз керак! Шундан сўнг қочоқ амир масаласини ҳал этсак! – деди Шоҳруҳ амир Шоҳмаликка маслаҳат солиб.

– Маъқулдир, подшоҳим, – рози бўлди амир. – Унга-ча қолган-қутган лашкари ҳам қочоқ бўлиб ёнида дашт юмронқозифидан бўлак жондор қолмаса керак.

Еттинчи ойнинг ўн иккисида Ём суви ва Қизилработ орасидаги овада Шайх Нуриддиннинг бирлашган қўшинини тор-мор этган Ҳирот ўрдуси икки кундан сўнг ота бошкент Самарқандга кирди.

Шоҳруҳ султон гуноҳсизлар қаторида айбдорлар қилмишлари устига ҳам афв чизифини тортди. Ҳумо ҳашамли соябон давлат сояси яна доруссалтана Самарқанд устига тушди. Ғолиб байроқлар нурининг шуъласию чодирлар ойнининг ярқираши Зарафшон кенгликларини мунаввар этди.

Ём сувидан йўлга чиққан Шоҳруҳ шом намозига таъқибан қиблагоҳининг сўнг манзилига етиб келди. Отаси қабртошини ўпиб, пешонасини теккизди. Қуръон тиловат қилди. Фақир-фуқароларга хайр садақа улашмоқни буюрди.

Мақбаранинг зиёрат бўлмасидан чиқаркан, девор тагида йиғлаб турган кексага нигоҳи тушди. Чол кўзига иссиқ кўринди ва беихтиёр у томон юрди. Яқинлашгач, таниди.

– Ие, Бобомурод бобо! Сизмисиз? – деди оқсоқолга кучоқ очиб.

– Ҳа, Шоҳруҳбек, менман! – жавоб қилди отақадрдон чол.

Оқсоқол қиблагоҳининг болалик дўсти, аравакаш Бобомурод Тошмурод эди.

– Имкон топишим замон жўрам раҳматлининг зиёратига келаман, Шоҳруҳбек жигарим! Негадир жуда кўп тушимга киради. Ҳадемай ёнига борсам керак. Ер юзида қиладиган ишим ҳам қолмади! – кўзидан ёш қуйиларди чолнинг.

– Юринг Кўксаройга! Қўноғимиз бўласиз! – деди подшоҳ бу кутилмаган учрашувдан ҳаяжонланиб, отадўстининг елкасидан тутаркан. – Бирга табаррук манзилларни зиёрат этамиз.

Самарқанд аҳли Шоҳруҳ подшоҳни олқишлар-ла қаршилар, унинг Ҳиротга қайтмай, бошкентда қолишини сўрашарди.

Кўксаройга етиб келган хоқон барчани ғалаба билан қутлаб, тақдиру инъом, иззату икром расм-русумини бажо келтирди. Жангда алоҳида ғайрат ва шижоат кўрсатган амир Шоҳмалик, амир Мусоко, амир Султон Боязид ва амир Усмонларга хос зарчопонлар кийдирилди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Бу шоҳона тўнларни киймоқликнинг бир шарти ҳам бор! Биз онҳазрат давлату салтанатлари боқийлиги йўлида умру жонимизни тикканмиз ва бундан буён ҳам узангиларида туриб қилич сермамоқда муқиммиз! – дея жавоб қилди амир Мусоко.

– Оллоҳ барчангиздан рози бўлсин! Унда эрта эрта-лаб амиримиз Шоҳмалик йўлбошчилигида Ўтрор сари йўлга тушажаксиз! Сиз номдор амиру сипоҳларимизга ишончим томдир! Исёнчи амирни қувватлаган кимса борки, шафқат этманг! Амир жамоатининг қўли ва имони қон бўлмаган кишиларини қулу хизматчи ўлароқ бўлиб олингизки, у тарафдан бундан сўнг исён учқуни алангаланмасун! Фарзанди аржумандимиз шаҳзода Улуғбек бизнинг номимиздан буюк боболарининг Кўктошида ўтириб, Туркистонун Мовароуннаҳр юртини сўрмоқда давом этадилар. Улуғ амиримиз, устоз Шоҳмалик амирзодамизга оталиқда муқим туриб, мулки давлат хизматида оталиқ қиладилар.

Ота пойтахтида ўн кун истироҳат этиб, ўғли Улуғбекка йўл-йўриқлар кўрсатган Шоҳруҳ яна Ҳирот йўлини тутди.

Ҳирот ўрдуси Кешга етганида амир Шоҳмаликдан чопар келди. Тобуғ расмини бажо этган навкар зарфли мактубни подшоҳга узатди.

*“Қизилработ мағлубиятидан сўнг Ҳисори Шодмонга қочган Ҳамза Сулдуз вилоят ҳокимиятини олмоқ жаддида қайсарлик қилиб фитна қўзғамоқда экан. Биз исёнчи амирнинг хасу хашакларини бартараф этмоқла машғулмиз ва ул тарафга қўлимиз етмагайдир. Шу қўнуда олий фармонлари содир бўлса ва ул бадкирдорнинг илдизи қирқилса деган умидда ушбу мактубни битиб арз этмоқни лозим топдик”.*



– Буларнинг исми шарифи, шакли шамойили, турқи таровати биздан бўлиши мумкин. Бироқ дину диёна-ти, имону виждони, инончу эътиқоди биздан эмасдур! Қиблагоҳ ҳазратлари сўйлаганлари каби буларга хонлик, бизга эрса Ватан керақдир! Биз юрту миллат савдолиси, улус бирлигию баробарлиги фидойисидирмиз! Ҳазрат қиблагоҳимизнинг сўнги амир ул-умаролари инсон ўлароқ фитна-фасод денгизининг тубига лангар ташла-ган бир кишилиқдур! Уни маҳв этмангиз! Турон мулкани тарк этиб, мўғулми, мўлтон кабири бир ўлкаларга кет-син! Ота юртлари Сайрам дохил Туркистон тупроғини босмасин, оёқ ости қилмасун! Биз Хузордан илғор қилиб, йўлда давом этгаймиз! Сиз эса Ҳисори Шодмондаги ис-ёнчиларни бартараф этиб, ортимиздан етиб боргайсиз! – амир Мизробга таълимот берди подшоҳ. – Қушлар жон бераётган пайтда қайғули сайрар эканлар. Инсон боласи эрса кўз юмаётганда ҳалимлашиб, дўстона қўнишар экан. Бироқ бизнинг жоҳилу қотилларимиз кўз-лари очиклигида ҳам, юмилаётганда ҳам инсофга кел-майдилар. Уларнинг жазосини яратган сизнинг элингиз ила беражақдир балким. Боринг-да, шароит тақозасига кўра иш тутинг! Салтанат номидан барча ваколатга эга-сиз! – дея амир Мизробни йўлчи этди хоқон.

Амир Мизробнинг сараланган суворий чериги Ҳисори Шодмон йўлини тутди.

Насаф, ундан қуббатул ислом Термизни кўзлаб бо-раётган Ҳирот чериги кунига бир манзилдан масофани босиб, оҳиста кетиб борарди.

Йўл йироқ, манзил узоқ эди...

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

*Жухуд ва мусулмон қиларди жанжал,  
Сўзларидан кулгим қистади чунон.  
“Жухуд бўлай агар, эй худовандо,  
Аҳдим чин бўлмаса” дерди мусулмон.  
Жухуд дер: “Тавротдан ичайин қасам,  
Сендай муслим бўлай, аҳдим бузган он”.  
Ер юзида ақл учиб кетса ҳам,  
Ҳеч ким билмас экан ўзини нодон.*

**Саъдий ШЕРОЗИЙ**

Хоқони саид Шоҳруҳнинг амир Шайх Нуриддин устидан қозонган ғалабаси камон ўқи тезлигида атроф вилоят ва мамлакатларга етиб борди.

Юришдан толиққан хоқоннинг ягона мақсади шаҳарни обод этмоқ эди. Туркистон сафаридан қайтган подшоҳ истироҳат ҳам этмасдан мадраса, хонақоҳ ҳамда Ҳиротнинг шимоли шарқидаги энг юксак тепаликда ўзи Боғи Сафед дея ном берган боғ ва сарой-кўшк барпосига киришди.

Наврўзни Ҳиротда ўтказган подшоҳ ҳарами ва сарой аъёнларига Бодғиз яйловига чиқилажак сафарни маълум қилди. Бошкентга келаётган элчи ва чопарларни яйлов томон йўналтириш таълимоти берилди.

Бодғис яйловига ўтган йили Ўзбек ва Дашти Қипчоқ мамлакати ва амир ул-умаросининг элчиси Самариддин Сиғноқий билан бирга Сарой Беркага кетган Абон тавочи ҳам қайтиб келиб, хоқон палосини ўпди.

Абон тавочини саропардада қабул қилган хоқон шимол мамлакатлари ҳақида белги олди.

– Амир Идику хоқони саид зоти олийларининг шаъ-

ни-шавкатлари, қадр-қимматларини улуғлаш, амри фармонларини эъзозлаш борасида астойдил ва сидқи самимият-ла жидду жаҳд кўрсатдилар. Ҳазрат давлатпаноҳ мактубларини қўлга олиши билан ифтихор боши кўкларга етганлигини ҳар даму дақиқада қайд этиб, ҳаёти ва умри йўлини ёритган амир соҳибқирон ҳазратларини дуою такбирлар ила тилга олдилар. Руҳи покларига тиловатлар қилиб, садақалар улашдилар. Ҳамда ушбу мактубни зоти олийларининг юксак эътиборларига еткурмоғимни сўрадилар, – дея Идику Манғитнинг мактубини хоқонга узатди Абон тавочи.

Подшоҳ сўл тарафида тик турган кози аскар ва мударрис Жалолиддин Исҳоқ Самарқандийга зарфни очиб, мактубни ўқишни ишорат эди.

*“Мен онҳазратнинг қули ва хизматкоридирман; ҳар нимаики буюрсалар фармонни адо этувчиман; онҳазратнинг илтифотларидан илтимос шулки, дўстона ва қардошларга муносабатлар воситаси ила орадаги иттифоқсизлик пардасини кўтариш ҳамда дўстлик эшигини очиш борасида мухлисусу хайрихоҳлар учун юпанч бўлган элчилар алмашиниш ва мактублар ёзишиш йўлини очиқ ва серқатнов тутсинлар. Ғаразгўйларнинг сўзларига илтифот этмасинлар. Чунки биз хизматни адо этишда давлатпаноҳлик асарларини зоҳир этажакмиз”.*

– Маъқулдир. Амир Идику жаноби олийларига самимият тўла бир мактуб битинг. Дашти Қипчоқ мамлакати ёшларининг бошкентимизга келиб таҳсил ола билажакларини алоҳида таъкидланг. Мадрасамизга мударрислар тайинлаш ҳақидаги фармон ҳам ҳозирми? – сўради хоқон Жалолиддин Исҳоқдан.

– Тайёрдир, аълоҳазрат. Ижозатингиз ила ўқисам.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Ўқинг!

– Салтанат тахти қароргоҳи ва халифалик доирасини маркази саналмиш қуввати ул-ислом Ҳиротда қад кўтарган Шоҳруҳия мадрасаси ва хонақоҳига қуйидаги энг фозилу комил уламолар мударрис этиб тайинлансин! Жаноб мавлонойи аъзам, умматлар билимдонларининг раҳбари мавлоно Жалолиддин Юсуф Увбаҳий. Жаноби олий, олимлару аҳоли мурожаат қиладиган мавлоно Жалолиддин Юсуф Ҳаллож, мавлонойи аъзам, камолот эгаларининг энг улуғи мавлоно Низомиддин Абдурахим Ёр Аҳмад, мавлоно имом, инсоният олимларининг афзали Хожа Насируддин Лутфуллоҳ ибн Хожа Азизуллоҳ!

– Маъқулдир! Ҳиротга қайтишимиз билан қурилиш ҳам битади. Мадраса ҳамда хонақоҳнинг очилиш маросимини ташкил этажакмиз. Унгача Чорсу майдони таъмири билан қурилиши ҳам тугаб қолса ажаб эрмас. – Миллат ва уммат маорифининг маркази саналмиш хонақоҳнинг шайхлик мансабини жаноб шайхул исломи аъзам, олам машойихларининг раҳбари Хожа Алоуддин Али Чиштийга топширгаймиз.

Олий фармонга имзо чеккан хоқон амир Нуширвон Барлосдан бошқа барчага кетмоққа изн берди.

– Ҳамманинг ўз дарди бор, кўр қизнинг зўр дарди бор дегандек, Туркистону Мовароуннаҳр можароси билан овора бўлиб, Форс ва Ажам Ироқидаги турумдан бир оз узоқ қолдик. У тарафларда аҳвол нечук? Икки яғий қардош амирзодамиз, Умаршайх ўғиллари ҳақида турли хабарлар қулоққа чалинмоқда. Шулар ҳақида кўнишсак ва билги берсангиз дегандим? – Амир Нуширвон Барлосга мурожаат этди подшоҳ.

– Қулоққа хуш ёқувчи бирон бир ҳаводисни айтиб сизни мамнун эта олмайман, онҳазрат. Ҳар икки амирзода-

миз ҳам шаҳид амакиваччалари мирзо Умару Абу Бакрлар изидан орқа-олдиларига қарамай бормоқдалар. Бу тирлашиву тўқнашувларнинг не тарзда сўнучланиши кўру карга ҳам аёну баёндир.

– Мирзо Искандар қардошнинг ерларига кўз олайтирган, бу мунозараю можарода у айбдордир демоқдалар. Наҳотки, шу қадар кенг мамлакату вилоятлар икки амирзодамизга етмаса? Англамадим. Улар билан не тилдаю не усулда кўнишмоқ кераклигини ҳам билмай қолдик. Амирзода Халил Султоннинг туруми қандай?

– Амирзода Халил Султон айна дамда Райни қароргоҳ қилиб турибди. Мирзо Рустам билан илиқ муносабатда. Икки қардош орасига тушиб яраштирмоққа қанчалик урунмасин бир иш чиқмаган. Ғавғо мирзо Искандар Форс мамлакатини эгаллаганидан сўнг Ажам Ироқини босиб олмоққа киришгач, қайта бошланган. Амир Сиддиқ кўшинини Исфаҳон забти учун йўллайди. Черик шаҳар яқинидаги Варзана касабасини эгаллаб, қалъа буржу бораларини мустаҳкамлаб, таъмир этадилар. Бунини туйган амирзода Рустам қалъани қамал қилади. Варзана мусоҳарасидан хабар топган мирзо Искандар амир Тўлак ва амир Юсуф Жалилларни кўмакка юбориб, ортидан ўзи ҳам йўлга тушади.

– Улар уззукун, йил ўн икки ой сўғишу саваш ила машғул бўлсалар. Қачон Оллоҳу уммат, юрту миллатга хизмат этадилар, ҳайронсан киши? – жиянлари ҳаракатидан норози эди подшоҳ. – Ҳақ танимас бу авлодларимиз ҳар бир хатти-ҳаракат, сўғишу савашлари билан ўзлари ёнажак оташга ёғ тўкмоқдалар.

– Тўғридир, аълоҳазрат. Булар қилаётган ишларни ақлу мантиқ-ла изоҳ этмоқ мумкин эрмас. Ёшни худо, кексани ғидо (емак, овқат) асрайди деганларидек, ҳақ таоло ҳам сақлансанг, сақлайман деган. Бироқ бугун-

ги мавқею мартабаларига, тожу тахтларига меҳнату машаққат, жангу жадаллар эвазига эришиб ва бундан хулоса чиқармоқ закосига соҳиб бўлмаган бул авлодларимиз бир парча экмак нари турсин, бутун патирга ҳам қаноат этмаётирлар. Билмайдиларки, бораётган йўлларининг боши берк. Чиқмас кетаётганликларига эса ақллари етмайди.

– Хуллас, икки қардош орасидаги яғийлашув давом этиб, бу можарога Халил Султонни ҳам жалб этадиларми? – сўради хоқон.

– Шундай, онҳазрат. Амирлар Тўлак билан Юсуф Жалилнинг ўзига қарши келганлигидан хабар топган мирзо Рустам ҳужумга ўтади. Бироқ улар амирзодага қарши қилич кўтармай, вайрона ҳолидаги Дасжирд қалъасига чекинадилар. Бу орада мирзо Рустам Ироққа етиб борган мирзо Бойқарони ёнига олиб, қардошига қарши савашга шайланади. Аммо мирзо Искандарнинг ўқ тезлигида қасри Зардга етиб келганлиги маълум бўлади. Мирзо Рустам оти жilовини Исфаҳон сари буради. Амирзода Искандарнинг искандарийлар номини олган суворию сипоҳийлари шу қадар тез юрадиларки, рустамий аталмиш қарши тараф аскарларини йўл-йўлакай тутиб келаверадилар.

– Усмонлилар турку туркман миллатини ўз исмлари ила усмонли дея атаганлари каби улар ҳам миллатни ўз отлари ила бўлганларини қаранг? – бу гапдан ҳайрон бўлди Шоҳруҳ. – Янглиш тирикчилик бу. Биз турк миллати, ислом умматимиз.

– Ота-бободан қолган ўша гап, аълоҳазрат. Бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ ер. Мирзо Рустам Исфаҳонга уч фарсанг масофа қолганда қардошини қаршилайди. Тўқнашувда мирзо Рустам енгилиб, Исфаҳонга қайтиб киради. Мирзо Искандар Оташгоҳ мавзесига қўнади.

– Бу қардош муҳорабасида Халил Султон, мирзо Рустам тарафда турган. Амирзода Халил Султоннинг амивачча амирзодалардан бирининг тарафини тутиши янглиш эмасми? Искандар мирзо каби кучли бир рақиб орттирмоқ унга хайр келтирмаски? Бу масалага сиз қандай қарайсиз? – амирдан сўради султон.

– Халил Султон амирзода Рустамнинг Ҳирот саройининг ёрлиғу мадади билан ҳокимиятда турганлиги ва мирзо Искандарнинг бизга тутун қайтариб юрганлигини билади, албатта. Шул боис бизга бўлган вафо бурчига содиқ қолиб, амирзода Рустамга ён берган бўлиши мумкин. Бетарафлар охири бартараф этиладилар деган нақлга амал қилиб, икки амирзодани ҳам ўзига рақиб қилмаслик учун шу йўлдан борган бўлиши мумкин, онҳазрат, – фикрини баён этди амир Нуширвон Барлос.

– Мирзодан олинган мактуб сизда эди, чамамда. Аҳволи оғир эканлигини ёзмишди? – сўради хоқон.

– Мактуб мендадир, онҳазрат. Истасангиз яна бир бора кўз югуртиришимиз мумкин, – деди амир Нуширвон Барлос хонтахта устида турган жуздонга қўл узатар экан.

– Ўқий билурсиз.

– Аъло тахт поясига етиб маълум бўлсинким, хоқону саид ҳазратларининг сояи давлатларида ризқу насибамизни териб юрибмиз. Қиш давомида яшаган манзимиз Исфаҳонда истиқомат этмоқнинг иложи бўлмай қолди. Қаттиқ қаҳратон ва қаҳатчилик юртни вайрон, улусни сарсон этди. Шаҳар сокинлари тик турган биною айвонлар, ровоту кўшкларни бузиб, ёқиб юбордилар. Одамлар очликдан пешонасида ҳалоллик нишонаси борки жониворларни-да еб битирдилар. Чориғу махсиларни ивитиб еганларни эшитдик. Ана шу машаққатли турум туфайли Исфаҳондан Райга кетмоқ мажбури-



ятида қолдик. Яна бир оғир вазият шундан иборатким, бундай очарчилик ва қаҳатчиликда қўшинни сақлаб қолмоқликнинг иложи йўқлигидир. От-уловларини сўйиб еган соворийлар бошлари оққан томонга тарқалиб кетмоқдалар. Уларни ушлаб турмоқнинг ягона йўли бўлмиш қоринларини тўйғазишнинг ҳам уддасидан чиқа олмай қолдик. Раияту аскарнинг аҳволини кўриб, ўзимизнинг-да томоғимиздан сув ўтмаётир. Қолган-қутган навкарлар ҳам қочиб кетмаслиги учун ноилож қолиб, Рай сари юзландик. Ғурбат диёрида бу азоб-уқубат, бу заҳмату машаққатларни чекар экансан, ватан тупроғининг нақадар азизу мўътабар эканлигига, униб-ўсган элингнинг нечоғли азизу мукаррамлигига имон келтирар экансан. Ўзга элу юртларда хону султон ўлмақдин, ўз юртингда сору самон ўлмақ маъқул эркан. – Қаҳатчилик раиятнинг аҳволини паришон этди, тинкасини қуритди. Очлик, етишмовчилик ҳаддан ошиб, кишилар азоб-уқубатда қолсалар дийдаси қотиб, ёвузлашар ва меҳр-мурувватни тамоман унутар экан. Улуснинг ҳеч бир жамоасию табақасида уну нон, буғдойу арпа нари турсин, қўлга илиниб оғизга соларлик егулик қолмади. Нафс қуши неқадар юксак учиб емак-ичмак изламасин, сарғайган самону хас-хашакдан бўлак нарсага кўзи тушмаётир. Ҳатто ариқ бўйию марзалардаги сабзаю кўкатлар ҳам ерга кириб кетгандек. Пешкашу ҳадя, инъому совға олиб ўрганган эллар бир луқма таом таклифига интизору муҳтож бўлиб қолдилар. Хайри эҳсонларга кўмилиб яшаган маликалар, латофату зарофати, қултум сув ила ичиб юборгудек гўзал ва чиройли канизагу жориялар узоқ муддат экмак кўқисини туймаганликлари боис унинг номини ҳам унутганлар. Тотлиларни севгучи қандолатчилару ширинликчилар қанду новвот нари турсин, ер наввоти саналмиш гиёҳу ўсимликларга зор

бўлиб қолдилар. Одамлар нигоҳларини ерга қадаганча биткиларнинг нишларини бекламоқдалар. Пистаю бодомларни писанд қилмаган бойваччалар эндиликда унинг пўчоғига зордирлар. Очлик оташи эзилган сийналарни шу қадар ёндирдики, куппа-кундузи тўппа-тўғри йўлда адашаётган кишилар бир жонзодни бир кулчага алмаштирмоқдалар. Уйларидаги қимматбаҳо ашёларни арзимаган чақага сотишга розилар. Бироқ бу буюмларни кимса сотиб олмайди. Одамларнинг бу оғир аҳволи, очлигу қаҳатчилик акс этган бир битигимни ҳам сиз аълоҳазрат хоқонимиз, отамиз ўрнида ота, жондек азиз амакимга йўллашга жазм этдим.

Оллоҳдан нажот, зоти олийларидан мадад тилаймиз!  
Мактубнинг сўнгида саккиз қатор шеър битилган эди:

Барча буғдой дардида куйдию тупроқ ўлди,  
Одамлар дон сингари ғамдан сийначок ўлди.  
Мажнун каби туну кун қасди нон ўлди улус,  
Пўстак билан ёпилган устихон ўлди улус.

Меҳр-оқибат йўқолди, ҳамма емакка муҳтож,  
Фақат олу чайнашдан йўқ эди ўзга илож.  
Наҳанг дея аталди ушбу мучалнинг номи,  
Тортиб кетди улусни ушбу наҳангнинг коми.

– Амирзода Ҳиротга қайтмоқни сўрамабдилар-а? – деди хоқон ўйга толиб.

– Дўнмоқ учун йўл йўқлигини яхши билганлари учун оғиз очмаган бўлсалар керак, – жавоб қилди амир Нуширвон Барлос.

– Бу аҳволда туруми не кечади?

Амир Нуширвон Барлос ўнг элининг кўрсаткич бармоғи билан кўкни ишорат этди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Биз ҳам ота юрти, она ватанда эмасмиз, амир жаноблари, – деди хоқон бир оз сукутдан сўнг. – Ота тупроқлардаги от ўйинларини кўриб турибсиз. Аслида бу ёруғ, фоний дунёнинг ўзи ғурбат диёридир. Мулки давлатнинг тамали адолатдир. Қай манзилу маконда, қай бир дину мазҳабга мансуб эл-улус орасида бўлманг, адолатли даврансангиз, улар ҳам сизга шундай муносабатда бўладилар. Киши бойликдан фақирликка, шоҳликдан гадоликка тушиб қолганида тўғри йўлда ҳам адашади, янглишади. Демак, амирзодамизнинг аҳволлари оғир. Бўлиб ўтган суҳбатлардан шуни англадимки, Шероз қалъасида амир Худойдод кўлига асир тушароқ бандига айланганда шаҳзодамизнинг калб жавоҳиридан дарз кетган. Тутқунлик, бандилик, зиндон, киши қалб жавоҳирини парчалаб, шахсини синдиради. Камдан-кам, фақат кучли, иродали кишилар бундай зарбалардан сўнг ўнгарилиб, янада буюклашадилар ёхуд баттар разиллашадилар.

Хоқон бир зум тин олиб, фикрини жамлаган бўлди. Сўнгра сўзида давом этди.

– Ўша эски отасўзи, амир жаноблари. Биз қавми туркнинг ақлимиз абадан тушдан сўнг киради. Ҳақиқатан амирзоданинг аҳволи оғирга ўхшайди. Бирорта кичик карвон билан емак-ичмак ва кийим-кечак юборайлик. Бугуноқ хазина амирига таълимот беринг.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! – деди амир Барлос бош эгиб.

– Амирзода Халил Султоннинг ака-укалар орасига тушганлигини муҳокама этаётган эдик. Сўзингизда давом этинг, – деди хоқон амирзоданинг оғир аҳволидан таъсирланиб.

– Аслида амирзода Халил Султонни бу ғариб аҳволга туширган ҳам ул икки қардош, билхосса, мирзо Рус-

тамдир. Амирзода Рустам Халил Султонни укасига қарши курашда кўмак беришга даъват этади. Халил Султон бирор-бир томоннинг ёнини олмоқ учун эмас, қардошларни битимга чорламоқ учун йўлга чиқади. Бироқ барча уринишу ҳаракатлари беҳуда кетади. Мирзо Искандар амирзоданинг барча сулҳу англашма, пайғомларини қабул этмайди. Шу тариқа икки амирзода халқни азобу уқубатга дучор қилиб, шаҳар мудофаасини ва қамалини давом эттираверадилар. Бу маъносиз қамалдан безор бўлган искандарийлар орасида норозилик кучаяди. Курд ва шул қавми лашкарлари Искандар мирзо кўшинини бир кечада тарк этадилар. Шундан сўнггина мирзо Исфаҳон қамалидан чекиниб, Шерозга қараб чекинади. Шаҳар очарчилигу қаҳатчилик алангаси ичида қолади. Жангу жадалдан кўра очарчиликдан одамлар кўпроқ нобуд бўлади.

– Бу жабру зулм, бу маъносиз жангу жадаллар ва адолатсизликларнинг ҳисоб-китоби истаймизми йўқми, биз теурийларга сизу менинг зиммамга ёзилади, – деди Шохруҳ дардли оҳангда.

– Афсуски, шундай, аълоҳазрат. Одатда болалар оталарининг гуноҳу савоблари учун жавоб берар эдилар. Бизда тескариси юз бермоқда. Бу нодону нобакорлар буюк жаҳонгир боболарига тавқи лаънат келтирмоқдалар.

– Мирзо Рустамнинг бобо душмани амир Қора Юсуфнинг ҳузурига гадой каби эланиб борганлигини айтмай-сизми?

– Шунини айтинг, онҳазрат! Бу авлодларимизнинг бети ила кетида фарқ қолмаганга ўхшайди! Уят ҳам катта гап. Аҳволинг шу экан, бобонгнинг жаҳонгирлиги қайда қолди, демайдими?

Бу оғир ва юрак сиқувчи суҳбатдан таъби тириқ бўлган хоқон саропарда саҳнига томон йўналди. Амир Нуширвон Барлос ҳам қоғозлар солинган жуздонни қўлтиқлаганча хоқонга эргашиб чиқди ва подшоҳ амри-ни бажариш учун хазина амири чодирни томон юрди.

### ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

*Бахтсизлигимизнинг умумий манбаи шундаки, биз нарсаларни қандай қабул қилсак, улар ҳақиқатан ҳам шундайлигига ишонамиз.*

*Биз шундай оламда яшаймизки, битта аҳмоқ кўплаб аҳмоқларни, битта донишманд жуда оз донишмандларни яратади.*

*Донишмандликка илк қадам ҳамма нарсага ҳужум қилишдан, сўнгги қадам эса ҳамма нарсани бошдан кечиришдан иборат.*

### ЛИХТЕНБЕРГ

Султон Аҳмад Жалойир босинқираб уйғонди. Анчадан бери у тушига кирмасди. Бугун уни кўрди. Иккиси бир даранинг қарама-қарши томонида турган экан. У қўлидаги қилични султонга узатди. Олмоқ учун қўлини узатганида шамшир иккига бўлиниб кетди. Султон ундан кўрқиб қочмоқчи бўлди. Бироқ танасини тортиб кетаётган қора балчиқдан оёқларини узолмас эди. Чўчиб уйғонди...

Султон Аҳмад Жалойир ўнгида нари турсин, рўёсида кўрса-да шайтонлайдиган Амир Темурни тушида кўрган эди.

Ҳеч тушимга кирмас эди. Қайдам. Хаёлидан кечди султоннинг. Юсуф пайғамбар яхшиликка йўйсин. Унинг ўтганига ҳам анча бўлди. Қаригандан сўнг мия суюлиб, ёстиққа бош қўйишинг билан алоқ-чалок тушлар кўра-верар экансан киши.

Эл ўғрисиз, чағат бўрисиз бўлмас дегандек, хону султон зоти душмансиз бўлмас экан. Темурни тангри орадан кўтардию, қаршисидан бир пайтлар ўзининг лашкарбошиси бўлган Қора Юсуф Туркман чиқса бўладими? Болоқдаги бит бошга ўрмалайди дегани тўғри чиқди. Энди у улуғ Амир Юсуф оти билан ўзича салтанат суриб, кимсан юз эллик йил Эрону Ироқи ажам, Озарбайжону Табриз тахтида ўтирган Жалойирлар сулоласининг султонига қош қайириб, майдон ўқимоқда. Тўнғич ўғлини султон эълон этмоқ нияти ҳам йўқ эмас дейдилар.

Ўтган йили султон ундан лашкар йилқисини ўтлатиш учун Хамадон ўлкасини яйлов ўлароқ сўради. Икки маротаба икки амирини юборди. Киндигини ўзи кесган туркман итмисан, одаммисан демади. Аксинча ўғли Шоҳ Муҳаммадни Ужон яйловига жўнатиб, султоннинг хатти-ҳаракатини кузатишни тайинлади.

Олинган билгиларга қараганда у ўғилларига тасарруфингиздаги мамлакатларни тутиб қоламан ва салтанат сураман десангиз, султон Аҳмад Жалойир ва авлодларини бартараф этинг. Айни дамда у бизга темурийлардан кўра-да хавфли. Темурзодалар билан инсофу адолат-ла англашмоқ мумкин. Бироқ у тепса тебранмас бизнинг салтанатимизни ҳеч қачон тан олмайди дебди.

Ўғли Шоҳ Муҳаммад, Султон Аҳмад Жалойир қайда турмасин айғоқу қоровулларини йўллаб султонни таъқиб этади. Гўёки бу ёввойиларнинг бошқа ишлари йўқдек.

Бироқ сўнги туш... Амир Темур... Синган қилич.

Темурдан сўнг у тиклаган салтанатнинг қиличи синди. Не демоқчи у менга? Эрта бир куни сенинг ҳам қиличинг синади демоқчими? Бу Оллоҳнинг иродаси. Шоҳу гадо ким бўлмасин охир-оқибатда қиличи синмас киши қолмаски? Бироқ қачон? Ёки у мени куч-қудратга тўлганим, бир ҳамла билан амир Қора Юсуфни йўлдан олиб ташлаш мумкин бўлган жанг олдидан огоҳ этмоқдами?

Шу ўй-хаёллар билан таҳорат қилиб, жойнамозга ўтирган султон кўзларидан ёш оққанча узоқ ибодат қилди.

Саратон кирганига ҳам ўн кундан ошган, жануб, хатти истиво (Экватор) томонидан эсувчи иссиқ шамол Бағдодни қовурар эди. Султон ёзнинг бундай жазирама-ларини Табризу Шероз атрофининг соя-салқин жойлари, сойлар бўйи ва сарин яйлову дараларида ўтказарди.

Қўшинга Табриз сафарига отланиш учун фармон берилган, илғор қисмлар шаҳардан чиқиб, бир ярим икки фарсанг масофани босиб қўйганди.

Бағдоддан карнай ва наққоралар садоси остида тантана билан чиққан султон эллик чоғли амиру мулозимлари қуршовида борарди.

– Хамадон курдлари мудом бизга сотқинлик қилиб келмоқдалар. Биринчи галда ана шу бебош қавмни бўйсундириб, Хамадон мулки ва яйловини эгаллашимиз лозим, – деди султон ўнг томонида бораётган амакиси, шаҳзода Шоҳвалад Шайх Алига. – Кечмишда қиличимизни чопган навкаримиз Қора Юсуф шу бир парча яйловни ҳам қизғанди. Биз у билан савашмоқ ниятида эмасмиз. Фақат ўз жойини билиб ўтириши, оёғини тўғри босиши ва ҳаддидан ошмаслиги керак.

– Амир Қора Юсуф табиатан бировнинг сўзига кирадиган, сиз тарафдан кўрсатиладиган назокату мутавозеликни англаб ҳаракат этадиган кишилик эрмас, султоним, – жавоб қилди шаҳзода Шоҳвалад.

Уни бизга қарши жангга киради деб ўйлайсанми, Шоҳвалад? – жиянидан сўради султон.

– У ўлар ҳўкиз каби болтадан тоймай, орқа олдига қарамай ташлашадиган одам. Айниқса, Сартруд мавзесида Абу Бакрни енгиб, Мироншоҳ Кўрагонни шаҳид этганидан сўнг димоғи шишиб, бурни кўтарилиб кетган дейишади.

– Амир Қора Юсуф сенинг бобонг султон Увайснинг қизи тарафидан набираси бўлмиш, Шоҳ Шужўонинг набираси, Султон Зайнулобиддиннинг ўғли султон Муътасимга Ҳамадон ва Луристонни берган эди. Ўшанда султон Муътасим Темурдан кўрқиб унинг остонасига бош уриб келган. Орадаги ана шу илиқ муносабатлар ва қардошлигимиз ришталарини кўзда тутиб музокара учун сени унинг қароргоҳига жўнатсак. Не дейсан?

– Ожиз фикримча, султон ҳузурига пайғамбарни жўнатсангиз ҳам қулоқ солмайди. Одам зоти нари турсин, ҳатто худонинг ҳам айтганини қилмайдиган руҳияту кайфиятда дейдилар.

– Йўғ-е?

– Ишонмасангиз уни билганлардан сўраб кўришингиз мумкин. Бор десангиз боравераман, султоним.

– Зудлик-ла Ширвон подшоҳи амир Шайх Иброҳимга чопар жўнатмоғимиз керак. Унинг-да амир Юсуфни кўрарга кўзи йўқ. Биргалашиб, шу қорқўйинли балосидан қутилишимиз керак. Унинг қўшини ҳам Табризга биз ила баробар етиб келмоғи лозимдир. Шунда амир Юсуф қочарга жой тополмай қолади, – ишончли оҳангда кўнишарди султон. – Амир Шайх Иброҳимга ёзилган мактубни бирор ишончли кишига бериб, Озарбайжон сари йўлласинлар!

Султон Аҳмад Жалойирнинг шоҳона саропардаси Ҳамадон яйловининг энг юксак тепалигига тикилган,



яйловнинг жанубий томони саратоннинг жазирамасида сомон рангини олган бўлса, адиру тоғларга туташ шимол ёқдан баҳор ҳавоси эсарди.

– Бу пайтда дашт ва чўлдаги чўпонлар сурувларини тоғдаги серўт яйловларга ҳайдадилар. Суворийу сипоҳийга сўйланг! Кимсанинг кўзию ўғлоқига кўз олайтирмасин! Жонлари ширвоз ёхуд қирқилмаган ўғлоқ истаса, сотиб олсинлар! – буюрди султон саропарда саҳнида тўпланиб турган беклари олдига чиқаркан. Биз ҳам ширвоз этию шўрваси, қирқилмаган ўғлоқ бостирмасидан тановул этсак ёмон бўлмас эди. Бўш қоп тик турмас дегандек, ёш бир жойга бориб қолганда киши кўнгли яхши ва парҳез таомларни истар экан. Илгари аскар каби дуч келган емакни еб кетаверардик. Баковул ва ошчиларимиз қайда қолдилар? – деди султон икки мулозим кўтариб келган, катта ва оғир гавдасига мослаб ясалган тахтга ўтирар экан. – Яйлов ҳавоси нақадар гўзал. Ўтлоқ ҳидини айтмайсизми?

– Инсоннинг мушт каби юрагига сиғмаяжак гўзаллик, – султоннинг сўзига кўшимча қилди шаҳзода Шоҳвалад.

– Шоиру муғаннийларимиз кўринмаётирлар? – сўради султон хос мулозимдан этакдан келаётган мусиқа сасига қулоқ тутаркан.

– Улар кечки базмга ҳозирлик кўрмоқдалар, – жавоб қилди мулозим.

– Не-не муғаннийу чалғувчиларни кўрдиму, бироқ Амир Темур Самарқандга олиб кетган Хожа Абдулқодир Мароғий кабисини учратмадим. Сенларга неча бор сўйладим. Не масрафу маблағ кетса-да, уни Самарқанддан Бағдодга олиб келинлар деб. Бироқ ҳал этмадингиз, – мулозимни тергади подшоҳ.

– У Самарқанддан Ҳиротга келиб, янгидан очилган Шоҳруҳия мадрасасида сабоқ бермоқда экан, зоти

олийлари. Не қадар ўз юрти Мароға ёхуд Бағдодга қайтмоқни истамасин, Шоҳруҳ султон рухсат этмайди дейдилар. Шул туфайли ҳам амрингизни бажара олмадик. Бир қошиқ қонимиздан кечинг!

– Элимизга Шоҳруҳ подшоҳ Ироқи Ажамга бадарға этган Самарқанднинг собиқ султонни Халил Султоннинг ашъорлари тушди, давлатпаноҳ, – деди шаҳзода Шоҳвалад кўйнидан бир тутам қоғозни чиқарар экан.

– Бобоси Темурни шеър битармиш деб эшитганим бор эди. Бу амирзода ҳам шеър ёзар эканми? У кўп адолатли шаҳзода эканки, фарзандимиз Алоуддаврани зиндондан озод этди. Темурийзодалардан пичоққа илинадигани шу шаҳзода билан раҳматли Пирмуҳаммад Шерозий дейдилар. Алоуддавранинг пешонасига яна маҳбуслик битилган экан Абулжуз қалъаси бандисига айланди. Амир Юсуф бу ишга кўл урмаганида эди, биз ҳам Табриз сари отланмаган бўлардик. Битиклар қандай кўлингизга тушди? – хайрон бўлиб сўради султон.

– Райдан бир талаба Бағдод мадрасасига ўқимоқ учун келган экан. Шундан кўчириб олдим. Кўп маъноли битиклар.

– Қани, ўқинг-чи?

Шаҳзода Шоҳвалад ҳафсала билан Халил Султоннинг тўртликларини ўқимоққа тутинди.

Жилов қўлда, тоғу тошни кезарсан,  
Тенги тўшинг, рақибингдан ўзарсан.  
Дўсту душман таъқибини чўзарсан,  
Ўздан кетсанг, мисли хазон тўзарсан.

Инсон зотин дини билан ўйнама,  
Эътиқод, имони билан ўйнама.  
Худо берган жони билан ўйнама,  
Сулоласи, шони билан ўйнама.

Мағлуб тараф икки дунё ёқланмас,  
Нопок имон ибодат-ла покланмас.  
Золим зотдан раҳми шафқат бекланмас,  
Қонли қўллар қаср қуриб оқланмас.

Насиб этса боланг асил боладир,  
Буюрмаса бошга битган балодир.  
Фарёдларинг кўкка етар ноладир,  
Эл кўзида қадди-қомат доладир.

Муҳаббатким, онанинг меҳридадир,  
Марҳаматким, отанинг қаҳридадир.  
Адолатким, авлодинг маҳридадир,  
Кароматким, илоҳнинг сеҳридадир.

Ботил бошқа ботир бўлмоқ айридир,  
Шоҳлик ила шотир бўлмоқ айридир.  
Жисми жавҳар, нодир бўлмоқ айридир,  
Мард турмоққа қодир бўлмоқ айридир.

Тўрт кўз тугал, даврон сурсанг яхшисан,  
Алам изтиробда юрсанг, яхшисан.  
Бир улуснинг ҳолин сўрсанг, яхшисан,  
Бир қавмга бериб турсанг яхшисан.

Кескир қиличларга минг бир қин тордир,  
Қуйруқ шудгордадир, бир бало бордир.  
Ўзлигин қайб этган, элат хунхордир,  
Меъёрдан ошдингми, шаксиз мурдордир.

– Битиклари кўп маъноли, – деди султон шеърларни  
кўзини юмиб тингларкан.

Шу пайт узоқдан бир суворийнинг от чоптириб келаётгани кўзга ташланди.

– Илгари кетган лашкаримиздан бирор ҳаводис борга ўхшайди, – деди сергак тортиб султон.

Барча бирдек отлични кузатарди. Навкар тахт қаршисига келиб, палос ўпди.

– Хамадон курдларини салтанатимизнинг қудрат панжасига кирганидан хабар топган Шоҳ Муҳаммад Қора Юсуф ўғли Ужон яйлоқини тарк этиб, Хуй сари чекинган, султоним!– дея сўнг хабарни етказди суворий.

– Қулоқларга ғоят хуш ёқувчи мужда келтирдинг, суворий. Навкарга бир эгар-жабдуқли от ҳадя этилсин! Демак, доруссалтана Табризгача бўлган йўлимиз Оллоҳнинг изни ила очиғу равондир. Қасд қилганларнинг барчаси ана шундай, паст бўлиб, бизла юзма-юз келмоққа журъат этолмай, қочмоққа тушадилар, – деди султон бу хабардан мамнун бўлиб. – Яратган эгамиз бундан сўнгда йўлимизни очиқ, дўстларимизни зиёда, душманларимизни пиёда этсин!

– Омин!

– Айтганингиз келсин, султоним!

– Иншооллоҳ! – саслар эшитилди.

– Шоҳ Муҳаммадни сиқи таъқиб этсинлар ва ҳаракатини кўздан қочирмасинлар! – амр берди султон. – Амир Қора Юсуф қай манзилда экан?

– Маълумингизким, амир Юсуф қишни Табризда ўтказган. Шу йилнинг учинчи оyi ўрталарида Қаёмард Толиқоний ва Мазид Баканаларнинг Қазвин ҳудудларини босиб ғорат қилганликлари хабарини олади. Бу воқеани Амир Бистом ўғли Ахий Фарах орқали эштади ва жадал от суриб, Қазвин синирларига етиб боради. Жангга кириб ғолиб келади. Амир Қора Юсуф бу пайтда Алотоқ

орқали юриб, ов овлаб Авникка етиб борган бўлади. Авникда бир тўда кишилар амирга Арзинжон ҳокими Шайх Ҳасан устидан шикоят қиладилар. Амир Арзинжонни қирқ беш кун қамал қилган. Шаҳар аҳли итоатга келиб, ёлиниб-ёлворгач, қамал тўхтатилади. Амир халойиққа марҳамат қилади ва муносиб совғалар билан келган Шайх Ҳасанни ҳам афв этади. Шайх Ҳасанга вилоятдаги бир қалъани бериб, Арзинжонни унинг вазири Носириддин Пир Умарга таслим этади. Бизнинг Бағдоддан чиқиб, Табриз томон йўналганимиздан хабар топиб, Навшаҳарга қараб юрганмиш, – дея сўнг билгиларни султонга маълум қилди шаҳзода Шоҳвалад.

– Навшаҳарда не иши бор экан унинг? – ҳайрон бўлиб сўради султон.

– Қўшинни ўша ерда кўриқдан ўтказиб, силоҳини кўздан кечирар эмиш.

– Сўнгра қай томон юрармиш?

– Билмадим. Бизга қараб келса керак-да.

– Биз-ла савашмоқ нияти бор эканми?

– У ўлса-ўладики чекинмайди, султоним!

– Кечмишда саропардамиз ўнгида бекчилигимизни қиларди. Энди эса биз ила савашмоқ ниятида эканлигига ақл бовар қилмайди. Мудом биз-ла юзлашувдан қочиб юради, – ҳануз амир Юсуфни ўзининг Бағдод қўшинига қарши туришига ишонмасди султон. – Туркманлар ўлартириларига қарамай савашгучи қавм келадилар.

Табриз халқи бу гал ҳам Султон Аҳмад Жалойирни илиқ қаршилади. Бироқ илгаригиси каби олқишу тантаналар билан эмас.

– Нега бизни бурунгиси каби кутиб олмадилар, Шоҳвалад? – шаҳзодадан сўради султон.

– Илгари келиб кетганимиздан сўнг бизни олқиш-

лаганларнинг етакчилари амир Бистом ва амир Юсуф томонидан жазоланган. Шул боис чўчимоқдалар, султон ҳазратлари, – жавоб қилди Шоҳвалад.

Улар шаҳарга кирганларидан бир ҳафта сўнгра амир Қора Юсуф Туркманнинг Навшаҳардан Табриз томон юргани хабари етди. Бағдод лашкарининг сони йигирма минг уй ҳисобида саноққа олинди.

Султон Аҳмад Жалойир Бағдоддан чиққанидан уч ярим ойдан сўнг амир Юсуф туркманларнинг бирлашган ва савашларда чиниққан қўшини билан Табриз остонасида пайдо бўлди.

– Амир қўшинининг сони бизникича борми? – сўради султон ёнида сассиз, садосиз бораётган шаҳзода Шоҳваладдан.

– Бизнинг лашкардан бир-икки мингга кам бўлиши мумкин, султон ҳазратлари, – жавоб қилди шаҳзода.

Бироқ ғаним лашкари уруш кўрган, ғоят тажрибали эканлигини айтмади. Усиз ҳам чўчиб турган султон амакисининг юрагига ғулғула солгиси келмади.

Шаҳзода Шоҳвалад худди шу дамда, ўзлари Табриздан йўлга чиқиб, амир Юсуф Навшаҳардан етиб келиб жанг учун танлаган Асад қишлоғи томон йўлга тушганларида бу юришга янглиш қарор берганликларини, ўзлари учун афсонавий халифалар шаҳри Бағдодда айши-ишрат-ла яшамоқ буюк саодат эканлигини англади. Қўрққанинг бошингга келар дегани тўғри бўлиб чиқади чамаси. Инсон, билхосса, ҳукмдорлар табиати шундай. Тўқни тўйдириб бўлмаганидек, шоҳликка қаноат этмай, шаҳаншоҳлик истайди. Жисми шоҳликдан лошликка айланганда эса одатдагидек кеч бўлади. Елкаси тиришганда ҳеч кимнинг сўзига кулоқ солмайдиган султон амакиси шу ерда муаззам ва ваҳим хато қилди чоғи. Тўйганинг тўйганинг дегани шулмикан?

## Нурали ҚОБУЛ

---

Ор-номуси устун келиб амаким сулҳ ҳақида оғиз очмоққа журъат этмаётир шекилли, дея фикр қилди шаҳзода бекларига қўшинни сафга тизиш борасида бўғриққанча таълимот бераётган султонни зимдан кузатаркан. Оллоҳ кимсани савашда мағлуб этиб, юзини ерга қаратмасин!

Амир Қора Юсуфнинг турли туркман табақаларидан ташкил топган қўшини шитоб ила ҳужум бошлади.

Асад қишлоғининг кун юриш томонидаги жанг майдони кўринарли юксакликда туриб бўлинмаларга йўл-йўриқ кўрсатаётган амир Юсуф босиқ, ўзига юзда юз ишонган оҳангда ҳаракат этар, лашкар бошлиқларини савашнинг лозим топган жойига йўналтирарди.

Тўқнашув тақдирини бир-икки ҳамлада ҳал қилишни ўйлаган Аҳмад Жалойир эса жанг майдонида қилич сермаб от сурар, султонни кўриқлаш учун ҳам икки юзлик овора эди.

– Султон ҳазратлари! Жанг майдонининг бу қадар ичкарисига кирманг! – дея бақирди султоннинг ортидан қувиб келган шаҳзода Шоҳвалад. – Худо кўрсатмасин, сизга етган бир захм бутун бошли қўшиннинг қўлидаги қилични туширади!

Шаҳзода Шоҳвалад сўзини тугатиб улгурмади. Визиллаб учаётган ёй ўқларидан бири султоннинг ўнг билагига санчилди. Навкарлар подшоҳ оти жilовини майдон четига тортишди. Табиб от устида турганча яралининг билагидаги ўқни суғуриб олди. Жароҳатдан қон аралаш яшил суюқлик оқарди.

– Ўқ захарланганга ўхшайди, султоним! Четроққа чиқиб муолажа этмоғимиз керак! – деди табиб билақдан қонни сиқиб чиқараркан.

Ярадорни сойнинг қарши томонидаги боққа олиб ўтдилар. Султонга ўқ текканини кўрган Бағдод қўшини

аскарлари саросимага тушиб, жанг майдонини ташлаб қоча бошлади.

Кўз очиб-юмгунча қонли шудгорга айланган майдонда ўлику ярадорлардан бошқа кимса қолмади.

Қочганлар ташлаб кетган қурол-яроғу жайбалар уюлиб ётарди.

Ғолиб қўшин аскарлари ғанимат тўплашга киришди.

Ғалабадан сархуш амир Юсуф тепаликка гилам тўшаттириб, шубат келтиришни буюрди. Энди чордона қуриб ўтирганида Табризда унинг хуфияларига бошчилик қилгувчи кампирдаҳан яманлик тужжор Баҳовуддин Жулоҳ пойи пиёда югуриб келди.

– Султонга ўқ тегди, улуғ амирим! Уни сойнинг нариги томонидаги боққа олиб ўтдилар! – деди мол топган мағрибликдек ҳозликқанча югуриб келиб.

– Аниқ кўрдингми? – ишонқирамай сўради амир Юсуф.

– Ўз кўзим билан кўрдим. Суворийларни эргаштириб боришим мумкин! Фақат отим йўқ, улуғ амир жаноблари!

– Сотилмиш ва Тангрибермиш! Баҳовуддин Жулоҳга бир от берингиз-да, унинг қуловузлигида султоннинг изидан тушинг! – қўмондонларига амр берди амир Қора Юсуф.

– Қаршилик кўрсатса чорасига боқайликми? – сўради Сотилмиш.

– Боқа билурсан!

Бу дегани султон қарши ҳаракатга келса жойини сола билажаксан дегани эди. Султон ва туркманларнинг улуғ амири орасидаги муносабат ипи энг таранг ҳолига келган, ҳар икки томон ҳам бир-бирини маҳв этмоққа ҳозир эдилар.

Сой бўйида қон теккан кийим-кечак ва уловларига сачраган қонни юваётган бағдодлик суворийлар тў-



дасининг кўзи таъқибчиларга тушиши билан отларига минароқ қочдилар. Бир гуруҳ суворий уларни қувмоққа чоғланди.

– Улар орасида султон йўқ. Тегманг! Кетаверишсин! Бизга юз йигирма тўрт минг пайғамбар эмас, худо керак! – суворийларга ҳайқирди амир Тангрибермиш.

– Уни ана шу отлиқлар қочган кечувдан тепадаги боғ орасига олиб кириб кетдилар! – султон яширинган жойни аниқ кўрсатди Баҳовуддин Жулоҳ.

Табиб ва мулозимлар подшоҳни каттакон ёнғоқ остига ётқазиб муолажа қилишар, эси оғиб, кўз олди қоронғилашаётган султон беихтиёр Бағдодда кўрган ўша рўёни хотирларди.

Темур тушига бежиз кирмаган экан. Бунинг устига душман суворийларининг шовқини эшитилмоқда. Бу не фалокат? Султон Йилдирим Боязид Амир Темурга асир тушгани каби қисмат унинг ҳам пешонасига ёзилганмикан? Амир Темур Султон Боязидни ўлдирмаган. Бироқ бу жоҳил, шўртумшуқ туркман уни соғ қўймайди. Нафақат ўзини, қўлига тушган қавми қариндошларини ҳам қийратади. Наҳотки, Темурдек одамнинг чангалидан омон қутулган жонини ўзининг навқари бўлган бир кимсага топширса? Ё Оллоҳ! Ҳузурингда унинг гуноҳлари шу қадар кўпмиди? Шафоатингни дариф тутма! Бу нодону ножинслар элида хору зор этма!

Султон кўзини очганда бошида икки яғий аскарлари турар, етиб келган суворийлар унинг навқар ва мулозимларининг қўлини боғлашарди.

– Кимсиз? – сўради султон тилига ўзга калима келмай.

– Амир Қора Юсуф зоти олийларининг навқарларимиз, султон ҳазратлари! – жавоб қилди амир Сотилмиш. – Ул жаноби олийларининг амрлари билан ҳузурингизга кел-

дик. Султон ҳазратларини олий қароргоҳга элтмоғимиз лозим! – деди мингбоши Сотилмиш султон аранг тушунадиган туркчанинг туркман лаҳжасида. – Табиб ким? – сўради у султон мулозимларини бирма-бир кузатаркан.

– Мен! – деди табиблар кулоҳи ва жуббасини кийган, султоннинг бош учида турган қирқ ёшлар чамасидаги яҳудийсифат киши.

– Султон ҳазратларининг аҳволлари нечук? Жароҳатлари оғирми? – сўради Сотилмиш табибнинг ёнига келиб.

– Ўнг билакларига заҳарли ўқ теккан. Заҳар танага ёйилмасдан сиқиб чиқардик. Оллоҳга шукур. Тузалиб кетадилар, – жавоб қилди табиб.

– Султон шундай ўқдан яраланган эдиларми? – ҳайрон бўлиб сўради иккинчи лашкарбоши Тангрибермиш.

Табиб бош ирғади.

– Бу бизнинг асил мерган Шоислом Итқайсарнинг иши. Бундай ёй ўқларини фақат угина тайёрлай биларди, – мингбоши Сотилмишга қаради Тангрибермиш.

– Суюрғолнинг каттасини оладиган бўлибди мерганинг, – жавоб қилди Сотилмиш. – Султонни суяб турғазиб, отга ўтқазинг! Бизни улуғ амир ҳазрати олийлари бекламоқдалар! – буюрди у навкарларига.

Кўп қон кетганидан карахт ҳолдаги султонни суяб турғаздилар. Навкарлар ҳавас билан боқаётган асил араб отига ўтқаздилар. Шаҳзода Шоҳваладнинг эса қўлларини орқасига боғлаб пиёда олдиларига солдилар.

Асир султонни Асад қишлоғидаги қароргоҳга олиб келишганда амир Юсуф мерган Шоислом Итқайсар билан суҳбатлашиб турарди.

– Аниқ султоннинг ўзини мўлжалга олиб отдим, улуғ

амир зоти олийлари. Бошида дубулға, устида совут бор эди. Дубулға енгининг пастидаги билагидан ўзга очик жойи йўқ эди. Ўша жойини нишонга олдим. Шу пайтгача менинг заҳарли ўқимдан ҳеч ким қочиб қутулмаган. Заҳар беш-ўн дақиқада танага тарқалиб, қонга сўрилади. Шу муддатда жароҳат сиқиб ташланса хўп-хўп. Акс ҳолда жаннат ёки дўзахга йўлланмани олаверади, – ўз ишини англатарди камончилар ўнбошиси Итқайсар.

– Сен ўзи какликнинг кўзидан, қабоннинг кўксидан урадиган мергансан-да, Итқайсар! Мана султонни ҳам олиб келдилар. Сўзларингни росту ёлғонлигини аниқлаймиз, – деди амир султоннинг асир тушганлигига ишонқирамай ҳайрат-ла боқаркан. – Кимсан, Султон Аҳмад Жалойирнинг аҳволини қара, ўнбоши. Шу кўйга тушар экансан, халифалик пойтахти доруссаодат Бағдодда айши ишратингни қилиб, даври давронингни суриб ётавермайсанми? Ким кўйибди сенга шу ёшу шу шишманликда (семизликда) от деган жониворга азоб бериб Табризга бостириб келишни?!

– Шунга айтсалар керак-да, улуғ амир жаноблари, юрган эдим Бағдодларда чоғир ичиб, нега келдим Табризларга орқам қичиб деб. Султонни ажал ҳайдаган-да, – жавоб қилди Итқайсар.

– Қара, ўнбоши. Бир қоп этдан иборат, сулоласи етмиш йил халифаликни бошқарган бир подшоҳнинг сенчалик ақли йўқ. У Абулжуз қалъасида ҳибсда сақлаётганимиз ўғли, шаҳзода Алоуддавлани озод қилмоқ учун мени ўлдирмоқчи эди. Энди эса ота-бола баробар жаҳаннамга йўл олади.

– Султонни қатл этасизми, улуғ амирим? – кўзларини катта-катта очиб сўради ўнбоши.

– Мен қатл этмасам, у мени қатл этади, Итқайсар, – жавоб қилди амир. – Эшакнинг суйгани эшакшўрадир.

Биз унинг охурига ўзи хуш кўрган хашаги нишхўрдни соламиз! Мен унга итдек садоқатли навкар, сипоҳи ва лашкарбоши эдим. Қадримни қилча билмади бу тўнғиз. Оқибатини кўриб турибсан. Ҳақ этган жазосини ола-жак, лойиқ бўлган қисмат қадари қаршисида турибди. Эшак сийпагани, аҳмоқ сийлагани билмас, дегандек не қадар орадаги одобу андиша деворини тик сақлаб, иззат-ҳурматини жойига қўймоққа интилмаин, бу тўқимтабиат билмади. Баттар бўлсин.

– Султонни мадрасадош биродарлари орқаваротдан ёшлигида нортентак дея аташар экан дейдилар. Сиз улуғ амиримни у билан бирга таҳсил олган дейишади.

– Тўғри, Итқайсар. Мосулдаги Ал Нурий мадрасасида ҳам бирга ўқиганмиз. Унинг гап-сўзу ҳатти-ҳаракатларидан норози бўлган мударрисимиз норга минг насихат бефойда дер эдилар. Орамиздаги рақобат ўшанда бошланиб, вақти замон ўтиши билан ғанимлигу душманликка айланди. Сўз баҳсидан тортиб пойга, қиличбозлигу найзабозликкача бўлган барча мусобақаларда мендан енгилар эди. Ўша рақиблигу енгиларни кўнгилга мулк қилган эканки, икки йил Шом қалъасида бирга ётганимиз оғир кунлар сабоғи ҳам қисик мўғулий кўзини очмабди. Ўша рақобату ғанимлик мана шу тўқнашувга етиб келди ва ҳар ким пешонасига ёзилганини кўрди. Биз эрлар юрти номардлар юрти деган қорақўйинли оталаримиз ўгитига амал қилиб яшадик ва бу отасўзининг ҳақиқийлигини исботладик.

– Султон билан шу қадар ит-мушук, ашаддий йағий эдингизларми, улуғ амирим? – бош кўмондоннинг оғзига тикилиб қолган эди ўнбоши.

– Ҳа, Итқайсар! Сиртдан дўст кўринсак-да, бир-биримизни отарга ўқимиз, чопарга қиличимиз йўқ эди. Ниҳояи оқибат қиличлар қиндан чиқди, ўқлар отилди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Кимсанинг ақлига келмаяжак ишни сен амалга оширдинг! Тангри сендан рози бўлсин! Қорақўйинли қавми сенинг бу жасоратингни абадул абад унутмагай.

– Султон сизга кўп номардликлар қилган экан-да, улуғ амир ҳазрати олийлари? – ўзига кўрсатилаётган илиқ муносабатдан яйраб кетганди ўқчилар ўнбошиси.

– Сен сўрама, мен айтмай, Итқайсар. Тахтдаги шоҳу шаҳзода, амиру вазир, муттаҳам шоиру мадҳиябоз носирдан тортиб сарой қопусидаги бекчигача мени сотиб, ёмонлик қилди. Қарсу Мозандарон тоғларида Темурдан қочиб юрар эканман, энг яқин қариндошларим, ҳатто икки хотиним ҳам мендан юз ўгирди. Энди эса этана бўлиб, оёғимни яламоқдалар. Барчасини совуқ ақл-ла қабул қилиб этиб, сабр-тоқат-ла орқага ташладим. Ичга ютдим. Ютган ютар экан, ўнбоши, – беихтиёр навкарга ёрилди амир.

– Улар нечун бу қадар сизга кўз тикишган, улуғ амирим? – ҳамон номдор амирга ҳайронлик-ла боқарди навкар.

– Бунинг сабаби биттадир, ўнбоши. Улар алал оқибат бир нарсадан чўчишган, қардошим, – ўйга толганча ўзи томон келаётган султонга тикилиб қолди амир.

– Не сабабдан, улуғ амирим? – ҳамон қўл қовуштирганча бош эгиб сўради ўнбоши.

– Бир кун бошларига келиб, ҳукм юритишимдан қўрқишган, талвасага тушишган, Итқайсар. – Шунинг учун ҳам иту бит, барчаси бир бўлиб оч бўридек ташландилар. Бироқ барчалари менга қазилган чоҳни билиб-билмай ўз бўйларига ўлчаб кавлаганлар.

– Ё Оллоҳ! Тавбангдан кетай! Не қисмату қадар?! Бундай кунни душманнинг бошига солма! Шафқату марҳаматингдан дариғ тутма! – овози титраб кетди ўнбошининг.

– Истаган ўлкангдан суюрғол танла, ўнбоши! Чекина билурсан! Мен банди султон билан қўнишай, – Шоислом Итқайсарга кетмоққа изн берди амир.

Ўнбоши таъзим этганча тисланди.

Амир Юсуф навкарлари отга миндириб етаклаб келаётган султонга тикилганча бу кутилмаган учрашуву тутқунликдан ҳайратланиб, ўйга толди.

Қисматнинг бекланмаган, инсон тақдирини терс буриб юборувчи муюлишларида ким бўлмагин, киши ўзини йўқотиб қўяди. Бундай даму дақиқаларда олинадиган тўғри ёки нотўғри қарор тақдирини ҳал этади.

Шундай онларда эгаси тўғри йўлдан адаштирмасин, ўз-ўзига пичирлади амир.

### ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

*Оташ тушган ерни ёқар.*

**Отасўзи**

Жанггоҳда саваш сўнги сурони ҳукм сурар, ярадор отларнинг бор куч билан кишнаши ва жароҳат еган аскарларнинг аламли инграшлари барча сасларни босиб кетар, қонга беланган саваш майдонини қонталаш нури билан ёритаётган қуёш саҳро ортига чўкарди.

Амир ва султон ўртасидаги муносабат таранг бўлса-да, ҳеч қачон бу даражага етмаган эди. Бунга ўғли, Амир Темур вафотидан сўнг ўн йиллик Самарқанд арки маҳбуслигидан озод бўлгач, босар-тусарини билмай қолган шаҳзода Алоуддавла сабабчи бўлди. Темур ўз вақтида бу ўпка шаҳзодани банди этиб тўғри қилган экан. Ғаниму хайрихоҳлари нари турсин у ҳатто султон отасига-да қош қайириб, мухолифатчилик қилди. Бун-

## Нурали ҚОБУЛ

---

дай валиаҳду шаҳзоданинг боридан йўғи, очидан тўқи афзалдир.

Отга мингач, султон отасини ҳам унутган шаҳзода Алоуддавла бир пайтлар, жалойирлар сулоласи замондаги мамлакат сарҳадларини тиклашга қарор қилди шекилли, отаси Султон Аҳмад Хузистон сафариде экан, ўз-ўзидан Ҳилла ва Арбил йўли орқали Бағдоддан Озарбайжонга қараб йўлга чиқди.

Шаҳзоданинг ўз вилоятига отасининг рухсатисиз ва огоҳлантирмай кириб келганини амир Қора Юсуф хуш қаршиламади. Ножоиз ҳаракатига қарамай унга бир шаҳзодага кўрсатилажак ҳурмат-эътиборни канда қилмади. Бунинг устига рамазон ойи кириб қолган, ғавғочи мусулмонлар бир ой бўлса-да, бир-бирлари ила мурсою мадора қилмоқликлари лозим эди. Амир шаҳзодага рамазон ойи харжи учун етарли миқдорда маблағ ажратиб, аҳволидан хабардор бўлиб турди.

Ийд рамазондан сўнг бир гуруҳ мулозимларини юбориб, уни ўз вилояти синирига ўтказиб қўйишни амр этди.

Хуй вилояти ҳудудига етганида шаҳзода Малик Иззуддиннинг курд чериги қўлига тушди. Малик Иззуддин уни ярим мусофир ва ярим банди сифатида икки ой чамаси ушлаб турди.

Шаҳзоданинг Хуйда эканлигидан хабар топган амир Юсуф Малик Иззуддин Курдга чопар юборди. Хос навкарнинг қўлида ушбу мазмундаги мактуб бор эди. *“Шаҳзода Алоуддавла Аҳмад Жалойир дастлаб бизнинг вилоятга султон отасининг раъий рағбатисиз келди. Рамазон ойи бўлганлиги учун кўнглига озор бермай хизматини қилдик. Бироқ унга олий даражада иззат-икром кўрсатиб, ёнимизда қолмоққа ижозат этмадик. Шаҳзоданинг ўйламай-нетмай қўйган бу қадами юртда нотинчликларга сабаб бўлиб, эл орасида турли*

*таънаю маломатларни келтириб чиқариши мумкин эрди. Шунда бизнинг мутлию масъуд муносабатларимиз илгаригиси каби давом этажакдир. Гап тамом, вассалом”.*

Малик Иззуддинга амир Қора Юсуфдан кўра Жалойирлар сулоласи яқин ва маъқул эди. Ота-боболари орасида тўқнашувлар юз бериб келган бўлса-да, мулки давлат пойлашувида ўзаро англашмага бориб яшганлар. Айти кунда Қора Юсуф улуғ амири саналмиш қорқўйинли туркманлар билан эса азалдан какликлари сайрашмайди.

Бироқ Малик Иззуддин амир Қора Юсуф билан ҳисоблашмоққа мажбур эди. Бугунги кунда унга нафақат ўзи, ҳатто султон Аҳмад Жалойир ҳам бас кела олмайди. Форсу Ироқ ҳудудларида темурийларга илк зарбани бериб, ўзларига келтириб қўйган ҳам амир Юсуфдир. Курд подшоҳида унга қарши туражак куч-қудрат йўқ. Мактубида таъкид этган шартларини бажаришга мажбур. Шаҳзодани вилояти ҳудудидан чиқариб юборади. Не чоғли одобсизлик бўлса-да, иложи йўқ. Амир Қора Юсуф Ҳамадонни қийратганидек унинг вилоятини ҳам оёқ ости қилиб, талаши ҳеч гап эмас. Ота раъйига қарши борган ўғлини ҳурмат-иззат-ла сақлаб ўтиргани учун султон ҳам ундан норози бўлиши мумкин.

Малик Иззуддин ҳеч қачон, ҳатто Султон Аҳмад Жалойир хоқон Темурнинг ғазабига учраб, қочиб-пусиб юрганида ҳам ташлаб қўймади. Ўзи ва авлодига нисбатан ҳурматда қусур этмади. Темурнинг одамларидан яшириб-ёпириб, қарашиб турди. Қирқ йилда қозон янги, эллик йилда эл янги, юз йилда тил янги, дегандек, Амир Темур ўтдию, ўттиз йиллик вазияту тирикчилик тубдан ўзгарди. Унга қарши тутун қайтариб юрган султон Аҳмад Жалойир билан амир Қора Юсуф туркман сиё-



сат саҳнасига чиқиб, қаҳрамонга айланди. Киши йўлдан аввал йўлдош танламоқни билиши керак экан. Айниқса сиёсату салтанатнинг эгри-бугри сўқоқларида.

Курдлар подшоҳи тулкига айланган замонани қувмоқ мажбуриятида. Акс ҳолда тахту давлати, эл-юрт бошини хавф-хатарга суқади.

Султоннинг ҳам ёши бир жойга бориб қолган. Тўридан гўри яқин. Шуни назарда тутиб валиаҳд шаҳзода Алоуддавнинг иззатини жойига қўйиб ўтирганди. Амир Юсуфнинг мактуби уни ўзига келтирди. Зўрнинг кети тегирмон тошини юргизади. Амир Қора Юсуф билан ҳисоблашмаслик, ҳеч балодан қайтмас қорақўйинлиларга юртни талатмоқ демақдир.

Не чоғлик ноқулай бўлмасин ва одобсизликка кирмасин, Малик Иззуддин хижолат чеккан оҳангда шаҳзодадан вилоятини тарк этишини рижо этди.

– Меҳмон атою ҳудо дер эдилар. Биз қайга бормайлик атойи бало бўлдик, малик жаноблари. Бу кунларимиздан кўра Самарқанд зиндонида яшаган дамларимиз ҳам ҳолва бўлиб қоладигачга ўхшайди чоғи, – деди Алоуддавла шом туби қоронғу бўлиб. – Бизни бир шаҳзода эмас, девона дарвеш деб қарашингиз ҳам мумкин.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, шаҳзодам! Турум зоти олийларига маълумдир! – тили зўрға айланди подшоҳнинг.

– Тушунаман, малик ҳазратлари! Малику султонлар аслида энг катта тутқуну қуллардир! Жумладан, мен ҳам. Хижолат чекманг! – деди шаҳзода мулозимларига юку чапларини йиғиштирмоққа ишорат этаркан. – Мен Ардабил томон юраман, малик жаноблари. Узлатга чекинган шайх Шарафиддин Али Сафарий ҳазратлари ёнларида бир муддат қолиб, суҳбатларини олмоқ ниетидаман. Султон қиблагоҳ ҳазратлари ёхуд Бағдоддан сўраб келганларга шуни билдириб қўярсиз.

Йўлга чиқаркан, Самарқандда яшаганида Кўксаройнинг иш бошқарувчиси Муҳаммад Қушчи айтган бир сўз ёдига тушди. Бошқарувчи унинг аҳволидан хабар олиб, егуликлар келтириб турарди. Бошингизга оғир кунлар тушганида бирорта донишманднинг ҳиммати паноҳига шошилинг ёки бирор бахтиёр кишининг иқболига илтижо этинг, деган эди Муҳаммад Қушчи.

Шаҳзода шу хаёллар билан ўттиз чоғли мулозим ва навқари билан Ардабил томон кетиб борарди. Шаҳарга етишларига ярим фарсахча қолган эди. От чоптириб келган қорқўйинли суворийлари уларни ўраб олишди. Шаҳзода карвонидаги барча кишиларнинг қўлларини боғлаб, қурол-аслаҳаларини тортиб олдилар-да, амир Қора Юсуфга хабар бердилар. Сўнгра уни амирнинг таълимоти билан Абулжуз қалъасига элтдилар.

Ҳибсга олган черик билан бўлган тўқнашувда шаҳзода ҳам худди отаси каби ўнг билагидан яраланди. Бир қисмату қадар, бир тақдир.

Султон отага нисбатан қилган ножоиз мухолифату ўзбошимчалик уни салтанат тахти валиаҳдлигидан Абулжуз қалъаси маҳбуси мақомига элтиб ташладики, энди унинг бу зиндондан соғ-саломат чиқмоғи мингдан бир тасодиф, қадарнинг ғариб бир жилваси, жаноби ҳақнинг лутфи марҳаматига боғлиқ. Ҳаёт қонуни шундай. Кучли бўлдингми, дўстинг кўпайиб, душманинг камаяди. Кучсизлашдингми ёв ёқадан олганда ит этақдан олгандек, иту бит ҳам сени талайди, турткилайди.

Ё Оллоҳ! Ё тепада турган қозиулҳожат! Гуноҳи шу қадар кўпмидики, уни эсини танигандан бери йўл сарсоню гўр сарсони, зиндонма-зиндон овора этасан? Ундан кўра пажмурда танасидаги жонини ола қолсанг бўлмасми? Сен ҳам ундан қутулардинг! У ҳам атрофини ўраган хоину бенаволардан халос бўлармиди!..

...Отдан аранг тушиб ҳансираганча ўзи томон келаётган оғир гавдали султонга тикилган амир Юсуфнинг ўйидан шу фикрлар кечди.

Йиғламаса-да, султоннинг кўзидан ёш оқар, чап енги билан бўғриққан, қора юзини артиб келарди.

Амир тахтига ўн қадамча қолганда навкарлар икки кўлидан тутиб уни тўхтатдилар. Ҳансираётган султон зилу замбил танасини зўрға кўтариб турар, яна бир неча дақиқа тик турса ағдарилиб тушадигандек эди.

Амир ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан навкарларга султон учун курси келтиришни ишорат этди.

Ўтирғичга оғир чўккан султон эгик бошини кўтариб амирнинг кўзига қарай олмади. Боши айланганча чап эли билан ярали ўнг билагини тутиб турарди.

– Тақдирга такбир йўқ экан, султон ҳазратлари! Барчасини ўзингиз бошладингиз ва тангри қисматингизни ўттиз қилганда ўз элингиз ила тўққиз қилдингиз! Халифалар бошкенти Бағдод ва Ироқи Араб мулки сизга етмасмиди? – деди амир Юсуф туткун султонни киприк қоқмай кузатаркан, орадаги ноқулай, ақл бовар қилмас сукутни бузиб.

Теварак-атрофдан ҳануз ярадор аскарлар овози, отларнинг кишнаши эшитилар, гўрков қисмлар ўликларни ташиб ёрма гўр қазиб кўмишарди.

Амир Мардоншоҳ асир тушган уч юз чоғли бағдодлик аскарни ҳайдаб келиб, улуғ амирга кўринарли жойга сафга тизарди.

Султон Аҳмад Жалойир эгилган бошини кўтариб, амир Юсуфга бир қаради-да индамади. Заҳарли ўқ ўз ишини қилган, табиб сиқиб чиқариб ташлагандан қолган заҳар қонга тарқалиб кўнглини беҳузур қилар, боши айланиб, қаршисидаги амир Юсуф кўзига тўртта, саккизта бўлиб кўринарди.

– Мен қўлингизга тушганимда қандай муносабатда бўлишингизни жуда яхши биламан, султон ҳазратлари!  
– деди амир Юсуф асир подшоҳнинг сўровига жавоб бермаганидан аччиғи чиқиб.

– Билсангиз шунга қараб қарорни бераверинг! – деди султон бўғиқ, йиғига ўхшаган овозда.

– От топади, ит ейди дегандек, мол-мулкингиз Бағдод хазинасида. Уни кимлар ейиши маълум. Жонингиз омонлигини ҳам сўрамайсизми?

– Жонимни омон қўймаслигингизни биламан! Шунинг учун сўрамайман! – жавоб қилди султон амирнинг юзига қарамай.

– Сизда азалдан авлиёлик сифатлари бор эканлигини билардим. Бу гал ҳам адашмадингиз, ҳазрати олийлари. Боиси ўз гуноҳу жиноятларингизни не қадар буюклигини биласиз ва бунинг учун бошингиз кетишини ҳам англайсиз! – овозини баландлатди амир Юсуф.

– Мағлубларни эмас, ғолибларни авлиё санайдилар! Енгган – султон, енгилган – ўғри! Мени ҳар қанча таҳқирлаб, ҳақорат этиб хумордан чиқишинг мумкин, Қора Юсуф! Сендан кимсага хайр келмас! Яхшиси, гапни чўзмай ишингни қил! Мен сендан раҳм-шафқат ва жонимни омон қолдиришингни сўрамайман! – амирни сенсирашга ўтди султон. – Ўғлим Алоуддавла каби сенинг маҳбусинг бўлгандан кўра Дамашқия қабристониде волидам ва қардошимнинг ёнида ётганим маъқул!

– Кўнглинг тўқ бўлсин! Иншооллоҳ, ниятингга етасан! Сен бир қоп гўшт ўзингдан фаришта ясамоқчимисан? – сенсирай бошлади амир Юсуф ҳам. – Кимлигингни ҳамма билади. Сен ўз кўрагини эмизиб, сутоналик қилган волиданг каби муштипар аёлни ўлимга ҳукм этган бир разилу қаттолсан! Битта шу қотиллигинг учун ҳам сени оёғингдан боғлаб отга судратиш керак! Ёки бу

қилмишимни ҳеч ким билмайди деб ўйлайсанми? – ўрнидан туриб кетди амир Юсуф. – Ёнида ётмоқни орзу этганинг буюк қардошинг султон Ҳусайн Жалойирни ҳам ўзинг ўлдирмаганмидинг? Қатл этганинг ана шу аканг сени Басра ноиби қилиб тайинламаганмиди? Сен эса ўз қондош акангга қарши қилич кўтариб келиб, пойтахти Табризни олдинг ва унинг бошини кундага етказдинг! Жон-жигар қардошингни Табризда қандай қилиб тахтдан улоқтириб, қилич-ла чоптирган бўлсанг, худди ана шундай тарзда ва Табризда султон Аҳмад Жалойир ўлароқ шаҳидлик шаробини сипқаражақсан! Сенинг Музаффарийлар сулоласининг илк султони Муборизиддин Майбуд Музаффарийнинг саккиз юз кишини ўз қўли билан қиличдан ўтказгани каби ноҳақ ўлдиргану ўлимга ҳукм этганинг бегуноҳлар ҳақида оғиз очганим йўқ! Буларнинг ҳар бирининг хуни учун сени қиймалаш керак эди аслида! – жазавази тутган эди амирнинг.

Елкаси билан зўрға нафас олаётган султоннинг аввал боши, сўнгра гавдаси олдинга қараб оғар, аранг ўзини тутмоқчи бўларди. Уни кўриқлаб турган икки навкар тутиб қолмаганда ағдарилиб тушарди.

– Ҳушидан кетди чамаси. Итқайсарнинг заҳарли ўқи корини қилди-ёв, – деди амирнинг ёнига етиб келган Мардоншоҳ. – Амр этинг, аълоҳазрат. Ишини битириб қўя қолайлик! Ади-бади айтишиб ўтирасизми шу пасткаш билан.

– Майли. Ҳушидан кетганда қатл этмайлик! Ўзига келсин! Қўримасига ўзинг қара! – буюрди амир.

– Бир ўзини сақлайликми ёки?

– Ёнида унга пишанг бериб юрган ана у шаҳзода Шоҳвалад иккисини бир чодирда сақла! Эрталаб, бомдод намозидан сўнг мана шу ерга олиб кел!

Амир Юсуф шахдам юрганча ўзидан амр беклаётган Тангрибермишнинг ёнига борди.

– Ҳозироқ бир юзлик билан Аланжуз қалъасига отлан ва у ердаги бош маҳбусни келтир! Англадингми?

– Англадим, улуғ амирим!

– Истасанг унинг навкар ва мулозимларини ўзингга қулми, бардами, хизматкорми қилиб ол! Мол-мулки ҳам сенга! Иста ўзинг ол, иста навкарларингга бўлиб бер!

– Англадим, улуғ амирим! Оллоҳ сиздан рози бўлсин!

– Ҳамон йўлга чиқ! Қаён кетганингни кимса билмасин!

Тангрибермиш бош эгиб таъзим қилди.

Мардоншоҳнинг ўн чоғли навкари султон Аҳмад билан Шоҳваладни қароргоҳдан кўриниб турадиган, чопарлар тунаб қоладиган чоғроқ чодир томон етакладилар.

Биткин аҳволдаги султон аранг оёғини судраб босар, Шоҳвалад эса султон амакиси ортидан сассиз-садосиз йиғлаб борарди.

### ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Тангри мўғуллар қўли билан мўғулларни ўлдирган Хулакуни жазоласин! Агар биз бирлашганимизда бутун дунёни олган бўлардик!*

**БЕРКЕХОН**

Султон ва шаҳзодани ўн чоғли сипоҳий ўртага олганча чодирга олиб келди. Мардоншоҳ чодир ичини назорат қилгач, аскарларга бандиларни киритмоққа ишорат этди. Султоннинг қўли боғланмаган, Шоҳваладни ки орқага танғилганди.

– Бунисиниям қўлини ечиб қўй! – буюрди Мардоншоҳ ўнбошига. – Ўнта навкар кечаси билан уймасин! Ҳар

уч намоз ораси навбат алмашади! Бирор кори ҳол юз бергудек бўлса, айбдор навкар авлоди билан қиличдан ўтказилади! – барчага эшитарли оҳангда сўзларди Мардоншоҳ. – Истасалар емак беринг, истамаса йўқ! Мен чодиримдан туриб барча хатти-ҳаракатларингни кузатиб, назорат этиб ўтираман! – дея ўз чодирини томон юрди Мардоншоҳ.

Ўнбоши икки маҳбусни чодирга олиб кирди. Супурилмаган чодирга олача тўшалган бўлиб, иккита сомон тиқилган ёстиқ бор эди. Ҳолдан тойган султон олачага етар-етмас йиқилди. Уни судраганча олиб кирдилар. Шаҳзода Шоҳвалад аскарлардан сув беришларини сўради. Ўнбоши сопол кўзада сув ва толкоса келтирди.

Шаҳзода икки аскар кўмагида оғир гавдали султонни судраганча олача устига чолорқа ётқизиб, бошига сомонли ёстиқни қўйди. Ҳуш-беҳуш ётган султон оғзи билан нафас олар, қорамтир юзи бўғриқиб, елкалари титрарди.

Шаҳзода ўнг кафти билан амакиси бошини кўтариб, толкосада сув ичирди. Вазиятни кузатиб турган икки аскар чодирдан чиқиб, найзаларини тик тутганча эшикнинг ўнг ва сўл тарафида қаққайиб туришарди.

– Ҳар шай битди, Шоҳвалад. Бизни Табризга туз эмас, тупроқ тортган экан, – деди подшоҳ анчадан сўнг ўзига келиб тилга кираркан. – Ёшнинг ўлими тасодиф, қариники муқаррар дейдилар. Бироқ бу алфозда шаҳодат шаробини ичишим, етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди, – аранг тили айланарди султоннинг. – Худонинг олдидан ялангоёқ қочган бу туркман энди мени соғ қўймайди. Унда асроилнинг бир туки бор.

– Амир Юсуф бунга журъат этмаса керак, – паст овозда амакиси қулоғига шивирлади шаҳзода. – Сиз каби бир султонни... Билмадим, улар улуғ бир подшоҳ қонига бу қадар ташна бўлмасалар керак деган ўйдаман.

– Сен бу жоҳил қорақўйинлиларни билмайсан, Шоҳвалад. Тирлашиб ёвлашсалар, ҳатто ўз оталарини ҳам аямайдилар. Соғ қўй бир ҳуркканча, кар қўй икки ҳуркади. Булар шунақа, терс феълли, қўймижоз қавм. Темурдек одамга дум тутқазмай, келиб-келиб шунинг қўлига тушиб ўтирганимизни қара! Мана сенга фалокат, мана сенга фожиа. Бағдоддан чиқмасимиздан бурун бир хайрсиз туш кўрган эдим. Темур менга синган қиличини узатган эди. Демак, сенинг ҳам қиличинг синади ва ортимдан борасан дея огоҳлантирган экан. Бироқ энди ордона қолажак бошкентимиз Табризни озод қиламан деб ўлим сафарига отланган эканмиз, Шоҳвалад. Мен қариман, ўламан, мен ёшман ўлмайман дема деб шуни айтар эканлар-да.

– Тўғри айтасиз, амаки. Шу Табриз сафарига чиқмасак-да бўлар экан, – қопу оғзидаги қоровулларга қараб қўйиб ҳамон паст овозда қўнишарди шаҳзода.

– Дард бошқа, ўлим бошқа, жигарим. Демак, бизни ажал ҳайдаб келган. Мен-ку, майли. Ёшим бир манзилга етиб қолган. Бироқ менинг шаҳодатим билан бирга етмиш йиллик жалойирлар салтанати барҳам топади, Шоҳвалад! Бу фожиага эса мен аҳмоқ сабабчи бўлдим! Халифаликлар пойтахт етмай, Табриз даъвосию савдосига киришиб янглишдим. Натижаи оқибатда шаҳидлик мартабаси кутаётган экан мени. Ҳаёт бозор, биров кеч қайтади, биров эрта дер эди сутэнам.

– Лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди, султоним! Бу қадар умидсизликка берилманг! Тангри амирнинг дилига раҳм-шафқат ҳиссини солар. Ўғлингиз, шаҳзода Алоуддавла ҳам қўлига тушган эди. Ўлдирмай Абулжуз қалъасига жўнатди. Балки бизни ҳам шаҳзоданинг ёнига юборар?

– Бу ўндан бир тасодиф. Ишимиз ўндан тўққиз қатл



## Нурали ҚОБУЛ

---

билан якун топади, Шоҳвалад! Мен бу қавмни яхши биламан. Давлат элига кечса, зўрлик, кўпчилик бўлса ўрлик, озчилик бўлса ўғирлик қилади.

– Мени ҳам қатл этармикан, султоним? – тушкун оҳангда сўради шаҳзода.

– Ҳар қандай қотилликни кутмоқ мумкин. Ҳеч бир разилликдан тоймайди. Уни яхши биламан. Ўз кўлимда жангчиликдан етишган бир лашкарбоши. Аскар зотидан етишган ҳукмдорлар жоҳил, раҳм-шафқатсиз, қаҳри қаттиқ бўлади. Ҳар кимга бир уй, бир гўр деганларидек, бу уйу гўрнинг қай тарзда насиб этишини ўйлаб кўрмаган эканман.

– Ундан афв тилаб, оёғига йиқилсак-чи, султоним. Балки яратган эгамиз кўнглига раҳм-шафқат уруғини солар? – нигоҳида ажал кўрқувининг акси кўринди шаҳзоданинг.

– Ор-номусимиз, шон-шарафимизни ерга уриб, паст кетмайлик. Бир бошга бир ўлим. Балки сенга раҳм этар. Аммо мени кечирмайди. У жалойирлар салтанатни тугатиб, қорақўйинлилар хонлигини эълон этиб, катта ўғли Пирбудоқни хон ўлароқ тахтга ўтқазиб, бутун Форсу Озарбайжон, Ироқу ажамнинг ягона ҳукмдорига айланмоқни кўнглига туккан. Бу ниятига етмоқ учун жасадлардан зинапою нарвон ясамоққа-да ҳозир. Жалойирлар давлату салтанати бор экан, бу режасини амалга ошира олмайди. Одамнинг боши айланмай, тоши айланмайди. Бошимиз айлана-айлана энди тошимиз айлана бошлаганда бу фалокатга дуч келганимизни қара!

– Бағдоддаги шаҳзодаю амирларимиз қараб турмаслар, ахир? Буларга қарши ҳаракатга кечиб, зарур чоратадбирларни кўришса керак?

– У ерда сенинг уч ўғлинг, султон Маҳмуд, султон

Муҳаммад ва султон Увайсдан бошқа ҳеч кимга ишониб бўлмайди. Бироқ шаҳзодаларимиз ҳам ҳали вояга етмаган, бўлаётган бу ифлос сиёсат ўйинларининг туб моҳиятини англамасликлари мумкин. Ишқилиб, Бағдоддаги тиш қоққан қари бўрилар уларни ҳам хароб этмасалар бўлгани. Мағлубиятимизу бошимизга тушган фалокатни эшитгач, барчанинг бизга нисбатан муносабати ўзгаради. Ҳатто энг яқин кишиларимизнинг ҳам, Шоҳвалад. Сўйлаганинг каби бунга қарши келиб, кўп катта хатога йўл қўйдик. Барча гуноҳ менда. Қисилмаган кетга бало бор, деганлари шудир. Менинг бўларим бўлиб, бўёғим сингани майли. Бироқ сизларга, авлодларимизга жабр қилдим. Кечирилмас хато қилдим. Улусим, бутун жалойир эли олдида кимса афв этмаяжак гуноҳ қилдим...

Чалқанча ётган султон гапдан тўхтаб, беихтиёр бошини сўл тарафида узанган шаҳзода томон бурди. Шоҳвалад мудрарди.

Чарчабди, ҳолдан тойибди бояқиш, хаёлидан кечди султоннинг. Оғир нафас олаётган подшоҳ йўталиб, томоқ қирди. Шаҳзода чўчиб кўзини очди.

– Аҳволингиз яхшими, султоним? Кўзим илинибди, – деди Шоҳвалад ўнг тирсаги билан ёнбошлар экан.

– Майли. Толиққан бўлсанг бироз мизғи. Бироқ бундан сўнг абадий истироҳат учун кетамиз, Шоҳвалад. Дор оғочию жаллод кундаси кутаркан, кўз илиниши ҳам ақлга сиғмайди. У бизни эртадан, узоғи билан индиндан ўтказмайди. Гаплашиб ётайлик. Юрагим ўртаниб кетмоқда. Яна сув бер?

Шоҳвалад толкосадаги сувни узатди. Султон ютоқиб ичди.

– Ичимга ўт тушгандек тутаб ёнаётир. Темур икки маротаба Бағдодга бостириб келганида шу аҳволга тушган эдим. Бу дунёда энг буюк бахтсизлик мулки давлат, тожу

тахт, сўнгида азиз санаганинг жондан айрилмоқ экан, Шоҳвалад. Кўз очиб-юмгунча шу аҳволга тушиб ўтириб-миз-а! Воқеалар тушимда ёки ўнгимда содир бўлаётганини ҳам англамаётирман. Эс-хуш ҳам жойида эмасдек. Яна сув бер?

– Жалойирлар сулоласига асос солган буюк бобомиз амир Ҳасан Бузургми, султоним? Бироқ улуғ қоон Чингизхон бизларга кўрсатган хизматларимиз учун Хўжанд вилоятини берган дейишади? Бу мағлубиятдан сўнг жалойирларимиз яна Хўжанд томон қайтадиларми? – султонни чалғитиш учун гапга солди шаҳзода.

– Хўжандда жалойирлар яшаса-да ҳокимият аллақачон қўлдан кетган, жиян. Темурга бас келадиган Боязид Жалойир ўлимидан сўнг у ерда ҳам авлодларимиз иқтидорни топширганлар. Хўжанду Фарғона мамлакатада отасининг мулкидек от ўйнатиб юрган амир Худойдод Ҳусайний мўғул шаҳзодаси Шамъи Жаҳон элидан шаҳодат шаробини тотгач, Шоҳруҳ подшоҳ ул юртлар тасарруфини мирзо Умаршайхнинг ўғли Амирак Аҳмадга топширган дейдилар. Хўжанд элдан чиққан эди. Энди Бағдоду Табриз ҳам кетмоқда. Юрак чидамайди. Ақл бовар қилмайди, Шоҳвалад! Ухлама. Гаплашиб ётайлик. Мендан улуғ отамиз Ҳасан Бузург ҳақида сўрадинг. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, халоқуylару, музаффарийлар ва чўпоний султонлари билан қону жон савашига кириб салтанатимизни шу улуғ зот тиклаган. Мен бешинчи султонман. Мендан илгари жалойирлар тахтида Ҳасан Бузург бобомиздан сўнг Увайс, Ҳусайн, Боязид ва Аҳмад ибн Бузург султонлар ўтиришган. Мендан сўнг давлатимиз йўқ бўлиб кетмаса-да бирор-бир кучли подшоҳга тобе бўлиб яшаб қолиши мумкин. Бироқ кечмиш етмиш йилдаги дови даскани энди кўрмайдилар. Бунинг учун ҳам ўша, вассал бўлган ҳукмдорга хизмат қилиш, садоқат сақлаш керак.

– Эртага амир Юсуф билан шу хусусда англашсак-чи?

– Англашсак-англашмасак у мени соғ қўймайди. Тангридан ҳеч бўлмаганда сенинг жонингни омон сақлашни сўрайман. Сабаби, авлодимизда сен каби ақлли ва тажрибали шахзода йўқ ҳисоб. Қора Юсуф бўлсин, Шоҳруҳ мирзо бўлсин, улар билан фақат сен мурсою мадора қилиб, салтанатни бир амаллаб сақлаб қолишинг мумкин. Шоҳруҳ мирзода инсоф бор. У беш панжасини оғзига тикмаган одам ва подшоҳ. Англашса бўлади. Бироқ амир Юсуф ундай эмас. Уни ҳатто Умаршайх мирзонинг ўғли амирзода Рустам қўшин бериб, амакиси Шоҳруҳга боришга ҳам гиж-гижлаётир демоқдалар. Қора Юсуф энди биз ила музокара юришиб, ади-бади айтишиб ўтирмоқни ўзига эп ҳам кўрмаса керак деган андишадаман. Ўғиллари Пирбудоқми, Шоҳ Муҳаммадми бирортасини Бағдод фатҳи учун йўллаши мумкин.

– Бағдод аҳли қорақўйинлилар, билхосса, амир Юсуф авлодларини суймайдилар. Агар булар Бағдодга ҳужум қилгудек бўлсалар, бутун шаҳар оёққа туради, султоним.

– Бу қаршилиқ ҳаракати бизнинг шахзодаларимиз орасидаги бирлигу иттифоқликка ҳам боғлиқдир, Шоҳвалад. Тангри сақласин, авлодларимиз ўзаро тахт талашиб, салтанат ғавғосини бошладиларми, тамом. Ишни худо урди, деявер. Қози калону шайхулислом ҳазратларининг ўзлари бош бўлиб қорақўйинлилар билан тил бириктириб, Бағдодга даъват этадилар.

– Тангри у кунлар юзини тескари қилсин! – деди шахзода кўз косалари каттариб.

Султон яна сув сўради. Шоҳвалад кўзадан толкосага қуйиб узатди. Қолган сувни ўзи ичди.

– Ифлос хоин, тузимизни еб, кўзимизнинг ёғини ялаб юрган разил Баҳовуддин Жулоҳ бизни сезиб қолиб

қорақўйинлиларни эргаштириб борганини қара! Доимо шундай бўлади. Энг катта сотқинлар энг яқин кишиларингдан, сендан энг кўп манфаат ва яхшилик кўрганлардан чиқади. Оллоҳ жазоингни берсин!

– Асабийлашманг, султоним! Бироз истироҳат этинг. Сўнгра буюк боболаримиз қурган салтанат тарихини сўзлаб берасиз? – деди шаҳзода ҳаяжонланганидан вужуди титраётган амакисига қараб.

Кўкраги кўтарилиб оғир нафас олаётган султон кўзини юмганча бир муддат ётди.

– Булар бугун селдек кўпириб, ҳайқириб турибдилар. Бироқ бир тошган сув билан тегирмонни юритиб бўлмайди. Бизнинг ишимиз қандай хотима топган бўлса, уларники ҳам бундан беш баттар сўнгланажак.

– Секинроқ кўнишинг, султоним. Қопу оғзидаги аскарларнинг қулоғи динг. Бошимизни қотиришмасин тағин, – эгилиб шивирлади шаҳзода. – Яхшиси, сулола ва салтанатимиз қурилишию тарихини сўзлаб беринг? – икки кўзи эшиқда эди Шоҳваладнинг.

Ташқарида ухламай кўриқчилик қилаётган ўн чоғли навкарнинг наридан бери юриб гаплашгани, чодир эшиги қаршисига ёқилган гулханнинг чарсиллаб ёнгани эшитиларди.

– Бизнинг бу ўлкаларга келишимиз буюк қоон Чингизхоннинг невараси Халокухоннинг Эрон мамлакатини фатҳ этиши билан боғлиқдир. Чингизхон Хоразмшоҳга қарши Турон томон юриш қиларкан, ўрдуси асосан мўғул ва мўғуллар таъсирига тушиб қолган барлос, қурловутлар, буркутлар, манғитлар, кўнғиротлар, сулдузлар, боёвутлар, баҳринлар ва жалойирлардан иборат эди. Бу қўшин сафида икки эски турк уруғи, қирғизлар билан аслий турклар йўқ эдилар. Қирғизлар ўз миллатдошлари устига бостириб боришни истамай Олтойу Энасой томон кетиб қоладилар. Эски турклар-

ни қардошлари ёнига олиб келишни Чингизхон истамаган. Уларнинг ерли турклар билан бирлашиб, ўзига қарши курашишларидан қўрққан. Бу ишга туркларнинг ўзи ҳам хайрихоҳ бўлмаган. Отаси таълимот берган шекилли, Чингизхоннинг ўғли Ўгадай қоон ўғли Халокухон кўмондонлигида бу туркларни Турон туркларига қўшилишини истамай, Эрон устига жўнатади. Шу тариқа бу туркларни эронлилар ичида миллатини қайб этиб, форслар таркибига сингиб кетади, дея ўйлаган. Бироқ турк дегани юрту миллат бобида ҳассосдир. Ўлсалар ўладиларки, Билга қоон васият қилгандек, бир қарич тупроқларини бермайдилар. Ўгадай қоон турклар тарк этган яйлову дараларга мўғуллари ва ўзларига итдек садоқат қилгувчи уйғур туркларини ерлаштиради.

– Бизнинг жалойир қавмимиз турк уруғига ётадимми, султоним ёки мўғулгами? – амакисининг сўзини бўлиб сўради шаҳзода.

– Бизнинг келиб чиқишимиз мўғулдир, Шоҳвалад. Хўжандга келган жалойирлар турклашдилар. Биз эса форслашиб кетмоқдамиз. Усмонли давлати томон кетган уруғдошларимиз ҳам усмонли турклари табаасига айланмоқдалар. Киши тили, миллати ва динини ўз ватанида яшасагина сақлай олиши мумкин. Юртингдан фотиҳ бўлиб чиқдингми, дарвеш бўлиб чиқдингми, фарқи йўқ. Еринг қай ранг бўлса, илонинг шул ранг дегандай, сувини ичган мамлакатнинг куйини чалиб, ноғорасига ўйнайсан. Она тилинг қолиб хотину канизак, тамғаю жоринг тилида гаплашиб, болаларинг ҳам ота тилию бобо миллатини йўқотаверади. Қайда бўлмайлик, биз қавми мўғулга қўрқув ва нафрат нигоҳи ила боқадилар. Бизлар шарқ томон юриб буларнинг дину диёнатлари, урфу одатлари, илму урфонлари, қолаверса, наслу насабларига таъсир ўтказдик. Буни улар ҳеч қачон кечирмайдилар. Ва бу туйғу аждодлардан авлодларга ўтаверади.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Бу юртларга Халокухон билан бирга яна қайси турк ва мўғул қавмлари келганлар? – сўровда давом этди шахзода.

– Эронга келганлар ичида энг кучли икки уруғ бор. Булар биз – жалойирлар билан турклашган сулдуз қавмидир. Халокухон билан форсга келган чигатой, жорат, ойрат, татар, дўлан, тангут, онгут ва бошқа майдароқ уруғлар орасида ўз салтанатини қура олган икки қавмдан бири биз, иккинчиси эса сулдузлардир. Сулдузлар Элхонийлар давлатида ҳам биз каби сўз соҳиби эдилар. Улар чўпонийлар давлатини тикладилар. Хулагулар номидан Озарбайжонни тасарруф этдилар. Чўпон нўён ҳам Хулагу улуси бекларбегиси эди. Сўнг Элхоний султон Абу Саид вафот этганидан кейин сулдузлар вазиятдан вазифа чиқариб, ўзларининг мустақил ҳукмронликларини эълон этдилар. Бироқ улар салтанати кўп яшамади. Султон Муҳаммад Ўзбакхоннинг ўғли, Дашти Қипчоқ хони Жонибек Табризни фатҳ этиб, сулолага нуқта қўйди. Бизни эса қорақўйинлилар битирдилар. Сулдуз чўпонийлар бизга ота душман ва рақиб эдилар. Чўпоний Амир Темуртошнинг ўғиллари Кичик Ҳасан ва Малик Ашрафлар Озарбайжонни ақл бовар қилмас жабру зулм-ла йўната бошладилар. Бизнинг буюк боболаримиз Ҳасан Бузург ва Увайс султонлар бу золимларга қарши мужодала этганлар. Мўғул ва туркларнинг бой ва кўчманчи амирларини орқа қилган Сулдуз бекларбегилари ерли зангинларнинг мол-мулкларини тортиб олмоққа киришадилар. Бу адолатсизликдан норози бўлган маҳаллий, ўтроқ бойлар Дашти Қипчоқ ҳукмдори Жонибекхон Ўзбакхон ўғлига мурожаат этадилар. У эса катта қўшин билан келиб, Табризни кунпаякун қилади.

– Ўшанда бекларбеги Малик Ашрафни замонасининг энг бой амири бўлган ва мол-мулкни ортиб ташимоққа

оту туя, хачиру эшак етмаган дейдилар. Шу гаплар тўғрими? – босиб келаётган уйқудан аранг кўзини очиб сўради шаҳзода.

– Тўғри, – деди хириллаб нафас оларкан султон. – Унинг ҳам Маҳмуд Ғазнавийдек кўзи дунё молида бўлган ва тоғ-тоғ бойлик тўплаган. Қону жон, зулму зуғум, ҳақсизлигу етим ҳақини емоқ эвазига топилган мол-мулк ҳеч қачон буюрмайди. Охири бир кун тешиб чиқади. Ўзига ёки авлодларига уради. Малик Ашрафники ҳам шундай ниҳоя топади. У Жонибекхондан енгилганидан сўнг мол-мулкини етти минг туя (ҳозирги ҳисоб бўйича икки минг тонна бўлади) ортиб қочаётганда хон кишилари қўлига тушади. Карвондаги барча юк туяю хачири билан биргаликда дашти қипчоқликлар элига кечади. Жонибекхон амри билан Малик Ашрафнинг боши кундага етказилади...

Сўзи шу ерга етганда султон бўғриқиб, ҳиқиллаганча йиғлай бошлади. У билиб-билмай, англаб-англамай ўз қисматини, эрта-индин юз беражак фожиани сўзлаётган эди.

Тилига калима келмаган Шоҳвалад эса карахт ҳолда амакисининг ғариб ва бенаво турумига боқар, очлик ва беҳолликдан боши айланиб, кўзи тинарди. Бироқ не қадар оч бўлса-да, томоғидан сув ҳам ўтмас, мижжа қоқиб, кўзини очиб-юммоққа-да мадори йўқдек эди. Боши гаранг, ақлига султон амакисига тасалли беражак бирор-бир фикрда келмасди.

Шаҳзоданинг қулоғига ўзлари билан бирга асир тушган мулозимларидан бирининг таниш овози эшитилди. Султон чухраларидан бири ёнаётган гулхан атрофида ўтирган қоровул ўнбошиси билан гаплашарди.

Мулозимни тинглаган ўнбоши уни султон ётган чодир томон кузатиб келди.



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Мулозимларингиз сизга емак келтирмоқчи эмиш. Истайсизми? – дея сўради ўнбоши чодир эшигидан бошини суқиб.

Унинг гапини султон ҳам эшитди. Шоҳвалад амакисига қаради.

– Очликдан силлам қуриётган бўлса-да, бўғзимдан сув ҳам ўтмаса керак, – деди султон йиғига ўхшаш овозда.

– Келтиришсин! – қўшимча қилди шаҳзода ўнбоши ва унинг орқасида турган мулозим томон бўйнини чўзиб. – Очликдан кўз олдим қоронғулашиб, оёқларим титрамоқда.

Бирор коса қимиз ичгулик муддат кечди. Ўнбоши мулозимга қўшиб юборган навкар толтовоқда кесканош билан битта қотирма келтирди.

– Сувларинг борми? – сўради катта қотирма нон билан усти ёпилган толтовоқни шаҳзодага узатар экан, навкар.

– Бор! – жавоб қилди Шоҳвалад.

– Мени суяб турғаз, Шоҳвалад. Ётаверса одамнинг боши айланиб оғрийди. Бироз ўтирайин. Ўқ теккан жойим ҳамон санчиб оғриётир. Кеча кечасидаги ҳаётимизга қараю, бугунги шармандали турумимизга боқ. Демак, тангрининг олдида шу қисмату қадарга лойиқ гуноҳимиз бор экан-да, – ҳасрат-ла қўнишарди султон.

– Эгасидан умид кесилмас, султоним. Оллоҳ бу ғамандухдан чиқмоқ йўлини кўрсатар, – деди Шоҳвалад гавдаси оғир султонни суяб ўтқазар экан.

Елкаси билан нафас олаётган султон бироз емак еди-да, чап тирсаги билан ёнбошлаганча яна чўзилди.

– Оллоҳ қисмату қадаримни шу жоҳил қотилнинг қўлига қолдирмай олганида эди, – деди оҳ тортиб узанар экан. – Ҳали-ҳануз қўшинимнинг мағлубиятига уч-

раб асир тушишимга ақлим бовар қилмаётир. У мени бирор ҳафта шу аҳволда асраса телба бўлиб қолишим ҳеч гап эмас. Ё қодир Оллоҳ! Ўзинг тезроқ қутқар бизни бу шармандали кунлардан! – нидо қилди султон оҳидан оташ уфуриб.

– Имоннинг ярми сабр, ярми шукрдир, султоним. Тек нажот – яратгандан. Яхшиси, султон боболаримиз ҳақидаги ҳикоянгизни давом эттиринг. Не бўлса бўлди. Одам боласи ўз қисмату қадаридан қочиб қутула олмас экан. Бошга тушганни кўз тортади, – деди ниҳоят тилга кириб шаҳзода.

– Нимани сўйлаётган эдим. Эс-хушим ҳам жойида эмас? – дея маъносиз қўй кўзларини жиянига тикди султон.

– Сулоламизнинг жалойирлар салтанати тепасига келишини ҳикоя қилаётган эдингиз, султоним.

Чодир шифтига тикилиб ётган султон беихтиёр елкалари силкиниб бола каби йиғлай бошлади. Кўзидан оққан ёш сомонли ёстиққа сингарди.

Шоҳвалад яна ҳайратга тушганча амакисига тикилиб қараб қолган, ўзича эртага содир бўлажак фожиани ўйлаяроқ йиғламоқда дея фикр қилди. Чодирда тасалли учун бирор оғиз сўз демоқ ҳам ортиқча бир вазият ҳукмрон эди.

– Мен эртанги кунги қазойи қадарим учун йиғлаётганим йўқ, Шоҳвалад! – деди ҳамон кўзидан шашқатор ёш қуйилар экан султон.

– Не бўлди, султоним? Недан изтироб чекмоқдасиз? – ҳайрон бўлиб сўради Шоҳвалад.

– Мен бундан роппа-роса йигирма саккиз йил бурун, айнан мана шу Табризда ўз акам, жалойирларнинг учинчи султони Ҳусайн Жалойирни қатлга етказгандим, Шоҳвалад! Ал қасос ул-мин ал-ҳақ деганларининг минг

## Нурали ҚОБУЛ

---

карра ҳақ эканлиги бошимга тушиб турганидан, виждон азобидан кўз ёши тўкмоқдаман! Боя бу ҳақда Юсуф ҳам менга иддао қилди.

– Бу гап қулоғимга чалинган эди, султоним! Бироқ тафсилотини билмайман, – деди шаҳзода амакисининг гапидан лол бўлиб.

– У пайтда Басра ноиби эдим. Мен аҳмоқ ўз буюк қардошим, жон-жигаримга қарши исён кўтариб, Ҳусайн ибн Ҳасан Бузург Жалойир каби султонни кипригим қилт этмай Табриз майдонида жаллод кўлига топширибман. Сарой даричасидан ўз акамнинг боши қандай кесилишини совуққонлик билан кузатиб турган бўлсам, эртага Қора Юсуф ҳам менинг бошим кундага етишини худди шундай томоша қилади. Билмадим, у дунё, жаннату дўзах дегани борми, йўқми, буни яратган эгамиз билади. Бироқ ҳеч бир қотиллик бу ёруғ очунда жазосиз қолмас экан. Демак, мен қотил қардош сифатида бу жазони ҳақ этганман.

Султон йиғи аралаш кўнишар, диққат билан тингламаса сўзларини англаб бўлмас эди.

– Иқтидору салтанат мужодаласида бу каби воқеалар юз бериб туради, султоним. Бу бир бизнинг сулолада эмас, бошқаларда ҳам бор. Мана, ота душманимиз темуррийзодалар ҳам кечаю кундуз бир-бири билан қирпичоқ бўлиб ётишибди, – деди Шоҳвалад тилига бошқа калима келмай.

– Мен бу ишни фақат бир нарса, бугун батамом мосуво бўлганим ва бошим эвазига топшираётганим тожу тахт учун қилганман, Шоҳвалад. Акам менга ёмонлик қилмоқ нари турсин, бир сўзимни икки этмаган эди, худо раҳматли. Шуниси алам қилади. Кўнглимни қолдириб, тахтига кўз тикканим учун таъқиб этиб жазога тортмоқчи бўлганда ҳам майли эди. Тож-тахтдан бошқа ҳеч нарса

кўринмаган кўзимга, ўша дамда. Кейин қолган акаларимга қарши курашдим ва уларни ҳам енгдим. Қардошларим мени султон ўлароқ тан олдилар. Хайриятки уларни ҳам жазоламаган эканман! Шундай қилганимда виждон азобида янада баттар қовурилдим. Ё Оллоҳ! Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – дея оғир сўлиш олди султон.

– Ҳаёт, умр шундайдир, султоним. Одам боласи шу қадар кўзи кўр ва нодонки, бугундан эртага бошига не фожию фалокат тушишини билмай, ўзини оламга устун ҳис этиб, тўрт тарафни танг қилиб юраверади, – фикр билдирган бўлди шаҳзода.

– Зотан, ислом сўзининг маъноси Оллоҳга таслим бўлмоқ демақдир. Қазойи қадар дақиқаси яқинлашганда унга сўнгига қадар таслим бўлиб, ўлимни бўйинга оларкан киши, Шоҳвалад. Негадир энди ўлимдан кўркмай қолдим. Қотил амир тезроқ ишини битирганда эди. Биздан қутуларди. Биз ҳам бу ҳаёт азобларидан халос бўлардик.

– Яхши ният қилинг, султоним! Оллоҳ раҳматининг умид нуридан ниятимизни кесмадик. Сиз ила амир ораларингизда не қадар жангу жадаллар кечган бўлса-да, хун даъвоси йўқ-ку.

– Назарда тутган одаминг сен ўйлаганчалик олижаноб ва шафқатли киши эмасдир! Қўй шу гапларни. Не чоғлик муҳокама этмайлик, бефойда. Яхшиси, мен сенга сулоламиз ва боболаримиз, бизни бу ўлкаларга олиб келган Хулокухон ва Эронни юз йигирма йил йўнатган элхонийлар ҳақида сўзлаб берайин, – деди бироз ўзига келган султон. – Бу тун балки ҳаётимдаги сўнгги кечадир. Абадий уйқуга кетмоғим олдидан мен учун бир кеча ухламагин, Шоҳвалад.

Султон шундай деб яна ҳўнграб йиғлаб юборди.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Очиққан эмас, ошиққан ўлур.  
Отасўзи

Боши омон қолишига кўзи етмаган Султон Аҳмад шаҳзода жиянининг ҳам калласи кундага етишини сезиб турган бўлса-да кўнгли чўкиб, тушкунликка тушмаслиги учун бу ҳақда оғиз очмас, амир Юсуфнинг фақат ўзи билан ҳисоб-китоб қилиши мумкинлигини таъкидларди.

– Хулакухон буюк қоон Чингизхоннинг невараси, Тулуйхоннинг ўғли, Мункэ ва Хубилайхонларнинг қардоши эди. У буюк бобоси Чингизхон ишини давом эттирган. Мўғуллар давлати парчалана бошлаганда бу салтанат ва сулола умрини бугунги бўзқиру кенгликларда яшагану яшнатган улуғ хон бўлган, раҳматли. У дастлаб Исмоилий – Ҳашшошийлар, сўнгра Аббосийлар халифалигига барҳам берди. Буюк қардоши Хубилай уни бу юртларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, куч-қудратини исботлагандан олти йил сўнгра босиб олган мамлакатлари ҳукмдори дея тан олиб, элхон унвонини берган. Халифа Мустаъсимни қатл этган ҳам шу Хулакухон. Бу қотилликдан ғазаби кўзиган амакиваччаси, Дашти Қипчоқ ҳукмдори Беркахоннинг унга асил нияти халифа Мустаъсим ўлимини баҳона қилиб, Қофиқозлар атрофини эгалламоқ бўлган. Бу ҳудудлар аслида Чингизхоннинг ноиби Чормағон мулки эди. Сўнгра Византия ва Жанубий Озарбайжонга даъвогарлик қилган Ботухондек ҳукмдорга қарши тура олган Байжу тасарруфига кечди.

– Бу қарама-қаршилиқда Мункэхон ўз қардоши Хулакухон тарафида эмас, амакиваччаси Беркахон томонида турган дейдилар. Шу тўғрими, султоним?

– Шундай бўлган. Мункэхон Хулакухоннинг шимол то-

мон юришига рози бўлмаган. Шунинг учун унинг амрига кўра Балакан, Тутар ва Кули бошлиқ уч туман черикни Хулакуга қарши юборади. Сўнгра бу кўшин Боғдодни олишда ҳам қатнашган. Берка Боғдод фатҳига қарши бўлган. Хулакухон халифалик пойтахти, қолаверса, Ироқни забт этишда кўмак берган жўчиларга Жанубий Озарбайжон ва Қофиқозларни беришни истамагач, амакиваччаси Беркахон билан орадаги иплар таранглашади. Шу пайтда Хулакухон туманбоши Балаканни қатл этади. Кўп ўтмай кутилмаганда Тутар ва Кули ҳам вафот этади. Берка буларни Хулаку захарлатган деган фикрга боради. Вазиятдан чиқиб, нафас ростлаш кераклигини ўйлаган Беркахон ўрдусига Дашти Қипчоққа қайтмоқ, бунинг имкони бўлмаса Мамлук султонларига тегишли Миср ҳудудларига бориш таълимотини беради.

– Дашти Қипчоққа қайтаётган ўттиз минглик кўшинга ўша машҳур Нўғайхон кўмондонлик қилган дейдилар-а, султоним?

– Жўчи ўрдусига Нўғай бошчилик қилган. Хулакухон бу кўшинга қарши Олатоғдаги ўрдусини юборади. Бироқ Шемахада Хулакухон билан тўқнашган Нўғай чериги мағлубиятга учрайди. Нўғай қочади. Хулакуйлар Дарбандни қамал этиб, бир кунлик жангдан сўнг қалъани эгаллайдилар. Хулакунинг ўғли хонзода Абаға бошчилигида Ширемун ва Атабайларнинг бирлашган кўшини Терек дарёсидан ўтиб, Нўғай қароргоҳини эгаллаб, таъминот захираларини қўлга киритадилар. Бироқ Беркахон қараб турмайди. Қарши ҳужумга ўтади. Қишнинг қоқ ўртаси ва қаҳратонида Терек дарёси қийиларида қақшатқич жанг бўлади. Хулакуйлар кўшини енгилади. Суворий ва сипоҳийларнинг аксари муз қопланган дарёдан ўтаётганда чўкиб кетади. Шунда дарё бўйига келиб аҳволни кузатган Беркахон ўша машҳур гапини айтади.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Қайси гапи? – сўради Шоҳвалад амакиси томон яқинроқ силжиркан.

– Эшитмаганмисан?

– Йўқ, султоним.

– Тангри мўғуллар қўли билан мўғулларни ўлдирган Хулакуни жазоласин! Агар биз бирлашганимизда бутун дунёни олган бўлардик, дейди дарёга чўкаётган Хулаку аскарлари аҳволига ачиниб.

– Шундан кейин Хулакухон бутун мамлакати ҳудудида дашти қипчоқлик савдогарларни қатл этиш амрини берган дейдилар-а?

– Мол-мулкларини мусодара этиб, қирғинга дучор қилганлар. Беркахон ўрдуси Дарбандгача келиб, сўнг-ра ортга қайтади. Хулаку эса Табризга етиб келиб, савашга ҳозирлик кўради. Хулакунинг хунрезлигига Берка ҳам айнан шу тарзда жавоб қайтаради. Олтин ўрда ҳудудларида тижорат ила машғул бўлган элхоний мамлакати тужожорларини қатл этиш амрини беради.

– Мароға расадхонасини ҳам Хулакухон қурдирганми?

– Қаҳри қаттиқлиги баробарида хайрли ишлари ҳам кўп эди. Мўғулларнинг кўчманчи турмуш тарзини сақлаган ҳолда иншоотлар барпо этмоққа-да алоҳида рағбат кўрсатган. Сўйлаганинг каби Носируддин Тусийга қурдирган Мароға расадхонаси қошида жуда катта кутубхона бўлиб, турк, форс ва араб само илми олимлари қаторида чину ҳинд билимдонлари ҳам чалишганлар. Олатоғ саройи, Хойядаги будда ибодатхонаси ва Хабушондаги жархона ҳам унинг даврида қурилган.

– Элхонни жуда иримчи ва фолларга ишонувчи киши бўлган дейдилар?

– Тўғри айтасан. Мўғулларнинг барчаси шундай. Онгларига Чингизхонни худо ўлароқ илоҳий дея сингдирганларидан сўнг уларда бу каби эътиқодларга майл ва рағбат кучайиб кетган. Унинг саройида аррофу фолбин, башо-

ратчию жодугар, кимёгару илми нужумчилар тиқилиб кетган. Айниқса, алкимёгарлар элхонни ёмон туширишган. Темир парчаларини олтинга айлантирувчи “фалсафа тоши”ни яратишларига ишонтириб, ундан катта маблағ олганлар. Бироқ бу масрафлар ҳавога учиб кетган.

– Хоқон Темур ҳам Султон Йилдирим Боязидга мактуб битганида биз элхонийларданмиз дея ёзғирган экан, султоним. Сиз раҳматли Йилдирим Боязид билан кўп бора учрашиб, суҳбатлашгансиз. Қалин дўст эдингиз. Сизни сўнг дамгача ҳимоя этган бир мужоҳид подшоҳ эди. Раҳматли султон зоти олийлари бу ҳақда сўйлаганмидилар? – ҳамон амакисини чалғитмоққа уринарди шаҳзода.

– Тўғри, Шоҳвалад. Бир сўзли, қатъиятли, кимсадан ҳайиқмас Султон Йилдирим Боязид мену бугунги кунда менинг бошимга етиб, қотилимга айланажак Қора Юсуф учун Темурга қарши савашга кириб асир тушди ва сўнгида шаҳодат шарбатини сипқорди.

– Султон Йилдирим Боязид асирликда, хоқон Темурнинг муносиб иззат-ҳурматида ўз ажали билан вафот этмаганми, султоним?

– Инсон, билхосса, тутқину маҳкум ҳукмдор бандилиқда ўз ажали билан ўладими, Шоҳвалад? Султон ҳаётининг сўнгги дамларида ёнида бўлган Анқара қалъаси қутволи амир Ёқуб шаҳзода Меҳмед Челабийнинг вакили ўлароқ Боғдодга келди. Мен ундан султон ҳазратларининг қайтишларига боғлиқ воқеалар тафсилотларини сўрадим. Хотирамдан фаромуш бўлмаган бўлса, амир Ёқуббей шундай деган эди. Султон Боязид Темурни не қадар ёмон кўрса-да, унинг илиқ давранишлари ва самимий муносабатларидан ҳайратга тушиб, кўнгли таскин топгандек бўлган. Соғ-саломат турганида эди,



Темур уни иззату ҳурмат ила бошкент Бурсага кузатиб қўйган бўларди. Султонни бу сўнгги қадамни босмоққа Темур эмас, ўғиллари, шаҳзодалар орасида бошланган салтанат ғавғоси суруклаган. Тож-тахт талашган фарзандларининг не тарзда бир-бирларини қатл этишлари шоҳиди бўлмоқдан кўра султонлик узуги кўзидаги заҳарни ичмоқни афзал кўрган деган тахмин бор. Зотан, пушти камарингдан бўлган, умиду армон кўзингни тиккан авлодларинг қотиллигу разилликларингни кўрмоқдан кўра бу ёруғ дунёдан бош олиб кетганинг маъқул экан. Менинг аҳволимни кўриб турибсан, Шоҳвалад. Хайриятки, шаҳзода ўғилларим Султон Йилдирим Боязидникидек беш нафар эмас экан. Ўн йил темурийлар қўлида Самарқанд тупроғини ялаган, озод этилиши учун не-не тошларга бош урганим ўғлим Алоуддавлянинг туриш-турмуши, тутуму давранишини кўрдинг. Сал кучсизроқ бўлсам ва атрофига кўпроқ фитначилар тўпланса, эртага Қора Юсуф қилажак қотилликни у ҳам бемалол амалга ошириши мумкин. Султон Йилдирим Боязид ақлли экан. Мен ҳам бирорта узукнинг кўзига заҳар солдириб қўйсам бўлмасмиди. Ишламаган бу бош энди кундага етади. Шундай дейману, балки Оллоҳ томонидан берилаётган бу жазо феъли атворга ярашадир. Султон қардошини ўлдириб, қолган акаларини норизо этиб тахтларини тортиб олган кимсанинг қисмату қадари шу тахлит тугаса керак-да. Қатл эттирган акам Ҳусайн менга ота ўрнида ота эди, раҳматли. Отага не каромат кўрсатсанг, авлодингдан икки мислини кўрар экансан. Қора Юсуф Алоуддавляни ҳам соғ қўймайди. Жалойирлар сулоласи қарам вассал бир салтанат ўлароқ давом этса-да, менинг шу билан наслим тугайди. Қилмиш-қидирмиш дегани шудир, Шоҳвалад. Ўзимдан бошқа ҳеч кимдан домангир эмасмен. Омон қолсанг, сен буни барчага сўй-

ла. Жуда кўп одамларга озор бердим. Қон тўкилиб, жон чекишларига сабабчи бўлдим. Буни мулки мамлакат, сулолаю салтанат, дину диёнатимиз дея қилдим. Бироқ ҳеч қачон, ҳеч бир замон ва маконда кўпчиликни рози этиб бўлмас, бунинг иложи йўқ экан. Яратганнинг ўзи кечирсин. Улус мени афв этсин.

Йиғламаса-да чалқанча ётган султоннинг кўзидан ёш оқарди. Хўл бўлган шоҳи кўйлагининг енги билан ёшини артар, ич-ичидан тўлиб-тошиб келаётган йиғини аранг тутиб турарди.

Тун ярмидан оққан, гулхан атрофини айланиб ўтирган ўн чоғли навкар нигоҳини султон банди этилган чодирга қадаганча паст овозда гурунглашар, эшик олдидаги икки навкар эса навбат билан мўралашарди.

Этақдан тоғ сойининг шарқираб оқиши эшитилар, захмли аскарларнинг оҳ-воҳи қулоққа чалинади. Чодирнинг орқа тарафида қассоблар савашда яраланган отларни гурсиллатиб йиқитганча сўйишар ва этларини тарқатишарди. Сўйилишини сезган жониворларнинг алам билан кишнашлари тоғу тош, бутун дарани тутиб кетганди.

Султон кўзини юмганча қимир этмай ётар, ухлаганми, ҳушидан кетганми билиб бўлмасди.

Гулхан атрофида ўтирган навкарлар чўққа ўтин ташлашганда чодир ичи ёришар, ним қоронғуда ҳеч нимани кўриб бўлмасди.

– Шоҳвалад! Ухламадингми? – сўради султон паст ва ҳирқироқ овозда.

– Йўқ, султон ҳазратлари. Ухламадим, – жавоб қилди шаҳзода ғамгин оҳангда.

– Ҳа, бу туруму тақдир шомида кўз илинармиди? Сен боя Султон Йилдирим Боязид ва Темур орасидаги муносабатни сўрадингу мен яна ўз дардимни айта кетдим.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Нени сўрган эдинг? Бошим айланиб, ақли хаёлим ҳам кирди-чиқди бўлиб қолди, чамаси. Гапираётган сўзим эсимдан чиқиб кетаётир.

– Хоқон Темурнинг Султон Йилдирим Боязидга биз элхонийларимиз дея дағдаға қилганлиги ҳақида сўраган эдим, султоним. Темур узини Турон хоқони, турк улусининг султони деб билса? Қандай қилиб элхоний бўлади? Хулокухондан сўнгги ҳукмдор Абу Саидгача барча элхонлар мўғул бўлсалар? Шунини сўрамоқчи эдим, султоним, – амакиси томон силжиди шаҳзода.

– Хоқон Темур билан улуғ қоон Чингизхоннинг буюк оталари бир неча аждод бурун бирлашдилар деб эшитганим бор. Темур шунини назарда тутган бўлса ажаб эмас. Бироқ мўғул хонларининг Чингизхон васиятларидан иборат бир китоблари бор. Унда улуғ қоон бизнинг энг биринчи душманамиз турклар деганлиги айтилади. Шу боис бу икки қавм не қадар апоқ-чапоқ бўлиб қуда онти ичишмасин, ҳеч қачон дўстлаша олмайдилар. Кечмишдаги қон яғийлиги юзага ураверади. Мўғуллар қанчалик турклашиб, исломга кирмасинлар, ўша ёвуз мўғулликларича қоладилар. Минглаб йиллардан бери улар билан бирга, ёнма-ён яшаб келган турклар буни яхши биладилар. Қолаверса, неча замонлардан бери мўғуллар туркларнинг аскарлигию чўпонлигини қилиб келган. Улардан Чингизхондек бир жаҳонгир чиқдию, ёруғ очунни ер-еридан ўйнатди. Бошлар оёқ, оёқлар бош бўлди. Мўғулларнинг Турону Хуросон томон келишлари туркларнинг ироқу ажам, шому араб, мисру машриқ тараф юришларини тезлатди. Рум ва Византия тупроқларида ташкил топган ўнга яқин турк бекликлари ана шу истило ва босқининг оқибатидир. Келажак мана шу беклик ва султонликларникидир. Бу ўртада икки орадаю бир дарада қолиб кетган биз каби мўғулларга

садоқат сақлаган сулола ва салтанатлар уларга ем бўлиб кетади.

– Янглишмасам, бизнинг жалойир уруғи ҳам қавми мўғулларга дахлдор дедингиз шекилли, султоним?

– Бизнинг ҳам, сулдузларнинг ҳам келиб чиқи-шимиз мўғул ирқига бориб тақалади. Бироқ биз ўзимизни мўғул жалойири дея олмаймиз. Давлат, улусимиз тили мўғул, турк ва форс тиллари бўлса-да, бу кетишда бора-бора мўғул тили истеъмолдан чиқиб кетади. Турону Туркистондагилар турклашадилар. Эрону Хуросондагилар форслашадилар. Ироқ, Мисру шомдагилар араблашадилар. Шу тариқа тилу миллатимизни қайб этамиз. Англадингми, Шохвалад? – қайғули овозда деди султон.

– Англадим, султоним, – жавоб қилди шаҳзода.

– Тангри менинг қотилим дилига раҳм солсин-да, сени омон сақласин! Ва бориб сўнг сўзларимни авлодларимизга етказ! Модомики салтанат сулоламиз қўлида қолар экан, вассал бўладими, тобе бир давлат бўладими, амир Қора Юсуф билан эмас, Шохруҳ мирзо билан англашиб, унинг ҳимоясига ўтсинлар. Қорақўйинлилардан кўра темурийларнинг ўлса ўлиги ортиқдир. Темурий шаҳзодаларда инсоф бор. Уларнинг нафси тўқроқ, англашса бўлади. Бироқ ҳай-ҳай бу қорақўйинлилар-а? Ақли етиб-етмай бир ишга йўқ дедими, тамом. Худонинг зорини қилсанг ҳам кўндириб бўлмайди. Ўлса ўладики, сўзидан қайтмайди.

– Сиз султон ҳазратлари амир жаноблари билан ҳамкорликда умумий рақибингиз Темурга қарши курашгансиз ва бўйин эгмагансиз. Бугунга келиб бир шаҳар ва вилоят учун таллашиб жангга киришингизу бирингиз иккинчингизни маҳв этишингиз буюк бир хатодир, – ниҳоят дилидагини тилига чиқарди шаҳзода.

– Бу хусусда амирдан кўра мендан кўпроқ хато ўтди,

## Нурали ҚОБУЛ

---

Шоҳвалад. Мен эски пойтахтимни тортиб оламан деб унинг устига бостириб келдим. У эмас. Бу қўнуда ҳақсан, – айбига иқрор бўлди султон.

– Хатони бўйнига олиш ҳам эрдамликдир, султоним!

– Бироқ салтанат узуги бармоғингдан суғуриб олиниб, бош дор оғочига етиб турганида бу мардлигу эрдамликнинг кимсага кераги бўлмай қолди, авлодим! Ёнимда эдинг. Бизни қўлга олган қўмондон қўлимдаги давлат, сулола, салтанат ва хос дея тақиб юрган тўрт узугимни ҳам тортиб олди. Ҳатто зарбоф тўнларимизни ҳам отларига ортдилар. Устимдаги энди кафан ўрнида қўлланиб қўмиладиганим кўйлақда қолдим. Наъшим устига мана бу яктагимни ёпадилар. Мана умр, ҳаёт, мулки давлат, тахту салтанатнинг сўнги. Узуклардан бири Хулакухоннинг, иккинчиси султон Муҳаммад Ўзбакхонники бўлиб, учинчиси сулоламиз асосчиси Шайх Ҳасанники эди. Биттасини Басрада маккалик устага ўзим ясатгандим. Буни сен дохил ҳеч ким билмасди. Билсалар ўғирлаб ёки мени ўлдириб кетишлари ҳеч гап эрмас эди. Мана энди айтаётирман. Бу узукларим мендан қандай тортиб олган бўлсалар, тақиб юрган собиқ эгаларидан ҳам шу тарзда тортиб олинган. Узукларнинг ички томонида ҳар икки султоннинг отлари ёзилган. Уларни мен қандай топширган бўлсам, янги соҳиби ҳам бўлажак эгасига шундай топширади. Кўзи молу мулкда бўлган киши борган сари ўзлигидан чекинар экан, Шоҳвалад. – Сарой кутубхонаси ва токчаларининг кимса билмас жойларига дуру жавоҳирларни яшириб қўйган эдим. Кимларни қўлига тушади, билмадим. Буюрмаган нарса минг яшасанг-да ўзинга ҳам, авлодинга ҳам буюрмас экан. Оҳ-ҳ! – дея чуқур хўрсинди султон.

Шаҳзода Шоҳвалад амакисининг армон-ла сўзлаган сўзларига ҳеч бир дафъи жавоб қайтара олмай сукут-латинглаб ўтирарди.

– Аслида подшолик тожу тахт, мулку давлат ғавғоси салтанат узугининг кўзидаги заҳар экан, Шоҳвалад. Олтмишдан ошган отадан ош сўрама. Олтмишгача орқанга қара, сўнгра ўзинг биласан деганларидек, киши бу ҳақиқатларни ёши бир қорага боргандан сўнг англаркан. Англар экану, бироқ қайтмас умр карвони ўтиб кетган бўларкан. Инсон аталмиш яратикнинг ҳис этгани билан қўнишгани айри тушиб, ўз-ўзини алдаб яшай-вераркан. Киши ким бўлмасин, ўзини юксакларда, қўл етмас бир манзилларда ҳис этмаслиги керак экан. Бу оламда ҳеч бир икки оёқлик жонли тўрт-тўртлик эмас. Ҳаётимда шуни кўрдим ва ишонч ҳосил қилдим. Устоз шайтон бўлмоқ мумкин экан. Бироқ ҳақиқий уста шайтон бўлмоқ мушкул экан. Том маънодаги уста шайтон не қадар тажрибали бўлмасин, устоз шайтоннинг суробини тўғрилар экан. Шайтон султон қаршисига султон бўлиб чиқар экан. Энди ўйлаб қарасам, энг катта душманим деб билганим Темур аввал инсон, сўнгра хоқон экан. Ўша пайтда икки юз минглик қўшинидан икки туманига мени ва Қора Юсуфни таъқиб этиб тутиб келтириш ёки қувиб етган жойда маҳв этишни буюриши мумкин эди. Аскарлари бизнинг бор-будимизга эга чиқмоқ учун ҳам бу фармонни мамнуният-ла ўринлатар эди. Султон Йилдирим Боязидга нисбатан узоқ муддат арқонни узун ташлагани каби бу ишга қўл урмади. Бизни охири бир кун ўзини тушунишимизни беклади. Миср султони Малик Фаражни тиз чўқтирдию, ўз қавмим дея бизга тегмади. Бугунги кундагидек биз иккимиз савашиб, биримиз иккинчимизни қатлга етказганимиздан кўра ўша пайтда Темур билан жанг қилиб ўлиб кетганимиз маъқул экан. Энди халойиқ иккимизни баробар лаънатлайдиган бўлди.

– Одам боласи нималарни демайди-ю, нималарни емайди, султоним. Дуч келганнинг оғзига қарасангизу ,

тингласангиз, давлат нари турсин, оилангизни ҳам йўнатомайсиз. Эл оғзига элак тутиб бўлмас. Сиз бунда юз йил бурун чамаси улуғ отамиз, Абу Саид элхон салтанатини чиғатойзода амир Ясовур исёнидан сақлаб қолган буюк кўмондон Хусайн Жалойир кўтарган салтанат ва сулола байроғини бошимиз узра ҳилпиратиб келган олтинчи султонсиз. Туркистону Хуросон, Эрону Озарбайжон, қайда бўлмасин, буни ҳеч бир жалойир қавмига мансуб фард унутмагайдир, – ҳаяжондан сўзи бўғзида туриб қолган эди шаҳзоданинг. – Амир Темурдек жаҳонгирга ҳам мирламаган, шонли улусини шу кунларга етказиб келган Султон Аҳмад Жалойирсиз, амакижон! Қаддингизу бошингиз тик бўлсин! Бир бошга бир ўлим! Қадаримиз ёзиғида неки бўлса кўрармиз! Бироқ ҳеч кимга ялиниб-ёлвориб, молу жон омонлиги тиламаймиз! Мен ҳам узоқ ўйлаб шу қарорга келдим! Яғий ҳеч биримизни соғ қўймайди! Унинг авзойи, туриш-турмуши шундан далолат бераётир! Бош эгиб, ер ила баробар бўлиб яшагандан кўра, тик туриб ўлмак авлодир! – саси титраб чиқарди шаҳзоданинг.

– Асил жалойир баҳодирига хос сўз сўйладинг, Шоҳвалад! Улуғ боболаримиз билан буюк қоон Чингизхон не чоғли ҳисоблашган бўлса, биз ҳам, биздан олдинги султон оталаримиз ҳам қаршимизда ким турмасин, сўзимизни бермадик. Фатҳу зафар қувончи, енилгию мағлубият аламини бирдек совуққонлик ила қаршилаб, кўзлаган ҳадафларимиздан чекинмадик. Иншооллоҳ, биздан сўнггилар ҳам чекинмаяжаклар!

Шаҳзода Шоҳвалад оғзини енги билан беркитиб йиғларди. Чалқанча ётганча оғир нафас олаётган, ўзи билан ўзи бўлиб қолган султон қоронғуда ҳеч нимани кўрмас ва сезмасди.

Тун ярмидан оққан, жангоҳдаги турли сас-садолар

тинган, ухлаб қолмаслик учун паст овозда гурунглашиб ўтирган навкарларнинг суҳбати элас-элас қулоққа чалинарди.

Султон ва шаҳзода қора туннинг қонли тонгини ғамандуҳ, аламу изтироб ила кутиб ётишарди.

## **ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ**

*Илк хато сўнг хато бўлиши мумкин.*  
**Тошоҳур битигидан**

Шаҳзодага алам қиларди. Қирчиллаган қирқдан ошган, уч шаҳзода ўғли, – Султон Маҳмуд ўн олти, Султон Муҳаммад ўн тўрт, буюк бобоси исмини олган Султон Увайс эса ўн уч ёшда. Ҳали ҳеч бири ҳомийлик, яъни отабегисиз салтанатни бошқариб кета олмайдилар. Улуғ амиру беклардан кимдир уларга йўлбошчилик қилиши керак. Отабеги ўлароқ тайин этилган кишилар эса ўзларини султондан устун чоғлайдилар.

Амакиси султон Аҳмад Жалойир ўғли, шаҳзода валиаҳд Алоуддавадан кўлини ювиб кўлтиғига урганидан сўнг Шоҳваладга боғланиб қолди. Бир куни сархуш экан, бошини бошига кўйиб йиғлади. “Энди валиаҳдим сенсан. Сендан бошқа ҳеч кимга ишонмайман. Менинг ёнимда тургин ва ҳар ишда кўллаб-қувватла. Бу мулки давлат, бу тожу тахтни орқалаб кетмайман”, деди оталарча меҳрибонлик билан. Шоҳвалад ҳам кўзига ёш олган, амаки-жиян бир-бирларини бағриларига босиб кўз ёши тўккандилар.

Инсон сўзи нари турсин, пайғамбару худонинг гапига ҳам кирмайдиган амир Қора Юсуф бу гап-сўзларни билди. Акс ҳолда шаҳзодага тегмаслиги ҳам мумкин эди. Султонлик орзуси валиаҳдлик мақомида юлдуз кўрмай



сўнадиган бўлди. Тож кийиб турган бошлар лошга айланганда унинг эълон қилинмаган валиаҳд калласи нима бўлибди. Амаки жиян номаъқулнинг бу нонини султон ва атрофидаги лаганбардорлар билан бирга едилар. Қора Юсуфнинг ҳайбаракаллачию четини солгувчилар билан иши йўқ. Унинг учун бош яғий султон ва шаҳзода. Ё Оллоҳ! Бир каромату шафоатингни кўрсатиб уларни бу шармандали қатлдан қутқар! Истасанг, ҳар нарсага қодирсан! Марҳаматингдан дариг тутма!..

Султон отини тутиб чақирганда хаёллари тўхтама келди.

– Лаббай, султоним! – деди у ўксик ва ғамгин овозда.

– Юрагим сиқилиб кетаётир. Гаплашиб ўтирайлик. Бу даму дақиқа ҳам ғанимат. Худо билади, эртага шу пайтда кўзимиз очиқ бўладими, йўқми? Ёки уйқунг келмоқдами? Уйқу элитса ухлай билурсан.

– Уйқу келармиди, султоним. Ўю хаёлларга чўмиб ўтирибман, – жавоб қилди Шоҳвалад.

– Ўйлама. Бўлар иш бўлди. Сўйлаганинг каби чекимизга тушганни чекраймай тортамыз. Қаршимиздан шу бало чиқди. Унга ҳам боққан бало бордир. Яхши-си, чалғиб кетганимиз элхоний султонлар ҳақида сенга сўйлаб берайин. Суҳбатлашиб ўзимизни чалғитмасак, юраклар тарс ёрилиб кетади.

– Сўйланг, султоним, сўйланг, – деди шаҳзода амаки-си томон ўгирилиб ёнбошлар экан.

– Элхонийлар юз йигирма йилдан ортиқ Эрону Озарбайжон, Хуросону Марв, Ироқи Ажамдан Румнинг Қизил Ирмоқ наҳригача бўлган чексиз ҳудудларда салтанат сурдилар. Гуржистон, Трапезунд қироллиги, Кўниё султонлиги, Киликия шоҳлиги, Кипр қироллиги ва Ҳиротдаги куртлар давлати вассал ўлароқ элхонийларга ўлпон тўлардилар. Бу юз йигирма йил мобайнида Хулокуйлар

тахти тўққизта Элхонни кўрди. Булар ичида энг узоқ, йигирма йил атрофида икки Элхон – Хулагунинг ўғли Абаға ва сўнги элхон Абу Саидхон тахтда ўтирдилар. Булардан тўрттаси ўз ажали билан ўлмади. Айниқса, мўғулча исми Текудер, исломий оти Султон Аҳмад бўлган учинчи элхоннинг ўлими даҳшатли кечган. Уни худди буюк қоон амри билан маҳв этилган Жўчихон каби мўғул одатига биноан қон тўкмасдан, умуртқа суяги синдириб ўлдирилган.

– Нега бундай қилишган? Элхон шу жазони ҳақ этганми? – сўради шаҳзода.

– Биринчидан, элига қилич олган одам баҳона қидириб ўтирмайди. Айниқса, бу қилич тож-тахтни қўлга киритишга қаратилдими, сиёсат саҳнасидаги воқеалар мутлақо бошқача кечади. Хулагухондан сўнг элхонийлар тахтига унинг энг катта ўғли Абаға ўтиради. Биринчи элхон вафотидан сўнг мўғул бошқарув одатига кўра давлатнинг олий раҳбари этиб Абаға сайланади. Абағанинг элхонлиги беш йилдан сўнг Хубилай томонидан тан олинади. Унинг қусури барча мўғул хонлари каби ичкиликка муккасидан кетганлигидир. Кучлилигининг бир ишорати шуки, ундан кўрққан Византия императори Михаил саккизинчи қизи Мария Деспинани хотинликка беради. Ундан илгари бундай ҳурматга Дашти Қипчоқ ҳукмдори Султон Муҳаммад Ўзбакхон сазовор бўлган эди. У Мисрга қарши курашмоқ учун Рим папалари Климент тўртинчи, Григорий ўнинчи, Николай учинчи ҳамда Англия қироли Эдуард биринчи, Кастилия ва Лион қироллари билан музокаралар олиб борди. Бироқ бу мулоқотларнинг натижаси ўлароқ ҳеч бир сиёсий натижага эриша олмади. Бу пайтда асли дашти қипчоқлик турклар бўлган мамлукларга ҳам кучи етмаган. Мамлуклар билан бўлган тўқнашувларда уч бора

мағлубиятга учраган Абаға бу енилгиларнинг қасосини шимол ва жанубдаги ўз қавмдошларидан олди. Вазир Шамсиддин Кавказни бўйсундирди. Абағанинг ўзи Ҳиротда чиғатойзода амакиваччаси Бароқхонни енгди. Мовароуннаҳр томон юриб, Бухорони хонавайрон этди. Абағaxon вафот этгач, тахтга баҳс этганимиз Текудер, яъни Султон Аҳмад ўтиради. У Абағанинг укаси, Хулакухоннинг еттинчи ўғли эди. Отасининг папа Николай учинчи билан бўлган муносабатлари натижаси ўлароқ онаси насроний эканлиги туфайли Николай оти билан чўқинтирилади. Бироқ тахтга чиққандан сўнг элхонийлардан биринчи бўлиб исломни қабул қилади. Бутхона ва черковларни масжидларга айлантиради. Бироқ бошқа диндагиларга ҳам адолатли муносабатда бўлади.

– Унинг исломни қабул қилганлиги туфайли ва Мисрдаги мусулмон мамлук ҳукмдорлари билан яқинлашгани учун ўша оғир жазога тортилган деган гап ҳам юради, султоним? – гап қўшди Шоҳвалад.

– Бу фикрда жон бор, шаҳзодам. У асосий ғаним мамлуклар эмас, салибчилар эканлигини англаб етади. Шу ниятда дўстлик алоқаларини ўрнатмоқ учун икки бор элчилар карвонини Қоҳирага жўнатади. Музокаралар давом этаркан, мамлуклар чегарада жойлашган икки қалъани эгаллайди. Бу воқеа отаси Абағанинг тахтига кўз тиккан катта ўғли Арғунга баҳона бўлади. Хуросон ҳукмдори бўлиб турган Арғун мўғул аслзодалари билан тил бириктирган ҳолда амакисини ағдариб, тахтга ўтиради ва Абағани юқорида қайд этганимиз тарзда ўлимга маҳкум этади.

– Ваҳшийлик! Ваҳшийлик! – деди шаҳзода хириллаган овозда бу ҳикоядан даҳшатга тушиб.

“Боши гангиб қолган амакимнинг келиб-келиб сўй-

лаган ҳикоясини қара-я”, хаёлидан кечди шаҳзоданинг. Ўзимиз не аҳволда, не бир фожианинг олдида турибмизу, кўз кўриб қулоқ эшитмаган қатл ҳақида сўйлайдилар. Бунинг устига унинг оти ҳам Султон Аҳмад экан...

– Биз жалойирларни илк бор ҳокимиятга келтирган ҳам ана шу элхон, Арғунхон бўлади, Шоҳвалад, – бироз нафас ростлагач, сўзида давом этди султон. – У садриаъзамликни бизнинг буюк бобомиз Букайга топширади. Текудердан сўнг унинг бош вазири амир Шамсиддинни қатлга етказди. Бироқ элхон саройида Букай бобомизнинг вазифасини тўрт кўз ила беклаган рақибу душманлари сочининг туки қадар кўп эди. Улар тандирдан янги узилган бош вазирни тузоққа илинтирмоқ ниятида ишга киришадилар. Боши кутган Букай элхону ва душманлари томонидан яқинлашаётган икки хавфнинг ўртасида қолади ва бу гирдобдан чиқмоқнинг сўнг йўлини бошқа шаҳзодалар билан тил бириктириб, Арғунхонга қарши фитна уюштирмоқ деб билади. Бироқ тарафдорлари уни сотиб қўядилар ва амир ул-умаро бобомиз қатл этилади.

– Элхон Арғуннинг бош вазири яҳудий бўлган, ўзи эса мусулмонларга ишонмаган дейдилар-ку?

– Шундай бўлган. Мусулмон вазиру амирларининг фисқу фужуридан безган Арғунхон мусулмонларни сарой хизматидан четлаштириб, яҳудий ва насронийларни ёнига олади. Мусулмонларнинг беш вақт таҳорату намоз қилишлари, бир қариндоши ўлиб-нетса ёки тўй қилса хизматга келмай салтанат ишига халақит беришлари жонига тегади. Шу фикрда элхон Букай қатлидан сўнг яҳудий тужжор Саъдудавлани садриаъзам ўлароқ тайин этади. Ҳар қандай турум ва кори ҳолда мусовий бир киши тахтимга тажовуз этмас ва бунга халқ ҳам йўл қўймаса керак дея фикр қилади. Арғуншоҳнинг рағбати

билан элхон саройи Саъдудавланинг хешу ақраболари ва миллатдошлари билан тўлиб тошади. Бу кишилар солиқларни тўплаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, амалдорларнинг ришват олишига қарши кураш бошлайди. Натижада, хазинага ўн минг туман, яъни ўн миллион динар маблағ тушади. Элхоннинг ғайримуслимий сиёсатига аксар хонзода, амиру қўмондонлар зимдан қарши эдилар. Исён хабари илк бор Хуросондан келади. Бу ишга ҳукмдорнинг ўғли, хонзода Наврўз журъат этади. У ойрат қабиласига бош бўлиб, отасига қарши қилич кўтаради. Бироқ элхон бошкентига бостириб келмоққа журъат этмайди. Бу тарафда мусулмон руҳонийлари ва асилзодалари ҳам қону жон душманлари Саъдудавлани тушириш учун чоҳ қазимоқда давом этади. Бош вазир бўйнига Маккани босиб олиб, бутпарастлар маконига айлантириш айбини қўйиб, Арғунхон ўлим тўшагида экан, қўлга оладилар ва илк баҳор кунларида қатлга етказадилар. Мол-мулкани мусодара қилиб, қариндошуруғларини қул қилиб сотадилар. Бу воқеадан беш кундан сўнг фалаж ётган Арғун омонатини топширади.

– Ҳукмдорлар тожу тахтларини сақламоқ учун не не чора-тадбирларни ўйлаб топмаган-а, амаки? Боя Абағанинг папа ва ғарб қиролларига ёзган мактублари ҳақида баҳс этдингиз, султоним. Бу хатлар қайси тилда ёзилган? – сўради амакисининг кечмиш тарихнинг тузуккина билимдони эканлигидан беҳабар Шоҳвалад.

– Мактуб ва битиклар уйғур алифбосидаги ҳарфлар билан мўғул тилида ёзилган ва чин иероглифлари билан муҳрланган. Барча элхонлар учун буюк боболари Чингизхоннинг “Мен ўзим ҳеч бир динга мансуб эмасман, бироқ барча динларни ҳурмат этишни буюраман” деган фикри тузук ҳукмида бўлган. Улар ўзларини барча дин ва эътиқодлардан устун ва илоҳий санаганлар. Бар-

ча динлар хонимларига уйланганлар. Арғуннинг катта маликаси Нуқдан ва учинчи хотини Урук насроний эди. Арғун фоний дунёни тарк этгач, янги элхонни сайлаш масаласи муҳокама этилади. Қурултойга уч нафар номзод қўйилади. Булар Ғозон, Байду ва Арғуннинг укаси Гайхатулар эди. Илк сайловда мўғул асилзодалари Байдуга овоз берадилар. Аммо Ахлотда бўлиб ўтган иккинчи сайловда Гайхату элхонлик тахтини эгаллайди. У бу лақабни ҳокимият тепасига келгач, буддий монахлардан олган. Ўзининг асли оти тибетча Иринжин Доржи, яъни “Қимматбаҳо олмос” бўлган ва тангалари шу сўзлар билан зарб этилган. Элхон этиб сайланмасидан олдин Рум волийси бўлган.

– Эй икки маҳбус! Нега бунчалик кўп гапиришасан-а? Чодирга кирганларингдан бери жағларинг тинмайди? – деди чодир эшигидан бош суққан навкарлардан бири пўписа оҳангида.

– Не қилайлик, биродар? Уйқу келмаса! Дор оғочини беклар экансан, кўз илинадими? Қўй, бу ёруғ оламда сўнгги кун, сўнгги бор дардлашиб қолайлик! – жавоб қилди Шоҳвалад навкарга қараб.

– Бунча кўп гаплашмоқдалар, дея хўжайин сўрадида. Минг гапирган ўлади деган нақл бўларди. Сизлар ўн минг бор гапирсаларинг ҳам ўлмайсизлар чоғи, – хизмат жойига чекинди навкар.

– Буларга сўзимиз ҳам ёқмайди, – деди сипоҳийни эшитган султон ўкинчли оҳангда.

– Эътибор берманг, султоним. Бу бечора ҳам ўз вази-фасини бажармоқда. Шундай бўлади. Ёв ёқадан тутганда, итлар этақдан олади.

– Гапимдан ҳам адашиб кетдим. Нима деяётган эдим?

– Гайхату элхоннинг ҳокимиятга келишини сўйлаётгандиз.

– Ҳа, илк қурултойда элхон этиб сайланган Байдунинг дами ичида, Гайхатуни ағдариш учун фурсат беклар эди. Беклари Гайхатуга Байдуни бартараф этмоқ маслаҳатини берадилар. Бироқ элхон амирлари сўзига қулоқ солмай, Байдуни қатлга буюрмайди. Сиёсатнинг қонун-қонидаси шундай. Тахт учун мужодала кетар экан, рақибингни ўлдирмасанг, у сени ўлдиради. Байду шундай қилади. У исён кўтариб, элхоннинг Бағдоддаги волийсини қатл этади. Исёнчиларга қарши юборилган Тоғачар Байду тарафга ўтиб кетади. Гайхатухон Рум томонга юриш ўрнига Биласуварга боради. У ерда Табризда қамалиб қолган ва Тоғачар чиқариб юборган Байду тарафдорлари уни ушлайдилар ва қатл этадилар. Шундан сўнг Байду Эроннинг олтинчи элхони сифатида Хулакухон тахтига ўтирди. Бироқ унинг ҳукмронлиги бир неча ойгина давом этади. Хуросон ҳокими Ғозон Табризга қўшин тортиб келади ва амакиси Гайхатунинг хунини олиш учун Байдуни топширишларини талаб қилади. Музокаралар бошланиб муросага келгандек бўладилар. Бироқ кейинчалик орада яна уруш чиқади. Ғозон, саркардаси Наврўзнинг тадбиру усталиги боис масалани сўғишу савашсиз ҳал этмоққа эришади. Наврўзнинг маслаҳати ва ваъдасига амал қилган Байду беклари ҳамда тарафдорлари элхонни ўз ҳолига ташлаб, қароргоҳини тарк этадилар. Элхон Нахчивонда қочиб кетаётганда қўлга тушади ва қатл этилади. У қисқа муддатли элхонлиги даврида насронийларга ҳомийлик қилганлиги учун шиа мусулмонларининг қаҳрига учрайди.

– Олтин Ўрдада ҳам шу аҳвол экан. Ўғил отани, ини оғани ўлдириб, йил ора хон алмашар эмиш.

– Бу қавми мўғулга кўндоқда теккан хасталик. Инсон эсини танибоқ далаю дашт, ўрмону ўтлоқ ҳаётида ўниб-ўсиб яшадими, ўз-ўзидан ёввойилашиб, ёвузлашади.

Улар ўзларининг будда динида қоладиларми ёки насронийлигу исломни қабул қиладиларми, табиатларидаги ваҳшийлик ва ўзга улусларга бўлган кину нафрат тегишмади.

– Гайхатудан фарқли ўлароқ Ғозонхон ҳам Текудер каби исломни қабул қилган экан-а, султоним?

– У элхонлик тахтига ўтиргач, Эльбурс тоғидаги Лоржон қалъасида исломни қабул қилади. Унинг ислом динига оид савол ва мунозараларига Садриддин Иброҳим Ҳамавий жавобгар, мутасадди бўлган. У ёз ойида исломни қабул қилган бўлса, беш ойдан сўнг Қорабоғдаги қурултойда элхон этиб сайланади ва айнан шу қурултойда исломни давлат дини деб эълон этади. Арғуннинг тўнғич ўғли бўлмиш Ғозон мусулмон бўлганидан сўнг Маҳмуд исмини олади. Элхонлар орасида жуда кўп жаҳон тиллари ва тарихини билган ўқимишли ҳукмдор ҳам айнан шу Маҳмудхон бўлган. Исломни қабул қилган элхон мусулмон аъёнлар кўмагига таяниб, вазири аъзам Рашиддин воситасида ислоҳотларга киришади. Маҳмудхонга қадар ҳар бир вилоятнинг ўз пули бўлар экан. У турли ҳудудларда зарб этиладиган тангаларни бекор қилиб, ҳозир ҳам ишлатадиганимиз ягона элхоний кумуш тангасини жорий этади. Пул бирлиги ўлароқ дирҳам олинади. Элхоний дирҳами (иккию ўн беш грамм) кумушдан ясалган. Бир кумуш динор (ўн иккию тўққиз грамм) олти дирҳамни ташкил этган. Ўн минг динор ҳисоб бирлиги бир туман бўлган. Бу қулай пул тизимини сўнгра чиғатойлар ҳам қабул қилганлар. Айнан Ғозонхоннинг даврида оғирлик ва ҳажм ўлчовларининг тек тизими ишлаб чиқилиб, амалга оширилган.

– Маҳмудхон исломни қабул этган бўлса-да, арманилар билан тил бириктириб, мусулмонлар юртини талаган дейдилар-ку?



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Мусулмонни мусулмон едими, насронийу арманини едими, не фарқи бор? Аслида инсон инсонга бўри-дир. Могу мулк, тоғу тахт, сарвату салтанат бор жойда дину диёнат, адли адолатни кўрмадим, Шоҳвалад. Бу кўпкарида фақат кўлинг устун бўлмоғи, улоқни ташлаб турмоғинг керак ва муҳимдир. Қиличинг ою қуёш нурида ярқираб дўсту душман, хайрихоҳу нохайрихоҳ, тарафу бетарафлар юрагига кўрқуву ғулу солиб туриши шарт. Бошқа барча панд-насихат, адли адолат ҳақидаги гап-сўзлар қулоққа танбур чертгандек гап. Кучлисан – ҳақсан! Ожизсан – йўқсан! Масалага шу нуқтаи назардан қарамоқ керак. Маҳмудхоннинг ўрдусида арманилар каби кўплаб бошқа насроний қавмлар ҳам бор эди. Элхон Дамашқ юриши олдидан арман қироли Хетум иккинчини сафарга даъват этади. Бу кўшин Хумс яқинидаги Водил – Хазнадар тўқнашувида Султон Маҳмуд Куловун кўшинини енгади. Дамашқ халқи Ғозонхонни шаҳар дарвозаларини очиб, хуш қаршилайди. Дамашқ бошқаруви учун амир Қутлуғшоҳ ва амир Чўпонни қолдирган элхон Эронга қайтади. Аммо тўрт ойдан кейин Дамашққа етиб келган мамлукий ҳукмдор бу икки амирни Дамашқдан қувиб чиқаради. Шу тариқа Ғозонхон Сурияга уч бора юриш қилади. Элхон сўнги Дамашқ сафарига шаҳар яқинидаги Марж ас-Суффар жангида Қутлуғшоҳдан енгади ва бу мағлубият унинг салтанат қуёшини ботиради. Сулаймон ўлди, девлар қутулди иқлими мамлакат бўйлаб ёйилиб, исёнлар аланга ола бошлайди. Яъқуб исмли бир киши ўзини тариқат пири эълон этиб, ғалаён кўтаради. Фитна уюштириб шаҳзода Алафрангни тахтга ўтқазиб, сўнгра маҳв этмоқ режасини тузадилар. Фитна ошкор бўлиб қолади. Исёнчилар раҳбарларини қўлга олиб, Яъқубни тоғ чўққисидан улоқтирадилар. Ғозонхон

Оллоҳ раҳматига қовушгач, Арғуннинг учинчи ўғли Ўлжайту султон саккизинчи элхон сифатида тахтга ўтирди.

– Ўлжайту султон ўша айтганингиз, онаси насроний бўлмиш ва чўқинтирилган Николайми ёки бошқами?

– Бу ўша, онаси Уруқ хотун томонидан Арғунхон муносабат ўрнатган папа Николай тўртинчи шарафига чўқинтирилган Николайдир. Ўлжайту элхон эълон этилишидан бурун Харбанда, яъни катта қул лақаби билан ном чиқарган эди. Исломни қабул қилгач, Худобанда номини олди. Динга кирганида сунний мазҳабида бўлса, сўнгра шиаликни афзал кўрди. Ҳокимият тепасига келгач, шиаликни давлат динига айлантирмоққа ҳаракат қилди ва сунний асилзода ва бойларнинг қаршилигига дуч келди. Боболари бекор қилган, мусулмон бўлмаганлардан жия олиш тартибини қайта тиклаб, ғайримуслимлар норозилигига ҳам сабабчи бўлди. У элхонийлар тахтида ўн икки йил ҳукм сурган.

Ҳансираб қўнишаётган султон енги билан юз ва бўйин терини артди.

– Сув борми? Сувдан қуй, Шоҳвалад, – деди чап тирсаги билан ёнбошлаб ним қоронғуда жиянига қараркан.

– Тонг ҳам ёришиб қолганга ўхшайди чоғи.

– Ҳа, султоним, эран-қаран бўлиб қолди.

– Ҳа, қора қисматимизни беклаган қора туннинг қора тонги ҳам отадиган бўлибди-да, Шоҳвалад!

Шаҳзода индамади. Беихтиёр елкалари силкиниб йиғлай бошлади. Ич-ичдан отилиб келаётган ўкирикни тўхтатолмади. Чолорқа ётган султон чап қўлини жияни томон узатди. Кафти унинг тиззасига тегди. Шаҳзоданинг оёғини силаганча таскин бермоқчи, ҳамдардлигини изҳор этмоқчи, нимадир демоқчи бўлди. Бироқ султоннинг бўғзига ҳам тўлиб-тошиб йиғи келаверди. Тили айланмади.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Бунчалик хунибийрон бўлиб йиғлаганигни яғийлар кўрмасин, Шоҳвалад. Уларни бу қадар севинтирма! – деди анчадан сўнг ўзини босиб олган султон ғамгин овозда.

– Қадаримга йиғладим-да, султоним. Ҳаёт шамимиз бу тарзда ёниб битажак, дея ўйламагандим. Мусибат кишини ер билан яксон қилиб ташлар экан! – хаста овозда қўнишарди шаҳзода.

– Тақдирга такбир йўқдир. Эгасига исён этилмас. Бирорта мулозимимиз ила сўйлашсанг айт. Бизнинг қонимизни ерда қолдирмасинлар!

– Англадим, султоним. Бизни бирорта одамимиз билан гаплаштирармиканлар?

– Мени қўништирмасликлари аниқ. Бироқ сен билан ҳисоблашишлари мумкин. Бағдодда уч нафар қилич каби шаҳзода ўғлинг бор. Улар оталари қонини ерда қолдирмасликларини билиб, енгилроқ давранишлари мумкин.

– Худо билади-ёв, султоним. Улар Табриз фатҳидан сўнг уйқулари келмай, Бағдод зафарини режалаётган бўлсалар керак.

– Ноқис ақлиму, бошимдан кечган тажрибага кўра улар бу ишга ҳамон киришмайдилар. Шимолий Озарбайжон, орқа тарафни мустаҳкамлаб, кейин бу ишга қўл уришлари мумкин. Навкарлардан сўраб кўр-чи, таҳорат қилишимизга рухсат этишармикан! Намозларимиз ҳам қазо бўлиб кетди.

Шоҳвалад эшик олдида бориб навкарларга мурожаат этди.

– Не қилмоғингизни ўзлари айтадилар. Биз бориб қўмондондан ҳеч нимани сўрай олмаймиз, – деди эшикнинг ўнг томонида турган қоровул.

Навкарнинг жавобини султон ҳам эшитди.

– Унда сув куй, Шоҳвалад. Ичим куйиб кетаётир? – сув сўради султон инқиллаганча суяниб ўтирар экан.

– Сув ҳам тугабди, – жавоб қилди шаҳзода ярим толкоса сувни амакисига узатаркан.

– Ҳаётимда учинчи бор бу қадар кўп сув ичишим, Шоҳвалад. Икки бор Темур Бағдодга босиб келганида чекинар эканмиз, худди бугунгидай ичим тутаган эди. Тож-тахт, пойтахту салтанат, охир-оқибатда азиз билганинг жондан айрилмоқ азобу алами юракни ёқаркан. Кўзани навкарларга узат. Сув келтирсин. Чанқоғим босилмаётир, – айтган гапини такрорларди султон.

Чодир эшигидан тоғлар ортини қирмизи рангга бўяб, уларни беклаётган қонли кунни хотирлатиб қуёш кўтарилар, атрофда ғала-ғовур ҳаёт бошланган эди.

## **ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ**

*Ёшлигингда эгилсанг, қаригунча кўникасан,  
Қариганда эгилсанг, кўниккунча кўмиласан.*

**Ота сўзи**

*Дўсту душманга жавоб у англаган  
тилда берилади.*

**Тошоҳур битигидан**

Султон ўтирган кўйи оёғини узатганча лаби пичирлаб намоз ўқирди. Қўл қовуштириб тиз чўккан шаҳзода Шоҳвалад ҳам ибодат қиларди.

Кўзани сувга тўлдириб қайтган навкар битта қотирма нон ҳам олиб келди. Бир толкоса сувни ичган султон экмакка қайтиб қарамади. Ёнаётган юраги сувдан бошқа нарсани кўтармади.

Ғамнок тонг сукунатини бузиб ўзини чалғитмоқчи, ёнида мунғайиб ўтирган жиянига сўнгги ҳикоясини

## Нурали ҚОБУЛ

---

сўйламоқчи бўларди. Ярим коса сув ичган Шоҳвалад кўзлари мўлтираганча султон амакисининг оғзига тикилиб турарди.

– Мен сенга сўнгги, шонли элхон Абу Саид Баҳодирхон ҳақида сўйлаб бермоқчиман, Шоҳвалад. Шундан сўнг бизни чодирдан олиб чиқсалар керак, – деди султон яна имо билан сув сўраркан.

Султон инқиллаганча чордона қуриб ўтиргач, сўзида давом этмоқчи бўлиб турганди. Сипоҳийларнинг ҳаракатланишидан қўмондонлардан кимдир чодир томон келарди.

Эшик тўғрисида ўтирган Шоҳваладнинг кўзи Муборакшоҳга тушди. У қовоғини уйганча ўнг эли билан қиличи сопини ўйнаб банди шоҳ ва шаҳзода томон келарди.

– Муборакшоҳ келаётир. Гаплашсакмикан? – амакисидан сўради Шоҳвалад.

– Нимани гаплашасан? – ҳайрон бўлди султон.

– Оғзига сиққанларини олсинлару, бизни қўйиб юборсинлар. Шуни қўнишсак дегандим!

– Бефойда. Қайтамга обрўйимиз тўкилиб шарманда бўламиз, Шоҳвалад. Кўнмайдилар.

– Қон тўкилгандан кўра обрўнинг тўкилгани маъқул эмасми, султоним!

– У шундай одамки, Шоҳвалад. Аввал обрўйингни, сўнгра роҳат-ла қонингни тўкади. Яхшиси, бу ҳақда оғиз очма. Бошни ҳам мард ва арзийдиган одам олдида эгган маъқул.

Султоннинг гапи тугар-тугамас қопу ўнгида амир Муборакшоҳ кўринди.

Муборакшоҳ эшиқдан бош суқиб маҳбуслар билан саломлашган бўлди. Қовоғини осганча ёнидаги юзбошига таълимот берди. Шаҳзода унинг пешинга яқин одам юбораман, бандиларни айтган жойимга олиб борасан, деганини элас-элас туйди.

– Ҳикоянгизда давом этинг, султоним. Сухбат-ла ўзимизни овутиб, таскин бермоқдан бошқа чорамиз қолмади, – деди Шохвалад чодирдан узоқлашаётган Мубарокшоҳни кузатар экан.

Муборакшоҳ ташрифидан сўнг янада руҳи тушиб кетган султон хаёли қочганча ёнбошлади.

– Абу Саид буюк қардоши Сулаймоншоҳ вафотидан сўнг Ўлжайту элхоннинг валиаҳди эди. Дастлабки ўн йил мамлакат жилови ўн икки ёшли хоннинг отабеги, мўғулларнинг сулдуз қабиласи амири Чўпоннинг кўлида бўлган. У отасининг акси ўлароқ шиаларга эмас, суннийларга ён босади. Унинг амри билан тангаларда рошидий халифалар номи қайтадан зарб этила бошлайди. Отаси ҳаётлигида у илк оталиғи Севинч ибн Шиш раҳнамолигида Хуросон ва Мозандарон волийси бўлган. Элхон Ўлжайтунинг вафотини эшитган Шиш уни пойтахт Султонияга олиб келади ва тахтга ўтқазади. Севинч улус амири Чўпонни ҳокимиятдан четлаштиришга киришар экан, вафот этади. Дашти Қипчоқ ҳукмдори султон Муҳаммад Ўзбакхоннинг Дарбандни босиб олиши Абу Саидхон бошига ташвиш келтиради. Амирлари уни Ўзбакхонга муносиб жавоб бермаганликда айблаб, исён кўтарадилар. Элхон ва садри аъзам Чўпон сулдуз бу амирларга қарши курашадилар ва Занжонруд дарёси бўйидаги сўнгги жангда ғалаба қозонадилар. Диёрбакр ҳукмдори амир Иринчи Кeroит ва Курумишилар Султонияда оғир қийноқларга солиниб, қатл этилади. Энди Абу Саидхон олдида энг сўнгги ҳадаф – амир Чўпонга мутелиқдан қутулиш қолган эди. Бироқ амир Чўпон бунинг ҳам йўлини топади. Элхоннинг синглисини хотинликка олади ва мулки давлат Чўпоннинг ўғиллари орасида тақсимланади.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Абу Саидга ҳар куни иккитадан товуқ етади деган амир ҳам сўйлаганингиз Чўпон сулдузнинг ўғлими?

– Бу гапни айтган амир Димишқхожа Чўпоннинг наби-раси бўлиб, Озарбайжон, Ироқи Ажам ва Ироқи Арабда ноиблик қилиш баробарида салтанат амири ҳам бўлган. Табризда улусга зулм ўтказиб, элхонни тахтдан улоқтириш режаларини пишитарди. Товуқ ҳақидаги гапни унга “ Абу Саид дастурхонида егулик қолмабди” дея хабар етказганларида айтган. Абу Саиднинг сабр косасини тўлдирган воқеа Димишқхожанинг элхон ҳарамига кўз олайтириши бўлгандир. Абу Саид Султонияда амир Димишқхожани қатл этиш ва оиласини йўқ қилиш амрини беради. Бу фожиани туйган амир Чўпон элхонга қарши юриш бошлайди. Абу Саидхон қароргоҳигача бир кунлик масофада бўлган Рай шаҳрининг жануби-шарқида тўхтайтиди. Амирлар бошчилигидаги ўттиз минглик қўшин тун қоронғусида элхон томон қочиб ўтади. Амир Чўпон Сава манзилида хотини, яъни элхоннинг синглисини акаси ҳузурига жўнатиб, Ғиёсиддин Курт қўл остидаги Ҳирот томон жўнайди. Чўпоннинг бир ўғли Темуртош Анталиядан, Маҳмуд Гуржистондан, Ҳасан Хуросондан, Ҳасаннинг ўғли Толиш ва Кирмондан салтанат сурардилар. Ҳирот ҳукмдори Ғиёсиддин Курт Абу Саидхондан Чўпон сулдузни ўлдириш ҳукмини олади ва уни қатл этдириб, элхонни ишонтириш учун одатдагидек бошини эмас, бармоғини кесдириб жўнатади. Отасининг қатлидан хабар топган Темуртош Қайсариядан мамлуклар тасарруфидаги Қарамонга қочиб ўтади. Ундан пойтахт Қоҳирага боради. Аввал бошда шоҳона кутиб олинган Темуртош сўнгра ҳибс этилиб, қатл қилинади. Мамлуклар бир Темуртош учун элхонийлар билан муносабатларни бузмоқни истамайдилар.

– Зотан, Темуртош Қоҳирага бормасидан анча бурун Абу Саидхон Киликияга юриш пайтида Султон Носир Муҳаммад билан сулҳ тузиб олтмиш йиллик қарама-қаршилик ва урушга нуқта қўйган шекилли, – мавзуга аниқлик киритган бўлди Шоҳвалад.

– Тўғри, икки султон Халабда тинчлик битимига имзо чекадилар. Султон Носир Муҳаммад сулҳ шартларига кўра Олтин Ўрда хони Султон Муҳаммад Ўзбакхоннинг Эронга қарши биргаликда юриш чақириғига рад жавоб беради.

– Бироқ хулакуйлар ва ўзбакийлар орасидаги душманлик тўхтамаган. Султон Абу Саид Ўзбакхонга қарши жангга кирмоқ учун кетаётганда жалойирлар маликаси Бағдод хотун томонидан захарланган, дейдилар. Бизнинг буюк бобомиз Шайх Ҳасан ўз хонимини англашмага кўра талоқ қилган ва уни султон никоҳига олган, деган гап ҳам бор. Булар тўғрими, султоним?

– Тўғри. Бағдод хотун сулола ва салтанатимиз асосчиси Шайх Ҳасаннинг завжаси эди. Димишқхожа оила аъзолари билан қиличдан ўтказилгандан сўнг унинг вазирлик лавозими Рашидиддиннинг ўғли Ғиёсиддинга берилади. Абу Саид Ғиёсиддинни вазирлик мақомига келтириб, отасига қилган хатосини тўғриламоқчи бўлади. Султон салтанатнинг дастлабки йилларида амир Чўпоннинг қутқусига учиб, ўзини захарлашда айблаб Рашидуддинни аввал азл, сўнгра қатл этган эди. Тилга олганингиз Бағдод хотун эвазига улус амирлиги Шайх Ҳасанга топширилади. Шайх Ҳасан малика Бағдод хотун билан ажраштирилади. Боиси, уни султон севиб қолади ва никоҳига ўтади.

– Бағдод хотун султонни неча маротаба захарлайди, султоним? Бу ҳақда кўп гапирадилар?

– Икки марта шундай уриниш бўлган, дея тахмин



## Нурали ҚОБУЛ

---

қиладилар. Биринчисида никоҳ воқеасидан уч йилдан сўнг Шайх Ҳасан ва собиқ хотини элхонга суиқасд қилишга уринишда айбланиб ҳибсга олинади. Шайх Ҳасан Фуротдаги Камаҳ қалъасига қамаб қўйилади. Сўнгра озод этилиб, Анталия ноиблигига тайинланади. Султон Абу Саид Султон Муҳаммад Ўзбакхонга қарши юриш давомида Қорабоғда вафот этади. Уни Бағдод хотун заҳарлаган дейдилар. Султоннинг вориси бўлмаганлиги учун Хулакуйлар давлати парчаланиб, жалойирлар, музаффарийлар ва чўпонийлар салтанатига бўлиниб кетади. Шу тариқа улуғ бобомиз Шайх Ҳасан жалойирлар сулоласига асос солади. Бугунги кунда бу улуғ салтанатни мен ношуд, шарафсиз мағлубият ва ўлим билан хароб этиб ўтирибман. Қотил қиличидан омон қолсанг, улусимиз, сулоламиз ва салтанатимиз тарихини Темур ўз кечмишини Низомиддин Шомийга ёздиргани каби қаламга олдир, Шоҳвалад. Туркистон, Хўжанддаги жалойирларимиз турклашиб ўзликларини сақлаб қолишлари мумкин. Хуросону Эрондаги жалойирлар форслашиб, араб ўлкаларидаги жалойирлар араблашиб, ерли халқлар орасига сингиб кетади энди. Сулолаю салтанатлар не қадар катта ва кучли бўлмасин, охири бир куни емирилиб, парчаланадилар. Амир Темурдек жаҳонгирнинг давлати мамлакати шу аҳволга тушиб турибдики, бунинг олдида бизники ҳолва.

Ҳаяжонланган султон яна чолорқа ётди. Энди йиғламаса-да, кўзидан тинимсиз ёш қуйиларди.

– Шоҳвалад! – деди анчадан сўнг султон ҳирқироқ овозда.

– Лаббай, султоним! Буюринг! – жавоб қилди шаҳзода.

– Сўнги сўзим, васиятимни диққат ила тингла! Волидам ва буюк қардошим ётган Дамашқия қабристонини

биласан! Шаҳодат шаробини сипқорганимдан сўнг мени шу қўйиндига онам ва биродаримнинг ёнига дафн этсинлар!

Шаҳзода Шоҳвалад амакисининг сўзларини тинглар экан, аъзойи бадани музга айланган, бошини қуйи эгганча кўз ёши тўкарди.

Улар тўрт навкар келиб чодирдан олиб чиққунга қадар шу алфозда ўтирдилар. Бир оғиз сўз сўйламаккада ҳоллари қолмаган эди.

Барча таниш амиру вазирлар султон ва шаҳзодадан ўзини четга тортар, мутлақо нотаниш сипоҳийлар иккисини ўртага олганча амир Қора Юсуф ўтирган кўчма тахт томон олиб борарди.

Амир тахтига ўн қадамча қолганда уларни тўхтатишди.

Тахтнинг ўнг тарафида вазиру амирлар, сўл томонида шайхулислом, ярғучи ва қозилар тик туришарди.

Султон Аҳмад нигоҳини ердан узиб, тахт томонга қаради.

Амир Қора Юсуф ўнг кафтида султоннинг бармоқларидан суғуриб олинган тўрт дона қимматбаҳо узукни ўйнаб ўтирарди.

Шундан сўнг бошини кўтармади. Назарида қулоғи том битиб кўзи кўрмай қолгандек эди.

Олий қози ҳукмини ҳам элас-элас эшитди.

– ...Султон Аҳмад ибн Ҳасан ва Бузург Жалойир ва Шоҳвалад ибн шаҳзода Шайх Али ибн Султон Увайслар қозилар олий ҳайъати қарори, шайхулислом тасдиғи ва улуғ амир ҳазрати олийларининг маъқуллашлари асосида ўлим жазосига ҳукм қилинадилар. Ҳукм бугун пешин намозидан сўнг ижро этилади! Шунингдек, Абулжуз қалъасидан олиб келинган маҳбус Алоуддавла ибн

## Нурали ҚОБУЛ

---

Султон Аҳмад ҳам ҳайъат қарорига кўра ўлим жазосига ҳукм этилди. Ҳукм маҳбус олиб келиниши билан амалга оширилади!

Карахт аҳволда навкарлар қуршовида турган султон ва шаҳзода ҳайкалга айлангандилар. Қулоғи битгандек, кўз олди қоронғулашаётган султон энди атрофида бўлаётган гап-сўзларни эшитмас, оғир-оғир нафас олганича қон қоришиқ кўпчиган ерга тикилиб қолган эди.

Ҳукмни ўқиган қози, ярғуч ва шайхулисломдан иборат гуруҳ кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлди. Улар ортидан амир ва вазирлар ҳам шоша-пиша тарқалдилар. Тахтда ўтирган амир Юсуфнинг ёнида фақат Муборакшоҳ қолди.

– Тўрт нафар амиру мингбошимиз чопар юборибдилар, – деди Муборакшоҳ халойиқ тарқалгач амир Юсуфга.

– Не хабар ила келмиш бу чопарлар? – ҳайрон бўлиб сўради амир.

– Гўёки уларнинг одамлари жангдан эсон-омон чиқиб қочиб кетаётган Султон Аҳмадни кўрган эмишлар.

– Қўшини, амиру вазирлари айиқ қувган сурувдек тўрт тарафга тўда-тўда бўлиб қочди. Кўрган одам булар орасида султон бор дея ўйлаши мумкин. Бунинг ҳайрон бўларлик жойи йўқ.

– Душманларимиз ғалабамизни ерга урмоқ учун ҳам бу каби фисқу фасодларни тарқатишлари мумкин. Уларнинг оғзига урилажак бир жавоб бор амирим. Рухсат этсангиз шундай қилсак? – изн сўради Мубарокшоҳ.

– Не тадбир? Суйла Муборакшоҳ? – амирига диққат билан тикилди Қора Юсуф.

– Қатлга етказгач, султоннинг жасадини дафн учун бермай уч-тўрт кун ташлаб кўямиз. Унинг соғ-саломат қочиб қутулишини орзу этган фитначилар айланиб келиб, кўриб кетишади. Қутулгани ҳақида қандай оғиз тўл-

дириб гап тарқатган бўлсалар, боши кундага етганлиги, ўлигини пашша талаб ётганлиги ҳақида ҳам худди шундай гапирсинлар.

– Тўғри ўйлабсан, Муборакшоҳ! Яғий фитначилар оғзига ёпилажак яхши тадбир ўйлабсан! Айнан шундай қил! Уларни қаерда тинчитмоқчисан?

– Соё бўйига олиб тушамиз.

– Айри-айри элтингиз. Бирининг боши кундага етганини иккинчиси кўрмасин! – деди амир Юсуф ўнг элидаги султон узукларини ғижимлаб ўйнар экан. – Шомга яқин ўғли Алоуддаврани ҳам олиб келишади. Уни ҳам отаси ортидан боболари томон йўлла! Хулакухон авлодларига сотқинлик қилган, эсини танигандан бери янглиш сувларда сузган сулоланинг охир-оқибати шундай тугаши муқаррардир! Буни биз қилмасак, бошқа бир ҳукмдор амалга оширадди. Ишга кириша билурсан!

– Амр этарсиз, подшоҳим! – дея кўлини кўксига кўйганча тисланди Муборакшоҳ.

Тахт кўйилган тепаликда амирнинг ўзи қолди. Ўттиз чоғли навкар қуршовидаги султон ва шаҳзоданинг яланг боши кўринар, аскарлар жаллод боши ортидан соё томон борарди. Жаллод кундасини кўлтиқлаган сипоҳий барчадан олдинда кетарди.

“Яратган эгам дўсту душман олдида юзимни ёруғ қилди. Енгилсам, унинг ўрнида мен шу ҳолга тушардим”, хаёлидан кечди амир Юсуфнинг. У энг катта, тушларига кирса-да шайтонлайдиган душмани Темурдан сўнг олти йил яшади. Менга тангри қанча умр берар экан? Амир Темур замонасида орамизда ихтилофлар бўлса-да, бир мақсад йўлида курашган эдик. Сиёсатда дўстлик бўлмайди. Манфаат ва мавқе ўннга чиқади. У ҳаётдан кўз юмди-ю, иккимиз ҳам ўзимизча Темурга айландик. Айниқса, султон. Ҳаддидан ошиб, ўзини халифа санай

бошлади. Ўзингдан кетдингми – тамом. Халифамисан, султонмисан пешонангга битилганини кўрасан. Халифалар Усмону Муътасимлар шаҳидлиги олдида сеники ҳолва. Охир-оқибатда шоҳми гадоми, ҳар ким ҳақ этганини олади.

Султон Аҳмад фақат ўзи эмас, Темурнинг фарроши (фаррош деб ўша пайтда гилам тўшовчи айтилган) амир Шайх Иброҳим бошлиқ Озарбайжон бекларини ҳам унга қарши қайраб, кўмак сўради. Шайх Иброҳим ёрдам учун ўғли Қаюмарс кўмондонлигида қўшин юборди. Бироқ озарий чериги тўқнашувгача етиб келолмади. Султон Аҳмаднинг жойи солинди. Энди навбат Қаюмарсга. Қора Юсуф амир Самандарни Шайх Иброҳим ўғлига қарши жўнатгани. Ундан хабар бекларди.

Кафтидаги узукларни ўйнаганча тахт атрофида айланаётган амир Юсуфнинг кўзи этакдан ўзи томон от қўйиб келаётган суворийлар тўдасига тушди.

Амир қароргоҳига эллик қадамча қолганда чалғит отдан (чалғит – ола-була тусли от) тушган амир Самандар яктаги барини ҳилпиратганча тахт томон келарди.

– Не ҳаводислар, Самандар? – деди Қора Юсуф амирнинг юзидан хушxabар билан келаётганини сезиб.

– Қўш зафар муборак бўлсин, улуғ амирим! Қаюмарс Шайх Иброҳим ўғли қўшини билан Табризга кирган экан. Қуршовга олдик. Кимсанинг сочидан бир туки тўкилгани йўқ. Не ҳаракат этмоқ хусусида амри фармонингизни олмоқ учун ҳузурингизга от қўйдим! – ҳисоб берди амир Самандар.

– Аъло! Бизга чоҳ кавлаганлар унга бирма-бир ўзлари тушаверадилар! Савашмай тўғри қилибсан! Биз ҳам Шайх Иброҳимдан фойдаланамиз ва Қорақўйинлилар хонлигини Озарбайжонда эълон этамиз! Бунинг учун эса амирнинг ўғли қўлимизда гаровда сақланиши жуда асқотади. Тушундингми, Самандар?

– Англадим, улуғ амир зоти олийлари. Не таълимот берсангиз шунга кўра ҳаракат этажакмиз!

– Ҳамон ортга, Табризга дўн! Қаюмарсни сарой солинида ушлаб турингиз! Бориб суҳбатлашаман-да, сўнгра ўзинг уни Иржис қалъасига элтиб қамайсан ва кўримасини усланасан! Англадингми, Самандар?

– Англадим, улуғ амирим! Амр этарсиз!

– Вазифа аниқ бўлса Табризга дўна билурсан! Мен вазиятга қараб бугун кечқурун ёки эртага шаҳарда бўламан. Алоуддаврани Абдужуз қалъасидан олиб келишларини бекламоқдаман. Унида отасининг ортидан жўнатибоқ етиб бораман! – овозини баландлатди амир.

Амир Самандар таъзим этганча тисланди.

Султон Аҳмад Жалойир, шаҳзодалар Алоуддавла ва Шоҳваладнинг шаҳид жасадлари Асад қишлоғининг кун чиқиштомонидаги сой бўйида уч кун ётди. Муборакшоҳнинг юзлиги наъшларини жондор, ёввойи ит ва этхўр қушлардан кўриқлаб, уч кун сув бўйида турди.

Тўртинчи куни амир Қора Юсуфдан рухсат олган ўн чоғли табризлик султон ва шаҳзодалар жасадларни олиб кетдилар.

Султоннинг васиятига кўра волидаси ва буюк қардоши Султон Ҳусайн ибн Ҳасан Бузург Жалойир ёнига дафн этдилар.

Дафн маросимида ўн чоғли киши бор эди. Улар ҳам шоша-пиша Қуръон тиловат қилиб, апил-тапил ғойиб бўлдилар.

Дўппайган янги қабрлар бошида учта лаҳад кавлаб ҳолдан тойган икки ҳорғин гўрков ўтирарди.

– Волидасини, буюк қардоши Султон Ҳусайннинг лаҳадини ҳам ўзим кавлаган эдим, – деди тер ва чангдан кўзи йилтираб турган биринчи гўрков.

– Акаси Султон Ҳусайнни ҳам Аҳмад Жалойирнинг

## Нурали ҚОБУЛ

---

ўзи қатл эттирган дейдиларми? – сўради иккинчи гўрков толиққан оҳангда.

– Қисмату қадарнинг такрорланишини қара. Султон Аҳмад Жалойир ўз акаси Султон Ҳусайн Жалойирни ўша, Асад қишлоғи этагидаги сойнинг кун чиқиш томонида қатлга етказган эди. Ўзи, ўғли ва жияни учовини эса сойнинг кун ботиш томонида қатл этибдилар.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Ё тавбангдан кетай, тангрим! Кимни кимга не тарзда бировга жабру зулм этиб, қонини тўкиб, хунига зомин бўлса, айнан шу тахлит жазолайсан-а? Тавба! Тавба!

– Уни Табриз саройи ўнгида қатл этишмаганмиди?

– Ҳа, тўғри. Бу ерда тутиб олиб, сарой ҳовлисида бошни кундага етказган эдилар.

– Ўз қардошини қатл этган одамдан ўзгага не хайр келадики?

– Оллоҳнинг ишига қаришма, биродар. Ал қасос улмин ал ҳақ!

– Султонни ўзини эмиздириб катта қилган сутэнасини ҳам қатлга буюрган, дейдилар.

– Қўй энди шунақа гапларни. Тупроққа айланганлар ҳақида фақат яхши томонлари айтилади.

– Тўғри, қайси дунёда бўлмасин сўйилганлар ўз оёқларидан осиладилар. Азроил султоннинг қаршисига султон, амирнинг қаршисига амир бўлиб чиқар экан-да, биродар.

– Шайтон ҳам шундай. Олимнинг қаршисига олим, шоирнинг қаршисига шоир бўлиб чиқади, дейдилар.

– Тур, кетдик. Навкарлар келиб бизни ҳам султоннинг одамлари захн этиб, судраб кетишмасин!

– Ҳа, тўғри айтасан! Кетмону белкуракларни йиғиштирайлик. Жуда чарчадик. Кўз очиб-юмгунча уч лаҳад кавлаш осонми? Ишқилиб, юмгача яна битта-яримта майит келиб қолмасин, дегин. Ҳолдан тоямиз!

Афт-ангорини чанг босган икки гўрков яктаги барини белбоғига қистирганча кетмон ва курагини елкалаб азоб ва бахтсизлик тимсолига айланиб қолган уч қабрдан узоқлашдилар.

– Ҳа, айтгидек, бир нарсани сенга сўйламоқни унутибман, биродар, – деди биринчи гўрков теварак-атрофга алангларкан.

– Нимани? – тўхтаб сўради шериги.

– Султон жасадини лаҳадга қўяётганимда элим ўнг қўлтиғидаги бир нарсага тегди. Ёнчиқ каби бир халта тикилган бўлиб ичида мана бу қоғоз бор экан. Не қиларимни билмай этигим қўнжигга тикдим. Кимса кўрмади. Тердан ҳарфлари ўчиброқ кетибди, – дея қоғозни ҳамкасбига тутди.

– Не мактуб экан бу? Иккимиз ҳам ўқишни билмай-миз-ку?

– Қоровулхонага борайлик. Имом янги жанозалар келишини кутиб ўтиргандир. Шунга ўқитамиз.

Улар дунё топган чолдек ҳовлиқишиб Қуръон тиловат қилиб ўтирган имом ҳузурига бордилар. Мактубни узатдилар.

– Шаҳзодаи шаҳид Алоуддавла Султон Аҳмад ўғлининг отасига ёзган мактуби экан, биродарлар, – деди имом хатга кўз югуртиргач. – Мактубни битгану йўлланган кишилар бир кунда шаҳодат шаробини ичдилар. Билмадим, бу мактубни не қилсак экан. Майли, менга қолдиришлар. Бирорта хешу ақрабоси зиёрат учун келишса берарман, – дея мактубни олиб қолди имом.

Гўрковлар кетгач шеърий битикдан иборат матнни қайта ўқиди:

Жон отам, отажоним-а,  
Жон ичида жон отам.



Ҳасратим бир ҳақ билар-а,  
Давлатли султоним, отам.

Қадар бизга раво кўрди,  
Абулжуз зиндонини.  
Кўрмоқ насиб этармикан,  
Чеҳрангиз хандонини.

Бир қошиқ қонимдан кечинг,  
Гуноҳкор фарзандингизни.  
Сизга лойиқ бўлолмадим,  
Сўрмадим дардингизни.

Озод ўлсам ўпар эдим,  
Оёғингиз гардини.  
Дард чекмаган қайдан билсин,  
Дардлиларнинг дардини.

Аҳли зиё шоҳликни ҳам,  
Назарга илмас экан.  
Том ёмонни кўрмай туриб,  
Яхшини билмас экан.

Кўзларим кўрмоқдан толса,  
Ғаддор жаллод қилич солса,  
Умр жоми эрта тўлса,  
Дийдор қиёматга қолса.

Шаҳодат шарбатин тота,  
Сўкик сийнам ерга бота.  
Тупроқ узра роҳат ётай,  
Мендан рози бўлинг, ота!

Қабрдасан, қасрдасан, аё сабру шукрдасан, тонг  
отар, кун ботар умр сувдек оқар эди...

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

*Шуниси ачинарлики, одамларнинг ёвузликни камайтиришга бўлган интилиши жуда кўп ёвузликларни келтириб чиқаради.*

ГЁТЕ

Доруссалтана Табризнинг сўнги фотиҳи амир Қора Юсуф туркман шаҳар марказидаги давлат саройининг муҳташам солинида ҳадя ва табрикларни қабул қилар, у ҳаёти ва иқтидорининг энг олий чўққисига чиққан, етмиш йиллик жалойирлар салтанати курагини ерга теккизган, унинг сўнги султонини қатлга етказганди.

Амир Қора Юсуф ким билан гаплашмасин ва не ишга кўл урмасин, фикру ўйидан Султон Аҳмад кетмас, у билан бирга Темурдан қочиб-пусиб юрган дамлар ёдига тушаверарди.

Беихтиёр Табриз билан боғлиқ воқеалар хотирасида жонланар, ёшлигида, шу саройда канизагу жориялар, тамғалару раққосалар билан биргалиқда кечирган фараҳбахш, унутилмас оқшомлар худди куни кеча бўлиб ўтгандек эди.

Илк бор у Табризни бундан роппа-роса йигирма уч йил бурун Темурнинг одамлари кўлидан тортиб олганди. Шаҳарни бир йил бурун Темур эгаллаган, ундан бир йил илгари эса Тўхтамиш талаганди.

Бу бахтиқаро шаҳар уч йил, устма-уст жаҳонгирликка даъвогар уч ҳукмдорнинг босқинига маъруз қолган эди. Темур Бағдодни биринчи фатҳ этганида у Миср султони Барқуқ саройидан паноҳ топди. Оллоҳ рози бўлсин, султон Барқуқ уни илиқ қаршилади. Темур билан муно-

сабатни бузмаслик учун тутиб бериши ёки қатл этиши ҳам мумкин эди.

Темур юртига қайтгач, Султон Аҳмад ва Султон Барқуқнинг кўмаги билан яна Бағдодни қайтариб олди. Амир Юсуф ёрдам этмаганида бу ишнинг уддасидан чиқа олмас эдилар. Бироқ Султон Аҳмад амир Юсуф қилган катта-кичик барча яхшиликларнинг устига чизиқ тортди. Ҳатто хос маишату машваратларда чумоли ажали етганда қанот чиқаради дея уни ерга уришгача бориб етди.

Султон Аҳмад Жалойир амир Қора Юсуф туркманнинг кўмаги билан Бағдодни етти йил, Темур иккинчи бор фатҳ этгунга қадар бошқарди. Бироқ у қисқа фурсатда орадаги ишонч деворларини қайта тикланмас даражада бузди.

Қорақўйинлиларнинг хони, энг улуғ амири саналмиш унга ўша, эски лашкарбошиси каби муносабатда бўлмоқда давом этиб, кўз очирмаслик жаддида бўлди. Амир чекигани сари султон босиб келаверди. Турумни шайтонлаштириб, шайтонни чақирди.

Султон Йилдирим Боязиднинг Темурдан енгилиб асир тушиши, сўнгида Оқшаҳарда вафот этиши бу ҳудудлардаги бутун сиёсий иқлиму вазиятни остин-устун қилиб, тафаккур ва дунёқарашларни ларзага келтирди.

Дамашқда туриб Қоҳираю Миср, Жазираю Мағрибни вассал ўлароқ Турон давлати тасарруфига киритган Темурнинг номини эшитган арабу ажам султонларининг оёқ-қўли титраб, ақллари бошларидан учди. Британу Олмон, Фарангу Юнон қироллари унга ҳамду санолар айтиб, мадҳия мактублари бита бошладилар.

Бу фатҳу зафар эпкинларида Темурдан қочиб юрган Султон Аҳмад Жалойир билан амир Қора Юсуф туркман шундай буюк жаҳонгирга қарши борган ношуд, дордан қочган бир кимсага айлангандек эдилар.

Эҳтиёт чораларини кўриб юрмасалар, дуч келган араб султонун амира Темурга яхши кўриниш учун уларни тутиб топшириши мумкин эди.

Шундай оғир турумда Султон Аҳмад яна амир Юсуфни қора тортиб келди. Амир ва қорақўйинлилар яна унинг жонига оро кирди. Амир Юсуф султон Аҳмадга Шомдан бошпана берди.

Бироқ ҳали-ҳануз Темур тирик, бешиқдаги темурий-зоданинг ҳам сўзи сўз, қиличи кескир эди. Темур деганда дунёни суяб турибман деган султонларнинг қўлидан шамшири тушиб кетар, тили курмовга келмасди.

Бобоси ўтказган таъқибу тазйиқ етмагандек, султонун амирнинг изига Абу Бакр тушса бўладими? Амирзода араб ҳукмдорларидан Султон Аҳмад ва амир Юсуфларни тутган жойларида ҳибсга олиб, зиндонга ташлашни талаб қилди.

Ришват, бойлик ва куч-қудрат олдида ҳар қандай хонлигу қабиҳликлардан тоймайдиган араб амирлари Абу Бакр билан алоқани бузмаслик учун Темур қаҳрига дучор бўлган икки номдор қочоқни ушлаб зиндонга отдилар.

Темур вафотига қадар уларга кимса итмисан, одам-мисан дея боқмади. Унинг қайтишидан сўнг озодликка чиқдилар.

Атала ичиб, зоғора нон еб ётганларида дўстлигу садоқатдан лоф урган султон зиндондан халос бўлгач, қисқа фурсат ичида ўз давлати ҳудудларини қайтариб олди ва маҳбусликдаги гапларни тамоман унутди.

Бироқ Абу Бакр султон Аҳмадни Озарбайжондан сиқиб чиқарди. Султонлик дабдабаю асъасаси билан невараси тенги бир амирзодага қарши тура олмади. Този қувган тулкидек сўнги бошпанаси – Бағдод йўлини тутди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Абу Бакрнинг белини ҳам Султон Аҳмад эмас, сўнгида амир Юсуф синдирди. Сардруд манзилида бўлган жангда ўпкасини қўлтиқлаган, отасини хонабанд қилиб қўйган амирзоданинг қўшини шармандали мағлубиятга учради.

Бу, Темур вафотидан сўнг Темурийлар ўрдуси учраган энг катта енилги эди.

Уруш оловини амир Юсуф эмас, Озарбайжонни туркманлардан халос қиламан деган Абу Бакр ёққанди.

Ўзбошимча ўғилнинг касофати отага урди. Жангда бечора Мироншоҳ Кўрагон шаҳид кетди. Амир Юсуф Абу Бакр қўшинини енгиб, ундан Султон Аҳмаднинг қасосини олган эди. Бироқ бир қоп этдан иборат султон бу яхшиликни ҳам билмади.

Амир Юсуф шу хаёллар билан оҳиста юриб бориб, солин тўридаги тахтига оғир чўқди. Беихтиёр кўзи ҳовлисидан сарой томон келаётган озарийлар кийимидаги тўрт кишига тушди. Шайх Иброҳимнинг элчилари бўлса керак, ўйлади ўзича.

– Шайх Иброҳимнинг амир Фахриддин бошчилигидаги элчилари қабулингизни рижо этадилар, – деди шиқовул тахт ёнига келиб амирга.

– Чорла! – буюрди амир истар-истамас.

– Элчига завол йўқдур, улуғ амирим! Амир Шайх Иброҳим бўлиб ўтган воқеадан чексиз таассуфдадир ва улуғ амир жанобларидан узр тилайдилар! – сўз бошлади амир Фахриддин салом ва таъзимдан сўнг хижолатли оҳангда.

– Амир жаноблари амирзода ўғиллари Қаюмарс кўмондонлигида бефаросат султонга кўмак этароқ бизнинг устимизга қўшин юборсинлар-да, орқасидан бетимнинг қалини жонимнинг ҳузури қабилда элчи юбориб, узр сўрасинлар. Биз содда ва оми қорақўйинлилар

эса у кишининг гапларига ишониб, сўзларига кириб, бошимизни олмоқ учун келган босқинчи ўғилларини озод этиб, ота-оналарию ҳарами қучоғига қайтариб юборайлик. Элчиликнинг мақсади шундайми? Янглиш англамадимми? – қошини чимириб амир Фахриддин ва шерикларига бир-бир боқди амир Юсуф. – Амир Шайх Иброҳимнинг узри қабоҳатидан буюкка ўхшайди, назаримда.

– Амир жаноблари бу ишнинг катта хато бўлганлигини, шаҳид султоннинг қутқусига учиб, янглиш йўлдан юрганликларини тан олдилар, улуғ амир жаноблари! – жавоб қилди амир Фахриддин тили тутилиб.

– Шайх Иброҳимнинг турумига тушса, бунинг устига енгилиб, боши кундага етган золимга шериклик қилган бўлса, шоҳу гадо, ким бўлмасин, ер-ла баробар бўлиб, узр тилайди. Амир ҳазратлари тўғри, она йўлдан юриб мақсадга эришмоқчи бўлдилар. Паст-баланд, қинғир-қийшиқ йўллардан юрганлар бу йўлчиликда айнан ўзи кабиларга дуч келиб, абгор бўладилар. Амир жаноблари шу йўлни танладилар ва оқибат натижада разил ниётлари қаршиларидан чиқиб, ўзларига йўлдош бўлди.

– Тўғридир, улуғ амир ҳазрати олийлари. Катта хатолиғ ўтган. Бироқ ким бўлмайлик, барчамиз хато қилмоқдин муҳофаза этилмаганмиз. Тўғрилиқ, одиллик ва янглишмаслик фақат тек тангрига хосдир, – аранг тили айланарди амир Фахриддиннинг.

– Тасаввур этиб кўринг, амир жаноблари! Агар Шайх Иброҳимнинг ўғли Қаяумарс бир неча кун бурун келиб, Султон Аҳмад қўшинига қўшилганда борми? Аҳвол не кечишини кўз олдингизга келтира билурсиз, албатта? Унда бугун Дамашқияда Султон Аҳмад эмас, балки ўғилларим билан бирга мен ётган бўлар эдим? Шаҳид султон ўз сиёсатини мушукдан арслон ясаяроқ тақдим

этар эди. Сизларнинг амирларингиз ҳам шундай арманию яҳудийга ўхшаб, деворни қулаган томонига қараб итаради. Зотан, озарий қардошларимиз Қофиқозиянинг яҳудийлари эканлиги ҳар касга ошкор. Турку туркман бирлашиб яғийларга қарши курашмоқ ўрнига ул кишим ёвуз қавми мўғул ёнини тутди. Шу оққанидан ўнгарилмас керак. Гапни узатмасдан муддаога ўтинг. Мендан не истайсиз?

– Қаюмарсни қайтариб берсангиз, улуғ амир жаноблари? Орадаги дўстлигу қардошлик ришталари қайта тикланса? Амир жанобларининг, улуснинг орзуйи рижоси ҳам шулдир!

– Амирнинг, қолаверса, барча ҳукмдорлар оёғи бир этикка тикилганида халқ номидан гапириб, халойиқнинг одамига айланиб қолади. Унгача эса боши кундага етган бир қоп эт каби баччавозлик қилади. Йигирма йил бурун Амир Темур уни шу каби разил қилмиши учун ўлимга ҳукм этган дея эшитганим бор эди. Энди билсам авлиё экан ўша Темур. Султонга хизмат қилмай, аллақачон унинг жойини солиш керак экан. Биз туркманларни содда билиб, шу пайтгача лақиллатиб келган экан у шайтон шоҳ. Этикдўзлигини унутиб, тиззадан юқорига чиқмоқчи бўлди.

– Баҳс этдингиз кўнуларда сиз зоти олийлари қадар билги ва тажрибага эга эмасмиз, улуғ амир жаноблари. Шул боис сиз не десангиз, биз учун қабулдир. Шайх Иброҳим ҳазратлари бу янглишлик туманини орадан кўтармак учун неки лозим, не қадар товон тўламак жоиз бўлса, рози эканликларини алоҳида қайд этиб, бу масрафларни замонида зоти олийлари хазиналарига етказиб бермоқ мажбуриятини олажакларини таъкидладилар.

– Унинг ҳеч қандай ҳадяси ёки мол-мулкига эҳтиёжимиз йўқ. Мен боласини унга сотиб, мол талаб қиладиган

даражада пастликка бормайман. Амир Шайх Иброҳим кечмиш давру давронларда, аждаҳо Темур соясида ўзини арслон санаб, бировнинг орқасидан кун кўриб, теварак-атрофидаги волийу ҳокимларга зуғум ўтказиб юрган эди. Темур даҳшатининг эпкини билан ҳаволарда учиб юрган амир жанобларининг отдан тушганларига анча бўлганини жуда яхши биламиз. Эгардан тушмоқ замони келганлигини англашлари учун қоронғуда топишган шериклари Султон Аҳмад каби бошларига тўқат (мушт) емоқликларига лузум йўқ деган фикрдамиз. Модомики, кибру шуҳратдан хира тортган кўзларини астойдил мошдек очилиши учун бу тўқат лозим бўлса, узоқ беклашларига ҳожат қолмас балки, – овозини баландлатди амир Қора Юсуф. – Ғайирлик қилиб, ўзидан Темуру темурчалар ясаб юрган номи улуғ, супраси қуруқлар, бизни оёқ учида кўрсатган Абу Бакр ва Султон Аҳмад Жалойир турумига тушажак. Бу ҳақиқат сиз муҳтарам қардошларимизга аёну баёндин.

– Улуғ амир зоти олийларини дарёдан сув бағишлаган, мазлуму маъдурларга қайишган мард ва танги бир подшоҳ ўлароқ билиб келганмиз ва баҳодирона мужодалаларингиз таърифун тавсифи барчага равшандир, – юкуниб сўйларди амир Фахриддин.

– Давлатпаноҳидан сўнг амир жаноблари сичқонмушук ўйнаётган темурийзодалар ҳам эндиликда бизнинг қош-қовоғимизга қараб туришибди. Унга бориб айтинг. Илгари қилиб келган сиёсати энди ўтмайди! Таклифларингизни ўйлаб, ўзаро маслаҳатлашиб, мушоҳада этиб кўрайлик. Шунга қараб, сўнги сўзимизни сўзлаяжакмиз. Сизлар эса юртингизга дўна билурсиз! – мунозара қопусини очик қолдирди амир Юсуф.

– Зоти олийларининг сўзларини амир жанобларига айнан етказурмиз. Улусу давлатимиз номидан бир рижойимиз борки, улуғ амир ҳазратлари элларида бўлган



амирзода Қаюмарснинг тақдири икки дудоғингиз орасидадир. Шаҳид Султон Аҳмад фитнасининг бегуноҳ қурбони саналмиш ул авлодимизга ҳам Табриз халқига кўрсатган мурувватингизни намойиш этиб, раҳми шафқатингиздан дариф тутмасангиз! Шаҳзоданинг бурни қонаб, ёш фарзандлари етим қолмаса, улуғ амирим, – ер-ла бир бўлиб ялинди амир Фахриддин.

– Султон Аҳмад ва авлодининг олий маҳкама томонидан ўлимга ҳукм этилгани, бизнинг бировларнинг қонига ташна эканлигимизни кўрсатмайди. Қолаверса, шу пайтгача биз султон қатл этганларнинг ўндан биринида қонини тўкмадик. Бизнинг амир Шайх Иброҳим ила кўришиб қўнишажак кўп ишларимиз бор. Ўғли Қаюмарс эса отасининг Султон Аҳмад каби яна бириси билан тил бириктириб бизга қарши от қўймаслиги учун ҳозирча элимизда кафил ўлароқ туради. Амир жанобларига шу сўзимизни еткуринг! Марҳум султон билан англашароқ қилган ниятлари сувга тушганлиги ва алар эрмас, шайтоннинг бажағини (оёғини) биз қирганлигимиз амирингизга сабоқ бўлмас экан, ул кишим ила айнан мана шу оҳангда қўнишмоқда давом этажакмиз.

Амир Фахриддин етакчилигидаги Озарбайжон элчилари таъзим этганча тисландилар.

Амир юраги ва оёғини ёзмоқ учун сарой ҳовлисига чиқди. Қаҳваранг, сариқ ва қизғиш рангга кириб япроқларини тўкаётган хурмо, шафтоли ва олма оғочларига тикилганча йўлакларни айланди.

Барги ҳали кўм-кўк бўлиб турган беҳи олдига келганда ёнига амир Байрам етиб келди.

– Қаранг, Байрамбек! Барча оғочларнинг барги саргайиб тўкилмоқда. Бироқ айва<sup>1</sup>нинг япроқлари ҳануз яшил, – деди амир дарахтга тикилганча.

<sup>1</sup>Беҳи сўзи форсча. Айва сўзи асл туркчадир. Руслар ҳам бу атаманни турклардан олган.

– Айва ҳам анжирга ўхшаб, илдизим сувда бошим қуёшда бўлсин дер экан, подшоҳим. Сувталаб бўлганлиги учун бу икки оғоч кеч кузда, энг сўнгида япроқларини тўкади, – жавоб қилди амир Байрам.

– Куздан баҳор ҳавоси келмоқда. Бироз ёғингарчиликдан сўнг далалар ҳам кўкариб қолгандир?

– Шундай, подшоҳим. Яйловларда ўт-ўлан кўзининг тишига илинадиган бўлган дейишмоқда.

– Шаҳар аҳли билан ҳисоб-китоб масаласи не бўлди? Султонга кўмак этган табризликларни қўйиб юбордингизми?

– Озод этдик, подшоҳим. Афвингизга сиғиниб чин дилдан сизни дуо этмоқдалар. Амр этганингиз каби лашкарга шаҳарни таламоққа изн бермадик. Суворийу сипоҳийлар орасида бироз норози оҳанглар юксалди-ю, улуфа тарқатиб, овозларини ўчирдик.

– Аскар дегани аслида ўлжа ва улуфа учун жангга киради. Уларни ҳам англамоқ керак. Бунча қўшинни шаҳарда тутиб бўлмайди. Лашкар ва раият ўртасида турли ихтилофлар юзага келмасидан бурун Табризни тарк этмоқ жоиздир. Аскар зотида ақл бўлмайди. Кўзи қонга тўлиб, қорни очдими, ҳеч балодан қайтмайди.

– Нени амр этасиз, подшоҳим? Буюринг! Биз ҳам шундай фикрдамиз. Юртга бориб, бола-чақа, молу ҳолдан хабар олиб келсак ёмон бўлмас эди, – амирни дастаклади Байрам.

– Унда қўшин бугундан эътиборан тартибли равишда шаҳардан чиқа бошласин! Тарк этаркан, аҳоли, бозор ва дўконларга зиён-заҳмат етказмасин! Кузни юрту юрталаримизда кечириб, қишни Табризда ўтказамиз! Шаҳар аҳли билан илиқ муносабатни сақламоқ керак. Чиқар қопумизни қаттиқ ёпмаслигимиз лозим.

– Қайси йўл билан юртга дўнажакмиз, подшоҳим? – сўради амир.

– Маранд йўли орқали. Табриз чеврасида ҳам икки мингликка қўмондон этиб, Мардоншоҳни қолдирамиз, – дея сарой томон йўналди амир Юсуф.

Эртаси куни эрталаб ғолиб аркони давлат ҳам шаҳар акобирлари билан хайр-хўшлашиб, йўлга чиқди.

– Биз турку туркманлар шаҳарда сиқилиб қоламиз-а, Байрамбек? – деди амир Юсуф бек ва қўмондонлари билан Маранд йўлига тушар экан.

– Шаҳар тужжору ҳунарманд қавмининг яшамоғи ва кун кечирмоғи учун қулайдир, подшоҳим. Биз каби чор-почи (чорва сўзи ўша даврда шу шаклда қўлланилган) ва жангу жадал улусига тоғу тош, далаю даштдан қулай юрту манзил йўқдир, – жавоб қилди амир Байрам.

– Ҳақсиз, амир жаноблари. Хў-ўш, эски ва янги яғийларимиздан не хабару ҳаводислар? Бағдоду Ҳирот, Исфаҳону Шероздан не муждалар бор? – Энг еткили беги билан фикрлашганча маслаҳатлашиб кетарди амир.

– Бизга етиб келган узук-юлуқ хабарларга қараганда Бағдодда Шоҳваладнинг уч ўғлига ҳомийлигу отабегилик қилиб келган уч амир ўртасида ҳокимияту иқтидор мужодаласи бошланган. Султон Аҳмад Жалойирнинг ворису меросхўри йўқлиги оташга ёғ пуркаган. Бағдод саройига кириб чиққан амиру маъмур борки, бу ғавғою машмашага қаришган дейдилар. Шаҳзода Шоҳваладнинг тўнғич ўғлини тахтга ўтқазган Абдурахим маллоҳ (кемачи) ҳокимиятни эгаллабди.

– Ие, ажойиб-ку! Султон Аҳмаднинг тахти бир кемачига қолибди-да? – ҳайрон бўлди амир Юсуф.

– У кемачини танийман, подшоҳим. Фаҳми фаросатда султондан устун турса турадики, кам эмас.

– Тўғри. Усманийлар сулоласининг асосчиси Эртўғрул Усмонғозининг буюк боболари ҳам кемачи туркманлар бўлишган. Хоразмда яшаб, Ҳазар денгизида кемачилик қилганлар.

– Азалдан шундай бўлиб келган, подшоҳим. Уммон, дарёю денгизлар бўйида яшовчи қавму қабилалар саҳройи элатларга нисбатан тадбирли, кўзи очиқ бўладилар. Хуллас, зоти олийларининг сўровларини жавоблантирсам. Янглиш иш Бағдоддан дўнар деганларидек, айна дамда Бағдоддек машҳуру маъмур шаҳарда юз бераётган ишлар чалкаш ва қоришиқдир. Турумдан хабардор кишиларнинг айтишларича, уч шаҳзоданинг отабеги орасидаги қирғинбарот тахт талашуви зимдан бошланган ва қону жон эвазига сўнучланажак.

– Фарзанди аржумандимиз амир Шоҳ Муҳаммадбек айна дамда қайдалар? – сўради амир Ардабил ҳукмдори бўлмиш иккинчи ўғлини назарда тутиб.

– Амир Шоҳ Муҳаммад жанобларидан сўнг бор Ардабил теграсидаги ўтлоққа саропарда тикдилар деган хабарни олган эдик. Бунга ҳам икки ҳафта чамаси бўлди. Амр этсалар ҳамон чопар жўнатиб, тегишли муждани етказажакмиз.

– Унда шундай қиламиз. Навкар эмас, амирларимиздан бирига турумни англатиб, шаҳзодамиз ҳузурига жўнатсак. Шоҳ Муҳаммадбекка шуни сўйлайдилар. Бағдодда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни диққатла кузатсин. Қўшини ҳар замон сафарга ҳозир турсин. Шаҳзодалар ва отабегилар орасида қарама-қаршилиқ кучайиб ёки халқ исён кўтарсагина Бағдод томон юрсин. Унга қадар алар ила яхши муносабатда бўлиб, нияти хусусида кимсада шубҳа уйғотмасин. Бағдодни ўзиники деб билган арабу ажам бирлашиб, бизга қарши туриши эҳтимолдан холи эрмас. Бироқ ҳар қандай ҳолу корда вазиятдан вазифа чиқариб, Бағдодни қўлга киритишимиз керак. Шунда ғофил султон ва кандини билмас жалойирлар устидан Асад майдонида эришган ғалабамизни тожлантирган бўламиз.

– Жуда тўғри сўйладингиз, подшоҳим. Бу ишни биз

амалга оширмасак, атрофимизда този каби изғиб юрган темурийзодалар қилиши мумкин. Керак бўлса, шаҳзодамиз Шоҳ Муҳаммад ҳузурларига ўзим бориб, сидқу садоқат-ла ёнларида турмоққа ҳозирдурмен. Салтанат ва сулола шаъни шавкати саналмиш авлодимизга кўзим каби боқарим, – садоқатини намойиш этмоққа тиришарди амир Байрам.

– Маъқул. Унда бу масала ила, билхосса, ўзингиз илгиланинг ва нияту режамиздан мен, сизу шаҳзодадан бошқа кимса хабар топмасин.

– Англадим, подшоҳим!

– Аъло! Энди менга тилга олганингиз, атрофимизда олғир този каби айланишаётган отаяғий амирзодалар ҳақида билги берсангиз. Қардош амакиваччалар бир-бирларини еб битирдиларми ёки ҳали бир-иккитаси борми? Улар билан муносабатда ҳам етти ўлчаб бир кесмоғимиз, ҳар қандай кўпкарида улоқни ташлашларига имкон қолдирмаслигимиз керак. Туркистон тарафдан кўнгли тинчиб, куч-қудратига ишонган куни Шоҳруҳ ота мулким дея Бағдоду Дамашқ, Табризу Шероз йўлини тутиши мумкин. Биз бу ҳатти-ҳаракат режаларидан воқиф бўлиб, сув келмасидан бурун дамбаларни боғламоғимиз керак. Илгимизда япроқ ўйнатмоқчи бўлганларнинг оғочини кўкидан сўкмоққа ҳозир турмоғимиз шарт, амирим! Бундан бир неча йил бурун қорақўйинлилар кўшини Мироншоҳ ила Султон Аҳмад черигини тор-мор қилиб, ўзларини шаҳид этажақдир десангиз, Шероз кўчасидаги дарвешу қаландар ҳам инонмас эди. Бироқ раббимизнинг хоҳиш-иродаси билан фатҳу зафарлар бизга насиб этди. Иншооллоҳ, бу ғалабалар бошляжак буюк иш ва юришларимизнинг дебочаси ўлажақдир! Бизнинг улус ва салтанат кўчасидаги гуллик-гулистонлик онлари давом этажақдир!

– Омин! – деди амир Байрам юзини сийпаб. – Ҳар бир ишимизга тангри ҳар замону маконда ўнг кўзи ила боқсин!

– Омин! – деди сўнги сўзларидан ўзи ҳам ҳаяжонланган амир Юсуф қалдираган овозда.

– Бобосидан қолган сомонликдан игна қидириб юрган темурийзодалардан ғоят эҳтиёт бўлмоғимиз керак. Қайб этганлари салтанат аламида ўлар-тирилари-га қарамай биз ила савашадилар. Кими уларга қарши ва нохайрихоҳ бўлса, барчасининг бошини қўшишимиз керак, Байрамбек. – Бу иш, энг аввало, сиз ила улуғ бекларимиздан Мардоншоҳ иккинги-нинг гарданингизга тушади. Гапга чечан, ғоят мутавозе Мардоншоҳни Шохруҳмирзо саройига жўнатиб, ул тарафларнинг об-ҳавосини ҳам билиб қўймоқда фойда бордир. Зотан, биз ҳеч бир замон темурийлар билан қарама-қарши келишга орзуманд бўлмадик. Доимо чиришни улар бузган. Бундан сўнгда сулҳу амниятда яшамоқ ниятидамиз. Шу муждани Ҳирот саройига еткурмоқ керакдир.

– Бироқ бизнинг яқинимиздаги амирзодалар бошларига не қадар тўқат емасинлар ўзларига келадиган хилидан эмаслар, подшоҳим! Улар амакилари ҳоқон Шохруҳнинг ҳам, худою пайғамбарнинг ҳам айтганини қилмайдилар. Керак бўлса, Халил Султонун Абу Бакр каби унга қарши қилич кўтаришдан-да тоймайдилар. Модомики, ўз-ўзига яхшилик тиламаганлардан бизга ҳам хайр келмас, подшоҳим!

– Фикрингизда ҳақсиз. Катта ҳокимият, чексиз қудратга ўрганиб қолганларнинг бу даъвою амаллардан кечмоғи осон эмас.

– Исфаҳондаги қурғоқчилик, қаҳатчилик ва очарчилик амиру маъмур, хосу омни ҳолдан тойдириб, юртни вайрон, улусни сарсон қилган кўринади. Димишқхожанинг

## Нурали ҚОБУЛ

Абу Саидхонга бир кунга иккита товуқ етади деганига ўхшаб, амакиси биз томон сургун қилган Самарқанднинг собиқ ҳукмдори Халил Султон ҳам маъшуқаси билан тишининг кирини сўриб ўтирган эмиш. Бу кетишда ҳадемай зоти олийларининг марҳаматларига сиғиниб, остоналарига бош уриб келиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эрмасдир.

– Мумкин. Мумкин. Сизнингча, Шоҳруҳмирзо амирзода Халил Султонни нечун бу тарафларга юборди?

– Не учун бўларди, подшоҳим. Қутулмоқ учун-да. Отамерос юртига бориб инилари Абу Бақр ва Умар мирзолар каби ўз оёғидан йитиб кетсин, деб юборган. Амакисига бормайман деб айта олмайди. Амирзоданинг бу юртларга келмоғи бир хавф бўлса, Ҳирот саройида қолмоғи икки карра хатарлидир. Асл мақсад уни ота юрт ва доруссалтана Ҳиротдан узоқлаштириб, кўздан туширмоқдир. Ақли ҳушини олган ёнидаги малликаси охир-оқибат уни бир балою қазога дучор этади деганлар.

– Ёмон хотин эрни кўндиради, яхшиси эса синдиради. Хотин зотига мулки давлат жиловини тутқазган ҳукмдор борки, сўнги хайрли тугамаган. Булар орасида тичоқ ва соп бўладигани Пирмуҳаммад Шерозий эди. Бироқ у ҳам салтанату сулола пешонасига сиғмади, дейишмоқда.

– Шоҳруҳмирзонинг тўнғич ўғли, эндиликда амир Шоҳмалик оталиғида бобо юрти. Туркистону Мовароуннаҳрни сўраётган Улуғбек мирзони ғоят ақли фаҳм-фаросатли, олимсифат подшоҳ, дейдилар. Сифату инсоний зарофату назокатда ҳам қусурсиз эмиш.

– Зотан, бу сулоланинг иқтидору қобилиятига шубҳа йўқ. Тикилган ишларини эпламай, от қўйган манзилларига етмай қўймайдилар. Бироқ бундан сўнги х...



бир иш улар ўйлагани ва орзу этгани каби кетмаяжак. Оғзининг ели билан иш битириб юрган бу амирзодаларнинг ҳар бири бир жин кабидур. Бу жинларни шишадан чиқармаслик керак. Улар не манзилу маррадаги ишларни кўзламасинлар, орзулари қурсоқларида қолажак! Биз сўнги зафаримиз билан юқорида қайд этганимдек шайтоннинг бажағини (почаси, оёғи) қирдик. Яғийу нохайрихоҳларнинг ниятларини сувга туширмоқда давом этажакмиз. Ҳар бир ишу юришни юксак титизлик ила олиб бормас эканмиз, шаҳид кетган, ўпкаси йўқ султон каби қоқилиш мумкин, амир Байрамбек, – дея ўнг томонида кетаётган бегига маъноли боқди амир Юсуф.

– Назар тегмасин, подшоҳим! Сулолангиз ўз иқтидорининг энг олий мақомига эришди! Салтанатимиз доврўғи ҳам сўнги ғалабадан кейин жумлайи жаҳонга ёйилмоқда. Душмандан бир, дўстдан минг ҳазар деганларидек, ёру яғийдан бир эмас, минг бора эҳтиёт бўлиб ҳаракат этмоғимиз жоиздир. Энг муҳими, шаҳзодаларимиз, амиру қўмондонларимиз орасидан оламушук ўтмаслиги керак. Ўнта ақлли душман эплай олмаган хоинона иш ва фалокат ўзимиздан чиққан бир нодондан келиши мумкин.

– Тўғри сўйлайдирсиз, амир Байрамбек. Бу ярим ёввойи ва жоҳил қавмларимизни сиқи таъқиб этиб, узлуксиз назоратда тутмасангиз, оғзига келганини гапириб, олдига қўйилган луқмани еяверади, – дея оти жиловини тортди амир Юсуф. – Ибодат пайти ҳам бўлиб қолибди. Таҳоратларимизни янгилаб, намозимизни ўқиб олсакмикан, дейман.

Амиру қўмондонлар ҳам тўхтаб, ибодат ҳозирлигига киришдилар.



## ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ

*Ўлмаяжак дуога омин дейилмас.*  
**Машойихлар ҳикмати**

Шом намозини ўқиган давлат аркони сув ва айрон ичиб, бир оз тин олгач, яна йўлда давом этди.

– Ярим қолган суҳбатимизни давом эттирамиз, амир жаноблари, – деди эгарга қулай ўрнашган амир Юсуф. – Биз айна дамда уч катта рақибнинг орасидамиз. Жалойирларни синдирдик. Улар қайтиб оёққа тура олмайди. Бундан буён беклик мақомида давлату салтанатлари сурса-да, биз, Ҳирот ёки араб султонларига тобе бир мамлакат сифатида яшайдилар. Эндиликда биз учун энг хавfli ғаним Шохруҳмирзо, ундан сўнг темурийлар яхши муносабатда бўлган қардош душманларимиз оққўйинлилардир. Султон Аҳмадни қандай ер ила яксон этган бўлсак, тўртинчи рақибимиз, маҳмадона Шайх Иброҳимни ҳам худди шундай тиз чўктирамиз.

– Озарбайжон сари юрамизми? – сергакланиб сўради амир Байрам.

– Юрамиз, амир жаноблари. Бироқ бугун-эрта эмас. Оллоҳ насиб этса бир-бир ярим йил сўнгра.

– Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, подшоҳим. Бирор йил лашкарга дам бериб куч тўпламоқ ва ҳозирлик кўрмоқ лозимдир. Сўйлаганингиз каби амир Шайх Иброҳимни ҳар қандай шароитда яхши сўз ёки куч билан бўлса-да, ўзимизга эш қилмоғимиз зарур. Акс ҳолда у оққўйинлилар ва темурийлар билан мулоқотга киришиб, бизга қарши фаолиятга кечади. Ҳирот саройига Шохруҳмирзо ҳузурига мўл-кўл совға-саломлар билан элчилар юбориб, мудом Турон салтанатига боғлиқлиги ва темурийларга тобе эканлигини таъкидлабди.

– Йўғ-е? Ростданми? – ҳайрон бўлиб сўради амир Юсуф. – Шохруҳмирзонинг онаси оққўйинлилардан-да. Уларни Темур ҳам ҳурмат қилар эди.

– Мен ҳам эрталаб, Ҳиротдан Табризга келаётган бир тужжордан эшитдим. Унинг элчилари йўлда савдогардан қуруқ мева ва гумаж харид қилишибди. Ҳиротдан тузуккина ваъда олган кўринадилар деди. Кайфиятлари чоғ эмиш.

– Демак, ўйлаганимиз тўғри. Унда биринчи бўлиб Шайх Иброҳимнинг ишини битиришга тўғри келади. Яҳудию арманига дарс берадиган бу амир гуржилар шоҳи Константин ва Шеки ҳукмдори Сиди Аҳмадларни ҳам йўлдан уриб, бизга қарши қайраши мумкин. Унда ишимиз янада мушкуллашади.

– Минг қарғага бир ўқ, подшоҳим. Уларнинг қочар жойи Ҳазар денгизи бўйигача. Қиличимиз қаршисида бўйин эгадилар ёхуд денгизнинг дерин сувларида фарқ бўладилар. Қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас деганларидек, аслида бир-бирига душман гуржи кинозию Шеки ҳукмдорининг Шайх Иброҳим ила қирқ йил қайнаса-да қони қўшилмайди. Илгари амир атрофидаги барча ҳукмдорларни Темурнинг номи билан кўрқитиб, ҳадяларини олиб, ишини битириб, кун кечириб юрган. Ичида барчаси уни суймайди.

– Фикрингизга қатилурмен. Буларни ҳисобга олиб, ҳассос давранмоқ мажбуриятидамиз. Яна муҳим бир масалани маслаҳатлашиб, муҳокама этмоғимиз лозим. Сиз муҳтарам амиримизнинг исмлари ҳам бизнинг буюк бобомиз, сулола ва салтанатимиз асосчиси улуғ амир Байрамхожанинг муборак исми шарифларига адаш бўлганлиги ҳам менга алоҳида бир ғурур ва ифтихор бахш этади.

– Тангри сиздан рози бўлсин, подшоҳим! Зоти олий-

лари каби жаҳон султониға хизмат этмақдин улуғ лутфу марҳамат йўқдур биз учун!

– Сиздан-да парвардигор рози бўлсин, амирим! Салтанатимизнинг сиз каби устунлари бор экан, мулку давлатимиз, сулолаю салтанатимиз боқийдир! Амир жанобларига маълумким, Қорақўйинлилар давлатининг қад ростлаганиға олтмиш йил бўлди. Орадаги беш-ўн йиллик Темур истилосини ҳисобға олмасак, қай бир султонға беклик ўлароқ боғлиқ бўлсак-да, ҳеч қачон ва ҳеч кимға сўзимизни бермадик, бўйин эгмадик. Беклигимизни тузган амир Байрамхожа ҳам худди мен каби ўттиз йил беклик тахтида ўтирганлар. Падари бузрукворим Қора Муҳаммадға бу рутба ўн йил насиб этди. Биз чингизийлар ва темурийларға ўхшаб тахт талашиб, бир-биримизни ўлдириб, санада бек алмаштирмадик. Етмиш йилда сулоламиздан уч киши улусу давлатни бошқарди. Азалдан кўнглимға туккан бир ниятим бордир. Бутун расм-русмларини жойиға қўйиб, тўнғич ўғлимиз Пирбудоқни султоний тож ва камар билан сарафроз этиб, султон эълон этсак. Шундан сўнг давлат ва мамлакатимиз ҳам қорақўйинли султонлиги дея аталади. Шунга не дейсиз?

– Ғоят аълодир, подшоҳим! Зотан, зоти олийлари султонларнинг султони, хоқонларнинг хоқонидирсиз! Бу тадбирни аллақачон амалға оширмақ лозим эрди! – завқ ила амирнинг фикрини қувватлади Байрамбек.

– Иншооллоҳ, унда қишламоқ учун Табризға қайтишимиз билан бу маросимни режалаштириб, улуғвор тарзда ўтказамиз. Ўзингиз бош-қош бўлғайсиз.

– Амри фармонлари бошимиз устидадир, подшоҳим!

– Унда лашкарга амрни еткуринг. Тўхтаб, бир оз истироҳат этайлик. Отларға ҳам дам берайлик, – деди амир Юсуф этагидан тиниқ сой оқиб ўтадиган мўъжазги-

на қишлоққа етганларида. – Суворийу сипоҳийларимиз ҳам ювиниб-тараниб оладилар. Бу кеча шу манзилда ётиб қолсак ҳам бўлар экан.

– Тўғри қарор бердингиз, султоним! Султонликнинг илк муждасини берганлигингиз учун кечаси зоти олийлари шарафларига бир базму зиёфат тартиб этсам? – амирдан изн сўради Байрам. – Мурод-мақсадга эришганимиз бу саодатли дамларни муносиб қутламоғимиз лозимдир. Ҳар замону маконда сиз султон ҳазратларига сидқу садоқат ила хизмат этмоқ бўйнимизнинг бурчидир.

– Маъқулдир, амирим. Истасангиз ошлоқни менинг саропардамда ташкил эта билурсиз. Барча амиру қўмондонларимизни даъват этинг, – бекнинг манзиратидан мамнун бўлди ҳукмдор.

– Оллоҳ султонимизга узун умрлар берсин! – дея таъзим-ла ҳукмдордан узоқлашди амир Байрам.

Табризи ва тоифи, оқу қора кишмиш, ҳасайни ва ҳусайни узумлар, ноку нашвати, анору кечки шафтолилар билан безатилиб, пистаю бодомлар чошланган дастурхон тўкину шоҳона эди.

Саропарда қопусидан киришида бели боғлоқлик, елкасига сочиқ ташлаган соқийлар арроқу мусаллас, шаробу чоғир кўзаларини тутганча даврадагилардан имошорат беклашар, саропарда тўрига қўйилган ёнғоқ оғочидан ишланиб дамашқлик усталар садафдан нақш берган тахтда ўтирган, энди барча султон дея мурожат этаётган амир Қора Юсуфнинг кайфи ҳар қачонгидан чоғ, шахди баланд эди.

Қорақўйинлилар, салжуклилар, Султон Салжук салтанатидан кейин бундай кучли мавқе ва мартабага юксалмаган, Абу Бакр ва Султон Аҳмад Жалойир устидан

қозонилгани каби кетма-кет ғалаба каби зафарларга эришмаган эди.

Тотли емақлардан тановул этиб, ноёб ичкиларни нўш этиб яйраган амирлар юзлари қизарганча терларини ар-тиб, шон-шуҳрати чўққига чиққан амир Қора Юсуфнинг оғзига термулиб ўтиришар, бири қўйиб иккинчиси унга мадху сано ўқирди.

Эндиликда ўзини барча туркманларнинг султони санаётган Қора Юсуфнинг эса бу мақтову олқишлар, илиқ қадаҳ сўзларию кўтар-кўтардан кети чаноғ эди.

– Боя, йўлда кетаётганимизда жуда зўр суҳбатни бошлаган эдик, – деди амир ўнг томонида ўтирган Байрамга хириллаган, сархуш овозда. – Қўноқларимизга қўзғалмоққа рухсат этайлик. Ўзимиз бир оз гурунглашамиз, – сўзида давом этди чоғирчига май қуйишни ишорат этаркан.

Беклар таъзиму тавозе ила тисланиб, улуғ амир саропардасини тарк этишди.

– Султон Аҳмад билан Боғдодда, иккинчи бор Темурдан енгилганимиздан сўнг унга яхши кўриниб, жонини сақламоқчи бўлган муттаҳам, Миср султони Носир Фараж иккимизни ҳибсга олишга амр берган. Маҳбусликда икки йил чамаси ётдик, Байрамбек. Темурнинг ўлимидан сўнг қўйиб юбордилар. Шунда султон билан бир умрга дўст бўлиб қолмоққа онт ичиб, аҳдлашган эдик. Ўшанда биз Ироқнинг унга қолиши ва Табризни бизга берилиши ҳақида келишгандик. У Темур вафотидан бир йил сўнгра Боғдодни эгаллади. Мен эса Диёрбакр ва арман ўлкасида қўшин йиғиб, Табризни қўлга киритишга ҳозирлик кўрардим. Бироқ султон англашмани бузиб, Боғдодни олган йилнинг сўнгидаёқ Табризни эгаллади. Аммо шаҳарни қўлда тута олмади. Яна Абу Бакрга топшириб, Боғдод йўлини тутди. Султон билан ихтилофи-

миз ана шундан кейин бошланди. Агар иккимиз ўзаро англашароқ ҳаракат этганимизда борми, бугунги манзара тамоман бошқача бўлар эди. Султон ҳазратларининг барчадан ақлли ва доно санаган азиз бошлари ҳам жойида турарди. Қисмаган кетга бало бор деганларидек, ҳар неки бало-қазони феъл-атвориға кўра одамнинг ўзи сотиб олар экан.

– Султоннинг Табризга юриш нияти бўлмаган. Бунга бизнинг оққўйинлилар билан Анталияда қарама-қарши келганлигимиз сабаб бўлган. Ҳатто ўғли Алоуддавлани Абулжуз қалъасига қамаб қўйганлигимиздан мамнун бўлган дейдилар, султоним. Шу гап-сўзлар тўғрими? – ёнбошлаб ётган амир қаршисида чордана қуриб ўтирганча уни тингларди амир Байрам.

– Бу гапларда жон бор, амирим. Хабарингиз бор. Оққўйинлилар беги Қора Усмон Аҳмад ўғли ҳе йўқбе йўқ бизга қарши Арзинжон томон юриш бошлади. Товуқмия Султон Аҳмад Қора Юсуфнинг иши битди. Энди оққўйинли Қора Усмон унинг энсасини Эрзурумдан кўрсатади, дея хаёл қилган. Ёнидаги бурнидан нарини кўрмас шотирлари эса бу талотўпда азалий бошкентимиз Табризни қўлдан чиқармайлик. Акс ҳолда шаҳарга темурийлар ёки уларнинг чоқари Шайх Иброҳим эга чиқади, дея қўлтиғига сув пуркашган. Аҳмоқ ўзини овулар, қўлтиғини совулар деб шуни айтсалар керак-да. Султон жонивор бу гапга лаққа тушган-да, Табриз сариқари байталини қамчилаган. Абу Бакрни Сардрудда тор-мор этганимиздан сўнг, яъни уч йилдан бери шаҳар бизнинг тасарруфимизда бўлса. Темурийлар элида бўлганида ҳам тушуниш мумкин эди.

– Агар Султон Аҳмад Табризни босиб олганида эди, биз жалойирлар салтанати эмас, балки оққўйинлилар давлатига барҳам берар эканмиз-да, султоним?



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Мен султоннинг орқамиздан ҳанжар уришини тахмин этсам-да, бу қадарликка борар дея ўйламагандим. Оққўйинлилар билан тўқнашув жалойирлар қадар енгил кечмаса-да, уларни мағлуб этардик. Султон Аҳмад қош қўяман деб, кўз чиқарди. Ўзи билиб-билмай биз туркманларга яхшилик қилиб қўйди бу мўғулвачча. Оққўйинлилар ўзимизнинг жамоат, қавму турку туркман. Туркманга қарши қилич кўтарганимиздан кўра, мўғул асилли жалойирларнинг кўзини ўйиб, шўрини қуритганимиз маъқул эмасми? Аслида тангри биз туркманларнинг ишини ўнглади. Қардош қатли омига изн бермади. Бироқ туртмаса билмас биз туркманлар ҳеч қачон гапни бир ерга қўйиб, англаша, бирлаша олмаймиз. Кетимизга жир битдими, ўзимиздан кетамиз. Илму урфон эмас, аскар қавмимиз-да. Ўзимиздан ожизни босиб, талагимиз келаверади, – дея кўзларини юмганча чолорқа узанди амир Юсуф.

– Емак баҳона, гурунг шоҳона бўлди, султоним! Энди мен ожиз қулингизга руҳсат этинг! – деди амир Байрам ўрnidан туриб таъзим этаркан. – Ийи оқшомлар, султоним!

– Ҳа, суфрангиз гўзал, суҳбатимиз мукамал бўлди, амир жаноблари. Сизга ҳам хайрли кеча. Ярин пешин намозидан сўнг йўлга чиқамиз!

Амир Байрам чекиниши билан саропарданинг ҳарам бўлмасидан чиққан тўрт бокира канизак амирни қўшқўллаб эркалаганча ҳаммом томон олиб ўтдилар.

Ўз вилояти раиятининг аҳволи, олиқ-солиғи билан бир муддат илгиланган амир Юсуф ўнинчи ой ўрталарида яна доруссалтана Табриз сари қайтди. Амиру маъмур, суворию сипоҳий қишлови учун шаҳару қишлоқ, кўй ва қасабалар маъқул эди.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

*Жаллоднинг кемаси орқасида турган дўстлари титраганда чўкади.*

**Тошохур битигидан**

Қўшиннинг асосий қисмига қишни ўтказиб келмоқ учун аймақ ва яйлоқларига кетмоқ изни берилган, Табриз муҳофазаси учун қолдирилган икки минг чоғли суворий шаҳардан икки фарсаҳ узоқликда амирни муносиб қаршилаб, таъқиб этарди.

Амирлари Байрамбек, Муборакшоҳ, Мардоншоҳ ва Тангрибермиш қуршовида бораётган амир Қора Юсуф Табризда, бош ўғли амирзода Пирбудоқни хон эълон этиб, тахтга ўтқазмоқ маросими ҳақида ўйлаб борар эди.

Кун ботиш тарафдан от чоптириб келган мингбошилардан бири барчанинг диққатини тортди.

– Сотилмиш мингбоши-ку. Бирон бир ҳаводис бор, чамаси! – дея оти тизгинини тортиб юришни секинлатди амир Юсуф. – Хайрдир, иншооллоҳ!

Отдан тушиб таъзим этган мингбоши Сотилмиш банд овозда амирга мурожаат этди.

– Амирзода Рустам черигидан қочган бир суворийни тутдик, сўлтоним! Ўз иниси Искандар мирзо билан савашиб енгилган, Исфаҳонда лашкарига бир сиқим арпа ва бир боғ хашак ҳам топа олмай қолган мирзо Рустам Табриз томон қочиб келмоқда экан! Шуни арзингизга етказай дедим! – оғзини тўлдириб гапирарди калласи елкасига нисбатан номутаносиб, катта кўринадиган Сотилмиш мингбоши.

– Қочиб келаётган эканми ёки босиб келаётган эканми? – ҳайрон бўлиб сўради амир. – Отсанг отилмас, сотсанг со-



тилмас бу темурийзодалар қаерда бўлмайлик оёғимиз остидан чиқиб тураверар экан-да.

– Лашкари парокандаликка юз тутди. Ўзи аранг бошини қутқариб қолди деди, амирим!

– Шернинг урғочиси ҳам шердир, мингбоши. Бу авлоднинг сўқоқда қолиб кетган қочоқ амирзодаси ҳам кўз очиб-юмгунча атрофига черик тўплаб, бирор-бир шаҳар ёки мамлакатни босиб олиши ҳеч гап эмас. Унинг боси Темур Термизни беш юз суворий билан забт этган. Амирзоданинг ҳеч бир хатти-ҳаракатини назардан қочирмаслик керак. Амир Тангрибермиш, сиз ул суворийни сўроқ қилиб, турумни ўрганинг. Лозим топсангиз қароргоҳга келтиринг. Зарурати бўлмаса, қоровул бўлинмасида сақласинлар. Қўйиб юбормасинлар, – таълимот берди амир. – Не деймиз. Ҳар ишнинг энг гўзали бўлмаса-да, хайрлиси ўлсун.

Амир Тангрибермиш мингбоши Сотилмиш билан отлари бошини бўш қўйганча қоровул қисми томон учдилар.

– Одам боласининг феъл-атворида бир қусур бор. Виждонли, адолатли бўлмоқдан кўра кучли бўлмоқни орзу этамиз ва бу йўлда жонимизни жабборга берамиз, Байрамбек, – ўнг томондаги амирга қаради Юсуф отини ниқтаб йўлда давом этаркан.

– Баҳс этганингиз одамлар анойи эмас, улуғ султоним. Куч-қудратсиз, мулки давлатсиз виждонли ва адолатли бўлмоқлик билан мушук офтобга чиқмаслигини ҳеч бир мақсад ҳадафга эришмоқ мумкин эмаслигини биладиганлар етарли қадар бор, чамамда, – ўз фикрини билдирди амир Байрам.

– Тўғри айтасиз, амир жаноблари. Бу виждону адолатдан улусга, инсонларга наф келсагина у фойдалидир. Узлатга чекиниб, тарки дунё қилган бир олиму

мударриснинг имону адолатидан кимга фойдаю, кимга зарар.

– Ҳақсиз, султоним. Бизнинг аксар руҳонийларимиз Қуръони карим, аввало, тириклар учун нозил этилганлигини чуқур англаб етмайдилар. Қайд этганингиз, узлатга чекинмоғу ўзини Оллоҳга бағишлагандек кўриниб шахсиятидан авлиё ясамоққа уринган кишилар аслида яратганнинг амрига қулоқ тутмаганлардир.

– Қай бир муқаддас китобда ўқиганим эсимда йўқ. Тавротдами, Инжилдами, билмайман. Энг буюк кофирлик – тангри ҳаром этгани тангри номидан ҳалол этмоқ экан.

– Ё Оллоҳ! Нақадар улуғ фикр экан-а? Бизга дину диёнатдан таълим бергувчиларнинг ўзи чаласаводу ярим жоҳилдир, султоним. Ҳалиям куни учун қул ташлаган тепаси ўйиқ оми оломонга тангри тўзим берсин.

– Афсуски, шундайдир, амир жаноблари. Оллоҳ, Оллоҳ деймизу, миллату умматни қулнинг қулига айлантириб қўйганлар. Зотан қулга қул ўлунмас!

Амир Юсуф ўнинчи оининг йигирма тўртида Табризга кириб келди. Салтанат саройига истироҳат учун чекинганининг учинчи куни дарвоза бекчилари юзбошиси амирзода Рустамнинг Табризга етиб келгани хабарини етказди.

Амир Юсуф ҳузурига Байрамбекни чорлашни буюрди.

– Амирзода Рустамни шаҳар дарвозаси ўнгида шоҳона кутиб олмоқни уюштиринг. Муносиб қаршиловдан сўнг саройга олиб келинг. Баковул ва ошчиларга амр берингим, лаззатли ва тансиқ таомлар тайёрласинлар. Муסיқачи ҳофизу раққосаларимиз ҳам оқшом базмига ҳозир турсинлар.

– Амри фармон, улуғ султонимизнингдир! – дея чекинди амир Байрам.

Икки намоз ораси фурсат ўтгач, амир Байрам мирзо Рустам Умаршайх Кўрагон ўғлини ёнига олганча султон саройида ҳозир бўлди.

– Хуш келдингиз, амирзодам, – деди амир Юсуф мирзо Рустамни илиқ қаршилар экан. – Сиз каби бир жаҳон шаҳзодасини саройимизда кўрмоқ биз учун ғоят олий шарафдир. Қаники, бизлар кечмишдан сабоқ олиб, мудом шундай самимий муносабатда бўлиб, борди-келди қилсак. Ахир, ҳаёт дегани фақат сўғишу саваш, юришу босқиндан иборат эмас-ку? – мулоҳазакор оҳангда сўз бошлади амир Юсуф мирзо Рустамни ўнг тарафидаги тахтсифат курсига таклиф этаркан.

– Фикрингизга қўшиламан, улуғ амир зоти олийлари. Султон ҳазратларининг сўнгги ғалабалари билан чин қалбдан муборакбод этаман! Оллоҳ бундин сўнгда ғаниму нохайрихоҳлар устидин элингизни баланд қилсин ва назардан сақласин! Сиз каби бир ғолиб ва шарафли миллатдош подшоҳимиз, улуғимиз бор эканки, икки ораю бир дарада қолган пайтимизда давлати олияларидан паноҳ тортиб келдик! – деди амирзода Рустам ўзининг оғир аҳволдан хижолат чекиб қизарганча.

– Шоҳлигу салтанат ғавғоси шундай тирикчиликдур, амирзодам. Бу хатарли йўлчиликда тожу тахт сурури баробарида дору кунда, дарбадарлигу бандиликни ҳам кўзга олмоққа тўғри келади. Бўлмаса, эски дўстимиз, Дамашқ зиндони тупроғини икки йил чамаси бирга ялаб, абадий дўстлигу садоқат учун тўққиз карра қасам ичганимиз Султон Аҳмад Жалойирга нима етмас эди? Инсон нимадир етишмаслиги, камчилигидан эмас, ошиб-тошиб кетганлиги ва кибру ҳаво дамнининг кўкка кўтарилганлигидан ўзидан кетади. Билмайдиларки, тўймоқ – тўлмоқ, тўлмоқ – тўкилмоқдир. Оқибатни кўриб турибсиз, – Султон Аҳмад қисмати хусусида ўзининг ҳақлигини таъкидларди амир Юсуф.

– Озига сабр қилмаслик инсон наслига йўрғақда теккан хасталиқдир, ҳазрати олийлари. Халифаликлар бошкенти бўлиб келган шундай улуғ ва маъмур Бағдоддай шаҳарга қаноат этмаган ҳукмдорга Қоҳирани қўшиб берсангиз, Константинополису Афинани истаб қолади. Фатҳни кўзлаган султони шаҳид ҳазратларини ажал ҳайдаган экан-да. Ҳокимиятсиз яшай олмайдиган ва унга ташна кишилар бу йўлда ҳеч бир адолатсизлигу қотилликдан қайтмайдилар. Зоти олийлари бу каби хуржу исёнларни кўравериб, кўзлари пишиб кетгандир.

– Тўғридир, амирзодам. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин улуғ бобонгиз, султон соҳибқирон ҳазратлари билан ҳам бизнинг каклигимиз сайрашмай, гапимиз гапимизга тўғри келмаган. Бир-биримизга бўйин эзмаганмиз. Бироқ дўстликнинг ўз шартлари бўлгани каби яғийлигу рақибликнинг ҳам одобу ахлоқи, қонун-қоидаси бўлади. Бир ҳукмдор иккинчи ҳукмдордан кучсизми, уни тан олиб, кўрпасига қараб оёқ узатмоғи керақдир. Султон Йилдирим Боязидга ўхшаб, авратни ўртага қўйиб, ҳақоратомуз мактублар битиб, сиёсат сувини лойқалатмаслик керақ, деган фикрдамен. Агар мен ҳам Султон Боязид каби улуғ хоқон шаънларига қарши оғзимга келганни айтиб, мактублар битганимда эди, айна дамда иккимиз Табриз саройида суҳбатлашиб ўтирмаган бўлур эдик. Дўстга бир ҳурмат ила ёқлашилса, душманга ўн бора ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ лозим, деб ўйлайман, амирзодам. Буни сиёсат дейдилар. Уруш эса сиёсатнинг энг сўнгги кўринишидир. Ҳар икки ҳолатда ҳам одобу ахлоқ мезони, ҳис-тўйғу қуюшқонидан чиқмаслик, ўзини билган ҳукмдор амал қилгувчи эътиқоддир. Султон ҳазратлари ҳам битта нонни бўлиб ейдиган инсонун подшоҳ эмас эдилар. Киши ким бўлмасин, насиб этган экмагини бировдан қизғандими, оқибатда ҳар шайидан Мосуво бўлади.

– Оллоҳ зоти олийларига узоқ умрлар берсин! Ғоят маъноли ва ибрат ўларлик фикрларни сўйладингиз. Сизни яхши билмас эканман. Ҳузурингизда бўлмақдин шараф ва ифтихор туйдим, султоним! – деди амирзода мамнун оҳангда. – Қондош қавмлар саналмиш биз турку туркманларнинг орамизда пойлашажак ҳеч бир мулку давлат, сарвату мамлакат йўқдур.

– Оллоҳ барчамизга миллату умматга аталмиш умр берсин, амирзодам. Тўғри айтасиз. Туркнинг туркдан ўзга дўсти бўлмаганидек, ўз-ўзидан катта душмани ҳам йўқдир. Биз севинчлари ила севиндигимиз, узунтилари ила узулдигимиз бир улусмиз. Бирлашсак, теграмиздаги араб бизни дуо этади. Мўғул аскарлигимизни, пирсиён эса хизматимизни қилади. Бироқ азал-азалдан бошимиз бирикмай келган. Улуғимиз улуғ ўрнида турмаймиз, кичигимиз кичиклигимизни унутамиз.

– Иншооллоҳ, сиз-ла кўришувимиз баҳс этдигимиз муаммолар юкини енгиллатиб, хайрли ишларимизга васила ўла билур, – деди амирзода Рустам илиқ қаршилов ва самимий муносабатдан кўнгли жойига тушиб.

– Иншооллоҳ! Иншооллоҳ! – такрорлади амир Юсуф. – Салтанат ташвишларини муҳокама этиб, сиз муҳтарам кўноғимиздан ҳол-аҳвол сўрамоқни ҳам унутибман. Бошкентингиз Исфаҳондан не хабарлар? Қай шамоллар биз томонга учирди азиз амирзодамизни?

– Биз амирзодаларда йўрғақда теккан тожу тахт, мулки давлат хасталиги шамоли, улуғ амир зоти олийлари. Форс мамлакатларини ўз тасарруфига киритган қардошим мирзо Искандарнинг салтанат иштаҳаси очилиб кетиб, бизга тегишли бўлган Ажам Ироқига ҳам кўз олайтира бошлади. Дастлаб икки амири Абдусамад ва Сиддиқларни бизга қарши жангга юборди. Сўнгра қўшимча куч сифатида яна икки беги Тўлак ва Юсуф Жалилларни йўллади. Илк келган икки амир-

ни Варзана қалъасига, сўнги иккисини эса Дасжирд қалъасигача қувиб, қамадик. Мен Ироққа етиб келган мирзо Бойқаро Шоҳруҳсултон ўғли билан бу амирларнинг кори ҳолини қилишга шайланаётганимда мирзо Искандарнинг Қасри Зардга етиб келганини туйдим. Исфаҳондан уч фарсанг масофада унга қарши чиқдик. Жанг асносида биз Исфаҳонга чекинишга мажбур бўлдик. Не қадар мужодада этмайлик, Исфаҳон вилоятида юз берган қаҳатчилик ишимизнинг белига тепди. Оч баччағардан қоч баччағар, деганларидек, емак-ичмаги узилиб қолган суворию сипоҳийимизнинг қарши турмоқ имкони қолмади. Мен Исфаҳонни тарк этиб, сиз томон юзландим. Қардошимнинг суворийлари бизни Қумгача таъқиб этдилар. Бироқ ета олмадилар. Етсалар эди, мен бечора амирзода ҳозир зоти олийлари қайд этганлари каби сиз улуғ амир ҳазратлари ила суҳбатлашиб ўтирмаган бўлур эдим.

– Қардош ва дўстнинг яғийга айланиши кўп хатарлидир, амирзодам. Иншооллоҳ, тангри мушкулингизни осон этар. Буюк боболарининг муқаддас Кўктоши насиб этган шахзода Халил Султон ҳазратларининг ҳам қиблагоҳлари мулкларига оёқ босганларини эшитдик. Ул кишим қай манзилларни макон этдилар? Нияту аъмоллари недир? – Самарқанднинг собиқ султони ҳақида суриштирди амир Қора Юсуф.

– Биз амакивачамиз Халил Султон билан қардошларча муносабатда эдик. Акам Искандар мирзо билан орамизда юз берган англашилмовчилигу тўқнашувларда воситачи бўлиб, яраштирмоққа анча уриндилар. Бироқ инсон зотини тинглашга тоқати йўқ буюк қардошимиз ул кишини ҳам итмисан одаммисан демади. Ўзларининг турумлари эса орзу этадиган даражада эмас. Амакимиз Шоҳруҳ подшоҳ берган қўшин очлигу маошсизликдан тарқаб кетган. Қиличлари кесмай, кўчаларидан ит ҳам

ўтмас бир аҳволдалар, улуғ амир жаноблари, – амирнинг саволини жавоблантирди мирзо Рустам.

– Энди нени режаламоқдасиз, амирзодам? Биздан не кўмак лозимдир? – сўради амир Юсуф мирзо Рустамни диққат билан тинглар экан. – Бу юртларнинг тоши оғир. Ватан этиб ерлашмоқ не қадар қийин кечса, тарк этмоқ ҳам шунчалик мушкулдир.

– Улуғ амир ҳазратлари ўз марҳаматларидан баҳраманд этиб, от-улов, яроғ-аслаҳа, лашкардан ёрдам этсалар, бошкентимиз Исфаҳонга қайтиб бормоқ ниятидамиз. Биз катта мулки давлатга даъвогар эмасмиз.

– Исфаҳоннинг соҳиби ихтиёри Хожа Аҳмад Саидий кимса билан ҳисоблашмас, ўжар бир арабдир. Унинг ила англашиб кетармикансиз, амирзодам? – сўради амир Юсуф.

– Менинг уларга ҳеч бир талабим йўқ. Шу пайтгача қандай соҳиб ихтиёрлик қилиб келган бўлса, айти мақому машрабда давом этмоғига розимиз. Биз ила ҳисоблашмоққа тоби тоқати бўлмаса, унда ул кишим билан тангрининг ўзи ҳисоблашажак. Бошқа не дея билурманки, улуғ амир ҳазратлари.

– Турум тушунарли. Биз бир ҳафта давомида сиз олийнажот амирзодамиз шарафига катта тўй ва зиёфатлар берамиз. Ҳарамда амакингиз, мирзо Абу Бакрнинг ожизалари, жиянингиз Карима бегим сиз-ла дийдорлашувни тўрт кўз ила бекламоқдалар. Сўнгра бирга Мароға томон юрамиз. Мен сизга рафоқат этаман. Ўша тарафларда бироз истироҳат этиб, сўнгра сизни иззатикром билан Исфаҳонга кузатамиз, – деди амир Қора Юсуф мусофирини ён солиндаги базм бўлмасига бошлар экан. – Амир Байрамга буюраман. Сизга бир подшоҳ учун неки асбоб-ашё лозим бўлса муҳайё этажак. Бир гуруҳ ишончли навкаримни мулозим ўлароқ бераман. От минганники, қилич ушлаганники, шаҳзодам. Сув уяр,



душман уймас дегандек, тахт даъвосидамисиз, тахтдамисиз, одамлар уйганда ҳам сиз уйманг! Ҳукмдорликнинг тўраю тузуги шундай. Мулки давлатни фақат ҳушёрлигу сергаклик билан элда тутиб туриш мумкин. Осмонда юлдуз кўп, қирда сулдузу қирғиз кўп деганларидек тохта-тахт битта бўлса-да, унинг даъвогари сочингизнинг толасидан кам эмас. Иродали ва иддаоли бир кишилик бўлмасангиз, иродали ва иддаоли даъвогарларга бўйин эгмоқ мажбуриятида қоласиз, – мирзо Рустамга насиҳат қилиб кетарди амир Юсуф. – Ҳар бир ишда қатъий ва қарорли бўлмоқ ғоят муҳимдир. Ҳукмдор бир сўзли ва қарорли бўлдими, уни ҳеч киму ҳеч қандай таъсир тегиштира олмайди. Жасур юраклар дерин сувларда сузади, амирзодам. Салтанат иши шундай. Бу савдо учун жону моли, умри ҳаётини тикканлар йўлга чиқадилар. Шом ҳам бўлиб қолибди, амирзодам. Таҳоратимизни янгилаб, ибодатимизни қилиб олайлик, – дея базм солини сўлидаги таҳоратхона сари юрди амир.

Амир Юсуф мирзонинг кўнглини кўтариш учун солин тўрига иккита шоҳона тахт қўйдирган эди.

Хира ёнаётган машъалалар ёруғида солиннинг заррин нақшлари товланиб кўзга ташланар, амир Юсуфнинг икки элидаги жимжилоғи ва номсиз бармоғига тақилган тўрт қимматбаҳо тошли узуклар ярқирашда зарҳал шакллар билан баҳслашаётгандек эди.

Амирзоданинг тикилиб турганини пайқаган амир суҳбатни давом эттирмак учун кўз-кўз қилганча узуклари тарихини айта бошлади.

– Бармоқларимдаги бу тўрт узукнинг ҳам ўз тарихи бор, амирзодам. Мана буниси Ҳалокухоннинг бекларбегиси сулдуз чўпонийлари амири Темуртошники. Ундан ўғиллари Кичик Ҳасан ва Малик Ашрафларга ўтган. Бу амирлар Ҳалокухон замонасида дастлаб Озарбайжон ноиби, сўнгра султони бўлганлар. Улардан бизнинг бо-



бомиз Байрамхожага ўтган. Мана буниси эса султон Кайкубоднинг узуги. Ўғли боболаримизга ҳадя этган экан. Сўл элимдаги бу икки узук Ҳалокухон билан Султон Маҳмуд Ўзбакхонниқидир. Мана шу иккитасидан бирини сизга ҳадя этаман, амирзодам.

– Мени хижолат этманг, амирим. Самимият-ла ташаккурларимни қабул этгайсиз. Ҳеч лузуми йўқдир, – эътироз билдирди мирзо Рустам.

– Мен сўз ва ваъда инсониман. Лафз этдимми, тамом. Ҳалокухон буюк қоон Чингизхоннинг невараси. Султон Муҳаммад Ўзбакхон эса олтинчи авлодидир. Бобонгиз, улуғ хоқон ҳазратлари ўзбакийларни кўп таъзирини берганлар. Тангри сизга ҳам буюк бобонгизнинг йўлини насиб этсин. Мендан хотира ўлароқ олинг. Доимо салтанат узуги бармоғингизда бўлсин, – дея узукни мирзога узатди амир.

Узукни ўнг элининг ўрта бармоғига таққан амирзода бош эгиб миннатдорчилик билдирди. Шоҳона ҳадя ва зиёфатдан кўнгли кўтарилган ҳолда чўккалаган соқий тутиб турган лагандаги олтин қадаҳга қўл узатди.

Самимий нигоҳ-ла амир Юсуфга боққанча оғир жангу жадаллар ва йўл азобидан сўнг илк бор оғзи майга тегди.

Дастлабки қадаҳни бўшатгач, аъзойи бадани роҳатланиб, кўзи очилгандек бўлди.

Зиёфат солинини тўлдирган саллалию бўркли амиру қўмондонларни бир-бир кузатар экан, йўл-йўлакай дарвешлар айтиб турган бир тўртлик ёдига тушди.

Турк элати кўпбала,  
Лек қўлида чўпбала.  
Ўз-ўзин ков-ков қилар,  
Чин дўстини ёв қилар.

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

*Лофга боқдим, лофми дея. Сўйлаган одамга боқдим, одамми дея.*

**РУМИЙ**

Бодғис яйлоқининг дараларга туташ шимол томонидаги ўтлоқлар ҳали кўм-кўк, айғирлар семириб, сағрилари ялтираганча жуфт бия истаб кишнашар, дала ўтлари донлаб, қимиз ҳам тобига келган тўққизинчи ой бошланган эди.

Яйлоқнинг даштга туташ жанубий этаклари сомон рангига кириб қовжираган, ўрмалаган жонивор борки, соя-салқин дара ва сойликлар томон талпинарди.

Сокин оқар тиниқ сой бўйига тикилган подшоҳ саропардаси гумбазида Турон салтанатининг осмонранг байроғи ҳилпирар, султон қароргоҳидан маълум масофада жойлашган амиру мулозимлар чодирлари кенг дарага ажиб бир манзара бахш этган, этакдан эсаётган шамол қулоққа отларнинг кишнаши ва бевақт туғилган кўзиларнинг маърашини олиб келарди.

Табриздан келган чопар билан суҳбатлашган амир Нуширвон Барлос пешин намозини ўқиб бўлиб, саропарда саҳнига чиққан хоқон томон, отини етаклаган навкар эса ошчилар чодирига қараб юрди.

– Амир Қора Юсуф Султон Аҳмад Жалойирни қатлга етказибди, онҳазрат! Кўзингиз тушган навкар ҳозир ўша томондан келди, – деди Нуширвон Барлос подшоҳ қаршисидаги курсига оғир чўкаркан.

– Ё тавба! Астағфируллоҳ! – деди хоқон бу кутилмаган хабардан ҳайратга тушган оҳангда. – Не қадар буюк қотиллик! Наҳотки амир Юсуф шунчаликка борган бўлса? Буюк шайтонлик-ку бу! Қиблагоҳ ҳазратлари журъат этмаган ишга амир Юсуф қўл урибдими-а?

– Одатда шундай бўлади, аълоҳазрат. Бир пайтлардаги яқин дўстлар манфаату мақсад учун кураш бошланганда буюк ҳадафлар қарама-қарши келганда аёвсиз рақибу душманга айланадилар. Иккиси ҳам бизга дўст эмасдир. Улар биттага камайибди. Баттар бўлсин. Бу ҳам тангрининг юкимизни енгиллатгани, – ўзича содир бўлган воқеани изоҳларди амир Барлос. – Хоқон Те-мур қилмаган ишни амир Юсуф амалга оширибди.

– Дўстларнинг ашаддий душманга айланиши шундай тугайди, – деди подшоҳ бу хабардан ўйга толганча тилига бошқа сўз келмай.

– Султон Аҳмад Жалойирнинг маҳв этилиши, амир Қора Юсуфнинг кучайиши демақдир, – деди бошини маъноли соллаб амир Барлос.

– Ҳофизу созандаларимиз устози Хожа Абдулқодир Мароғий шу яқин атрофдамикин? – сўради хоқон орқа тарафда ҳайкалдек қотиб турган мулозимдан. – Ҳамон жорласинлар!

Хоқон қаршисида эскирган яқин, ёзлик енгил мўкки кийган, кулоҳли озғин Мароғий ҳозир бўлди.

– Сизни мудом кузатаман, устод! Доимо эски кийим-кечакда юрасиз. Бу етишмовчиликданми ёки бошқа бирор сабаби борми? – сўради подшоҳ Мароғийни бошдан оёқ кузатар экан. – Мен сиз улуғ устозга дўстман. Бошдан тортиб оёғингизга қадар боққанимни янглиш англаманг!

– Бу танбеҳни Самарқандда маҳди улё Сароймулк-хоним зоти олияларидан ҳам эшитган, сўнгида сарупо олган эдим. Яна айни муаммо қаршисидаман. Эски, ўрганган кийим-кечакда ўзимни эркин, роҳат сезаман, шарафли хоқоним! Янги либос кийсам узоқ муддат ўнғайсизланиб юраман. Одат экан. Нетайин. Зоти олийлари ҳам бир неча бор муносиб либослар-ла сийладилар. Бир қошиқ қонимдан кечинг, онҳазратим!

– Мен ҳам шундай дея фикр этган эдим. Амирзода Улуғбекнинг устози шайх Табризий ҳам сиз каби ғарибона кийинар, гоҳида яланг оёқ юрар эдилар. Бу авлиёларга хос бир хислат шекилли. Табриздан бир хабар олдик, устод, – муддаога ўтди хоқон.

– Хайрлиси ўлсин, хоқоним. Не ҳаводис экан?

– Мулозими бўлганингиз Султон Аҳмад Жалойир шаҳид кетибдилар!

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Ким шаҳид этмиш, хоқоним?

– Амир Қора Юсуф.

– Қўноқ қўноқни суймас, эв соҳиби иккисини ҳам, деганларидек, охири бири иккинчисининг бошини ебди-да! Оллоҳ раҳмат этсин! – деди Мароғий кафтларини юзига сийпаб.

– Сизни ҳам султон ҳазратлари қирқми-элликми дарра урдирган дея қулоғимизга чалинган эди. Бу гап ростми ёки?..

– Рост, хоқоним! Бир чақув қурбони бўлиб, қирқ дарра еганман!

– Не чақув? Сўйлай билурмисиз?

– Бу воқеа султон соҳибқирон ҳазратлари Боғдодни илк бор фатҳ этмасларидан бурун содир бўлган, онҳазрат. Боғдод карвонсаройида самарқандлик тужжорлар ила танишиб, суҳбатлашиб қолдим. Улар орасидаги Салоҳиддин Сабоҳий деган ёш бир йигит шоирликка ҳавасманд экан. Даврадагиларга Шоҳи Қаландарнинг икки битигини ўқиб берди. Барча баробар эшитдик. Карвонсаройдаги узунқулоқлар амир ул-умарога бу битикларни меники дея етказишибди. Амир ул-умаро айғоқ сўзини оқизмай-томизмай султонга етказган. Султон сўрамай-суриштирмай иккимизни ҳам зиндонбанд этишга буюрган. Султон ҳузурида кечган сўровда самарқандлик савдогарлар бу битиклар

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

ҳамшаҳарлари Шоҳи Қаландарники эканлигини таъкидлаб, тасдиқладилар. Бироқ омма орасида шундай битикни ўқиганлиги ва мен унга моне бўлмаганим учун зиндон жазоси қирк дарра билан алмаштирилди. Бироқ дарра еганимдан сўнг ҳам султон ҳазратлари мени саройдан қувмадилар. Дони ризқимни териб еб юрдим, улуғ хоқоним.

- Ўшал битиклар ҳофизангиздами?
- Хотирлашга уриниб кўраман, онҳазрат.
- Унда ўқий билурсиз.

Мароғий тик турганча қўл қовуштириб битикни ёддан ўқиди:

Золим оёғини ялаган қавм,  
Олим сиёқлини талаган қавм.

Отарчи оғзига қараган қавм,  
Сотарчи бўғзига яраган қавм.

Бахилдан садақа сўраган қавм,  
Ботилдан насаби тараган қавм.

Оқилни жоҳилга ўраган қавм,  
Қотилни кўппакдан кўриган қавм.

Қумдаин бирикмай нураган қавм,  
Феълидан балога ураган қавм.

Бир зум тин олган Мароғий иккинчи битикни ўқиди:

Қайғумизга қайдан куйсин,  
Дарди элдан бўтанлар.

Адли адолат шомида,  
Золим пешин тутанлар.

Шарафсизликни шон этиб,  
Шарафлини итанлар.

Беномуслик ботқоғига,  
Бўй баробар ботанлар.

Дину диёнат тонгида,  
Мисли мурда қотанлар.

Матлаб учун онасию,  
Отасини сотанлар.

Одам бўлиб яралгану,  
Лек яшамай ўтанлар.

Хоинликнинг шарбатю,  
Шаробини тотанлар.

Ожизлик остонасида,  
Итдан суяк кутанлар.

Азроилбек ташрифида,  
Дорда ияк отанлар.

Ботиру ғозий шавкати,  
Бу жаннатий ватанлар.  
Юрак қонин байроқ этди,  
Юрт деб шаҳид кетанлар.

Тупроқларни ватан тутди,  
Тупроқ бўлиб ётанлар.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Бу битик барча ҳукмдорларга тегишлидир, – деди ўйга толиб подшоҳ.

– Бундай аъшорлар султон соҳибқирон замонларида ва Самарқандда ёзилиши мумкин эди, – деди шеърдан таъсирланган амир Нуширвон Барлос бошини маъноли соллаб.

– Битикда қайд этилганидек ожиз, ночор ва шарафсиз кимсаларгина тэнқиддан азроилдан чўчигандек кўрқадилар, – кўшимча қилди хоқон. – Шаҳид султон хотирасига атаб бирор битик тузасизми, устоз?

– Тузажакман, онҳазрат.

– Битгач, ўқиб берарсиз?

– Бош устига, хоқоним!

– Кийсалар-да, киймасалар-да устод Мароғий ҳазратларига бир сидра бошдан-оёқ сарупо тақдим этилиб, уч ойлик маошлари миқдорида ақча берилсин. – амр этди хоқон хос мулозимга боқароқ.

– Зоти олийлари шундай лутфу марҳаматлар этадиларки, киши бу қимматли саруполарни кийиб тўздириш ўрнига хотира ўлароқ сандиққа солиб қўйгиси келади, – жавоб қилди Мароғий таъзим-ла бош эгаркан.

– Хоқон Шохруҳ ҳазратларининг ҳадялари дея бир неча баробарига сотарсиз, уста! Бек берганда бетига қарамай олаверинг! Давлатпаноҳимиз бу марҳаматни ҳар кимга ҳам қилавермайдилар. – суҳбатга кўшилди амир Барлос кулиб.

– Иншооллоҳ, биринчи харидорим, улуғ амир жанобларининг ўзлари бўлиб, бир бечора муғаннийга хайри саховат кўрсатарлар. – жавоб қилди Мароғий амининг ҳазилига ҳазил билан.

– Хоқони саид ҳазратлариники қадар бўлмаса-да бизнинг ҳам устодга атаганимиз бор, – деди амир тўкилиб қолган яқтак кийган Мароғийга қизиқсиниб боқаркан.

– Бизга бир берсангиз, парвардигор аълоҳазрат хо-

қонимиз ва сиз улуғ амир жанобларига мингини берсин!  
– дея дуо қилганча тисланди Мароғий.

– Ҳали замон Форс ва Ироқдан Искандар мирзо тазйиқидан қочган икки амирзодамиз ҳам етиб келиб қолсалар керак, – деди амир Барлос хоқон билан якка-ма-якка қолганда. – Бу амирзодаларимиз онҳазратнинг бошларини оғритмоқда давом этадилар чоғи.

– Искандар мирзо тож-тахтидан хавфсираб бу ишга қўл урмоқдами? – сўради хоқон.

– Табиийки, онҳазрат. Эшитишимизга қараганда, мирзо Искандар укаси амирзода Рустамни Табризга, амир Юсуфнинг ёнигача қувиб боргач, навбат мирзо Умаршайх мирзо Пирмуҳаммад ва мирзо Султон Али мирзо Рустам ўғилларига келади. Ворислик нуқтаи назаридан бу икки амирзоданинг амакилари салтанатига эгалик ҳақ-ҳуқуқлари маълумдир. Шунинг учун ҳар иккисига яхшилиқ билан мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишни айтибди.

– Мирзо Искандарнинг шубҳаю гумонида жон бор. Амирзодаларимизнинг бугундан эртага не нияту қарор билан ҳаракат этишларини тахмин ҳам этиб бўлмай қолди. Сас-садоси чиқмай юрган бир авлодимиз ҳам дуч келган тўртта фасодчининг қутқусига учиб, салтанат тулпорига мингиси келиб қолади. Назаримда, ёш амирзодаларимиз бу каби даъволардан узоқ бўлсалар керак.

– Отни тепмас, итни қопмас дема деганларидек, ҳеч бир авлодимизга ишониб бўлмай қолди, онҳазрат. Эътибор берган бўлсангиз, биз Самарқанд савдосини бошлаган бир амирзодадан аранг қутулиб, отамерос мамлакати томон йўлладик. Бироқ бирини жўнатиб, икки нафарини қабул этмоқ мажбуриятидамиз. Аҳвол бу тариқа кетса, Ҳирот қочган-писган шахзодалар билан тўлиб-тошади, султоним. Бунинг чорасини кўрмоқ керак деган ўйдамен.



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Тикилган қозон қайнамас деганларидек, келажатимиз умиди дея кўз тикканимиз бу амирзодаларимиздан ҳеч бир ёруғлик чиқмайдиган кўринади. Барча шаҳзодаларни ўз назоратингизда тутинг ва қайси вилоятларга йўлламоқ лозимлиги хусусида ўз фикрингизни сўйланг, – буюрди подшоҳ.

– Амри фармон хоқонимизнингдир.

Хоқон бир ҳафтадан сўнг Ҳиндистон шоҳи Хизрхоннинг элчиси, Мўлтон қозиси Бўриқул Сафоийни қабул қилди. Муносиб ҳадялар билан келган қози Хизрхоннинг итоаткорлик изҳорини хоқонга етказди.

– Хизрхон ҳануз ўз мамлакатини Турон салтанатига боғлиқ бир вилоят эканлигини қайд этиб, хоқони саид ҳазратларининг ному лақаблари билан минбарларга зийнат бериб, динорларини нақшлаганлигини, божу хирожни худди илгаригиси каби муддатида тўлаб боришини ўз устларига оладилар. Ҳар замону маконда бердигимиз сўзимиз сўз, хоқон зоти олийларининг амри фармонлари мамлакатимизда кечарлидир.

– Ул юртлар бизга отамерос мулклардир, қози ҳазратлари. Хизрхоннинг сидқу садоқати ва ҳиммату марҳаматини юксак қадрлагаймиз! Бизнинг салом ва тухфаларимизни ҳам етқуринг ҳамда хон ҳазратлари ўзларига чегарадош бўлган вилоятларни тасарруф этаётган амирзодаларимиз ила алоқада бўлсинлар, – дея Ҳиндистон элчисини йўлчи этди хоқон.

Ҳиндистон элчиси чиқиши билан саропарда Ширвон амири Шайх Иброҳимнинг хос навқари Отабек олчин кириб, тобуғ расмини бажо келтирди.

– Қулингиз, амир Шайх Иброҳим ҳазратлари садоқатларини яна бир бор таъкид этиб, йўл хавф-хатардан холи бўлмаганлиги учун айрим муҳим гапларни оғзаки етказмоқни айтдилар, – деди навқар хоқонга яқин келиб.

– Сўйлай билурсан! – деди хоқон бошини эгиб диққатла кулоқ соларкан.

– Хабарингиз бор, зоти олийлари. Султон Аҳмад Жалойир амир Қора Юсуф қорақўйинли элидан шаҳодат шаробини тотди. Султон-ла амир Шайх Иброҳим орасидаги муносабатлар илиқ эди. Султон қатлидан сўнг Озарбайжону Ироқдаги вазият ўзгарди. Жалойирлар энди ҳеч қачон қорақўйинлилар билан англаша олмайдилар. Улар энди амир Юсуфга қасдлашган ҳолда теурийларга яқинлашмоқ ниятидалар. Сизларга тобе яшамоқлик, султонлик бўлмаса-да, беклик мақомида мулки давлатларини тутиб қолмоқликнинг сўнгги шарти дея фикр этмоқдалар экан, – дея сўзини мухтасар этди хос навкар.

– Отақадрдонимиз амир ҳазратларининг фикрларини ангадим ва қабулландик. Биздан хабар бекласинлар! Сиз юртга дўна билурсиз! – дея Ширвон навкарига ҳам кетмоққа изн берди хоқон.

Туркистон ва Мовароуннаҳр подшоси султон Улуғбекнинг навкари Ҳамзайи чухрани тинглаган хоқон ҳузурига амир Нуширвон Барлосни чорлашни буюрди.

– Мовароуннаҳрда ишлар яна қоришадиган кўринадир, амаки, – деди хоқон бекни ўтирмоққа ишорат этаркан. – Шайх Нуриддин амир Худойдод Ҳусайнийнинг ишини давом эттириб, ўз ажали билан ўлмайди чоғи.

– Не ҳаводислар, онҳазрат? Ул манфур яна исён кўтарибдими? – кўз косаси каттарди амирнинг.

– Амирзодамиз юборган Ҳамзабекнинг сўзларига қараганда, Шайх Нуриддин мўғул подшоҳи ҳузурига борган. У эса амирга Шамъи Жаҳон қўмондонлигидаги ўн саккиз минглик қўшинни кўмак учун берган. Мўғул қўшини Сайрамга яқинлашаётган эмиш. Бу гапни амирзодамиз банди ўлароқ юборган бир мўғул аскарари ҳам тасдиқлади.

– Кечган йилги сафаримиздаёқ бу қари шақалнинг ишини битириб келишимиз лозим эди, онҳазрат. Олий

## Нурали ҚОБУЛ

---

салтанат хасталигига дучор бўлган бу қирриғни барта-  
раф этмасак, Туркистон мулки тинчимайди.

– Тўғридир. Бунинг устига Идику Барлоснинг ўғли  
султон Увайснинг Кермондан юборган элчиси ҳам но-  
хуш хабарни келтирди. Форс ва Ироқ ўлкаларини забт  
этган Искандар мирзо Кермон томон юриб, атрофлари-  
ни кунпаякун қилаётган экан. У тарафда ҳам тинчлик ва  
осойишталик ҳукм сурмайдиганга ўхшайди.

– Форсу Ироқ тарафдан бизга хавф-хатар йўқ, чамам-  
да, онҳазрат. Искандар мирзо амир Қора Юсуф ташви-  
шидан ортиб, бу тарафларга қараб юра олмайди. Шу-  
нинг учун зудлик ила Туркистон муаммосини ҳал этмоқ  
керак, деган фикрдамен. Шайх Нуриддиннинг ақлидаги  
мустақиллик савдоси ота юртимизни исёнлар гирдобига  
тортаверади.

Бодғис яйлоғидан қайтган хоқон сафар ойининг йи-  
гирманчисида доруссалтана Ҳиротга Боғи Зоғон кўшки-  
га етиб келди.

Бир ҳафтадан сўнг эса амир Шохмалик таълимоти  
билан пойтахтга етиб келган Эсиргап Найман тобуғ рас-  
мини бажо келтирароқ амирнинг мактубини хоқонга  
узатди.

Зарфни ўзи очган подшоҳ мактубга кўз югуртирди.

*“Хоқони саид ҳазрати олийларига дуойи саломла-  
римизни йўлпаяроқ эски фитначи Шайх Нуриддин-  
нинг исён байроғини кўтармоқда давом этаётганини  
маълум этмоқ мажбуриятида қолдик. Бизнинг Саврон-  
га етиб келган мўғул чериги билан ишимиз йўқ ва улар  
билан савашмоқ ниятида эмасмиз. Улар ҳам буни ан-  
глаб, бизга қарши қилич ўқталмасалар керак, деган ўй-  
дамиз. Бизнинг ҳисоб-китобимиз Шайх Нуриддин билан.  
Онҳазратдан фармони олий содир бўлса ва биз Саврон-  
ни муҳосара этсак. Шоядки ул ваҳший тузоққа тушса”.*

– Биз илгари ҳам таъкид этганимиз каби Туркистону

Мовароуннаҳр юртининг жиловини амир Шоҳмаликнинг теран зақосу пухта ўйлаб қадам босувчи тадбирига ҳавола этганмиз! Турумга кўра амирзода Улуғбек ва Самарқанд ақобиру амирлари билан маслаҳатлашиб, иш кўра билурлар!

Хоқондан таълимотни олган Эсиргап Найман эртаси куниеқ равоту ёмларда от алмаштириб, Самарқандга қайтди.

## **ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ**

*Ота молига ишонма, ота сўзига ишон.*  
**Отасўзи**

Амирзода Улуғбек билан Кўксарой ҳовлисида учрашган амир Шоҳмаликнинг соқоли калта қирқилган оқиш юзида ташвиш аломати зоҳир эди.

– У илоннинг ёғини ялаган манғит мени тинчитади ёки бўлмасам мен унинг бошига етаман, – деди амир Шоҳмалик Шайх Нуриддинни назарда тутиб.

– Шайх Нуриддин манғит қавмиданми? Некўз эмасми? – сўради амирзода устоз ва шогирд сарой томон юраркан.

– Некўз уруги манғит қавмига мансуб, амирзодам. Улар пишиқ-пухта, ўз ишини битирмоқ учун ҳар қандай пасту баланд чораю тадбирдан қайтмайдиган, сувнинг оқимига қараб иш кўрадиган бир аймақ ҳисобланадилар. Булардан устун бўлсангизгина ҳокимиятингизни тан олиб, бўйин эгадилар. Ўзини сиздан устун ва бой кўргани он феъл-атвори ўзгаради. Оёқ учида кўрсата бошлайди. Менинг улуғ хоқон бобонгиздан қолган қон душманим Шайх Нуриддин ана шундай бир кимсадир. Бошини Шамъи Жаҳон кесиб бизга жўнатган амир Худойдод эплай олмаган ишни ул сотқин амалга оширмоқчи. Ҳисоб-китоб

они яқинга ўхшайди, амирзодам. Қиблагоҳингиз, хоқони саид ҳазратлари яғийга қарши кўрилажак ҳар қандай чораларда қарор бермоқ еткисини менинг зиммамга юклабдилар. Эсиргап Найман куни кеча Ҳиротдан қайтиб келди. Фурсат қайб этмасдан ҳаракатга кечмоғимиз керак.

– Менинг навкарим Ҳамзабекка ҳам шундай дебдилар. Қиш шароитида юрмоқ оғир кечмасмикан, устоз? – сўради амирзода.

– Ҳаракатни кузатиб ўтираверсак, у худди илгаригидек устимизга бостириб келади. Душманни ўз уйимизда қаршилагандан кўра уясида янчиб ташлаганимиз маъқул, амирзодам.

– Сиз не қарор берсангиз розимен, устоз. Мен ҳам сиз ила бирга бормоққа ҳозирмен, – астойдил эди мирзо.

– Сиз бошкентда қолмоғингиз лозим, амирзодам. Маъқул десангиз ҳозирча илғор ўлароқ амир Мусако ва амир Ҳамза тархонларни Саврон томон юборсак. Улар ортидан ҳозирлик кўрган ҳолда мен йўлга чиқсам.

– Маъқулдир, устод. У тарафда отасидан қолган мулкларни сўраб турган амир Худойдоднинг ўғли амир Абдухолиқнинг ҳам Шайх Нуриддинни кўрарга кўзи йўқ бўлса керак. Ундан-да фойдаланмоқ мақсадга мувофиқми дейман?

– Ғоят тўғридир, амирзодам. Амир Абдухолиқ унга қарши тиғ тортмоқ дамини беклаб ётган бўлса ажаб эмас. Қиблагоҳингиз ҳазратлари ҳам биз томон от суриб келсалар керак, деган ўйдаман. Саврон томон кетажак бекларимиз ишни битирсалар, менинг йўлга чиқмоғимга эҳтиёж қолмас балким.

Самарқанд кўшини шитоб-ла Саврон йўлига тушди. Черикнинг Сайхун сувидан ўтганидан хабар топган амир Шайх Нуриддин кўшини савашга ҳозир эмаслигидан чўчиб, мўғуллар томон чекинди.

Амир Шайх Нуриддинни Саврондан сиқиб чиқарган амирлар Самарқандга қайтишди.

Амир Абдухолиққа ёзилган мактубни олган Эсиргап Найман Сайрам томон учиб борарди.

*“Авлодим Абдухолиқбек! Отадушманларимизга қарши бирга курашмоқ сизнинг ҳам муддаонгиз бўлса керак. Биз исёнчи амир Шайх Нуриддинни Саврондан қувиб чиқардик. Бироқ қўшинимиз Саврон ҳудудларидан қайтиши билан яна дўниши мумкин. Сиз муҳтарам амиримизга пистирмада туриб, таъзирини беришингизни лозим кўрдик. Хоқони саид Шохруҳ султон ҳазратлари номларидан сўзимиз шулким, сиз ила ҳамкорлик ва иш бирлиги ичида муносиб муносабатлар давом этажак. Мақсад умумий яғийни йўлдан олиб ташламоқдир. Биз ҳам сизни дастакламоққа ҳар замону маконда ҳозирмиз”.*

– Амир Шайх Нуриддин кейинги пайтда худди Худойдод Ҳусайний каби мўғул хони Муҳаммадхонни бизга қарши қўлламоқ ниятида, амирзодам. Шамъи Жаҳон амир Худойдодни маҳв этиб, бизга катта кўмак этди. Муҳаммадхонга ўз илиқ муносабатимизни билдириб, совға-саломлар ила элчи юборсак. Зора шундан сўнг шайтон Шайх Нуриддинга кўмак этмаса-да, бетараф турар. Унинг тарафсизлиги бизга ёрдам этганидан-да фойдалидир.

– Маъқулдир, устоз, – отабегининг фикрига қўшилди амирзода Улуғбек.

Амир Шохмаликнинг тахмини тўғри чиқди. Амирлар Мусако ва Ҳамза тархонлар Самарқандга қайтиши билан Шайх Нуриддин ва жамоаси ўз вилоятига қайтди. Амир Абдухолиқнинг шай қуролланган чериги пистирмадан чиқиб устига мўри малахдек ташланганида хатосини англади. Отадушман амир Абдухолиққа сулҳу яраш элини узатганида қайтармас эди. Ички бир гурур бунга йўл қўймаган эди. Одатда шундай бўлади. Уйлаганинг бошинга келади.



Жанг бир ҳафтача давом этди. Амир Шайх Нуриддин чериги парокандаликка юз тутди.

Тўқнашув бошланганининг еттинчи куни эди.

Амир Абдухолик энг яқин беклари билан юксак тепалиқда туриб савашнинг боришини кузатар, вазиятга қараб толиққан бўлинмаларга икки-учтадан ўнлик юборар, тинмай суворийларини жанг майдонига жўнатиб, вазиятни назорат этарди.

– Амирим! Шайх Нуриддин қочмоқ тараддудида! Не қилайлик? Тутайликми? – сўради ҳовлиққанча от чоптириб келган юзбошиларидан бири.

– Атрофида одам кўпми?

– Ўттиз чоғли суворий бор!

– Таъқиб этингиз! Отларингиз толиққанга қадар қувингиз!

– Сўнгра-чи, амирим? Сўнгра тутайликми?

– Сўнгра ортга қайтингиз!

– Нега, амирим? Қутилиб кетади-ку!

– Уни тутсак амир Шоҳмаликка топширишимиз керак. У эса эски душманини ўша заҳотиёқ қатл этади. Амир Шайх Нуриддиннинг авлодлари эса биздан домангир бўлиб, хун талаб қилади. Йўқ ердан ғавғони бошимизга сотиб оламиз! Анладингми, юзбоши!

– Англадим, амирим!

– Англасанг ҳамон унинг ортидан ўзинг қўш ва Туркистон сарҳадидан қувиб чиқар! Усиз ҳам амир Шоҳмаликка тушида ҳам кўрмайжак бир ғалаба ҳадя этиб турибмиз.

Юзу кўзи қон суворий оти жиловини орқага бурганча чопиб кетди.

– Амир Шайх Нуриддинни тутиб топширсак султон Шоҳруҳ ва амир Шоҳмалик олдида мавқеимиз юксалиб, янада ишончларига кирармидик, амирим? – гап қотди Абдухоликнинг ёнида турган амир Темурмалик Дўлдай.

– Амир Шоҳмалик билан бугун дўст ва иттифоқчимиз. Эртага не кору ҳол юз беради, бу яратганга маълум-

дир. Аслида биз Шайх Нуриддин билан англашароқ бир сўзда турганимизда, улар биз билан ҳисоблашишарди. Темурнинг сўнгги амир ул-умароси ҳокимиятни кимса ила пойлашмоқ ниятида эмаслигини кўрдик. Натижада барчасидан ҳам қуруқ қолди. Баттар бўлсин! Уни асир олиб амир Шоҳмаликка топширганимизда эди, биласизми, аҳволимиз не кечарди? – амирга маъноли боқди Абдухолиқ Ҳусайний.

– Йўқ. Билмадим, амирим, – деди Темурмалик ёш амирнинг аниқ ҳисоб-китобидан сергак тортиб.

– Биз амир Шайх Нуриддинни ўртадан кўтариб ташласак, муаққақ навбат ўзимизга келади. Улар Турон салтанатидаги барча вилоятларни худди илгаригиси каби ўзларига тобе бўлишини истайдилар. Шаҳид отамизнинг хатти-ҳаракати оқибатида ҳеч қачон бизга ишонмайдилар. Биз ҳам бу ишончсизликни ҳисобга олиб иш юритмоғимиз, керак пайтида уларни пахта билан бўғизлаб турмоғимиз керак бўлади.

Амир Темурмалик Дўлдай маъноли бош ирғади.

Кўксаройнинг машваратлар солинида ўтирган амирзода Улуғбек ва отабеги амир Шоҳмалик Сайрам қалъасини қароргоҳга айлантирган амир Абдухолиқдан хабар кутишарди.

– Сайрам қалъасидан амир Темурмалиқдан чопар бор, – деди эшик оғаси солинга кириб.

Амирзода Улуғбек отабегига ҳайрон боқди.

– Амир Абдухолиқ жангда ҳалок бўлганмикан? Нечун амир Темурмалиқдан чопар келади? – ўз-ўзига савол берди амир Шоҳмалик.

– Чорланг! – буюрди мирзо Улуғбек.

Тобуғ расмини бажо келтирган навкар сўзламоққа киришди.

– Амир Абдухолиқ хасталаниб, Оллоҳнинг раҳматига қовушди. Амир Шайх Нуриддин ўттиз чоғли суворий билан мўғул томонга қочди. Амир Темурмалик Дўлдай че-



риги Сайрам қалъасини қароргоҳ ўлароқ фойдаланиб, ҳудудни назорат этиб турибди. Амир Шайх Нуриддин кўшинидан катта ғанимат, жумладан, ўн минг от ўлжага тушди. Амир Дўлдай жаноблари султон Улуғбек ва улуғ амир жанобларидан таълимот беклаяжагини етказишимни арз этдилар. Амир жаноблари мўғул хавфи борлигини ҳам алоҳида таъкидладилар. Амир Шайх Нуриддин мағлубият аламини олмоқ учун барча чораларни кўражагини назардан қочирмаслик лозимлигини алоҳида қайд этдилар.

– Унда сен, чопарбек! Бугун истироҳат эт-да, эрта эрталаб яна Сайрам йўлига туш. Қўлингга амир Темурмалик Дўлдайни Шайх Нуриддиндан тортиб олинган ерларга ҳоким этиб тайинлаш ҳақидаги ёрлиқни берамиз. Амир Темурмалик сарҳадларимизда муқим ва мардонатор туриб, яғийга муносиб қаршилиқ кўрсатмоқда давом этсун. Иншооллоҳ, бул хизматлари улуғ подшоҳимиз, хоқони саид ҳазратлари томонидан ҳам энг олий мақомда тақдирланажак. Биз ҳам сафарга ҳозирлик кўрмоқдамиз ва вазиятга кўра йўлга чиқамиз. Бирорбир янгилик бўлса, ҳамон ортга дўн! – чопарга таълимот берди амир Шоҳмалик. – Вазифани англадингми?

– Англадим, улуғ амир жаноблари!

– Унда истироҳат эта билурсан! Сабоҳ, бомдод намозидан сўнг келиб нишонни оласан!

Чопар тисланганча солинни тарк этди.

Эсиргап Найман ярим кечада Ражаб Турдиқоранинг Бўстонсаройдаги ҳужрасига кириб келди. Ясовулбоши донг қотиб ухлар эди.

– Кўзни очинг, ясовулбек! Ўнгда насиб этмаган ҳурлиқою малакларни рўёда кўрмоқликдан фойда йўқ! Туринг, зарур гап бор!

– Бу қадар бемаҳалда қандай зарур гап бўлиши мумкин, биродар? – дея кўзини уқалаганча чордона қуриб ўтирди Турдиқора.

– Турфондаги бир кишимиз ўқ каби учиб келибди. Амирзодамиз ва улуғ амир жаноблари Турфонга, Хизрхожа ҳузурига юборилган Хуррам Пашоғарий бошчилигидаги Самарқанд элчилари ҳибсга олинган. Хоннинг амрига кўра қардоши Шамъи Жаҳон кўмондонлигидаги катта кўшин Ғарбий Туркистон йўлини тутган эмиш, – тунги безовталик сабабини очиклади Эсиргап Найман.

– Улуғ амирзодамиз ва отабегилари хавф-хатарни бекласалар-да, Хизрхожахон амир Худойдод воқеасидан сўнг бу каби юришга бош қўшмаса керак деган фикрда эдилар, – деди Ражаб Турдиқора кутилган хабардан ҳайрон бўлмай.

– Отадушман дўст ўлмас, дегани тўғридир, қардошим. Имкони туғилгани он улар биз томон от кўяверадилар. Боиси ота-боболари шундай қилиб келганлар. Улуғ хоқон замоналарида дамлари ичига тушиб, кечмишдаги босқинларини соғиниб қолган бўлсалар керак-да.

– Вазифа англашилди, қардошим. Сиз ҳам узаниб, бир оз истироҳат этинг. Бомдод намозига таъқибан Кўксаройга ўтамиз.

Эсиргап Найман ҳам хонтахта ёнига чўзилди. Бироқ кўзи илинмади.

– Уйқу қочиб кетди, қардошим, – деди бошини ёстикдан кўтариб ўтираркан Ражаб ясовул.

– Мен ҳам ухлаганим йўқ. Шифтга тикилиб ётибман, – жавоб қилди Найман.

– Унда гурунглашиб ётамиз, қардошим. Ҳадемай муаззин ҳам азон айтиб қолса керак. Мен бир нарсага ҳайронман, Эсиргап оғайни. Амир Шайх Нуриддин Турон салтанатида Оллоҳ раҳматига олган бўлсин султони ғозий ҳазратларидан кейинги иккинчи шахсият эди. Қавми некўздан бу қадар юксак рутбаю мақомга етишган кимсани билмаймиз. Дашти Қипчоқда Идику ботир бўлса, Мулки Туронда амир Шайх Нуриддин эди. Амирлар

Худойдоду Оллоҳдодларнинг исён байроғини кўтариб не ҳолга тушганларини кўриб-билиб туриб нечун айнан шу йўлдан бормоқда? Шунга ҳайронман. Наҳотки, у ўзини Шоҳруҳ султонун амир Шоҳмаликдан кучли ва устун санаса? Шуларни ўйлаб уйқум учиб кетди. Ўйлаб ўйимга етолмаётирман.

– Менинг ожиз фикримга кўра, бу салтанат можа-росида илк чириқни бузиб сувни лойқалатган собиқ подшоҳимиз Халил Султон ҳазратларидир. Йигирма бир ёшли амирзода тўрт йил мобайнида жаҳонгир Амир Темур Кўктошини кимсага бермай салтанат сурди. Замонида хоқони саид ҳазратлари ҳам унга қарши тура олмади. Кешгача шитоб-ла от суриб келган валиаҳд Пирмуҳаммад эса шундай тезликда жуфтаси ростлади. Унга ишониб, қўл-қанот бўлмоққа ҳаракат этган амир Шоҳмалик билан мирзо Улуғбек зоти олийлари ҳам маҳжуб турумга тушдилар. Бу томошани кўриб турган султон соҳибқирон ҳазратларининг узанги йўлдошлари Худойдоду Шайх Нуриддиннинг ҳам пайтавасига қурт тушди. Халил Султондек соқоли сўнгигача чиқиб улгурмаган бир йигитча бошқарган мамлакатни нечун биз йўнатмаслигимиз керак деган васвасага тушдилар. Бор гап шу, ясовулбек ҳазратлари, – суҳбатдошининг саволига жавоб берган бўлди хос махфий мингбоши Эсиргап Найман. Ошхона мойли бўлса, меросхўр мойсиз бўлар дегандек, буюк бобонинг ёғли хазиналари таги кўриниши билан собиқ султонимизнинг салтанат байроқлари йиқилди.

– Амирлар Мусако билан Ҳамза тархонлар, қолаверса, Абдухолик Худойдод сиқувига бардош бера олмай Турфон сари айиқ қувган сигир каби қочган Шайх Нуриддин эрта кунда қандай қилиб Шоҳруҳ султонун амир Шоҳмаликка дош бера олади? Кимсага хайр келмаган

мўғулу дуғлат хону хонзодаларидан умидвор бўлмоқ, маҳбуснинг маҳбусдан садақа тиламоғи ила баробардир.

– Шайх Нуриддин ҳар қандай хону хонзодани илондай авраб иш битирмоқ бобида тенгсиз иқтидору қобилият соҳибидир. У бошдан кечирган катта ишлару буюк тадбирларни кўзи очиқ амиру умаролар орасида кимса кўрмаган. Эшитишимга қараганда, у ўз мақсадига эришмоқ учун авротни ишга солган.

– Англамадим, биродар. Очиқроқ сўйланг, – икки тирсагини хонтахтага тираб сўради Турдиқора.

– Мўғулларга садоқатини исботламоқ учун қизини Муҳаммадхонга бераётган эмиш.

– Йўғ-е?!

– Тешик қулоғимга кирган гап шу, дўстим. Яна қолгани эгасига маълум. У оқим келмасидан бурун дамбаю сув айирғичларни тайёрлаб қўядиган пишиқ одам дедим-ку! Акс ҳолда сўйлаганингиз каби амир Худойдоднинг қисмату қадари бошига тушиши мумкин.

– Ният ўқимоқ хасталигидан йироқ бўлсам-да, ақлимга келганни сўйламасам, ёрилиб ўламан, Эсиргап қардошим. Собиқ амир ул-умаро ҳазрати олийлари малаксифат қизларига қўшиб азиз ва ақлли бошларини ҳам топширадилар-ов? Назаримда, амирнинг хуни етиб, куни битгандай. Кимсан калласи сапчадек узилган амир Худойдоднинг ўғли Абдухоликдан мағлуб бўлган одамни ўзга бир қадар кутмаса керак, деган андишадаман.

– Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмаганидек, ақлнинг ҳам буюгу уфоқи бўлмайди, биродар. Усмонли туркларидан ийилиқдан мараз дўғар деган ота сўзи бор. Ҳозирги мавқеи ҳам ҳеч бир султондан кам эмас эди. Кимсага насиб этмаган темурий малика Тумон оқо ҳам унинг ҳарамида бўлса. Билмадим унга яна не керак? Ишқилиб, раббим бу ишларнинг сўнги ва сўнучини хайрли ёзсин! Бироқ темурийлардек улуг аждод ва сулоланинг авлод-

лари буюк тушуниб, улуғ боболари каби ҳар неки ишни сулҳу адолат ила ҳал этмоқ жаддида бўлмоқликлари керак.

– Зотан, Шоҳруҳ султон ҳазратлари шундай қилмоқдалар. Халил Султонун амир Худойдод масалаларини бир томчи қон тўкмай, кимсага жон чектирмай ҳал этдилар. Дунё моли келиб кетгувчи, салтанатлар ўткинчи эканлигини амир Шайх Нуриддин каби кишилар англаб етмагандан кейин, омию раиятга тангри тўзим берсин!

– Шундай, дўстим. Ният бошқа, қадар бошқадир. Эртага азроил жонини оладиган киши ҳам юз йил яшайдигандек дам уриб, еб-ичаверади. Устод мударрис Шарофиддин Дизакий отанинг даражасини билмоқ учун, болада ҳам маълум бир даражада бўлиши керак, деган эдилар.

– Қулоқдаги сув ичади, этакдаги чув тушади дегандек, бу сўғишу савашлар, тахту салтанат ғавғоларининг бир қурбони борким, у ҳам бўлса улус, сипоҳийу суворийдир. Таёқ халқнинг бошида, қилич эса аскарнинг тўшида синади. Бугун шаҳарда Масти Қаландарнинг шогирдлари айтиб юрган айтувни тингладим. Том Кўктош орзусидаги амирларга бағишланган.

– Айтинг-чи!

– Отни кўрса оқсайди,  
Сувни кўрса сувсайди.  
Туронда амир борки,  
Кўксаройни қумсайди.

– Масти Қаландар доимо нишонга уради. Халил Султонни тахтга ўтқазиб, унинг қўли билан Турон давлату мамлакатини бошқармаган деган амирлардан бир нафари ҳам қолмади. Барчасига Кўктош эмас,

кундаю-қабртош насиб қилди. Бироқ бу қисмату қадар қолганларига ҳам сабоқ бўлмаётир.

– Сарандиб оролида юрганимда чучук сув оқиб чиқадиган кичик бир булоқни топдик. Булоқнинг ортидан ер остига кириб кетадиган бир ғор бор экан. Ғор хатарсиз кўрингани учун тушиб боравердик. Шеригимиз бундай ер ости ғорларида кўзсиз балиқлар бўлиши ва уларни тутмоқ осонлигини айтди. У тўғри сўйлаган экан. Ер ости сойлари ва кўлида кўзи йўқ балиқлар сузиб юришарди. Биз машъала ёқиб уларни бемалол тутиб олавердик. Кишининг ақли бовар қилмайди. Ер усти ёруғ, кўрмоққа зарурат бўлганлиги учун унда яшовчи жониворларда кўз бор. Ер остида, кўришга эҳтиёж бўлмаган жойда яшовчи мавжудодга кўз битмаган. Буни изоҳ этмоқ учун буюк олим бўлмоқ керак, албатта. Атрофимизда содир бўлаётган воқеалар ва одамларнинг хатти-ҳаракатини кўриб, шу балиқлар ёдимга тушаверади. Назаримда биз ўша балиқларга ўхшаймиз. У балиқлар кўзлари йўқлиги учун кўрмайдилар. Биз эса кўзимиз бўла туриб кўрмаймиз, қулоғимиз бўла туриб эшитмаймиз. Қалбимиз ила ҳис этиб, ақли идрок мантиғи ила тўғри қарор қабул қилмоқ закосидан айри тушганмиз.

– Тўғри, ясовулбек устоз. Қани энди имкон бўлсаю, биз ҳам китоб қўлтиқлаган талабалар каби мадраса таълимини олсак, – деди Ражаб Турдиқоранинг оғзига қараб қолган Эсиргап Найман.

– Ўқимоқни истасангиз, мен олийбахт амирзодамиз зоти олийларига айтаман. Мадрасаларда қирқ ёшдан ошган талабалар бор. Ўқимоқ учун ҳеч қачон кеч эмас. Фурсат топиб, орада хабарчиликни ҳам қилаверасиз. Фақат сафарлар камроқ бўлади.

– Менинг тўғридан-тўғри хўжайиним амир Шоҳмалик. Амир жаноблари эътироз билдирмасалар бўлди, ишқилиб.

– Бу гапингизда ҳам жон бор, Эсиргапбек. Амирзода Улуғбек рози бўлсалар-да, отабеги Шоҳмалик сўнг таълимотни бермаса, иш битмайди. Ўз кўзим ила кўрдим. Амир жаноблари мирзомизнинг бир қанча буйруқларини бекор қилдилар. Кўнгиллари ранжиса-да, кибор амирзодамиз оғиз очиб устозларига бир сўз демадилар. Бироқ сездимки, диллари оғриди.

– Амир Шайх Нуриддиндек бозор кўрган эчки қаршиларида шайтон каби соқоли жалпиллаб маъраб турганда устозу шогирд орасидан гап қочмаслиги керак. Акс ҳолда ишга туя боққанга атон<sup>1</sup> йўқ, қўй боққанга қўтон йўқ қабалида бўлиб чиқади, биродар.

– Одатда юксакдагилар қуйидагилардан маслаҳат сўрамайдилар. Ҳаммадан ақли ва доно бўлганлигим учун шу юксакликка кўтарилганман дея захн этадилар, ясовулбек қардошим. Бироқ подшоҳимиз Улуғбек мирзо олимдирлар. Назаримда ул олий зотнинг олимликлари султонликларини босиб кетади.

– Тўғри сўйлайдурсиз, биродар. Ул кишим ўзга амирзодалар каби тахту салтанат учун ўзларини ўту чўққа уравермайдилар. Амирзодаларимиз буюк боболари ва оталари шон-шуҳрати билан эмас, ўз ақли заковатлари, инсоний иқтидорлари, олимлик қобилиятлари ва султонлик салоҳиятлари ила мулки давлатни бошқариб, эл-улус эътиборларини қозонмоқлари лозимдир. Янглиш майдонларда от чопиб, қулочни янглиш очган беш нафар амирзода шаҳид кетди. Хатолар дарёсининг оқиши, нуқсонлардан тўғри хулоса чиқарилмаганлигини кўрсатмоқда, оғайни. Бироқ сўйлаганингиз каби Улуғбек султон айри бир инсоний сифатлар соҳибидирлар. Ёвуз амиру очкўз лашкарбошилар, ўлжаталаб аскарлару кўмагу кавуш учун яшайдиган оломон амирзодамизнинг бу киборликларини олимликларининг қадрига етармикан?

---

<sup>1</sup>Атон – ахта қилинган туя.

– Қарға кўрганини чўқийди, ҳар ким билганини ўқийди, дўстим. Бориға барака, йўғига ҳаракат қилинади. Еринг қай ранг бўлса, илонинг шул ранг деганларидек, сиз яхшими, ёмонми, очми-тўқми, ўғрими-тўғрими мавжуд умароннинг ҳукмдорисиз. Улусдан мен олиму доно, фозилу комил бир подшоҳман. Сен ҳам менга муносиб бўлишинг керак дея бошида ёнғоқ чақа олмайсиз. Ёмонни ер-ла яксон этмай, яхшини эчкиллатмай, адолат тарозиси посангини тўғри тутмоқда собит бўлиб, уни бошқарасиз. Шуларни эплаб, элнинг олдида юрсангиз салтанатингиз узоқ давом этади. Раият сиздан рози бўлади. Фикрлаш ва ҳаракат этмоқда элдан ортда қолдингизми, тамом. Сизни тахтдан ағдариб, ўрнингизга ўғлингизни подшоҳ қилиб кўтарадилар. Зотан, кишилар турмушу ҳаётида бўлганидек, салтанат ишида ҳам ота молига ишониб эмас, ота сўзига ишониб иш юритилади.

– Тўғри сўйладингиз. Чироқ кўтарган орқада юрмайди. Бироқ мол-мулксиз давлат иши юрмас, Ражаббек устоз. Мол-мулксиз ҳоқимият, қабристонга қоровуллик қилмоқ ила баробардир, – Турдиқоранинг оғзига қараб қолган эди Эсиргап Найман.

– Тўғри. Ақл-идрок ишласа ва тўғри тадбир-ла иш юритилса, мол-мулк топилади. Бироқ ҳақ сўзу тўғри маслаҳат ҳар замон ҳам топилавермайди. Мен шунга урғу бермоқчи эдим, қардошим.

– Қишлоғимизда эски суворий, Холбек тоғбеги деган одам бўларди. Қари байталини минганча тоғ кезиб юрар, аҳён-аҳёнда бир-иккита нақлми мақолми айтиб кўярди. Югурик чаман<sup>1</sup> бўлар бўйнидан ёл кетса, яхши ёмон бўлар қўлидан мол кетса, деб кўярди у одамлар ёнидан ўтаётганда бош соллаб.

– Ажойиб отасўзи экан. Элингиздан мулку мансаб кетдими, тамом. Одам қиёфасидаги буқаламунлар ўша

---

<sup>1</sup>Чаман – қамчиласа ҳам юрмайдиган от.



заҳотиёқ тўнларини тескари киядилар. Одамгарчилик оталарининг қулига, инсонийлик Кўппакхоннинг чақа пулига айланади. Тоғбегининг теша тегмаган шундай нақлларида хотирангизда қолган бўлса сўйланг. Мингта олди-қочди гапдан кўра, битта ҳайратомуз отасўзи афзалдир.

– Одатда қай бир мавзуда сўз кетса, киши ҳофизасига шундай мақолу маталлар келаверар экан. Нақлу мақол ҳақида суҳбатлашгандик, беихтиёр шу мавзудаги сўзлар эсга тушди. Тоғбегининг ёзган билан мақол битмас, кўса юзига соқол битмас, ақлли нақллаб сўзлар, ақлсиз лақиллаб сўзлар, деган ғалати отасўзлари ҳам бўлар эди.

– Бундай бебаҳо отасўзларини тинглаймизу, амал қилмаймиз-да, қардошим. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, амир Шайх Нуриддин не қадар отини халалаб, итини ёлламасин (жунини тараб киш-кишламасин) ўзи каби сотқин мўғуллар билан бир манзилга ета олмайди. Намоз вақти ҳам бўлиб қолибди. Туринг, таҳоратимизни қилиб, бомдодни ўқийлик, – дея ўрнидан турди ясовулбоши.

### **ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ**

*Кимники зоҳири обод бўлса, ботини вайрондир.*

**Машойихлар ҳикмати**

Бўстонсаройдан чиққан икки мулозим қоровуллар билан саломлашиб, Кўксарой ҳовлисидаги садақайрағоч тагидаги сўри томон юрдилар.

Мавжуд тартиб бўйича ҳукмдорга етказилиши зарур бўлган хабарни олиб келган чопар шу сўрига келиб ўтирар ва мулозимлар уни хоқон ёки амир ул-умаро ҳузурига олиб кирар эди.

Бир коса қимиз ичгулик фурсат ўтиб-ўтмади. Кўкса-ройдан йўталганча амир Шоҳмалик, орқама-орқа амирзода Улуғбек чиқиб келдилар.

– Тонг отмасдан не ҳаводислар? – деди амир Шоҳмалик ясовулбоши ва хабарчининг саломига алик олиб.  
– Хайрдир!

– Турфондан одамимиз келди. Муҳаммадхон амир Шайх Нуриддиннинг кутқуси билан Хуррам Пошағарий бошлиқ элчиларимизни ҳибсга олибди, – деди Эсиргап Найман.

– Амир Шайх Нуриддин Турфонда эканми? – сўради амир Шоҳмалик бу хабардан сергак тортиб.

– Ўша ерда экан, амир ҳазратлари. Муҳаммадхоннинг биродари Шамъи Жаҳон қўмондонлигидаги қўшин билан Сайрам сари келаётган эмиш.

Кутилмаган хабардан ҳайрон бўлган мирзо Улуғбек ўйга толганча отабегининг оғзига қараб турарди.

– Келсин у шайтоннинг устози. Келсин! Ажал ҳайдаган бўлса келсин! – такрорлади қўлини орқасига қилганча наридан бери юраркан. – Ундан катта сотқину шарафсизлар келса-да, ҳурматини жойига қўйиб қарши оламиз. Унутмангким, юрту улус қисматини ҳеч қачон ул инсофсизлар инсофига қолдирмаймиз. Найманбек авлодим, сиз зарурий ашё ва масрафларни хазинадан олинг-да, Сайрам йўлига тушинг. Одамларингиз ўн нафардан кам бўлмасин. Турумга кўра уларни янги хабарлар билан менга жўнатиб турасиз. Бугуноқ жўнанг. Биз индин отланамиз. Катта қўшин билан бораётганимиз муждасини йўл-йўлакай омию хосга айтиб кетинг. Эшитган дўст қувониб яғийнинг ўтакаси ёрилсин! Ҳирот ўрдуси ҳам ҳадемай етиб келажагини-да таъкидланг. Ясовулбек, сиз эса дўстингизга кўмак этиб, кузатиб қўйинг, – мулозимларни ишга буюрди амир Шоҳмалик.

Ясовулбоши ва хабарчи арк ертўласидаги хазина томон йўналдилар.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Ҳаёт-мамот, қисмату қадар они келганга ўхшайди, амирзодам, – деди амир Шоҳмалик сўрига оғир чўқаркан, шогирдини ҳам ўтирмоққа даъват этиб.

Отабегининг ўтирмаганидан амирзода ҳам тик турганча қўл қовуштириб турганди.

– Буюринг, устоз. Не десангиз таълимотингизга кўра иш тутажакмиз. Менимча, ҳамон қиблагоҳ ҳазратларига сўнгги воқеалар ҳақида билги бермоқ учун чопар юбормоғимиз керакмикан? – юзида ташвиш аломати зоҳир эди амирзоданинг.

– Олий тахт поясига арз этмоқ учун чопарни бугуноқ юборамиз. Индин йўлга чиқамиз. Сиз эса бошкентда қолиб, салтанат сиёсатини давом эттирасиз.

Самарқанд кўшини Дизакдан ўтиб, Еттиқудуқ йўли орқали Сайхунга етганида Эсиргап Наймандан илк чопар келди.

– Мўғуллар Темурмалик Дўлдай кўмондонлигидаги Сайрам қалъасини ўраб олдилар. Қалъа ҳимоячилари мардонавор жанг қилиб, мўғуллар устига ўқ ёғдирмоқда! – деди отдан тушиб амир олдига келган навкар.

Кўшин дарёга етиб қолган, суворийу сипоҳийлар қиш бўлишига қарамай ечиниб чўмилишар, отларини ювишарди.

– Эрта сабоҳгача ўрду истироҳат этсун. Унгача режани пиштамиз, – деди амир ёнида турган мингбоши Шоястам билан хос навкари Ҳурқадоққа. – Юртчиларга сўйланг! Чодирларни тиклашсин. Сен, навкар, – чопарга қаради амир, – биз билан бирга оқшом емагини ейсан. Тегишли саволларга жавоб бергач, отни алмаштириб, изингга қайтасан. Англадингми?

– Англадим, улуғ амир жаноблари.

– Унда ювиниб, менинг чодиримга кел. Машваратда қатнашасан! – буюрди амир Шоҳмалик.

Юртчилар чодирни қуриб битиришлари билан улуғ

амир суҳбатдошларини ичкарига даъват этди. Ошчи айрон, сузма ва экмак келтирди. Қаршига кўчма ўчоқни қуриб, эт қайнатмоққа киришдилар. Яна бир ошчи ҳамир қоришга уннади.

– Кулчатой ейдиган бўлибмиз-да, – деди амир чодир эшигидан кўриниб турган манзарани завқ-ла кузатар экан ўйга чўмиб.

Йўлда ҳориб ва толиқиб келган амиру мулозимлар шоша-пиша емак тановул қилган бўлдилар.

– Фурсат ғанимат, авлодларим, – деди амир Шоҳмалик айрон ҳўплаган косани суфрага кўяркан. – Қиш эшиги тор, тур уйинга бор дегандек, совуқ кўшулларда юрмоқ мажбуриятида қолдик. Лашкар қийналадиган бўлди. Бироқ буюк ва ҳал қилувчи ишларда кечикмоқ, лоқайдлигу журъатсизликдан бошлангувчи мағлубиятдир. Жасорати бўлмаганнинг баҳонаси кўп бўлур дегандек, бу юришни ортга суриб бўлмасди. Сенинг исминг не эди, авлодим? – нонни катта-катта тишлаб, айрон ичаётган навкарга қаради амир.

– Абдулазиз Нурбекдирман, улуғ амир жаноблари, – жавоб қилди кутилмаган саволдан довдираб қолган чопар.

– Офият-ла емак ея билурсан. Сўйлагин-чи, асли қаерликсан?

– Чиносликман, улуғ амир ҳазратлари, – оғзидаги нонни кўзи жалангланганча ютди навкар.

– Туркистону Саврон, Сайраму Ўтрор тарафларни яхши биласанми?

– Яхши биламан, амир жаноблари. Султони ғозий ҳазратлари қайтганларида ҳам Ўтрорда, Абдумалик Қорахон кўмондонлигидаги хос мингликда эдим.

– Мингбоши Қорахоннинг кўлида хизмат қилган экансан, сенга ишонса бўларкан, – деди амирнинг чеҳраси

ёришиб. – Мўғулларни Сайрам қалъасини мухосара эт-моқда дединг. Шундайми?

– Шундай, улуғ амир ҳазратлари.

– Тушунарли. Табиийки, улар юртларидан кўч-кўронлари, оила аъзолари билан чиққанлар. Шундайми?

– Тўғридир, улуғ амир ҳазратлари.

– Демак, улар кўчлари ва ўғруқларини бирор манзилда қолдирган бўлсалар керак.

– Айнан шундайдир, улуғ амир ҳазратлари. Уларнинг қароргоҳлари ва мол-мулклари Янги вилоятида. Саваш ҳозирлигини ўша ерда кўриб, сўнгра Сайрам сари юрганлар, – аниқ-тиниқ жавоб берарди навкар.

– Янгига борадиган энг қисқа йўлни биласанми?

– Биламан, улуғ амир ҳазратлари. У ерда ақраболарим ҳам бор.

– Кўп яхши. Мингбоши! – лашкарбоши Шоястамга қаради амир Шоҳмалик.

– Буюринг, улуғ амирим! Амри фармонингизга мунтазирмиз! – ўнг қўлини кўксига қўйиб бош эгди мингбоши Шоястам.

– Қўшиндан икки минг суворийни саралаб, илғор тузасан. Янглишмасам, соҳил бўйлаб тўғри шимолга қараб юрилса Янги вилоятга борилади. Бир оз ўнгроқ томон бурилсак, Сайрамга чиқамиз. Авлодимиз Абдулазиз Нурбек сенга қуловузлик<sup>1</sup> қилади. Улар қароргоҳига тун босқиси уюштириб, қароргоҳларини талон-тарож этасан! Суворийлар қўлларига неки илинса олсинлар! Шуни ҳисобга олки, қароргоҳ қўримаси учун черик қолдирган бўлишлари мумкин. Биз эса Сайрам сари юрмоқда давом этамиз. Вазифани англадингми?

– Жуда оқилона фикр, улуғ амир зоти олийлари. Не демагингизни яхши тушундим. Бу тадбирдан сўнг улар ўз-ўзидан Сайрам қамалини тарк этадилар, – деди

---

<sup>1</sup>Қуловуз – йўлбошловчи.

ҳаяжондан кўзлари ёниб мингбоши. – Кимсанинг ақлига келмас пухта режа ва тадбир, улуғ амирим.

– Мақсад ҳам шу, Шоястам. Яғийнинг орқасидан ва бехосдан урмоқ. Улар бизни Янгида эмас, Сайрамда беклайдилар. Кутаверсинлар. У ерга ҳам борамиз. Узоқ кутдириб қўймаймиз.

– Топшириқни англадим, улуғ амир зоти олийлари! Сулола ва салтанат шарафи учун элимизу бошимизни тош остига қўяжакмиз! Кўнглингиз тўқ бўлсин. Маъқул кўрсангиз, шу ўринда бир фикрим бор эди.

– Сўйла, Шоястам. Бир бош яхши бош, икки бош-ла довон ош дейдилар. Сенинг сўғишу саваш ишида янглишганингни билмайман, – мингбошига маъноли боқди амир.

– Таклифим шулки, улуғ амир ҳазратлари. Заҳн этишимча, қўшинни овора қилиб, Сайрамга боришнинг ҳожати ҳам йўқми дейман. Биз мўғулу Шайх Нуриддиннинг орқасидан урсак, улар сўзсиз қалъа қамалини ташлаб Янги томон чопадилар. Бу пайтда биз ишни битириб, ортга қайтган бўламиз. Фикри ожизимча, шундай иш тутганимиз маъқулми дейман?

– Гапингда жон бор, Шоястам. Биз Сайрам томонга бораётганимиз ҳақида шов-шув кўтариб, мана шу манзилда сендан мужда беклаймиз. Вазиятга кўра иш тутамиз. Кўмак керак бўлса Янгига ҳам, Сайрамга ҳам етиб боришимиз мумкин.

– Унда бизга дуои фотиҳа беринг. Йўлга чиқайлик. Бўладиган ишнинг бўлгани, ўладиганнинг ўлгани маъқул.

– Юзинг оқу йўлдошинг ҳақ бўлсин, Шоястам! Олгину олдирмагин! Қасд қилганлар паст бўлсин! – ўрнидан туриб дуо этди амир Шоҳмалик. – Чопар Абдулазиз Нурбекнинг ўрнига бир навкарни Сайрам тарафга, Эсиргап Найман ҳузурига юборгин. Сўнг воқеаларни англадиб, янги хабарлар беклаётганимизни етказсин!

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Амри фармон улуғ амиримизнингдир! – таъзим-латисланди мингбоши Шоястам.

Олий қароргоҳ кутаётган хушхабарни бир ҳафтадан сўнг яна чопар Абдулазиз Нурбек келтирди.

Қўшин совуқ бўлмаса-да, этни жунжиктирувчи қиш ҳавосида, дарё соҳилида депсиниб турар, аскарларнинг энг севимли ва кундалик юмуши балиқ овламоқ эди. Лашкар учун дарё бўйида яшамоқ, тангрининг марҳамати каби бир тирикчилик эди. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой, қароргоҳни қовурилган балиқ ҳиди тутган, ишнинг кўзини билган аскарлар дудланган балиқларни чодир шифтларига осиб, эрта куннинг ғамини ейишарди.

Иш асосий қўшин жангга кирмасдан ҳал бўлаётганидан мамнун амир Шоҳмаликнинг кайфи чоғ эди.

Ҳар куни улуғ хоқон ҳадя этган севимли оти Сорбургутни гижинглатганча юзликларни айланиб суворию сипоҳий ҳолидан хабар олар, салтанатга тегишли йилқилар боқиладиган оғилгача кўздан кечирар отлар остини яхши тозаламаган йилқичиларга танбеҳ берарди.

– Таълимот берганингиз каби мингбоши Шоястамнинг чериги мухолифларни хотиржамлик тўшагида, ғафлат уйқусида босди. Улар юрт ўлароқ қўлланиб, қароргоҳга айлантирган манзилда юмрон ўйнади. Муваққат тиклаган бинолар, қора ую чодирларини ер-ла яксон этдилар. Мухолифларнинг қўшин учун боқаётган отлари ҳам ўша ерда экан. Барчаси аскарларимиз қўлига тушди, – сўзи бўғзига тиқилиб ҳисоб берди чопар.

– Не қадар йилқини элга кечирдилар? – сабри чидамай сўради амир Шоҳмалик.

– Ўн-ўн икки минг чамаси бор, улуғ амир ҳазратлари. Улар ичидан беш-олти минг яхшисини танлаб олиб ҳайдаб келмоқдалар. Тоғ-тоғ ўлжани айтмайсизми?

– Аъло! Тангри бераман деса ҳам, қисаман деса ҳам ҳеч гап эмас! У ҳар замону маконда ҳақ, ҳақнинг

тарафиндадир! Элларимиз самода, тилларимиз дуода! Марҳаматингдан дариф тутма, Оллоҳим!

– Янгидаги қароргоҳлари босилиб, мол-мулклари талон-тарож этилганидан хабар топган мўғуллар Сайрам қамалини ташлаб, Янгига қайтганлар! Сайраму Саврон орасида юрган Эсиргап Найман ила боғланмоқнинг иложи бўлмади, – дея сўзини мухтасар этди чопар Абдулазиз Нурбек.

– Иншооллоҳ, Сайрам томондан ҳам хуш муждалар келиб қолар. Сен эса бугун истироҳат эт-да, эртага Сайрам сари йўлга чиқ. Волиймиз Темурмалик Дўлдай ва Эсиргап Найманларни топмоқ жаддида бўл, – сўнги таълимотини берди амир Шоҳмалик.

Сайрам чопари ҳам узоқ беклатмади. Эртаси куни кечга яқин етиб келган навкар амир Шоҳмаликка Сайрам воқеалари тафсилотини сўйлади.

– Амир Темурмалик Дўлдай қўшини Шайх Нуриддин жамоасига қарши жанг қилмоқда, – дея сўзини бошлади чопар.

– Жамоаси ўзи билан мўғул тарафга кетмаганмиди? – навкарнинг сўзини бўлиб сўради амир.

– Амир Шайх Нуриддин Темурмаликдан енгилганидан сўнг Турфон тараф йўлга тушган. Мағлубиятга учраган хешу ақраболари ва черигининг қоган-қутгани Сайрамнинг кун чиқиш томонидаги тоғларга қочиб яширинган экан. Мўғул қўшинининг ўзларига кўмакка келаётганидан руҳланган некўзлар жамоаси Сайрам қалъасига ҳужум бошлаган ва қамал қилган.

– Шоястамнинг чериги Янгидаги мўғул қароргоҳига босқин уюштирганда шаҳзода Шамъи Жаҳоннинг қўшини Сайрамда бўлмаганми? Улар бу пайтда қай манзилда эканлар? – тик турганча қиличи билан ер чуқилаб навкарни тингларди амир Шоҳмалик.

– Сайрам сари йўлга чиққан мўғул бирликлари ўша



кечаси йўлда, Ўтрорга қарашли Қаросмон мавзесида турган. Орқадан урилганликлари хабарини туйишлари билан сафларида парокандалик юз беради. Шаҳзода Шамъи Жаҳон ва амир Шайх Нуриддиннинг ҳай-ҳайлашига қарамай Янгида бор-будидан айрилганларини ҳис этган мингбоши, юзбоши ва ўнбошилар кеча қоронғулигидан истеъфода этароқ қочадилар. Янгига келгач, ҳар неки тўплаган мол-мулкидан мосуво бўлганларини кўрадилар. Отларидан айрилиб, пиёда қолган мўғуллар кўлга илинган лаш-лушини олиб, изларига қайтадилар. Шамъи Жаҳон ва амир Шайх Нуриддин атрофида беш юз чоғли энг ишончли суворий ва яна шунча хешу ақраболари қолади. Салтанат бошкенти Турфондаги англашмага кўра амир шаҳзодани эргаштириб, Савронга келади. Бу ерда у қўй сўйиб, кўл бузиб, қизини Шамъи Жаҳонга унаштириб, никоҳлаш расм-русмларини бажо келтиради.

– Қўшини ташлаб қочган, қочоқ ва мағлуб шаҳзодага қизини унаштирамоққа ор этмабдими, муҳтарам амир жаноблари? – қиличини ерга санчганча сўради амир Шоҳмалик чопарга диққат-ла тикиларкан.

– Қўшини қочгач, шаҳзода ҳазратлари ҳам қочоққа айланади-да. Қочоқ Қўғулхонга<sup>1</sup> қочоқ айирнинг қизи тенг бўлса керак-да, улуғ амир жаноблари, – деди чопар ҳам не дея жавоб беришини билмай.

– Тўғри сўйладинг, Нурбек навкар. Поччамга аммам муносиб дегани шудир аслида.

– Хў-ўш, энди бу ёғи не кечади? Қавми мўғулдан Туркистон мулкида кимса қолдими ёки барчаси юртига дўндими?

– Воқеадан хабардор амирларнинг айтишларича, Янги босқинидан сўнг ҳеч ким қолмаган, улуғ амир ҳазратлари.

---

<sup>1</sup>Қўғулхон – мўғул тилида хонзода, шаҳзода демак.

– Демак, мўғул иши ҳал бўлди. Шайх Нуриддин синди ва уни батамом ўйиндан чиқармоқни ўзимиз ҳал этсак бўлади. Зудлик билан доруссалтана Ҳиротга чопар юбормоғимиз керакким, хоқони саид ҳазратлари овора бўлиб, Туркистон сафарини ихтиёр этмасинлар. Ҳиротга ҳам ўзинг борасан Абдулазиз Нурбек. Шоҳруҳсултон зоти олийлари қай манзилда бўлсалар топиб, кечган воқеалар тафсилотини сўзлаб бергин. Онҳазрат рухсат этганларидан сўнг ортга қайтишинг мумкин. Йўл тадоригини кўра билурсан.

Хос чопар Абдулазиз Нурбек хазина амири чодир томон юрди. Амир Шоҳмалик қўл қовуштирганча қошқовоғига термулиб турган Шоястам ва Ҳурқадоқнинг қаршисига келиб тўхтади.

– Сенинг салтанат олдидаги хизматларинг тақдирга шоёнدير, Шоястам. Икки минглик туроний суворий билан икки туманлик мўғул қўшинини хуркитдинг. Иншооллоҳ, бошкентга дўнсак, номзодингни салтанат амирлигига тавсия этаман ва номингни баҳодир унвони ила шарафлантиражакмиз. Ҳозир эса сен менинг бир саволимни жавоблантир. Қон душманимиз Шайх Нуриддин авротини сотиб, ияртиб келган мўғул қўшини саваш кўрмай думини хода қилганча юртига дўнди. Бу турумда беш юз отлиғи ва яна шунча орқасидан нон еб юрган қавми қариндошлари билан ул қари тулки бизга қарши яна не найранглар ишлатиши мумкин? Энди не қилмоғимиз лозим? Биз билан юзма-юз келиб, савашмоққа юрагим, қудратиям, қўшини ҳам йўқ. Сенинг аскарый ақлинг бу хусусда не дейди, қардошим?

– Фикрингизга қўшилган ҳолда шуни сўйламоғим лозимки, улуғ амир ҳазратлари султон соҳибқирон раҳматлининг сўнгги амир ул-умароси Шайх Нуриддин қари тулкилик билан баробар қари бўри ҳамдир. Ундан ҳар замону макон, вазияту ҳолатда беклаб-бекланмаган

хатти-ҳаракат, зарбани кутиш мумкин. Кўзи очиқ экан, оёғининг орасидан шамол ўтиб тураркан, чекинмайди ва яғийлигини қўймайди.

– Демак, икки дунёда у бизга дўст бўлмайди ва даъвосидан кечмайди. Шундай демоқчимисан, Шоястам? Яраш сулҳи юритмоқ ҳам фойдасизми?

– Турону Туркистон юртини тарк этиш шарти билан амир-ла англашса бўлар, балки.

– У бу юртларни ташлаб кетадими?

– Менимча, тарк этмаса керак. Борган жойида Мамай каби мол-мулки, сотиб юрган ҳараму авротини тортиб олиб, ўзининг терисини шиладилар.

– Демак, у қайтмайди?

– Қайтмайди, улуғ амир ҳазратлари. Аврот сотиш ишини сўнгига етказиб, яна мўғуллар билан тил топишиб, уларни эргаштириб келиши мумкин. Биласиз манғит ҳам қавми мўғулга бориб тақалади. Орада қонқардошлик бор. Ич-ичларида туркларни севмайдилар.

– Ҳақлисан, Шоястам. Ота-боболаримизда ўнжа давлат, сўнгра аврот деган нақл бўлар эди. Эндиликда ишлар терсига қараб кетди. Аввал аврот, кейин давлат бўлиб қолди. Ҳай! Майли! Бошда бизни қўллаган тангри, сўнгида-да дар қўймас!

– Иншооллоҳ, улуғ амир ҳазратлари. Сўзингининг исботи, подшоҳ Халил Султон қисматидир. Буни аввал давлат, сўнг муҳаббат ҳам дейдилар.

– Сенда салтанат амирининг калласи борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, Шоястам, – мингбошига қараб кулди амир.

– Камтар кишимиз, улуғ амир ҳазратлари. Бизга улус амирлиги ҳам бўлаверади, – табассум билан жавоб қилди мингбоши.

– Бошинг нафақат амирона, Шоястам. Шоҳона! – ҳазиллашарди амир.

– Ўзларининг давлати олиялари соясида, улуғ амир ҳазратлари! – жавоб қилди мингбоши таъзим-ла.

– Унда Самарқанд сари қайтдик. Барча юзбоши ва мингбошиларимизга таълимотни етказ! – амр берди Шоҳмалик чодир томон юраркан.

Самарқанд қўшини Дизакнинг Ёйилма яйлоғига тўхтаган эди. Ўрду қароргоҳи томон икки суворий от қўйиб келарди. Чодир саҳнидаги соябонда қимиз ичиб ўтирган амир Шоҳмалик қорачадан келган, бир оз қийиққўз Эсиргап Найманни узоқдан таниди.

– Ўтир, қардошим. Қимиздан ич. Сўнгра янгиликлардан сўйлайсан, – деди амир Шоҳмалик хос хабарчига кўчма курсини ишорат этаркан.

– Амир Шайх Нуриддин яна мўғул ҳукмдори Муҳаммадхонни йўлдан урган кўринади, улуғ амир жаноблари, – мақсадга ўтди Найман саҳрода қолган арабдек бир коса қимизни сипқорар экан.

– Сўйла, Найман. У яна не ўйинни бошламоқчи? Бошкентга бормай ортга қайтайликми? – тараддудли оҳангда сўради амир.

– Яқинларининг сўзларига қараганда у яна мўғулларни Туркистон устига қўшин тортишга иқно этган. Шоястамнинг Янги қароргоҳини талон-тарож этиб, йилқиларини ҳайдаб кетганлиги воқеасини хотирлатиб, Муҳаммадхонни кўндирган, дейдилар. Ҳатто амир Шоҳмалик қўшинининг Мўғулистонга босиб боришини кутиб ўтирасизми деган мазмундаги мактубларни кетма-кет жўнатибди. Бу фитначи чопару мактублар хонга таъсир қилиб, катта лашкар билан йўлга чиқибди, улуғ амир зоти олийлари.

– Хоннинг юриш бошлагани аниқми? – сўради амир.

– Тўғридир, улуғ амир ҳазратлари.

– Унда сен ҳамон отни алмаштир-да, Илонўтди дарасидан кечиб, Самарқанд сари от сур ва бу гапни

амирзода Улуғбекка етказ. Мирзомиз зудлик-ла қиблагоҳлари, хоқони саид зоти олийларига хабар етказсинлар. Биз Шайх Нуриддинга қарши тура оламиз. Бироқ Муҳаммадхон билан қарама-қарши келмоққа билмадим, – деди ўйчан оҳангда амир Шоҳмалик.

Ўрдудаги ғалаба кайфияти яна ташвиш руҳи билан алмашганди. Амир Шоҳмалик Муҳаммадхон-ла боғланиб, ишни сулҳ воситасида ҳал этмоқ йўллари ҳақида бош қотирарди.

Ўйилма ўтлоғидан чиқиб, Равот орқали Самарқанд йўлига тушган чопар Абдулазиз Нурбек оти жиловини бўш қўйганча учиб борарди.

### ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Ит тумшуғин тикқан ерга сув  
ичгани шер келмас.*

Отасўзи

Мовароуннаҳр ва Туркистон султони Улуғбек Кўрагоннинг чопари доруссалтана Ҳиротга бир ҳафта деганда етиб келди.

Кунлар иссиқ саратон жазирамасида йўл юрмоқ том маънода гўр азоби бўлса-да, Хуросон қўшинига сафар амри берилди. Қора терга тушган оту одамлар Ҳиротдан чиқиб, Боғи Мухторга етганларида султон Улуғбекнинг иккинчи чопари олий тахт поясига етишди. Чопар зарфли мактубни тиз чўкканча подшоҳга узатди. Хоқон мактубни очиб, кўз югуртирди.

*“Ассалому алайкум! Раҳматуллоҳу ва баракотух!  
Борлиғим! Жону жаҳоним! Қиблагоҳим! Салтанат  
ташвишлари ила сизни давомли роҳатсиз этганим  
учун ғоят хижолатдаман! Бироқ мулку давлат, тах-  
ту салтанат, даври даврон қутби бўлмиш сиз азиз*

падари бузруквор, сиз улуг хоқонсиз ҳеч бир буюк ва масъул ишда одим ота олмаслигимиз муборак зоти олийларига маълумдир. Юртимиздаги воқеалар оқими шу қадар тез ва бекланмаган тарзда ўзгармоқдаким, бу ҳақда сиз ҳазрат қиблагоҳга билги бермоқда-да кеч қолмоқдамиз. Энг сўнги туймоғингиз лозим бўлган хабар шундан иборатким, ўзини ғайирлигу исёндан тия олмаётган амир Шайх Нуриддин қизини шаҳзода Шамъи Жаҳонга эвлантириш эвазига Муҳаммадхон ҳузурига турли тоифа кишиларни арзнома ила жўнатиб чалғитган. Отабегимиз соҳиб ихтиёр амир Шоҳмалик таълимоти ила Янгида тор-мор этилган ва от-уловидан айрилган мўғул қўшини мағлубиятини баҳона қилиб, хонни Туркистон сари отланишга кўндирган кўринади. Хон қўшини билан йўлга чиқиб, Янги ва Саврон орасидаги Қулонбоши мавзесига етиб келган. Амир Шайх Нуриддин уни муносиб қаршилаган ва чериклар бирлашган. Муҳаммадхон Қулонбошига етгач, вазиру вазаролари, сарой аъёнларини йиғиб машварат ўтказди. Хоннинг кекса ва тажрибали яқинлари қайдаги Шайх Нуриддин некўз деган бир бекни дея, у билан амир Шоҳмалик ўртасидаги фитнага қўшилиб, недан теурийлардек қудратли бир сулола ва шавкатли ўрдуга қарши курашмоғимиз керак? Биринчидан, жангнинг қай натижа билан тугаши ёлғиз яратганга маълумдир. Ўз юрти мудофааси учун мужодалага кираётган туркистонликлар дину диёнатлари учун ўлсалар ўладиларки, чекинмайдилар ва енгилмайдилар. Буни Янгида ўзидан ўн баробар кўп қўшинни бузғунга учратган амир Шоҳмаликнинг чериги исботлади. Қолаверса, бу турумга султон Шоҳруҳ ҳам наҳрнинг нариги тарафида томошабин бўлиб турмасалар керак. Шул боис сулҳу тинчлик йўлини танлаб, амир Шоҳмалик билан музокарага киришмоқни

## Нурали ҚОБУЛ

---

тавсия этиб, собиқан икки орада ҳеч бир низою адоват йўқ экан, ҳамон элчи юбориб, вазиятни тузатмоқ маслаҳатини берадилар. Устоз амир Шоҳмалик ҳузурларига келган Ҳофиз исмли хон элчиси юз берган англашмовчиликлар ғаразли кишилар ва ҳар икки давлат яғийларининг фитнаси оқибатида содир бўлганлигини қайд этган. Хон ҳазратларининг бундан буён амир Шайх Нуриддинни қўллаб-қувватламаслигини ва ҳар қандай турумда ҳимоя этмасликларини билдирган. Оталиғимиз амир Шоҳмалик ҳам элчини хон зоти олийлари шаъни шавкатига мос равишда қаршилаган. Муносиб, шоҳона совға-саломлар-ла ўз элчиси Наврўз Бахшийни Муҳаммадхон қароргоҳига жўнатган. Шундан сўнг хон ўз юртига қайтган деган хабарни олди ва сўнг билгиларни сиз азиз қиблагоҳ диққатларига ҳавола этдик. Амри фармонлари ва йўл-йўриқлари бошимизу кўзимиз устидадир! Тангри сизни ҳар замон пушти паноҳида асрасин! Ҳар неки бор, қодури мутлоқ изнидадир”.

Султон Улуғбекнинг элчиси Самарқандга қайтиб кетмаган, Хуросон қўшини ҳамон Боғи Мухтор манзилини қароргоҳ этиб турарди.

Шоҳруҳ подшоҳ саропардада амирлар Нуширвон Барлос ва Саййид Али тархон билан Муҳаммадхоннинг Туркистон юртидан чиқиб кетганидан сўнгги воқеалар ва амир Шайх Нуриддин масаласини ҳал этмоқни маслаҳатлашарди.

– Амир Шайх Нуриддин билан амир Шоҳмалик орасидаги зиддият шу қадар чуқур илдиз отган яраким, уни батамом кесиб ташламай туриб, Туркистон бошидаги бу балодан қутилиб бўлмағайдир, онҳазрат, – атворига кўра гапнинг индаллосини айтди амир Нуширвон Барлос.

– Фикрингизни очикроқ сўйланг, амир жаноблари? Яра биттами, иккитами? – амирга қошини чимирганча боқди хоқон.



– Яра битта, аълоҳазрат. Бироқ унинг қайноғи икки-тадир. Ана шу икки қайноқдан бири бартараф этилмас экан, бошимиз салтанат савдосию саваш ғавғосидан чиқмайди.

– Буни биз ҳал этишимиз керакми? Ёки ўзлари орани очиқ қилишлари лозимми?

– Ўзлари пиширган заҳарли ошни ўзлари емоқлари керак.

– Амир Шайх Нуриддин бизнинг одамимизни маҳв этса-чи? Бунга томошабин бўлиб тураверамизми?

– Кузатиб эмас, амир Шоҳмаликнинг орқасида турамиз. Бироқ амир Шайх Нуриддин билан ҳисоб-китобни ўзи қилиши лозим. Шундагина у ҳокимияту иқтидор султон Шоҳруҳ соясида эмас, заҳмат билан қўлга киритилганлигининг қадрига етади. Зотан, ўзини барчадан ақлли санайдиган амир жаноби олийлари ҳокимият ҳадя этилмаслигини, куч ила курашиб эришилажагини ҳеч кимдан кам билмайдилар. Шу ақидага амал қилган ҳолда бир оз теру қон тўксинлар демоқчиман.

– Амир Шоҳмалик ҳаракатига нисбатан масофали муносабатда бўлмоғимиз у қадар маъқул кўринмайди, амаки. Улуғ амиримизнинг кўнглида ҳар хил шубҳа туғилиши мумкин. Биз ул кишимни сўнгига қадар дастаклаб, қўллаб-қувватлаймиз. Муҳаммадхон Туркистон худудини тарк этгандан сўнг амир Шайх Нуриддиннинг мавқе ва туруми ўзгарган. Балки ана шу вазият сабаби баҳона бўлиб, икки тараф англашар. Ҳар икки амир ҳам бир-бирининг қонларига ташна бўлмасалар керак деган андишадаман, – боши қотган эди хоқоннинг.

– Қани энди зоти олийлари айтганларидек бўлганда эди! – дея Шоҳруҳ султонга ер остидан маъноли қаради амир Нуширвон Барлос.

– Бу не демак? Яна сирли қўнишмоқдасиз, муҳтарам амаки?



## Нурали ҚОБУЛ

---

– Уларнинг бир-бирини кўрарга кўзлари, отарга ўқлари йўқдир, онҳазрат. Не чоғли сулҳу амният ҳақида лоф уриб, музокаралар олиб бормасинлар, ҳеч қачон англаша олмайдилар демоқчиман. Бу менинг ожиз фикрим. Сўнг қарорни беражак ва ҳал қилувчи сўзни айтмоқ давлати олияларининг ҳақ-ҳуқуқларидир. Уларнинг бири сиёсату салтанат ўйинидан чиқмас экан, ота юрtdа тинчлигу осойишталик ўрнатилмайди.

– Сиздан яна бир рижойим, амаки! Сўнг маконлари нурга тўлгур қиблагоҳ ҳазратлари ўз фарзандлари каби ёшлигида етиштириб тарбиялаган ва салтанатдаги энг юксак мақомга етказган амир Шайх Нуриддин нени истайди? Мақсади недур? Шуни бизга изоҳ эта билурмисиз?

– Бутун масалаю муаммо, қайд этганингиз фарзандлари каби тарбиялаб, шу мақому мартабага эриштирганликларидадир. Улуғ хоқон бағри ва салтанатида авлоди каби ўсиб-улғайдими, тамом! Меросу мулкга эгалик қилмоқ бобида ҳам ҳеч кимдан кам жойим йўқ дея заҳн этади, жаноб Шайх Нуриддин. Зоти олийларининг хотираларида бўлса, амир Саййидхожани амир ул-умаро этиб тайинлаганингизда амир Шоҳмалик аразлаб валиаҳд Пирмуҳаммад мирзо тахти остонасига бош уриб кетган эди. Отабошкент тахти Улуғбек мирзо элига кечиб, Туркистонда ҳокимият ўзгарар экан, бу иқтидор пайдан энг кўп ҳисса кутган Шайх Нуриддин эди. Мўлжалланган соҳиб ихтиёрлик мақоми унинг қону жон ғаними амир Шоҳмаликка насиб этди. Усиз ҳам давлати олиямизга тутун қайтариб турган амир Шайх Нуриддин ўйлаб-негиб ўтирмай сўнг, мухолифат йўлини танлади. Унинг дўниши йўқ йўлга кириб қолганини англаганида, табиийки, кеч бўлганди назаримда.

– Масала ойдин ва тушунарли, – деди хоқон шу пайтгача оғиз очиб баҳсга қўшилмай ўтирган амир

Саййид Али тархонга қараб. – Бу хусусда амир жанобларининг фикрларини ҳам билсак дегандим?

– Не ҳам дердим, аълоҳазрат. Амир Барлос жаноблари дўсту душман олдида ҳам чекинмай доимо ҳақ деб билган тушунчаларини тилга келтирадилар. Ҳозир ҳам мавжуд вазиятни тўғри баҳоладилар, менимча. Зоти олийлари орага кириб, бу асилсиз рақобату яғийликни бартараф этмасалар, исён оташи кундан кунга алангаланиб, мўғул ҳукмдори Муҳаммадхонга ўхшаган турлитуман кучларни ҳам ўз домига тортаверади. Салтанат юкининг бу оғир тоши эса ноибингиз, амирзода Улуғбек авлодимизнинг елкаларига тушмоғи ҳам муқаррардир.

– Элда икки бургут талашиб, бир қарғага ем тушар деган нақл бор, онҳазрат. Айти дамда эса бунинг тескариси бўлмоқда. Икки қари қарға талашиб бир ёш бургутга жабр қилмоқдалар. Амир Саййид Али жаноблари сўйлаганлари каби бу ёвлашувга барҳам бермоқ лозимдир, – Саййид Али тархоннинг фикрини дастаклади амир Барлос.

– Отаюрт сари юрмоқда давом этмоғимиз керак дейсизми?

– Шундай, давлатпаноҳ. Юрмоғимиз шартга ўхшайди. Билмадим не замон етиб борамиз ва унга қадар яна не хабарлар олажакмиз? Амир Шайх Нуриддин бартараф этилмас экан, мухолифат маддаси янгиланаверади.

Шу пайт саропарда қопуси очилиб, эшик оғаси кўринди. Хоқон унга яқинроқ келишни ишорат этди.

– Не ҳаводислар? Тинчликми? – сўради подшоҳ зарур гап бўлмаса эшик оғасининг кўриниш бермаслигини билиб.

– Мирзо Улуғбек ҳазратлари ҳузурларидан хос навкарлари Малик ясовул келмиш. Зарур гапим бор дейдир.

– Кирсун! – деди подшоҳ ҳали сўзини тугамаган амир Барлосга қараб. – Сўйлаганингиз каби Самарқандга ет-гунимизга қадар вазият турланаверади чоғи.

Тахт этагига келиб тобуғ расмини бажо келтирган Малик ясовул тик қотганча вазифасини адо этмоққа киришди.

– Амирзода Улуғбек салом ва дуоларини улаштиргандан сўнг шуни етказишларини сўрадиларким, ноибингиз, олийнажот мирзомиз ила отабегилари, соҳиб ихтиёр амир Шоҳмалик ораларида андак гина-кудурат чўғи йилтираганга ўхшайдир. Амирзодам мени ҳузурларига чорлаб, ушбу сўзларни арзларига етказмоғимни айтдилар. Арз этамен! – дея гапини тугатиб яна таъзим қилди Малик ясовул.

– Бирор-бир сабаб туфайли бу гина-кудурат юзага урганлигини ҳам айтдиларми? – сўради хоқон.

– Йўқ, хоқони саид ҳазрати олийлари. Изоҳ этмадилар. Неники сўйлаган бўлсалар, айнан ўша жумлаларни ҳарфиян сизга етказмоқдаман. Бу қўнишмада ясовулбоши Ражаб Турдиқора ҳам бор эди.

– Ясовулбоши Турдиқора дунё кезиб кўпни кўрган, эс-ҳуши жойида бир киши-ку, у ҳам сенга ҳеч нима демадимми? – қайта сўради подшоҳ.

– Ясовулбошидан эшитган сўзларимни сўйласам қандай бўларкан, зоти олийлари? – кўзлари жаланглади навкарнинг.

– Бу ерда ҳеч бир сақинча йўқдир. Мулки давлат, тахту салтанат бир мен ва амирзоданинг ёки бошқа бировнинг маҳрига тушмаган. Ясовулбоши ҳеч қачон ўлмаяжак, кўча-кўйдаги олди-қочди гапни сўйламайдиган киши. Мен унинг фикрларини жиддий қабул қиламан. Сўйла! – далда берди султон.

– Айтишларича, амир Шоҳмалик Муҳаммадхон, жумладан, мўғуллар ила юритилган музокараларнинг ҳеч

биридан амирзода ҳазратларини хабардор этмаганлар. Шундан кўнгиллари бир оз ўксиган бўлишлари мумкин.

– Мунозаралар давом этган пайтда амир Шоҳмалик қаерда эдилару, амирзодамиз қайда бўлганлар?

– Амир Шоҳмалик ўрдуси билан Сайхун бўйида, шаҳзодамиз эса Самарқандда эдилар, зоти олийлари.

– Амир Шоҳмалик саваш майдонида бўлган. Шаҳзодамиз эса бошкент муҳофазасида турганлар. Орада масофа бор. Соҳиб ихтиёр жаноблари чопар юбориб амирзодани билгилантирмаган бўлиши мумкин. Бунинг ҳеч бир қабоҳати, хафа бўларлик жойи йўқ, – деди подшоҳ ҳайрон бўлганча бир Нуширвон Барлосга, бир Саййид Али тархонга қарар экан. – Амирзодамиз ўн олти ёшли бир ўспирин бўлсалар, биз отабегига бу каби ишларда қарор қабул этмоқ ваколатини берган бўлсак. Менимча, бу ерда бошқа бир гап бўлиши мумкин? – яна амирларига боқди подшоҳ.

– Бирортамиз бориб, муаммони ўрганишимиз лозимга ўхшайди, онҳазрат. Масала жиддийлиги учун ҳам мирзомиз овора қилиб чопар йўллаган бўлсалар керак. Асл ҳолатни билмаймиз-ку? – фикрини билдирди амир Нуширвон Барлос.

Шоҳруҳ султон амир Саййид Али тархонга қаради.

– Амир жаноблари тўғри сўйлайдилар. Юзага келган муносабат масаласига ойдинлик киритмоқ лозим. Исёнлардан юраклар бешиб қолган. Худо кўрсатмасин, амир Шоҳмалик ҳам шундай ишга қўл урадиган бўлса, билмадик. Кимга ишонибу, кимни салтанат устунни дея суянмоқ керак? – елкасини қисганча сўйлади амир Саййид Али тархон.

– Унда юришни тўхтатиб туришга тўғри келади шеклли? – тараддудли нигоҳ-ла амир Барлосга қаради подшоҳ.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Амир Нуширвон Барлос хоқон фикрини маъқуллаб бош ирғади.

– Самарқандга эса сизни жўнатсак, амир жаноблари! – дея Саййид Али тархонга қаради хоқон. – Бу ишни ипидан игнасигача тафтиш этиб, оқни оққа, қорани қорага ажратиб, зудлик-ла орқага қайтинг. Биз сизни ҳозир тўхтаганимиз Жижикту манзилида беклаймиз. Тегишли масраф ва қўримани олиб, ҳамон йўлга тушишингиз мумкин. Малик ясовулни ҳам ола кетинг. Менинг фарзандим экан дея амирзода Улуғбекка ён босмоқ ниятида иш юритмоқ фикридан узоқ турмоғингизни хотирлатмоққа лузум йўқдир, албатта.

– Амри фармон хоқонимизнингдир! – дея тисланганча саропардани тарк этди Саййид Али тархон. – Ҳар бир ишга мавжуд тўра ва тузук асосида ёндашгайман, онҳазрат!

– Туркистон сафарига чиқар эканмиз, бу тўхташ билан икки манзилда узоқроқ туриб қолмоқдамиз, амаки. Бунни аскар ва қўмондонлар янглиш англамаслиги учун Муҳаммадхоннинг амир Шоҳмалик ила англашиб, юртига дўнганлигини эълон этиб қўймоқ керак бўлади! – буюрди хоқон амир Нуширвон Барлосга.

Амир Саййид Али тархонни бошкент Самарқандга жўнатган хоқон ҳар куни бир неча юзлик суворийни кўздан кечириб, Жижикту майсазорининг хушманзара манзилларини кезарди.

Подшоҳ Шоҳруҳ қиблагоҳи тахтида салтанат сураётгандан бери ҳеч бир элчи ёки чопарни бу қадар изтироб ва интизорлик билан кутмаган эди.

Ҳузурига хуш табассум, ёруғ юз билан келаётгани сезилиб турган амир Саййид Али тархонга кўзи тушганда бу оғир ўю хаёллар бир зумда тарқалиб кетгандек бўлди. Ёши улуғ амирни қучоқ очиб қаршилади.

– Ота юртнинг ҳавоси ёқибди, – деди бекни ўтирмаққа даъват этаркан.

– Инсон хайрли ишларга бош қўшиб, улус ва юрт равнақига доир савобларга васила бўлса, чарчамас экан, – жавоб қайтарди амир Саййид Али тархон самимий оҳангда.

– Султонун амирлар устидан тафтиш ўтказган киши, султонлар султони бўлади. Барчамиз, бутун бошли қўшин қайтишингизни тўрт кўз ила беклаётгандик. Сулҳу саваш, урушу яраш сиз улўғ амиримизнинг дудоқлари орасидаги икки оғиз сўзга боғлиқ бўлиб қолди.

– Масала сизу биз ўйлаганимиз қадар мураккаб эмас экан, онҳазрат. Сиз бошдан талаб этганингиз каби шуни очиқ ва равшан сўйламоғим лозимки, бу англашилмовчиликда шаҳзодамиз бир оз тажрибасизлик ва ёшлик қилганлар. Амир Шайх Нуриддин билан ўлим-қолим жанги олиб бораётган отабегилари амир Шоҳмалик фаолиятининг барча қирраларидан хабардор бўлмай туриб, атрофларидаги сиёсат ахлоқи ва салтанат ор-номусини англамаган кимсаларнинг узўқ-юлуқ билгиларига таянароқ зоти олийларини роҳатсиз этиб, ҳузурларига ўз чопарларини юборганлар.

– Сиз буларни авлодимизга англадингизми ва у кишим тушундиларми? – амир сўзини бўлди подшоҳ.

– Ҳатто ўйламай отган бундай қадамлари учун бир оз хижолат ҳам чекдилар. Бу ҳолат тўғрилиқ, ҳалоллик ва самимийлик белгисидир, аълоҳазрат. Мен сарой аъёнлари ва шаҳзодамизнинг ўзлари ила суҳбатлашдим. Вазият шуни кўрсатадики, амир Шоҳмалик билан мулоқотга киришмоққа лузум қолмади. Мирзомизнинг ўзлари ҳам бунини истамадилар. Зоти олийларига маълумким, ҳукмдорлик табиатига кўра аксар султонларга тўғри сўзни сўйламак нари турсин, холис, оталарча насиҳат ҳам аччиқ ва оғир туюлади. Улар мудом тириклик таъминини

Ўзлари учун тотли ва ёқимли бўлишини хоҳлайдилар. Бутун олам ва одамларни ўзларидан паст санаб, улар ҳаёти менга боғлиқ деб биладилар. Устоди амир Шоҳмалик бирон-бир масалада шаҳзодамиз раъйига қарши ўлароқ иш тутган бўлса, ғаразли кимсалар буни бетартиблик ва бемулоҳазакорлик ўлароқ талқин этиб етказганлар. Ҳатто отабеги қилган насиҳатларни-да адоватга йўйиш ҳоллари юз берган. Ҳасадчилар найранги ва яғийлар макри оқибатида бу каби воқеаларнинг содир бўлиб туриши дунё шоҳлари саройларида юз берадиган одатий бир ҳолдир, хоқон ҳазратлари. Бу нохуш ҳодисани муборак хотирангиз дафтаридан ўчириб, ўнгга боқмоқда элу юрт, салтанату сулола учун буюк бир хайр бордир, – дея Самарқанд сафарини сарҳисоб қилди амир Саййид Али тархон.

– Англашилди. Заҳматли сафар оқибатида келтирган хуш муждангиз учун ташаккур, улуғ амир жаноблари. Салтанат олдидаги бул хизмату садоқатингиз унутилмаяжак. Биз амир Шоҳмаликка иноят кўрсатиб, Мовароуннаҳр мулкига соҳиб ихтиёр этиб тайинлаганмиз. У шу пайтгача бу вазифани кўпчилик раъйига мувофиқ, тўғри фикр ва ўткир назар билан ҳал этиб келди. Шундай тажрибали улуғ амирнинг катта-кичик хатоларга йўл қўймоғи ақл-идрок доирасидан ташқаридаги ишдир. Фарзанди аржумандимиз Улуғбек мирзо ноиблик мақомидадирлар. Бир ишга қарор бермоқ ва бунинг учун жавоб бермоқ эса амир ул-умаро ўлароқ амир Шоҳмаликнинг гарданидадир. Амирзодамиз бу оғир давлат ва ҳукумат ташвишларини зиммага олмоққа шошмасликлари керак. Бу заҳматли юмушлар юкини кўтармоққа улгурадилар.

– Тўғри сўйладингиз, онҳазрат. Қайд этганингиз каби оталиқлари амир Шоҳмалик жаноблари шаҳзодамизга

нисбатан панд-насиҳат қилмоқ ва давлатхоҳлик мақомида эканлар. Нафақат давлату сиёсат ишида, тўрт нафар фарди бўлмиш бир оилада ҳам паст-баланд гап-сўзлар бўлиб туради. Олийшон амирзодамиз ва муҳтарам отабеклари амир Шоҳмалик жаноблари бу каби гап-сўзлардан устун турмоқликлари лозимлигини азиз авлодимизга англадим.

– Сиз Самарқанддан ортга қайтар экансиз, амир Шоҳмалик қай манзилда ва не ташвиш ила банд экан? – сўради хоқон.

– Муҳаммадхон юртига қайтган. Бироқ хон қўшинидаги манғит қавм-қариндошлари амир Шайх Нуриддинни ташлаб кетмаган. Улар бирлашиб, амир Шоҳмаликка қарши курашмоқ ниятидамиш. Шу туфайли амир Шоҳмалик мўғул томон юрган дейдилар.

– Ота юртдаги турум, гап-сўзлардан воқиф киши сифатида яна бир сўровимга жавоб берсангиз? Бизнинг Самарқанд сафарига эҳтиёж борми ёки йўқми?

– Менимча, юрмоқ керакка ўхшайди, онҳазрат. Муддао юртга бориб, аскарни савашга сўқмоқ эмас. Жангга кирмаса-да, зоти олийлари қўмондонлигидаги ўрдунинг бошкентга бориши, муаммони қон тўкишсиз ҳал этиши мумкин. Амир Шайх Нуриддин амир Шоҳмаликка нисбатан тажрибали ва айёр. Орқасида сиз ва шаҳзодамиз турганлиги учун Шоҳмалик қувватланиб, қилич сермамоқда. Билъакс, аллақачон амир Шайх Нуриддин унинг суробини тўғрилаши мумкин эди.

– Унда сафаримиз хусусида амирзода Улуғбекка хабар беришимиз керак, – дея ўрнидан қўзғалди хоқон.

Олий қароргоҳ куббат ул-ислом Балхга етиб келган, вилоят ҳукмдори шаҳзода Иброҳим Султон падари бузруквори хизматида муқим турар, қурувчи черик гупсарларни шиширганча дарёга кўприк боғлашга киришган эди.



Қашқо манзилида қиблагоҳи қўлини ўпиш шарафига эришган амирзода Улуғбек қиблагоҳи ила ҳасратлаша бобо бошкент – Самарқандга кириб келди.

Шоҳруҳ султон ва ҳарами Кўксаройга, амиру вазирлар Бўстонсаройга ерлашдилар.

Олис йўлдан толиқиб келган қўшинга Конибил майсазорини лашкаргоҳу қароргоҳ этиш амри берилди.

Куз ўрталаб, мева-чева тотга кирган, суворию сипоҳий сувтекин бозорларда яйраб савдо қилар, ибодат олди айтиладиган ҳузунли азонлар одамлар кўнглига умид ва таскин бахш этарди.

### ЎТТИЗИНЧИ БОБ

*Тил кесмоқ йўқ,  
Бош кесмоқ бор.  
Ота сўзи*

Сайхун соҳилига етиб келган амир Шоҳмалик дарёга кўприк боғлашни буюрди.

Амирнинг ўнг тарафида мингбоши Шоястам, сўл томонида хос навқари Хурқадок турар, улар минган зотдор айғирлар бия талашган вақтларни хотирлагандек бир-бирларига олақараб пишқиришарди.

– Шу от жониворлар ҳам биз каби бир-бири билан келиша олмайдилар-а. Қўйиб берсак ҳозир бири иккинчисини ғажиб ташлайди, – деди амир Шоҳмалик мингбошининг бурул<sup>1</sup>ини тишламоқчи бўлаётган самани жиловини тортиб.

– Отни айтасиз, улуғ амир ҳазратлари, бу ёруғ очунда нафақат инсон бошлиқ буюк яратик, ҳатто қурту қумурсқа ҳам мавқе ва модда талошидадир. Жиловини

<sup>1</sup>Бурул – холдор, кўкиш тусли от демак. Халқ тилида буврил дея ҳам аталади.

бўш қўйсангиз отлар-да итлар каби бир-бирини мужиб ташлайди, – жавоб қилди Шоястам мингбоши.

– Тўғри сўйлайсан, Шоястам. Қара, қарши қирғоқдан анча олисда отлиқлар кўзга ташланмоқда. Кимлар бўлиши мумкин? – сўради амир мингбошидан.

– Бизнинг одамларимиз эмаслиги аниқ, улуғ амирим. Мўғулларнинг ҳам бу қадар яқинлашувга эҳтимол бермоқ ҳам мумкин эрмас. Ҳойнаҳой, тиш қоққану бозор кўрган рақибимизнинг жамоасидан-ов.

– Сен не дейсан, Ҳурқадоқ? Унинг навкарлари бизга шу қадар яқин келиши мумкинми? – хос навкари томон ўгирилди амир Шоҳмалик.

– Ҳудудан биз уларнинг еридамиз, улуғ амирим. Табиийки, бу сарҳадларда ўзларини хон, кўланкаларини майдон санайдилар. Бизни эса босқинчи деб биладилар.

– Шундай дегин, Ҳурқадоқ!

– Шундай, улуғ амирим!

– Сенингча бу эски дўсту ва душманимиз ила қай оҳангда қўнишмоғимиз керак?

– Не усулу услубда сўйлашмоқни зоти олийлари барчадин яхши биладилар, улуғ амирим. Ҳазрат амиримиздан таълимот, қулларидан ижро этмоқ, – дея хиёл бошини эгиб ўнг қўлини кўксига қўйди Ҳурқадоқ. – Қадарга инонган инсон ўлимдан кўрқмайди, олампаноҳ!

– Бир пайтлар кўп ҳурматли ғанимимиз амир жаноблари билан апоқ-чапоқ бўлгансан-а, Ҳурқадоқ? Уни барчадан яхши биласан. Шул боис сендан маслаҳат сўрамоқдаман-да. Шундай ишлар борки, менман деган амиру қўмондон ҳал эта олмайди. Бироқ сен каби ишнинг кўзини билган, ҳақиқий эр навкарлар хамирдан қил суғургандек чўзади-қўяди.

– Биз ҳам ана шундай, эл оғзига тушажак, улус корига яраяжак ишларга талабгоримиз-да, олийнасаб улуғ ами-

рим! Амри фармонлари олдида бўйнимиз қилдан инжадир! Буюринг!

– Ҳар иккингишга ишончим том ва чексиздир! Ўзим, ҳатто ўзимдан-да ортиқ эътимод этаман. Не қадар ўйини тилёғламалик қилмасин, унга ишонмоқ мумкин эрмас. Қай тарзда бўлмасин мулки давлат, улусу салтанат тирноғидаги бу зирапчани олиб ташламоғимиз керак.

– Амр этганингиз замон бу ишга киришажакмиз, улуғ амир ҳазратлари, – қалдираган овозда жавоб қайтарди Шоястам мингбоши.

– Одамларни одатда иккига бўладилар, улуғ амирим. Яхшилар ва ёмонлар. Яхшилар тангри ҳузурига ухлаган каби беозор қайтадилар. Ёмонлар эса ўз ажаллари билан ўлмайдилар. Бундай тоифаларни ўз ажали билан ўлмайдиганлар дейдилар, улуғ амирим, – Шоястамни қувватлади Ҳурқадоқ.

– Сен ҳам ғалати гапларни гапирасан-да, Ҳурқадоқ. Инсон пешонасига битилганидан қочиб қутула олмайди. Тақдирга такбир йўқдир. Ҳеч қачон, ҳеч бир тақдир хусусида ҳукм чиқариб бўлмайди. Амир Шайх Нуриддин ўзини онгсизларча ўтга урадиган абдоллардан эмас. Бироқ мақсадига етмоқ учун ҳар қандай чекинишга бориб, фурсат пойлайди. У ғоят ақлли ҳаракат этади. Ақллилар эса эҳтиёткор ва сабрли бўладилар. Пирмуҳаммад Шерозий каби жаҳон шаҳзодаларининг ҳам қотиллар элида шаҳид кетганлигини кўрдик. Хуллас, яғийнинг ҳужум бошлашини кутамизми ёки ўзимиз бостириб борамизми, Шоястам? Сен бу ерларнинг ўру қири, пасти баландини яхши биласан. Сўйла?

– Юрагига ваҳима солиб бостириб борганимиз маъқул, улуғ амирим! Ҳужумни чўзаверсак, чўчиди дея ўйлаши мумкин. Унинг янада кўпроқ куч тўплашига имкон бермаслигимиз лозим. Атрофида эски душманларимиз, чингизий ва ўзбакийларда йиғилмоқда экан.

– Диққат билан қаранглар. Тўрт-беш чоғли суворий тўғри бизга қараб келмоқда, – дея ўнг элининг кўрсаткич бармоғи билан қорайиб яқинлашаётган отлиқларни кўрсатди, амир Шоҳмалик.

– Амир жаноблари музокара учун вакил жўнатгандир балки, – жавоб қилди Шоястам чап кафтини соябон қилиб қарши тарафни кузатар экан.

– Сулҳга кўнармикан?

– Жангда енгилиб, юртдан бош олиб чиқиб ёки ўлиб-етиб кетганидан кўра шу пайтгача ҳукмдорлик қилиб келган мамлакатада даври даврон суриб яшамоғи учун албатта унга сулҳ маъқул-да, амирим.

– Тўғри. Унга ҳечдан кўра кеч бўлса-да, сулҳ афзал. Акс ҳолда элда тутгани ҳар нарсадан мосуво бўлади.

Бу пайтда отлиқлар дарё соҳилига етиб келган, қўл силтаб салом беришарди.

– Қора отдаги кишини танидингизми, улуғ амирим? – сўради амир Шайх Нуриддин атрофидагиларини яхши биладиган Ҳурқадоқ.

– Танимадим, Ҳурқадоқ. Ким бўлиши мумкин?

– Пўстакнинг йиртиғи каби кўзим алдамаётган бўлса у жўчизодалардан Рамазон Ўзбакка ўхшайди, улуғ амирим. Элию тили, сўзию кўзи ўйнаган бир одам. Гапга тўн кийдирмоқ бобида ҳар қандай нотикқа дарс беради.

– Ростданми, Ҳурқадоқ?

– Бу қийиқкўз қирриғларнинг барчасини беш қўлдек биламан, олампаноҳ!

Узангига оёғини тираганча эгардан кўтарилган Рамазон Ўзбак қўл ишорати билан юқоридаги кўприк томонда кўришмоққа даъват этарди.

Отлиқ тўдалари қарама-қарши қирғоқ бўйлаб ўрладилар. Кўприк Самарқанд чериги кўлида эди.

– Ҳурқадоқ! Сен кўприк томон от қўй! Уларни ўтказ-

синлар! Мунозара биз тарафда кечади! – буюрди амир Шоҳмалик отини оҳиста қамчилаб илгарилар экан.

Қўноқларни кўприк устида қаршилаган қоровуллар уларни чамбарга олиб ўраганча энг яқин тепаликка чиқиб оти жиловини тортган амир Шоҳмалик ҳузурига олиб келдилар.

Отдан эллик қадамча нарида тушган Рамазон Ўзбек қийиқ кўзлари янада қисилганча кулиб амир Шоҳмалик томон қучоқ очиб келарди.

– Самарқанду фирдавсмонандга, улуғ амир ҳузурларига мусофир бўлиб бормоқни ният қилгандик. Бу учрашувни қаранг-а? – деди Рамазон Ўзбек амир Шоҳмаликни бағрига босаркан. – Мен зоти олийлари ҳузурларига жўчинажот хонзодамиз Чингиз ўғлон амрлари ила келдим. Амир Шайх Нуриддин хонзодамиздан орага тушиб яраштиришни сўрабдилар.

– Кимга ният, кимга қисмат, – деди амир Шоҳмалик учрашувдан мамнун оҳангда. – Кўриб турибсиз, хонзодам. Қабоҳат бизда эмас. Ўйинбузуқиликни ким бошлаганини яхши билсангиз керак.

– Биладан, улуғ амир ҳазратлари. Шул боис ҳам айнан ўша гуноҳкор тарафнинг рижоси билан дарё кечиб остоналарини ҳатлаб турибмиз.

– Бизда сулҳу яраш қопуси ҳар замон очиқ. Бу яраларни газак олдиғмасдан даволаш мумкин эди. Бироқ собиқ амир ул-умаромиз отдан тушсалар-да эгардан тушмай ўзларини дуч келган тарафга урмоқдалар.

– Амир жанобларининг, менинг, қолаверса бу ғавғага аралашган барча беку қўмондонларнинг фикри бир жойдан чиқмоқда. Рақобату душманликка чек қўймоқ керак демоқдалар.

– Бизнинг муаммомиз фақат шахсан амир жаноблари биландир. Атрофларидаги амиру маъмур, ясовулу қоровул, ким борки, бизнинг хешу ақрабомиз, қон-қардошимиздир.

Кимсага хусуматимиз, кимсанинг мол-мулкида кўзимиз йўқ, – мулоҳазакор оҳангда кўнишарди амир Шоҳмалик. – Ҳар тўқисда бир айб деганларидек биз ҳам сутдан чиққан оқ қошиқ эмасмиз. Бизда ҳам хато ва янглишликлар йўқ эмас. Акс ҳолда турум бу ҳолга етмаган бўлур эди.

– Ўтган гапларга саловат дейлик-да, муносабатларда янги, тоза саҳифалар очайлик. Амир Шайх Нуриддиннинг тилаги шудир, – муддаога ўтди Рамазон Ўзбак.

– Биз ҳам бу сулҳу амниятни жону кўнгилдан истаймиз. Амир жанобларининг шартларини сўйланг, – дея кўноқни ерга солинган тўшанчига давъат этди амир Шоҳмалик. – Назаримда биз собиқ бош вазир жаноблари билан фитратан ҳечам англаша олмайдиганга ўхшаймиз.

– Гина-кудурат кўнгилдан чиқариб ташланса, ҳар неки нияту мақсадга эришмоқ мумкиндир, улуғ амир ҳазратлари. Ҳар иккинчис ҳам ёш эмассиз. Беш кунлик дунёнинг ташвиши бу тирлашуву қон тўкишларга арзимаслигини ҳаммадан кўра кўпроқ сизлар англайсизлар. Шундай экан, қарши тараф эл узатдими, қайтарманг.

– Мен розиман, қардошим. Йиғлаганга ҳам бир чалпак, йиғламаганга ҳам бир чалпак, дегандек, муддаога ўта билурсиз? – деди мусофирнинг қаршисига чордона куриб ўтираркан амир Шоҳмалик. – Биз мудом йиқитган йиқилганни суяр нақлига амал қилиб келганмиз. Шунини очик айтмасам адолатдан бўлмас, қардошим. Ҳеч қачон ул дўстимиздек юртимизга Муҳаммадхон каби бир кўшни, қардош мамлакат подшоҳини кўшини билан бошлаб келмоқни ўзимизга эп кўрмаймиз. Хон ҳазратлари хатоларини англаб, амир жаноблари қутқуларига учмай қайтиб кетиб тўғри қилдилар. Салтанатлари ва улуслари шарафини сақлаб қолдилар. Акс ҳолда катта боболари Илёсхўжахон Амир Темурдан енгилгани

каби Муҳаммадхон ва Шохруҳ султон ўрдулари қарама-қарши келарди. Хон ҳазратлари бошкентга дўнмаганларида амир жаноблари ҳам биз ила сиз орқали сўйлашиб турганимиз оҳангда қўнишмаслиги Ўтрор даштидаги жониворларга ҳам аён эди.

– Сизга ҳақ бераман, амир жаноблари. Тил кесмоқ йўқ, бош кесмоқ бор дегандек, мен амир жанобларининг муносабатларда астойдил ва самимий эканликларига кафилман. Ул кишим сизга нисбатан янглиш ҳаракат этганларининг фарқидалар. Буни хонзодамизга алоҳида таъкидладилар. Ўзим бориб узрхоҳлик қила олмайман. Шу туфайли сиз воситачи бўлинг, дея рижо этдилар. Хонзодамиз зоти олийлари эса бу савобли вазифани камина қуллари зиммасига юкладилар. Хонзода Чингиз ўғлон амир Шайх Нуриддин номидан неники ваъда этсалар, амал қилажакларини таъкидладилар.

– Хонзоданинг бу ишга дохил бўлганлари кўп яхши. Бироқ амир жанобларининг эрталаб бир сўзни айтиб, пешинга бориб қайтадиган одатлари ҳам йўқ эмас. Бизни оворайи сарсон қилганликлари каби хонзодамиз юзини ҳам шувит қилиб қўймасалар, деган андишадман, Рамазон Ўзбек қардошим.

– Сўйлаганингиз каби бундай икки юзлиликка журъат этсалар, нафақат хонзодамиз, бутун бошли жўчинажот хону хонзодалар наздида эътиборларини йўқотадилар. Умид этаманки, амир жаноблари бунчаликка бормаслар.

– Сизни англадим, қардошим Рамазонбек. Муҳтарам хонзодамиз Чингиз ўғлон сизга айнан не дедилар ва биздан не талабда бўлдилар? – Рамазон навкардан хонзоданинг фикрини сўради амир Шохмалик.

– Олийнажот хонзодамиз Чингиз ўғлон ҳазратлари зоти олийларининг амирлик паноҳига умид билдириб айтдиларки, илтимослари ерда қолмагай. Таклиф ва



насиҳатли фикрларини идрок тарозисида ўлчаб, қабул этажаксиз. Душманлик дарахти пушаймонлик мевасини, низо уруғи эса айрилиқ самарасини келтиришини ҳар икки тараф англамоғига умид билдирдилар. Кечмиш замонда, ораларингизда бўлган қадимий дўстлик ва меҳр-муҳаббат ришталари келажақдаги илиқ муносабатларга пойдевор ўлажагини қайд этдилар. Сиз улуғ амир жаноблари хонзодамизнинг сидқидил ниятларини қабул этсангиз, ул кишим ҳам амир Шайх Нуриддиннинг розилик ва сулҳ мақомига киришига кафил бўлар эканлар, – Чингиз ўғлоннинг фикрини амирга етказди Рамазон Ўзбак.

– Сўзлаяжак яна бирор гапингиз борми, қардошим? – сўради амир Шоҳмалик Рамазоннинг кўкиш сигир кўзига тик қараб.

– Олийнасаб хонзодамиз не десалар амир ҳазратларига сўзма-сўз, ҳарфиян етказдим. Энди зоти олийларини диққат ила тинглайман, – жавоб қилди Рамазон навкар.

– Маъқулдир, қардошим. Унда хонзодамиз Чингиз ўғлонга етказингим, мен ҳурматли чингиззодамизга чин дилдан ишонурман. Истаймизми йўқми, биз, яъни икки тараф саваш ҳолатида турибмиз. Бундай қалтис ва омонат турумда сиёсий назокат ва инсоний адолат шартлари хусусида баҳсу мунозара этмоқ ортиқчадек туюлади кишига. Биз ила муаттаб бўлиб турган амир жанобларининг кимликларини яхши биламан. Амир Шайх Нуриддин бизга кўп фириб бергандир. Ва унга бўлган ишончимиз сарсилгандир. Модомики Чингиз ўғлон орага тушиб, биз ила сулҳ тузмоқчи экан, ниятини исботламоқ учун бир шартимиз бор. Шуни қабул этсалар, бу ишга жону кўнгилдан киришгаймиз ва ҳар икки тараф рози бўлиб, муродига етгай. Талаб ва таклифимиз шундан иборатким, амир жанобларининг сўзлари ишончга сазо-



## Нурали ҚОБУЛ

---

вор бўлиши учун Туман оқа ва маликамизнинг қардоши Шайх Ҳасанни, ўғли Маҳмудшоҳ ва навқари Шангумни ҳузуримизга юборсин. Шу тариқа сулҳ йўли очилгай.

Амир Шоҳмаликнинг Шайх Нуриддиндан-да кўпроқ сулҳ ва тинчлик истаётганига ишонч ҳосил қилган Рамазон Ўзбек хонзода топшириғини бажарганлигидан мамнун ҳолда ортга қайтди.

Бироқ шу кетганча сувга тушган тошдек ғойиб бўлди. Амир Шайх Нуриддин амир Шоҳмаликнинг шартларини қабул қилмади.

– Биз бу ишдан чекиндик. Қутурган кўппакдек таллашиб, бири ўлиб, бири қолсин! – деди Чингиз ўғлон аччиғи чиқиб.

Самарқанд чериги ҳамон Сайхуннинг кун юриш томонида депсиниб турар, амир Шоҳмалик Ҳирот ва Самарқанддан келажак ёрдам ҳақидаги хабар ва кўшинни беклар эди.

Қоровуллар Шайх Нуриддин чериги билан бўлган тўқнашувда асир тушган Алико мингбошининг келганлиги ва амир билан кўришмоқни сўраётганини айтдилар.

Алико мингбошининг оёғини ерга теккизмай амир қароргоҳига олиб келдилар.

– Шайх Нуриддин бир суҳбатда мени амирлар Умар Тобон, Мусако ва Давлатхожалар ҳузурига юбориб, сулҳ ҳақида кўнишмоқни сўрагани, – деди мингбоши тиз чўкиб.

– Не учун менинг олдимга эмас, амирларимиз ҳузурига? – сўради амир Шоҳмалик.

– Улар сизни сулҳ шартлари ва яраш битимига кўндиришлари лозим экан, улуғ амир ҳазратлари, – жавоб қилди Алико.

Амир Шоҳмалик уч бекни ҳузурига чорлади ва Шайх Нуриддиннинг таклифини айтди. Сулҳ шартларини кўнишмоқ учун уч амирни Шайх Нуриддин қароргоҳига жўнатди.

Бекларини йўлчи этган амир Шоҳмалик оний қарор билан улар ортидан Саврон томон юрди ва Шайх Нуриддинга ўзининг хос чопари Лутфулло Кабир паканани юборди. Чопарга Шайх Нуриддинга айнан шу сўзларни айтишни тайинлади. “Ғуноҳимни эътироф этиб, ёмон иш қилганлигимга иқрорман” дейди. Ана шундан сўнг у билан сулҳ тузаман. Акс ҳолда орани жангу жадал воситасида очиқ қиламиз.

– Амир Шоҳмалик икки навқари билан қалъа дарвозасига келсин. Мен ҳам икки навқарим билан чиқаман. Элчисиз ва хат-хабарсиз, юзма-юз кўришиб сўзлашайлик. Энг маъқули шудир, дея сўнг сўзини айтди амир Шайх Нуриддин, – деди Сайрам қалъасига бориб келган Лутфулло Кабир пакана.

– Қалъадан камончилари ўқ узмасмикан? – сўради амир навқаридан.

– Ёйчилар ўқ узса навқарларимиз амирга ташланади. Амир жаноблари бу қадар пасткашликка бормас, – жавоб қилди Лутфулло Кабир.

– Унда Ҳурқадок иккинги мен билан борасизлар.

Султон Соҳибқирон Амир Темурнинг калла талашган икки улуғ амири от устида қучоқлашиб, саломлашдилар.

– Модомики кўришган эканмиз, ичимдагиларни айтмасам бўлмас, – деди амир Шоҳмалик салом-алик ва ҳол-аҳвол сўрашни узатмай мақсадга кўчаркан. – Аҳли Турону Эронга маълумки, ҳазрат соҳибқирон сизни ўз фарзандидек тарбият этиб, улуғ амирлик, сўнгида амир ул-умаролик мартабасига тайин этдилар. Бироқ ҳеч бир Оллоҳнинг бандаси бу хонадонун сулолага сизнингчалик беписандлик ва ҳурматсизлик қилмоққа журъат этмади. Менинг гиналаримни тўғри ва самимий қабул этажаксиз деган умиддамен. Бироқ ўтган ўтди, кетажак одам кетди. Энди уни муҳокама этмоқ ва эсламоқдан фойда йўқдир. Улуғ инсонлар ўтган гапларни қўзғаб, янги

фасод оташини ёқмайдилар. Менинг ҳазрат хоқони саиднинг марҳаматларига эътимодим борлиги барчага маълумдир ва умрим охирига қадар сулолаю салтанатга содиқлигим ҳар касга аёну баёндир. Айбни бўйинга олиш ва кечирим сўраш ҳам эрдамликдир. Ўтган нохуш гап-сўзлар ва ҳодисаларни унутиб, хоқони саид давлати олиялари поясига кечирим сўрамоқ учун келсангиз, ҳар неки зиёну заҳматдан узоқ тургайсиз. Кечмишдаги каби тинч-осуда ҳаёт кечиргаймиз, – дея сўзини мухтасар қилди амир Шоҳмалик.

Амир Шоҳмаликнинг иддаоли сўзларидан асабийлашган Шайх Нуриддин оти жиловини ўйнаганича ўйлаиб қолди.

– Мен сулҳу ярашга тайёрман. Бироқ ичимда бир шубҳа ва гумон борки, у мени мудом ортга тортаётир, амир жаноблари. Биласиз, узилган арқоннинг уланган жойида сўзсиз тугун қолади. Ана шу тугундан чўчимокдаман. Яна бир бор ўйлаб, мушоҳада этиб кўрайлик. Оллоҳ насиб этса яна учрашамиз, – жавоби мужмал эди Шайх Нуриддиннинг.

– Маъқул. Сизни англадик, амир жаноблари. Энди ижозатингиз ила Туман оқа билан саломлашсак, – деди амир Шоҳмалик ақлида турли фикр ғужғон ўйнарган кўзини дарвоза ва рақибининг икки навкардан узмай.

– Қалъанинг кун ботиш буржи томон юринг. Хоним ўша бурж тепасида турибдилар, – деди Шайх Нуриддин қамчиси билан ишорат этаркан.

Бурж қалъанинг саҳро томонида бўлиб, ҳужум қилинса бемалол қочиб қутулиш мумкин эди. Оти жиловини силкитганча бораётган амир Шоҳмаликнинг ўйидан шу фикрлар кечди.

Амир Шоҳмаликка кўзи тушган Туман оқа аламу ҳасрат-ла йиғлай бошлади.

– Бизни тезроқ қутқаринг, улуғ амирим!

Шайх Нуриддин Туман оқанинг йиғи аралаш сўзлари

орасидан шу жумлаларни аранг туйди. Қалъанинг баланд деворидан туриб гапираётган маликанинг овози етиб келмади.

Малика билан кўришиб саломлашган амир Шоҳмалик яна дарвоза ўнгига қайтиб келди.

– Кун кўтарилиб, ҳаво ҳам исиб кетди. Лозим топсангиз бизга бир соябон ва бир оз егулик юборсангиз. Озроқ дам олиб сўнгра қайтамиз, – деди амир Шоҳмалик елкасини қисиб, ғамгин оҳангда. – Таҳорат олиб, қазо намозимизни ҳам ўқиб олармидик.

– Майли, навкарлар олиб чиқишади! – деди амир Шайх Нуриддин ғолибона овозда ичида аҳволинг шу экан яна кекирганига бало борми, дегандек қошини чимириб, қирғийқараш қиларкан.

Амир Шайх Нуриддиннинг икки навкари соябонга қўшиб, эт, экмак ва айрон олиб чиқди.

Йўлдошлари билан таяммум<sup>1</sup> қилиб, намоз ўқиган амир Шоҳмалик ва шериклари соялаб, емак едилар.

Хурқадок дарвоза тепасидаги қоровулга соябон ва айрон солинган мешни олиб кетмоқни ишорат этди.

Сулҳу яраш нияти сувга тушган амир ва навкарлари отлари жilовини бўш қўйганча ортга қайтдилар.

### ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

*Ҳаддини билмас ҳалок бўлур.  
Отасўзи*

Шайх Нуриддинни ярим йўлда амирлар Мусако ва Давлатхожалар кутиб туришарди.

– У билан англашмоқ мушкулга ўхшайди, Давлатхожа, – деди амир Шоҳмалик ўзини қаршилаган беклари-

<sup>1</sup>Таяммум – сув бўлмаган жойда кум, тупроқ, пахта ва латта каби ашёлардан фойдаланиб қилинадиган таҳорат.

га боқароқ оти жиловини Ҳурқадоққа узатар экан. – Бир чорасини қилмасак бўлмас.

– Сўйланг, улуғ амир ҳазратлари. Не йўл-йўриқ кўрсатсангиз бошимизу кўзимиз устидадир. Ўринлатгаймиз, – деди амалга ошмаяжак иш учун орага тушиб хижолат бўлган амир Давлатхожа.

– Эрта ёки индин эски дўст ва жамоат ўлароқ сўнгги маротаба унинг олдидан ўтингиз. Шунга қараб йўлимизда давом этамиз, – деди амир Шоҳмалик беклари билан соҳил бўйлаб юраркан. – Иш жанг билан тугайдиганга ўхшайди-ёв.

– Унинг биз ила савашадиган ҳоли йўқ, амир жаноблари. Қалъага бориб туриш-турмушини кўрдик. Амир жаноблари сув ичиб кекириб, сар берса-да, сир бермай қалъада беркиниб ётибди.

– Майли, биздан домангир бўлмасин. Охирги маротаба огоҳлатиринг-чи. Унга қадар Ҳирот чериги ҳам етиб келиб қолар. Керак бўлса, Саврон қалъасини бир йўла бошига йиқамиз. Шартимиз шу. Қардоши Бердибек ёки ўғли Маҳмудшоҳни ҳузуримизга юборсин. Шунда сулҳга бориб, англашамиз. Мен уни нодон ва ёмон киши демоқ фикридан узоқман, Давлатхожа. Бу теграда унинг каби дунё кўрган ва дунёни англаб етган одам йўқ ҳисоби. Буни ўзиям билади. Шунинг учун ҳам кимсага бўйин эгишни истамайди. Ҳаётнинг ҳар ким ҳам англайвермаяжак қонуни шундай. Бир яхши бир ёмонни қирқ йил идора эта билади. Бироқ икки яхши бир йил ҳам англаша олмайди.

Эртаси куни қалъага кетган Давлатхожа ва Мусако яна бўш эл-ла қайтдилар.

– Унинг ўзини учрашувга чорлаб ишини битирсак. Не дейсиз? – бекларига зимдан боқиб сўради амир Шоҳмалик.

Соҳиб ихтиёрдан бундай таклифни бекламаган амирлар бир зум не деярларини билмай, тараддудландилар.

– Не-не савашу сўғишларни кўрган тажрибали амир Шайх Нуриддин бу тариқа жонига қасд қилишга йўл қўядиган кишилардан эмас, амирим! – деди анчадан сўнг амир Давлатхожа.

– Бу тадбиримиз амалга ошса ошди. Акс ҳолда ўзимиз суиқасдчи қотил номини олиб, ўйин тамоман бузиладими дейман, – Давлатхожанинг сўзини маъқуллади Мусако.

– Тўғри. Фикрларингизда жон бор. Улуғ амир ҳазратлари устоз шайтон денг, – деди амир Шоҳмалик ичида сенлардан маслаҳат сўраган мен аҳмоқ дея энсаси қотиб. – Майли, мен бу сўзни сўйламадим, сиз эшитмадингиз, – гапида давом этди амир суҳбатдошларида бу гапни шунчаки оғзидан чиқиб кетгандек таассурот қолдирмоқ учун. – Яхшиси, бу бедавлатга бориб яна бир бор насиҳат қилинглр. Қалъадан туриб бизга ғазал ўқимасин. Модомики ўзи ёки фарзанди Маҳмудшоҳ хоқони саид ҳазратлари ҳузурларига бормас экан, икки нафар еткили амирларидан юборсин. Бизда ҳам ор-номус бор. Токи жангсиз қайтиб кетганимизга бир сабаб бўлсин. Сиз сўнгги рижойимизни унга бориб сўйланг, – тоқати тоқ бўлганди амирнинг. – Буюк шайтону атрофидаги шайтонзодалар қилмишини уларнинг улуси, жамоасига мол этмаслик керак. Бу одамлар эрта бир куни давлату мамлакатимизнинг раияти бўлажаклар.

Беклар Мусако ва Давлатхожалар қалъа дарвозаси томон юрдилар. Амирларни кўрган Шайх Нуриддин икки навқари билан дарвозадан чиқиб келди. Тарафлар саломлашгач, мунозарага киришдилар.

– Менга қара, Ҳурқадоқ! Фақат иккимиз биладиган ва қутлуғ номинг тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар ила битилажак фурсат келди. Шу пайтгача пишитиб келган режамизни амалга оширмоқ учун бундан қулай даму дақиқа бўлмайди! Бу масъул вазифани бажармоққа

кириш, ишончим комилки, омаду зафар юз кўрсатиб, сенинг диловорлик номинг тириклик китобида боқий қолгай! Икки амиримиз хайр-хўшлашиб ортга қайтаётган чоғда саломлашиб этагини ўлгандек бўлиб, унинг олдига борасан. Эски навкари ва қадрдони ўлароқ сени кўкрагингдан итармайди, илиқ қаршилаиди. Яқин борганда ҳурмат учун отдан тушиб, яқинлаш. У, албатта сени ёнига чорлаб, оғушига тортмоқчи бўлади. Қучоқ очиб эгилган пайтда сен ҳам уни астойдил ва мардона бағринга тортгинки, қўлларинг унинг орқасига ўтиб бирлашсин. Уни улоқни олган чавандоз каби маҳкам тутиб отдан тортиб тушир. Уловидан ағдариб туширмоқ сенинг уҳдангда. Сени муҳофазангни таъмин этмоқ эса бизнинг зиммамизда.

Орқа тарафда, амир Шоҳмалик йўриғи билан совут кийиб, шамшир тутган, икки ўқ отими масофада турган икки юзлик суворийга бир назар ташлаган Ҳурқадоқ калима келтирганча отини ниқтаб қалъа дарвозаси томон юрди.

– Ҳурқадоқ! Сенмисан! Кел ёнимга! – деди амир Шайх Нуриддин эски навкарини таниб мамнун оҳангда.

Этана бўлиб отдан тушган Ҳурқадоқ бир неча бор тиз чўкиб таъзим қилди.

– Бормисан, Ҳурқадоқ! Нега шу пайтгача келмадинг? – дея эгилиб эски навкарига қучоқ очди.

Қўллари амирнинг бели орқасида туташганда бор кучи билан уни пастга тортди. Ерга йиқилиб тушиши билан кўксига чап тиззасини қўйиб, белидан қиличини суғурди.

Амирнинг дарвоза ўнгида турган икки отлиқ навкари Ҳурқадоққа ташланди. Биринчи етиб келган суворий Ҳурқадоқнинг қўлига қилич солди. Шайх Нуриддинни тиззалаб босиб турган Ҳурқадоқ шамширини шундай сермадики, суворий отининг лаблари кесилиб тушди.



Икки суворий оти ҳам ҳуркиб ўзини четга олди. Фурсатни ғанимат билган Ҳурқадоқ қиличини амирнинг юзига шундай зарб билан урдики, унинг тиғини ушлаб тўхтатмоқчи бўлган қўл бармоқлари, бош косасининг ярми билан бурни узилиб тушди.

Яқиндаги тепалиқда ақл бовар қилмас бу фожиани кузатиб турган амир Шоҳмалик суворийларига дарвоза томон от қўйишни ишорат этди.

Икки суворий юзлиги кўз очиб-юмгунча қалъа деворига етиб борди.

Ҳурқадоқ юзидан қон тирқираётган амирни ҳамон ўнг тиззаси билан босиб турарди.

Суворийлар ва амир Шоҳмаликнинг етиб келганини кўрган Ҳурқадоқ ярадорнинг бўйнига икки бор қилич уриб, бошини танасидан жудо этди.

Амир Шайх Нуриддиннинг Турон салтанати амир ул-умаролигига тайин этилганидан бошлаб кийиб юрадиган ярим тож, ярим дубулға шаклидаги бош кийими майин тупроққа қоришиб ётарди.

Ҳурқадоқ кесилган бошни сочидан тутиб, дубулға томон улоқтирди.

От қўйганча етиб келган амир Шоҳмалик кўз ўнгидан содир бўлган даҳшатдан ҳайратга тушганча эгарда қотиб қолгандек ўтирарди.

Шаҳид жасадига ўнг оёғини қўйиб, юзидаги қонни енги билан артаётган Ҳурқадоқ қонли қиличини қинига солиб, тепасида турган амирга қаради.

– Ҳаддини ошган, ҳақ этганини олур. – Эшак семирса эгасини тепар, чумчуқ қутурса бургутга чопар дегани шу бўлса керак-да, Ҳурқадоқ, – деди амир Шоҳмалик хириллаган овозда ҳаяжонини босиб. – Бошини олиб хуржунга сол. Самарқандга жўнатамиз. Хоқони саид ҳазратлари ҳам бошкентга етиб келган бўлсалар керак. – Сен нафақат менинг ор-номусимни, салтанату суло-



ла шаъну шарафини сақлаш йўлида ақл бовар қилмас буюк хизмат қилдинг!

– Ҳақ рост, улуғзот амирим. Элмагини еб, қиличини чопиб юрганимда шаҳид амирнинг ўзи хон тахтига тўймас, хотин бахтига дер эди. Хом сут эмган одам зоти шундай экан. Оғзини тўлдириб бировга маслаҳат беради-ю, бироқ шунга ўзи амал қилмайди.

Бу пайтда асосий қўшин қалъага яқинлашган, от чоптириб етиб келган бек ва мингбошилар амир Шоҳмаликнинг оғзига қараб туришарди.

– Саврон қалъаси қамал қилинсин! – буюрди амир Шоҳмалик.

Лашкарбошилар чериклари томон жиловларини буриб, отларига қамчи босдилар.

Режасини бунчалик аниқ ва мукаммал амалга ошганига ҳали-ҳануз ишониб-ишонмай турган амир Шоҳмалик чорак асрлик рақибининг тупроққа қоришиб ётган вужудига тикилганча ўйга толган эди.

– Ит тумшуғини тикқан жойга сув ичгани шер келмас, улуғ амирим! Ноқис феълунонкўрликнинг охир-оқибати беку бекчи, шоҳу гадой, ким бўлмасин, айнидир, – деди Хурқадок шаҳид амир бошини олиб елкасига ташланган хуржунга соларкан. – Зотан бу йўлда ўлмоқ бору, дўнмоқ йўқ эди.

– Сен бутун юрту улусни буюк жон чекишу қон тўкишдан асраб қолдинг, Хурқадок! Мўғул хони Шамъи Жаҳон амир Худойдодни қай тарзда халқ бошидан кўтариб, не қадар хайрли иш қилгани каби сўз-ла ифода этилмас жасорат кўрсатдинг! Миллату уммат буни ҳеч қачон унутмагай! Яхши бекчи (қоровул, кўриқчи) ит ҳовлатмас, Хурқадок. Хоин амир юртимизга қайдан кўриқчи чорлаб, кўппак эргаштириб келиб киш-кишламасин нияти қурсоғида қолажақдир. Амир қизини бериб даъват этган беклар кетар эл қолар, беткай кетиб бел қолар, қардошим. Хулласи калом, қиш қишлигини, пушт пушт-

лигини қилди-да. Яхшининг ҳаммаси ҳам тузук бўлмас, ёмоннинг ҳаммаси ҳам бузуқ бўлмас, дер эдилар соҳибқирони аъзам ҳазратлари.

– Хоқони саид ҳазратлари ва сиз улуғзот давлатпаноҳим учун жонимни фидо этмоққа-да ҳозирмен! – бу ишни қандай уддалаганидан ҳалиям ўзига келмаган эди навкар. – Сизнинг нодир фикру тадбирингиз туфайли амалга ошди бу иш, улуғ амирим! – қонга беланган уст-боши ва элига боқароқ гапирарди Ҳурқадоқ. – Зоти олийлари сўйлаганлари каби яхши кучуклар ҳудабехуда ҳуравермайдилар ва ўлигини кўрсатмайдилар, улуғ амирим.

– Тадбирни ўйлаш, уни қандай амалга ошириш усулу услуби ҳақида фикр этмоқ осон. Бироқ ҳамма гап уни қойиллатиб амалга ошира билмоқда, авлодим! Юртни катта бир балодан қутқардинг! Шер боласи овни енгар, эр боласи ёвни дегандек, сен унга унча-мунча эмас, жуда катта, мудҳиш бир аждарҳони бартараф этдинг. Бу ҳам ўзини шер санаганлардан эди. Энди бу шернинг ўлиги фақат отни ҳуркитади.

– Менинг ишим ҳам жоҳилликдан жон чиқар, қотилликдан донг чиқар қабилида бўлди-ёв, олампаноҳ! – не қилиб қўйганига ўзи ҳам ҳайрон Ҳурқадоқ ҳамон ҳервайиб турарди.

– Инсон ўз ҳаётининг бош ўйинчисидир, Ҳурқадоқ! Сен умрингдаги энг буюк ва муҳим, авлодлар юз йиллардан сўнг ҳам қўнишиб, муҳокамаю мунозара этадиган ишни уддаладинг! Сен у қадар фарқида бўлмасангда, бу ишнинг не чоғли муҳимлиги барчага аёндир. Не қилсак бирга қилдик, не бўлсак бирга бўлдик. Жаннатга кирсак-да, бирга кирамиз.

– Боши юмалоқ, бути айри бу одамлар худо, жаннату дўзахга ишонганларида бунчалик адолатсиз ва разил бўлмасдилар, давлатпаноҳ!

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Қўявер! Тангрининг ишига аралашма! Ҳар сўйилган эчкию қўй ўз оёғидан осилади! Оллоҳ сендан рози бўлсин!

– Сиздан минг карра рози бўлсин, олампаноҳ! Инсон зотининг сўзига қулоқ солмас амир мусулмон эмас эканда?

– Йўқ, у мусулмон. Бироқ руҳини шайтонга сотган мусулмон, Ҳурқадок. Синмаган соп, йиртилмаган қоп қолмас. Ўзини авлиё санаган одам аталмиш махлуқотнинг сўнги шундай тугайди. Ҳатто биз фойдаланадиган ашёларнинг умри инсонникидан узундир. Киши кечмишидан воз кечиб, келажагию қадаридан қочиб қутула олмайди, Ҳурқадок. Ким билади, сен билан мени асроил қай бир сою дарада ёқалайди. Ёшнинг ўлими тасодиф, кексаники эса муқаррардир. Унга сулҳу яраш ҳақида сўйлайвериб, тилимизга тук битди. Кўнмади. Такаббур одам эшак каби ўжар бўлади. Қайсарлик эса эшагу хачирга ярашади. Сўқир отга қўтир уюр. Инсон боласи шундай. Бир-бири учун ҳаёт аталмиш илоҳий неъматни захару зиндон этиб яшайди. Қулочни катта отган амир даври давроннинг эскиси каби кетмаслигини англамади. Инсон неқадар юксак мансабу мартабаларни кўриб, ёши бир қорага етмасин, кишилиги ўтирмаса, шахс ўлароқ дунёни англаб етмаса, қоқилмоқдан қочиб қутула олмайди. Гап тожу тахт, шоҳу султонликда эмас, Ҳурқадок.

– Нимада, олампаноҳ? – сўради навкар жимиб қолган амирга қараб.

– Гап лошнинг тож-тахт соҳиби бўлишида эмас, бошнинг шоҳона бўлишидадир, – жавоб қилди амир қиличи билан кўнжигга ураркан. Ишламаган бош, ишлаб турган танани лошга айлантиради, авлодим. Қалам кучи фармон билан, қилич кучи дармон билан, Ҳурқадок. Узоқ ва пухта ўйлаб сени бу ишга ҳозирлаган қатъий азми

қароримиз, ҳеч бир тараддудга бормай журъату жасорат-ла ишга киришганинг ва билагингни кучи ҳал этди муаммони. Мақсаду муддао фақат иқтидор ўлмоқда эмас, қардошим. Кўнгилларга кирмоқдадир. Кишилар кўнгилга кирмасанг, ўттиз йил подшо бўл, ўлганингдан сўнг гўрингга ғишт қалайдилар.

– Қиличи олтин сопли экан, улуғ амирим, олсам майлими? – сўради Ҳурқадоқ қуёш нурида ярқираётган шамширни айлантириб кўраркан. – Қоча-қоча думини тутдирмай, охири бошини топширди бояқиш.

– Ол, олавер. Тожини ҳам хотира учун олиб қўй. Несини хоҳласанг ол! Эришадигани бир ярим газ еру, икки газ бўз! Бироқ унга қора тупроққа ҳам одам каби боши билан кўмилмоқ насиб этмади. Қалп одамларнинг ҳаёти шундай тугайди. Ҳар ишда бир хайр бор деганларидек, юз берган бу воқеада ҳам Оллоҳнинг бир ишорату ҳикмати бўлса керак, Ҳурқадоқ. Одамлар сен амалга оширган бу ишни қотиллик дея баҳолаб, ҳар иккимизни қоралашлари мумкин. Бироқ бугун тўкилган бир амирнинг қони минглаб бегуноҳларнинг жонини асраб қолди. Бу ерда бечора халқ, ит ётишу мирза туриш-ла кунини кунлаб юрган лашкарнинг ҳеч бир айби йўқ. Бутун қабоҳат калла ва мавқе талашган биз, мавқепараст амирлардадир. Мулку давлат, тожу тахт бизга керак. Улус эса топар-топмасини еб, оёқ узатиб ётишни истайди. Уни ўлдирдигу, энди ичимдан қон йиғламоқдаман. Кошки, шу иш сулҳу амният йўли ила ҳал этилганда. Бироқ чиқажак жон чиқмай, тўкилажак қон тўкилмай қолмас экан. Бу шарафсизнинг ичида бир шайтон яшар эди. Ўзи ҳам шайтонлашмаса кимсан султони ғозий Амир Темур ҳазратларининг ақрабоси амир Мубашширни қатлга етказармиди?..

Ўн чоғли суворий қўрилмасида айланиб қалъани кўздан кечираётган амир Шоҳмалик қўрғон қамали учун

юзбоши ва ўнбошиларга таълимот берар, аҳён-аҳёнда ёнида юрган Хурқадоқнинг калла солинган хуржунига қараб кўярди. Жун тўқима хуржуннинг тагидан қон сизарди.

Саврон қалъасини ўраган уч минг чоғли суворий амир тайин этган мавзеларни эгаллаб, ҳужум амрини кутар, нигоҳи кўрғон дарвозасида бўлган отлиғу пиёда-нинг кўлга киритажак ўлжа иштиёқида кўзи ёнарди.

Амир Шоҳмалик бир дона ўқ отмай, кимсанинг бир тола сочини тўкмай қалъани таслим олмоқчи эди. Шу мақсадда ҳужум амрини бермади. Суворию сипоҳий сафлари ва қалъа деворини кўздан кечириб кўрғоннинг кун юриш тарафидаги қароргоҳ вазифасини ўтаётган тепаликка қайтиб келди. Қоровул қисми этакда қолган, фақат Хурқадоқ амирга эргашиб юрарди.

Отдан тушган амир Шоҳмалик мулозим келтирган курсига оғир ва ҳорғин чўқди. Куни кеча, бундан бир намоз ораси муддат бурун сирли ва фатҳ этиб бўлмас каби кўринган қалъага тикилиб қараб қолди.

Бир кишининг қисмати бутун бошли кўрғон ва минглаб одамлар тақдирини ҳал этди-қўйди, ўйлади қалъадан кўзини узмай. Бир такаббур ва иддаочи инсон минглаб кишиларни сарсону саргардон этиб, ўлимга етаклайди. Қалъаю шаҳарларни вайрон этади. Бошқа бири эса бунинг аксига улус ҳаётини сақлаб қолиб, Оқсарою Кўксарой каби иншоотларни тиклайди.

Қон сачраган юзи ва уст бошини ювган Хурқадоқ кўл қовуштирганча йўриқ беклаб амир қаршисида турарди.

Амир Шоҳмалик қалъа ва унинг деворлари устида безовта чопишиб юрганлардан кўзини узиб беихтиёр ақл бовар қилмас ишни ҳамирдан қил суғургандай ҳал этган Хурқадоққа тикилиб қолди.

Замбилдек елкаси, нарвон каби бўйи ва курак каби кафтлари унинг ғайритабиий бир инсонлигидан да-

лолатдек эди. Унинг кўнглини олу, ишга сол. Шунда у кимса уддасидан чиқа олмас ишни ўлимни ҳам парво қилмай эсплайди.

– Нечун бу қадар ўйга толдингиз, давлатпаноҳим? Елкамиздаги тоғ ағдарилди. Рухсат этинг, энди беш-ўнта қўю эчки сўйиб бир қозону чўмични мойлайлик? – деди Ҳурқадоқ амирнинг ўзига бўлган самимий давранишидан эркин тортиб.

– Не қадар ғалабага эришган бўлмайлик, ўлим киши руҳиятига таъсир қилади, Ҳурқадоқ. Шу ёшга етиб ҳаётимда одам каби бир одам, ҳалолу бутун, оқилу одил бир инсон ва тўғри ҳолат кўрмадим. Ким-ла дуч келиб мулоқотга киришма, фурсатчию манфаатчи, ўйинчию ниқобли. Ўзлари ихтиро этган чала ҳақиқату чала ёлғон наҳру баҳрида сузавериб, бу иккиюзламачилигу сохтакорликларга охир-оқибатда ўзлари ҳам ишониб қоладилар. Боиси, самимияту садоқат ила иқтидору ҳокимият ён-ёна бўла олмайди. Бу кўпқарида от чопсанг, улар ботиб турган балчиққа ботмоғинг керак. Акс ҳолда бошинг кетмаса ота-бобонг қилиб келган тирикчиликлар ила машғул бўлмоғинг лозим.

– Э-э, бу дориғаю қутвол, ноибу қойиммақом деганингиз тинчгина ота-бобонгиз тирикчилигини қилиб қўй боқиб, экин экканингизга ҳам қўймайди, улуғ амирим. Солиқу тағор бер, дея жонингиздан бездиради, – оғзига келганини қўйиб юборди содда Ҳурқадоқ. – Узр, давлатпаноҳим, сўзингизни бўлдим.

– Ҳечқиси йўқ, Ҳурқадоқ. Менинг сўзларим ҳам қонуни ҳукм эмаски, инкор этмоқ мумкин бўлмаса. Ҳақминоҳақми ҳар ким ўз ақлидагини сўйламоғи лозим. Бунинг учун отагўри қозихона қилмоқликка лузум йўқдир. Мен сенга шуни айтмоқчи эдимки, иқтидору ҳокимият сари от қўйган ва унинг жиловини ҳақиқий инсонуну ҳукмдор каби тута билган бир кишини кўрдим. Бу ҳам бўлса султон

соҳибқирон ҳазратлари эдилар. Бироқ шу қадар буюк шахсият ва жаҳонгир бўлишларига қарамай ўз хато ва янглиш ишларини теран ҳис этиб таҳлил қилар, изтироб чекарди. Бошқа дуч келган ҳукмдорлик даъвосидан юрганларнинг аксари дордан қочган ёки алап-оқибат амир каби дор оғочига боражаклар эдилар. Билмадим, Хурқадок. Бундан сўнг қисмату қадар бизга не ишваю жилва ёки шайтоний табассум ила боқар? Буни ёлғиз эгаси билади. Ҳеч нарсага ақлим етмай қолди. Туркистону Мовароуннаҳр юртини сўраб турибману, ёнимда Шохруҳ султону Улуғбек мирзо, сену Шоястамдан ўзга ҳеч кимса йўқдек. Бир замонлар Амир Темурдек одам ўзимни ёлғиз ҳис этаман, деганларида ҳайрон бўлган эдим.

– Бир юзу йигирма тўрт пайғамбардан битта худо афзал дер эди шаҳид амир соҳиб ихтиёрлик замонларида. Шул боис улуғ хоқон ҳазратларидан бўлак кимса ила гаплашмас ва ҳисоблашмас эди. Мана, кўриб турибмиз. Керак бўлганида, ҳаёт-мамот онда уни худо ҳам ҳимоя этмас экан.

– Шаҳид устозинг, пайғамбар худо эмас, худодан жудо эмас, деган нақлни билмаганда, Хурқадок. – Душманинги хас, хас ҳам бўлса бас, қардошим. Эътибор бермаганинг кўчадаги бир чўп ҳам кўзингга кирса кўр қилиши мумкин.

– Тўғри, давлатпаноҳим. Хасни хор кўрма кўзингга тушса кўр қилар, хасни кўрсанг хизр бил дейдилар, – деди Хурқадок шу пайтгача амирдан бу каби гапларни эшитмаганидан ҳайрон бўлиб.

– Ҳар кимнинг ақли-идроки, фаҳми фаросатига кўра ҳаёт фалсафаси бор, Хурқадок. Биров яшар ҳалқим дея, биров яшар ҳалқум дея. Мен ўзимнинг ғамим билан, мулла менинг ағим билан, дегандек одамлар бир нарсани фикру мушоҳада этиб, иккинчи бир ишни қиладилар. Бу мунофиқ дунёда шунга кўра ҳисобингни қилиб, қадамингни босмасанг, оқибат хайрли ўлмас,



– дея ўрнидан қўзғалди амир. – Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилганидек, умринг бино бўлиб неки хатти-ҳаракат, тоат-ибодат қилмагин қизинг қўлга сув қуяр, ўғлинг кетга сув қуяр бўлиб чиқаверади, Хурқадоқ. Итдек очикдик. Юр, қўшга бориб бирор нима ейлик. Эшак ўйини қирқ йилда, ит ўйини ҳар йилда дегандек, бу эшак ўйинида биз ютдик. Янаги эшак ўйинигача қирқ йил бор, Хурқадоқ. Унгача ким бору, ким йўқ, – гапириб кетарди амир Шоҳмалик. – Ёмонлик ҳар кишидан, яхшилик эр кишидан. Бироқ боши юмалоқ бути айри одам аталмиш бу яратикқа ҳайронсан. Думи сувга етган тепага интилади.

Пири Туркистон, ҳазрат Аҳмад Яссавий турбаси атрофидаги така ва хонақоларда кун кечиргувчи дарвешу қаландарлар Масти Қаландарнинг сўнги байтларини такрорлашганча лашкар орасида кезишар, ошчилар қозони тепасига бориб айтув айтишарди.

Кун келар, авлод кимлигингни билар,  
Сўн келар, аҳбоб кимлигингни билар.  
Ун келар, Оллоҳ кимлигингни билар,  
Тун келар, жаллод кимлигингни билар.

Ҳар бир отилган ўқ қайта отилмас,  
Йўқотганинг инсон қайта топилмас.  
Сўнг очилган эшик қайта очилмас,  
Бир бор кесилган бош қайта чопилмас.

Хоинга йўл берсанг, бошингга чиқар,  
Оғзингдаги луқма, ошингга чиқар.  
Кўздан оққан сўнги ёшингга чиқар,  
Қадар куни сўзсиз лошингга чиқар.

Тўғри сўйлаганни сўрмоқ мушкулдир,  
Элни ўйлаганни кўрмоқ мушкулдир.



Бош тикиб бир сўзда турмоқ мушкулдир,  
Золимга тик боқиб юрмоқ мушкулдир.

Одам борки, оғочдаги япроқдир,  
Хайр камёб, фисқу фасод кўпроқдир.  
Ботир четда, ожизларким тўпроқдир,  
Аввал-охир, барчаси бир тупроқдир.

Қадри қиммат хуруш юртда,  
Дилга чексиз армон келар.  
Мустабиднинг куни туғса,  
Хўлу қуруқ қурбон келар.

Ҳар неки атворга кўра,  
Баҳр истасанг уммон келар.  
Кўксингда арслон наъраси,  
Жоним дея жонон келар.

Шаъни шарафга лойиқсан,  
Бошга одил инсон келар.  
Қалбингда султонлик яшар,  
Султон каби султон келар.

Золимлар ўнгида суссанг,  
Асли насли шайтон келар.  
Қирқ дарадан сув келтирма,  
Сўнг сўроқчи – раҳмон келар.

Осмон этаги шомнинг қирмизи тусига бўянган эди.  
Мағриб самосининг лоларанг шафағи ҳали замон юз  
берган фожианинг акси каби юракларга ғулу соларди.

Ҳинду, Шому Ироқдадир, тананг тузу тупроқдадир,  
тонг отар, кун ботар, умр сувдек оқар эди...

## УЛУҒ АДИБ, НУРАЛИ ҚОБУЛ ОҒАМГА ШЕЪРИЙ МАКТУБ

Ярим аср музланган,  
Кўнгилларда тузланган,  
Қўрқиб-қўрқиб эсланган,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда.  
Юрт, элатни оралаб,  
Кофирларни қоралаб,  
Солиҳларни саралаб,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда.  
Уруғ-аймоғи билан,  
Болу қаймоғи билан,  
Бемору соғи билан,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда.  
Давлати, шони билан,  
Ул қайноқ қони билан,  
Беку султони билан,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда.  
Пирлар, устозлар билан,  
Навкар, сарбозлар билан,  
Кўплару озлар билан,  
Чархи дунни айланиб,  
Ҳазрат Темир қайтмоқда.  
Гоҳ ҳайрон, гоҳ ўнгланиб,  
Элга ибрат, чўнгланиб,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда,  
Ўтса ҳамки йил-аср,  
Бузилмаган кўшк-қаср.  
Улусдан йўқ хавотир,  
Юрт ҳавосин тутмоқда  
Ҳазрат Темур қайтмоқда.

Қиличлари қинида,  
Душман ухлар инида.  
Дабдаба шони билан,  
Қурбон, имони билан,  
Сароймулкхоним билан,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда.  
Суратларига таъзим,  
Бутун дунёга машҳур,  
Ибратларига таъзим.  
Эл қувониб кутмоқда,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда...  
Жоҳил-золимни қарғаб  
Аждод-авлодни излаб,  
Бу қутлуғ кунни алқаб,  
Ҳар қадамда лол-тўхтаб,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда.  
Сўзга олқиш айтмоқда.  
Яратганга зикр этиб,  
Эл бахтига шукр айтиб,  
Эл бошига фикр айтиб,  
Ҳазрат Темур қайтмоқда.  
Муродига етмоқда...  
Эл бой бўлса Ҳазрат ҳам,  
Қувончларга тўлади.  
Эрк ой бўлса Ҳазрат ҳам,  
Қутлагани келади.  
Муродига етади.  
Юрт тўрига ўтади.  
Ёзарингиз мўл ҳали,  
Сезарингиз мўл ҳали,  
Мозийни тирилтириб,  
Кечани ва бугунни,

Шон-шуҳратли китоблар.  
Тузарингиз мўл ҳали.  
Илоҳиёт бор, оға,  
Сўзда илоҳиёт бор,  
Сизда илоҳиёт бор...  
Узоқ йўлдан қийналиб,  
Мангуликка айланиб,  
Китобларга жойланиб,  
Ҳазрат Темур қайтдилар.  
Эл юртга, миллатга  
Тарихни тирилтирган  
Сизга қуллуқ айтдилар.  
Ҳазрат Темур қайтдилар,  
Қайтдилар...

**Бибисора ТУРОБОВА,**  
**Дўрмон.**  
**7.03.2017.**

**Нурали Қобул:**  
**“ТЕМУРИЙЛАР” эпопеяси**  
**Тарихий романлар серияси**

Чингиз Айтматов, Андрей Вознесенский, Борис Полевой ва Андрей Дементьевлар томонидан ижодига юксак баҳо берилган атоқли ёзувчи Нурали Қобулнинг миллий ва жаҳон адабиётида воқеа сифатида эътироф этилаётган, юз эллик йиллик темурийлар салтанати ва Буюк Темур, Турон юртининг X – XV асрлар тарихига бағишланган романлардан иборат “Темурийлар” эпопеясининг электрон варианты яқин кунларда инглиз ва ўзбек тилларида ўқишга чиқарилади.

## МУНДАРИЖА

Биринчи боб .....	3
Иккинчи боб .....	22
Учинчи боб .....	43
Тўртинчи боб .....	56
Бешинчи боб .....	75
Олтинчи боб .....	101
Еттинчи боб .....	117
Саккизинчи боб .....	127
Тўққизинчи боб .....	145
Ўнинчи боб .....	156
Ўн биринчи боб .....	165
Ўн иккинчи боб .....	174
Ўн учинчи боб .....	185
Ўн тўртинчи боб .....	194
Ўн бешинчи боб .....	207
Ўн олтинчи боб .....	220
Ўн еттинчи боб .....	230
Ўн саккизинчи боб .....	247
Ўн тўққизинчи боб .....	255
Йигирманчи боб .....	270
Йигирма биринчи боб .....	281
Йигирма иккинчи боб .....	293
Йигирма учинчи боб .....	307
Йигирма тўртинчи боб .....	322
Йигирма бешинчи боб .....	329
Йигирма олтинчи боб .....	339
Йигирма еттинчи боб .....	349
Йигирма саккизинчи боб .....	362
Йигирма тўққизинчи боб .....	374
Ўттизинчи боб .....	386
Ўттиз биринчи боб .....	397
Улуғ адиб, Нурали Қобул оғамга шеърӣ мактуб .....	411

Адабий-бадиий нашр

*Нурали ҚОБУЛ*

# СУЛТОН ҚАРШИСИДАГИ ШАЙТОН ХІ

*Тарихий роман*

Масъул муҳаррир:	А.Қоржовов
Муҳаррир:	О.Қанаев
Дизайнер:	Р.Ташматов
Мусаҳҳиҳ:	М.Холиқова
Саҳифаловчи:	Г.Курбанбаева

Босишга берилди 31.05.2018. Қоғоз бичими 60x84 1/16  
"Arial" гарнитураси. Нашр босма табоғи 26,0  
Адади 3000 Буюртма №42

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.  
Нашриёт лицензияси: АІ №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

*Email: book@ijodpress.uz*

*www.IjodPress.uz*

23200 e



Турон ўлкаси, турк эллари кечмиш тарихининг бир ярим асрлик олтин даври ёрқин бадиий бўёқларда акс этган “Темурийлар” эпопеяси мутолаасида давом этинг!



“Темурийлар” эпопеясининг навбатдаги жилдлари:  
 “Аросат ва Фаросат” - XII  
 “Шайтон шамшири” - XIII  
 “Тангри тарозиси” - XIV

ISBN 978-9943-994-88-1



9 789943 994881

